



«KAMOLOT»  
KUTUBXONASI

Фридрих  
Нитше

# Зардўшт таваллоси

*Насрий достон*



  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2015

**УЎК: 1(091)(430)**  
**КБК: 87.3 (4Гем)**  
**Н – 66**  
**Нитше, Фридрих**

Зардўшт таваллоси: насрий достон / Фридрих Нитше. Таржимон Иброҳим Faфуров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015 йил. – 448 б.

ISBN 978-9943-27-262-0

«Одам ўз-ўзини яхши кўришни ўргансин. Бу бутун ва соғлом муҳаббат бўлсин...»

Сизнинг қалбингизга ёруғлик олиб кирадиган бу фикрлар Зардўштнинг таваллолари дидир.

«Зардўшт таваллоси» – тўрт қисмдан иборат бўлган насрий достон. Ушбу насрий достонни мутолаа қиласиз, немис файласуфи Фридрих Нитшенинг фақат ўзигагина хос ва мансуб бўлган қарашлари, фикрлари билан танишасиз, ҳеч кимни кига ўхшамайдиган ва ҳеч кимни такрорламайдиган оламидан воқиф бўласиз.

**УЎК: 1(091)(430)**  
**КБК: 87.3 (4Гем)**

**Таржимон ва сўнгсўз муаллифи:**  
Иброҳим FAФUРОВ

**Масъул мұжаррир:**  
Ваҳоб РАҲМОНОВ,  
филология фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-27-262-0

© Фридрих Нитше, «Зардўшт таваллоси». /Таржимон Иброҳим Faфуров. «Янги аср авлоди», 2015 йил.

## **БИРИНЧИ ҚИСМ**

---

### **ДЕБОЧА**

#### **АЪЛО ОДАМ ВА ОХИРГИ ОДАМ ЗИКРИ**

**1**  


Зардўшт ўттизга тўлганда, ўз юртини ва ўз юртининг ойнакўлини тарк этди-да, тоғларга чиқиб кетди. Бу ерларда у ўз руҳи ва ўз ёлғизлигининг лаззатини сурди ва ўн йил ўз баҳт-иқболидан ўксинмади. Лекин кунлардан бир кун унинг қалби безовталанди – саҳармардан ўрнидан туриб, қуёшга тўғри рўпара келди ва унга шундай сўзлар билан тавалло қилди:

«Эй, Машриқ шаҳи! Агар мунавар шуълала-рингга интизорлар бўлмаса, сенинг баҳт-иқболинг нимага ҳам арзирди!

Ўн йил мағорам узра балқиб турдинг: агар мен бўлмасайдим, менинг илоним ва менинг морим бўлмасайди, сен ўз нурларингдан ва ўз йўлла-рингдан ўзинг илон безган ва тўйган бўлардинг.

Лекин биз ҳар тонгда сени мунтазир кутардик, сенинг саховатингни жонимизга жойлардик ва сенга ҳамду сано ўқирдик.

Боқ! Мен ҳаддан ортиқ бол тўплаган асалари сингари ўз донолигимдан ўзим тўйиб кетдим;

менга томон илтижо бирлан чўзилган қўллар бў-  
лишилигини истайман.

Мен қўшқўллаб тортиқ қилиш ва саховат ёфди-  
ришни истайман, токи одамларнинг ақдиллари ўз  
телбаликларидан қувониб юрсиналар ва қашшоқла-  
ри – ўз бойликларидан шоду хандон ўлсинлар.

Шунинг учун мен пастга инмоғим керак; сен  
ҳам ҳар оқшом шундай қиласан, денгизга чў-  
масан ва дунёning у бетига ёруғлик элтасан, о,  
зарафшон сайёра!

Мен-да, худди сен каби ботмоғим керак. Мен  
ҳузурларига тушмоқчи бўлган одамлар буни шун-  
дай деб атайдилар.

Шунинг учун менга оқ фотиҳа бер, эй, сокин  
кўз, сен ҳаду поёнсиз баҳту иқболга ҳам ҳеч қачон  
ҳасад қилмайсан!

Тўкилай деб турган жомни алқа, токи олтин  
шарбат оқиб, ҳар томонга сенинг шукуҳинг шуъ-  
лаларини ёйсин!

Боқ, жом яна бўшамоқчи ва Зардўшт яна  
одамга айланмоқчи».

Зардўштнинг ботиши ана шундай бошланди.

## 2

Зардўштнинг ёлғиз ўзи тоғдан тушди, унга  
йўлда ҳеч ким дуч келмади. Лекин у ўрмонлиқча  
кирган чоғда, ўз муборак ҳужрасини ўтин териш  
учун тарқ этган қари чол йўлиқди. Пир Зардўштга  
шундай сўзларни айтди:

«Бу мусоғирни мен танийман: бир неча йил  
илгари бу ердан у ўтган эди. Ўзини Зардўшт деб  
атаган эди; лекин ортиқ у ўзгарибдир.

Үшанды сен ўз хокингни тоғларга олиб чиқиб кеттган эдинг: наҳот сен энди ўз оловингни водий-ларга элтмоқни хаёл қиласан? Наҳот сен ўт қўй-гувчиларга бериладиган жазодан қўрқмайсан?

Ха, мен Зардўштни танидим. Унинг нигоҳи тоза ва забонида нафрат йўқ. Шу боисдан эмасми, у худди рақс тушаётган каби елиб боради.

Зардўшт эврилмиш, болага айланмиш Зардўшт, хобидан Зардўшт уйғонмиш: уйқуда ётганлардан сен энди нима истайсан?

Сен ёлғизликда худди денгиз мисол яшадинг ва денгиз сени ўз тўлқинларида кўтариб юрди. Эвоҳ! Сен ахир қуруқликка чиқишини хоҳдайсанми? Сен яна ўз лошингни ўзинг кўтариб юрмоқчи бўласанми?»

Зардўшт жавоб берди: «Мен одамларни севаман».

«Шунинг учун эмасми, – деб айтди пир, – мен ўрмон ва даштга чиқиб кетмишдим? Ахир шунинг учун эмасмиди, одамларни шунчалар севганим?»

Энди мен худони суюман. Суймайман мен одамларни. Наздимда одам боласи бағоят чала. Одамга муҳаббат мени ўлдирган бўлур эди».

Зардўшт жавоб айлади: «Муҳаббат ҳақида мен нима дебман! Мен одамларга тортиқ олиб бораман».

«Уларга ҳеч нарса берма, деди пир. Яххиси, уларнинг бирон нимасини ечинтириб ол ва улар билан бирга кўтариб бор – уларга шундан кўра авлоси йўқ; магар сенга ҳам худди шу авло бўлса!

Магар сен уларга тортиқ қилмоқчи бўлсанг, садақадан ортиқ тортиқ қилма ва яна мажбур қил, токи сендан тилаб олсинлар!»

«Йўқ, деб жавоб айтди Зардўшт, – мен садақа бермайман. Бунинг учун унчалар қашшоқ эмасман».

Пир Зардўшт устидан қулди ва шундай деди: «Унда бир илож қил, токи сенинг ғазналарингни қабул қилиб олсиналар! Улар дарвешларга ишон-майдилар ва бизни тортиқ қилишга келган деб ўйламайдилар.

Бизнинг йўллардаги қадам товушларимиз уларга ҳаддан ортиқ мискин эшитилади. Улар ўз тўшакларида ётиб ҳали қуёш чиқмасдан бурун қадам сасларини эшитсалар, ўзларига ўзлари савол берадилар: қаерга бораяпти бу ўгри деб?

Ахир одамлар ичига борма, шу ўрмондаёқ қол! Яхшиси маҳлуқлар билан бўл! Нега сен мендек бўлишни истамайсан – айиқлар ора айик, қушлар ичра куш?»

«Пирнинг ўзи ўрмонда нима қиляпти? – сўради Зардўшт.

Пир жавоб айлади: «Мен қўшиқлар тўқиб айтаман: мен қўшиқлар тўқиётганимда куламан, йифлайман ва ўз-ўзимга шивирлайман: мен худога шундай ҳамду сано айтаман.

Бахши бўлиб, кулиб, йифлаб, шивирлаб мен худога сано айтаман, худойимни улуфлайман. Лекин айт-чи, сен бизга нимани тортиқ қилмоқчисан?»

Зардўшт бу сўзларни эшитиб, пирга таъзим қилди ва шундай сўзларни айтди: «Сизга нимани ҳам берардим! Ижозат этинг, тезроқ кетайин, токим, сизнинг бирон нимангизни олиб қўймайин!» Шундай деб улар – қари пир ва одам ўз йўлларига кетдилар ва худди болалардек кула-кула айрилдилар.

Лекин Зардўшт ўрмонда ёлғиз ўзи қолгач, дилининг тубида шундай деди: «Шундай ҳам бўлиши мумкинми! Бул пири муборак ўз ўрмонида юриб ҳали эшиитмаган экан-да, ахир аллақачон, худо ўлган!»

Үрмөн орқасидаги шаҳарга етиб келиб Зардўшт бозор майдонида йифилган жуда кўп одамлар устидан чиқди: зотан, дор ва дорбоз ўйини ваъда қилинмиш эди. Шунда Зардўшт халойиққа қаратат шу сўзларни айтди:

«Мен сизларга аъло одам ҳақида таълимот келтиридим. Одам шундайин бир хилқаттурким, ундан ошиб ўтмоқ керак. Сиз уни ошиб ўтмоқ учун нима қиадингиз?

Шу дамгача барча хилқатлар ўзларидан юқорироқ ниманидир яратдилар. Сизлар шу улуғ тўлқиннинг қайтиши бўлиб ўтирдингизларми? Одамдан ўтиш ўрнига тезроқ яна ваҳший ҳайвон қиёфасига киришга ошиқдингларми?

Одамнинг қошида маймун нима деган нарсадир? Кулги ёхуд азоби кўп шармандалик. Одам аъло одам қошида худди мана шундай ҳолаттадир: ё кулги ва ё азобингиз шармисорликдир.

Сизлар қуртдан одам бўлдингиз, лекин ҳамон кўп ҳолда қурт қобигидан қутулмагансиз. Бир замон сиз маймун эдингиз ва ҳатто ҳозир ҳам аксар маймунлардан кўра кўпроқ маймундир?

Ичларингизда бўлмиш энг ақдилларингиз ҳам ҳатто ўсимлик билан хулё-шарпа ўртасида тебраниб турган нораво бир шаклдир. Лекин мен ахир сизларга ўсимлик ёки шарпа бўлингиз деб айтиётирманми?

Қаранг, мен сизларга аъло одам ҳақида таълимот беражакман.

Аъло одам – заминнинг мазмуни. Сизнинг иродангиз айтсин: «Майли, аъло одам заминнинг мазмуни бўлсин!»

Биродарларим, мен сизга илтижо қилиб айтурман: заминга содиқ бўлингиз ва ер узра умид тўғрисида сизга сўзлаётганларга ишонмангиз! Ўзлари биларларми-бilmасларми, бари бир, улар заҳарлагувчилардир.

Улар ҳаётдан нафратланурлар, улар ўзларини ўзлари заҳарламишлар ва ўлимлари сари йўл олмишлар, ер улардан чарчамишдир: ўлим уларга!

Аввалда худобезорилик энг мудҳиш безорилик эрди. Аммо худо ўлди ва у билан бирга бу худобезорилар ҳам ўлдилар. Энди ерни ёмонлаш – энг мудҳиш жиноятдир, баайни билиб бўлмаснинг моҳиятини ер мазмунидан юксак билмоқ ҳам худди шундайдир.

Бир замон дил вужудга шундай нафрат билан қараган эди: ўшанда шу нафратдан кўра юксакроқ ҳеч нарса йўқ эди; – у вужудни ориқ, манхус ва оч кўришни истаган эди. У вужуд ва заминдан қочишини шундай кўзламиш эди.

У, бу дилнинг ўзи шунчалар ориқ, манхус ва оч эди; шафқатсизлик бу дилнинг роҳати эди!

Лекин, эй, биродарларим, айтингиз: сизнинг вужудингиз дилингиз ҳақида нималар дейдир? Ахир сизнинг дилингиз қашшоқлик, лойқа сел ва ўз-ўзидан мамнунликдан ўзга нимадир?

Чиндан ҳам, одам бу – лойқа селдир. Бу лойқа селни ўзига ютиб яна тоза қолмоқ учун фақат денгиз бўлмоқлик керакдир.

Қарангиз, мен сизга аъло одам тўғрисида сўйлаяпман: у – ўша денгиз, унда сизнинг улуғ нафратингиз чўкиб кетгай.

Сиз бошингиздан кечиришингиз мумкин бўлган энг олий нарса нимадир? Бу – улуғ нафрат соатидир. Ўша соатда сизнинг баҳт-иқболингиз

күзингизга манфур бўлиб кўрингай, манфур бўлиб кўрингай сизнинг ақдингиз ва сизнинг яхшилигингиз ҳам.

Ўша соатда сиз айтурсиз: «Менинг бахтим нимадур! У – қашшоқлик, ифлослик ва ўз-ўзидан ожизона мамнунликдир. Менинг бахтим менинг борлиғимни оқдамоги керак эди».

Ўша соатда сиз айтурсиз: «Менинг ақдим нимадур! Арслон ўлжа қидиргандаи, у ҳам билим қидиравмикин? У – қашшоқлик, ифлослик ва ўз-ўзидан ожизона мамнунликдир!»

Ўша соатда сиз айтурсиз: «Менинг яхшилигим нимадур! У мени телбавор қиласади. Мен қанчалар толдим ўз яхшилигимдан ва ўз ёмонлигимдан! Буларнинг бари қашшоқлик, ифлослик ва ўз-ўзидан ожизона мамнунликдур!»

Ўша соатда сиз айтурсиз: «Менингadolатим нимадур! Кўрмайман мен – алнга бўлдимми ё чўф бўлдим? Одил эса бу – алнга ва кўмирдир!»

Ўша соатда сиз айтурсиз: «Менинг шафқатим нимадур! Ахир шафқат – одамларга муҳаббат қўйганлар михланадурган салиб эмасми? Лекин менинг шафқатим хочга михланиш эмасдир».

Сиз аввал шундай сўйлаганмисиз? Сиз аввал шундай нидо қилганмисиз? Оҳ, қанийди, сизнинг шундай нидоларингизни эшитган бўлсан!

Сизнинг гуноҳингиз эмас – сизнинг такаббурлигинги кўкларга фарёд соладур; гуноҳларингизнинг тубанлиги кўкларга фарёд кўтарадур!

Лекин сизни ўз тили билан яладирган чақмоқ қани? Сизга эм қилинадурган телбалик қани, қайда?

Қарангиз, мен сизга аъло одам ҳақида сўйлаб турибман: – У чақмоқ, у телбалик!»

Зардўшт шуларни айтаркан, аллаким издиҳом ичидан қичқирди: «Биз дорбоз ҳақида күп эшиг-ганмиз; бизга унинг ўзини кўрсатсинглар!» Бутун халойиқ Зардўшт устидан қулгани турди. Дорбоз эса бу гапларни ҳойнаҳой менга айтишяпти-ку, деб ўртага тушди.

4

Зардўшт эса халойиққа қараб таажжубга ботарди. Кейин у шундай деди:

«Одам бу – ҳайвон билан аъло одам ўртасида тортилмиш арқон, – у тубсиз чоҳ узра осилиб туради.

Ўтмоқ хатарли, ярим йўлда қолмоқ хатарли, орқага ўгирилиб қарамоқ хатарли, қўрқиш ва тўхташ хатарли.

Одам мақсад эмас, кўприкдир, ана шуниси муҳим: одам ўтиш ва маҳв бўлишдир, одамнинг шунисинигина севиш мумкин.

Мен ҳалок бўлишдан ўзгача яшай билмайдиганларни севаман.

Мен буюк манфурларни севаман, зотан, улар ўзга соҳилларга буюк иштиёқманд ва истакнинг ўқидирлар.

Мен шундайларни севаманки, улар ҳалок бўлиш ва маҳкумлик учун юлдузлар ортидан асос изламайдилар: аксинча замин қачонлардир аъло одам заминига айланмоғи учун ўзларини ерга курбон қиласидилар.

Мен шундай одамни севаманки, у билиш учун яшайди ва қачондир ер юзида аъло одам яшамоғи учун билишни истайди. Зотан, у шу тарзда ўз ҳалокатини истайди.

Мен шундай одамни севаманки, у аъло одамга макон қурмоқлик учун заҳмат чекади ва ихтиrolар қилади ва унинг келмоги учун ер, маҳлуқлар ва набототни ҳозирлаб қўяди: зотан, у шу тарзда ўз ҳалокатини истайди.

Мен шундай одамни севаманки, у ўз яхшилиги-ни севади: зотан, яхшилик ҳалокатининг иродаси ва ўзга соҳиллар истакларининг ўқлари-дир.

Мен шундай одамни севаманки, у ўзи учун бир қатра руҳ асрамайди, лекин ўзи бутунлай ўз яхшилигининг руҳи бўлмоққа интилади: зотан, у худди мана шундай руҳ сингари қўприқдан ўтиб боради.

Мен шундай одамни севаманки, у ўз яхшилиги-дан ўз интилишлари ва ўз толеини ясади: зотан, у худди мана шундай ўз яхшилиги учун яшашни истайди ва бошқа яшашни истамайди.

Мен шундай одамни севаманки, у ҳаддан ташқари қўп яхшиликларга эга бўлишни истамайди. Битта яхшилик яхшидир иккита яхшиликдан, зотан, у толени тутиб турувчи тугундан кўра каттароқдир.

Мен шундай одамни севаманки, у қалбини тортиқ этади, у миннатдорчилик кутмайди ва миннатдорчилик қилмайди: зотан, у мудом ўзини тортиқ этади ва аямайди ўзини.

Мен шундай одамни севаманки, у ўйин омади ўзига келганда бундан уялгай ва ўз-ўзидан сўроқлагай: «Наҳот мен фирром ўйинчи бўлсам?» – зотан, у ўз ҳалокатини истагай.

Мен шундай одамни севаманки, у ўз амалидан бурун олтин сўзларни айтади ва доимо айтганидан кўра кўпроқ ишни қилади: зотан, у ўз ҳалокатини истайди.

Мен шундай одамни севаманки, у келажак одамларни оқлади ва ўтмиш одамларни халос этади: зотан, у ҳозирнинг одамларидан ҳалокат истайди.

Мен шундай одамни севаманки, у ўз худосини суяди ва ўз худосига жиддий қарайди: зотан, у ўз худосининг қаҳридан ҳалок бўлмоғи керакдир.

Мен шундай одамни севаманки, унинг қалби ҳатто жароҳатларда ҳам терандир ва у салгина синовдан ҳалок бўлмоғи мумкин: шу боис у ўзи хушлаб кўприкдан ўтиб боради.

Мен шундай одамни севаманки, унинг қалби лиммо-лимдир, шу боис у ўз-ўзини унутади ва барча нарсаларни ўзида сақлади: ана шундай қилиб барча нарсалар унинг ҳалокатига айланади.

Мен шундай одамни севаманки, унинг руҳи озоддир ва унинг қалби озоддир: зотан, унинг боши қалбининг ичгинаси дир, унинг қалби эса уни ҳалокатга етаклайди.

Мен шундайларни севаманки, улар одамзот боши узра осилиб турган қора булутдан бирин-сирин сизилиб тушаётган оғир томчилардирлар: чақмоқ яқинлашаёттир, деб башорат қиладилар ва худди кароматгўйлар сингари ҳалок бўладилар.

Қарангиз: мен чақмоқ даракчиси ва булутдан томаётган оғир томчиман: лекин бу чақмоқнинг номи аъло одамдир».

5

Зардўшт шу сўзларни айтиб, яна ҳалойиқقا қаради ва жим бўлиб қолди. «Мана улар қараб турибдирлар, – деди у ўз дилига, – мана улар кулиб турадирлар: улар мени тушунмайдилар, менинг сўзларим уларнинг қулоғига кирмайди.

Наҳот улар кўзлари билан тингламоқлари учун аввал уларнинг қулоқларини чўзиш керак бўлса? Наҳотки нофора қоқмоқ керак ва наҳот тавбаларга таянтиromoқ керак? Наҳот улар фақат дудуқларгагина ишонадилар?

Уларнинг бир нималари бор, шу бир нималари билан фуурланадилар. Лекин уларни мағур қилган нарсани улар нима деб атайдилар? Улар буни маданият деб атайдилар, маданият уларни подачилардан ажратиб туради.

Шунинг учун улар ўзлари ҳақда «манфур» сўзини эшитишни истамайдилар. Мен уларнинг фуурига сўйлайман.

Мен уларга энг манфур хилқат ҳақда сўйлайман: у хилқат энг охирги одамдир».

Зардўшт халойиққа яна шуларни айтди:

«Одам ўз олдига ўз мақсадини қўядиган вақт келади. Одам ўз умидининг энг олий донасини экадиган вақт келади.

Бунинг учун унинг замини ҳали етарлича бой. Аммо бу ер бир кун келиб ориқ ва беҳосил бўлиб қолгай ва унда битта ҳам баланд дараҳт ўсмагай.

Вовайлато! Шундай бир вақт келаётирки, унда одам энди истак ўқларини одамдан кўра юқори отолмагай ва унинг камон или ўқтираш нималигини билмаяжак.

Сизларга айтаман: рақс тушаётган юлдузни түфмоқ учун ўз жонингизда фазони олиб юрмогингиз керак. Мен сизга айтаман: ҳали сизда фазо бор.

Вовайлато! Одам энди юлдуз түфмайдиган замонлар келаётир. Вовайлато! Энг манфур одамнинг замонаси келаётир, у энди ҳатто ўзини-ўзи нафрата ботиролмайди.

Қарангиз! Мен сизларга энг охирги одамни кўрсатаман.

«Муҳаббат нимадир! Яратмоқдик нимадир? Интилоқдик-чи? Юлдуз дегани нимадир?» – охирги одам ана шундай деб сўраб туради ва кўзларини пирпиратади.

Ер кичкина бўлиб қолди ва ер узра ҳамма нарсани кичкина қилиб қўйгувчи кичкина одам сакраб-сакраб юрибди. Унинг уруғи суварак каби қирилиб битмагай; охирги одам ҳаммадан кўпроқ яшайди.

«Бахт-саодатни биз топганмиз», – дейдилар охирги одамлар ва кўзларини пирпиратадилар.

Улар яшашга совуқ мамлакатларини тарк этдилар: зотан, уларга ҳарорат керак. Улар қўшиларини ҳам суюдилар ва унга суйкаладилар: зотан, уларга иссиқ керак.

Касалланмоқ ва шубҳаланиб юрмоқни улар гуноҳ санайдилар: зотан, улар эҳтиёткорона қадам босадилар. Фақат телбаларгина одамлар ва тошларга қоқилиб юрадилар!

Вақти-вақти билан андак заҳар ютадилар: шундан яхши тушлар кўрадилар. Охирида заҳарни кўпроқ ютмоқ керак: ўлим қийин бўлмагай.

Улар ҳали меҳнат қиласидилар, зотан, меҳнат – роҳат. Лекин улар роҳатдан чарчаб қолмаслик чорасини кўрадилар.

Энди бошқа бойлар ҳам, камбағаллар ҳам бўлмагай: униси ҳам, буниси ҳам анча оворагарчилик. Яна ким бошлиқ бўлишни хоҳлайди? Ким бўйсунишни истайди? Униси ҳам буниси ҳам анча овора қиласиди.

Чўпон йўқ, ҳаммаси пода! Ҳар ким тенглик истайди, ҳамма тенг: кимда-ким бошқача англаса, у ўз ихтиёри билан жиннихонага йўл олади.

«Илгари бутун олам телба эди», – дейишади уларнинг энг ақдиллари ва кўзларини пирпира-тишади.

Ҳаммалари ақдли ва улкан ҳамма нарсаларни билишади: шунинг учун ҳеч тўхтамай кулавериш мумкин. Улар ҳали жанжаллашиб туришади, лекин тез ярашиб оладилар – бўлмаса, қоринлари оғриб қолади.

Уларнинг тунга аталган ўз кичкина роҳатлари бор, уларнинг кундузга аталган ўз кичкина роҳатлари бор: лекин соғлик – ҳаммасидан кўра афзал.

«Бахт-иқболни биз топганимиз», – деб айтишади охирги одамлар ва кўзларини пирпиратишади».

Шу ерда Зардўштнинг ilk сўзи тугади, уни «Дебоча» деб ҳам атайдилар, зотан, худди шу ерга келганда издиҳом шодиёна қичқириб, унинг сўзини бўлди. «Бизга ўша охирги одамни келтириб бергил, о, Зардўшт, – деб қичқирдилар улар, – бизни ўшал охирги одамларга ўхшатиб қўйгил! Ўшандабиз сенга аъло одамни тортиқ қиласмиш!» Бутун халойиқ шод-хуррам бўлиб, тилларини та-киллатишарди. Аммо Зардўшт маъюсланиб қолди ва ўз дилига ўзи шундай деди:

«Улар мени тушунмайдилар: сўзларимни қу-лоқларига олмайдилар.

Афтидан дараҳтларга қўпроқ қулоқ тутганга ўхшайман: энди уларга мен худди подачиларга сўйлагандай сўйлайман.

Тонгги тоғлар каби дилим матонатли ва нураф-шон. Лекин улар мени совуқ деб ўйлайдилар, гўё мен оғир ҳазил-мазахлар қиласман.

Кўрингиз: улар менга қараб туриб, куладилар: кулиб туриб яна мендан нафратланадилар. Уларнинг кулгилари музга ўхшайди».

Шунда барчани ҳайрону лол қилиб қўйган бир воқеа рўй берди. Бинобарин, бу орада дорбоз ўз ўйинини бошлаган эди: у кичкинагина эшикчадан чиқиб келди-да, бозор майдони ўртасида икки минора ўртасида халойиқ узра тортилган арқонда юриб кетди. У ўз йўлининг ўртасига етганда, кичкина эшик яна очилиб, худди масхарабоз каби алвон либослар кийган барзангি кимса ундан отилиб чиқди-да, шитоб билан биринчи дорбоз кетидан юрди. «Тез юр, чўлоқ, – деб қичқиравди у ўзининг қўрқинчли овози билан, – тез-тез бўл, танбал қорамол, хуфия савдогар, башараси пес! Тепиб абжагингни чиқариб қўймай тағин! Сен бу миноралар орасида нима қилиб юрибсан? Сен минордан чиқдинг, сени ўша ерга қамаб қўйиш керак эди, сен ўзингдан қўра яхшироқнинг йўлини тўсяпсан!» – У қичқира-қичқира дорбозга яқинлаб бораради: унга етишига бир қадамгина қолганда, жуда ҳам қўрқинчли бир нарса бўлди, йифилган барча халойиқ ҳангуманг бўлиб қолди: у иблисона бир ҳайқирди-да, йўлини тўсиб турган дорбоз устидан сакради. Бирингчи дорбоз рақибининг устун келаётганини кўриб, бошини йўқотиб қўйди, арқонни кўрмай қолди, у ўз лангар чўпини ташлади ва ўзи ҳам лангар чўпидан ҳам тез пастга учеб кетди, оёқлари ва қўллари қуюндай чарх урди. Бозор майдони ва одамлар бўрон турган дентиз янглиф чайқалдилар: ҳамма саросимада ҳар томонга қочди, кўплар дорбоз қулаётган ёққа ўзларини урдилар.

Аммо Зардўшт жойидан қимирамади, дорбоз унинг оёқлари остига тушди, мажақланиб, илви-

раб кетди, лекин ҳали унинг жони узилмаган эди. Андак ўтмай бечора кўзини очди ва ўз олдида тиз чўкиб ўтирган Зардўштни кўрди. «Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? – деб сўради у ниҳоят. – Мен аллақачон билардим жин чалишини. Энди у мени жаҳаннамга қараб судраяпти: уни бу йўлдан қайтаролмайсанми?»

«Виждоним-орим билан қасам ичаманки, эй, биродарим, – деб жавоб қилди Зардўшт. – Сен айтган нарсалар ҳеч қачон бўлган эмас: на жин бор ва на жаҳаннам. Тананг совимай туриб, руҳинг учиб кетгай. Ҳеч нарсадан қўрқма!»

Дорбоз унга ишонқирамасдан боқди. «Агар гапларинг рост бўлса, – деди у, – ҳаётимни йўқота туриб мен ҳеч нарса йўқотмайман. Оч қолдириб, калтакланиб, ўйинга ўргатилган ҳайвонга қараганда, мен бир оз каттароқман».

«Унчалик эмас, – деди Зардўшт. – Сен хатардан ўзингга ҳунар ясагансан, бунинг нафратланадиган жойи йўқ. Энди сен ўз ҳунарингдан ҳалокатга учрадинг: шунинг учун мен сени ўз қўлларим билан ерга қўмишни истайман».

Зардўштнинг бу сўзларига ўлаётган дорбоз ҳеч нарса демади, у қўлларини қимирилатди, миннатдорчилик билдиromoқчидаи Зардўшт қўлларини қидирди.

## 7

Орада оқшом тушди ва бозор майдони тун зулматига фарқ бўлди: халқ тарқалди, зотан, одам қўрқиб ва томоша қилиб ҳам ҳоради. Аммо Зардўшт ҳамон мурда ёнида ўтирап, ўз хаёлларига чўмган эди: у вақтни унутиб қўйган эди.

Тун кириб, унинг совуқ шамоли ёлғиз ўтирган кимсага асар қилди. Шунда Зардўшт ўрнидан қўзгалди ва ўз қалбига ўзи деди:

«Чиндан ҳам, бутун Зардўштнинг ови бароридан келмиш. У одамни тутиб қололмади, бироқ у мурдани қўлга туширди.

Одамнинг туриш-турмуши безовталик ва боз устига доимо бемаъни: унинг толеига масхарабоз бўлмоқдик ёзилмишdir.

Мен одамларга туриш-турмушнинг маъносини англатмоқчиман: бу маъно аъло одамдир, қора булат ичидан чиққан чақмоқ-одамдир.

Лекин мен ҳали одамлардан узоқман ва менинг фикрим уларнинг фикрига сўзламай туради. Мен одамлар учун телба билан мурданинг нақ ўртасидадирман.

Тун қоп-қоронгу, Зардўштнинг йўллари қоп-қоронгу. Борайлик, совуқ, музқотган биродар! Сени кўмгали олиб борайин ва ўз қўлларим ила кўмайин».

8

Буларни Зардўшт ўз дилига ўзи сўйлаб, мурдани елкасига олди-да, йўлга тушди. Лекин у ҳали юз қадам ҳам юрмаган эди, аллаким орқасидан биқиниб-пусиб келди-ю, унинг қулогига алланарсаларни шипший бошлади. Шипшиётган минорада кўринган масхарабоз эди. «Бу шаҳардан жўнаб кеттил, о, Зардўшт, – дерди у. – Сени кўплар бу ерда ёмон кўришади. Яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам ёмон кўришади, улар сени ўзларига манфур душман деб билишади; сени мўминлар ҳам ёмон кўрадилар, сени халойиқ учун хатарли

деб билишади. Устингдан кулганлари сенинг баҳтинг: чиндан ҳам, сен худди масхарабоз каби сўз айтдинг. Итнинг ўлигига дуч келганинг сенинг баҳтинг; шундай таҳқирлаб сен ўзингни қутқардинг. Лекин бу шаҳардан тезда чиқиб кетгили – акс ҳолда мен эртага сенинг устингдан худди тирик ўликнинг устидан сакрагандай сакрагайман». Шуларни айтиб, шарпа фойиб бўлди; Зардўшт эса яна қоронғу кўчалардан йўлга тушди.

Шаҳар дарвозасида унга гўрковлар йўлиқиши; кўлларида машъалани унинг юзига тутишди; Зардўштни таниб, анчагача уни масхара қилиб турдилар. «Зардўшт итнинг ўлигини олиб кетаяптими? Баракалла, Зардўшт энди гўрковликни касб қилибди-да! Зотан, бизнинг қўлларимиз бундай ҳаром мурдадан ҳазар қилади. Зардўшт мабодо жиннинг луқмасини ўғирлаб кетмоқчи эмасми? Майлига! Иштаҳаси карнай бўлсин! Лекин жин ўғирликда ҳали Зардўштни ора йўлда қолдириб кетади! – у икковингни ўғирлаб кетади, у икковингни еб битиради!» Улар шундай деб қулишар ва бир-бирларига нималарнидир шипшир эдилар.

Зардўшт уларга жавобан ҳеч нарса демади ва ўз йўлига кетаверди. У икки соат ўрмонлар ва ботқоқлардан ўтиб борди, қулоқларига тинмай бўриларнинг оч увиллашлари эшитилиб турди. Ниҳоят у қаттиқ очқади. У жинчироқ, шуъла таратиб турган ёлғиз бир кулба олдида тўхтади.

«Очлик менга худди қароқчилик ташланмоқда, – деди Зардўшт. – Ўрмонларда ва ботқоқларда ташланади менга бу очлик, зулматли кечаларда менга ташланади бу очлик.

Менинг очлигимнинг ажаб инжиқликлари бор. Кўпинча у тушдан сўнг мени ҳол-жонимга

қўймайди, бугун эса қун бўйи мен очлигимни сезмадим: қайси гўрларда тентиб юрган экан ул?!»

Шу сўзларни сўйлаб Зардўшт кулбанинг эшигини қоқди, қари чол чиқди, у қўлида чироқ кўтариб олган эди: «Келаётган ким ва ким менинг фаромуш тушларимни тўзғитган?»

«Тирик ва ўлик, – деб жавоб берди Зардўшт. – Нон-туз тотганим йўқ. Кундуз эсимдан чиқиб кетибди. Очни кимда ким тўйғизса, ўз дилини тўйдирган кабидир: ҳикматда шундай келган».

Чол ичкарига кириб дарҳол Зардўштга чавати нон ва шароб олиб чиқди. «Бизнинг томонларда очларнинг ҳоли ёмон, – деди у, – шунинг учун ҳам мен бу ерда яшайман. Одам болалари ва маҳлуқлар менинг дарвеш кулбамга келадилар. Бироқ чақир ҳамроҳингни у ҳам есин, ичсин, у сендан кўра ҳам чарчаган кўринади». Зардўшт бунга жавобан деди: «Ҳамроҳим ўлган, овқат егани кўндириш қийин». «Бунинг менга дахли йўқ, – деб тўнғиллади чол. – Кимда-ким менинг эшигимни қоқиб келаркан, мен берган нарсани қабул қилмоғи керак. Енглар, ичинглар, саломат бўлинглар!»

Шундан сўнг Зардўшт юлдузларга қарай-қарай яна икки соат йўл босди: зотан, у кечалари йўл босишига ўрганганди ва уйқуга чўмган нарсаларнинг юзига назар солмоқни яхши кўрарди. Лекин тонг ёриша турганда, Зардўшт ўрмоннинг энг хилват ерига етди, у ёғига йўл йўқолди. Шунда у мурдани одам бўйи баландлигидаги дараҳтнинг ковагига ўрнатди-да, – бинобарин, уни оч бўрилардан сақлаган бўлди, – ўзи ерга, юмшоқ хас-ҳашак устига чўзилди. Шу заҳоти уйқуга кетди, унинг вужуди ҳорган, лекин юраги метиндай мустаҳкам эди.

Зардўшт узоқ ухлади, тонг ёришди, кун пешин бўлди, мана, ниҳоят у қўзларини очди: Зардўшт ўрмон ва сукунатга ҳайратланиб бокди, у ўз-ўзининг ички дунёсига ҳайратланиб қаради. Кейин у қуруқликни кўрган маллоҳ каби шаҳд билан ўрнидан турди ва шодмон бўлди: зотан, у янги ҳақни кўрмиш эди. Шунда у ўз-ўзининг дилига айтди:

«Рўшнолик нури тушди менга: менга изимдан борувчи муридлар керак, тирик муридлар керак, мурда муридларни не қиласай, уларни елкамга кўтариб истаган еримга элтаман.

Менга изимдан эргашгувчи тирик муридлар даркор, шундай қилсалар, улар ўзларига ўзлари эргашган бўлажаклар, улар мен истаган ёқقا эргашиб боргайлар.

Менга рўшнолик нури тушди: Зардўшт ҳалойиққа эмас, муридаарга сўйламоғи керакдир! Зардўшт подачи ва поданинг ити бўлмагай!

Кўпларни мен подадан айириб олгали келдим. Ҳалойиқ ва пода мендан норози бўлгай: Зардўшт подачилар ўртасида қароқчи деган ном қозонмоқчи.

Мен подачи деб айтяпман: лекин улар ўзларини яхши мўмин одам деб атайдилар. Мен подачи деб айтяпман: лекин улар ўзларини имонли деб атайдилар.

Қарангиз: яхши ва имонли одамларга! Улар кимни ҳаммадан кўпроқ ёмон кўрадилар? Улар ўзларининг тош лавҳаларини синдирувчиларни, вайронгарчилик келтирувчиларни, жинояткорларни ёмон кўрадилар улар: – лекин шулар эмасми яратувчилар.

Қарангиз: мүмінларга! Ҳаммадан күра қўпроқ кимни ёмон кўрадилар улар. Тош лавҳаларини синдирувчиларни, бузғунчилар, жинояткорларни ёмон кўрадилар: – лекин шулар эмасми яратгувчилар.

Яратгувчи мурдаларни эмас, шунингдек, подалар ва мўминларни эмас, муридларни ахтаради. Яратгувчи худди ўзига ўхшаш яратгувчиларни ахтаради, янги тошбитикларда янги нарсаларни ёзадиганларни излайди яратгувчи.

Яратгувчи муридларни ахтаради ва яна ўзи билан бирга ўрим ўргувчиларни ахтаради яратгувчи: зотан, унинг ҳамма нарсалари ўримга келган. Лекин унга юз дона ўроқ етмайди: шунинг учун у бошоқларни қўли билан юлади ва фазаб отига минади.

Яратгувчи муридларни ахтаради ва яна ўз ўроғини яхши чархлайдиганларни ахтаради яратгувчи. Уларни бузғунчилар деб атайдилар, яхшилар ва ёмонлардан нафрат қилгувчилар деб атайдилар уларни. Лекин улар ҳосилни ўриб оладилар ва байрам қиласидар.

У билан бирга яратгувчиларни ахтаради Зардўшт, у билан бирга ҳосил ўрадиганлар ва байрам қиласидарни ахтаради Зардўшт: подалар, подачилар ва мурдалар билан бирга нимани яратарди Зардўшт?

Сен, эй, менинг тўнгич муридим, хуш қол! Мен сени дарахтнинг ковагига яхшилаб беркитдим, бўрилардан сақладим.

Биз айриламиз, вақт келди. Тонгдан тонгга қадар мен ҳақ нималигини билдим.

Мен на подачи ва на гўрков бўла билгайман. Мен энди ҳеч қачон халойиқقا сўйламасман: мен сўнгти марта мурда билан сўйлашдим.

Яратгувчилар, ҳосил ўргувчилар ва байрам қилгувчиларга қўшилгим келади: уларга мен камалакни кўрсатгим келади ва яна аъло одамга етакловчи барча пиллапояларни кўрсатгим келади уларга.

Мен ўз қўшифимни дарвешларга айтаман ва жуфт-жуфт бўлиб яшайдиганларга айтаман мен ўз қўшифимни. Ҳеч эшитилмаган нарсаларни эшитишга қулоғи борларнинг юракларини мен ўз баҳтим билан вазндор қилмоқчи бўламан.

Ўз мақсадим сари интиlamан мен, ўз йўлимдан йўллаб бораман мен. Ивисиганлар ва ялқовланганлар устларидан сакраб ўтиб кетаман мен. Майлига! Менинг йўлим уларга ҳалокатли бўлгай!

## 10

Ўз дили билан ўзи шундай сўйлашарди Зардўшт, чошгоҳ бўлди: шунда у осмонга ажабсизиб қаради – зотан, боши узра қушнинг қаттиқ қичқирганини эшитди. Кўз қирини ташлаб, у лочинни кўрди: у кўкда кенг доира ясаб учарди, унинг билан бирга илон бор эди, лек ўлакса эмас, дугона эди: зотан, илон лочиннинг бўйнига маржондек ўралмиш эди.

«Мана менинг махлуқларим!» – деди Зардўшт ва кўнгли сууррга тўлди.

«Ер куррасидаги энг мағрур хилқат ва энг ақдли хилқат курраи арздаги – улар изқуварликка отландилар.

Улар Зардўшт тирикми, йўқми, билишни истайдилар. Чиндан ҳам, мен ҳали тирикманми ўзи?

Ваҳшийларга қараганда одамлар орасида бўлиш хатарлироқ экан. Зардўшт хатарли йўллардан юради. Майлига! Мени менинг маҳлуқларим йўллаб борсинлар!»

Зардўшт шундай деб ўрмонда учраган пирнинг сўзларини эслади, хўрсинди ва ўз дилига ўзи шундай деб айтди:

«Кошкийди мен донороқ бўлсам! Мен худди менинг илоним каби бирмунча доно бўлганимда эди!

Лекин мен ақл бовар қилмас ишни истайман: мен ўз фуруримни ўз донолигим билан бирга бўлишини истайман доим!

Агарда қачонлардир донолигим мени тарк эта кўрса: – оҳ, у учиб кетишни севади! – ана унда майлига, менинг фурурим менинг телбалигим билан бирга учиб кетсин!»

Зардўштнинг ботиши шундай бошланди.

## **ЗАРДЎШТ НОЛАЛАРИ**

*Уч бора эврилиши*

Мен сизга руҳнинг уч бора эврилишини айтай: руҳнинг тая, таянинг арслон ва ниҳоят арслоннинг болага айланишини айтиб берайин.

Руҳнинг қийинчиликлари кўп, теран ибодатга қобил, қавий ва чидамли руҳ учун мушкулликлар кўп: энг оғир ва энг қийин нарсаларга интилади унинг салоҳи.

«Оғир нарса нимадир? – деб сўрайди чидамли руҳ ва худди тая сингари тиз чўкиб, устига яхшилаб юқ ортишларини истайди.

«Энг оғир нарсанинг ўзи нимадир?» – деб сўрайди чидамли руҳ. Қаҳрамонлар, айтингиз,

мен буни ўз устимга олай ва ўз кучимдан ўзим қувонай.

Қандай бўларкин бу: ўз кибрини азобга солиш учун ўзини ерга уриш, камситиш эмасмикин? Ўз донолигини масхаралаш учун ўз телбалигини кўз-кўз қилишга мажбурлаш эмасми?

Шундай эмасмикин бу: ғалабасини байрам қилаётганда бу ўз ишини ташлаб кетиш эмасми? Васвосни васвасага солиш учун баланд тоғларга кўтарилиш эмасми?

Шундай эмасмикин бу: болут ёнгоқлари ва билим ўт-ўланларини еб ҳақ учун кўнгил очлигига чидаш эмасмикин?

Шундай эмасмикин бу: касал бўлиб, таскин-тасалли берувчилардан воз кечиб, сенинг нима ислашингни ҳеч қачон эшитмайдиган кар-гаранглар билан дўст тутиниш эмасмикин?

Ёхуд бу шундай эмасмикин: ҳақиқат сувига лойқа бўлса ҳам тушиб, оддига келган совуқ қурбақалар ва иссиқ чўл бақаларини эркалаш эмасми?

Ёки бу шундай эмасмикин: бизни ёмон кўрганларни севиб, бизни қўрқитмоқчи бўлган шарпаларни қучоқ очиб қаршилаш эмасми?

Матонатли руҳ ҳамма қийин нарсаларни ўз устига олади: устига юк ортилган, саҳрора ошиққан тиянгари у ҳам ўз саҳросига чопади.

Лекин саҳронинг энг хилват ерида иккинчи эврилиш рўй беради: руҳ бу ерда арслонга айланади, озодликка эришмоқни ва ўз саҳросида ўзи эга ва хўжа бўлмоқни истайди. Бу ерда у ўзининг сўнгги хўжасини қидиради: унга ва ўзининг сўнгги худосига душман бўлишни истайди, зафар қозонмоқ учун ҳайбатли аждар билан жанг қиласам дейди у.

Рұх боқий хўжа ва худо деб аташни истамаган ўша ҳайбатли аждарнинг ўзи ким? «Сен қилишинг керак» – ҳайбатли аждарнинг исми шундай. Бироқ арслоннинг рұхи айтадирки: «Мен шуни истайман».

Пўстининг тангачалари ялтираган «Сен қилишинг керак», деган махлук олтин чизиқлари жи-мир-жимир этиб унинг йўли устида ётади ва ҳар ярқироқ тилла каби тангачасига «Сен қилишинг керак», деб ёзилган бўлади!

Минг йиллик қадрли нарсалар ярқирайди бу тангачаларда ва аждарларнинг ичида энг кучлиси шундай деб айтади: «Барча нарсаларнинг қадр-қіммати – менинг устимда ярқирайди».

«Қадр-қіммати бор нарсаларнинг бари яратиб бўлинган ва ҳар қадр-қіммати бор нарса бу – менман. Чиндан ҳам, «Мен истайман», деган нарса энди бўлмаслиги керак!» Шундай дейди аждар.

Биродарларим, инсон руҳига арслоннинг нима ҳожати бор? Тобе бўлган, тилини тийган ва тавозекор махлуқнинг нимаси қониқтирумайди?

Янги қадр-қімматлар яратишиликми – бунга арслон ҳали қодир эмас. Аммо янги яратувчилик, эркинлик яратиш – бунга арслоннинг құдрати етади.

Курашиб эркин бўлиш ва ҳаттоқи ўз бурчи қошида ҳам «Йўқ» деб айтолмоқлик – бунинг учун, биродарларим, арслон бўлмоқ керакдир.

Ўзи учун янги қадр-қімматлар ҳақини қозониши бу чидамли ва тавозеъкор рұх учун энг даҳшатли музafferиятдир. Чиндан ҳам, бу унга талончилик бўлиб туюлади, фақат ваҳший ҳайвонларгина унга қодирлар, деб ўйлади.

У қачонлардир «Сен қилишинг керак» деган нарсани ўз муқаддас саждагоҳи каби севарди: эндиликда шу саждагоҳда ҳам у бедодлик ва

армоналарни кўради. Ўз севгингдан ўз эркингни қозонмоқ истасанг, шу ғалаба учун арслон бўлмофинг керакдир.

Лекин айтинглар-чи, эй, менинг биродарларим, ҳатто арслон қилолмаган нарсани сабий бола қила оулурми? Нега ваҳший арслон яна бола бўлмоғи керак?

Бола маъсумлик ва унтишидир, янги иш, янги ўйин, ўз-ўзидан фидираб борувчи фидирак, илк ҳаракат, тасдиқнинг муқаддас сўзи.

Шундай, биродарларим, яратувчилик ўйини учун тасдиқнинг муқаддас сўзи керакдир: энди руҳ ўз иродасини истайди, ундан ажralган ўз дунёсини топади.

Мен сизга руҳнинг уч эврилишини айтдим: руҳ аввал тую бўлди, тую арслонга айланди ва ниҳоят, арслон бола бўлиб қолди.

– Зардўшт шундай деб нидо қилди. Ўшандада у «Ола сигир» деб аталмиш шаҳарда тўхтаган эди.

## **ЯХШИЛИКНИНГ МЕҲРОБЛАРИ**

Зардўштга бир донишмандни мақташди: у тушлар ва яхшиликлар ҳақида сўйлашни билар экан. Шунинг эвазига у бағоят ҳурмат-эътибор қозонган, тақдирланган ва барча ёш-яланглар унинг меҳроби атрофига йиғилиб тиз чўкишарди. Зардўшт донишманд қошига йўл олди ва бошқа ёш-яланглар билан унинг меҳроби атрофига ўтиргди. Донишманд шу сўзларни айтди:

«Уйқу олдидан номус-ор бўлсин! Биринчи шарт шу! Ёмон ухлайдиганлар ва тунда кўз юммайдиганлардан қочинглар!

Уйқу олдида ўғри ҳам уятлидир: тунда у жуда оҳиста қадам қўяди. Лекин тун қоровулининг уяти йўқ, уялмай ўз бургусини чалади.

Ухлашни билиш – арзимаган нарса эмас: яхши ухлаш учун кун бўйи уйғоқ бўлишлик керак.

Кундуз сен ўн маротаба ўз-ўзингни енгмофинг лозим: шундай қилсанг, яхшигина ҳорасан, бу кўнгилнинг банг лоласидир.

Ўн маротаба сен ўз-ўзинг билан муроса қилмофинг керак. Чунки ўз-ўзини енгиш хафагезаклик – шу боис муросага келмаган ёмон ухлайди.

Кундуз чофи сен ўн ҳақиқатни топмофинг жоиз: акс ҳолда сен тун чофи ҳам ҳақиқат қидирасан ва шунда кўнглинг оч қолади.

Кундузи сен ўн маротаба кулишинг жоиз ва қувноқ бўл: акс ҳолда тун чофи сени қурсофинг безовта қилгай, у эса қайгуларнинг отасидир.

Буни кўп одам билмайди. Лекин яхши ухлаш учун барча яхшиликларнинг эгаси бўлмоқлик керак. Ёлгон гувоҳликка ўтмадиммикин? Ни-коҳимга хиёнат қилмадиммикин?

Ўз яқинимнинг чўрисини хоҳлаб қолмадиммикин? Буларнинг бари яхши ухлагани халал беради.

Барча яхшиликларга эга бўлганда ҳам, яна бир нарсани унумаслик жоиздир: барча яхшиликларни ўз вақтида уйқуга жўнатмоқ жоиз.

Бу дилбар аёллар бир-бирлари билан талашмасиналар! Сени деб эй, бадбахт!

Худо билан ва қўшнинг билан яхши муносабат қил: яхши уйқу шуни талаб этади. Яна қўшнининг шайтони билан ҳам тотув бўл! Акс ҳолда у тунда сенинг ётогингга киради.

Бошлиқларни ҳурмат қил ва уларга бўйинсун, ҳатто бошлиғинг чўлоқ бўлса ҳам, бўйинсун! Яхши уйқунинг шарти шу. Ахир менинг айбимми, агар бошлиқ чўлоқланиб юришликни ёқтирса?

Ўз подаларини бўлиқ ўтзорларда боққан подачи энг яхши подачидир: бу ҳам яхши уйқунинг яна бир шарти.

Менга на катта шон-шараф ва на катта бойлик-хазина керак: униси ҳам, буниси ҳам қора талоқни фаш қиласди. Бироқ яхши номинг бўлмаса ва давлатинг етмаса, уйқунг ҳам етмайди.

Кўп ёмон ичида юргандан кўра оз яхшининг ичида бўлганинг маъқул. Лекин дўстларинг ҳам ўз вақтида келиб, ўз вақтида кетганлари соз. Бу ҳам яхши ухлашнинг бир шарти.

Менга яна руҳлари қашшоқ бўлганлар маъқул кўринади: улар уйқу келтирадилар. Агар ҳурматларини жойига қўйсанг, улар доим рози-ризоликдадирлар.

Яхшилик қилгувчи одамнинг куни шундай ўтади. Аммо тун кирганда, мен, албатта уйқуни чақиришдан ўзимни эҳтиёт қиласман! Уйқу ўзини чақиришларини истамайди, ҳолбуки у барча яхшиликларнинг хўжасидир.

Лекин мен кун бўйи нима қилганим, нима тўғрисида ўйлаганимни фикрлайман. Худди сингир каби кавш қайтариб, мен сабр-тоқат билан ўзимдан сўрайман: бироқ сенинг ўн тўсиқдан ўтишинг қандай бўлди?

Ўша ўн муроса, ўн ҳақиқат ва ўн маротаба кулги қандай бўлди? Улар ахир юрагимнинг сурури эдилар.

Қирқ фикрни бундай мулоҳаза этганда ва тарозига солиб кўрганда мени дарҳол кутилмаган уйқу ўз забтига олади, ахир у барча яхшиликларнинг хўжасидир.

Уйқу менинг кўзларимга ниш уради: кўзларим оғир тортади. Уйқу лабларимга қўнади ва улар ланг очилганча қолади.

Хақиқатан, ўғриларнинг яхшиси товушсиз қадамлар билан менга яқинлашади ва менинг фикрларимни тортқилаб кетади: ўшандада мен худди мана шу меҳроб каби тўнгакка айланаман. Лекин мен бу аҳволдан узоқ қолиб кетмасман: кейин мен чўзилиб ётаман».

Донишманднинг бу сўзларини эшитиб Зардўшт кўнглида куларди: зотан, унга рўшнолик нури тушган эди. У ўзига-ўзи шундай дерди:

«Қирқ фикр ҳақида гап сатаётган бу донишманд чол менга телба бўлиб кўринади; лекин мен ишонаман, унинг уйқуси сокин ва осуда.

Бу донишманднинг ёнида яшамоқдикнинг ўзи баҳтиёрликдир! Бундай уйқу тез юқади. Ҳатто қалин деворнинг орқасидан ҳам юқади.

Меҳробининг ўзиёқ маҳдиё қиласди. Ёш-яланг яхшилик жарчиси қошига йиғишлари бежиз эмас.

Унинг ҳикмати шундай: шундай кўз очиқ яшамоқ керакки, уйқу ором келтирсин. Чиндан ҳам, агарда ҳаётнинг маъноси бўлмагандага эди ва мен бемаъниликтан танлашга мажбур бўлганимда эди, унда худди мана шу бемаъниликтан танлаб олиш учун энг лойиқ нарса бўлиб кўринган бўларди.

Мен энди равшан тушундим, илгари ҳаммадан олдин бир нимани қидирган бўлсалар, аввало яхшиликнинг мураббийларини қидирган эканлар! Ўзларига яхши уйқу қидирганлар ва банг лолалардан чамбар тутган яхшиликни излаганлар!

Шон-шарафларга чулғанган ушбу барча меҳроб донишмандлари учун донишмандлик тушсиз уйқу билан баробар бўлган: улар ҳаётнинг шундан ортиқ маъносини билмаганлар.

Ҳозирда ҳам мана шу яхшилик жарчисига ўхшаган одамлар учраб турадилар, бироқ улар ҳар

доим ҳам ҳалол бўлавермайдилар: аммо уларнинг вақти ўтган. Улар кўп турмайдилар, дам ўтмай чўзилиб ётажаклар.

Уйқу босгандар фароғатдадирлар: зотан, улар тезда ухлаб қолажаклар».

Зардўшт шундай нидо қилди.

## НАРИГИ ДУНЁЧИЛАР ЗИКРИ

Бир куни Зардўшт ҳам барча нариги дунёчилар каби ўз хаёлларини одамнинг нариги дунёсига қаратди. Ўшанда менга дунё азоб чекаётган ва абгор бўлган Худонинг аъмоли бўлиб туюлди.

Ўшанда менга дунё туш ва Худонинг шоирона ижоди каби кўринди: илоҳий норизонинг кўз ўнгидаги ранго-ранг тутун мисоли гўё.

Яхшилик ва ёмонлик, шодлигу азоб, мену сен – бари менга Яратганинг кўз ўнгидаги ранго-ранг дуд бўлиб кўринди. Яратган ўзидан ўз назирини эвиришни истади ва ўшанда у олами бино қилди.

Азоб чекаётган кишига ўз азобидан юз эвириш ва ҳаммасини унутиш мастона шодиёна бўлиб хизмат қиласи. Бир пайтлар менга дунё мастона шодиёна ва ўз-ўзини унутишдай кўринган эди.

Мангу зиддиятнинг акси ва нотамом тимсол, мангу нотамом бу дунё – унинг нотамом яратгувчиши учун мастона шодиёна, – бир маҳаллар дунё менга шундай бўлиб туюлди.

Шундай қилиб бир куни мен барча нариги дунёдагилар мисоли ўз хаёлларимни инсоннинг нариги томонига йўлладим. Ростдан ҳам, одамнинг нариги томонига?

Оҳ, биродарларим, мен яратган ушбу худо барча бошқа илоҳлар сингари инсоннинг ижоди ва инсоннинг телбалиги эди!

У инсон эди ва бунинг устига инсоннинг ҳамда менинг менлигимнинг фақат қашшоқ бир бўлаги эди: Менинг ўзлигимнинг хоки туроби ва алангай оташидан менга дуч келди ушбу хулё-шарпа! Чиндан ҳам, у менга нариги дунёдан кўрингани йўқ!

Нима бўлди ўзи, биродарларим? Мен азоб чекаётган ўзлигимни енгдим, мен ўзлигимнинг хоки туробини тоқقا олиб чиқдим, ўзимга ортиқ нурафшонроқ аланга топдим. Қаранг энди! Шарпа мендан узоклашиб кетди!

Энди бу менга азоб бўлмоғи мумкин ва согаётган одам учун қийноқ – шундай шарпаларга ишониш; энди бу менга азоб ва хўрлик бўлиши мумкин. Мен нариги дунёчиларга қараб шундай нидо қиласман:

– Нариги дунёларнинг бари азблар ва ожизликлардан яралган ва фақат ҳаммадан кўра кўпроқ азоб чекувчигагина мұяссар бўладиган ўша қисқа баҳт телбалигидан яралган.

Ўлимга сакраган каби бир сакраб сўнгги нуқтага етишни истаган чарчоқ, нима қилишини билмай қолган чарчоқ, бошқа ҳеч нарсани хоҳдамаган чарчоқ; ана ундан туғилди барча худолар ва нариги дунёлар.

Менга ишонинглар, биродарларим! Жисмдан умидсиз бўлган жисм алданган руҳнинг сўнгги деворларини кўллари билан пайпаслар эди.

Менга ишонинглар, биродарларим! Заминидан умидсизланган жисм борлиқнинг комидан чиқаётган товушларни эшитар эди.

Ана шунда у охирги деворларни боши билан ёриб ўтишни истади ва «ўзга дунё»га алҳол бутун жисми билан ўтмакни истади.

Лекин самовий ҳеч нарсанинг таркибига ки-  
рувчи ўшал инсондан холи, одамликдан йироқ  
дунё, «ўзга дунё» инсонга бутунлай берк эди;  
борлиқнинг номи ҳам одамга фақат одам саси  
 билан сўзлайди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай борлиқни далил-  
лаш ва уни сас бермоққа мажбур қилиш қийин.

Биродарларим, менга айтинглар-чи, барча  
нарсалардан аълороқ нарса энг яхши маънода  
исботини топган эмасми?

Ҳа, бу Мен ва унинг зиддиятлари ҳамда чал-  
кашликлари ўз борлифи ҳақида энг ҳаққоний  
сўзларни айтади, ҳа, бу ўша яратувчи, истовчи  
ва баҳолагувчи Мен – ҳар нарсанинг ўлчови ҳам  
қиммати.

Бу ҳаммадан ҳам ҳаққонийроқ борлиқдир. Мен  
– у ҳатто яратаетганда, орзуларга берилганда ва  
мажақланган қанотлари билан патирлагандা ҳам  
жисм ҳақида сўзлайди ва жисмга интилади.

Бу Мен тобора ҳаққонийроқ сўзлайди; у қанча  
кўп ўргангандан сари жисм ва заминни улуғлашга  
шунча кўпроқ сўзлар топади.

Менинг ўзлигим Мен мени янги ифтихорга  
ўргатди: уни мен одамларга ўргатаман: бошин-  
гизни самовий нарсаларнинг қум-тўзонига тиқ-  
манг, уни баланд тутинг заминий бошингизни, у  
ер-тупроқнинг мағзи-маъноси дейман!

Янги иродага ўргатаман мен одамларни: ин-  
сон кўзларини юмганча ўтиб бораётган йўлдан  
юринглар ва уни мадҳ этинглар ва эндиликда  
мисоли беморлар ва ўлим ёқасида турганлар каби  
ундан четга чиқманглар асло дейман!

Тану тупроқни ёмон кўрганлар ва самою ха-  
лоскор қон томчиларини кашф этганлар – улар

беморлару ўлимни ёқалаб қолганлар эди; лекин ўшал ширин ва тунд огуларни ҳам улар жисм ва тупроқдан олмишлар эди!

Улар ўз қашшоқликларидан қутулмоқчи бўлдилар, юлдузлар эса улар учун кўп йироқ эди. Ўшанда улар хўрсишиб ўқиндилар: «О, бўлсайди агар самовий йўллар ўзга борлиқ ва баҳт сари ўтмасмидик биз!» – ана ўшанда улар ўз чўпчакларию қонли аталаларини ўйлаб топдилар!

Ул ношукурлар хаёл қилдиларким, гўёким ўз жисмларидан ва ушбу тупроқдан воз кечдилар, лекин ким олдида қарздорлар бу талвасалардан ва воз кечиш фарофатидан? Ўз жисмларию ушбу тупроқ олдида эмасми?!

Зардўшт bemорларга шафқатли. Чиндан ҳам, уларнинг бу каби тасалли излашларию бундоқ кўрнамакликларидан озурда эмас. Майли, улар соғаювчию енгиб ўтвучилар бўла қолсинлар ва майлига ўзларига олий жисм яратса қолсинлар!

Соғайиб борувчидан Зардўшт хафа бўлмас, майли, соғаювчи суйиб ўз орзусига тикиласин ва қоқ яrim тунда ўз Худосининг қабрига ўғринча пусиб ўтсин; лекин мен учун унинг кўз ёшлари касаллик ва нософ жисм бўлиб қолаверади.

Хулёларга берилган ва худога мафтун бўлганлар ичида доим bemор ҳалқи кўп бўлган; улар билишни истаганга қаҳр қиладилар ва яхшиликларнинг энг кичкинаси бўлмиш, аталмиш ҳақгўйликдан нафратланадилар.

Улар ҳар доим орқага қоронфу замонларга қарайдилар: у замонларда ҳақиқатан ҳам, орзу ва ишонч бошқа-бошқа нарсалар эди, онгнинг исёнкорлиги тангриёна эди, шубҳа эса гуноҳ саналарди.

Жуда яхши биламан мен бу тангриёналарни: уларга ишонишларини ва боз устига шубҳа гуноҳ саналишини хоҳлашади яна уларнинг ҳаммадан кўра кўпроқ нимага ишонишларини ҳам яхши биламан.

Ҳақиқатан, нариги дунёлар ва халоскор қон томчиларига эмас, улар жисмга ҳаммадан кўпроқ ишонадилар ва ўз-ўзларининг жисмларига худди баайни нарса ўзида деб қарайдилар.

Лекин нарса ўзида уларга ғоятда касалманд нарса каби – шунинг боис улар ўз пўстларини жон-жон деб ташлаб чиқишини хоҳлайдилар. Шу боис улар ўлим тарғиботчиларига жон-жон деб қулоқ тутишади ва ўзлари ҳам нариги дунёларни тарғиб қилишади.

Яхшиси, биродарларим, соғлом жисм сасини тинглангиз: у ростгўйроқ ва мусаффороқ овоздир.

Баркамол ва тўртбурчак жисм, соғлом жисм ҳақ ва соғф сўзлайди; у тупроқнинг маъноси ҳақида ҳикоя қиласди...

Бу Зардўштnidоси.

## **ЖИСМДАН ЖИРКАНУВЧИЛАР ЗИКРИДА**

Вужуддан нафратланувчиларга мен ўз сўзимни айтай. Улар мени қайта-қайта ўқиб, қайта-қайта ёдлаб олмасинлар, улар фақат ўзларига мансуб вужуд билан хайру маъзур қўлсунлар ва шу тариқа тилсиз гунгга айлансинлар.

«Мен тан ва жонман», – деб айтмиш болакай. Нега энди худди болалар каби, деб айтмаслик керак?

Лекин уйғоқ, билгич айтади: мен – танман, фақат тан, бошқа ҳеч нарса; жон эса тандаги нимадир ҳақида айтилган сўз, холос.

Тан – бу жуда катта ақл, бир онгдан кўпайган кўплик, уруш ва тинчлик, пода ва қўйчибон.

Танангнинг кичкина қуроли бу сенинг онгинг, укажон; сен бу кичкина аслаҳани «руҳ» деб атайсан, у эса сенинг каттакон онгингнинг ўйинчоғи.

Мен деб айтасан ва фуурга тўласан бу сўздан. Ундан каттароқдир. Сен балки бунга ишонмассан – сенинг каттакон онги бор танинг; у Мен деб айтмас, лекин Мен қилади.

Ҳис нимани ҳис қилар ва ақл нимани билар – ўзида ҳеч қачон ўз мақсади бўлмас. Лекин ҳис ва ақл сени ишонтиromoқчи бўлиб уринарларки, улар ҳамма нарсаларнинг мақсади деб: улар шунчалар қайсардирлар.

Ҳис ва ақл аслаҳа ва ўйинчоқдирлар: улар ортида яна ўзи ётади. Ўзи қўзлари билан ҳисни излайди, шу билан бирга ўзи руҳнинг қулоги ила эшитади.

Ўзи мудом тинглайди ва қидиради. Ўзи қиёслайди, босиб олади, вайрон қилади, ўзи ҳукмрон, у ҳатто Меннинг ҳукмрони.

Биродарим, сенинг фикратинг ва ҳиссиётларинг узра янада қудратлироқ ҳукмдор, номаълум бир ҳаким қад ростлаб туради – унинг исми ўзидир. У сенинг танангда яшайди; у айнан сенинг вужудингдир.

Сенинг вужудингдаги онг сенинг олий ҳикматингдан кўра каттароқдир. Ва яна ким билсин, сенинг вужудингга сенинг олий ҳикматинг нимага ҳам керак?

Сенга тегишли ўзи сенга мансуб Мен устидан ва унинг мағрут (ҳакалак отишларидан) сакрашларидан қулади. «Нима менга бу сакрашлар ва фикр парвозлари – деб айтади ўзига ўзи. – Менинг мақсадим сари айланма йўл. Мен Мен

учун қайиш бўлиб хизмат қилади (чақимчиси) ва унинг тушунчаларининг тақлидчисидир».

Ўзи яна Менга айтади: «Бунда шодликни ҳис қил!» Мана, у хурсанд бўлур ва яна кўпроқ хурсанд бўлишни ўйлади, – у худди мана шунинг учун ҳам ўйлаши керак.

Вужуддан нафратланувчиларга айтаман мен сўзимни. Улар нафратланган нарсаларини қўриқламасдан қўймаслар. Нима яратди қўриқламоқ ва нафрат ва қадрият ва иродани?

Яраттирувчи ўзи ўзи учун қўриқлаш ва нафратни тузди, у ўзига шодлик ва гамни яратди. Яраттирувчи вужуд ўзи учун руҳ яратди мисоли иродасининг узун қўли каби.

Хаттоки ўз телбалигингиз ва нафратингизда ҳам, эй сиз тандан нафрат қилгувчилар, сиз ўз ўзи учун хизмат этурсиз. Мен сизга айтурман: Сизнинг ўзингиз ўлишни истайди ва ҳаётдан юз ўтиради.

У ўзи баридан кўпроқ истаган нарсани қилишдан ожиз, – ўзини бундан буён яратишдан ожиз. У буни баридан ортиқ истар, унинг бутун ҳирсу эҳтироси худди мана шунда.

Лекин энди унга ҳаддан зиёд кеч бўлди – шунинг учун сизга мансуб ўзи ўзига ҳалокат истайди, эй, тандан нафрат қилгувчилар.

Сизга мансуб ўзи ўлим истайди. Шунинг учун ҳам сизлар тандан нафрат қилгувчи бўлдингиз! Зотан, сиз бундан буён ўзингизни қайта яратолмассиз.

Шу боис ҳаёт ва еру тупроқдан сиз даргазабсиз. Нафратингизнинг филай нигоҳида онгсиз ҳасад филдиллаб туради.

Сизнинг йўлингиздан юрмасман – эй, тандан нафрат қилувчилар! Мен учун сиз кўприк эмасдирсиз аъло одам сари олиб боратурғон!

Зардўшт шундай зикру нидо қилди.

## **ШОДЛИК ВА ЭХТИРОСЛАР ЗИКРИДА**

Биродарим, агар сенда яхшилик бўлса ва у сенинг яхшилигинг бўлса, унда сен бу яхшиликка бошқалар билан биргаликда эгалик қилолмайсан.

Албатта, сен унинг отини айтиб чақиришни истайсан, уни эркалагинг келади: сен унинг қулоғидан тортиб у билан ўйнашмоқни хоҳдайсан.

Ўзинг бир қара! Энди сен халқ билан бирга унинг номига эгалик қиласан, сенинг ўзинг ҳам ўз яхшилигинг билан биргаликда халқ бўлдинг, подага айландинг!

Сен яхшиси шундай десанг маъқул эди: «Қалбимнинг азоби ва лаззати, шунингдек, қурсофимнинг очлигини ифодалашга сўз йўқ ва бунинг номи ҳам йўқ».

Майлига, сенинг яхшилигинг шунчалар юксак бўлсин, унинг номига ишонайлик ва мабодо сен унинг зикрини қилмоқчи бўлсанг, унда гувраниб, бидирлаб сўзлашдан тортинма.

Гапир бидирлаб: «Бу менинг яхшилигим, уни қандай яхши кўрсам, қандай менга бошдан охир ёқса, уни фақат шундай истайман.

Мен уни илоҳий қонун бўлсин деб, истамайман, мен уни инсоният низоми ва инсоният эҳтиёжи бўлсин деб, истамайман: майлига, у менга кўкка йўл кўрсатмасин, майлига, у менга жаннатга йўл кўрсатмасин.

Мен фақат ердаги яхшиликни севаман: унинг донишмандлиги озроқ ва барча одамларнинг ақду онгидан кўра кичикроқ.

Лекин бу қуш менда ўзига ин қўйди, шунинг учун уни севаман ва кўксимга босаман – энди у менда олтин moyякларин босиб ўлтирас».

Сен шундай бижирлашинг ва ўз яхшилигингни мақташинг керак.

Бир маҳаллар сенинг эҳтиросларинг бор эди ва сен уларни золим деб атардинг. Энди сенинг ёлғиз яхшиликларинг бор: улар сенинг эҳтиросларингдан ўсиб чиқдилар.

Сен бу эҳтиросларга ўзингнинг олий аъмолларингни қўйдинг: Мана энди улар сенинг яхшиликларинг ва сенинг шодликларинг бўлиб қолди.

Мабодо сен гув этиб ёнадиган тажанглардан ва ёхуд лаззатпарастлар уруғидан, ёхуд жаҳолатпараст ва ёхуд қасоскорлардан бўлганингда эди:

Бари бир охир-оқибат сенинг эҳтиросларинг яхшиликларга ва барча жину алвастиларинг – фаришталарга айланарди.

Бир маҳаллар сенинг қазноқларингда ёввойи итлар бўларди, лекин охир-оқибат улар қушлар ва хушлаҗжа қўйчиларга айландилар.

Сен ўз заҳарларингдан ўзингга малҳам тайёрладинг; сен ўз сигиринг – қайфу-ҳасратларингни соғдинг – энди сен унинг эмчакларидан ширина сутлар ичасан.

Энди сендан ҳеч қандай зулм ўсиб чиқмас, фақат сенинг яхшиликларинг ўртасидаги курашдан бошқа бир зулм ўсиб чиқур.

Биродарим, мабодо сен баҳтиёр бўлсанг, бу сенда битта яхшилик борлигини англатади, бундан ортиқ эмас: унда сен кўприкдан оппа-осон ўтиб кетасан.

Кўп яхшиликларга эгалик шарафли, лекин бу оғир қисмат ва қумлар саҳрого қочиб, ўзларини ўлдирдилар, зеро, улар яхшиликларнинг жанги ва жанг майдони бўлмоқликда ҳолдан тойиб қолдилар.

Биродарим, уруш ва жанглар ёмонми? Лекин бу ёмонлик зарурат, сенинг яхшиликларинг аро ҳасад ҳам, ишончсизлик ҳам, тухмат-бўғтон ҳам зарурат.

Ўзинг қара: Сенинг ҳар бир яхшиликларинг олий бўлишни истайди: у сенинг бутун руҳингни истайди, у менинг жарчим бўлсин дейди, у газаб, нафрат ва муҳаббатда сенинг бутун кучинг бўлишини хоҳлайди.

Ҳар бир яхшилил бошқасига нисбатан ўта рашкчи, рашкчилик эса фоят ёмон нарса. Ҳатто яхшиликлар ҳам рашк боис ҳалокатга учрашлари мумкин.

Кимниким рашк ўти ёндирибди, у охир-оқибат худди чаён каби заҳарли нишини ўз-ўзига санчур.

Оҳ, биродарим, сен наҳот ҳеч қачон кўрмаган бўлсанг яхшиликтинг ўзи ўзи қандай тухмат қилгани ва қандай ўзи ниш урганини?

Инсон рўй бергувчи бир нарса, шунинг учун сен ўз яхшиликларингни сев – зотан, сен улардан ҳалок бўлурсен.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **БЎЗАРГАН ЖИНОЯТКОР ЗИКРИДА**

Хей, сиз, қозилар ва қурбонлик келтирувчилар, ҳайвон ўз бўйини тутмагунча сиз ўлдиришни истамайсизми? Кўринг, бўзарган жинояткор босини қуи солди, унинг кўзларида улуғ нафрат сўйлаб туради.

Менга мансуб Мен рўй бергувчи алланима шайдир: «Менга мансуб Мен инсонга чексиз нафрат билдиришга хизмат қиласди» – унинг кўзлари шундай деб туради.

Унинг ўзини-ўзи қоралагани унинг энг олий дақиқаси эди; кимда ким қўтарилган бўлса, унинг яна ўз тубсиз жарларига қулаб кетишига йўл қўйманг!

Ўз ич-этини еб азоб чекаётган одамга тез ўлимдан ўзга халос йўқ.

Қозилар, сизнинг қотиллигингиз қасос-хусумат эмас, раҳм-шафқат бўлсайди. Қатл қиларкан, бу-юринг, сиз ҳам ўз ҳаётингизни ўзингиз оқдлангиз!

Ўзингиз ўлдираётган мақтул билан ярашиб олишингизнинг ўзигина етмайди. Сизнинг фам-ҳасратингиз аъло одамга муҳаббат бўлсин: шундагина сиз ўзингизнинг ҳамон ҳаёт деб аталгувчи ҳаётингизни оқдайсиз!

«Золим» деб эмас, «душман» деб айтинг, «муттаҳам» деб эмас, «касал» деб айтинг, «гуноҳкор» деб эмас, «телба» деб айтинг.

Хей, сен, тажрибали қози, агар сен хаёлингда бўлса ҳам бажарган ишларни овозингни баланд чиқариб айтганингда эди, ҳар бир дуч келган бақириб юборарди: «Йўқотинг бу мурдорни, даф қилинг бу заҳарли илонни!»

Лекин фикр бошқа, иш бошқа, ишнинг кўзини билиш бошқа. Улар орасида сабабият фидираги айланмайди.

Ишнинг тимсоли бу бўзарган одамни бўзартирди. У ўз ишини адо этган чоғда юксакка қўтарилимиш эди, лекин иш рўй берганда, унинг тимсолини қўтаролмади.

У ҳамиша ўзига БИТТА адо этиладиган ишнинг адо этувчиси деб қаарарди. Мен буни телбалик деб атайман: истисно унинг учун моҳиятга айланди.

Чизиқ товуқни ром қилиб қўяр; у ўзини бағишлаган шайтонийлик унинг шўрлик ақлини эласлаб

қўяди – буни мен ишдан КЕЙИНГИ телбалик деб атайман.

Тинглангиз, ҳей қозилар! Яна бошқа бир телбалик ҳам бор – бу – иш ОЛДИДАГИ телбаликдир. Оҳ, сиз бу жон ичига унчалар ҳам чуқур судралиб кирмабсиз!

Тажрибали қози шундай сўйлар: «Ахир нима учун ўлдирди бу жинояткор? У талончиликни истади».

Лекин мен сизга айтай: унинг кўнгли талон-тарожни эмас, қон тўкишни хоҳлади – у ханжар баҳтига муштоқ эди!

Аммо унинг шўрлик ақди бу телбаликни тушунмади-да, уни ишонтирди. «Қондан нима фойда! – дерди у. – Сен ҳеч бўлмагандা бу орада талончилик қилишни хоҳдамайсанми? Ўч олмайсанми?»

Шундан сўнг у шўрлик ақдининг сўзига қулоқ солди: унинг сўзи қалбига қўроғшиндай ботди ва мана ҳам ўлдирди ва ҳам талади. У ўзининг телбалигидан уялиб ўтирмади.

Энди яна гуноҳининг қўроғшини унинг елкасидан босади ва яна унинг шўрлик ақди шундай суюлиб, шундай беҳол бўлиб, шундай оғирлашиб қолди.

Агарда у бошини бир силкита олганда эди, унинг оғирлиги пастга думалаб кетган бўлур эди; лекин ким ушбу бошни силкита олади?

Ушбу одам нима дегани ўзи? Руҳ орқали дунёга ўтиб борувчи бир талай касалликлар: улар бу ерда ўзларига ўлжа қидирадилар.

Нима дегани ўзи ушбу одам? Ваҳший илонлар ўрами, улар бир-бирларига ўралиб ҳеч тинч туролмайдилар, – мана, улар ўрмалашиб бориб, дунёдан ўз ўлжаларини излашади.

Бу шўринг қурғур вужудга бир қаранг! Бечора бошига қандай азоблар тушгани ва нималарни

истаганлигини бу шўринг қургур бечора кўнгил ўзига ўзи тушунтиromoқчи бўларди – буни у қотилликнинг шодиёнаси ва ханжар баҳтига бўлган чанқоқдик деб тушунтиради.

Кимки энди касал бўлса, унга ёмонлик ҳужумга ўтади, энди бу ёмонлик деб ҳисобланади: у ўзига азоб берадиган нарса билан азоб беришни истайди. Аммо бошқа замонлар эди ва бошқа эди ёмонлик ва яхшилик.

Бир маҳаллар шубҳа ва ўзингга қаратилган ирода ёмонлик эди. Унда бемор муртад ҳамда фолбинга айланарди: у бамисоли муртад ва фолбин каби азоб чекар ва бошқаларни азобга қўйишни истарди.

## **БЎЗАРГАН ЖИНОЯТКОР ЗИКРИ**

Лекин бу сизнинг қулоғингизга сифмайди: бу сизнинг яхшиликларингизга зарар келтиради, дейсиз менга. Аммо сизнинг яхшиларингиз билан менинг нима ишим бор?

Сизнинг яхшиларингиздаги кўп нарсалар менда нафрат қўзгайди, лекин рости улардаги ёмонлик эмас. Рости, мен уларнинг телба бўлиб қолишларини истардим, улар бундан ҳалок бўлур эдилар, худди анов бўзарган жинояткор каби!

Рости, уларнинг телбалиги ҳақ деб, ёки садоқат ва ёки адолат деб аталишини истардим. Ҳолбуки, ўз-ўзидан аянчли тарзда мамнун бўлиб узоқ умр кечирмоқдик учун уларнинг ўз яхшиликлари бор.

Мен олов оқим узра қурилган кўприк панжарасиман. Кимда ким менинг этагимдан тутмоқчи бўлса, этагимдан тутсин. Лекин сизга қўлтиқтаёқ бўлмайман.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## МУТОЛАА ВА ҲАТ ЗИКРИДА

Барча ёзилганлар ичидә мен фақат қон билан ёзилганини яхши кўраман. Қонинг билан ёз – ва сен қон руҳ эканлигини билурсен.

Ўзганинг қонини билиш осон эмас: мен мутолаа қиласётган такасалтангларни ёмон кўраман.

Кимда-ким ўқувчини билса, у ўқувчи учун ҳеч нарса қилмайди. Ўқувчиларнинг яна бир юз йиллиги ўтиб – руҳнинг ўзи сассиқ тарқатади.

Ҳар бир кимсанинг ўқишини ўрганишга ҳаққи борлиги узоқ замонларга битикларнигина эмас, шу билан бирга тафаккурни ҳам издан чиқаради.

Бир замонлар руҳ худо эди, кейин одам бўлди, эндиликда у ҳатто қора ҳалққа айланмоқда.

Кимда-ким қони билан ёзса, ривоятлар келтирса, у ўзини ўқишиларини эмас, ёдлаб олишларини истайди.

Тоғларда энг қисқа йўл чўққилардан чўққиларга ўтадиган йўл; лекин бунинг учун узун оёқлар керак. Ривоятлар чўққилар бўлсин: уларни тинглайдиганлар эса баланд бўйли ва йирик бўлсинлар.

Мусаффо ва сийрак ҳаво, яқинлашиб келаётган хавф ҳамда шодиёна фазабга тўлган руҳ, – булар бари бир-бировига фоятда уйғун.

Менинг гир атрофимда тоғ руҳлари – коболд<sup>1</sup>-лар бўлишини истайман.

Чунки мен мард одамман. Мардлик шарпаларни қувади, у ўзига-ўзи коболдларни яратади – мардлик қаҳ-қаҳ отиб кулишни истайди.

Мен ортиқ сиз билан қўшилишиб ҳис қиломайман: остимда кўринган бу бир парча булат,

---

<sup>1</sup> Коболд – тоғ руҳлари – улар тоғда юрганларга тўсиқ бўладилар (*Тарж.*).

бу темиртан ва оғирлик – мен улар устидан кула-  
ман, – сизнинг чақмоққа тўлган булатингиз ана  
шундай.

Сиз юқорига интилганда, юқорига қарайсиз.  
Мен эса пастга қарайман, зотан, юқорига чиқиб  
бўлганман.

Қайси бирингиз бир пайтнинг ўзида ҳам қулиб,  
ҳам юқорида бўлолади?

Кимда-ким энг юксак тоғларга кўтарила олса, у  
саҳна ва ҳаётнинг ҳар қандай фожиаси устидан  
кула билади:

Беташвиш, қувноқ, кучли – бизни ҳикмат  
шундай кўргиси келади: у хотин ва фақат мубо-  
ризларни севади...

Сиз менга айтасиз: ҳаётни кўтариш қийин.  
Лекин унда сизнинг эрталаб тургандаги файра-  
тингиз ва кеч кирган чоғдаги таслимингиздан  
на маъно қолур?

Ҳаётни кўтариш қийин, лекин ўзингизни бунчалар  
нозик қилиб кўрсатманг! Биз баримиз жуда қойил  
юккаш эшак ва эшакваччалармиз.

Бизнинг қалтираб турган пушти гул япрогидан  
не фарқимиз бор, унинг вужудида бир томчи  
шудринг титрайди.

Рост биз ҳаётни севамиз, лекин ҳаётга эмас,  
севгига одатланиб қолганимиз учун уни севамиз.

Севгида доим андаккина телбалик бор. Лекин  
телбаликда ҳам доим андаккина аҳиллик бор.

Мендек ҳаётга мойил кишига ҳам шундоқ  
туюладики, парвоналар ҳамда совун кўпиклари  
ва одамлар орасида уларга ўхшайдиганлар баҳт  
нима эканлигини ҳаммадан кўпроқ биладилар.

Шу укпар, ўйинқароқ мўрт ва ўч маҳлуқчалар  
пирпираб учганларини томоша қилиш – шулар

Зардўштни қўшиқ ва кўз ёш қадар маству мустағрак қилур.

Мен фақат ўйин тушишни биладиган Худогагина ишонган бўлармидим балки.

Мен ўз жинимни кўрганда, уни жиддий, вазмин, тийран ва тантанавор ҳолда кўрдим бу оғирлик руҳи эди, у боис барча нарсалар ерга томон қулайдилар.

Фазаб билан эмас, кулги билан ўлдирадилар. Туриңг, бизга оғирлик руҳини қуритишга қўмаклашинг!

Мен юришни ўргандим: шундан бери ўзимни чопишга шай тутаман. Мен учишни ўргандим: шундан бери ўрнимдан қўзғалиш учун бироннинг туртишини кутиб ўтирумайман.

Энди мен енгилман, энди мен учаман, энди мен ўз остимни ўзимда кўраман, энди худо менинг вужудимда рақс тушади.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ТОҒДАГИ ДАРАХТ

Зардўшт бир йигитча ундан ўзини олиб қочаётганини сезиб қолди.

Бир куни оқшом чори у «Ола сигир» деб аталган шаҳар атрофини қуршаган тоғлар узра бир ўзи борарди. Шунда у йигитчани дараҳт ёнида ерда ўтирган, пастдаги водийга ҳорғин назар ташлаган ҳолда ўтирганини кўрди. Зардўшт йигитча суюниб ўтирган дараҳтга қўлини қўйди ва шундай деди:

«Мабодо мен бу дараҳтни қўлларим билан тутиб силкитмоқчи бўлсам, бу қўлимдан келмасди.

Лекин бизнинг кўзимизга кўринмас шамол уни истаган томонга қараб эгади ва юлқилайди. Шун-

дай кўзга кўринмас қўллар қаддимизни букиб, не кўйларга солади».

Шунда йигитча ўрнидан турди ва хижолат чекиб, деди: мен Зардўштни эшитяпман, ҳозир уни ўйлаб ўтирган эдим.

Зардўшт шундай жавоб берди:

«Сен нимадан чўчияпсан? Дарахтнинг бошига қандай иш тушса, одамнинг бошида ҳам шундай иш бор.

Дарахт қанчалар кўп баландга, ёруғликка интилса, унинг илдизлари ер қаҳрига, қоронгулик ва теранлик сари – ёмонлик сари шунча чуқур кетади».

«Ҳа, бу ҳам бир бало! – хитоб қилди яна йигитча.

Сен ҳақиқатни айтдинг, Зардўшт. Мен ўзим юқорига қараб бўй чўзганим сари ўзимга-ўзим ишонмай қўйяпман ва бошқалар ҳам, ҳеч ким менга ишонмайди, – нега ахир шундай бўлди.

Мен жуда тез ўзгаряпман: менинг бугуним, менинг кечаги кунимни инкор этяпти. Юқорига кўтарилаётганда мен зиналардан сакраб-сакраб ўтаман, – бунинг учун мени биронта ҳам зина кечирмайди.

Юқорида турганимда мен доим ўзимни ёлғиз кўраман. Ҳеч кимса мен билан гаплашмайди, ёлғизликнинг қаҳратони мени қақшатиб қалтироқقا солади. Юқорида туриб мен нимани истайман?

Нафратим ва дардим бир бўлиб бошимдан ошади; қанча кўп юқорига кўтарилем, шунча кўп юқорига кўтарилаётган одамдан нафратланман. У ахир юқорида нима қиласди?

Қанчалар уяламан ўзимнинг бу юқорига кўтарилиш им ва қоқилишларимдан! Ҳансираф-ҳансираф нафас олишимдан қанчалар заҳарханда қиласман! Учаётганни кўргани кўзим йўқ! Қанчалар чарчадим мен юқорида!»

Йигитча шундай деб сўнг жим қолди. Зардўшт эса олдиларида турган дарахтга бир боқди-да, шундай деди:

«Бу дарахт тоғда ёлғиз ўсган, у одамлардан ва ҳайвонлардан баландда туриб кўкарган.

Агарда у сўйлашмоқликни истаганда эди, уни тушунадиган биронта ҳам одам топилмаган бўлур эди: у ўсиб шунчалар баландлаб кетган.

Энди унинг кутгани-кутган – нимани кутар у? Булутларга жуда яқин турар у: балки у илк момогулдиракни кутмоқдами?»

Зардўштнинг бу сўзларини эшитгач, йигитча қаттиқ ҳаяжонланиб, хитоб қилди: «Шундай, Зардўшт, сен ҳақ сўзни айтдинг. Юксакларга талпиниб мен ўлим истадим, сен эса мен кутган ўша чақмоқсан! Қара, сен пайдо бўлгандан бери мен қандок аҳволга тушдим? Сенга ҳасад қилдим ва вайрон бўлдим!» – йигитча шундай деб, аччиқ-аччиқ йифлади. Зардўшт эса уни бағрига босиб ўзи билан олиб кетди.

Улар бирга бир оз юриб борганларидан сўнг, Зардўшт шундай сўз бошлади:

– Менинг юрагим ёрилди. Айтган сўзларингдан кўра кўпроқ сенинг нигоҳинг бошинг узра қандай хатар турганидан дарак бермоқда.

Сен ҳали озод эмассан. Сен ҳали озодликни излапсан. Бу излашлардан сен уйғоқсан, уйқунг қочди.

Эркин юксакларга талпинасан. Сенинг қалбинг юлдузларни истайди. Лекин сенинг ёмон одатларинг ҳам эркинликка интилади.

Сенинг ваҳший итларинг эркинликни хоҳлайди; руҳинг барча қоронгу зинданларни очиб ташлашга уринаркан; итларинг ўз омборларида қувониб акиллашади.

Менимча, сен зинданда қамалиб ётибсан, эркинликни орзу қиляпсан; ох, бундай банди зинданларнинг кўнгли донишманд бўлиб қолади, шу билан бирга айёр ва бузук.

Эркинликка чиққан руҳ ҳали тозармоғи лозим. Унга зах зиндан кўп асоратини ўтказган: тозармоғи даркор ҳали унинг нигоҳи.

Ха, мен биламан бошингдаги хатарни. Бироқ севгим ва умидим ҳаққи сендан ўтинаман: севгинг ва умидингдан ҳеч қачон жудо бўлма!

Сен ҳали ўзингни олижаноб санайсан, сени севмайдиганлар ва орқангдан ўқрайиб қарайдиганлар ҳам ўзларини олижаноб деб ҳисоблайдилар. Билиб қўй: олижаноб ҳамманинг йўлини тўсиб туради.

Олижаноб ҳатто яхшиларнинг ҳам йўлини тўсиб туради; ҳатто уни яхши деб айтсалар-да, бу билан уни йўлдан улоқтириб ташламоқчи бўладилар.

Олижаноб янгилик яратмоқчи, янги эзгулик барпо қилмоқчи бўлади. Яхши эса эскини истайди, эскиликни сақлаб қолишини истайди.

Олижанобнинг яхши бўлиб қолиши хавфли эмас, унинг сурбет, масхарабоз ва бузғунчи бўлиб қолиши хавфли.

Ох, мен билар эдим ўз олий умидини йўқотган олижанобларни. Эндиликда улар барча олий умидларга тухмат ёғдирадилар.

Энди ул сурбетлар ўткинчи лаззатлар ичра истиқомат қилурлар, мақсад-аъмоллар ҳам энди бир кундан нарига ўтмас.

«Руҳнинг ўзи ҳам – лаззат». Улар шундай дерлар. Шунда ул руҳининг қанотлари синди: энди у ҳар ерларда судралур ва ниманики ютса, уни ҳаром қилур.

Улар бир маҳаллар қаҳрамонликни орзулардилар – эндиликда улар – лаззатпарат бўлганлар. Қайфу ва қўрқув уларнинг қаҳрамони.

Лекин севгим ва умидим ҳаққи ўтинаман: ўз қалбингдан қаҳрамонни қувиб чиқарма. Ўз олий умидингни муқаддас тут!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **ЎЛИМ ВОИЗЛАРИ ЗИКРИ**

Ўлим воизлари бор; ер юзи ҳаётга нафратни ваъз қилувчилар билан тўлиб-тошган.

Ҳаёт ортиқчаларга тўла, одамларнинг ҳаддан ташқари кўплиги боис ҳаёт бузилган. О, «Мангу ҳаёт» ваъдаси билан уларни бу ҳаётдан тортиб олиб чиқишининг иложи бўлсайди!

«Сариқлар» ва «Қоралар» – ўлим воизларини шундай аташади. Лекин мен сизга уларни бошқа рангларда ҳам кўрсатмоқ бўламан.

Мана улар, худди ваҳший ҳайвон монанд тасқаралар, уларнинг ҳирсу ҳаво ёхуд ўз-ўзини ўлдиришдан ўзга йўллари йўқ. Лекин уларнинг ҳирсу ҳаволари ҳам – худбинликнинг баайни ўзи.

Бу тасқаралар ҳали одам бўлиб улгурган эмаслар; майли, уларга ҳаётга нафрат деб тарғиб қилсалар қиласверсинлар ва ўzlари жўнаб кетаверсинлар!

Уларнинг юраклари – сил: туғилар туғилмас улар жон таслим қила бошларлар ва улар ҳоргинлик ҳамда муртадликка мукка кетурлар.

Улар жон-жон деб ўлик бўлишни хоҳлардилар ва биз уларнинг бу хоҳишларини маъқуллашимиз керак! Бу ўликлар тирилмасликлари учун ўзимизни эҳтиёт тутамиз ва бу тирик тобутларга зарар етказмаслик ҳаракатини қиласиз!

Уларга ким дуч келмасин, касалми, қари-қартангми, мурдами, дарҳол унга шундай дейдилар: «Ҳаёт рад этилади!»

Лекин фақат уларнинг ўзлари рад этилганлар ва борлиқда фақат БИТТАГИНА қиёфани қўрадиган кўзлари рад этилгандир.

Тийран ҳасратга чўмган ўлим келтирадиган арзимаган тасодифларга ғоятда ташна бу кимсалар – тишларини тишларига маҳкам босиб шундай қутадилар.

Ё бўлмасам: улар ширинликларга ёпишадилар ва яна ўзларининг бу болаликларидан кулиб ҳам қўядилар; улар ҳаёт бўйнида худди сомон парчасидек осилиб турадилар ва сомон парчасида ҳамон илиниб турганликларидан куладилар.

Уларнинг ҳикмати шундай: «Яшаш учун қолувчи тентак ва биз ҳам шу қадар тентакмиз. Ҳаётда энг аҳмоқ нарсанинг ўзи ҳам шу!»

«Ҳаёт фақат азобдан иборат» – бошқалар шундай дейдилар, бу гаплари рост: хўп шундай бўлса, отингизни қамчиланг-да, сиз яшамоқни бас қилинг! Фақат азобдан иборат бўлган ҳаёт барҳам топсин, ҳаракатингизни қилинг!

Сизнинг эзгулигингиzinинг қоидаси шундай бўлсин: «Сен ўз-ўзингни ўлдиришинг керак! Сен ўзингни ўзингдан ўғирлашинг керак!»

«Лаззатпарастлик гуноҳ – ўлимни тарғиб қилувчиликларинг гапи шу, – қўйинг, биз бир чеккадан ўтиб кетайлик ва бола кўрмайлик!»

«Туғишиң қийин, – дейишади бошқалари, – яна туғишининг нима ҳожати бор? Фақат бахти қароларгина туғиладилар!» Улар ҳам ўлим жарчилари дир.

«Бизга раҳм қилишсин, – дейдилар яна учинчи бирорлар. – Менинг бор нарсамни олинглар!

Менинг ўзимни олинглар! Ҳаётга боғлиқ жойим оз менинг!»

Агарда улар ҳаддан зиёд дардкаш бўлганла-рида, улар ўз яқинларини яшаш иштиёқидан қайтарган бўлур эдилар. Золим бўлиш – уларнинг чин яхшилиги шу бўлур эди.

Бироқ улар ҳаётдан халос бўлишни истайдилар; ўзларининг кишанлари ва ҳадя-хайриялари билан бошқаларни янада маҳкамроқ боғлаб қўяёт-ганликлари билан уларнинг нима иш-ҳушлари бор, ахир!

Ҳатто сиз, эй, ҳаётни оғир меҳнат ва ташвиш деб биладиганлар, – ахир сизни ҳаёт унчалар чарчатмадими? Ахир сиз ўлим тарфиботи учун етилмадингизми? Машаққатли меҳнат ва барча шиддатли, номаълум, янги нарсаларни қадр-лайдиган сиз ҳаммангиз, – ўзингизни сиз ёмон сезяпсиз; сизнинг амалингиз қочиш ва ўз-ўзини унутиш истагидан иборат, холос.

Агарда сиз ҳаётга кўпроқ ишонганингизда эди, унда сиз лаҳзаларга ўзингизни камроқ бағишли-лаган бўлардингиз. Лекин кутмоқ учун сизда мазмун етарли эмас – ва ҳатто танбалликка ҳам етарли эмас!

Ҳар томондан ўлимни тарфиги қилувчи гарнинг саслари эшитилмоқда; ер ҳам ўлимни тарфиги қилиши керак бўлганлар билан тўлди.

Ё «Абадий ҳаёт» – менга бари бир, – мабодо улар у ерга жўнашни пайсалга солмасалар, бас!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **УРУШ ВА АСКАРЛАР ЗИКРИ**

Бизнинг энг соз душманларимиз ва шунингдек, дил-дилимииздан яхши кўрган кимсаларимиздан шафқат кутмаймиз. Сизга бор ҳақ гапни айтишга изн беринг!

Бирга уруш қилган биродарлар! Мен сизни чин дилимдан севаман; ҳозирда ва аввалда мен сиз бирла баробар эдим. Шунингдек, мен сизнинг энг яхши душманларингизман. Сизга чин ҳақиқатни айтишга рухсат беринг!

Мен юрагингиздаги нафрат ва ҳасадни биламан. Сиз нафрат ва ҳасадни билмаслик даражасида улуғ эмассиз. Шундай экан, ўзингиздан ўзингиз уялмаслик даражасида улуғвор бўлингиз!

Мабодо сиз билимнинг жонбозлари бўлолмасангиз, лоақал унинг жангчилари бўлингиз. Улар мана шу жонбозликнинг йўлдошлари ҳам илк хабарчисидирлар.

Мен кўп аскарларни кўряпман; қанчалар истар эдим мен кўплаб жангчиларни кўрмоқни! «Сарбозий» дейилади уларнинг уст-боши; фақат унинг остида яширганлари, ишқилиб сарбозий бўлмагай!

Нигоҳи ҳамма вақт ғанимни қидирган – ўз ғанимини қидирганлар каби бўлгайсиз. Сизнинг айримларингизда дастлаб қарагандаёқ нафрат ёғилиб туради.

Сиз ўз ғанимингизни қидиринг, ўз урушингизни урушинг, ўз фикратингиз учун уруш қилинг! Ва мабодо агар фикрингиз дош бермай қўйса, ҳар ҳолда бу тақдирда ҳам сизнинг инсофинги буниг устидан ўз галабасини нишонламоғи лозим!

Тинчликни янги урушларнинг воситаси каби севинг. Бунинг устига қисқа тинчлик – узок тинчликдан кўра ортиқроқдир.

Мен сизни ишга эмас, курашга чақираман.  
Меҳнатингиз сизнинг курашингиз ва тинчлик  
сизнинг зафарингиз бўлгай!

Қўлингизда камон ва ўқ ўлган чоғдагина тинч-  
гина, жим ўтириш мумкин; акс ҳолда кўп сўйлаб,  
можаро қиладилар. Сизнинг тинчлигингиз фала-  
бангиз бўлсин!

Сиз мақсад яхши бўлса, уруш ўзини оқладайди,  
деб ўйлайсизми? Мен айтаманки, урушнинг фой-  
даси ҳар қандай мақсадни оқладайди.

Уруш ҳамда мардлик ўз яқинингга меҳру му-  
руватдан кўра кўпроқ улуғ ишларни амалга  
оширди. Бахти қароларни шу пайтгача сизнинг  
раҳм-шафқатингиз эмас, балки жасоратингиз  
қутқариб келди.

Яхшининг ўзи нима? – деб сўрайсиз. Жасур  
бўлиш яхшидир. «Меҳр-муруватли бўлишдан  
яхшироқ ва таъсирироқ нарса йўқ» – сиз бундай  
гапларни ёш қизчаларга қўйиб беринг.

Сизни бағритош, дейишади – лекин сизнинг  
қалбингиз самимийдир ва мен сиздаги самими-  
ятнинг ҳаё билан омухта бўлганини севаман. Сиз  
хиссиятларингизнинг жўш уришидан тортинасиз,  
бошқалар эса уларнинг бўшлигидан уяладилар.

Сиз хунукмисиз? Нима қипти, ахир, биродар-  
ларим? Ўзингизни кўтаринки нарсалар билан  
чулғанг, у хунуқликнинг пардапўшидир!

Сизнинг кўнглингиз катта бўлса, у такаббур бў-  
либ қолади; шунингдек, сизнинг кўтаринкилигин-  
гизда кин-адоват мавжуд. Мен сизни биламан.

Такаббур ожиз кимса билан дуч келса қаҳру  
фарабга минади. Лекин улар бир-бирларини ту-  
шунмайдилар. Мен сизни биламан.

Душманингиз шундай бўлсинки, сиз уни ёмон  
кўринг, лекин нафратланманг. Сиз душманимиз

билин фахрланганингиз маъқул: шунда душманнингизнинг ютуқлари сизнинг ҳам ютуқларингизга айланади.

Исён – қулнинг жасорати. Сизнинг жасоратининг тобелигингиз бўлгай! Сизнинг амрингизнинг ўзи тобелик бўлсин!

Яхши жангчининг қулоғига «Сен қилишинг керак», деган сўз «Мен шуни хоҳлайман», дегандан кўра ёқимлироқ эштилади. Сиз нимани хуш кўрсангиз, уни аввало ўзингизга раво кўрмоғимиз керак.

Сизнинг ҳаётга муҳаббатингиз, сизнинг энг олий умидингизга муҳаббат бўлгай – ҳаёт ҳақидағи энг олий фикрингиз мана шу олий умидингиз бўлгай!

Лекин сизнинг олий фикрингиз мен томонимдан амр этилган бўлур – у шундай жаранглайди: инсон ўзиши керак бўлган алланимадир.

Тобеликда ва уруш иштиёқида ўткаринг ўз умрингизни! Узоқ умрдан нима фойда! Қай жангчи ўзига раҳм-шафқат қилишларини истайди!

Мен сизни аямасман, сизни бутун қалбим билан севаман, эй, урушда топган биродарларим!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **ЯНГИ САНАМ ЗИКРИ**

Аллақайларда ҳали ҳалқлар ва подалар бор, лекин бизда эмас, эй, биродарларим: бизда давлатимиз бор.

Давлатми? У нима ўзи? Шундай қилиб, менга қулоқ солинг: энди мен сизга ҳалқларнинг ўлими ҳақида ўз сўзимни айтаман.

Совуқ махлуқлар ичидан ҳаммадан ҳам соғроғига давлат деб айтилади. У совуқ ёлғонлар

тўқиёдиди. Унинг комидан «Мен давлатман, яъни халқман», деган ёлғон ўрмалаб юради.

Бу – ёлғон! Халқларни бунёд қилганлар, уларга имон ва муҳаббат ато этганлар бунёдкор эдилар: улар ҳаётга шундай хизмат қилдилар.

Вайронкорлар – кўпларнинг йўлига тузоқ қўювчилар, бу тузоқларини улар давлат деб атайдилар: улар кўпларнинг бўйнига қилич осдилар ва уларга юзлаб хоҳиш-истакларни тиқишитирдилар.

Қайда ҳали халқ бор бўлса, у давлат нималигиги-ни англамайди ва уни ёмон кўради, худди ёмон кўз каби ва худди одатлар ҳамда ҳақ-хуқуқларнинг бузилиши каби.

Мен сизга ушбу башоратни бераман: ҳар бир халқ ёмонлик ва яхшилик ҳақида ўз тилида сўзлайди – унинг бу тилини қўшниси тушунмайди. У одатлар ва ҳақ-хуқуқларда ўзи ўз тилига эга бўлди.

Бироқ давлат яхшилик ва ёмонлик ҳақида барча тилларда ёлғон гапиради; нима сўйламасин – ёлғон сўйлайди ва неки бор нарсаларининг барини ўғирлаб олган.

Унинг бари нарсалари ясама; унинг тишлари ўткир, ўғирлаб олган тишлари билан у тишлайди. Унинг ичидаги ашқол-дашқоллари ҳам ҳатто бари ясама.

Тилларнинг чатишиб, чалкашиб кетиши яхшилик ва ёмонликда: ушбу башоратни мен сизга давлат башорати каби беряпман. Ҳақиқатан, бу башорат ўлим иродасини билдиради! Ҳақиқатан, у ўлим тарғиботчиларига кўзларини қисмоқда!

Одамлар ҳаддан ортиқ кўп туғилмоқда: ортиқ-ча одамлар учун давлат ўйлаб топилган!

Бу кўп ичидаги кўпллик қаранг, ўзига қандай жалб этмоқда! Кўринг, қандай уларни бўғяпти, чайнайяпти, кавш қайтаряпти!

«Ер юзида мендан кўра каттароқ ҳеч нарса йўқ; мен худонинг тартибга солувчи муҳридирман» – кўрқинчли маҳлуқ шундай деб ириллайди. Унинг олдида тиз чўкаётгандар ёлғиз узунқулоқлар ёки узоқни кўрмайдиган шабкўрларгина эмас!

Оҳ, эй, улувлар, у ҳатто сизларга ҳам ўз нохуш ёлғонларини қулоғингизга шивирлаб туради! Оҳ, у тўлғин юракларини жон-дилдан дастурхондай очадиганларни дарров топиб олади!

У ҳатто сизларни дарҳол топиб олади, эй, кўҳна худо устидан ғолиб чиққанлар! Сиз курашда ҳолдан тойдингиз, шунинг учун энди сизнинг ҳорғинлигингиз янги санамга хизмат қиласди!

Янги санам ўз атрофига қаҳрамонлар ва соғдил одамларни жамлашни истар эди! У доғ тушмаган топ-тоза виждоннинг офтобида исинишни севади, – совуқ маҳлуқ-да!

Агар сиз унга таъзим-тавозе қилсангиз, янги санам сизга ҳамма нарсани беришга тайёр: у сизнинг яхшилигингизнинг нурлари ва фуур чакнаган кўзингизнинг нигоҳларини шундай қилиб ўзига сотиб олади.

У ўзига сизни оғдириб олмоқчи, эй, сиз, кўплаб кўпайганлар! Мана илоҳий шарафларнинг анжомларини шарақлатиб ўйнатган жаҳаннамий бир силоҳ, ўлим тулпори ихтиро қилинди!

Ҳа, кўпчилик учун ўлим ўйлаб топилди, лекин у ўзини бамисоли ҳаёт каби мадҳу сано ўқийди: ҳақиқатан, барча ўлим тарғиботчиларига чин юракдан кўрсатилган хизмат.

Яхшилар ҳам, бадтаринлар ҳам бари биргаликда оғу ичадиган ерни мен давлат деб атайман. Яхшилар ҳам, бадтаринлари ҳам биргаликда ўзларини йўқотиб қўядиган ер давлатдир; ҳамма

ўз-ўзини аста-секинлик билан ўлимга маҳкум қиладиган ер давлатдир ва буни «Ҳаёт» дейдилар.

Қаранг ўзингиз мана шу ортиқча одамларга! Улар ихтирочиларнинг асарларини ва донишмандларнинг хазиналарини ўғирлайдилар: ўз ўғирликларини улар маданият деб юритадилар – ва ҳамма-ҳаммаси улар қўл остида касаллик ва қулфатга айланиб кетади!

Қаранг сиз мана шу ортиқча одамларга. Улар доим оғриб юрадилар, улар мудом сафро тупурадилар ва буни газета деб атайдилар. Улар бир-бирларини ютиб юборадилар ва ҳеч қачон ўзларини ҳазм қилолмайдилар.

Қаранг сиз мана шу ортиқча одамларга! Улар бойлик ортирадилару бундан янада қашшоқроқ бўлиб қоладилар. Улар ҳокимиятни ва ҳаммадан олдин ҳокимиият дастагини истайдилар, кўп пул истайдилар ўша ипириқлар!

Кўринг уларнинг олғир маймун каби сакрашлиари, осилишларин! Улар бир-бирларининг устларига сакрашурлар ва шунинг учун балчиқлару жарликларга йиқилиб, қулашурлар.

Ҳаммалари тахтга етишни кўзлайдилар: уларнинг ақддан озганликлари шундаки, гўё баҳт-иқболжади тахт узра қўниб ўлтиради! Ҳолбуки, кўпинча нажас тахтда ҳургайиб ўлтирадар – кўпинча эса тахтнинг ўзи нажас узра турадир.

Менимча, уларнинг ҳаммалари ақлу ҳушларидан жудо бўлганлар, худди шохдан шохга сакраган маймунга ўхшайдилар ва тўхтовсиз алаҳсирайдилар. Менимча, уларнинг санамларидан, совуқ мудҳиш махлуқдан ёмон, сассиқ уфунат тарқалади; менимча, санамнинг ушбу барча малайларидан ёмон ҳид анқиб туради.

Биродарларим, уларнинг сассиқ комлари ва ҳирсу ҳаволари уфунатида бўғилиб ўтиришни истармидингиз? Тезроқ деразаларни синдиринг ва ўзингизни ташқарига отинг!

Ёмон ҳидлардан сақланинг. Ортиқча одамларнинг бутпарастликларидан четланинг!

Ёмон ҳидлардан қочинг! Инсон қурбонликларининг аччиқ сассиқларидан ўзингизни четга олинг!

Улуғ кўнгиллар учун озод замин ва озод ҳаёт бор. Ёлғизлар учун ҳали кўп озод жойлар бор, иккевлон бўлиб ёлғизлашганлар учун ҳур маконлар ҳали қуриган эмас, у ерларда ҳали осуда дентиз-ларнинг муаттар ислари таравиб тураг.

Улуғ кўнгиллар учун ҳали озод тураг озод ҳаёт! Ҳақиқатан, ким оз нарсага эга бўлса, у шунчалар оз эгалланур! Кичкина қашшоқликка мадҳу санолар бўлсин!

Давлат тугаган ерда ортиқча бўлмаган одам бошланади: у ерда зарур одамларнинг қўшиғи янграйди, бу бир мартагина янграйдиган ва қайтарилмайдиган қўшиқ бўлади.

Сиз давлат тугаётган ерга қарангиз, – ўша томонга қаранг, сиз биродарларим! Ахир, сиз кўрмаяпсизми ёйкамалаклар ва кўприкларни, ахир улар аъло одам сари элтмайдими бизни?

Зардўшт шундай зикр қиlldи.

## **БОЗОР ПАШШАЛАРИ ЗИКРИ**

Ўз хилватгоҳингга қоч, азиз дўстим! Кўриб турбман, сен улуғ кишиларнинг шовқин-суронидан гаранг ва кичикларнинг ниш найзаларидан озурдадилсан.

Ўрмонлар ва қоялар сен билан бирга виқор билан сукут қилиб тура билурлар. Сен яна шоху

шаббаларин атрофга ёйган ўз севган дарахтингга монанд бўлгил: у сокин қулоқ тутиб денгиз узра бошин эгади.

Хилват тамом бўлган ерда бозор бошланади; бозор бошланган ерда эса улуф масхарабозларнинг шовқин-сурони ва ниши заҳарли пашшаларнинг финирлаши бошланади.

Агар кимdir таништирмаса, дунёдаги энг яхши нарсалар ҳам ҳеч нарсага арзимайдигандек кўринур; халқ бу таништирувчиларни улуф кишилар деб танийди.

Халқ улуғ, яъни яратувчи нарсани яхши тушунмайди. Лекин у улуғликнинг барча таништирувчилари ва масхарабозларини яхши кўради.

Янги нарсаларни кашф қилувчилар теварагида дунё айланади – кўзга кўринмай эврилади. Лекин масхарабозлар атрофида халқ, шон-шуҳрат айланади – дунёнинг таомили шундай.

Масхарабозда руҳ бор, лекин унда руҳнинг диёнати камроқ.

У ҳаммадан кўпроқ ишонтиришга мажбур қиласидиган нарсага доим ишонади, – у ўз-ўзига ишонади!

Эртага унинг ишончи янги, индин эса янада янгироқ. Худди халқ каби унинг ҳаёт отлари шиддаткор ва кайфиятлар ўзгарувчан.

Тўнтармоқ – у буни исботлаш дейди. Жинни қилиб қўймоқ – у буни ишонтириш дейди. Қон эса унинг учун энг яхши асос.

Жуда нозик қулоқдаргагина етиб борадиган ҳақиқатни у ёлғонга чиқаради ва бу ҳеч вақо эмас дейди. Чиндан ҳам, у дунёда иложи борича кўп шовқин-сурон кўтарадиган маъбуларгагина ишонади!

Бозор байрам масжарабозларига тўла ва халқ ҳам ўз улуғ кишилари билан мақтанаиди! Унинг учун улар – шу лаҳзанинг хўжалариридир.

Лекин лаҳза қўймай уларни шоширади: шунинг учун улар сени шоширадилар. Чунки улар сендан ҳа ёки йўқ деган сўзни эшитмоқчилар. Аммо сен икки курси орасида ўтиromoқчимисан?

Сен, эй, ҳақпарвар, бу шарти йўқ, тўхтовсиз шоширувчиларга ҳавас қилма! Ҳақиқатан, ҳеч қачон шарти йўқнинг қўлида осилиб қолган эмас.

Бу шиддаткорлардан ўзингни панага ол: фақат бозордагина ёпишиб олурлар: хўпми, йўқми?

Барча тийрак булоқларнинг ҳаёти оҳиста милдирайди: улар ўз тубларига нима ташланганини билиш учун жуда узоқ кутадилар.

Барча улуғ нарсалар бозор ва шуҳратдан ташқарига қараб кетур: қадим-қадимдан янги нарсаларни кашф қилганлар бозор ва шуҳратдан ташқарида бўлганлар.

Ўз хилватингга қараб қоч, азиз дўстим, сени ниши заҳарли пащшалар чақиб ташлаган ҳолда кўрмоқдаман. – Шиддатли, тоза ҳаво сурон солган ерларга кет!

Ўз хилватингга қоч! Сен кичкина, майдо одамларга ҳаддан зиёд яқин яшагансан. Уларнинг басталаридан қоч! Сенга келганда улар фақат қасд қилурлар.

Уларга қўл кўтарма! Уларнинг сон-саноғи йўқ, патта ҳайдовчи елпифич бўлиш сенинг ишинг эмас.

Бу кичкина, бечора одамлар сон-саноқсиз; ёмғирларнинг томчилари ва мөгор кўпанакларидан заволга учраган, гердайган, виқорли иморатлар битта-иккитагина эмас.

Сен тош эмассан, лекин сен жуда күплаб томчилардан юпқа тортгансан. Сен сонсиз-саноқсиз томчилардан янада ёрилиб, чатнаб кетурсан.

Ниши заҳарли паашшалардан сени ҳолдан тойғандек күрүрмен, юзлаб ерларинг тирналиб, қон сизиб оққан ҳолда күрүрмен сени; сен эса мағрур миқ этмай тууресен.

### **«БОЗОР ПАШШАЛАРИ»**

Үшал маъсум жонлар сонини қонингни тўкишини исташади, уларнинг қонсиз жонлари қонга ташна – шунинг учун улар маъсум кўриниб чиқадилар.

Лекин сен тийрансан, сен ҳатто кичкина жароҳатлардан ҳам жуда чуқур азоб чекасан ва сен ҳали даволанмай туриб, худди шундай заҳарли қурт сенинг қўлингдан ўрмалаб борарди.

Сен бу ширинхўр қурталарни ўлдиришни ўзингга эп кўрмайсан, сен менга жуда ҳам мағрур кўринасан. Бироқ эҳтиёт бўл, уларнинг заҳаролуд зўравонликларига чидаш пешонангга ёзилган вазифа бўлиб қолмасин!

Улар сенинг атрофингда тилёғламалик қилиб фўнгиллайдилар; уларнинг хиралиги – мақтови. Улар сенинг терингга ва қонингга яқин бўлишни истайдилар.

Улар сенга худди худо ёки иблис каби ҳамду сано ўқийдилар; улар сенинг ҳузурингда худди худо ё иблис каби чийиллайдилар. На илож! Улар хушомадгўйлар ва чийилдоқлар, бошқа ҳеч нарса эмас.

Улар кўпинча сенга илтифот қиласидилар. Лекин бу ҳамиша қўрқоқларнинг муғомбирлиги, холос. Ҳа, қўрқоқлар ҳамиша айёр бўладилар!

Улар ўзларининг тор кўнгиллари билан сен ҳақингда кўп ўйладилар – уларга сен доим

шубҳали бўлиб қўринасан. Кўп ўйланган ҳамма нарсалар шубҳали бўлиб чиқади.

Улар сени яхшилигинг учун жазолайдилар. Сенинг хатоларингнигина улар бир қадар кечирадилар.

Чунки сен ювош ва ҳақгўйсан, сен: «Улар ўзларининг кичкинагина туриш-турмушлари учун айбдор эмаслар», дейсан. Лекин уларнинг торкўнгли шундай ўйлади: «Ҳар қандай улуғ туриш-турмуш айбдор».

Сен уларга илтифот қилсанг ҳам, улар бари бир у биздан нафратланяпти, деб ўйладилар ва шунда улар сенинг эзгу ишларингни хуфия ёвузликлар воситасида қайтарадилар.

Сенинг сўзсиз фууриинг доим уларнинг дид-фаросатларига зид келади; сен сохта обрў талашиш ўрнига камтар-камсукум бўлиб юрсанг, улар бундан шоён хурсанд бўлурлар.

Биз одамда билган нарсамизни унда аланга олдирамиз. Кичкина одамлардан эҳтиёт бўл!

Улар сенинг олдингда ўзларини жуда кичкина ҳис қиласидилар; уларнинг сенга қарши пастликлари сасиб, чўғ олиб қўринмас адоваратга айланади.

Ахир сен сезмаганмисан, уларга яқин борганингда кўпинча жим бўлиб қолганларини ва худди ўчаётган ўт тутунидан айрилгандай ўз куч-қувватларидан жудо бўлганликларини?

Ҳа, азиз дўстим, сен ўз яқинларинг учун виждон азобидирсан: Зотан, улар сенга номуносибдирлар. Улар сени кўролмайдилар ва жон-жон деб қонингни ичган бўлур эдилар.

Сенинг яқинларинг доим заҳарли пашибадирлар; сенинг удуғворлигинг уларни янада заҳарлироқ қилиб, янада пашибага ўхшатиб қўяр.

Қоч, азизим, ўз хилватингга чекил, у ерда шиддатли, сарин ҳаво бор! Паашша ҳайдайдиган елпифич бўлиш сенинг ишинг эмас.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ИФФАТ ЗИКРИДА

Мен ўрмонни севаман. Шаҳарларда яшаш қиин: у ерда шаҳвоний ҳирсли одамлар жуда кўп.

Шаҳвоний аёл орзусига киргандан кўра қотил қўлига тушган афзал эмасми?

Манови эркакларни кўринг: уларнинг кўзлари айтиб турибди – улар ер юзида хотин киши билан ётишдан ўзга яхши нарсани билмайдилар.

Кўнгилларини кир босган ва аламо, агар улар ифлосликларининг руҳи ҳам бўлса!

О, қани эди, сиз худди ҳайвонлар каби баркамол бўлсангиз! Лекин ҳайвонлар маъсум бўладилар.

Мен сизга ҳисларингизни ўлдиринг, дедимми? Мен сизга ҳиссиётларнинг маъсумлигини таклиф этаман.

Мен сизга ҳаёли бўлинг, дедимми? Баъзиларнинг ҳаёси яхшилиkdir, лекин кўпларда у бамисоли иллатдир.

Улар эҳтимол, ўзларини сақларлар, лекин улар нима қилмасинлар, қанжиқ ҳаяжон ҳаммаси ичидан кек билан қараб туради.

Ушбу махлуқ ва унинг гууввлари уларнинг ҳатто яхшиликларининг юксакликларию то шаҳд-шиддатли руҳларигача таъқиб этар.

Боз устига қанжиқ ҳаяжон унга бир парча вужудни бермаганларидан устомонлик билан бир парча руҳ тилаб ялиниб-ёлворишларини кўринг!

Сиз фожиаларни ва юракни пора-пора қила-диган нарсаларни севасизми? Лекин мен сизнинг қанжигингизга ишонмайман.

Сизнинг кўзларингиз ҳаддан ташқари шафқатсиз ва сиз азоб ичида қолганларга ҳирсга тўлиб қарайсиз. Сизнинг лаззатпарастлигингиз ўз либосини ўзгартирдимикин ва энди раҳму шафқат деб юритилмаётганмикин!

Мен сизга ушбу башоратни берурман: ўз шайтонини қувлашни истаган кўп кишилар шу аснода ўзлари чўчқаларга кирмадиларми.<sup>2</sup>

Кимгаки ҳаё оғирлик қилса, ундан қайтармоқ даркор: токи у жаҳаннамга тушган йўл, яъники дилнинг кири ва ҳирсу ҳавосига айланмагай.

Мен палид нарсаларни сўзлаяпманми? Фикримча, бу ҳали энг ёмони эмас.

Билишни истовчи ҳақиқатнинг сувига у ифлос бўлган чоғда эмас, балки паст бўлганида тушишни истамайди.

Ҳақиқатан, юрагининг энг тубигача ҳаёли-иффатлилар бор: уларнинг қалблари майинроқ, улар сизга қараганда жон-жон деб ва кўп-кўп кула биладилар.

Улар ҳаё-ибо устидан ҳам кулоладилар ва шундай деб сўрайдилар: «Ҳаё ўзи нимадир?

Ҳаё-ибо – телбалик эмасми? Лекин бу телбалик бизга келган, биз унга борган эмасмиз.

Биз ушбу меҳмонга қўналға ва қалб бердик: энди у биз билан яшаяпти – майли, хоҳдаганча қолаверсин!»

Зардўшт шундай зикр қилди.

---

<sup>2</sup> Матто баён этган Муқаддас хушхабарда икки жин урган кишининг Исога рўбарў бўлиб: «Бизни тўнғиз подасига юборгин», деб ёлворишлари ва Исо рухсат бергач, одамлар ўртасидан чиқиб, тўнғиз подасига кириб олишларига ишопра. (Матто-8, 28-32).

## **ДҮСТ ЗИКРИ**

«Доим ёлғиз бўлиш мен учун кўплик қилади», – шундай деб ўйлади дарвеш.

МЕН ва МЕНИ ҳар бир гапда ғайрат отига минади; агар дўст бўлмаса бунга қандай чидаш мумкин?

Дарвеш учун дўст доим учинчи; учинчи деганимиз икки ўргадаги гапнинг тубсизлик қаърига етиб боришига тўсқинлик қилувчи тиқиндир.

Оҳ, барча дарвешлар учун ҳаддан ташқари кўп тубсиз қаърлар мавжуд! Шунинг учун ҳам улар дўстга ва унинг юксаклигига ташнадирлар.

Бизнинг бошқаларга ишончимиз, биз қайда ўзимизга ишонч ҳосил қилиш истагида бўлганимизни ошкор этади. Бизнинг дўстни соғинишимиз бизнинг сотқинимизdir.

Кўпинча севги ёрдамида ҳасад устидан сакраб ўтишни истайдилар, кўп маҳал ҳужум қилиб, ўзларига душман орттирадилар, буни сенга ҳам ҳужум қилишлари мумкинлигини яшириш учун қиладилар.

«Жуда бўлмаганда, менинг душманим бўлгил!» – бу ҳақиқий ҳурмат белгиси, у ўзига дўст бўлишни сўрашга журъат этмайди.

Агар сен дўстинг бўлишини истасанг, сен уни деб жанг қилишинг керак, жанг қилишни билиш учун эса душман бўла билиш лозим.

Сен ўз дўстинг сиймосида душманин ҳам эъзоз-ламофинг керак. Ахир сен ўз дўстингга яқинлашиб боролмайсанми ва унга айланолмайсанми?

Ўз дўстинг сиймосида сен ўзингнинг энг яхши душманингга эга бўлишинг керак. Сен унга қаршилик кўрсатаётган чоғингда унга чин қалбдан ҳаммадан кўра яқинроқ бўлмофинг керак.

Сен ўз дўстинг қошинда кийимлар кийишни истамайсанми? Сен қандай бўлсанг шундай ўзингни дўстга бағишаётганинг дўстинг учун шараф бўлмоғи даркор эмасми? Лекин у бунинг учун сени лоақал сариқ чақага ҳам олмайди!

Кимки ўзини яширмаса, бу билан бошқаларни норози қиласди: шунинг учун ялангочликдан шу қадар асосли тарзда қўрқасиз! Ҳа, мабодо сиз худо бўлганингизда эди, сиз ўз либосларингиздан уялган бўлур эдингиз!

Сен ўз дўстинг учун яхшилаб ясаниб кийи-нолмайсан: зотан, сен унинг учун аъло одамни соғиниш ва ўқ-ёй бўлишинг керак.

Сен ўз дўстингни ухлаб ётганда кўрганмисан, унинг қандайлигини билганмисан? Дўстингнинг юзи ўзи нимадир? У нотамом, дағал ойна юзидағи сенинг ўз аксингдир.

Сен ўз дўстингни ухлаб ётганда кўрганмисан? Сенинг дўстинг шундай кўринганидан қўрқиб кетганмисан? О, азиз дўстим, одам шундай бир нарсадирки, у ўзидан ошмоғи даркор.

Дўст қўнгил топиш ва жим туришнинг устаси бўлсин: ҳамма нарсани кўзинг билан ишора қилишишинг шарт эмас. Сен уйқуда, дўстинг уйғоқ ҳолда нима қилаётганлигини билишинг керак.

Сенинг дардкашлигинг сезгир бўлсин: сен аввал билмоғинг лозим: дўстинг сенинг дардкашлигинги истайдими, йўқми? Балки у сенинг ўқдай нигоҳинг ва мангулик назарини севар?

Дўстга дардкашлик қалин пўстлоқ остида яширинган бўлсин, сен шу қаттиқ пўстлоқни тишлигинг билан кемир. Ана шунда дардкашлик инжа ва лаззатли бўлур.

Сен ўз дўстинг учун мусаффо ҳаво, ёлғизлик, ризқ-рўз ва дори-дармон бўлоласанми? Баъзи би-

ровлар ўз кишан занжирларидан қутуолмайдилар, лекин дўсти учун халоскор бўлиши мумкин.

Қул эмасмисан? Қул бўлсанг, дўст бўлмайсан. Золим эмасмисан? Золимнинг дўстлари йўқ.

Ортиқ кўп замонлар аёл киши сиймосида қул ва золим яшириниб келди. Шунинг учун аёл киши дўстликка қодир эмас: у фақат муҳаббатни билади.

Аёлнинг севгисида у яхши кўрмайдиган барча нарсаларга нисбатан адолатсизлик ва кўр-кўроналик бўлади. Лекин аёл билиб севганда ҳам, бунинг замирида кутилмаганлик ҳам, чақмоқ ҳам, зиё ёнбоши ва қоронфу тун бор.

Аёл ҳали дўстликка қобил эмас: аёллар ҳамон мушук ва қушдирлар. Жуда нари борганда сигирдир.

Аёл ҳали дўстликка қобил эмас. Лекин сиз, ҳей, эркаклар, менга айтингиз, сизнинг ичингизда ким бор, дўстликка қобил?

О, эркаклар, сиз қашшоқсиз ва қўнглингиз жуда тор! Сиз дўстингизга қанча берсангиз, мен ҳатто душманимга ҳам шунча бераман ва бундан молу давлатим камайиб қолмайди.

Дўстлар йифини бор; майли, дўстлик ҳам бўлсин!  
Зардўшт шундай зикр қилди.

## **МИНГ БИР МАҚСАД ЗИКРИ**

Зардўшт кўплаб мамлакатлар ва кўплаб халқларни кўрди – у шу тариқа кўплаб халқларнинг яхшилик ва ёмонликларини кашф қилди. Зардўшт ер юзида яхшилик ва ёмонликдан кўра каттароқ давлатни топмади.

Ҳа, қандай халқ олдиндан баҳоламасдан туриб яшай олмасди; агарда у ўзини сақдашни истаса, у худди қушни баҳолагандай баҳоламаслиги зарур.

Бир халқ учун яхшилик бўлган кўпгина нарсалар бошқа бири томонидан майнавозчилик ва шармандалик, деб қаралган – мен шундай топдим. Мен топган кўп нарсалар бу ерда ёвузлик деб аталиб, бошқа бир жойда эса шон-шарафнинг қирмизи алвонлари билан чулғанганд.

Ҳеч қачон бир қўшни иккинчисини тушунмаган; унинг қалби ҳар қачон қўшнининг ҳамоқат ва кин-адоватидан лол қолган.

Яхшиликнинг сафҳаси ҳар бир халқ узра осилиб туради. Кўр, бу унинг ўз-ўзини енгиб ўтиши саҳфаларири; кўр, бу унинг ҳукм суришга бўлган иродаси овозидир.

Унга қийин бўлган нарсалар мақтовга лойиқ; у барча муқаррар ва оғир нарсаларни яхшилик, деб атайди; энг оғир муҳтоҷлиқдан халос этгувчи ўша, – энг ноёб ва энг мушкул нарсани – у муқаддас деб атайди.

Унинг ҳукмронлиги, ғалаба қилиши ва порлашига хизмат қилувчи, қўшнисининг қўрқинч ва хасадини қўзғатувчи ҳамма нарсалар – шубҳасиз унинг ўзи учун юксаклик, ибтидо, барча нарсаларнинг ўлчови ҳамда маъно-мазмунини англалади.

Ҳақиқатан, азиз биродарим, агар сен халқ, мамлакат эҳтиёжларини, осмонию қўшнисини билган бўлсанг, сен ҳеч шубҳасиз унинг енгиб ўтиш қоидаларини ҳам илғаб олдинг, нима учун у ўз умиди сари мана шу шотидан чиқиб бораётганлигини фаҳмлаб етдинг.

«Сен доим биринчи бўлмоғинг ва ҳаммадан олдинда турмоғинг даркор; сенинг қизғанчиқ қалбинг дўстдан ўзга ҳеч кимсани севмасин» – бу сўзлар грекнинг қалбини титроққа соларди; ва у ўз улуғворлик йўлидан борарди.

«Хақ гапни айт ва ўқ ёйни боплаб от», менинг одам келиб чиққан халққа бу бир пайтнинг ўзида ҳам маъқул тушади, ҳам оғир туюлади, – мен ҳам ўз номимни бир пайтнинг ўзида ҳам ёқимли, ҳам оғир деб биламан.

«Ота-онангни эъзозла ва уларнинг амру иродаларини чин дилдан адо эт, енгиб ўтишнинг бу саҳфасини бошқа бир халқ ўз бўйнига тақиб олди ва худди шу боис қудрат ва бақо топди.

«Садоқат сақдамоқ ва садоқат учун шон-шавкатинг ҳамда қону жонингни, ҳаттоқи нолойиқ ва хатарли ишлар бўлса ҳам тик» – мана шундай ўгит олиб, бошқа бир халқ ҳам ўзини енгиб ўтди ва шундай ўз-ўзини енгиб ўтароқ буюк умидлар-ла, пойдор бўлди.<sup>3</sup>

Чиндан ҳам, одамлар ўzlарига барча яхшилик ва барча ёмонликларини бердилар. Чиндан ҳам, улар буларни қарзга олганлари ёки кўчадан топиб олганлари йўқ ва булар уларга худди самодан сас каби нозил бўлгани ҳам йўқ.

Инсон аввалда ўзини сақлаш учун азизлаганларини нарсаларга қўйди, – у аввалда нарсаларга маъно бахш этди, инсоний маъно! Шунинг учун у ўзини «Инсон» деб атади, яъники «Баҳо берувчи»!<sup>4</sup>

Баҳолаш – демак яратиш: эшитинг, эй, сиз яратувчилар! Баҳолаш – бу барча баҳоланган нарсаларнинг жавоҳир ва билурларидир.

---

<sup>3</sup> Ушбу уч тизмада форслар, яхудийлар, немислар назарда тутилади.

<sup>4</sup> Юонон тилида одам «Яшноқ юз», «Нурли нигоҳ» маъноларини англатади; ивритда эса «Одам» – «Ер, замин» маъносига келади; хиндгерман истилоҳида у «Фикратли руҳ соҳиби» деган маъноларни билдиради. Нитшенинг «Баҳоловчи» тушунчаси шунга яқин, шундан келиб чиқади.

Баҳолашдан биринчи бора қиммат келиб чиқади ва баҳолаш бўлмаса борлиқнинг ёнғоги пуч бўлиб чиқарди. Эшитинг буни, сиз, яратувчилар!

Қадрларнинг ўзгариши – бу яратувчиларнинг ўзгариши. Бунёд қилиши керак бўлган зот доимий суратда барбод қилиб боради.

Аввалда фақат халқлар бунёдкор эдилар, кейинроққа бориб алоҳида кимсалар ҳам бунёдкор бўлдилар; чиндан ҳам, алоҳида шахснинг ўзи бунёд бўлган нарсалар орасида энг навқиронидир.

Халқлар бир маҳаллар ўзларига яхшилик саҳфасини осдилар. Ҳукмронлик қилишни истаган севги ва бўйсунишни хоҳлаган севги биргаликда ушбу саҳфаларни яратдилар.

Тўдага бўлган умтилиш МЕНГА бўлган умтилишдан қадимроқдир; ҳамонки тоза виждан тўда деб аталаркан, фақат кирланган виждан айтади: МЕН деб.

Ҳақиқатан, севгидан мосуво, ўз фойдасини кўпларнинг фойдасидан қидирган айёр МЕН – тўданинг бошланиши эмас, балки ҳалокатидир.

Севишганлар ҳамиша ҳам бунёдкор бўлишган, улар яхшилик ва ёмонликни яратишган. Барча эзгуликларнинг исмларида севги ҳамда ғазаб ўти ёнади.

Зардўшт кўп мамлакатлар ва кўп халқларни кўрди. Зардўшт ер юзида севишганларнинг ишларидан ортиқ давлатни топмади: «Яхшилик» ва «Ёмонлик» – уларнинг исмларидир.

Бу мақтов ва бу таҳқирларнинг кучи ҳақиқатан ҳам, баҳайбатдир. Айтингиз, эй, биродарлар, ким менга уни енгиб беради? Айтингиз, ким бу маҳлуқнинг мингта бошига занжир солади?

Шу пайтгача мингта мақсад бор эди, зотан, мингта халқ мавжуд эди. Ҳали мингта бошга

занжир етишмайди, ягона мўлжал етишмайди.  
Ҳали одамзодда мақсад йўқ.

Лекин менга айтингиз, биродарларим: агар одамзодга мақсад етишмаётган бўлса, унда балки унинг ўзи ҳам етишмаётгандир?

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **ЯҚИНЛАРГА МУҲАББАТ ЗИКРИ**

Сиз яқинингизга суянасиз, бунинг учун сизда энг чиройли сўзлар бор. Лекин мен сизга айтамаки: сизнинг ўз яқинингизга бўлган муҳаббат сизнинг ўз-ўзингизга бўлган ёмон муҳаббатдир.

Сиз ўзингиздан қочиб, яқинингиздан паноҳ излайсиз ва бундан ўзингизга меҳру мурувват ясамоқчи бўласиз. Лекин мен сизнинг «Бегаразлигинингизни» беш бармоғимдай кўриб турибман.

«Сен» «Мен»дан кўра ёши каттароқдир. Ҳали «Мен» эмас, «Сен» муқаддас деб тан олинган. Шунинг учун ҳам одам ўз яқинига суянади.

Ахир мен сизга яқинингизни севинг, деяпманми? Ундан бурунроқ мен сизга яқинингиздан қочинг ва узоқдагини севинг, деб айтмоқчиман.

Узоқдагига ҳамда келгусидагига муҳаббат яқинингга муҳаббатдан юқорироқ туради. Одамга бўлган муҳаббатдан нарсалар ҳамда шарпаларга муҳаббатни мен юқорироқ қўйман.

Сенинг ҳузурингда чарх урган бу шарпа, биродарим, сендан кўра гўзалроқдир. Нега энди сен унга ўз лошинг ва ўз сингирларингни бермайсан? Аммо сен кўрқасан ва дарров ўз яқинингта чопиб борасан.

Сиз ўз-ўзингизга тоқат қилолмайсиз ва ўзингизни унча ҳам яхши кўрмайсиз, шунинг учун яқинингизнинг муҳаббатини қозонмоқчи ва

унинг хатоси билан ўзингизни зийнатлашни истайсиз.

Мен барча яқинлар ва уларнинг қўшниларидан сиз озурдадил бўлмоғингизни истардим; шунда сиз ўз-ўзингиздан юраги тўлиқиб тошган дўстингизни яратишингизга тўғри келарди.

Сиз ўзингизни мақтамоқчи бўлсангиз, ҳузурингизга гувоҳ чорлайсиз ва уни сиз ҳақингизда яхши фикрда бўлишга кўндирганингизда, ўзингиз ҳақда яхши ўйлаган бўласиз.

Ўз билимига зид ўлароқ сўзлаётгангина ёлғончи эмас, ўз билимсизлигига зид ўлароқ сўзлаётган ундан ортиқроқ ёлғончи. Бошқалар билан муомалангизда сиз ўзингиз ҳақингизда худди мана шундай сўзлайсиз ва ўзингизни қўшнингизга бошқача қилиб кўрсатасиз-да, алдайсиз.

Тентак шундай сўзлайди: «Одамлар билан муомала феълни бузади ва айниқса феълнинг ўзи йўқ бўлса».

Бирор ўзи англашни истагани учун яқини қошига боради, бошқа бирор – ўз-ўзини йўқотиш учун шундай қиласди. Сизнинг ўз-ўзингизга нобоп муҳаббатингиз сиз учун ёлғизлиқдан қамоқ ясади.

Узоқдагилар сизнинг яқинингизга бўлган муҳаббатингизнинг товонини тўлайди ва башарти сиз бешовлон йифилсангиз, олтинчидоимо ўлиши керак.

Мен сизнинг базмларингизни севмайман; у ерда жуда кўп мунофиқларни кўрганман ва ҳатто томошабинлар ҳам ўзларини мунофиқ каби тутганлар.

Сизга яқинингиз ҳақида эмас, дўстингиз ҳақида ўргатаман. Майли, дўст сизга ердаги ҳаёт байрам ва аъло одамнинг дебочаси бўлсин.

Мен сизга дўстни унинг қалби тўлиқиб, тошган ҳолда ўргатай, лекин башарти қалби тўлиқиб тош-

ганларнинг муҳаббатига манзур бўламан десангиз,  
ўзингизни ҳалол тутишга ўрганмофингиз даркор.

Мен сизга дўст ҳақида ўргатаман, унда дунё  
яхшилик косаси каби баркамол кўринади, у бун-  
ёдкор дўст – доим етук дунёни тортиқ қилишга  
ҳозир туради.

Мисоли яхшилик ва ёмонликнинг туриши каби  
– мисоли ҳодисотдан мақсаднинг униб чиқиши  
каби у худди дунё унга эврилганидай, у яна шун-  
дай дунё билан бирга эврилиб үралади.

Келарлар ва энг узоқ-узоқдаги сенинг бугунинг-  
нинг сабаби бўлсин, сен ўз дўстинг сиймосида  
аъло одамни худди ўз сабабинг каби сева бил.

Биродарларим, яқинингизга муҳаббатни сизга  
маслаҳат кўрмайман – мен сизга узоқ-узоқдагига  
муҳаббатни маслаҳат кўраман.

Зардўшт шундай зикр айлади.

## БУНЁДКОРНИНГ ЙЎЛИ ЗИКРИ

Биродарим, сен хилватта чекинишни истайсанми?  
Сен ўз-ўзинг сари олиб борар йўлни излайсанми? Яна  
андак сабр қил ва менга қулоқ сол.

«Ким изласа, ўзи осонгина йўқолиб қолади. Ҳар  
қандай хилват-гуноҳ» – тўда шундай сўйлайди.  
Сен ҳам узоқ замон тўда ичиди бўлдинг.

Тўданинг саси сенда ҳамон янграб туради!  
Сен: «Менинг энди биргина виждонимгина сиз  
билан бирга эмас», – деб айтсанг, бу нолиш ва  
азоб-уқубат бўлур эди.

Қарагил: мана шу азоб-уқубатни ЯГОНА виж-  
дон ҳам түғдирди: ушбу виждоннинг сўнгги  
чатноқлари сенинг кадаринг ичра ҳам ёнмоқда.

Лекин сен ўз кадаринг сасига қулоқ солмоқчи  
бўласанми, наҳот бу ўз-ўзинг сари йўл бўлса? Бун-

га ўз ҳақинг ва куч-қувватинг борлигини менга намоён қил!

Ўзингни янги куч ва янги ҳақ сифатида кўрсата оласанми? Ҳаракатнинг ибтидосими? Ўз-ўзича жилган фидиракми? Сен юлдузларни ўз атро-фингда айлантира оласанми?

Оҳ, юксакларни алқайдиганлар мунча кўп! Шуҳратпарастликнинг тиришишлари шунчалар бисёр! Сен менга алқовчилар ва шуҳратпарастлардан эмаслигингни кўрсат!

Оҳ, улуф фикрлар нечоғлик кўп, улардан ҳаво тўлдирилган мешчалик ҳам наф йўқ: улар ҳаво пуркайдилару яна олдингидан бешбаттар бўм-бўш қилиб қўядилар.

Сен ўзингни эркин деб ҳисоблайсанми? Сенинг ўз устингдан олахуржунни улоқтириб ташла-ганингни эмас, сенинг ҳукмфармо фикрингни эшитсан, дейман.

Сен ўз елкасидан олахуржунни улоқтириб ташлашга ҲАҚИ БОРЛАР сирасига кирасанми? Қулликдан озод бўлганда ўзларининг энг охирги қадрларини йўқотиб қўйганлар оз эмас.

Нимадан эркин? Бу билан Зардўштнинг нима иши бор! Лекин сенинг тиниқ нигоҳинг менга айтсин: эркинлиги НИМА УЧУНЛИГИНИ?

Сен ўзингга ўз яхшилигинг ва ёмонлигингни бероласанми ва ўз бўйингга ўз эркингни қонун каби илиб қўя оласанми? Ўзингга ўзинг қози бўлоласанми, ўз қонунингдан ўзинг қасос оласанми?

Ўз қонунингнинг қозиси ва қасоскори билан юзма-юз туришдан ёмони йўқ. Юлдуз бўм-бўш хувиллаган маконлар ва ёлғизликнинг замҳарир комига шундай ташлаб кетилур.

Сен ҳали қўплагандан азоб чекурсан, сен ёлғиз: сенинг ҳали барча матонатини ва сенинг умидларинг бордир.

Лекин бир кунмас бир кун ёлғизликдан чарчайсан, бир кунмас бир кун сенинг фуруринг эгишур ва матонатинг емирилур. Бир кунмас бир кун сен нидо қилгайсан: «Мен ёлғизман!»

Бир кунмас бир кун сен ўз баландлигингни бошка кўрмайсан; сенинг пастаринлигинг сенга жуда яқин бўлиб қолади; сенинг кўтаринкилигинг сени худди шарпа янглиф қўрқитур. Бир кунмас бир кун сен хитоб қилурсан: «Бари – ёлгон!»

Ёлғизнинг жонига қасд қилгувчи ҳислар бор; улар буни эплолмасалар; улар ўзлари жон таслим қиласинлар. Лекин сен қотил бўлишга қодирмисан?

Биродарим, сен энди «Нафрат» деган сўзни билиб олдингми? Сен энди билиб олдингми ҳақгўйлигинг азобини – сендан нафратланувчиларга адолатли бўлишни?

Сен кўпларни сен ҳақингда фикрларини ўзгартиришга мажбур қиласан – улар буни сенинг жуда катта айбинг, деб қарайдилар, сен уларга жуда яқин бординг ва бари учун сени улар ҳеч қачон кечирмайдилар.

Сен улардан юқорироқ кўтарилидинг; лекин сен қанча юқорига кўтарилганинг сари хасаднинг кўзларига шунча кичик бўлиб кўринасан. Аммо парвоз қилаётган одамни ҳаммадан кўра кўпроқ ёмон кўрадилар.

«Сиз менга қай тарзда адолатли бўлмоқчи эдингиз! – деб айтишинг керак. – Мен сизнинг адолатсизлигингизни менга ажратилган қисмат улуши деб сайлаб оламан».

Ёлғизнинг изидан улар ноҳақдик ва ифлосликларни итқитадилар; бироқ азиз биродарим, башарти

сен юлдуз бўлишни истасанг, ҳеч нарсага қара-  
масдан сен уларнинг йўлларини ёритишинг керак!

Яхшилар ва ишбилармонлардан эҳтиёт бўл!  
Улар ўзига ўз яхшиликларини бунёд этганларни  
тепкиниб, босиб ўтишни хуш кўрадилар, – улар  
ёлғизни чиқишишимайдилар.

Яна муборак соддалиқдан эҳтиёт бўл! Унинг  
наздида содда бўлмаган ҳамма нарса макруҳdir;  
у олов билан ўйнашмоқни – гулханларни суря.<sup>5</sup>

Яна эҳтиёт бўл ўз муҳаббатинг қўзғалишлари-  
дан! Ёлғиз одам йўлда дуч келган кимсага шо-  
шиб-пишиб қўлинни узатади.

Баъзиларга сен қўлингни эмас, фақат пан-  
жангни чўз – мен сенинг панжаларингда ўткир  
тирноқлар бўлсин, дейман.

Лекин сен учратишинг мумкин бўлган энг ха-  
тарли душман бу доим сенинг ўзинг; ўрмонлару  
горларда сен ўзингни ўзинг пойлаб ётасан.

Сен ёлғизсан, сен ўз-ўзингга олиб борувчи йўл-  
дан кетяпсан!

Йўлинг сенинг ўзингдан ва сенинг етти ибли-  
сингдан олдинда борар!

Сен ўз-ўзинг учун ҳам худосиз, ҳам фолбин,  
ҳам башоратгўй, ҳам тентак, ҳам бадфаҳм, ҳам  
бетавфиқ, ҳам ёвуз бўласан.

Сен ўзингни ўз алангандга қовурмофинг дар-  
кор: сен кулга айланмай туриб қандай янгилини-  
шинг мумкин!

Сен ёлғизсан, сен бунёдкор йўлидан боряпсан:  
Сен ўзингнинг етти иблисингдан ўзингга худо  
ясамоқчи бўласан!

Ёлғиз одам, сен севилувчи одамнинг йўлидан  
бормоқдасан: сен ўз-ўзингни севасан ва шунинг

---

<sup>5</sup> Ян Гуснинг гулханда ёндирилганига ишора.

учун ўз-ўзингни ёмон кўрасан, худди фақат сев-гувчилар шундай ёмон кўради.

Севгувчи бунёд қилмоқни истайди, зотан, у ёмон кўради! У севган баайни шу нарсани ёмон кўрмаслиги керак, аллаким севги ҳақида нимани ҳам биларди дейсиз!

Ўз муҳаббатинг ва ўз бунёдинг билан, биродарим, сен хилватга чекилгил, фақат сал кейинроқ сенинг ортингдан чўлоқданганча адолат етиб боради.

Менинг кўз ёшларим билан ўз хилватингга чекилгил, биродарим. Мен ўзидан кўра узоқроқ ва нарироққа бунёд этишни хоҳловчи ҳамда шундай ҳалок бўлгувчини севаман.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **ҚАРИ ВА ЁШ АЁЛЛАР ЗИКРИДА**

Кеч қоронғусида нега сен бунчалар юрак бетламай қўрқа-писа ўғринча қадам босадурсан, о, Зардўшт? Ўз либосинг остида нимани бунча эҳтиётлаб яширмоқдасан?

Сенга тортиқ қилинган хазина эмасми бу? Ёким у сенинг янги туғилган гўдагингдир? Ёким эндиликда сен ҳам ўғрилар йўлидан борадурсанми, сен эй, ёвузларнинг дўсти?

– Ҳақиқатан ҳам, биродарим! – жавоб берди Зардўшт. – Бу менга аталган хазина: бу мен элтаётган кичкинагина ҳақиқат.

Лекин у сабий бола каби безовта; агарда мен унинг оғзини ёпиб турмасам эрди, у худди гўдак каби оламни бошига кўтариб қичқираради.

Мен бугун бир ўзим қўёш уфқа бош қўйган оқшом чоғи ўз йўлимга кетаётган чофимда, менга бир кампир дуч келди ва дилимга шундай сўзларни деди:

«Ҳатто биз аёлларга ҳам Зардўшт кўп нарсаларни гапирди, лекин у бизга ҳеч қачон аёл ҳақида сўйламади».

Мен кампирга эътиroz билдиридим: «Аёл ҳақида фақат эркаклар сўйласинлар».

«Менга ҳам фақат аёл ҳақида гапиришинг мумкин, – деди кампир. – Мен анча қариб қолдим, ҳаммаси дарров эсимдан чиқиб кетади».

Мен кампирнинг сўзини ерда қолдирмай, шундай дедим:

Аёлда ҳамма нарсалар – жумбок, аёлда ҳамма нарсаларнинг битта ечими бор: унинг номи ҳомиладорлик.

Эркак аёл киши учун восита: мақсад фақат бола кўриш. Лекин эркак учун аёл ўзи нимадир?

Ҳақиқий эркак иккита нарсани хоҳлайди: хавфу хатар ва ўйин. Шунинг учун у аёлни энг хатарли ўйинчоқ каби истайди.

Эркак уруш учун тайёрланган, аёл эса жангчининг эрмаги, овунчоги бўлиши керак; бошқа бариси – аҳмоқлик.

Жангчи ҳаддан ташқари ширин меваларни хушламайди. Шунинг учун у аёлни севади; энг лаззатли аёлда ҳам яна аччиқ нимадир бор.

Аёл болаларни эркакдан кўра яхшироқ тушунади. Лекин эркак аёлга қараганда кўпроқ болага ўхшайди.

Ҳақиқий эркакда бола яширган, у ўйин истайди. Қани-эй, аёллар, эркакда болани топингиз!

Майли, аёл ўйинчоқ бўлсин мусаффо ва мунир, худди олмосдай яшнасин, ҳали мавжуд бўлмаган дунёнинг эзгуликлари мисол.

Сизнинг муҳаббатингизда юлдуз нури порласин! «О, мен аъло одамни туғиб оламга келтира

олганимда эди!» – ушбу сўз сизнинг умидингиз бўлгай.

Майли, сизнинг муҳаббатингиз жасоратли бўлсин! Томирингизга қўрқув солган кимсага сиз муҳаббатингиз билан ҳужум қилмоғингиз даркор.

Сизнинг муҳаббатингизда номусингиз бўлсин! Умуман аёл номус деган нарсани тушунмайди. Лекин сизнинг номусингиз севилишда эмас, балки кўпроқ доим севишида бўлгай ва ҳеч қачон иккинчи бўлмагай.

Эркак аёл севгисидан қўрқсин. – Зотан, у ҳар қандай қурбонликка тайёр ва ҳар қандай бошқа нарса унинг учун арзимас.

Эркак аёлнинг нафратидан қўрқсин: зотан, эркак юрагининг тубида фақат аччиқданади, аёл бунинг устига тубандир.

Аёл ҳаммадан ортиқ кимни ёмон кўради? – Темир оҳанрабога деган экан: «Сени жинимдан ҳам ортиқроқ ёмон кўраман, чунки сен ўзингга тортасан, лекин бутунлай тортиб олишга ожизлик қиласан».

Эркакнинг баҳт-саодати: мен хоҳдайман демоқлиқда. Аёл кишининг баҳт-иқболи: у хоҳдайди деб аталади.

«Қарагил, дунё фақат эндинигина баркамол бўлди!» – ўзининг бутун муҳаббатига бўйсуниб, ҳар бир аёл шундай деб ўйлади.

Аёл бўйсунмоғи ҳам керак ва ўз юзасига теранликини топмоғи керак. Юзи – аёлнинг жону дили, у паст сув сатҳидаги қимиirlаб турган сергулов пардага ўхшайди.

Аммо эркакнинг қалби чуқур: унинг тўполон оқими ер остидаги мағораларда шовқин-сурон солади – аёл унинг кучини ҳис қилиб туради, лекин бу куч нималигини тушунмайди.

Шунда кампир менга эътиroz билдиrди: «Зардўшт кўп илтифотли сўзларни айтди, айниқса, бу нарсаларга ҳали ёшлик қиладиганлар учун бунинг нафи тегади.

Ажабо, Зардўшт аёлларни кам билади, шунга қарамасдан, унинг улар борасидаги сўзлари ҳақ. Бу нимадан бўларкин, аёл кишидан истаган нарсани кутиш мумкинлигиданмикин?<sup>6</sup>

Энди миннатдорчилигим рамзи ўлароқ ушбу ҳақ сўзни тингла! Мен бу ҳақиқат учун анча қарип қолдим.

Уни яхшилаб ўраб ол ва унинг оғзини беркит: акс ҳолда бу кичкина ҳақиқат овозининг борича қичқириб, айюҳаннос сола бошлайди».

«Ҳой хотин, ўша кичкина ҳақиқатингни менга бер!» – дедим мен. Кампир мана шундай деди:

«Хотинлар олдига боряпсанми? Қамчининг эсингдан чиқмасин!»

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ИЛОН ЧАҚИШИ ЗИКРИ

Бир кун Зардўшт анжир дарахти соясида пинакка кетди, кун жуда иссиқ эди, у қўлинни юзи устига кўйди. Буни қарангки, илон судралиб келиб, унинг бўйнидан чақди, Зардўшт жони оғриб, қичқириб юборди. У қўлинни юзидан олиб илонга қаради, шунда илон Зардўштнинг кўзларини таниди, ўнгайсизланиб юзини тескари бурди-да, судралганча қочишни кўзлади. «Шошмай тур, – деди Зардўшт, – Мен ҳали сенга миннатдорчилик

<sup>6</sup> Лука баён этган Муқаддас хушхабарда «Зеро, худонинг бирон каломи пучга чиқмас» сўзларига ишора (Лука 1-37. Иброҳим Абоев таржимаси).

бидирганим йўқ! Сен менинг ўз вақтида уйғотдинг, менинг йўлим ҳали узоқ». «Сенинг йўлинг энди қисқарди, – деди ғамғин бўлиб илон, – менинг заҳарим ўлдиради». Зардўшт табассум қилди. «Аждарҳо илоннинг заҳридан қачон ўлган? – деди у. – Бироқ ўз заҳарингни қайтариб ол! Сен унчалар ҳам бадавлат эмассанки, уни менга тортиқ қиласанг». Шунда илон яна унинг бўйнига чирмашди-да, жароҳатни сўра бошлади.

Бир куни Зардўшт бу воқеани шогирдларига ҳикоя қилиб берганида, улар сўрашди: «Сенинг бу ҳикоянгнинг маъноси нима, о, Зардўшт?» Зардўшт бунга шундай жавоб берди:

– Мени яхши ва порсо одамлар ахлоқ бузғунчиши дейдилар: менинг ҳикоям гайриахлоқийдур.

Агар сизнинг душманингиз бўлса, унинг ёмонлигига яхшилик билан жавоб қайтарманг: зотан, бу уни уятга қўйган бўларди. Аксинча, сиз унга тушунтиринг: сен менга бир яхшилик қилдинг денг.

Яхиси, хафа бўлинг, лекин уялтирунг! Сизни қарфаганларида ҳам, сиз қарғовчилар ҳақига дуо қилмоқчи бўласиз, бу менга ёқмайди. Яхиси, сиз ўзингиз ҳам андаккина лаънатлаб қўйинг!

Агарда бошингизга катта тухмат тушса, сиз тезроқ беш бора кичкина адолатсизликлар қилиб қўя қолинг! Во ҳасрато, аллакимнидир ёлғиз бир ўзини адолатсизлик эзиб ётган бўлса, буни кўриш қанчалар оғир!

Сиз буни билармидингиз ахир? Бошқалар билан бирга баҳам кўрилган адолатсизлик энди нақ ярим адолатнинг ўзгинаси. Елкасига юк қилиб кўтара оладиган одам ноҳақликни ўз бўйнига олсин!

Кичкинагина қасос ҳар қандай қасоснинг йўқлигига қарагандга анча одамийроқдир. Агар жазо бир пайтнинг ўзида бузғунчи учун ҳам ҳақ, ҳам

номус бўлмаса, унда мен сизнинг жазоларингизни хоҳламайман.

Ўзни ноҳақ деб билиш, ҳақ бўлиб чиқишига қараганда олижаноброқдир ва айниқса сен ҳақ бўлсанг. Фақат бунинг учун етарлича бадавлат бўлмоқ керак.

Мен сизнинг совуқ адолатингизни истамасман: қозиларингизнинг кўзларида менга доим жаллод ва унинг совуқ пичоги кўринади.

Айтинг менга қайда у адолат, ўша кўзлари равшан кўрувчи муҳаббат?

Топиб беринг менга ўша муҳаббатни ҳар бир жазони кўтарарадиган ва ҳар бир гуноҳни ташийдиган!

Топиб беринг менга ўша адолатни ҳукм ўқув-чидан бошқа ҳаммани оқладиган:

Сиз яна буни ҳам эшитишни хоҳлайсизми? Кимда-ким бутунлай адолатли бўламан деса, унинг ҳатто ёлғони ҳам одамга муҳаббатга дўнади<sup>7</sup>.

Лекин мен қандай қилиб бутунлай адолатли бўлоламан! Қандай қилиб ҳар бир одамнинг ҳақига риоя қилоламан! Ҳар бир кимсага мен ўзимдан бир нима берсам, шу менга кифоя.

Ва ниҳоят, азиз биродарларим, дарвешларга адолатсизлик қилишдан эҳтиёт бўлгайсиз! Дарвеш буни унутиши мумкинми! Қасдини олмаслиги мумкинми!

Дарвеш теран булоқ мисолидир. Унга тош отиш осон; лекин тош булоқнинг энг тубига чўкса, айтинг, ким яна уни қайтариб ола билар?

Дарвешни ранжитишдан ҳазар қилинг. Лекин сиз буни қилган бўлсангиз, унда яхшиси, уни ўлдиринг!

Зардўшт шундай зикр қилди.

---

<sup>7</sup> Дўнади – айланади.

## **БОЛА ВА НИКОҲ ЗИКРИ**

Менинг сенга саволим бор, биродарим; бу саволимни худди аллақандай лот<sup>8</sup> каби сенинг қалбининг ташлайман, зеро, қалбинг қанчалар теран эканлигини билгим келади.

Сен ёшсан, никоҳ ва бола истайсан. Лекин мен сендан сўрайман: болалик бўлиш ҲАҚИНИ ҚОЗОНМОҚ учун сен ҳақиқий одам бўлолганмисан?

Сен зафар қозонганмисан, ўз-ўзингни енгиб ўтолганмисан, ҳиссиётларингга ҳокиммисан, ўз яхшиликларингнинг хўжаси бўла оласанми? Мен сендан шуларни сўрайман.

Ёки сенинг истакларинг бари ҳайвоний ва қорин фамидами? Ёхуд ёлғизлик? Ва ё ўз-ўзингдан норозилик?

Мен шуни истайманки, сенинг зафаринг ва сенинг эркинг жон-дилдан болани истасин. Сен ўз зафаринг ва ўз озодлигингга тирик ҳайкаллар қўймоғинг керак.

Сен ўзингдан узоқни кўзлаб қургил. Лекин ундан аввалроқ вужудинг ва қалбинга нисбатан сенинг ўзинг тўғри бурчакли қилиб қурилмоғинг даркор.

Сен фақат кенгайибгина қолмай, балки яна юксалгил! Бунда сенга эр-хотинлик боғи мададкор бўлгай!

Сен олий вужудни бино қилмоғинг, илк ҳаракат – ўз-ўзидан гилдираб боргувчи гилдиракни – бино қилгувчини бино қилмоғинг керак.

Никоҳ – икковлоннинг бировлонни яратишга иродасини мен шундай атайман. Лекин бировлоннинг ўзи уни яратганлардан кўра каттароқдир. Ўзаро жуда чуқур ҳурмат-эътиборни мен

---

<sup>8</sup> Лот – денгизнинг чуқурлигини кема сатҳидан туриб ўлчайдиган асбоб.

никоҳ деб биламан, никоҳланганлар бир ирода эгалариридир.

Бу сенинг никоҳингнинг маъноси ва адолати бўлгай. Лекин кўплаган кўпчилик –ўша ортиқчалар никоҳ деб билган нарса – оҳ, мен буни нима деб атасам экан?

Оҳ, бу икковлон қалбининг қашшоқдиги! Оҳ, бу икковлон қалбининг ифлослиги! Оҳ, бу икковлон биргаликдаги аянчли мамнунлик!

Буларнинг барини улар никоҳ деб атайдилар; улар никоҳдарини кўкларда ўқилган деб ҳисоблайдилар.

Майлига, лекин мен ортиқча одамларнинг бу осмонини истамайман. Йўқ, керакмас менга улар, ўша кўкнинг тўрларига тушиб чалкашган махлуқлар!

Худо мендан нарироқда бўлса, у ўзи боғламаган нарсага фотиҳа бериш учун оқсоқданиб боради:

Бу никоҳлар устидан кулманг! Қайси бир бола фақирда ўз ота-онаси важидан кўз ёшлари тўкмоққа асос йўқ дейсиз?

Менга бу одам жуда муносиб ва ердаги ҳаёт маъносини уқишига етилгандай туюлган эди; лекин унинг хотинини кўргач, ер юзи менга телба-тескарилар уйи бўлиб кўринди.

Ҳа, мен шуни истардимки, бобракат бир зот кеккайган гоздек аёлга уйлангунча еру замин ларзага тушсин.

Бирор ҳақиқатни излаш учун қаҳрамон каби йўлга чиқди, оқибатда эса у ўзига кичкинагина безанган ёлғонни топди, у буни ўзининг никоҳи деб атайди.

Бошқаси муомалада талабчан ва сайлаганда гоятда инжиқ эди. У бирдан ва бирваракай ўз жамиятини расво қилган: у буни ўз никоҳи деб атайди.

Учинчи бирор фариштанинг хислатлари бўлган чўрини қидиради. Лекин у бирданига чўрининг чўрисига айланди, мана энди унинг ўзи фаришта бўлиши керак.

Мен барча харидорларни эҳтиёткор каби кўрдим, уларнинг ҳаммаларининг кўзлари айёrona боқади. Лекин улар ичида ҳатто энг айёрининг ҳам ўзига хотинни қанорга солинган ҳолда сотиб олишга ақли етади.

Жуда қисқа телбаликларингиз кўп – буни сиз муҳаббат деб атайсиз. Сизнинг никоҳингиз битта узун ақлсизлик каби жуда кўп қисқа телбаликларга барҳам беради.

Сизнинг хотинингизга муҳаббатингиз ва хотининг эрга муҳаббати – оҳ, бу ҳаммаси азоб-уқубат чекаётгандар ҳамда яширилган илоҳларга шафқат бўлсайди! Лекин ҳамиша икки маҳлуқ бир-бирлари билан топишиб оладилар.

Сизни ҳатто энг яхши муҳаббатингиз ҳам фақат кўтаринки тимсол ва оғриқ ҳирсдир. Муҳаббат – энг олий йўлларда нур сочиб турувчи машъаладир.

Бир кунмас бир кун сиз ўзингиздан илгарини севмоғингиз керак бўлади! Севишни ўрганишни бошланг! Шунинг учун ҳам сиз муҳаббатингизнинг аччиқ шаробини ичишга мажбур эдингиз.

Энг яхши муҳаббат косасида ҳам аччиқ бўлади: у аъло одамни шундай соғинтиради, у сени шундай ташна қиласи, эй бунёд қилувчи.

Бунёд қилувчида ташналиқ, аъло одамни соғиниши ва ўқ-ёй – биродарим, айт, сенинг никоҳга ироданг шундайми?

Мен учун шундай никоҳ ва шундай ирода – муқаддас.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ЭРКИН ЎЛИМ ЗИКРИ

Кўплар жуда кеч айримлар эса жуда эрта ўладилар. «Ўз вақтида ўла бил!» – деган ҳикмат ҳамон галати эшитилади.

Ўз вақтида ўл – Зардўшт шундай таълим беради.

Албатта, ўз вақтида яшамаган кимса борки, у қандай қилиб ўз вақтида ўлсин? Унинг ҳеч қачон туғилмагани яхши эди! – Мен ортиқча одамларга шундай ўгит айтаман.

Лекин ҳатто ортиқча одамлар ҳам ўз ўлимлари билан кериладилар ва ҳатто ичи пучдан-пуч ёнгоқ ҳам ўзини чақиб ейишларини хоҳлайди.

Ҳамма ўлимга жиддий қарайди; лекин ўлим ҳали байрам эмас. Одамлар ҳали энг ёрқин байрамларни эъзозлаб билмайдилар.

Сизга комил ўлимни кўрсатай; у яшаётганлар учун ниш ва қутлуғ қасамга айланади.

Ўз йўлини ўтаб бўлган ўз ўлими билан ўлур, у умидли ва қутлуғ қасам ичганлар томонидан қуршалган ҳолда голибона ўлур.

Ўлимни ўргана билмоқ жойиз эди; шундай тарзда ўлаётган кимса яшаётганларнинг қасамларини қутлуғ қилиб бермаган ерда байрамнинг бўлиши мумкин эмас!

Шундай ўлиш – ҳаммадан яхши; ундан кейин турадигани – жангда ўлмоқ ва буюк кўнгилни сарфламоқдир.

Лекин курашаётган учун ҳам, голиб чиққан учун ҳам сизнинг ўлимингиз баб-баробар нафратга сазовор, ҳар ҳолда бу ўлим тишини фижирлатади ва ўғридай пусиб кириб келади, – айни чоқда у ҳукмдордай кирур.

Мен ўз ўлимимни, эркин ўлимни сизга мақтайди, у менга келади, чунки мен шуни истайман.

Мен қачон буни истайман? – Кимнинг мақсади ва вориси бўлса, у мақсад ва ворис учун ўз вақтида ўлимни истайди.

Мақсад ҳамда ворисга чуқур ҳурмати бўлгани учун у ҳаёт маъбадгоҳига қуриган шодагулларни осиб ўтиrmас.

Ҳақиқатан, мен арқон эшадиганларга ўхшашни истамайман: улар арқонларини олдинга торта туриб, ўzlари орқага қараб тисланадилар.

Айримлар ўз ҳақиқатлари ва ғалабалари учун ўта қартайиб бормоқдалар: тиши қолмаган оғизнинг энди ҳамма ҳақиқатларга ҳаққи йўқ.

Ва ҳар бир шараф қозонишни истаган ўз вақтида шон-шараф билан хайрлашмоқ ва жуда ҳам қийин ҳунарни – ўз вақтида кетмоқдикни билиши керак.

Сени жуда ҳам ширин озуқ деб билишса, сен ўзингни еб қўйишиларига йўл қўйма, – буни узоқ севилишни истаганлар биладилар.

Албатта, қимизак олмалар бўлади, улар кузнинг охирги кунини кутадилар; шу вақтга келиб улар сарғайиб, тарам-тарам бўлиб пишиб етиладилар.

Айримларнинг аввал юраги, бошқаларнинг эса – ақли қарийди. Баъзилар ёшлиқдан қаримсиқдир; лекин ёшлигини узоқ йўқотмаган, узоқ замонлар ёшдир.

Аллакимнинг ҳаёти ўнғалмайди: заҳарли қурт унинг юрагини кемириб ётади. Ундан кўра яхшироқ ўлим мұяссар бўлсин, у шунга ҳаракат қиласин.

Аллаким ҳеч қачон ширали бўлмайди: у сасиб чирийди. Бутогида уни фақат қўрқоқликкина тутиб туради.

Ҳаддан ошиқ кўплар яшаб юришади ва ўз бутоқларида ҳаддан ошиқ узоқ осилиб туришади.

Майлига, бўрон гурулласин ва дарахт устидан барча чириган қуртлаган меваларни қоқиб туширсин!

О, қани эди тез ўлим тарғиботчилари келсалар эди! Улар ҳақиқий бўрон бўлиб ҳаёт дарахтларини боплаб силкитур эдилар! Лекин мен оҳиста ўлим тарғиботини, барча «Тириклик» ишларига сабр-тоқат қилишликни эшитаман.

Оҳ, сиз барча тириклик ишларига сабр-тоқат қилишни тарғиб этасизми? Лекин ушбу тириклик сизга узоқ вақт сабр-тоқат қилиб келяпти, эй, сиз фийбатчилар!

Ҳақиқатан ҳам, оҳиста ўлим тарғиботчиларининг ҳурматини қозонган ўша яҳудий тез ўлиб кетди; ўшандан бери унинг жуда эрта ўлиб кетгани кўплар учун ёмон қисмат аломати бўлиб қолди.

У фақат яҳудийнинг кўз ёшлари ва қайгуларини, яхшилар ҳамда нарсаларнинг қаҳру ғазаблари билан бирга биларди ўша яҳудий Иисус; шунда уни ўлим қайғуси эгаллаб олди.

Нега у яхшилар ва нарсалардан узоқда, сахро да қолиб кетмади! Балки у яшашни ўрганармиди ва балки ерни севишни ўрганармиди – ва шу билан бирга қандай кулишни ўрганармиди.

Менга ишонинглар, биродарлар! У жуда эрта ўлиб кетди; агарда у менинг ёшимга етганда эди, унинг ўзи ўз таълимотидан воз кечган бўлурди! У воз кеча оладиган даражада олижаноб эди!

Лекин у ҳали етилмаган эди. Навқирон йигитнинг муҳаббати фўр, у инсон ва ерни ҳам фўрлик билан ёмон кўради. Унинг дили ва тафаккури қанотлари ҳали оғир ва боғланган эди.

Лекин балоғатга етган эр ҳали ўсмирдан кўра кўпроқ бола ва у қайгу нималигини яхши билмайди: у ўлим ва ҳаётни яхшироқ тушунади.

У ўлим учун озод ва ўлимда ҳам озод. Ҳа деб айтишга вақт ҳам қолмаганда у муқаддас Йўқ сўзини айтади, у ўлим ва ҳаётни шундай англайди.

Сизнинг ўлимингиз, дўстларим, инсон ва заминга қарғиши бўлиб тушмасин: Сизнинг қалбиниз асалидан мен шуни сўрайман.

Худди ер юзида ёнган кечки шафақ алангасидай сизнинг ўлимингизда руҳингиз ҳамда эзгулигингиз ёнмоғи даркор, – акс ҳолда сиз ўлимни эпломаган бўласиз.

Дўстларим, сиз мени деб ерни янада ортиқроқ севмоғингиз учун мен ўзим шундай ўлмоқчиман; мен яна тупроққа айланишни истайман, токи мени туққан ҳузурида сокин бўлмоқчиман.

Чиндан Зардўштнинг ўз мақсади бор эди; у коптокни итқитди; энди сиз дўстларим, менинг мақсадимга ворислик қилингиз, сиз учун мен олтин коптокни ошираман.

Сиз олтин коптокни оширган чоғингизда сизга қарашни мен ҳаммадан ҳам яхши кўраман, дўстларим! Шу боис мен ер юзида яна бир оз вақт шамоллаб тураман; маъзур кўринг мени!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ЭҲСОН ҚИЛУВЧИ ЭЗГУЛИК ЗИКРИ

1



Зардўшт «Ола сигир» деб аталган ўзи жондан севган шаҳар билан хайрлашиб чиққач, ўзларини унга шогирд деб атагувчилар орқасидан туюбўлиб эргашиб бордилар. Улар йўл тўрут томонга айрилган ерга етиб келдилар; шу ерда Зардўшт уларни тўхтатиб, буёғига ўзи ёлғиз кетажагини

бидирди. У ёлғизликда йўл босиши севарди. Шунда шогирдлари унга асо совфа қилдилар. Асонинг олтин дастасига қуён атрофини ўраб олган илон ишланган эди. Зардўшт асони кўриб хурсанд бўлди. Унга суюниб турди, кейин шогирдларига шундай деди:

– Менга айтинг: олтин қандай қилиб энг олий қадр топди? У ноёб ва бенаф, ўз порлоқлигига ёрқин ва сўлим нарса; у доим ўзини тортиқ қиласди.

Фақат олий эзгуликнинг тимсоли каби олтин юксак қадр топди. Эҳсон қилаётган кишининг нигоҳи олтин каби нурланади. Олтиннинг товла-ниши ой билан қуёш ўртасида тотувликка сабаб бўлади.

Олий эзгулик ноёб ҳамда бефойда, ўз ёрқинлигига у порлоқ ва сўлимдир: эҳсон қилгувчи эзгулик энг олий эзгулик.

Чиндан, мен сизни сезиб турибман, азиз шогирдларим: сиз худди мен каби эҳсон қилгувчи эзгуликка интилмоқдасиз. Сизнинг мушуклар ва бўриларга қандай яқинлигингиз бор?

Сиз ўзингиз қурбон ва ҳадя бўлишни ташналик билан истайсиз. Шунинг учун сиз бутун бойликларни қалбингизда йиғишга муштоқсиз.

Сизнинг қалбингиз барча хазина-дафиналарга кўзи очлик билан интилади, зотан, тортиқ қилиш истагида сизнинг яхшилигингизнинг кўзи очдир.

Сиз барча нарсаларни ўзингизга зўрлаб яқинлаштирасиз ва ичингизга киритасиз, кейин улар сизнинг булогингиздан муҳаббатингизнинг ҳадялари каби оқиб чиқишини истайсиз.

Чиндан, бундан эҳсон қилгувчи муҳаббат барча қиммабаҳо нарсаларнинг талончисига айланмоғи даркор; лекин бу ўз-ўзини севишини мен соғлом ва қутлуғ, деб атаган бўлурдим.

Яна бошқа бир ўз-ўзини севиши ҳам бор, у ҳаддан ташқари қашшоқ ва доим оч, у мудом ўғирлик қилишни хоҳлайди, – бу бекорларнинг ўз-ўзини севиши, касалланган ўз-ўзини севишидир.

У барча порлоқ нарсаларга ўғринча кўз билан қарайди; у ризқ-рўзи тўкин-сочин бўлгандарни гоҳо очлик билан ўлчаб кузатади; У доим эҳсон қилувчиларнинг дастурхони атрофида ўрмалаб юради.

Бу очкўзликда касаллик ва кўзга кўринмас айниш бор; бу худбинликнинг ўғринча очкўзлиги вужуднинг илвираётганидан дарак беради.

Айтингиз менга, биродарларим: нима бизда ёмон ва жуда ёмон ҳисобланади? Бу айнишнинг ўзгинаси эмасми? – Эҳсон қилувчи қалб бўлмаган жойда биз доим айниш ҳодисасига дуч келамиз.

Бир уруғдан иккинчи янада юксакрок уруққа ўтамиш ва бизнинг йўлимиз шундай юқорилаб боради. Аммо «Ҳаммаси меники», деган айниган ҳиссиёт биз учун мудҳишдир.

Бизнинг ҳиссиётимиз юксакларга парвоз қиласиди: бу ҳиссиёт вужудимизнинг тимсоли, юксалишнинг тимсоли. Бу юксалишларнинг тимсоли яхшиликлар номларининг мағзидир.

Тикланиб ва курашиб бораётган вужуд мана шу тариқа тарих оралаб ўтади. Руҳ-чи? – у вужуд учун нимадир? Унинг жанглари, зафарларининг жарчиси, биродари ва акс садосидир.

Барча тимсоллар – яхшилик ва ёмонликнинг отларидир: улар ҳеч нарсани билдирамайдилар, улар фақат кўз қисадилар. Улардан билишни талаб қилувчи кимса телбадир.

Сизнинг руҳингиз тимсоллар билан сўзламоқчи бўлган ҳар бир соатга диққат билан қарангиз, азиз биродарларим: шунда сизнинг яхшиликларингиз туғилади.

Шунда сизнинг вужудингиз юксалади ва қайта тирилади, у ўз қувончига руҳни эргаштиради ва натижада у барча нарсаларнинг қадрига етувчи, ижодкор, севгувчи меҳрибонига айланади.

Сизнинг қалбингиз худди туғёнли тўлқин каби кенгиш ва тўлгин урганда ва бу соҳилда истиқомат қилувчилар ҳаёти учун хавфу хатар ҳамда рўшнолик келтирганда – ана шунда сизда эзгулик бунёд бўлади.

Сиз мақтов ва сўкишдан юксак кўтарилганингизда ва сизнинг муҳаббатли иродангиз ҳамма нарсаларга амр этишни истаганда – худди ана шунда сизда эзгулик бунёд бўлади.

Сиз қулайлик ва юмшоқ ўринлардан юз ўтирганда ва юмшоқ баданлардан унча узоқ бўлмай ёта олганда, – ана ўшандада сизда эзгулик бунёд бўлади.

Сиз ягона иРОДА бўлишини истаганда ва сиз барча эҳтиёжларни айланиб ўтишни зарурат деб атаганда, – ана ўшандада бунёд бўлади эзгулик.

Чиндан, бу янги яхшилик ва янги ёмонлик! Чиндан бу – теран шалдираш ва янги чашманинг овози!

Бу янги яхшилик давлат бўлади; у ҳукмдор фикр ва унинг атрофида оқил қалбdir: олтин қуёш ва унга чирмашган билиш илони ана шундайдир.

## 2

Шу ерда Зардўшт бир зум жим қолди ва шогирдларига меҳрибонлик билан қараб турди. Кейин у гапини шундай давом эттиради ва унинг овози ўзгарди:

– Ердан ҳеч қачон оёғингизни узманг, биродарларим, яхшиликларингизнинг бутун кучини кўрсатинг! Сизнинг эҳсонкор муҳаббатингиз ва

билимларингиз ернинг мазмунига хизмат қиласин!  
Сиздан шуни сўрайман ва сизни шунга йўллайман.

Яхшиликларингиз ердан узилишига йўл қўйманг, улар мангу деворларга бош уриб қанотларини яраламасинлар! Оҳ, доим шундай кўп бўлган, учуб кетган яхшиликлар!

Худди мен каби учуб кетган яхшиликларни ернинг ўзига қайтаринг: ҳа, улар яна вужуд ҳамда ҳаётда қайтсин: ўз маъносини, одамий маъносини ерга баҳшида қиласин!

Шу пайтгача рух ва яхшилик юзлаб марта учуб кетиб, адашиб юрдилар. Оҳ, сизнинг вужудин-гизда ушбу ёлғон ва янгиш ҳали ҳамон яшайди: улар энди тан ва иродага айландилар.

Шу пайтгача рух ҳам, яхшиликлар ҳам юзлаб маротаба уриниб кўрдилар ва адашдилар. Ҳа, одам уриниб кўриш эди. Оҳ, жуда кўп жаҳолат ва адашишлар бизнинг танамизга айланди!

Минг йилларнинг онгу идрокигина эмас, шунингдек, уларнинг телбаликлари ҳам бизда ёрилажак. Ворис бўлмоқ хатарли.

Биз яна паҳдавон тасодиф билан қадам-бақадам кураш олиш борамиз ва бутун инсоният узра шу пайтгача бемаънилик, беҳудалик ҳукмрон бўлиб келди.

Биродарларим, сизнинг руҳингиз билан сизнинг яхшиликларингиз заминнинг мазмунига хизмат қиласин: барча нарсаларнинг қиммати майли, яна вужуд билиш билан тозаланади; вужуд билишга интилиб юксалади; билишни истаганча барча майлар қутлуғдир; юксалганинг кўнгли шодумон бўлади.

Ҳаким ўзингни давола, шунда сен ўз беморингни ҳам даволай биласан. Ўзини ўзи даволаётганни ўз кўзи билан кўриши унинг учун энг яхши мадад бўлиши мумкин эди.

Шу кунгача ҳеч қачон юрилмаган минглаб сўқмоқлар, минглаб соғломликлар ва ҳаётнинг яширин ороллари мавжуд. Ҳали шу кунгача инсон ва инсон замини охиригача билиб етилмаган, охиригача очилмаган.

Ўйғоқ бўлинг ва қулоқ солинг, эй, ёлғизлар! Истиқболдан қанотларини сассиз қоқиб шамоллар эсади; шунда нозик қулоқларига хушхабар етказади.

Эй, сиз олисда истиқомат қилаётганлар, сиз ҳали ҳозир ёлғизсиз, сиз бир куни халқ бўлурсиз: ўз-ўзини сайлаган сизлардан сайланган халқ вужудга келажак ва бу халқдан аъло одам бунёд бўлажак.

Чиндан ер ҳали яна соғаймоқ маконига айланажак! Мана унинг теграсида шифо бергувчи янги хуш насимлар эса бошлади ва янги умид бош кўтармокда.

### 3

Ушбу сўзларни айтиб Зардўшт жим бўлиб қолди, у ҳали ўзининг сўнгги сўзини айтмагандай эди; у ҳассани қўлида ушлаб узоқ пайсалланиб турди. Ниҳоят у яна шундай тилга кирди – ва унинг овози ўзгарди:

– Шогирдларим, энди мен бир ўзим йўлга тушаман! Энди сиз ҳам битта-битта бўлиб йўлга тушинглар! Менинг истагим шу.

Сизга чиндан айтаман: мендан нари кетингиз ва Зардўштдан ўзингизни ҳимоя қилингиз! Яна ҳам яххиси: ундан уялинг! Балки, у сизни алдагандир.

Билик кишиси ўз фанималарини фақат севибгина қолмай, ҳатто ўз дўстларини ёмон кўра билмоғи даркор.

Бир умрга фақат шогирд бўлиб қолган кимса ўз устози олдидаги қарзини ёмон ўтаган бўлур.

Нима учун сиз менинг гулчамбаримни юлиб-юлиб ташламайсиз?

Сиз мени эъзозлайсиз; лекин бир кунмас бир кун келиб сизнинг ҳурмат-эътиборингиз йўқолса, нима бўлади? Ўзингизни эҳтиёт қилинг: ҳайкал сизни ўлдириб қўймасин!

Сиз Зардўштга ишонамиз дейсизми? Лекин Зардўштдан нима фойда! Сиз – менга ишонувчиларсиз; лекин бу барча ишонувчилардан на фойда?

Сиз мени топганингизда ҳали ўзингизни қидирмаган эдингиз. Барча ишонувчилар шундай қила-дилар; чунки ҳар қандай ишончдан маъни жуда оз.

Энди мен сизга буюраман: мени йўқотинг ва ўзингизни топинг; фақат сиз ҳаммангиз мендан юз ўтириб тонганингизда, мен яна сизга қайтурман.

Чиндан, биродарларим, мен ўшанда ўз йўқотганларимни бошқача қўз билан излайман; бошқача муҳаббат билан севаман мен сизни ўшанда.

Бир кун келиб сиз яна менинг дўстларим ягона умид фарзандлари бўлишингиз керак ўшанда мен яна учинчи маротаба сизнинг ичингизда бўлишни истайман, ўшанда сиз билан бирга улуф чошгоҳни байрам қилурмиз.

Улуф чошгоҳ – инсон ҳайвон билан аъло одам ўртасидаги ўз йўлини қоқ ярмида туриб шом сари йўлини худди ўз олий умиди каби байрам қилмоғидир: зотан, бу янги тонг йўлдир.

Ва ўшанда ботаётганинг ўзи ўзини ўткинчи эканлиги учун хайрбод этур ва унинг билик қуёши чошгоҳда турган бўлур.

«БАРЧА ХУДОЛАР ЎЛДИЛАР, ЭНДИ БИЗ ФАҚАТ АЪЛО ОДАМ ЯШАШИНИ ИСТАЙМИЗ» – улуф чошгоҳ чоғида бизнинг иродамиз шундай бўлмоғи даркор!

Зардўшт шундай зикру нидо қилди.

### БОЛА БИЛАН ОЙНА

— Сиз ҳаммангиз мендан тонганда, мен яна сизга қайттурман.

— Чиндан, биродарларим, мен ўшандада йўқотганинг бошқача кўз билан излайман; бошқача муҳаббат билан севаман, мен сизни ўшандада.

Зардўшт. «Эҳсон қилувчи эзгулик» зикри

Шундан сўнг Зардўшт яна тоғларга, ўз хилват мағорасига қайтди, худди уруғ сочган деҳқон каби уруғининг униб чиқишини кутиб, одамларнинг кўзига кўринмай юрди. Лекин унинг қалби бесабрлик билан тўла, ўзи севган одамларни соғинарди: зотан, уларга берадиган нарсалари ҳали кўп эди. Энг қийини ҳам шу очиқ узатилган қўлни муҳаббат билан қисиб қўйиш ва эҳсон қилувчи каби ҳаё-ибони сақдаш.

Ёлғизликда унинг ойлари ва йиллари шундай ўтиб бораради; лекин унинг донолиги унга азоб берарди.

Аммо бир куни эрталаб у ҳали тонг оқармасдан уйғонди, тўшаги устида ўтириб нималарни дир эслагандай узоқ хаёлга ботди ва ниҳоят унинг қалби тилга кирди:

«Уйқумда мени нима қўрқитди ўзи, бирдан уйғониб кетдим? Тушимда ойна кўтарган бола йўлиқмадими, менга?»

«О, Зардўшт, – деди менга бола, – ойнага қараб ўзингни кўр!»

Ойнага қараб, мен қичқириб юбордим, юрагим зириллаб кетди: зотан, ойнада ўзимни эмас, иблиснинг иршайиб турган башарасини кўрдим.

Мен чиндан, тушларнинг башоратини жуда яхши биламан, уларнинг огоҳлантиришларини яхши тушунаман: Менинг ТАЪЛИМОТИМ хатар остида, ёввойи ўт-ўлан ўзини буғдой қилиб кўрсатмоқчи!

Менинг душманларим кучайиб, таълимотимнинг қиёфасини бузмоқчилар, шу боисдан суйгандарим мен уларга эҳсон қилган ҳадялардан уялсалар керак.

Мен ёру ошноларимни йўқотиб қўйдим; йўқотганларимни яна ахтариб топадиган пайт етди!»

Зардўшт шу сўзларни айтиб, ўрнидан дик этиб турди, ҳаво етмай қолганидан ва ё қўрққанидан эмас, балки башоратгўй ва бахши каби ташқарига отилди, унинг қалбига руҳ меҳмон бўлган эди. Бургуги ва илони унга ҳайрон бўлиб қарашди: зотан, келар иқбол худди тонг яллиги каби унинг чеҳрасини ёритди.

Менга нима бўлди ўзи, эй, махлуқларим? – деди Зардўшт. – Ахир мен қайта ўзгармадимми? Менга сор ғулув қуюн мисоли фарогат келмадими?

Менинг бахтим телбavor, шу боис у телбavor сўзлар айтурс; у ҳали жуда ҳам ёш – унга раҳм қилингиз!

Мен ўз бахтимдан яраланганман, барча азоб чекувчилар менинг табибларим бўлишлари керак!

Мен яна ўз дўстларим ва ўз душманларим қошибига туша оламан! Зардўшт яна сўзлаши, яна тортиқлар қилиши ва яна ўз суюклиларига муҳаббатини улашиши мумкин.

Менинг бесабр муҳаббатим пўртанаалари қирғоқлардан тошиб, юксак зирвалардан водийларга, шарқу гарб сари отилмоқда. Мангу гунг тоғлар ва азобнинг гулдуросли булутларидан менинг қалбим водийларга тушиб боради.

Узоқ вақт ҳасрат чекиб олисларга тикилдим. Узоқ вақт ёлғизлик оғушида бўлдим – сукут сақлаб ўтиришни ёдимдан чиқардим.

Мен баланд қоялардан отилиб тушаётган жилғанинг тили ва шов-шувига айландим; қуий водийларга мен ўз сўзларимни итқитмоқчиман.

Майли, менинг муҳаббатим тўлқинлари ўша пастга, йўлсиз ерларга қуюлиб борсин! Тўлқинлар охир-оқибат дengiz сари йўл топмасинми!

Рост, менинг ўзи тўлувчи дарвеш кўлим бор; лекин муҳаббатим тўлқинлари уни ўзи билан эргаштириб, оқизиб кетади дengizга!

Мен янги йўллардан бораман, менга янги сўз келмоқда; барча бунёдкорлар сингари мен эски такиллаган тиллардан чарчадим. Энди менинг руҳим сийқаси чиққан пошналарда юришни истамайди бошқа.

Мен учун ҳар қандай сўз жуда секин оқади – мен сенинг түғёнли аравангга минаман, эй, бўрон! Ҳатто сени ҳам ўз қаҳрим ила қамчилаб қичаб боргум!

Мен олис дengизлар узра худди ҳайқириқ ва сурур сингари учгим келур, токи дўсту ёрларим товсилиб қолган фароғатли оролларни топгунга қадар.

Менинг душманларим улар орасида! Мен ҳар кимгаким сўйлай олсан, ўша ҳар кимни шунчалар севаманки! Ҳатто душманларим ҳам менинг фароғатимга тааллуқди.

Мен ўзимнинг энг асов бедовоимга минмоқни истасам, ўша онда менинг найзам менга ҳаммадан яхши мадад беради: у ҳар қандай вақтда менинг оёқларимнинг ҳозир нозир хизматкори.

Найза, мен уни ғанимларга қарши отаман! Мен ўз ғанимларимга раҳматлар айтаман, чун ниҳоят найзани итқитиш палласи келди!

Булатимнинг зўриқиши шунчалар кучли эди; чақмоқдарнинг қаҳқаҷалари остида мен водийларга дўл ёғдиришни истайман.

Кўксим унда ҳайбатли қад кўтарур; тоғлар узра унинг бўронлари даҳшат солур – кўксим бундан ором олур.

Ҳақиқатан, менинг тахтим ва эрким худди бўрон каби келажак! Аммо менинг душманларим бизнинг бошимиз узра ЁВУЗ РУҲ түфён солмоқда, деб ўйлашлари керак.

Ҳатто сиз, менинг ёроnlарим, менинг асов донолигимдан қўрқиб кетурсиз ва эҳтимол, ундан душманларим билан биргаликда қочиб кетурсиз.

Оҳ, қани эди, чўпон сибизғаси бирла сизни яна ўз бағримга тортсам! Оҳ, қанийди, менинг шери фаррон донолигим майин ириллай билсайди! Биз кўп нарсаларни чала ўргангандиз!

Менинг асов донолигим хилват тоғларда урчи-ди; қаттиқ харсанг тошлар устида у кўз қароқла-рининг энг кичиги, энг ёшини дунёга келтирди.

Мана энди у телба қовжироқ саҳроларда сар-сари чопиб, ўз юмшоқ чимлоқини излайди – ул кўҳна асов донолигим!

Қалбингизнинг юмшоқ чимлоқларига, эй ёронларим! – Сизнинг муҳаббатингизга у ўз суюкли арзандасини ётқизмоқни истар!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ФАРОФАТЛИ ОРОЛЛАРДА

Анжир дарахтларининг мевалари тўкилади, улар ширали, лазиз; мевалар то ерга тушгунча уларнинг қизғишиш пўстлоқлари арчилиб кетади. Мен фарқ пишган мевалар учун шимол шамолиман.

Худди шундай анжир меваларидан сизнинг этагингизга тўкилади ушбу панд-насиҳатларим, эй, ёронларим. Энди унинг шарбатини ичингиз ва ширин меваларини татиб кўрингиз! Бизни кузнинг мусаффо осмони ўрайди, вақт ҳам чошгоҳдан ўтди.

Қаранг, қанчалар саховатли неъматларга тўлиқ теварак-атрофимиз! Бу саховат оралаб узоқ денгизларга қарамоқ қанчалар роҳат!

Бир замонлар узоқ денгизларга қараб айтишарди: Худо! Лекин мен энди сизга: аъло одам, деб айтишни ўргатдим.

Худо бу тусмолдир, лекин мен сизнинг тусмолингиз бунёдкор иродангиздан нарига ўтмаслигини истардим.

Сиз худони бунёд қила олармидингиз? – Ҳар қанақа илоҳлар ҳақида менга гапириб ўтируманг! Лекин сиз ҳеч қандай шак-шубҳасиз аъло одамни бунёд қилишингиз мумкин эди.

Балки сизнинг ўзингиз эмасдир, ёронларим! Балки сиз ўзингизни аъло одамнинг оталари ва аждодлари мисоли қайта яратишингиз мумкин; майлига, бу сизнинг энг яхши бунёдингиз бўлгай!

Худо бу тусмол; лекин мен сизнинг тусмолингиз фикр етадиган ҳудуд билан чегараланган бўлишини истайман.

Сиз худони фикрлай олармидингиз? – Лекин бу сиз учун ҳақиқат иродасини англатсин, токи

ҳаммасини инсоний фикрлаш мумкин бўлсин, инсоний кўриш мумкин бўлсин, инсоний ҳис қилиш мумкин бўлсин! Ўзингизга тегишли ҳиссиётларни сиз охиригача ўйлаб олишингиз даркор!

Сиз дунё деб атаган нарсани аввал ўзингиз яратмофингиз керак: Сизнинг ақдингиз, тимсолингиз, иродангиз, муҳаббатингиз аввало унга айлансин! Бу ҳақиқатан, сизнинг фарофатингиздир, эй, сиз, мазҳабшунослар!

Бундай умид бўлмаса, сиз бу ҳаётга қандай чидар эдингиз, эй, сиз билгувчилар? Сиз билиб бўлмайдиган ва ақл етмайдиган нарсалар билан бир жинсда бўлиб қолмаслигингиз керак.

Аммо мен сизга ўз юрагимни бутунлай очмоқ-чиман, ёронларим: агар илоҳлар бор бўлсайди, мен ўзимни илоҳ бўлмоқдан тутиб қола билармидим! БИНОБАРИН, илоҳлар йўқ.

Рост, мен бу хуносани чиқардим, лекин у энди мени ўзидан чиқармоқда.

Худо бу тусмолдир; лекин ким бу тусмолнинг азобини бус-бутун ичмай туриб ўлиши мумкинми ахир. Наҳот бунёдкорнинг ишончиidan маҳрум қилиш ва бургутлардан уларнинг бургутларга хос юқсакликларда парвозини тортиб олиш керак бўлса!

Худо бу фикрdir, у барча тўғри нарсаларни қийшиқ ва барча турган нарсаларни эвриувчи қилади. Қандай? Вақт фойиб бўлурми ва барча ўткинчи нарсалар ёлғонга чиқурми?

Бундай ўйлаш – бу инсон суюклари учун қуюн ва гирдбод ҳамда қурсоқ учун кўнгил айнамогидир; ҳақиқатан, бундай нарсани тусмоллашни мен пилдороқлик касали, деб биламан.

Мен бу ягона, тўлиқ, метин, тўқ ва ўзгармас ҳақидағи таълимотни инсон учун ёвуз ва ғаддор дегим келади!

Барча ўзгармас нарсалар фақат тимсолдир! Ва шоирлар жуда күп ёлғон сўзлайдилар.

Аммо вақт ва тикланиш ҳақида энг яхши тимсоллар сўзлашлари керак: улар барча ўткинчи нарсаларга мақтov ва улар учун оқловчи бўлмоғи даркор.

Яратиш – бу азобдан буюк қутулиш ва ҳаётнинг енгиллашидир. Лекин бунёдкор бўлиш учун азобларга дучор бўлмоқ ва күп эврилишларга учрамоқ лозим.

Ҳа, сизнинг ҳаётингизда аччиқ ўлим кўп бўлса керак, эй, бунёдкорлар. Шундай экан, барча ўткинчи нарсаларни ёқловчи ва оқловчи бўлингиз.

Бунёдкор ўзи янги туғилган гўдак бўлсин. – Бунинг учун у ҳомиладор бўлмоқни орзу қилин ва туфиш азобларини бошидан кечирсан.

Ҳақиқатан, мен ўз йўлимдан юзлаб жонлар оша, юзлаб беланчаклар ва туфиш қийноқлари оша ўтганман. Шу пайтгача кўп бора видолашганман, мен кўп охирги юракни вайрон айлагувчи соатларни биламан.

Лекин менинг бунёдкор иродам, менинг қисматим шуни истайди. Ёким, яна-да очикроқ қилиб айтсам, худди мана шундай қисматни истар менинг истагим.

Барча ҳис қилувчи менда азоб чекар ва зиндонбанд ётур; лекин менинг иродам менга худди халос қилгувчи ва хушхабар етказгувчи каби келур.

Ирода халоскор: ирода ва эрк ҳақидаги чин таълимот шундай – уни сизга Зардўшт таълим бергай.

Ортиқ истамамоқ, ортиқ баҳо бермамамоқ ва ортиқ бунёд қилмамамоқ! Оҳ, ушбу улуғ ҳоргинлик абадул абад мендан йироқ бўлгай!

Ҳатто билмоқликда ҳам мен фақат туғилиш қувончи ва иродамнинг тикланиш шодлигини тұяман. Агарда менинг билмоғимда маъсумлик бўлса, бунинг сабаби унда туғилиш иродаси мавжудлигиdir.

Худодан ва маъбудлардан мени нари тортиб кетди ушбу ирода; агар худолар бор бўлсайди – нимани ҳам яратиб бўларди унда!

Лекин менинг бунёдкорликка оташин иродам мени яна ва яна қўймай, доим инсон сари тортади; чўқмор тошга шундай шиддат билан тушади.

Оҳ, одамлар, тошда мен учун тимсол мудрайди, у тимсолларимнинг тимсоли! Оҳ, у энг қаттиқ ва энг бадбашара тошда мудраб ётса керак!

Энди менинг чўқморим шахд-шиддат билан ўз қайлифи узра тушур. Тошдан тош парчалари отилур; бунинг билан менинг нима ишим бор?

Тугалламоқ истайман мен бу тимсолни: зеро, менга соя яқинлашди – энг индамас ва энг енгил, у менга яқинлашди!

Аъло одамнинг гўзаллиги менга худди соя каби яқинлашди. Оҳ, биродарларим! Энди менинг худолар билан не ишим!

Зардўшт шундай нидо қилди.

## **МУШФИҚЛАР ЗИКРИ**

Ёронлар! Дўстингизнинг қулоғига шундай сўзлар чалинди: «Зардўштга қаранглар-ов! У бизнинг орамизда худди маҳлуқлар ичida юргандай эмасми?»

Лекин агар бундоқ дейилса, яхшироқ эди: «Толиб одамлар орасида худди ҳайвонлар ичida юргандай бўлади».

Лекин Толибнинг назарида одамнинг ўзи шундай аталади: икки ёноғи қип-қизил.

Бу исм унга қайдан келди? Тез-тез қизариб, уялиб туришига тўғри келганидан эмасми?

О, ёронларим! Толиб шундай дейди: уят, уят, уят – мана инсоннинг тарихи!

Шу боис олижаноб киши бошқаларни уялтиришдан ўзини тияди: у ҳар қандай азоб чекаётган кимса қошида ўзини уятли ҳисоблайди.

Чиндан мен бирорга ачинувчи, ўз раҳм-шафқатидан фарофат топгувчи мушфиқларни ёқтирийман: улар ҳаддан ташқари уядан маҳрум.

Мабодо менга мушфиқ бўлишга тўғри келса, бари бир шундай деб аталишни хоҳламайман; мабодо мен мушфиқ бўлсан, жуда ҳам узоқда туриб бўламан.

Мен юзимни яширишни яхши кўраман ва мени таниб қолмасларидан бурун қочиб кетаман; сизларга ҳам шундай қилишни маслаҳат бераман, биродарларим!

Ишқилиб менинг толеим худди сизга ўхшаб мушфиқликдан узоқ бўлганлар йўлидан боришга насиб этсин. Зеро, улар билан байрамим, касалим, умидимни бўлишмоққа ҲАҚЛИМАН!

Чиндан ҳам, мен унисини ҳам, бунисини ҳам барча азоб чекаётгандар учун қилганман; лекин менга шундай туюладики, кўпроқ шод-хуррам бўлишга ҳаракат қилганимда мақбул иш қилганман.

Одамлар дунёга келгандан бери одам боласи жуда оз шод-хуррам бўлди; мана шунинг ўзи фақат, биродарларим, бизнинг азал гуноҳимиздир!

Биз яхши хурсанд бўлишни ўргансак, ўшанда биз бошқаларга қайфу-ғам келтириш, бу нарсаларни тўқиб чиқариш, ўйлаб топишдан қутуламиз.

Шунинг учун мен азоб-уқубат чекаётганга ёрдам берган қўлимни юваман, шунинг учун мен кўнглимни тозалайман.

Зеро, мен ғамзадани азоб чекаётган ҳолда кўрганимда унинг уятидан уятга тушардим; унга ёрдам берганимда эса унинг фурурини шафқатсиз суратда топтардим.

Катта-катта ёрдам ўтказиб қўйиш миннатдорчиликка эмас, қасд олишга олиб боради. Мабодо кичкина бир яхшилик унутилмас экан, у ични кемирувчи қуртга айланади.

«Бирон-бир нарсани қабул қилаётганда, ўзингизни бағал тутинг! Мен оляпман-ку, шунинг ўзи етмайдими, деб эҳсон қилувчига раҳматингизни билдиринг!» – олган совфасига эваз қайтаролмайдиганларга мен шундай маслаҳат бераман.

Лекин мен эҳсон қилувчиларданман: мен дўстларга дўст каби совфа қилмоқни яхши кўраман. Лекин бегоналар ва бечоралар менинг дараҳтимдан меваларни ўzlари узиб олсинлар; уялиб ўтирасинлар.

Лекин тиланчиларни бутунлай йўқотиб юборса арзиди! Уларга берсанг ҳам алам қиласди, бермасанг ҳам алам қиласди.

Улар билан бирга гуноҳкорлар ва виждон қийноқлари ҳам қўшмозор бўлиб кетсин! Дўстларим, менга ишонинг: виждон қийноқлари қийнашга ўргатади.

Лекин энг ёмони майда гаплар. Майда гап қилгандан кўра ёвузликнинг ўзини қилиб қўя қолган афзал!

Гарчи сиз: «Кичкина ёмонликнинг қувончи бизни катта ёмонлик қилишдан сақлайди», дейсиз, лекин бунда тежамкорлик қилишнинг ҳожати йўқ.

Ёмон иш чипқонга ўхшайди: зириллайди, қочишади, йиринглайди, уни яшириб бўлмайди.

«Қара, мен – маразман», – ёмонлик ана шундай дейди; унинг очиқдиги шунда.

Лекин майда гап учукқа ўхшайди: у ўрмалаб, биқиниб, пусиб чиқади, то майда учуклар бутун баданга тошиб, одамни лоҳас қилиб, бўшаштириб юбормагунча, қаерда бўлишини билмайди.

Лекин шайтон урган одамнинг қулоғига мен шундай дейман: «Сен ўз шайтонингни ўстирсанг бўларди! Ҳали ҳатто сенга ҳам улуғлик йўли очик!»

Оҳ, ёронларим! Ҳар бир нарса ҳақида жуда кўп нарсаларни биладилар! Кўплар бизнинг кўз ўнгимизда шаффофф бўлиб қоладилар, лекин шундай бўлса ҳам биз уларни ёриб ўтолмаймиз.

Одамлар билан яшаш қийин, зеро, индамай туриш фоятда мушкул!

Бизга ёқмайдиган кимсага эмас, ҳеч қандай ишимиз бўлмаган кишига кўпроқ биз адолатсизлик, инсофисизлик қиласиз.

Лекин агар сенинг азоб чекаётган дўстинг бўлса, сен унинг азоблари тин олгувчи жой бўлгил ва шу билан бирга унга қаттиқ тўшак ва йўл каравот бўлишни ҳам унутма: шунда сенинг унга кўпроқ фойданг тегади.

Агар дўстинг сенга бирон-бир ёмонлик қиласа, унга шундай деб айт: «Мен бу қилифингни кечираман, лекин бу қилифингни мабодо ўзингга қилсанг, мен сени кечира олармидим!»

Ҳар қандай буюк муҳаббат шундай дейди: у ҳатто кечирим ва ачинишни ҳам енгиб ўтади.

Ўз юрагингни жиловлаб туришинг керак; уни бўш қўйиб юборсанг, хаш-паш дегунча бошингни йўқотиб қўясан!

Оҳ, мушфиқлар ўртасидаги телбаликлардан ҳам ортиқроқ телбалик бормикин дунёда? Мушфиқларнинг телбаликларидан кўпроқ азоб-уқубат келтирган бошқа нарса бўлганмикин дунёда?

Барча совгувчиларнинг алам-азоби қурсин, уларнинг раҳм-шафқатидан ўзга чўққиси йўқ!

Бир куни менга иблис шундай деди: «Ҳатто худонинг ҳам ўз дўзахи бор – бу унинг одамларга муҳаббати».

Яқинда унинг шундай деяётганини эшилдим: «Худо ўлди; одамларга раҳм-шафқати боис худо ўлди».

Шундай қилиб, мен сизни раҳм-шафқатдан огоҳ этаман: у ёқдан одамлар бошига оғир булат яқинлашмоқда! Мен чиндан, момақалдироқ аломатларини яхши биламан!

Яна шу сўзларни ҳам яхши эслаб қолинг: ҳар қандай буюк муҳаббат ўз раҳм-шафқатидан юқорироқдир: у ўзи севган нарсани яна яратишни истайди!

«Мен ўз-ўзимни муҳаббатимга ва худди ўзимга ухшаган ўз яқинимга қурбон қиласман» – барча бунёдкорлар шундай деб айтмоқлари даркор.

Лекин барча бунёдкорлар жуда қаттиқ.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **РУҲОНИЙЛАР ЗИКРИ**

Бир куни Зардўшт ўз шогирдларига ишора қилди ва уларга шу сўзларни айтди:

«Манавилар – руҳонийлар; гарчи улар ҳам менинг душманларим бўлсалар-да, лекин сиз улар ёнидан қиличларингизни туширган ҳолда жим ўтиб борасиз!

Шунингдек, уларнинг ўрталарида ҳам қаҳрамонлар бор; уларнинг кўплари кўп азоб чекканлар; шунинг учун улар бошқаларни азоб чекишига мажбур қиласидилар.

Улар – қаттол душмандирлар: уларнинг мўмин-қобиллигидан ҳам ортиқ кин йўқ. Уларга хужум қилган шу заҳоти ўзини макруҳ этади.

Лекин мен улар билан қондошман<sup>9</sup>, шунинг учун мен ўз қонимни улар қонига қўшилишини истайман.

Улар руҳонийлар ёнидан ўтиб кетишгач, Зардўштни ғам босди; лекин у ўз қайғуси билан узоқ олишиб ўтирмади, кейин у шу сўзларни айтди:

Мен бу руҳонийларга ачинаман. Уларни сира ёқтирмайман. Лекин одамлар орасида яшаётганимдан бери улар менга у қадар ёвуз бўлиб кўринмайдилар.

Мен улар билан азоб чекканман, ҳамон азоб чекаман: менинг назаримда улар – асоратдаги тамға урилган одамлар. Улар назарида халоскор бўлган зот уларни кишанлаб қўйган:

Бу ёлғон қадрияtlар ва телбавор сўзлар кишани! Оҳ, уларни кимdir халоскоридан халос қиласайди!

Денгиз ҳар томонга улоқтирганда, улар бир пайт оролга қўнмоқчи бўлдилар; лекин орол уйқуда ётган баҳайбат маҳлуқ бўлиб чиқди!

Ёлғон қадрияtlар ва телба сўзлар – ўладиган одам учун энг ёмон маҳлуқлардир, – уларда қисмат узоқ мудраб кутади.

О, ниҳоят бир кун у кўзини очади, пойлаб боради ва унинг устида ўзига маскан қурғанларни ғажиб ейди ва ютиб юборади.

<sup>9</sup> Нитшенинг отаси руҳоний – пастор эди. Бу ерда шунга ишора қилинмоқда.

Бу руҳонийлар қурган масканларга ўзингиз бир қаранг-а! Улар ўзларининг муаттар ҳидлари анқиб турган мағораларини черков деб атайдилар.

О, бу сохта зиё, бу диққинафас қилувчи бўғиқ ҳаво! Бу ерда дин ўз юксакликлариға парвоз қилиб кўтарила олмайди!

Уларнинг динлари шундай буюради: «Шотидан тиззаларингизда кўтарилинигиз, эй гуноҳ қилганлар!»

Мен чиндан кўзлари ола-кула бўлиб кетган уятни ва уларнинг лутфу навозишларини кўргандан кўра шармсизни кўрмоқни афзал биламан!

Ким ўзига қурди бу мағоралар ва тавба-тазарру шотиларини? Очик осмондан уялганлар ва беркиниб олганлар эмасмиди улар?

Бузилган томлар оралаб яна очик осмон кўринганда ва бузук деворлар узра қирмизи лолалар очилганда, фақат ана шундагина мен ўз қалбими ни яна ушбу худонинг масканларига очгайман.

Улар ўзларига қарши бўлган ва азоб еткизганни худо деб атадилар. Уларнинг бу сифинишларида кўп қаҳрамонлик ҳам бор эди!

Инсонни хочга михлабгина улар ўз Худоларини сева билардилар!

Ўликлар каби яшашни кўзладилар улар; ўз лошлирини қора либосларга ўрадилар; ҳали ҳамон ҳатто уларнинг нутқларидан хилхоналарининг уфуннати анқиб турди.

Ким уларнинг ёнларида яшаса, қурбақалар ширин хаёллар оғушига берилиб, ўз куйини ча-лаётган қора ҳовузлар бўйларида яшайди.

Мен уларнинг халоскорига ишонмоғим учун улар менга ўзларининг энг яхши қўшиқларини айтишлари керак: унинг шогирдлари халос бўлган каби кўринмоқлари даркор!

Мен уларни ялангоч кўрмоқ истайман: зеро, фақат гўзаллик тавбани тарғиб этади. Лекин бу ўраниб-чирманган қайгули ким инонарди!

Чиндан, уларнинг халоскорлари эркдан ва эркнинг еттинчи осмонидан келиб чиқмадилар! Чиндан, уларнинг ўzlари ҳеч қачон билик гиламларида юриб кўрмаганлар!

Бу халоскорларнинг руҳи илма-тешиклардан иборат эди: улар ҳар бир илма-тешикка ўз телбаликларини ва худо деб аталган ўз тиқинларини жойлаштирганлар.

Уларнинг раҳм-шафқатларида уларнинг руҳи чўқди ва улар раҳм-шафқатдан шишганларида сатҳида доимо буюк телбалик сузиб юради.

Худди келажакка фақат битта сўймоқ олиб борадигандай, улар дарғазаб ҳайқириқлар билан ўз подаларини ёлғизоёқ йўлдан ҳайдаб борадилар! Ҳақиқатан, ҳатто шу қўйчибонлар ўз қўйларига ҳам тегишли эдилар.

Ушбу чўпонларнинг ақли кичкина ва кўнгли кенг эди; бироқ, эй, ёронларим, ҳатто энг кенг кўнгиллар ҳам шу пайтгача қанчалар кичкина ўлка эдилар!

Улар ўzlари ўтган йўлларда қонли белгиларни ёзиб қолдирган эдилар ва уларнинг телбаликлари ҳақ қон била гувоҳликка ўтишини ўргатарди.

Лекин қон – ҳақнинг энг бадтарин гувоҳи; қон энг тоза таълимотни ҳам телбалик ва юрак аلامига айлантириб заҳарлайди.

Агар кимдир ўз таълимоти учун ўтга кирмоқчи бўлса – бу нимани ҳам кўрсатарди! Лекин чиндан ўз-ўзингнинг ёнишингдан ўз-ўзингни таълимотинг келиб чиқса, бу энди бутунлай бошқа гап!

Ховурли юрак ва совуққина бош учрашган ерда довул қўзғалади, буни «халоскор» деб аташади.

Халқ халоскорлар деб атайдиганлардан кўра бир қадар улуғроқ ва насл-насаби ҳам бир қадар олийроқ одамлар бўлишган эди, чиндан ҳам! Булар ҳамма нарсаларни ўз ортидан эргаштирган довуллар эди!

Агарда сиз ёронларим, эрк сари йўл топишни истасангиз, ҳамма халоскорлардан ҳам бир қадар улуғроқ халоскордан халос бўлишингиз зарур!

Шу пайтгача ҳеч қачон аъло одам бўлмаган эди! Энг катта ва энг кичик одамнинг ҳар иккисини мен кийимсиз ҳолда кўрдим.

Улар ҳали бир-бирларига жуда ҳам ўхшайдилар. Ҳақиқатан, ҳатто уларнинг энг улуғларини ҳам мен ҳаддан ортиқ одамий ҳолда кўрдим!

Зардўшт шундай зикр қилди.

### **ЯХШИ ФАЗИЛАТ ЭГАЛАРИ ЗИКРИ**

Мудроқ ва туш каби ҳиссиётлар билан қалди-роқлар ва кўқ чақмоқлари тилида сўйлашмоқ авло.

Аммо гўзаллик овози оҳиста сўзлар: у жуда инжа, сезгир қалбларгагина етиб борадир.

Бугун менинг тамфали қалқоним секин-аста қалтирас ва куларди: бу қутлуғ кулги ва гўзаллик титроқлари.

Эй, сиз, яхши фазилат эгалари, бугун менинг гўзаллигим сизнинг устингиздан кулди. Менга унинг овози етиб келди! «Улар яна ўзларига ҳақ тўлашларини исташади!»

Эй, сиз, яхши фазилат эгалари, сиз яна ўзингизга ҳақ тўланишини истайсиз! Яхшилик учун ҳақ олишни, ер учун кўкни, сизнинг бугунги кунингиз учун мангуликни олишни истайсизми?

Энди сиз мендан норози бўласиз, зеро, мен эҳсон бергувчи йўқ, деб ўргатаманми? Ҳақиқатан ҳам, яхшиликнинг ўзи ўзи учун мукофот, деб ҳатто ўргатаётганим йўқ.

Оҳ, мана менинг қайғум: нарсаларнинг замирига мукофот ва жазони маккорона тарзда жойладилар – эй, сиз, яхши фазилатли кишилар, сизнинг кўнгил замирингизга ҳам шундай қилдилар!

Лекин менинг сўзим тўнғизнинг тиши каби сизнинг кўнглингиз замирини тилкалаб борсин; мен сиз учун омоч бўлайин.

Замирингиз тубидаги барча нарсалар ташқариға чиқсан; сиз тилка-пора бўлиб синиқларингиз офтобда ётган чоғда сизнинг ёлғонларингиз ҳақиқатингиздан ажралиб чиқур.

Зеро, мана сизнинг ҳақиқатингиз: ўч, жазо, мукофот ва қасос каби сўзларнинг ифлоси учун сиз ҲАДДАН ОРТИҚ ОЗОДА ТАНСИЗ.

Она жужугини севган каби сиз ўз яхшилигинизни севасиз. Лекин она ҳеч қачон ўз муҳаббати учун ҳақ талаб қилганми, сиз буни эшитганмисиз?

Сизнинг яхшилигиниз – бу сизнинг энг қимматли Ўз-ўзингиз. Сизда тўгаракнинг ташналиги мавжуд; яна қайтадан ўз-ўзига етиш учун ҳар бир айланада ўргулади, эврилади, айланади.

Сизнинг эзгулик йўлидаги ҳар бир ишингиз сўниб бораётган юлдузга ўҳшайди: унинг нури доим яна йўлда ва адашиб юради – қачон бу нур йўл босищдан тўхтаркин?

Сизнинг яхшилигиниз бошқа бир чет, бегона нарса, тери ва ё ёпинчиқ, парда эмас, балки сизнинг Ўз-ўзингиз бўлсин – мана шу кўнгил ўзагидаги ҳақиқатdir, эй, яхши фазилатли кишилар!

Лекин яхшиликни қамчи-калтак зарбалари остида тўлғаниш, деб тасаввур қилувчилар ҳам бор; сиз улар дод-фарёдларини ҳаддан ортиқ кўп эшитгансиз!

Ўз иллатларининг танбал ҳолатларини яхшилик, деб тушунувчилар ҳам йўқ эмас; уларнинг узвларини нафрат-аламлари ва ҳасад-кўролмасликлари тириштириб туради, уларнинг «адолати» ҳам уйғонади ва уйқулик кўзларини ишқалайверади.

Шундайлар ҳам борки, уларни доим тубанга тортиб туради: девлари уларни торгади. Бироқ қанча паст тушсалар, уларнинг кўзлари шунча равshan ёнади, ўз худосидан тамаси шунча ортади.

Эй, фазилатлилар, сизнинг қулоғингизга яна шундай ҳайқириқ ҳам етиб борди: «Мендан бошқа бари, мен учун худо ва яхшилиқдир!»

Шундайлар ҳам борки, улар водийга тош ташийдиган аравалар каби базўр ғижирлаб йўл босадилар: улар қадр-қиммат ҳамда яхшилик ҳақида кўп сўзлайдилар – ўз жиловларини улар эзгулик, деб атайдилар!

Ҳар куни бураб қўйиладиган соатга ўхшайдиганлар ҳам бор; улар тақ-туқ қилиб турадилар ва тақ-туқ эзгулик деб аталишини истайдилар.

Ҳақиқатан, улар кулгимни қистатадилар: бундай соатларга қаерда дуч келмай, уларни ўз кулгим билан бураб қўяман; улар менга яна пўписа ҳам қилиб қўядилар!

Бошқа бирорлар ўзларининг бир ҳовуч адолатлари билан фуурланадилар ва уни деб ҳамма нарсаларга қарши жиноят қиласадилар – шундай экан, дунё уларнинг адолатсизликларига кўмилиб ётади.

Оҳ, «Яхшилик» сўзи уларнинг оғизларида қанчалар хунук эшитилади! Улар: «Биз биргаликда

ҳақмиз», деб айтганларида бу доим: «Биз бургаликда ҳақмиз!» – дейилгандай эшитилади.

Улар ўз фанимларининг кўзларини ўз яхшиликла-ри билан ўйиб олишни истайдилар; улар бошқалар-ни ерга уриш учун юқорига қўтариладилар.

Бироқ яна шундайлар ҳам борки, улар ўз ботқоқларида ўтириб, қамиш орқали шундай сўзлайдилар: «Яхшилик бу – балчиқда жимгина ўлтиришдир.

Биз ҳеч кимни чақмаймиз ва чақадиганлардан ўзимизни олиб қочамиз; бизга нима дейилган бўлса фақат шуни қиласмиз».

Яна шундайлар борки, улар ишораларни яхши кўрадилар ва шундай ўйлайдилар: яхшилик – бу ишораларнинг тури.

Уларнинг тиззалари доим таъзимда, уларнинг кўллари эса яхшиликка ҳамду сано ўқийди, лекин уларнинг кўнгли яхшилик нималигини билмайди.

Яна шундайлар борки, улар: «Яхшилик зарур», деб айтишни яхшилик, деб биладилар; лекин дилларида фақат полиция зарур деб ишонадилар.

Кўплар одамлардаги юксакликни кўрол-масдан, улардаги тубанликни яқиндан туриб кўрган чоғларида, шуни яхшилик, деб атайдилар; шундай, улар ўз ёмон кўзларини яхшилик, деб ҳисоблайдилар.

Бировлар ўқиш-ўрганишни ва ҳақ йўлига ки-ришни истайдилар ва буни эзгулик, деб атайдилар; бошқа бировлар эса – ҳамма нарсадан воз кечмоқчи бўладилар ва буни яхшилик, деб қарайдилар.

Шундай қилиб, деярли ҳамма яхшилик қиляп-миз, деб ўйлайди ва ишонади; ва ҳаммалари оз деганда «яхшилик» ва «ёмонлик» билимдонлари бўлишни хоҳлашади.

Лекин Зардўшт ушбу барча ёлғончилар ва тентакларга: «Сиз яхшиликнинг нимасини биласиз! Унинг нимасини ҳам билардингиз!» – деб айтиш учун ер юзига келмаган.

У сиз, ёронларим, ёлғончилар ва тентаклардан ўрганиб олган эски сўзлардан толиқишингиз; «мукофот», «қасос», «жазо», «қасос адолатда», деган сўзлардан чарчашингиз;

«Бундай хатти-ҳаракат яхши, зеро, у холисдир», деганга ўхшаш сўзларни айтишдан чарчашингизни кўзлаб келгандир.

Оҳ, ёронларим! Худди она болада акс этганидек, сизнинг йўз-ўзингиз ҳаракатингизда инъикос этсин, – сизнинг яхшилик ҳақидаги сўзингиз шундай бўлмоғи керак!

Мен ҳақиқатан, сизнинг юзлаб сўзларингизни ва яхшилигининг жуда қимматли шақилдоқларини тортиб олдим; энди сиз худди болалар каби мендан жаҳлингиз чиқяпти.

Улар денгиз бўйида ўйнаб юришарди – бирдан катта тўлқин келдию ўйинчоқларини денгиз қаърига олиб кетди; энди улар йиғлаб ўтирибдилар.

Бироқ ўша тўлқиннинг ўзи уларга янги ўйинчоқлар олиб келиши ва улар олдига янги ранго-ранг чифаноқларни тўкиб ташлаши керак!

Улар шундай юпанч олурлар; худди улар сингари, сиз ҳам, ёронларим, ўз юпанчингизни – янги ранго-ранг чифаноқ-садафларингизни олурсиз!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **ҚАЛАНГИ-ҚАСАНГИ КИМСАЛАР ЗИКРИ**

Хаёт қувонч булоғи; бироқ қаланги-қасанғилар сув ичган барча ерларда булоқлар заҳарланган бўлади.

Барча тоза нарсаларни севаман; лекин тишлари иршайган башаралари, мурдаларнинг ташналикларини кўришга тоқатим йўқ.

Улар булоқ тубларига назар соладилар; булоққа қарасам, менга уларнинг мараз, тиржайишлари кўринади.

Муқаддас сувни улар ўз ҳирслари билан булғадилар; улар ўз ифлос тушларини хурсандчилик деб атаганларида, шу етмай тургандай сўзларни ҳам булғадилар.

Улар ўз тоб ташлаган, зах босган юракларини ўтга қўйганларида ўт дод дейди; қаланги-қасанғилар ўтга яқинлашганларида руҳнинг ўзи қайнаб, дуд чиқаради.

Мева уларнинг қўлларида чучмал ва чирик бўлиб қолади; уларнинг нигоҳи илдизни емиради ва мевали дарахтни қуруқ шох-шаббага айлантиради.

Хаётдан юз ўтирган кўп кишилар аслида қаланги-қасанғилардан юз ўтирдилар: улар на булоқ, на ўт-олов, на мевани қаланги-қасанғилар билан бирга баҳам кўришни истамадилар.

Кўплар саҳрога бош олиб кетиб, ваҳший ҳайвонлар билан бирга ташналик азобини тортганларида, сув бўйида чиркин түя ҳайдовчилар билан бирга ўлтиришни истамадилар.

Ва буғдоизорларни яксон қилиб уларга дўлдай ёғилганлар ўз оёқларини қаланги-қасанғиларнинг бўғзига тираш – ва бу билан унинг овозини ўчиришни истаган эдилар.

Ҳаётнинг ўзига душманлик ва ўлим, азоб-уқубатда қолганларнинг юклари гарчи керак бўлса-да, буни билишнинг ўзи етмас ва бу ҳали томоғимдан ўтмай туриб қолган энг катта луқмалардан ҳам эмас:

Лекин мен бир маҳал шундай савонни ўзимча берар ва ёмон бўғилардим: наҳотки? Наҳотки ҳаётга қаланги-қасанғилар зарур бўлса?

Наҳотки заҳарланган булоқлар, аччиқ тутунга тўла ўт-олов; ифлос тушлар ва ҳаёт нонига тушган қуртлар керак?

Менинг нафратим эмас, менинг жирканишим ҳаётимни очкўзлик билан кемирарди! Оҳ, ҳатто қаланги-қасанғиларни ҳам заковатли деб топганимда, ақдим бундан қанчалар толиқарди!

Мен ҳукмдорлардан ҳам юз ўғирдим, чунки уларнинг энди нимани ҳукмдорлик деб атаганларини кўрдим: улар қаланги-қасанғилар билан ҳокимият боис чайқовчилик қиласар, фойда унди-пардилар!

Мен халқлар аро яшардим, тилим ўзга, қулогимни беркитиб олгандим: уларнинг фойдахўр олиб сотарлик тили, ҳокимият учун чайқовчилик қилишларини ўзимга яқинлаштиришни истамасдим.

Мен барча кечалар ва бугунлар оралаб бурнимни маҳкам тўстанча ғазабим ошиб ўтиб бораман. Ҳақиқатан, барча кечалар ва бугунлар терга ботган, бўғриққан қаланги-қасанғиларнинг уфунатига тўла!

Мен гунг, кўр, кар, ногирондай бўлиб шундай узоқ яшадим; ҳукм сураётган, бўртиб-қизарган, хурсандчилик майшат қилаётган қаланги-қасанғилар билан бирга туришни истамадим.

Менинг руҳим нарвондан қийинчилик билан оҳиста кўтарилиб борарди; зарра-зарра қувончлар унинг роҳати эди; кўрнинг ҳаёти асога таянганча ўтиб борарди.

Менга нима бўлди ўзи? Жирканишдан мен қандай қутудим? Менинг нигоҳимни ким яшартириди? Булоқ атрофида қаланғи-қасанғилар ўтирмайдиган юксакликларга мен қандай кўтарилемидим?

Булоқ қайдалигини топган менинг қанотларим ва куч-қувватимни шу жирканишнинг ўзи ато қилмадими? Ахир ҳақиқатан, яна қувонч булоғини топмоқлик учун мен энг кўз илғамас юксакларга учиб чиқмоғим керак эди!

О, мен уни топдим, биродарларим! Бу ерда энг олий юксакда мен учун қувонч булоғи оқмоқда! Ипринди-сиприндилар билан бирга сув ичмайдиган ҳаёт ҳам бор экан-ку, ахир!

Эй, қувонч булоғи, мен учун сен жуда ҳам секин оқасан! Сен жомни лиммо-лим қиласман дейсану лекин уни тез-тез бўшатиб турасан!

Сенга камтаринроқ бўлиб яқинлашишга ўрганишим керак: ҳали ҳамон қалбим сени қаршилаб шиддатли дукурлаб уради:

Менинг ёзим алангаланаётган қалбим қисқа, жазира маюс ва ҳаддан зиёд ҳалимдир, – менинг ёз-қалбим сенинг салқинингга қанчалар муштоқ!

Баҳоримнинг осуда соғинчи ўтди! Жавзода ёғган парча-парча қорларимнинг ҳаҳри ўтди! Мен бутунлай ёзга айландим, айни ёз чошгоҳига айландим!

Бу энг юксакдаги ёз, унинг булоқлари муздек ва жимжитлиги ҳалимдай – о, ёронлар, келинг, сизни кутаман, жимжитлик янада ҳалимроқ бўлгай!

Зеро, бу бизнинг юксаклигимиз ва бизнинг ватанимиз: биз бунда барча макруҳлар ва уларниң ташналикларидан холи жуда баланд ва жуда тик яшаймиз.

Ёронлар, ўз тиник назарингизни менинг қувонч булогимга ташланг! Ахир у лойқаланаармиди? У сизга жавобан ўз мусаффолиги билан табассум қилгай.

Келажакнинг дараҳтида биз ўз уямызни қурамиз; бургутлар ўз ўткир тумшуқларида биз ёлғизларга озуқ келтиражаклар!

Ҳақиқатан, бу макруҳлар ҳам тановул қилиши мумкин бўлган озуқа эмас! Улар олов ютаётгандай бўйлур эдилар ва оғизларини куйдирур эдилар!

Чиндан, биз бу ерда макруҳлар учун макон ҳозирламаймиз! Бизнинг баҳтимиз уларниң вужуд ҳамда руҳлари учун муз қоплаган мағора бўйлур эди.

Ва мисоли қудратли шамоллар каби биз улардан баландда, бургутларга қўшни, қорларга қўшни, қуёшга қўшни яшашни истаймиз – қудратли шамоллар шундай яшарлар.

Ва худди шамол каби мен бир кунмас бир кун улар орасида эсмоқни ва ўз руҳим билан улар руҳининг нафасини ўчиromoқни истайман – менинг келажагим шуни истайди.

Ҳақиқатан, Зардўшт барча пастликлар учун қудратли шамолдир ва у ўзининг барча душманларига ва барча тупурувчилар ва томоқ қоқувчиларга шундай панд-насиҳат қилур: «Шамолга қарши ўқчимоқдан эҳтиёт бўлингиз!»

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **БИЙ ЗИКРИ**

Қара, мана бийнинг ердаги уяси! Сен унинг ўзини кўришни истайсанми? Ана, унинг тўри осилиб турибди – қўлингни тегизиб кўр-чи, тўр дарров ҳаракатга келади.

Ана у ўз қадами билан келяпти: салом, бий! Елкангда учбурчак қора тамғанг ва белгинг кўриниб турибди; мен кўнглингда нима борлигини ҳам биламан.

Дилингда ўч олсам дейсан: қаерни чақсанг, ўша ерда дарров қорақўтириб ҳосил бўлади; сенинг заҳаринг кўнгилни айлантириб ўч олади!

Эй, тенглик тарғиботчилари, мен сизга шундай тимсоллар билан сўзлаяпман, сиз ҳам юракларни айлантирасиз! Менга қолса, сиз бийлар ва хуфия ўч олувчилардирсиз!

Лекин мен сизнинг бузуқхоналарингизни фош қиласман; шунинг учун мен юзингизга тик қараб куламан, зеро, бу юксаклик кулгисидир.

Шунинг учун мен сизнинг тўрингизни йиртиб ташлайман, шунда сиз қаҳрингиз келиб, ўз ёлғон уянгизни тарқ этасиз ва шунда «Адолат» деган сўзингиз ортидан сизнинг ўчингиз сакраб чиқади.

Зеро, инсон интиқомдан қутулгай – мен мана шу кўприқдан олий умид сари ва узоқ момақал-дироқлардан сўнг очиқ осмонга чиққайман.

Лекин, албатта, бийлар бошқача фикрдадирлар. «Дунё бизнинг ўчимиз чақмоқлари билан тўлган жойдагина, бизнингча, адолат бўлади», – улар ўзаро шундай сўзлайдилар.

«Кимки бизга ўхшамас экан, уларнинг ҳаммасини биз интиқомимиз ва шармисорликка дучор

қылгаймиз», – бийларнинг кўксидা шундай ҳасам ёнади.

Яна бир гап: «Тенглик иродаси – яхшилик-нинг номи бундан буён шундай бўлмоғи керак; ва барча ҳокимият эгаларига қарши биз фарёд кўтарамиз!»

Тенглик тарғиботчилари! Мустабиднинг ожиз телбалиги сизда «Тенглик» ҳақида нола, афғон чекади. Шундай яхшилик ҳақидаги сўзлар ортида сизнинг истибодд борасидаги энг гизли истакла-рингиз яшириниб ётади!

Ўрганган зулмат, яширин ҳасад, балки оталарин-гизнинг зулмати ва ҳасади – ўч олишнинг телбавор аланталари мана шундай сиздан отилиб чиқади.

Ота индамай келган нарсалар ўғилда тилга киради; мен кўпинча ўғилда отанинг сири ошкор бўлганини кўрдим.

Улар шавқи қўзиганларга ўхшайдилар; лекин уларни юрак эмас, ўч илҳомлантиради. Агар улар жуда нозик ва совуқ бўлиб қолсалар, бунинг боиси ақл эмас, балки ҳасад уларни нозик ва совуқ қиласди.

Ҳасадлари уларни ҳатто мутафаккирлар йўлига яқинлаштиради; бу улардаги ҳасаднинг ажраби турувчи белгиси, улар доим ҳаддан ташқари узоққа борадилар; Шундай экан, охир-оқибат уларнинг ҳорғинлиги қор устида ухлаб қолади.

Уларнинг ҳар бир шикоятида ўч олиш овоз беради, ҳар бир мақтовида азоб бериш истаги ётади; қози бўлиш улар учун энг олий роҳат бўлиб туюлади.

Лекин сизга маслаҳатим шу, ёронлар: кимки жазо беришга ишқивоз бўлса, унга ҳеч қачон ишонманг!

Булар – паст ва насаби айнаган одамлар; уларнинг афт-башараларидан жаллод ва исковуч кўриниб туради.

Ўзинингadolати ҳақида кўп гап сўқадиганларнинг ҳеч бирига ишонманг! Ҳақиқатан, уларнинг қалбларига фақат болгина эмас, бошқа нарсалар ҳам етишмайди.

Агар улар ўзларини ўзлари «Фозиллар ва порсолар» деб атаётган бўлсалар, унда унумтмангки, уларга фарзийлар каби бўлмоқ учун фақат бир нарса – ҳокимият етишмаяпти!

Биродарларим, мени улар билан аралаштириб ёхуд уларга teng кўришларини истамасдим.

Менинг ҳаёт ҳақидаги таълимотимни тарғиб қиливчилар бор – шу билан бирга улар тенглик ва бийчиликни тарғиб этувчилардир.

Бу заҳарли ўргимчаклар ҳаётдан юз ўтириб ўз мағораларида ўлтирасалар-да, шу билан бирга ҳаётнинг фойдасини кўзлаб сўзлайдилар: бу билан улар азоб беришни истайдилар.

Бу билан улар ҳозир кимнинг ҳокимияти бўлса, ўшанга азоб-уқубат етказишни кўзлайдилар: зеро, уларда ўлим тарғиботи ҳали ортиқроқдир.

Бошқача бўлганда, бийлар ҳам бошқача ўқитар эдилар: зеро, улар бир маҳал дунёнинг энг баттарин тухматчилари ва муртадларни ўтда ёқувчилари эдилар.

Мени тенгликнинг ушбу тарғиботчилари билан аралаштириб ёхуд улар билан teng кўришларини хоҳламайман.

Зеро,adolat менга худди шундай дейди: «Одамлар teng эмас».

Улар teng бўлмасликлари ҳам керак! Агар мен бошқача сўйласам, менинг аъло одамга муҳаббатим нима бўларди?

Майли, минглаб кўприклар ва сўқмоқлардан улар келажакка интилаверсинлар ва майли, улар ўртасида борган сари урушлар ҳамда тенгсизликлар кўпроқ бўлаверсин: менинг буюк муҳаббатим мени шундай дейишга мажбур этади.

Улар адоват қилаётганларида тимсоллар ҳамда шарпаларнинг кашшофи бўлмоқлари даркор ва сўнгги курашда улар ушбу тимсоллар ҳамда шарпалар билан жангга кирмоқлари керак.

Яхши ва ёмон, бой ва камбағал, олий ва паст ва қадриятларнинг барча номлари: буларнинг ҳаммаси қурол ва бақироқ тимсолга айланиб ҳаёт доимо яна янгитдан ўз-ўзини енгиб ўтиш эканлигини кўрсатмоғи зарур!

Ҳаётнинг ўзи устунлар ва пиллапоялар ёрдамида тикка юксалиб бормоқдикни хоҳлар: олис уфқларни билмоқни у истар ва ҳалим гўзалликларга термилмоқни хоҳлар, – мана шунинг учун ҳаётта баландлик керакдир!

Унга баландлик керак бўлгани боис, унга пиллапоялар ҳамда пиллапоялар ва улардан кўтарилаётганларнинг зиддиятлари керак! Ҳаёт кўтарилишни истайди ва кўтарила туриб, ўз-ўзини енгишни истайди.

Ўзингиз кўринг, дўстларим! Бийнинг мафораси бўлган бу ерда қўҳна эҳромнинг вайроналари осилиб туур, – уларга ёришган нигоҳларингиз билан қарангиз!

Ҳақиқатан, бир маҳаллар бу ерда тошлардан ўз фикрини юксалтирган зот одамларнинг энг фозилу фузалолари қаторида ҳар қандай ҳаётнинг сирини биларди!

Яна шуни ҳам билардики, гўзалликда кураш бор, тенгсизлик бор, уруш бор, ҳукмронлик бор,

ортиқ даражада ҳокимият бор – у бизни бу ерда  
энг равшан тимсол орқали шунга ўқитади.

Бу ерда курашравоқлар ва дўғалар илоҳий  
тарзда синиб ўйнарлар; худди нур ва соя мисо-  
ли улар бири қаршиисига бири умтилур, илоҳий  
шиддат кўрсатур.

Худди мана шундай биз ҳам дўстларим, дадил ва  
гўзал бир тарзда бир-бировимизга душман бўлур-  
миз! Илоҳий тарзда бир-бировимизга ташланурмиз!

Войдод! Шунда мени бий чақди, менинг қадим  
душманим! Илоҳий дадиллик ила қойилмақом  
қилиб у бармоғимни чақиб олди!

«Жазо ва адолат бўлмоғи даркор – у шундай  
деб ўйлар, – ахир бу ерда кин-адоват шарафига  
у бекорга мадҳиялар ўқимайди-ку!»

Ҳа, у ўз ўчини олди! Вовайло! Энди у менинг  
қалбимни ҳам қасос ўти билан айланишга маж-  
бур этур!

Лекин мен айланмаслигим учун, дўстларим,  
мени маҳкамроқ қилиб бу устунга боғлаб ташланг!  
Ўч-қасос қуюни бўлгандан кўра устун бўлиб қўя  
қолганим яхши!

Ҳақиқатан, Зардўшт қуюн ва гирдбод эмасдир;  
балки у раққосдир, лекин у асло тарантелла<sup>10</sup>  
раққоси эмас!

Зардўшт шундай зикр қилди.

<sup>10</sup> Тарантелла – италян ҳалқ рақсининг номи. Нитше «тарантул» – бий – сўзи билан тарантелла – рақс номини сўз  
ўйини қиласиди.

## **МАШХУР ФОЗИЛЛАР ЗИКРИ**

Сиз ҳаммангиз, эй, шонли донишмандлар – ҳаққа эмас, ҳалққа ва ҳалқ орасидаги хурофий ирим-сиirimларга хизмат қилдингиз! Шу боисдан эъзоз-икромга сазовор бўлдингиз.

Сизнинг файридинлигингизга тоқат қилиб келишди, чунки бу файридинлик ҳалқ ичига четдан айланиб ўтишнинг зийраклик билан топилган йўли эди. Бинобарин, хўжаси қулларига эрк беради-да, яна уларнинг бебошликлари устидан кулиб эрмак қилиб ўтиради.

Итлар бўрига тоқат қилолмагандай ҳалқ асорат душмани бўлган озод ақдга, ибодат қилмай ўрмонларда сангиф юрадиганларга тоқат қилолмайди.

Бўрини инидан қувиб чиқариш – буни ҳалқ ҳамиша «Адолат туйғуси» деб атаб келган; ҳалқ бўрига қарши ўзининг энг қопогон итларини олқишилаб келади.

«Ҳақ бор: зеро, ҳалқ бор! Вой, ахтарувчининг шўри қурсин, шўри қурсин!» – қадимдан шундай бўлиб келган.

Сиз ўз ҳалқингизга сифинишида оқлов келтиришга уринасиз. Сиз буни, эй, шонли донишмандлар, «Ҳаққа бўлган ирода», деб атайсиз!

Сизнинг юрагингиз ўзига доим шундай деган: «Мен ҳалқ ичидан чиқдим, Худонинг овози ҳам менга шулар ичидан нозил бўлди!

Сиз худди эшакдай қайсар ва тийрак бўлиб, доим ҳалқ учун қайтургансиз.

Ҳалқ билан яхши муносабатда бўлишни истаган аксар ҳукмдорлар ўз отларининг олдига шалпангқулоқ эшак – биронта шонли донишмандни ҳам қўшганлар.

Мана энди, эй, шонли донишманлар устингиздан арслон терисини ниҳоят бутунлай улоқтириб ташлашингизни истаган бўлардим!

Ваҳший ҳайвоннинг олачипор терисию исковчи, қидирувчи ва босиб олувчининг ёлларини улоқтириб ташлангиз!

Мен сизнинг «ҳақгўй» лигинингизга ишонишимни истасангиз, аввало ўзингизнинг сифинишга бўлган иродангиздан воз кечишиングиз керак.

Худолар йўқ саҳроларга бош олиб кетадиганлару сифинишга тайёр қалбини вайрон этадиганларни мен ҳақгўй деб атайман.

У офтоб куйдираётган сап-сариқ қумда ўтириб барча тирик махлуқлар дараҳтлар соясида тин олаётган, чашмалари қайнаб турган оролларга ташналиқ билан ўғринча қараб-қараб қўяди.

Лекин ташналиқ уни мана шу мамнунларга ўхшаган бўлишга мажбур қилолмайди: зотан, воҳалар бор жойда санамлар ҳам бор.

Қорни оч, қудратли, ёлғиз ва худосиз бўлишни истайди арслон иродаси.

Худолар ва уларга сифинишдан халос қилинган, жасур ва қўрқинчли, улуғ ва ёлғиз қулларнинг баҳтидан холис бўлмоқлик – ҳақгўйнинг иродаси шундай.

Саҳрода худди унинг ҳукмдори каби азал ҳақгўй, озод ақллар истиқомат қилганлар; аммо шаҳарларда яхши боқилган, шонли донишманлар – юқ тортар ҳайвонлар истиқомат қилурлар.

Зоро, улар доим худди эшаклар сингари – халқ-нинг аравасини тортиб борурлар!

Бунинг учун мен улардан хафа эмасман; лекин мабодо уларнинг эгар-жабдуқлари тиллодан ишланиб, ярақлаб турган тақдирда ҳам, менинг

наздимда улар хизматкор ва эгар-жабдуқ урилган кимсалар бўлиб қолаверадилар.

Улар кўп маҳал тақдирлашга сазовор яхши хизматкор бўлар эдилар. Зоро, яхшилик шундай дейди: «Агарда сен хизматкор бўлишинг керак бўлса, сенинг хизматинг асқотадиган кимсани излаб топ!»

Сен хизматкори бўлганинг боис хўжангнинг руҳи ва яхшилиги ортиб бориши даркор, – худди шундай сенинг ўзинг ҳам унинг руҳи ва яхшилиги билан бирга ўсиб борасан!»

Ҳақиқатан, сиз, шонли донишманлар, ҳалқ хизматкоридирсиз! Ўзингиз ҳалқнинг руҳи ва эзгулиги билан бирга ўсдингиз – ҳалқ эса сиз орқали ўсади! Бу гапларни сизнинг шарафингиз деб айтяпман!

Лекин мен учун сиз ҳатто ўз эзгуликларингизда ҳам ҳалқ бўлиб, узоқни кўрмайдиган ҳалқ бўлиб қодурсиз – руҳ нималигини билмайдиган ҳалқ!

Руҳ демак ҳаёт, ҳаёт ичига ўпириб кириб борувчи ҳаёт: у ўз азоб-уқубати билан ўз билимини оширади – сиз буни шу пайтгача билармидингиз?

Руҳнинг бахти унинг худди подшоҳ каби бошига мой суртилишида ва қурбонликнинг кўз ёшлари мисоли муқаддас бўлмоқлигидадир, – сиз илгари буни билармидингиз?

Кўрнинг кўрлиги ва унинг пайпаслаб қидириши – у тикилиб қараган қуёшнинг қудратидан дарак беради – илгари ҳам буни билармидингиз?

Билиш истагидаги кимса тоғлар ёрдамида қуришни ўрганиши керак! Руҳ тоғларни ўрнидан силжитиши озлик қиласдими? – сиз буни илгари билармидингиз?

Сиз руҳнинг фақат учқунларини биласиз, – лекин сиз унинг сандонлигини ва болғасининг шафқатсизлигини кўрмайсиз!

Хақиқатан, сиз руҳнинг мағрурлигини билмай-сиз! Лекин сиз ҳаммадан ҳам руҳнинг одмилиги-га, агар у бирон маҳал тилга киргудек бўлса, сира тоқат қдолмас эдингиз!

Сиз яна ҳеч қачон ўз руҳингизни қор босган ўрага ташламаган бўлурдингиз: бунинг учун сизда жўшқинлик етишмайди! Шунинг учун сиз унинг совуқлиги – эҳтиросларини билмайсиз.

Лекин менимча, сиз руҳ билан ҳамма нарса-да ҳаддан ташқари одми муомала қиласиз; сиз кўпинча доноликдан ибодат жойлари ҳамда ёмон шоирлар учун касалхоналар ясагансиз.

Сиз бургут эмассиз – шунинг учун руҳнинг кўрқинчидаги баҳт нималигини ҳеч қачон бошин-гиздан кечирмагансиз. Ким қуш бўлмаса, тубсиз жар узра парвоз қиласин.

Сиз менга илмилиқ бўлиб кўринасиз; лекин ҳар қандай теран билимдан совуқ нафас келади. Руҳнинг энг чуқур булоқлари худди муз каби со-вуқдир: бу қизиб ўт бўлиб ёнган қўлларга роҳат ва қўли тиним билмайдиганлар учун фарофат.

Мана, сиз турибсиз, обрўли, вазмин, елкалари тик ва текис, эй, шонли донишманлар! – Сизни қудратли шамол ва кучли ирода ўрнингиздан силжитолмайди.

Ҳеч қачон сиз денгизда шамол думалоқлаб шиширган, бўронда қалтираган елканни кўр-ганимисиз?

Руҳнинг бўронидан титраган елкан каби денгиз узра менинг донишшим кезар – бу менинг ёввойи донишим!

Лекин сиз, ҳалқ хизматкорлари, сиз, шонли донишманлар, – сиз қандай қилиб мен билан борасиз!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ТУНГИ ҚҮШИҚ

Тун: энди барча қайнаган булоқлар баландроқ сас таратади.

Тун: энди фақат барча севишганларнинг қўшиқлари уйғонаётир. Менинг қалбим ҳам севишганнинг қўшиғидир.

Қандайдир қониқмаслик, кўнгил тўлмаслик бор менда; у сўйлашни истайди. Севги ташналиги бор менда; унинг ўзи севги тили билан сўйлади.

Мен – нурман; оҳ, мен тун бўлсайдим! Бироқ менинг ёлғизлигим шундаки, мен нур билан чулғанганман.

Оҳ, қани энди мен қора ва тунворий бўлсайдим! Мен нурларнинг елинларига тамшанарадим.

Осмонда шуълаланган қуртлар каби жимирилаган юлдузлар, мен ҳатто сизни ҳам қутлаган бўйлардим! – ва сизнинг нурли ҳадяларингиздан баҳтиёр бўла билардим.

Лекин мен ўз нуримга чулғаниб яшайман, мен ўзимдан чиқаётган нурни сипқораман.

Мен оувчининг баҳтиёргилигини билмайман; мен кўпинча ўғирлаш олишдан кўра ҳам янада фарогатлироқ эканлиги ҳақида орзуларга ботардим.

Менинг қашшоқлигим шундаки, менинг қўлим ҳеч қачон эҳсондан тин олмайди; менинг ҳавасим шундаки, мен интизорлик билан тўлган қузларни ва соғиниш билан нурафшон кечаларни кўраман.

О, шўрлик эҳсон қилувчилар! О, менинг тутилган қуёшим! О, алқанган истаклар! О, тўқлик аро қаттол очлик!

Улар мендан оладилар; лекин мен уларнинг қалбларини чертаманми? Эҳсон қилиш ва олиш ўртасида бутун бир жарлик ётади; лекин жуда

кичкина жарлик устидан ҳам күпrik ташлаш  
фоятда қийин.

Очлик менинг гүзаллигимдан униб чиқади;  
мен ўзим чироқ тутаётган кимсага изтироб етка-  
зишни истардим, мен тортиқларим-ла, файзиёб  
бўлганларни талон-торож қилишни истардим. –  
Кўнглим шундай қаҳр-ғазабга орзуманд.

Кимдир кўришмок учун қўл узатса, ўз қўлинг-  
ни тортиб олиш; худди шаршара қулаётганда  
секинлагандай секиналаш – кўнглим шундай қаҳру  
ғазабга орзуманд.

Менинг тўқислигим шундай қасду бастни ўйлаб  
топади; бундай маккорлик менинг ёлғизлигимдан  
туғилади.

Менинг эҳсон қилгувчи баҳтим эҳсонимда қо-  
тиб қолди; менинг эзгулигим ўзидан ва ўз тўқис-  
лигидан чарчади!

Доим эҳсон қилгувчига ўз уягини йўқотиб  
кўйиш хавфи бор; ким доим эҳсон улашаётган  
бўлса, унинг қўли ва қалби доим тортиқ қилавер-  
ганидан қадоқ бўлиб кетиши мумкин.

Тилаңганларнинг уят-шармисорлиги қарши-  
сида менинг кўзларим энди намланмай қўйди,  
ҳовучи тўлган қўл қалтирайди, лекин менинг  
қўлим фоят дағаллашиб қолди.

Кўз ёшларим қайга кетди ва юрак ҳовурим  
қайга йўқолди?

О, барча эҳсонгарларнинг ёлғизлиги! О, барча  
чироқ тутувчиларнинг индамаслиги!

Бўм-бўш маконларда кўп қуёшлар айланур;  
барча қоронгуликларга улар ўз нури ила сўйлар  
– фақат менгагина индамай турурлар.

О, нурнинг барча нурланиб турган нарсалар-  
га файрлиги худди мана шунда; нур ўз йўлидан  
шафқатсиз ўтиб боради.

Юрагининг тубида барча нурланаётган нарсаларга инсофсиз, бошқа қуёшларга бепарво – ҳар қандай қуёш шундай йўл босур.

Қуёшлар ўз йўлида бўрон каби ўтиб борур, уларнинг йўли шундай, ўз қайтмас иродасига тобе, уларнинг совуқлиги шунда.

О, зулмат кечалар, сиз барча нурланган нарсалардан ҳарорат яратасиз! Фақат сиз нурнинг елинларидан сут ва лаззат эмасиз!

Оҳ, атрофим бари муз, қўлимни муз куйдиради. Оҳ, ташна бўлган ичим, у сизнинг ташналигингизга хумор!

Тун: Оҳ, нега мен нур бўлишим керак! Ва зулмат ташналиги! Ва ёлғизлик!

Тун: Менинг истагим худди булоқ каби отилади, бу – сўйламак истаги.

Тун: Барча қайнаган чашмалар энди баланд сас берур. Менинг қалбим ҳам қайнаган чашма.

Тун: Энди севишганларнинг барча қўшиқлари уйғонади. Менинг қалбим ҳам севишганинг қўшиғи.

Зардўшт шундай қўшиқ айтди.

## РАҚС ҚЎШИҒИ

Зардўшт бир куни кечқурун ўз шогирдлари билан ўрмондан ўтиб борарди; мана ниҳоят, у булоқ излаб кўм-кўк ўтлоққа чиқиб қолди, ўтлоқнинг атрофини жим-жит дараҳтлар ва буталар ўраб туришарди – ўтлоқда қизлар ўйин тушишарди. Қизлар Зардўштни таниб қолиб, ўйинларини бас қилишди; Лекин Зардўшт уларга очиқ юз билан пешвоз юрди ва шу сўзларни айтди:

«Ўйинни тўхтатманг, эй, ширин қизлар! Сизнинг қошингизда турган мижғов, жаҳлдор одам, қизларга душман эмас.

Мен шайтон ҳузурида Худонинг элчисиман; у эса оғирлик руҳидир. Сизнинг оёқларингиз жайрон каби тез, мен ахир илоҳий ўйинларнинг душмани бўлишим мумкинми? Ва ё шунчалар тарҳи гўзал аёл оёқларини ёмон кўришим мумкинми?

Рост, мен қорайиб кўринган дараҳтлар қорасидан янада қоронфироқ ўрмондирман – лекин ким менинг зулматимдан қўрқмаса, сарвларим соясида очилиб ётган гул буталарини топгай.

Қизлар кўнглига яқин миттигина илоҳни ҳам у топгай: у қудуқ бўйида кўзларини жимгина юмиб ётади.

Рост, у ялқов қун ўртасида уйқуга толибди! Капалаклар ортидан қува-қува чарчадимикин?

Эй, гўзал раққосалар, мен митти илоҳнинг андак таъзирини бериб қўйсам, сиз асло ранжимангиз! Балки у бақириб, йифлаб ҳам берар – лекин у ҳатто йифлаётганда ҳам кулишга тайёр!

Майли, у кўзда ёш билан сиздан рақс тушишни илтимос қилсин; мен унинг рақсига монанд қўшиқ айтаман:

Бу оғирлик руҳидан қулиш ва унинг устидан ўйин тушиш қўшифи; у менинг энг улуғ, энг қудратли девимдир, уни «Дунё ҳукмдори», деб атайдилар.

Севги илоҳи ва қизлар биргаликда ўйин тушаётган чоғда Зардўшт мана шу қўшиқни айтди:

О, ҳаёт! Яқинда мен сенинг кўзларингга қарадим! Мен англаб, билиб бўлмас дунёга чўкаётгандай бўлдим.

Лекин сен мени олтин қармоғинг билан тутиб олдинг; сени билиб бўлмас, деб айтганимда сен менинг устимдан эрмак қилиб кулдинг.

«Ҳамма балиқлар шундай дейдилар, – жавоб бердинг сен, – уларнинг ақди етмаган нарса худди шундай билиб бўлмасдир.

Лекин мен фақат буқаламун ва ёввойидирман ва ҳамма ҳолларда мен аёлдирман, бунинг устига ёмон аёлдирман:

Гарчи сиз эркаклар мени: «теранлик» ёки «са-доқат», «мангулик» ва «сир-синоат» дейсиз.

Лек, сиз эркаклар, бизни ўз яхшиликларингиз билан музайян айлайсиз – оҳ, сиз яхшилик қи-лувчилар!»

У ақл бовар қиммас, шундай куларди; лек мен ҳеч қачон у ўз-ўзини ёмонлаганда унинг ўзига ҳам, кулгисига ҳам ишонмаганман.

Мен ўзимнинг ваҳший донишмандигим билан юзма-юз туриб сўйлашганимда, у менга разаб билан шундай деди: «Сен истайсан, сен хоҳтайсан, сен севасан, шунинг учун ҳам сен ҳаётни маҳттайсан!»

Мен ўша жаҳли чиққан кимсага қаҳр билан жавоб берай, унга бор ҳақиқатни айтай, дедим; ўз донишмандигингга «Бор ҳақиқат»ни маълум қилишдан ортиқ қаҳр бўлиши мумкинми?!

Бу ерда гап учовлон ўртасида боряпти. Мен бутун жону дилим билан фақат ҳаётни севаман – уни жонимдан ёмон кўра туриб ҳам жуда яхши кўраман!

Лекин мен агар донишмандликни севсам ва кўпинча уни ҳаддан ортиқ севаман, бу шунинг учунки, у менга ҳаётни жуда ҳам эслатиб туради!

Унинг кўзи унга ўхшаш, унинг кулгиси ўхшаш ва ҳатто олтин қалпоқчаси ҳам ўхшаш – улар бир-бировларига шунчалар ўхшаш бўлсалар, мен нима қиласай ахир?

Ва бир куни ҳаёт мендан сўради: донишмандлик нима дегани? – мен унга жон-дилдан жавоб қилдим: «Э-ҳа! Донишмандликми!

Унга орзуманд бўлишади-ю, лекин сира тў-йишмайди, унга пардалар ортидан қарашади ва тўр ташлаб тутишади.

У чиройлими? Мен не билай? Лекин энг қары зогарабалиқдар ҳам унинг хўрагига илинишади.

У ўзгариб туради ва қайсар; у ўз лабларини тишлагани ва тароқ билан соchlарини чигал қилганини кўп кўрганман.

Эҳтимол у қаҳрли ва айёрдир. Ва ҳар бир ҳолда у аёлдир; лекин у ўзи ҳақида ўзи бемаъни сўзларни айтганда, худди мана шунда у ҳаммадан кўпроқ ўзига тортади».

Ва мен бу сўзларни ҳаётга айтганимда, у аччиқ табассум қилди ва кўзларини юмди. «Сен кимни гапиряпсан? – сўради у. – Меними?

Мабодо сен ҳақ бўлганингда ҳам буни менинг юзимга солиш тўғрими? Лекин энди менга ўз донишмандлигингдан гапир!»

Оҳ, сен яна кўзларингни очдингми, маъшуқам ҳаёт! Ва назаримда мен яна билиб бўлмас, англаб бўлмаснинг ичига шўнғиб бораётгандекман.

Зардўшт шундай куйларди. Аммо рақс тугаб, қизлар кетишгач, у маюс бўлиб қолди.

«Қуёш ботганига анча бўлди, – деди у ниҳоят, – ўтлоққа шабнам тушди, ўрмонлардан салқин эсмоқда.

Мени номаълумлик қуршайди ва ўйчан боқади. Вой-бў! Сен ҳали тирикмисан, Зардўшт?

Нима учун? Нега? Нимага? Қайга? Қаерда? Қандай? Ахир телбалик эмасми – яна яшамоқ?

Оҳ, ёронларим, бу оқшом мени сўроқлади. Менинг маҳзунлигимни маъзур кўринг!

Оқшом тушди: мени кечиринг, кеч кирди!»

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **МАҚБАРА ҚҰШИФИ**

«Ү ерда сокин мозорлар ороли; ёшлигимнинг мозорлари ҳам у ерда. Ҳаётнинг мангу күм-күк гулчамбарини мен у ерга элтаман!

Юрагимда шундай қарорга келиб, мен денгиз узра борардим.

О, сиз ёшлигимнинг сиймолари ва тасаввурлари! О, муҳаббат жилвалари, илохий сониялар! Шунча тез қайга ғойиб бўлдингиз! Сиз мен учун ўлгансиз, энди сизни эслайман.

О, азизу мукаррам ўтганларим, сиздан менга ширин муаттар бўй анқииди, юрагимни кўз ёшлар билан енгиллатаман. Бу муаттар бўй теран таъсири қиласи ва ёлғиз сузиг бораётган кимсанинг юрагига енгиллик бахш этади.

Шундай бўлса ҳам, ҳар қалай мен ҳаммадан бойман ва ҳамма менга ҳавас қиласи – мен ҳаммадан кўра ёлғизроқман! Зеро, сиз менда эдингиз, мен эса ҳамон сиздадирман; айтинг, мендан бошқа кимга дараҳтдан қирмизи олмалар тўкиласи?

Мен ҳамон сизнинг меросингиз ва муҳаббатингиз заминидирман, сизнинг хотирангиз учун ранго-ранг, ёввойи тарзда ўсиб ётувчи эзгуликлар билан гул очаман, о, сиз, менинг суюклиларим!

Оҳ, биз доимо ёнма-ён туриш учун яратилган эдик эй, азиз, у дунё мўъжизалари; сиз менга ва истакларимга худди ҳуркак қушлар мисол яқинлашганингиз йўқ – сиз инонувчангага инонувчанлар каби яқинлашдингиз!

Ҳа, сиз худди мен каби садоқат ҳамда мангу мунисликлар учун яратилган эдингиз; энди мен сизни вафосизлик оти билан чақиришим керак-

ми, эй, сиз, илохий жилвалар ва сониялар: ўзга отларни мен ҳали ўрганганим йўқ.

Сиз қоюқларсиз ва сиз мени ташлаб тез қочиб кетдингиз. Лекин сиз мендан қочмадингиз ва мен сиздан қочмадим: бу вафосизлик учун биз бир-бirimiz олдида айбдор эмасмиз.

Сиз менинг умидларимнинг сайроқи қушларисиз, мени ўлдириш учун сизни бўғишид! Сиз менинг суюклilarимсиз, қабоҳат доим сизга қараб ўқ узади – лекин менинг юрагимни мўлжаллайди!

Қабоҳат ўқи тегди менга! Зеро, сиз доим қалбимга энг яқин эдингиз, менинг бору йўқум сиз эдингиз, – шунинг учун сиз жуда ҳам ёш ва жуда ҳам эрта ўлиб кетдингиз!

Менга тегишли энг нозик жойимга ўқ уздилар: менинг нозик жойим сизсиз, сизнинг вужудингиз майин момиққа ўхшар, ундан ҳам ортиқ – у табассумга ўхшар – у бир қараашдаёқ жон таслим айлар!

Лекин ўз нодўстларимга мен шундай дейман: ҳар қандай одам ўлдириш нима экан – сиз менга ундан минг бор бешбаттарини қилдингиз!

Ҳар қандай одам ўлдиришдан ортиқ ёмонлик қилдингиз, эй, сиз нодўстлар, сиз менинг қайтиб келмас нарсаларимни тортиб олдингиз, нодўстлар!

Сиз менинг жондан азиз сиймоларимни, ёшлигимнинг энг қимматли мўъжизаларини ўлдирамингизми! Мен билан бирга ўйнаган ўртоқларимни, табаррук руҳларимни тортиб олдингиз! Уларнинг хотираси учун мен шу гулчамбарни қўяман ва фанимларга шу лаънатларимни айтаман.

Ҳа, бу лаънатлар сизга бўлсин, эй, фанимлар! Совуқ кечаларга бош уриб ёргувчи овоз каби менинг мангулигимни қисқа қилдингиз, эй, фа-

нимлар! У илоҳий кўзининг бир нигоҳи билан лип этиб – бир жилва қилиб ўтди у мен учун!

Бир маҳаллар менинг бокиралигим яхши соатда шундай деб эди: «Барча хилқатлар мен учун илоҳий бўлмоғи керак:

Ўшанда сиз менга ифлос шарпалар билан ҳужум қилдингиз; Оҳ, қани, қайга йўқ бўлди ўша хайрли соат!

«Барча кунлар менга табаррук бўлмоғи керак» – бир маҳаллар ёшлигимнинг донолиги шундай деб эди; ҳақиқатан, шўх доноликнинг гапи!

Эй, сиз душманларим, ўшанда сиз менинг кечаларимни ўғирладингиз ва уларни уйқусиз азобга сотдингиз; оҳ, қани, қайга кетди энди ўшал шўх донолик?

Бир пайтлар мен қушларга қараб баҳтли фол очардим; ўшанда сиз менинг йўлимга бехосият махлуқ – бойқушни учирдингиз. Оҳ, қани, қайга кетди менинг ўшал нозик интилишларим?

Бир пайтлар мен ҳар қандай нафратдан халос бўлишга аҳд қилган эдим – ўшанда сиз менинг яқинларим, хеш-ақраболаримни йиринглаган яраларга айлантирдингиз. Оҳ, ўшанда менинг энг олижаноб аҳду паймоним қайдада қолди?

Бир маҳаллар мен худди кўзи кўр каби порсолик йўлларидан бордим – ўшанда сиз кўзи кўрмаснинг йўлларига ифлос нарсаларни ташлаб қўйдингиз; энди у кўрнинг ўша эски сўқмоғидан нафратланади.

Мен ўзим учун энг қийин бўлган нарсаларни адо этаётганимда ва енгид ўтиш ғалабаларини байрам қилаётганимда, ўшанда сиз мени севган кишиларни бизга қаттиқ алам-оғриқ еткизяпти, деб қичқиришга мажбур қилдингиз.

Чиндан, сиз доим шундай қилиб келгансиз: менинг энг тоза асалимни ва энг яхши ариларимнинг меҳнатини заҳарлаб тургансиз.

Менинг саховатимга сиз доим энг сурбет ти-ланчиларни юбордингиз: менинг меҳр-шафқатим атрофида доим тузалмас имонсизларни пашшахўрда қилгансиз. Сиз менинг яхшиликларимни уларнинг ишонч-эътиқодида шундай яралгансиз.

Мен ўзим учун энг муқаддас нарсаларни қурбонликка келтирганимда, сизнинг «Инсоф-мурувватингиз» дарҳол бунга ўзининг ёғлиқ ҳадяларини қўшиб қўйган, шу тариқа менинг энг муқаддас нарсаларим эритаётган мойингизнинг аччиқ дудлари ичида бўғилиб ётган.

Бир куни рақс тушгим келди, ҳеч қачон бундай рақс тушмаган эдим, кўк осмондан ҳам баландроқ рақс тушсам дедим. Ўшанда сиз менинг энг суюкли қўшиқчимни кўндиредингиз.

Ўшанда у жуда фамгин, кўнгилларни хуфтон қиладиган қўшиқ айтди; оҳ, у менинг қулоғимга қайгули бурғу чалди!

Қаттол қўшиқчи, қаҳр-ғазаб қуроли, сен ҳеч айбдор эмассан! Мен ўшанда ўзимнинг энг гўзал рақсимга тайёр туардим – ўшанда сен ўз ҳазин товушларинг билан менинг ҳаяжонларимни ўлдирдинг!

Мен рақсга тушиб энг олий нарсалар хусусида рамзлар воситасида сўзлаб биламан – энди менинг энг олий тимсолим рақс тили билан баён этилмай қолди!

Менда энг олий умид ифода этилмай ва ечим топмай қолди! Шуйтиб, ёшлигимнинг барча ораз тимсоллари ва таскиnlари барҳам топди!

Мен бунга қандай чидадим? Бу яраларни қандай қотирдим ва қандай енгиб ўтдим? Қалбим бу гўристонлардан қандай тирилиб чиқди?

Ҳа, менда яралаб бўлмайдиган, кўмилиб кетмайдиган алланимадир бор, у қояларни қўпорар: унинг отини менинг иродам дейдилар. У йиллар оша фиқ этмай ва ўзгармай ўтиб борадир.

Менинг қадрдон иродам менинг изларимдан ўз қадамларини ташлаб боришни истайди; унинг ҳиссиёти шафқатсиз ва ўқ ўтмасдир.

Менинг эса фақат товонимгина ўқ ўтмасдир. Сен тириксан ва ўз-ўзингта содиксан, эй, собирларнинг собири! Сен ҳамон барча гўристонлар аро ёриб, қўпориб чиқиб келурсан!

Ёшлигимнинг барча ечилмаган жумбоқлари сенда яшайди; сен гўристонларнинг сарғайган вайроналарида ҳаёт ва ёшлик мисоли умид тутиб ўлтирурсан.

Ҳа, сен мен учун барча гўристонларни бузиб ташлагувчисан; салом, менинг иродам! Ва фақатгина гўристон бор жойдагина қайта тирилмоқ ҳам бордир.

Зардўшт шундай куйларди.

## ЎЗ-ЎЗИНИ ЕНГИШ ЗИКРИ

Эй, доналарнинг доналари, сизни ҳаракатга ва ҳаяжонга соловчи нарсани «Ҳақиқат иродаси» деб атайсизми?

Фикрлаб бўладиган жамики борлиқнинг иродаси – сизнинг иродангизни мен шундай атайман.

Бутун борлиқ нарсаларни сиз аввал фикрлаб бўладиган қилишни истайсиз, зеро, сиз оқ кўнгил ишончсизлик билан шубҳаланиб турасиз, борлиқни фикрлаб бўлармикин?!

Лекин борлиқ сизга бўйсуниши ва тобе бўлмоғи керак! Иродангизнинг иродаси шундай. У силлиқ тортиб руҳнинг ҳукмига кирсин, мисоли унинг ойнаси ва ойнадаги акси каби.

Эй, доналарнинг доналари, сизнинг бутун иродангиз мана шунда, бу мисоли давлат иродасидир, сиз ҳатто яхшилик ва ёмонлик ҳамда қадриятларни баҳолаш ҳақида сўз юритганингизда ҳам бу ўзи шундай.

Сиз яна қаршисида тиз чўкиб туришингиз мумкин бўлган дунёни яратишни истайсиз, – сизнинг охирги умидингиз ва мастоналигингиз худди мана шундай.

Лекин доно бўлмаганлар, халқ, – улар қайиқ сузуб бораётган дарёга ўхшарлар, – қайиқда эса тантанавор ва фоятда ясан-тусан қилган қадриятларнинг баҳолари ўлтирарлар.

Сизнинг иродангиз ва сизнинг қадриятларнингизни сиз тикланиш дарёсига туширдингиз; халқ яхшилик ва ёмонлик сингари ишонадиган нарсаларда эски давлат иродаси милтираб чиқаётгандай кўринади менга.

Доналарнинг доналари, сиз эмасмидингиз бундай қўноқларни ўша қайиққа ўтқизган ва уларга порлоқлик ҳамда мағрур исмлар берган, – сиз ва сизнинг ҳукмрон иродангиз эмасмиди у!

Энди дарё қайифингизни олға суриб боради: дарё уни элтиши керак. Мабодо тўлқинлар ёпирилиб кўпираётган ва қайиқ тумшуғига қаршилик кўрсатаётган бўлса, бундан не ғам!

Эй, сиз доналарнинг доналари, сизнинг хатарингиз ва яхшилик ҳамда ёмонлигингизнинг тугашига сабаб дарё эмас, – лекин бу ироданинг ўзи, давлат иродаси – ҳаётга бўлган битмас-туғанмас, яратувчи иродадир.

Лекин сиз менинг яхшилил ва ёмонлик ҳақидаги сўзимни тушуниб олишингиз учун ҳаёт ва жамики тириклик – жонлининг хусусияти ҳақида сизга ўз сўзимни айтаман.

Мен бутун тирикликни – жонлини кузатдим, унинг хусусиятларини билиш учун мен улуф ва кичик йўллардан ўтдим.

Ҳаётнинг оғзи жим туаркан, унинг нигоҳини мен юз қирралি ойна билан тутдим, – унинг нигоҳи менга сўйлаб турсин, дедим. Шунда унинг нигоҳи менга сўз айтди.

Лекин мен қайдай тириклик – жонлини кўрмай ҳар қандай итоат ҳақидаги сўзларни эшитдим. Бутун тириклик – жонли аллақандай бўйсунишдадир.

Яна иккинчиси шуки, ким ўз-ўзига бўйсунолмаса, уни бўйсундирадилар. Бари тириклик – жонлининг хусусияти шундай.

Бироқ яна бир мен эшитган учинчи нарса: буюриш бўйсунишдан кўра қийинроқдир. Бунинг боиси буюрувчи барча бўйсунувчиларнинг оғирлигини кўтариб юришида ва бу оғир юк уни оппа-осон эзиб ташлаши мумкинлигидагина эмас:

Менга ҳар қандай буюриш журъат ва жасорат бўлиб кўринарди ва буюаркан, ҳар қандай тирик, ҳар қандай жонли ўз жонини хавф остига қўяди.

У ҳатто ўз-ўзига буюргани чоғида ҳам – у ҳали ўз буйругини оқдаши керак. У ўзига тегишли қонуннинг ҳам қозиси, ҳам қасоскори, ҳам қурбони бўлмоғи даркор.

Лекин бу қандай рўй беради? Мен ўзимдан шундай деб сўрардим. У нимадирки, бутун тирик, бутун жонлини бўйсуниш ва буюришга мажбур этади ва буюра туриб, яна бўйсунишга ундейди?

Эй, доноларнинг донолари, менинг сўзимни эшитинг. Жиддий далолат қилингизким, мен ҳаётнинг нақ қалбига ва нақ қалбининг энг чуқур қаърларига кириб бордимми?!

Мен қаердаки тирикни, жонли кўрсам, у ерда ҳукм суриш иродасини ҳам топдим; ва ҳаттохи, хизматкорнинг иродасида ҳам хўжа бўлишга интилиш иродасини кўрдим.

Энг кучлига ундан кўра кучсизроқнинг хизмат қилиши – унинг иродаси мана шунга ундейди, у янада ожизроқ устидан хўжа бўлишни истайди: фақат шундай қувончсиз у сира яшолмайди.

Кичик ўзини каттага уни хурсанд қилиш ва кичик устидан ҳукм ўтказиш учун бағишлигандай, – катта ҳам ўзини шундай қурбон қилади ва ҳукм суриш учун ўз ҳаётини гаровга қўяди.

Улуғнинг фидокорлигининг маъноси шундаки, унда ҳам жасорат, ҳам хатар ва ҳам ўлим билан баробар қимор мужассам.

Фидокорлик, бахшидалик ва муҳаббатли нигоҳлар бўлган ерда, албатта ҳукмдор бўлиш истаги ҳам бўлади. Энг ожиз ўгринча пусиб қўрғонга ва энг кучлининг нақ юрагига кириб олади – ва унинг давлатини ўғирлаб ўзлаштиради.

Ҳаётнинг ўзи менга мана бундай сирини баён қилди. «Қара, – деди у, – мен доим ўз-ўзимни енгид боришим керак.

Албатта, сиз буни ижод қилишга бўлган ирода ёки энг юксак, олис, анча мураккаброқ бўлган мақсад сари интилиш деб атайсиз – лекин буларнинг бари ягона бир сирни ташкил этади.

Бундан воз кечгандан кўра ўлганим яхши; чиндан қайдা ботиш ва япроқлар тўкилиши рўй бергаётган бўлса, демак у ерда ҳаёт ўзини қурбон қилмоқдадир – бу ҳам ҳукм суриш важидандир!

Мен кураш ва тикланиш, мақсад ва мўлжаларнинг қарама-қаршилиги бўлмоғим керак: оҳ, ким менинг иродамни топса, унинг қанчалар қинғир-қийшиқ йўллардан ўтиб бориши кераклигини ҳам англайди!

Мен ниманики яратмай ва яратган нарсамни қанчалар яхши кўрмай, тезда мен унга ва ўз муҳаббатимга қарши боришимга тўғри келади: иродам шуни истайди.

Эй, билик истаган, ҳатто сен фақат менинг иродамнинг сўқмоғи ва солган изисан: чиндан менинг ҳукм суриш иродам сенинг ҳақиқатга бўлган ироданг билан изма-из боради.

«Тирикликка ирода» сўзини ҳақиқатга қараб отган одам, албатта унга теккизолмайди: чунки бундай ироданинг ўзи йўқ!

Зеро, ўзи йўқ нарса бирон нарсани истаси мумкин эмас; бор нарса эса қандай қилиб яна бор бўлишни истасин!

Фақат ҳаёт бор ердагина ирода ҳам бор; лекин бу ҳаётга ирода эмас, бироқ – сенга шундай ўргатаман – бу ҳукм суриш иродасидир!

Ҳаётнинг ўзидан кўра ундан юқорида яшаш кўпроқ қадрланади; лекин баҳонинг ўзи айтиб турибди – ҳукм суриш иродаси деб!»

Бир пайтлар ҳаёт мени шундай ўқитган эди, шундан келиб чиқиб, эй, доноларнинг донолари, сизнинг қалбингизнинг асрорини ечаман.

Чиндан, сизга айтаман: ўткинчи бўлмаган яхшилик ва ёмонликнинг ўзи йўқ! Улар ўз-ўзини ўз ичидан қайта-қайта енгиб ўтиши керак.

Сиз, эй, ноёб нарсаларни қадрловчилар, ўз қадриятларингиз, ёмонлик ва яхшилик ҳақидаги сўзларингиз билан зўравонликка йўл қўясиз; сиз-

нинг яширин муҳаббатингиз ва порлоқдигингиз, ҳаяжонларингиз ва қалбингизнинг нозик интилишлари худди мана шундадир.

Аммо сизнинг қадриятларингиздан янада каттароқ зўравонлик ва янги енгиб ўтиш ўсиб чиқади: унинг тухуми ва тухумининг пўчоғи уларга урилиб мажақланади.

Ким агар яхшилик ва ёмонликда ижодкор бўлса, чиндан, у аввало қадриятларни мажақловчи бузғунчи бўлмоғи жойиз.

Олий ёмонлик олий яхшиликка мана шу тариқа мансуб бўлади; бу яхшилик эса ижодкоронадир.

Эй, доноларнинг донолари, фақат шу ҳақда сўз юритамиз, ҳолбуки бу ҳам бемаънилиkdir. Аммо «фиқ» этмаслик ундан ҳам ёмон; барча овози ўчирилган ҳақиқатлар заҳаролудга айланади.

Бизнинг ҳақиқатларимизга урилиб мажақланувчи жамики нарсалар майли, мажак-мажақ бўлаверсин! Ҳали яна қанча биноларни бино қилмоқ керак!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **САРБАЛАНДЛАР ЗИКРИ**

Денгизимнинг қаърлари сокин; унинг тубларида тасқара маҳлуқлар яшириниб ётиши кимнинг ҳам хаёлига келибди?!

Қаърим менинг сарсилмас; аммо у сузиб юрган жумбоқлар ва қаҳқаҳалардан жимиirlаб туради.

Бир новчани кўрдим бу кун, у тантанавор эди, руҳи ўртанаради; қалбим унинг бемаънилигидан қаҳ-қаҳ уриб кулди!

У худди ўпкасини тўлдириб нафас олгандай кўкрагини кериб турарди – у мағрур ва жимгина қаққайган эди.

Ҳамма ёғига бемаъни ҳақиқатларини шақилдоқ каби осиб олган, ҳашамдор лиbosлари ҳурпайган, ов ўлжалари ҳам ўзида эди; шунингдек, унга жуда кўп тиканлар осилган эди – аммо мен ҳали унда биронта гул кўрганим йўқ.

У ҳали қулги ва гўзалликни ўргангани йўқ. Бу овчи билик ўрмонидан тумтайиб, қовоқ-тумшуғи осилиб қайтди.

У ваҳший ҳайвонлар билан жангдан сўнг уйга қайтди; унинг жиддийлигидан енгилмаган – ваҳшний ҳайвон боқиб, мўралаб турибди!

У ҳамон худди шер каби сакрамоқчи; лекин мен бу тажанг жонларни севмайман: туклари асабдан дикрайган бу ҳайвонларни жиним сўймайди.

Ва сиз менга, дўстларим, нимани ёқтириш – ёқтирмаслик ҳақида тортишиб ўтирмайдилар, дейсизми? Аммо бутун умрнинг ўзи ёқтириш-ёқтирмасликнинг жанжалидан иборат-ку!

Дид-фаросат: бу бир вақтнинг ўзида ҳам тарозу ҳам тош, ҳам тарозибон, бутун тириклик агарда у тарозу, тош ва тарозибон борасида баҳс қилмай яшаса эди, бу қандай ачинарли бўларди!

Агарда бу сарбаланд ўз сарбаландлигидан чарчаса эди – ана унда унинг гўзаллиги бошлинарди; фақат ўшанда мен унинг таъмини билган ва мазали, деб топган бўлардим.

У фақат ўз-ўзидан эврилиб айрилган чоғдагина у ўзига мансуб соядан сакраб ўтиб кетади ва ҳақиқатан тўғри ўз қуёшига тушади.

У сояда ҳаддан зиёд кўп ўтирди, рухи ўртанаётганинг икки бети бўздай оқариб кетди; у кутавериб очдан ўлишига оз қолди.

Унинг нигоҳида ҳамон нафрат, унинг комида аччик жирканиш акс этади. Гарчи у дам олаётган бўлса ҳам, лекин офтобда ўтириб дам олаётгани йўқ.

У худди ҳўқиз каби ишлаши керак эди; унинг баҳтидан ерга нафрат эмас, балки ернинг нафаси келиб туриши керак эди.

Мен уни омоч олдида пишқириб ва гувраниб бораётган оқ ҳўқиз каби кўришни истардим – ва унинг мўнгранициши барча ерга хос нарсаларга мақтov бўлиб эшитилмоғи керак эди!

Унинг бети ҳали қоронғи; ундан қўлнинг сояси югуриб ўтади. Кўзларининг назари ҳам ҳали қоронғи.

Унинг ишининг ўзи ҳам ҳали унда шарпа каби ётади: қўли тинмай меҳнат қилаётганга қўл соя солади. У ўз ишини енгиб олгани йўқ.

Мен унда ҳўқиз мўйинини қанчалар севаман; аммо ҳозир мен фаришта нигоҳини ҳам кўришни хоҳдайман.

Шунингдек, у ўзидағи қаҳрамон иродасидан қутулиши керак: у мен учун фақат сарбаланд эмас, балки меъроjгa кўтарилган ҳам бўлиши даркор, – уни иродадан маҳрум ҳолда ҳаволарнинг ўзи кўтариб бормоғи лозим!

У қўрқинчли маҳлуқни енгди, у жумбоқларни ечди; лекин у ҳали ўз маҳлуқларини ҳам енгиши ва ўз чигалларини ечиши зарур, уларни ҳали само сабийларига айлантирмоғи ҳам керакдир.

Унинг билиги ҳали табассум қилмоқ ва ҳасадсиз яшамоқни ўргатгани йўқ; ҳали унинг гўзалликка бўлган эҳтирослар оқими тинмади.

Чиндан, унинг истаги тўқдик ичра кўмилиб, овози ўчиб кетмаслиги, балки гўзалликка фарқ бўлмоғи керак. Олижаноб фикрлайдиган бағри кенглигига салобат хосдир.

Қаҳрамон қўлларини боши ортига чирмаб ҳордик чиқармоғи жойиз, у ҳатто ўз ҳордифини ҳам худди шу тарзда енгиб ўтса мумкин.

Лекин айнан қаҳрамон учун гўзаллик энг қийин нарсадир. Ҳар қандай кучли ирода учун гўзаллик етиб бўлмас нарсадир.

Бир оз кўп, бир оз кам; бу ерда бу айнан кўп дейилганидир; бу ерда ҳамма нарса кўп дейилгани.

Шалвираган мушаклар ва бўшашган ирода билан туриш – сиз учун энг қийини ҳам ўзи шу, эй, сарбаландлар!

Ҳокимият мурувватли бўлиб, кўзга ташланадиган жойга тушса – мен бундай тушишни гўзаллик, деб атайман.

Ва мен ҳеч кимдан гўзалликни сендан сўрагандай сўрамасман, эй, қудратли; сенинг яхшилигинг ўз-ўзингни охирги маротаба енгиб ўтишинг бўлсин.

Сени ҳар қандай ёмонликка қодир, деб била-ман; шунинг учун ҳам, сендан яхшилик тилайман.

Чиндан, мен кўп маҳал ожизлар устидан қулганман, улар ўзларини яхши одам деб ҳисоблайдилар, чунки уларнинг панжалари бўш ва доим очик.

Сен эзгулик устунига интил: у қанча юқори кўтарилса, шунча чиройли ва мулоим, ичидан эса шунча берк ва чидами бўла боради.

Ҳа, сарбаланд, сен бир кунмас бир кун гўзал бўлмофинг ва ўз гўзаллигинг олдида ойна тутиб турмофинг керак.

Ўшанда сенинг жонинг илоҳий ҳирсу ҳаваслардан ларзага келади – ва таъзимкорлик ҳам сенинг шуҳратпарастлигингда бўлади!

Кўнгил асрори мана шу қаҳрамон уни тарк этгандагина унга яқинлашади ва бу тушларда рўй беради, – ало қаҳрамон.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **МАДАНИЯТ ЎЛКАСИ ЗИКРИ**

Мен келажакнинг ичига жуда узоқ учеб кирдим; мени даҳшат чулгади.

Ва атрофимга ўтирилиб қарадим, вақт менинг ёлғиз замондошим эканлигини кўрдим.

Шунда мен орқага – уйга қараб чопдим – шошилиб борган сари қадамимни жадаллатдим; шу тариқа сизнинг ҳузурингизга келиб қолдим, эй, замондошларим ва бу маданият ўлкаси экан.

Биринчи маротаба мен сизга эзгу истаклар билан яхшилаб қарадим; чиндан, юрагимда фам-қайфу билан келдим.

Лекин менга нима бўлди? Мен учун қанчалик кўрқинчли бўлмасин, – мен хандон отиб кулишим керак эди! Кўзларим ҳеч қачон бунчалар кўп ола-була ялтири-юлтурни кўрмаган эди!

Мен тинмай кулардим, ҳолбуки, оёқларим ва юрагим дир-дир қалтирарди: «Воҳ, ахир бу бўёқчи хумларнинг ватани экан-ку!» – дедим ўзимга.

Юзингизга элликта бўёқ парчаси сачраб ўтирардингиз, мени ҳайрон қолдириб, эй, сиз менинг замондошларим!

Сизнинг тегрангизда элликта ойна бор эди, улар сизнинг бўёқларингизнинг ўйинларига хушомад ила тақлид қилишарди!

Чиндан, эй, замондошларим, сиз учун ўз юзингиздан кўра ҳам яхшироқ ниқоб тополмасдингиз! Сизни ким таний олади!

Унга ўтмиш белгилари туширилган, бу белгилар узра яна янги белгилар чизилган, – сиз барча талқинчилардан шундай яшириндингиз!

Агар қорин-қурсоқларни синовчи бўлганда ҳам, ким ишонарди сизда қорин-қурсоқ борли-

гига! Сиз бўёқлардан пиширилган ва елимланган парчалардан бўлганга ўхшайсиз.

Сизнинг пардаларингиз остидан барча асрлар ва халқлар ранг-бараңг қўриниб туради; сизнинг хатти-ҳаракатларингизда барча урф-одатлар ва барча ақидалар турли-туман тилларда сўзлайдилар.

Агар бирор сизнинг устингиздаги пардалар, жандалар, бўёқлар ва хатти-ҳаракатлардан халос этса, – бари бир охир-оқибат унинг қўлида яна қушларни қўрқитиши учун латта-путта қолган бўлурди.

Чиндан, мен ўзим ҳуркак қушман, бир куни сизни ялангоч ва бўёқларсиз кўрганман; ва одам суяги менга муҳаббат имо-ишораларини қилаётганда, учиб кетганман.

Зеро, мен тезроқ нариги дунёда ходим бўлмоқлик ва ўтганларнинг шарпаларига хизмат қилмоқликни истардим! Нариги дунёда яшовчилар сиздан қўра семизроқ ва тўлароқдирлар!

Ичимнинг ёниб-ўртаниши шунданки, эй сиз, замондошларим, сизни на ялангоч ҳолда ва на либос кийган ҳолда ҳеч ҳазм қилолмасман!

Келажакдаги барча бўғувчи ва бир пайтлар қушларни ҳуркитиб, учирив юборган жамики бор нарсалар ҳақиқатан ҳам, сизнинг «воқелик»ка қараганда самимиyroқ ва ишончга кўпроқ саворроқдир.

Зеро, сизнинг гапингиз шундай: «Биз бус-бутун воқеликмиз ва бизда эътиқод ҳамда хурофот йўқ»; Сиз шундай кўксингизни кериб фўддаясиз, ҳолбуки, оҳ! – Сизда кўкракнинг ўзи йўқ!

Аммо, сиз бўялганлар, сиз қандай қилиб имон келтирасиз! – Сиз илгари имон келтирилган барча нарсаларнинг тимсоллари!

Сиз имон-эътиқоднинг оёқда юрган муртадларисиз, сизда ҳар қандай фикр қийма-қийма

бўлиб кетади. Сохтагарлар – мен сизни шундай атайман, эй, борлиқ, воқелик фарзандлари!

Сизнинг ақл-идрокингизда барча замонлар бир-бирларига қарши сўзбозлик қилурлар: лекин барча замонларнинг тушлари ва қуруқ сўзбозликлари сизнинг уйғоқлигингизга қараганда ҳар қалай воқеликка яқинроқдир!

Самарангиз йўқ; шунинг учун сизга эътиқод етишмайди. Лекин ким яратиши керак бўлса, унинг доим тушлари башоратли ва аломат юлдизи балқсан – ва у имонга имон келтирганди!

Сиз – гўрковлар кутиб ўтирадиган ярим очилган дарвозаларсиз. Ва ниҳоят, мана сизнинг воқелигингиз: «Ҳаммаси ўлиб кетишга арзиди»<sup>11</sup>.

Оҳ, мана олдимда турибсиз туртиб чиқсан қо-вурғаларингиз билан! Ичингиздан кўпларингиз буни ўзингиз ҳам тушунасиз.

Ва улар айтишади: «Чамаси, Худо мен ухлаб ётганимда бир нарсамни тортиб олганга ўхшайди? Шунинг ўзи, ростдан ҳам, урғочини яратиш учун етади!

Қовурғаларимнинг етишмаслиги ажойиб! – ҳозирги одамларнинг кўплари шундай дейдилар.

Ҳа, сиз менинг қулгимни қистатасиз, менинг замондошларим! Айниқса, сиз ўзингиздан ўзингиз ҳайрон бўлиб турган чоғингизда!

Бошимга бало ёғилсин, агар мен сизнинг ҳайрон бўлиб туришингиз устидан кулолмасам ва бунинг устига сизнинг товоқларингиздаги барча bemaza нарсаларни ютишга мажбур бўлдим!

Лекин мен сизга енгилроқ қарашим керак, зеро, менинг юким алланечук жуда оғир; агар менинг юким устига қўнғизлар ва кўршапалаклар қўниб ўтиrsa, бу билан нима ишим бор!

---

<sup>11</sup> «Фауст»дан

Чиндан, юким бундан янада оғирроқ бўлиб қолмайди-ку! Менга улуф бир чарчоқ сиздан келмас, ахир, эй, замондошларим!

Оҳ, мен ўз қайгум билан яна қайга кўтарилийн! Мен ҳамма тоғлардан оталар ва оналар юртларига кўз ташлайман!

Аммо ҳеч ердан ватан топмадим: барча шаҳарларда хавотирга тушаман ва барча дарвозалардан оёғимни қўлга олиб қочиб бораман.

Замондошлар менга бегона ва кулгили; яқиндагина кўнглим уларга интилиб орзиқарди; ва мен оталару оналар юртларидан ҳайдалдим.

Шундай экан, мен фақат болаларимнинг юртларини севаман, улар ҳали очилмаган, узоқ денгизлар ортида жойлашгандир; менинг кемаларим майли, уларни тинмай изласинлар, изласинлар.

Ўз болаларим билан мен оталар фарзанди эканигини оқлашим керак; ва барча келажакларга – ушбу бугундир!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **БИКРАТ<sup>12</sup> БИЛИК ЗИКРИ**

Кеча янги ой чиққанда, у қуёшни туғмоқчи эмасмикин, деб ўйладим: у уфқ узра худди туғаётган аёл каби кенг ёйилиб ётарди.

Лекин ўз ҳомиладорлиги билан у мени алдади, мен янги ой кўпроқ – эркак бўлса керак, ҳар ҳолда – аёл эмас, деб ишонаман.

Албатта, бу уятчан ярим тун саргардони эркакка унчалар ҳам ўхшамайди. Чиндан, у томлар узра ифлос виждан била кезиб юради.

Зотан, ой қиёфасидаги ушбу роҳиб ҳирсу ҳаво ва рашку ҳасадга тўла ер деса, севишганлар-

---

<sup>12</sup> Бикрат – бокира, пок

нинг лаззат-фарогатлари деса, у ўзини томдан ташлайди.

Йўқ, ушбу томларда кезувчи мушукни мен севмайман! Ярим очиқ деразаларга ўгринча яқинлашадиганларга сира тоқатим йўқ!

У юлдуз гиламлари узра художўйлик билан жимгина дайдиб юради; аммо мен овоз чиқармай қадам босадиган, шашпарлари жангир-жунгир қилмайдиган эркак оёқларини ёқтирмайман.

Ҳар қандай ҳақгўйнинг қадами одилдир. Аммо мушук ер юзида ўгринча қадам босади. Ўзинг кўр, янги ой худди мушукдек чиқиб келади, ноинсоф!

Эй, сезгир мунофиқлар, бу ўхшатишни мен сизга йўллайман, зеро, сиз, «соф билим»ни қидирувчиларсиз! Сизларни мен лаззатпастлар, деб атайман!

Сиз ҳам барча ерга хос нарсаларни, ернинг ўзини ҳам севасиз – мен сизни хўб билиб олганман! – Лекин сизнинг севгингиз уят ва ноҳалол виждан, – сиз худди ойнинг ўзисиз!

Сизнинг руҳингиз ерга хос нарсаларга нафрата ишонч ҳосил қилган, лекин ичингиз бошқа нарсани дейди, – ҳолбуки, ичингиз сизнинг энг кучли томонингиз!

Ичингизга ялтоқилик қилаётгани учун руҳингиз энди уяди, у ўзига мансуб уят билан учрашмаслик учун ёлғон ва риё йўллардан пусиб боради.

«Мен учун энг олий баҳт шундаки, – дейди ўзига ўзи сизнинг кўп ёлғончига чиққан руҳингиз, – ҳаётга тили осилган итдай эмас, балки ҳирсу ҳавога берилмай қарашдир; худбинликнинг фалаёнлари ва очкўзликларимиз иродани ўлдирган ҳолда мушоҳада баҳтини тотмоқдир, – бунда вужудинг муздай совуқ ва мисоли бўз каби, лекин кўзларинг худди ой каби мастона бўлсин!

Мен учун энг яхши қисмат – деб ўз-ўзини йўлдан уради йўлдан оздирувчи, – ерни бамисоли ой каби севиш ва фақат кўз билан унинг гўзаллигини силаб-сийпалаш.

Мен ҳамма нарсаларни билишни бокира, деб атайман фақат шундайки, нарсалар қаршисида бамисоли юз кўзли ойна каби улардан ҳеч нарса талаб қилмай шундай ўзим ётсан».

О, сиз, сезгир мунофиқлар, о, сиз, лаззатпарастлар! Сизнинг майлингизда бокириалик етишмайди; ва мана шу сабабдан сиз майлга бўхтон отасиз!

Чиндан, сиз ерни яратувчилар, бино қилувчилар ва тикланишдан қувонувчилар каби севмайсиз!

Бокириалик қайда? У урчишга ирода бўлган ерда. Ва кимки ўзидан кейинга яратишини истаса, унинг мен учун соф иродаси бор.

Гўзаллик қайда бор? У мен бутун иродам билан исташим керак бўлган севиш ва жон беришга тайёр бўлган ердадир ва шундайки, тимсол фақатгина қуруқ тимсол бўлиб қолмагай.

Севиш ва жон бериш – бу мангалик билан қовушади. Севишни исташ – бу ўлимни ҳам исташ, демакдир. Мен буни сизга айтяпман, эй, юраксизлар!

Лекин буни қарангки, сизнинг дабдабаларга хос қінғир кўзлигингиз ўзини «мушоҳада» деб аташни истайди! Бунда қўрқоқ бир назар билан тегиб ўтиш мумкин бўлган нарсани «гўзаллик» деб юритиш керак бўлади! О, сиз, олижаноб номларни ҳаром қилгувчилар!

Бироқ эй, сиз ўзига доф туширмаганлар, эй, сиз, соф билишни қидириб юрганлар, сизнинг тавқи лаънатингиз шундаки, сиз мабодо уфқлар-

ни тўлдириб ётганингиз тақдирда ҳам ҳеч қачон ҳомиладор каби туғолмайсиз!

Ва ҳақиқатан, сизнинг оғзингиз тўла олижаноб сўзлар; нима биз ишонишимиз керакми, сизнинг юрагингиз ҳам олижаноблик билан лиммо-лим деб, эй, сиз ёлғончилар?

Аммо менинг сўзларим – кўримсиз – истеҳзоли ва одми сўзлар; ва мен сизнинг базмларингизда дастурхон тагига тушган увоқларни териб юриши ни яхши кўраман.

Ҳар қалай, мен уларга – мунофиқларга бор гапни айта оламан! Ҳа, менинг қилтаноқларим, чифаноқларим ва тиканли япроқдарим икки юзлиларнинг бурунларини қитиқласа керак!

Атрофингиздан, базмларингиздан доим сассиқ ҳид тарқалади: зеро, сизнинг ҳирсли хаёлларингиз, ёлғонларингиз ва икки юзламачиликларингиз ҳавода шундоқ осилиб туради!

Сиз аввал ўзингизга ўзингиз – ҳа, ўзингиз ва ўз ичингизга ишонишга таваккал қилиб кўринг! Ким ўз-ўзига ишонмаса, у доим алдайди.

Сиз, эй, «Озодалар», ўз-ўзингиз олдингизда Худо қиёфасидан паноҳ топдингиз: сизнинг қирқ бўғимли қўрқинчли қуртингиз Худо тийнатида беркинди.

Эй, сиз «Мушоҳада қилгувчилар», сиз алдайсиз! Бир пайтлар ҳатто Зардўшт ҳам сизнинг илоҳий пардангиздан алданган эди; бу парда қандай илон ҳалқалари билан тўлдирилганлигини у фаҳмламай қолганди.

Эй, соф билим изловчилар, бир пайтлар сизнинг ўйинларингизда Худонинг юраги ўйнашини орзу қилган эдим! Сизнинг санъатларингиздан ортиқроқ санъатни ҳеч қачон орзу қилмагандим!

Мендан олис-олислар илон маразлари ва сассиқ уфунатларни яшириб келди, бу ерда калтакесак-нинг айёрги ҳирсга тўлиб судраларди.

Аммо мен сизга яқинлашдим: шунда менинг қундузим туғилди – энди эса у сиз учун туғилмоқда, – ойнинг саргузаштлари тугади!

Унга боқинг! Ёришиб келаётган тонг олдида у бўздай оқариб турмоқда!

Зеро, олов яшиқ тезда чиқажак – унинг меҳри ерга яқинлашмоқда! Бокиралик ва яратувчи ташналиги – ҳар қандай қуёшнинг муҳаббати шу!

Унга боқинг, у денгиз узра сабрсизлик билан балқимоқда! Сиз унинг меҳрининг қайноқ, ташна нафасини сезмаяпсизми?

У денгизни кўплаб ютмоқчи, денгиз теранликларини ўз юксакликларига ютиб кўтармоқчи – эҳтиросли денгиз ҳам минглаб кўкраги билан унга томон юксалиб боради.

Зеро, у қуёш уни ўпишини, уни ҳўплаб шимиришини истайди: денгиз ҳам ҳаво, ҳам баландлик, ҳам нур йўли ва ҳам нурнинг ўзи бўлишни хоҳлади!

Ҳақиқатан, мен қуёш каби ҳаётни севаман ва севаман барча чуқур денгизларни.

Барча чуқур нарсалар кўтарилисинг – менинг баландлигимга! – Мен учун билим мана шундадир.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ОЛИМЛАР ЗИКРИ

Мен ухлаб қолибман, бир қўй келиб бошимдаги чирмовуқдан тўқилган чамбарни еб қўйибди, яна бунинг устига еб туриб: «Зардўшт энди олим эмас», дебди.

У шундай деб кеккайиб тумшугини күттарганча бир чеккага ўтиб кетибди. Менга буни бир бола айтиб берди.

Мен болалар ўйнаб юрадиган шу ерда, қулаб ётган девор этагида, қашқұнмас ва лолақизғалдоқлар ўсиб ётган жойда ётишни яхши күраман.

Мен ҳали ҳам болалар учун ва шунингдек, қашқұнмас ва лолақизғалдоқлар учун олимман. Улар ҳатто аччиқланғанларида ҳам маъсум бегу-ноҳдиirlар.

Аммо қўйлар учун мен энди олим саналмай қўй-дим: пешонам шундай экан – майли, қутлуғ бўлсин!

Зеро, гап шундаки, мен олимлар уйидан кетдим ва орқамдан эшикни маҳкам ёпиб чиқдим.

Менинг қалбим уларнинг дастурхонлари устида узоқ вақт оч ўтирди; улар каби билимни ёнгоқ чаққандай бўлиб ўрганмадим.

Кенгликларни ва ер узра тоза ҳавони севаман, мен унвонлар ва ҳурматлар ичида яшагандан кўра хўкиз терилари устида ухлашни маъқул кўраман.

Мен ҳаддан ошиқ қизиқонман ва ўз фикрларим издиҳомида ёнаман. Кўпинча ҳаво этишмай бўғилиб кетаман. Шунда мен чанг босган хоналардан узоқроқقا, кенгликларга чиқиб кетаман.

Аммо улар салқин сояларда салқинлашади: улар ҳамма ҳолларда фақат томошибин бўлишни хоҳлашади ва товоналарни куйдирадиган офтобда ўтиришдан қочишади.

Худди кўчада туриб ўткинчиларни томоша қи-ладиганларга ўхшаб, улар бошқалар ўйлаб топган фикрларни кўз остига олишади.

Уларга қўл тегизиб кўрсангиз, худди ун қоплардан тўзон кўтарилгандай беихтиёр чанг чиқади;

лекин чанг-тўзон фалла, дондан ва экинзорнинг олтин тортиқларидан чиқяпти, деб ким айта олади?

Ўзларини доно қилиб кўрсатганларида уларнинг майда ҳикматлари ва ҳақиқатларидан этим увишади; қўпинча уларнинг доноликларидан худди ботқоқликдан чиқаётгандай уфунат тарқалади; мен ҳақиқатан, бу ботқоқда қурбақа қуриллаганлигини ўзим эшидим!

Улар жуда чаққон, бармоқлари фоятда уддабурон, бу уларнинг ранг-бараанглигию менинг ўзига хослигимга ўхшайди! Уларнинг бармоқлари ҳар қандай ип ўтказиш, тикиш ва тўқиши жуда боплашади: улар руҳнинг пайпоқларини шундай тўқишишади!

Улар яхши созланган соат мурватлари; фақат уларни яхшилаб бураб қўйиш керак! Шунда улар вақтни тўғри кўрсатишади ва бунда енгилгина шовқин кўтариб ҳам қўйишади.

Улар тегирмонларга ўхшаб гувиллаб ишлashingadi: фақат унга дон ташлаб турсанг бўлди! – боплаб майдалаб беришади ва оппоқ қукунга айлантиришади.

Улар бир-бирларининг бармоқларини зийраклик билан қузатишади ва бир-бирларига унчалик ишонишмайди. Улар майда муғамбирликларга жуда уста, илми оқсайдиганларни таъқиб этишади – байни ўргимчакнинг ўзгинаси, дейсиз.

Мен уларнинг доим қандай эҳтиёткорлик билан заҳар тайёрлаганларини кўрганман; улар бунинг учун бармоқларига ҳамиша шиша қўлқоп кийиб олардилар.

Улар яна ясама ошиқ ўйинини биладилар; терлаб-пишиб, кўпириб-тошиб ўйнаганларини кўрганман.

Биз бир-бириңизни тушунмаймыз, менга улар-нинг яхшиликлари муғамбирликлари ва ясама ошиқ ўйинларидан кўра ҳам ёқимсизроқ туюлади.

Улар билан бирга яшаганимда, мен юқорида турардим. Улар шунинг учун мени чиқиширишмасди.

Улар ўзларининг тепаларида аллакимнинг юришини сира ҳазм қилишолмайди; шунинг учун мен билан ўzlари орасига ёғоч, тупроқ ва бошқа ашқол-дашқолларни тўкиб қўйишиди.

Менинг қадам товушларимдан шундай қутулиши; уларнинг энг билимдон олимлари шу пайтгача мени ҳаммадан ҳам ёмонроқ эшитиб келишиди.

Улар мен билан ўз ораларида одамларнинг барча хатолари ва ожизликларини айқаш-уйқаш уйиб ташлашиди: буни улар ўз уйларидаги «Қора пол», деб атайдилар.

Бари бир мен ўз фикр-хаёлларим билан уларнинг бошлари узра юраман, мен ҳатто ўз хатоларим устидан юришни истаганимда ҳам, бари бир уларнинг тепасида ва боши устидабўлардим.

Зеро, одамлар тенг эмас – адолат шундай дейди. Ва мен истаган нарсани – уларнинг ҳақлари йўқ исташга!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ШОИРЛАР ЗИКРИ

«Мен вужудни яхши билганимдан бери, – деди Зардўшт ўз шогирдларидан бирига, – руҳ мен учун фақат қандайдир руҳдай; «Ўткинчи бўлмаган» ҳамма нарсалар эса, – фақат тимсоллардир».

«Буни бир сафар сендан эшитганман, – жавоб берди шогирд, – ўшанда сен бунга яна шуни қў-

шимча қилган эдинг: «Лекин шоирлар жуда кўп ёлғон сўзлайдилар». Нега сен шоирлар кўп ёлғон гапирадилар, дединг?»

«Нимага? – такрорлади Зардўшт, – сен нимага деб сўраяпсанми? Лекин мен «Нега?» деб сўрала-диганлар сирасига кирмайман.

Ахир менинг кечинмаларим куни кеча бошланмаган-ку? Мен ўз фикрларимни асосига етганимга анча вақт бўлди.

Ўз фикрларимнинг барча асосларини сақдаб юраман, десам хумдай катта хотирага эга бўлиш им керак эди.

Менга шунинг ўзи ҳам кўп ортиқча ташвиш – ўз фикрингни ўзинг кўтариб юришинг осон эмас; жуда кўп қушлар учиб кетмоқдалар.

Улар орасида мен кабутархонамга кириб қолган бегона маҳлуқчани ҳам кўраман, мен уни билмайман, қўлимни қўйсам, у титраб-қалтирайди.

Лекин ўшал бир куни Зардўшт сенга нима деган экан? Шоирлар кўп ёлғон сўзлар эканларми? – Лекин Зардўштнинг ўзи ҳам – шоир.

Бунда у рост айтганига ишонасанми? Сен нега бунга ишонасан?»

Шогирд жавоб берди: «Мен Зардўштга ишона-ман». Аммо Зардўшт бошини чайқади ва кулиб қўйди.

Ишонч мени нарсага айлантирмайди, – деди у, – айниқса, менга бўлган ишонч.

Лекин кимдир жуда жиддий қилиб шоирлар ҳаддан ташқари кўп ёлғон сўзлайдилар, деб айтган ҳам дейлик; у рост айтур эди – биз ҳаддан ташқари кўп ёлғончилик қиласиз.

Биз жуда оз нарса биламиз ва жуда ёмон ўқий-миз, шунинг учун биз ёлғон сўзлашга мажбурмиз.

Лекин биз, шоирлар ўртасида ким ўз майига сув қўшмабди? Жуда кўп заҳарли омухта суюқликлар бизнинг ертўлаларда тайёрланган; кўп қаламга олиб бўлмайдиган нарсалар шу ерларда амалга оширилган.

Биз оз билганимиз учун бизга руҳи қашшоқлар жон-дилдан ёқади ва айниқса, булар ёшгина хотин-қизлар бўлса.

Кекса аёллар оқшом чоғлари ўзлари тўғрисида ҳикоя қилиб берадиган нарсаларга биз ҳатто жуда ўчмиз. Буни биз ўзимиздаги мангуму назокат деб атаймиз.

Бирон нимани ўрганаман, деган кимсага ёпиқ бўлган билимга гўё қандайдир алоҳида, яширин этиш йўли мавжуд: худди шундай биз халқ ва унинг «доно»лигига ишонамиз.

Ҳамма шоирлар шунга ишонадиларки, агар аллаким ўтлоқда ёки хилват дарахтзорда ётиб, қулоғини «динг» қиласа, у ҳолда осмон ва ер орасидаги баъзи бир нарсаларни билиб олади.

Шоирларга муnis туйғулар меҳмон бўлган чоқларда улар доим бизга табиатнинг ўзи ошиқ деб ўйлайдилар.

Табиат шундай уларнинг қулоқларига яқинлашиб келар экан-да, сирли, маҳбубона, хушомадга тўлиқ сўзларни шивирлаб айтар экан – шоирлар бошқа барча оддий одамлар олдида бу билан керилишиб, мақтанадилар!

Оҳ, осмон билан ер орасида шунчалар кўп нарсалар борки, улар ҳақида орзу қилишни фақат шоирлар ўзларига раво кўрадилар!

Ва айниқса, осмондан ҳам юксакда: зеро, илоҳларнинг барчаси шоирларнинг ўҳшатишлари ва чигал воқеанависликларининг мевасидир!

Хақиқатан, бизнинг хаёлимизни доим юксаклар – буутлар салтанати ўзига тортади: бу салтанатларга биз турли-туман ўз суюкли сиймаларимизни қўндирамиз ва шунда уларни илоҳлар ҳамда аъло одамлар, деб атаймиз.

Зеро, ушбу барча илоҳлар ва аъло одамлар шунчалар ҳариру шаффоғдирларки, буутларнинг тахти равонларида bemalol ўтираверадилар.

Оҳ, етиб бўлмас нарсалардан мен қанчалар чарчадим, зеро, улар, албатта бир ҳодиса бўлишни истайди! Оҳ, шоирлардан мен қанчалар чарчадим!

Зардўшт шу сўзларни айтаркан, шогирди ундан аччиқланар, лекин индамас эди. Зардўшт ҳам жим бўлди; лекин унинг назари ўз ботинига қаратилган, бамисоли у жуда олис-олис ёқларга боқарди. Ниҳоят у хўрсишиб, нафасини ростлади.

Мен – бугундан ва аввалгиданман, – деди у ниҳоят, – лекин менда эртадан, тунокундан ва қандайдир эрта бириси кундан алланедир бор.

Мен қадим ва янги шоирлардан чарчадим: уларнинг бари мен учун юзаки ва кўлмак билан барабардир.

Улар ўз ўйларида етарлича чуқурлашмадилар; шунинг учун ҳам уларнинг ҳиссиётлари теранликнинг тубига етиб боролмади.

Озроқ шаҳвату ҳирс, озроқ зерикиш – уларнинг энг яхши фикрлари мана шундай.

Уларнинг арфаларидан чиққан оҳангларнинг барчаси менга шарпаларнинг елиб-югуриши бўлиб кўринади; оҳангларни вужудга келтирадиган юрак ҳарорати ҳақида улар шу пайтгача нимани ҳам билардилар!

Улар менга бир мунча исқильтроқ бўлиб ту-  
юладилар. Ҳаммалари чуқурроқ кўринсин, деб  
сувларини лойқалатишиди.

Улар ўзларини сулҳпарвар қилиб кўрсатишиди;  
лекин мен учун улар даллоллар ва чайқовчилар  
бўлиб қолаверишиди, бунинг устига ишлари доим  
чалакам-чатти ва бесаранжом.

Оҳ, мен яхши балиқлар овлайман, деб уларнинг  
денгизларига ўз тўрларимни ташлаганман, лекин  
тўримга доим аллақандай кўхна илоҳнинг боши  
илинган.

Денгиз орзумандга шундай тош тортиқ этади.  
Боз устига уларнинг ўzlари ҳам денгиздан чиқиб  
келган бўлишлари мумкин.

Ҳеч шак-шубҳасиз, уларнинг дурдоналари ҳам  
бор; бинобарин, ўzlари ҳам қаттиқ чифаноққа  
ўхшайдилар. Кўпинча уларнинг қалби ўрнида  
мен шўр балиққа дуч келганман.

Денгиздан улар шуҳратпарастликни ўрган-  
дилар: денгиз товусларнинг товуси эмасмикан,  
мабодо?

Товус десангиз, у энг хунуқдан хунук қўтос  
олдида ҳам думини ёйишдан тоймайди, ўзи-  
нинг тўрлар, ипаклар, кумушлардан тўқилган  
еллигичини силкитиб ўйнатишидан ҳеч қачон  
чарчамайди.

Бутун вужуди билан қум-тупроққа, ундан ҳам  
ортиқроқ айтсак, балчиқ-ботқоққа яқин бўлган  
қўтос бўзрайганча қараб туради, лекин у аслида  
ҳаммасидан ҳам ботқоқликка яқинроқ.

Чирой, денгиз, товуснинг товланиши унга нима  
бўпти?! Бу ўхшатишни мен шоирларга айтаман.

Ҳақиқатан, улар руҳининг ўзи – товусларнинг  
товуси, денгиз дабдабаси!

Шоир руҳи томошабин истайди – улар гарчи құтос бўлса ҳам майли!

Аммо мен бу руҳдан толиқдим; у ўзи ўзидан толиқадиган вақт келишини ҳам сезиб турибман.

Мен шоирларни ўзгарган ва нигоҳдарини ўз-ўзларига қаратган ҳолда кўрдим.

Мен руҳлари тазарруда яқинлашаётганларни кўрдим: шоирлар улардан ўсиб-униб чиқдилар.

Зардўшт шундай зикр қилди.

### **БУЮК ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ**

Денгизда бир орол бор – Зардўштнинг фарофатли оролларидан узок әмас – ўша оролда доим оғзидан ўт пуркаб турувчи тоғ бор; авом ва, айниқса, халқ ичидаги қари хотинлар бу орол худди улкан қоятош каби жаҳаннам дарвозаси олдида ётади, деб ҳикоя қиласидилар; вулқоннинг ичидан эса пастга қараб торгина бир сўқмоқдан тушиб борилса, нақ ўша жаҳаннам дарвозаси олдидан чиқилармиш.

Зардўшт фарофатли оролларда юрган кезларда битта кема вулқон тоғ тутаб турган орол ёнида лангар ташлади; кемадаги одамлар оролга қуёнлар отгани тушиб келишди. Бироқ кун пешинга яқинлашиб, капитан ва унинг одамлари яна бир жойга йигилганларида, улар бирдан ўзлари томонга ҳаводан рўё юриб келаётганлигини кўриб қолдилар ва аллақандай овоз: «Вақт келди! Аллақачон келди!» – деганини аниқ-тиниқ эшитдилар. Рўё уларга яқинлашиб, ёnlаридан тез учиб ўтди, у худди кўланка каби оловли тоғ томонга ҳаракат қиласиди. Шунда улар бу Зардўшт эканлигини билиб, ҳайрону лол бўлиб қолдилар;

зоро, капитандан ташқари уларнинг ҳаммалари Зардўштни кўрган ва уни худди халқнинг ўзи каби кўркув ва муҳаббат ичида яхши кўрар эдилар.

«Қаранглар, – деди эски кемачи, – бу Зардўшт дўзахга қараб кетиб боряпти!»

Шу кемадагилар оловли оролга тушган пайтда Зардўшт фойиб бўлди, деган овоза тарқалган эди. Унинг дўстларидан сўраб-суринтиришганда, улар Зардўшт тунда кемага ўтирди, лекин қаёққа кетаётганини айтмади, дейишди.

Мана шундай лолу ҳайронлик бўлди, уч кундан сўнг бу саросимага кемадагиларнинг қиссалари ҳам қўшилди-да, энди бутун халқ бир бўлиб, Зардўштни шайтон етаклаб кетди, деб сўйларди. Бироқ Зардўштнинг шогирдлари бу мишишлардан кулишар, ҳатто улардан бири шундай деди: «Менимча, шайтон Зардўштни эмас, Зардўшт шайтонни олиб кетган бўлса керак». Лекин кўнгилларининг тубида барчалари хавотирга тушиб қолишган, уни тезроқ кўргилари келарди; ниҳоят бешинчи кун деганда Зардўшт яна ичларида пайдо бўлганда, улар қувонч-шодлигининг чеки йўқ эди.

Мана ниҳоят Зардўштнинг оловли ит билан мусобақаси ҳақидаги ҳикоя.

– Ер, – деди у, – ўз пўстлоғига эга; ушбу пўстлоқ турли касалликларга чалинган, ўша касалликларнинг биттаси, мисол учун: «инсон» деб аталади.

Бошқа бир иллатнинг оти эса: «оловли ит»: у ҳақда одамлар кўп ёлғонлар тўқиганлар ва ёлғонга йўл қўйганлар.

Мана шу сир-асрорни билиш учун мен денгиздан келдим – ва мен ҳақиқатни, яланғоч ҳолда кўрдим – у ҳақиқатан қип-яланғоч – то кекирда-гигача яланғоч эди.

Энди мен оловли ит нима эканлигини биламан; худди шунингдек, барча отилиб чиқиши ва фалаёнга келиш шайтонларини ҳам биламан; улардан қари кампирлардан ташқари бошқалар ҳам қўрқишишади.

«Эй, оловли ит, чиқ ўзингнинг қаърингдан! – деб қичқирдим мен. – Бу чуқурлик қанчалар чуқур эканлигини ўзинг тан ол! Сен у қайдан туриб тепага пишқирмоқдасан?»

Сен денгиздан тўйиб-тўйиб ичасан: буни ваъзларингнинг тузидан билиб олса бўлади! Ҳақиқатан, сен тубсиз қаърнинг ити ер юзасидан ўзингга жуда кўп озуқ оласан!

Энг кўп деганда мен сени ернинг ваъзхони, деб ҳисоблайман; мен ҳар сафар фалаён ва отилиб чиқиши шайтонларининг нутқларини тинглаганимда, уларни сенга ўхшашлигини пайқаганман: улар сенинг тузларинг, ёлғонларинг ва юзакичиликларингга нақадар монанд.

Сиз ириллаш ва кул сепишни биласиз. Сиз жуда катта мақтанчоқдарсиз ва балчиқни қайнатиш учун уни қандай иситишни хўб яхши ўрганиб олгансиз.

Сиз қаерда бўлсангиз, ўша яқин ерда балчиқ ҳам бор, жуда кўп дўрдоқлик, ғоваклик ва қисинчоқлик бор; буларнинг бари эркинликка чиқишини истайди.

Сиз ҳаммангиз жон-дилдан «эркинлик», деб айюҳаннос соласиз, аммо мен «буюк воқеалар»га энди ишонмай қўйдим, улар атрофида шовқин-сурон ва тутун кўп, холос.

Менга ишон, дўстим, бу жаҳаннам шовқини! Улуғвор воқеалар – бизнинг энг шовқин-суронли эмас, балки энг сокин соатларимиздир.

Дунё янги шовқин-суронларнинг ихтирочила-ри атрофида эмас, балки янги қадриятларнинг ихтирочилари теварагида айланади. Унинг айлангани эшитилмайди ҳам.

Фақат ўзинг тан ол! Сенинг шовқин-суронларинг ва тутуналаринг тарқалганда, юзага келган нарсалар жуда оз эканлиги кўриниб қолган. Агар шаҳар мўмиёланган тасқарага айланиб, устунлар балчиқ ичида ётган бўлса, бундан не наф!

Мен устунларни қулатувчиларга яна шуларни ҳам айтаман, ҳеч қандай шубҳасиз, денгизга туз сепиш ва устунларни балчиққа афдариш бу – ақл бовар қилмас телбаликдир.

Сизнинг нафратингиз лойида ётар эди устун; лекин асли унинг қоидаси ўзи шундай, унга нафрат ичидан янги ҳаёт ва тирик гўзаллик ўсиб чиқади.

Энди у ўз азоб-уқубатларида яна ҳам жозибалироқ бўлиб илоҳиёт нури йўғириимида бош кўтаражак, ҳақиқатан! Эй, вайрон қилувчилар, у ҳали қулатганингиз учун сизга миннатдорлик ҳам изҳор этгай!

Мен барча шоҳлар ва черковларга ва йиллар ўтиб, яхшиликлар қилиб, ниҳоят қариб-чуриганларга шундай маслаҳат бераман – сизни афдариб ташлашларига имкон беринг! Шунда сиз яна ҳаётга қайтасиз, сизга ҳам эзгулик қайтади!

Мен оловли ит олдида ушбу сўзларни айтдим; лекин у фўлдираб менинг гапимни бўлди-да, шундай деб сўради: «Черков? У нима дегани?»

«Черковми? – жавоб бердим. – Бу давлатнинг бир тури, бунинг устига энг алдамчиси. Аммо бас қил, мунофиқ ит! Сен ўз жинсингни бошқалардан кўра яхшироқ биласан!

Худди сенинг ўзинг каби, давлат ҳам мунофиқ-лик кўппагидир; худди сен каби у тарақа-туруқ ва дуд ичидаги гапиришни яхши кўради, – чунки худди сен каби нарсаларнинг ичидан туриб сўйлашига мажбурлаб ишонтируммоқчи бўлади.

Зеро, давлат қандай қилиб бўлмасин, ер юзидағи энг муҳим ҳайвон бўлишни истайди; бунда ҳам унга ишонишади».

Мен шу гапни айтишим билан оловли ит худди қутургандай фазабидан ўзини ҳар томонга ура бошлиди. «Қандай, – деб қичқирди у, – ер юзидағи энг муҳим ҳайвон бўлади? Бунда ҳам унга ишонишадими?» Унинг бўғзидан шунчалар тутун ва даҳшатли қичқириқлар чиқардики, мен у фазаб ва ҳасаддан хиппа бўғилиб қолмасмикин, деб ўйладим.

Ниҳоят у жим бўлади, унинг пиҳиллаши камайди; лекин у жим бўлиши билан мен кулиб дедим:

«Сенинг жаҳлинг чиқяпти, оловли ит, – демак, сен ҳақингда менинг ўйлаганларим тўғри!

Мен ҳақ бўлиб қолишим учун бошқа оловли ит ҳақида эшит: у ҳақиқатан, ернинг юрагидан гапиряпти.

Унинг нафаси олтиндан ва олтин ёмғиридан: унинг юраги шуни истайди. Унинг кул, тутун ва қайноқ шилимшиқ билан нима иши бор!

Кулги унинг ичидан ола-була булат парчалири каби отилиб чиқади; сенинг билқиллашинг, тупуклар сочишинг, ичак-чавоқларинг афдарилганига унинг сира тоқати йўқ!

Лекин олтин ҳамда кулгини у ернинг юрагидан олади, бинобарин сен ниҳоят билмоғинг керак – ернинг юраги олтиндан».

Оловли ит буни эшитгач, охиригача мени тинглашга тоқати етмади. У шармандаларча думини

қисди-да, қўрқа-пуса вов, вов! деди-да, пастга ўз гори ичига тушиб кетди.

Зардўшт шундай ҳикоя қилди. Лекин унинг шогирдлари унинг гапларини тоқатсизланиб эши-тишарди, улар Зардўштга иложи борича тезроқ кемадаги одамлар, қуёнлар ва учар одам ҳақида сўйлаб бергилари келарди.

«Мен буни нима деб ўйлайман! – деди Зардўшт.  
– Нима, мен ахир шарпаманми?»

Лекин балки у менинг кўланкамдир. Сиз эҳти-мол мужовир ва унинг сояси ҳақидағи баъзи бир гапларни эшитгандирсиз?

Бир нарса шубҳасиз: мен уни маҳкам ушлашим керак экан, акс ҳолда у менинг шон-шуҳратимга доғ туширади».

Яна Зардўшт бошини чайқаб ҳайрон бўлди.  
«Мен буни нима деб ўйлай», такрорларди у.

Шарпа нима учун: «Вақт келди! Аллақачон келди!» –деб қичқирди экан?

Нега энди – аллақачон?»

Зардўшт шундай зикр қилди.

## БАШОРАТГҮЙ

«– Ва мен одамлар ўртасида улуғ тушкунлик бошланганлигини кўрдим. Энг яхши одамлар ўз ишларидан чарчадилар.

Бир таълимот чиқди ва унинг теварагида унга ишонувчилар ўрмалаб қолишли. «Ҳаммаси бўм-бўш, ҳаммаси бекор, ҳаммаси аввал ҳам бўлиб ўтган!»

Ва барча адирлардан акс садо таралади: «Бари бўм-бўш, бари бекор, бари бўлиб ўтган!»

Рост, биз ҳосилни йифиб олдик; лекин нега биз-нинг ҳосилларимиз чириб, қорайиб кетди? Қаҳрли ойдан сўнг – тунда нималар тушди?

Хар қандай меңнатимиз бекор кетди. Солган мусалласларимиз сиркага айланди, далаларимиз ва қалбларимизни ёмон күз қуидириб юборди.

Ҳаммамиз қуриб чўп бўлиб қолдик; агар устимизга ўт тушсайди, кул бўлиб кўкка совирилардик, – лекин биз оловни ҳам ҳолдан тойдирдик.

Барча булоқлар қуриди, ҳатто денгиз ҳам ортга қайтди. Ер ёриламан, дейди, лекин ютаман демайди!

«Оҳ, чўкиб кетиш мумкин бўлган денгиз қолдими?» – Ясланган ботқоқлар узра бизнинг шундай шикоятларимиз таралади.

– Ҳақиқатан, биз ҳатто ўлиш учун ҳам жуда чарчадик; биз мақбаралардагина уйғоқмиз ва яшашни давом эттиряпмиз!»

Зардўшт мана шуларни сўйлаб турган бир башоратгўйни эшилди; унинг башоратлари Зардўштнинг юрагига тўкилди ва уни ўзгартириди. У фамгин ва ҳорғин кезинарди; ва у башоратгўй айтган одамларга ўхшаб қолди.

Ҳақиқатан, – деди у ўз шогирдларига, – яна бир оз вақтдан сўнг ўша узундан узоқ қоронғу хуфтон бошланади. Оҳ, мен ўз нуримни улардан қандай қутқараман?!

Бу фамгузорликда у ўчиб қолмасайди! У олис-олис оламлар ва энг узоқ кечалар учун ёруғлик бўлмоғи керак!

Зардўшт мана шундай юраги маҳзун дардга ботиб юрди; уч кун у емади, ичмади, тинчлик билмади ва миқ этиб оғиз очмади. Ниҳоят у жуда чуқур уйқуга чўмди. Шогирдлари узоқ тунлар ухламай унинг бошида ўтиридилар ва ташвишга ботиб, у қачон кўзини очаркин, қачон яна тилга киаркин, қачон бу фам-қайғудан озод бўларкин? – деб кутдилар.

Зардўшт эса ниҳоят кўз очиб, мана шуларни деди; унинг овози шогирдларига жуда узоқлардан эшитилгандай бўлди:

«Дўстларим, менинг нима туш кўрганлигимга қулоқ тутинг ва унинг маъносини чақишига файрат қилинг!

Менга бу туш ҳали жумбоқ бўлиб турибди; унинг маъноси ўзида яширинган ва боғланган ва ҳали унинг узра эркин қанот қоқмайди.

Тушимда мен ҳар қандай ҳаётдан воз кечибман. Мен ёлғиз тоғ узра Ўлим қалъасида тунги қабр қоровули бўлиб қолибман.

У ерда мен тобутларини қўриқлаб юрдим; барча қоронфу равоқлар ўлим қўлга киритган зафарларнинг ўлжалари билан тўла эди. Шиша тобутлар ичидан менга мағлуб ҳаёт термуларди.

Чанг-ғубор босган мангаликнинг ҳиди димомимга уриларди; ҳаво етмай бўғиадим ва чанг-ғубор ичида юрагим толди. У ерда ўз қалбини тоза ҳаводан баҳраманд этгувчи бирон зот топилармикин!

Теварагимни доим ярим туннинг зиёси қуршарди, ёлғизлик унинг ёнида чордона қуриб ўтиради; яна менинг энг бадтарин дугонам хиррилаган ўлик сукунат ҳоким эди.

Мен дунёда энг занг босган калитларни ўзим билан олиб юрардим; мен улар билан дунёдаги энг фирчиллаган эски дарвозаларни очишни билярдим.

Дарвозаларнинг лўқидонлари кўтарилигдана худди мудҳиш қафиллашга ўхшаган овозлар узундан узоқ йўлаклар бўйлаб югуради: бу қуш қўрқинчли сайрап, ўзини уйғотишга сира қўймасди.

Аммо ҳаммаси оғир сукунатта чўмиб, атроф жим-жит бўлиб қолган ва мен бу мўлтони жимликда ёлғиз ўтирганда, ҳаммаси янада қўрқинчлироқ туюлар ва юрагим ортиқ даражада қаттиқ сиқиларди.

Агар вақт ҳали бўлсайди, у шунчалар имиллаб ўтарди, яна не билай! Лекин ниҳоят мени уйғотиб юборган нарса рўй берди.

Дарвозани худди момақалдироқ гулдирагандай уч марта уриб тақиллатдилар, унга жавобан ра-воқлар уч марта гулдурос солиб, акс садо бердилар; шундан сўнг мен дарвоза томон йўл олдим. Алпа!<sup>13</sup> – қичқирдим мен, – ким ўз хокини тоқقا олиб чиқяпти. Алпа! Алпа! Ким ўз хокини тоқقا олиб чиқяпти?

Мен дарвозага калит солиб, уни куч билан итариб очишга ҳаракат қиласдим. Лекин дарвоза зигирча бўлсин очилмади.

Шунда қутурган шамол унинг тавақаларини очиб юборди: у зувиллаб, қичқириб, ҳавони ёриб ўтиб, менга қора тобутни итқитди.

Шунда шовқин-сурон, чинқириш қулоқни қоматга келтирди увиллашлар ичида тобут ёрилди ва ундан минглаб оҳангдаги товушлар отилиб чиқди.

Шунда болалар, фаришталар, бойқушлар, тентаклар ва гўдакдай капалаклар – ўйинқароқлик билан менинг устимдан кулар, майнавозчилик қилас, устимга ёпирилиб бостириб келишарди.

Мен қаттиқ қўрқдим ва ерга йиқилдим. Шунда мен даҳшатта тушиб қичқириб юбордим. Ҳеч қачон бундай қичқирмаган эдим.

<sup>13</sup> Алпа – шимол ривоятларида тун ва зиё илоҳи. Айрим тадқиқотчилар яхудий ал-поҳ (нима учун) ва буддавийча калпа сўзларини ҳам муқояса қиласдилар.

Үз бақирган овозимдан уйғониб кетдим ва мен ўзимга келдим.

Зардўшт ўз кўрган тушини шундай ҳикоя қилди ва сўнг жим бўлиб қолди: зеро, у ҳали ўз тушиниг маъносини билмасди. Шунда Зардўштнинг ҳаммадан кўра яхши кўрган шогирди, шаҳд билан ўрнидан туриб, устозининг қўлини тутди-да, шундай деди:

«Сенинг ҳаётингнинг ўзи бизга тушингни тушунириб беради, о, Зардўшт!

Ўлим қалъаси дарвозасини чинқириб, увиллаб очаётган ўша шамол сен ўзинг эмасми?

Ҳаётнинг фаришта буқаламунликлари ва ранго-ранг қаҳру газаблари билан тўлган ўша тобут сен ўзинг эмасми?

Ҳақиқатан, худди минг оҳангдаги болалар кулгуси каби Зардўшт тун ва мозор қўриқчилари устидан ва шунингдек, занглаған қалитларини жаранглатиб кезгувчиларнинг ҳаммаси устидан кулганча барча мақбараларга кириб боради.

Сен ўз кулгинг билан уларни қўрқитиб, ағдариб юборасан; ҳущдан кетиш ва кўз очиш сенинг улар устидан ҳукмингни кўрсатади.

Узоқ қоронғу хуфтон ва ўлим билан баробар, чарчоқ етганда ҳам, сен бизнинг осмонимизда ботиб кетмагайсан, сен ҳаёт ҳимоячисисан!

Сен бизга янги юлдузларни ва туннинг янги улуғворлигини кўрсатдинг; ҳақиқатан, сен кулгининг ўзини бизнинг устимиздан ранго-ранг ўтов каби ёйдинг.

Бундан сўнг болалар қулгиси тобутлардан худди булоқдек қайнаб чиққай; бундан кейин ўлимга баробар чарчоқни енгиб, доимо қудратли шамол эсиб туражак: бунга далолат бизга ўзингсан ва башоратгўйсан.

Хақиқатан, сен ўз душманларингни кўргансан тушингда – бу сенинг энг оғир тушинг эди!

Сен улардан уйғонган ва ўзингга келган экансан, худди шундай улар ҳам ўzlари ўzlаридан уйғонишлари ва – сен томон келишлари керак!»

Шогирд шу сўзларни айтди; ҳаммалари Зардўштга яқинроқ келиб, уни ўраб олдилар, унинг қўлларидан тутиб, тўшак ва ғамни бир чеккага қўйиб ўз сафларига қайтишга ишонтириш, кўндиришга уринар эдилар. Зардўшт эса ўз тўшагидан гавдасини яrim кўтариб ўтирас, унинг кўзлари маъносиз боқарди. Худди узоқ йўқ бўлиб кетган одам қайтиб келгандай, у ўз шогирдларига қарап, уларнинг юзларига термулар ва ҳали ҳамон уларни таниёлмасди. Аммо улар уни даст кўтариб оёққа бостирганларида, унинг нигоҳи дарҳол ўзгарди; у нима рўй берганлигини дарҳол барини тушунди ва соқолига согланча, қатъий товуш билан деди:

«Ундей бўлса майли, бунинг ҳам ўз вақти-соати келади; бироқ, эй, шогирдларим, сиз тўкин бир дастурхон ёзинг ва имилламай тезроқ бўлинг! Мен ёмон тушларимга шундай кафорат бермоқчиман!

Башораттўй менинг-ла ёнимда ўтириб есин ва ичсин; дарҳақиқат, мен унга ҳали у чўкиб кетиши мумкин бўлган денгизни ҳам кўрсатаман!»

Зардўшт шундай зикр қилди. Ва у тушининг таъбирини айтиб берган шогирдининг юзига узоқ термулиб тураркан, тўхтовсиз бошини чайқарди.

## **ХАЛОС БЎЛИШ ЗИКРИ**

Бир куни Зардўшт қўприк устидан ўтиб бораркан, уни ногиронлар ва тиланчилар ўраб олишди ва бир букри унга шу сўзларни айтди:

«Қара, Зардўшт! Ҳатто ҳалойиқ сендан ўргана-ди ва сенинг таълимотингга эътиқод қўяди; лекин ҳалойиқ батамом сенга ишонсин, десанг, унда яна бир иш қылмогинг керак – сен биз ногирон-ларнинг ҳам ишончимизни қозонгил. Сенинг бу ерда ажойиб имкониятинг бор, уни қўлдан бой бермасликнинг чораю тадбири кўп. Сен кўрларнинг кўзини очишинг, оқсоқларни югурадиган қилишинг – даволашинг мумкин; елкасига жуда кўп юк ортганларнинг ҳам юкларини енгиллата оласан; – буларнинг ҳаммаси, билишимча, ма-йиб-мажруҳларни Зардўштга эътиқод қўйишлари учун ажойиб бир восита бўлур эди!»

Аммо Зардўшт бунга шундай жавоб қилди: «Букридан унинг букирини олиб қўйишганда, айни чоғда унинг руҳини олиб қўйган бўлишади – ҳалқ-нинг ўғити шундай. Кўрга унинг кўзини қайтариб беришганда, у ер юзида шунчалар кўп бемазагарчиликларни кўрадики, оқибатда у кўзини тузатган табибни қарғайди. Чўлоқни чопишга ярайдиган қилиб даволаган унга энг оғир зиён етказади, зоро, у иллатлар қувиб ўтиб кетолмайдиган даражада тез югуришга муяссар бўлармикин, – ҳалқ ногиронлар ҳақида шундай ўгит айтади. Шундай экан, ҳалқ Зардўштдан таълим олганда, нечук Зардўшт ҳалқдан таълим олмасин?

Бироқ мен одамлар орасида яшаётганимдан бўён кўзим билан кўраётгандарим ҳали ёмонлик – қабоҳатнинг энг каттаси эмас, кўриб турибман: «Бировга кўз етмайди, бировга – қулоқ, учинчи биревга – оёқ; лекин шундайлар ҳам борки, улар тилдан айрилганлар, ёхуд бурун ва ё бошларини йўқотганлар».

Мен жуда ёмон ва ўта манфур нарсаларни кўрдим, ҳамон кўриб келяпманки, уларни ҳатто

тилга олиб гапиргинг ҳам келмайди, бошқа баъзи бир нарсалар ҳақида эса миқ этиб оғиз очмасам дейсан; мисол учун, тўқчиликдан бошқа ҳамма нарсалар етишмайдиган одамлар, – шу одамларни турган-биттагина катта кўзнинг ўзи ёки биттагина каттакон оғиз ёки биттагина жуда катта қорин ёки умуман қандайдир битта ҳайҳотдай алламбаломи, дейсан – мен буларни авра-астари ағдарилган ногиронлар деб атайман.

Мен ўз хилватимдан чиқиб биринчи марта бу кўприкдан ўтиб бораётганимда, ўз кўзларимга ишонмай, тикилиб-тиклиб қараб, ниҳоят ўз-ўзимга дедим: «Бу – қулоқ! Одам бўйи келадиган қулоқ!» Мен яна ҳам диққат қилиб қарадим: ҳақиқатан ҳам, қулоқнинг орқасида яна алланима бир нарса одамнинг раҳмини келтирадиган даражадаги кичкина, ночор ва заиф бир нарса қимиirlарди. Ҳақиқатан, қўрқинчли қулоқ кичкинагина, нозик пояга қўндирилган – ажабки, ушбу поя одам эди! Каттайтирувчи ойнак билан қаралса, унинг тирноқдек баҳил юзи, поя устида лиқиллаб турган салқиб шишинқираган жонини ҳам кўриш мумкин эди. Халойиқлар эса менга бу катта қулоқ оддий одамгина эмас, балки ҳатто буюк одам, доҳий деб тушунтирарди. Аммо мен халойиқлар буюк одам ҳақида гапирганда, ҳеч қачон уларнинг гапига ишонмаганман – ва мен ўз ишончимдан қолдим: бу ҳақиқатан ҳам, авра-астари ағдарилган ногирон ва унинг ҳамма нарсаси ўта майда ҳамда фақатгина битта алланима балоси ҳаддан ортиқ кўп».

Шуларни букрига ва унинг оғзига мўлтайиб тикилиб турганларга айтиб, Зардўшт ўз шогирдларидан қаттиқ норози бўлиб айтди:

– Ҳақиқатан ҳам, биродарларим, мен одамлар орасида худди ҳаробалар ва одамнинг алоҳида аъзолари ичида юргандай бўламан!

Менинг кўзларим учун энг даҳшатлиси бу – худди қаттол ва қонли жанг майдонида бўлганидек, одамларни парча-парча бўлиб ҳар ерда сочилиб ётганларини кўришдир.

Агар менинг нигоҳим бугундан бошлаб барча ўтган замонларни кезиб чиқса, яна ҳар қайдга ўша-ўша манзарага дуч келади: бари ҳаробалар, узилиб-тўзиб ётган одам аъзолари, ваҳшатли тасодифлар ва битта ҳам одам йўқ!

Ер юзидағи ўтмиш ва бугун – оҳ, оғайниларим, мен учун ҳеч чидаб бўлмайдиган нарса мана шу; агар мен келадиган нарсаларни олдиндан билмаганимда эди, ҳеч қачон тирик яшай олмасдим.

Келажакнинг ўзини ва келажакнинг кўпригини истаган ҳамда яратаетган башоратгўй – ва оҳ, бамисоли кўприк устидаги майиб-мажруҳлар каби: буларнинг бари Зардўштнинг айни ўзидир.

Сиз ҳам тез-тез ўзингиздан сўрагансиз: «Зардўшт ким биз учун? Биз уни нима деб аташимиз керак?» Ва худди менда бўлгани каби жавобларингиз баайни саволларингиздир.

У ваъда берувчими? Ё адo этувчи? Истилочими? Ё ворислик қилувчи? Кузми? Ё омоч? Табибми? Ёки соғаювчи?

Шоирми у? Сўзлайдими ҳақни? Халоскорми? Ё бўйсиндирувчи? Очиқ кўнгилими? Ёки жаҳлдор?

Мен одамлар орасида худди келажак ҳаробалари ичида юргандай бўламан, – мен бу келарни кўриб тураман.

Менинг ижодим ва интилишним шундан иборатки, нимаики шу пайтгача ҳароба, жумбоқ ва

мудҳиши тасодиф бўлиб келган эса, уларни жамлаш ва бошини қовуштиришдир.

Агар одам шоир, жумбоқ ечувчи ва тасодиф заҳридан қутқарувчи бўлмаса, мен қандай қилиб инсон бўлардим?

Ўтганларни қутқариш ва ҳар қандай «Бўлган эди»ни «Истаганим шу» деб ўзгартериш – фақат мана шу нарсани мен халос бўлиш, деб атаган бўлардим!

Ирода – озод қилувчи ва қувонч элчиси шундай аталади: сизга шундай таълим бердим, оғайнилар! Энди яна ҳам ўрганинг ироданинг ўзи ҳали асоратда.

«Истамоқ» озод қилур – лекин озод қилувчини ҳам ҳали занжирда тутувчи нарса нима деб аталади?

«Бўлган эди» – ироданинг тиш фижирлатиши ва азал қайғуси мана шундай аталади. У қилиб бўлинган нарса олдида ўта ожиз, бутун ўтмишни қаҳру ғазабга тўлиб кузатади.

Ирода қайта хоҳлай олмайди; у вақтни енголмайди ва замон ҳаракатини тўхтатолмайди – ироданинг азал азоби шундай.

«Истамоқ» озод қилур; ироданинг ўзи қайғу-ғамидан халос бўлиш ва ўз зинданбони устидан кулиш учун нималарни ўйлаб топмайди, дейсиз?

Оҳ, ҳар бир банди телбага айланади! Банди қилинган ирода ҳам ўзини жиннилик билан қутқаради.

Вақтнинг орқага қараб чопмаслигида – унинг ғазаби зоҳир; «Бўлган эди» – у юмалата олмайдиган тошнинг номи шундай.

Мана у ғазаб ва алам ичида тошларни думалатади ва худди унга ўхшаб ғазаб ва алам ҳис қилмайдиганлардан ўч олади.

Халос этгувчи ирода мана шундай қилиб, азоб берувчига айланади. У ортга қайтолмаслиги боис азобга қодир ҳамма нарса устидан аламини олади.

Шу ва фақат шу айни қасоснинг ўзиdir: ироданинг вақтга ҳамда «Бўлган эди»га нафрати шундай.

Ҳақиқатан, бизнинг иродамизда буюк бир тентаклик зоҳир; бу тентаклик руҳга ўргангандиги бутун инсониятнинг лаънати бўлиб қолди.

Қасос руҳи; дўстларим, шу пайтгача бу одамларнинг энг яхши фикри эди; ва азоб бор ерда ҳамиша у ерда жазо ҳам бўлмоғи керак.

«Жазо» – қасос ўз-ўзини айнан шундай атайди. Ёлғон сўз ёрдамида у ўзини соғдил қилиб кўрсатади.

Истагувчининг ўзида азоб бўлгач, у яна қайта истай олмайди, – шундай экан, ирода ва бутун ҳаётнинг ўзи жазога айланмоғи керак!

Мана руҳ узра булат устига булат йифилди – ниҳоят телбалик шундай тарғиб қила бошлади: «Ҳаммаси ўтади, шунинг учун ҳамма нарса ўт-кинчиликка мансуб!»

Ўз болаларини еб битириш ҳақидаги вақтнинг қонуни айни адолатнинг ўзгинасидир, – телбалик шундай ваъзхонлик қиласи.

Ҳаммаси ҳақ ва жазо бўйича маънан бўлингандир. Оҳ, нарсалар издиҳомидан ва «Тириклик» жазосидан қандай қутулиш мумкин? Телбалик шундай ваъз ўқийди.

Агарда мангу ҳуқуқ бўлса, қутулиш мавжуд бўлиши мумкинми? Оҳ, «Бўлган эди», деган тош қимир этмайди: барча жазолар ҳам мангу бўлмағи даркор. Телбалик шундай ваъз тўқийди.

Хеч қандай хизмат йўқотиб юборилиши мумкин эмас: жазо орқали у ижро этилмай қолиши

мумкинми? «Тириклиқ» билан жазолашнинг мангулиги худди мана шундаки, тириклиқ мангуга яна хизмат ва гуноҳ бўлмоққа маҳкум!

Токи иродада ниҳоят ўз-ўзидан қутулмагунча ва ироданинг инкорига айланмагунча – лекин сиз, биродарларим, ўзингиз биласиз-ку, ахир бу телбаликнинг зарбулмасалини!

Мен сизни бу зарбулмасаллардан узоқ бўлишга чақирдим ва шундай таълим бердим: «Ирода бунёдкордир».

Ҳар қандай «Бўлган эди» бу – хароба, жумбоқ ва жуда хатарли тасодиф, бунга бунёдкор иродада яна шуни ҳам қўшиб қўйиши мумкин: «Аммо мен шуни истаган эдим!»

– Токи бунёдкор иродада қўшиб қўймагай: «Аммо мен шундай хоҳдайман! Мен шундай бўлишини истайман!»

Аммо иродада шундай дедими? Ва бу қачон рўй беражак? Ирода энди ўзининг телбалигидан бўшатилдими?

Ирода ўз-ўзидан халос бўлгувчи ҳамда қувонч элчисига айланиб бўлдими? У қасос руҳини ва ҳар қанақа тиш фижирлатишни энди унутдими?

Ким уни замон билан ярашишга ва ҳар қанақа ярашдан юқори бўлган нарсага ўргатди?

Ҳар қанақа ярашдан кўра юқорироқ нарсанни истамаги керак иродада, бу эса ҳокимлик иродасидир, – лекин иродада бу қандай юз беради? Ким уни яна қайта истамакка ўргатур?

Лекин зикрининг шу ерига келганда Зардўшт бирдан тўхтаб қолди ва жуда қўрқиб кетганга ўхшади. У ўз шогирдларига қўрқинч тўла қўзлари билан қараб туарди. Унинг нигоҳи худди ёй ўқи каби уларнинг ўй-фикрлари ва гизли хаёлларини

ёриб ўтарди. Лекин бир дам ўтмай у яна табассум қилди ва оқкўнгиллик билан деди:

«Одамлар билан яшаш қийин, зеро, жим туриш қийин. Айниқса, вайсақи одамга».

Зардўшт шундай зикр қилди. Аммо букир унинг сўзларини тинглаб турар ва шунда у қўллари билан юзини беркитди; Зардўшт кулаётганини эшишиб, унга ажабсиниб қаради ва оҳиста шундай деб сўзлади:

«Нима учун Зардўшт ўз шогирдларига қарандан биз билан бошқача гаплашади?»

Зардўшт жавоб берди: «Бунинг нимасига ҳайрон қоласиз? Букрилар билан букри бўлиб гаплашиш керак!»

«Маъқул, – деди букри, – шогирдларга эса сиру асрорларни чайқатиб етказиш даркор.

Бироқ нима учун Зардўшт шогирдларига ўз-ўзига гапиргандан кўра бошқачароқ қилиб сўзлайди?»

## ИНСОН ДОНИШМАНДЛИГИ ЗИКРИ

Юксаклар эмас: қиялик энг даҳшатли нарса!

Қиялик, нигоҳ шиддат ила пастга тушади, қўл эса юқорига чўзилади. Шунда юрак ўзининг бир жуфт истагидан титроққа тушади.

Оҳ, ёронлар, сиз менинг юрагимнинг қўшалоқ иродасини сезяпсизми?

Қиялик шунинг учун менга хатарлики, нигоҳим юксакларга интилади, қўлим эса теранликни тутиш ва унга суюнишни хоҳлаб туради!

Менинг иродам одам илинжида унга боғланади, одамга ўзимни занжирлар билан боғлайман, зеро, мени юксаклар, аъло одам ўзига тортади: зотан, ўзга бир иродам унга талпинади.

Шу боис одамлар ичида мен кўзи ожиз каби яшайман; худди мен уларни билмайдигандай, менинг қўлим метиндай мустаҳкам бир нарсага ишончини йўқотиб қўймасин, дейман.

Одамлар, мен сизни билмайман: бу зулмат ва ушбу овунч кўпинча теварагимни ўраб туради.

Мен одамлар ўтадиган, ҳар бир айёрга очиқ дарвоза олдида ўтириб, сўрайман: ким мени алдашни истайди?

Менинг одам сифатида биринчи донишманд-лигим шундаки, ўзимни алдашларига йўл қўйиб бераман, алдоқчилардан эҳтиёт бўлиб турмайин, дейман.

Оҳ, агар мен одамдан эҳтиёт бўлганимдайди, – унда одам менинг ҳаво тўлдирилган мешим учун қандай лангар бўлиши мумкин эди! У ҳолда ердан енгили кўтарилиб, юксакларга ва узоқларга йўл олардим!

Менинг тақдиримнинг каромати шундай, мен башоратсиз бўлмоғим керак.

Одамлар орасида кимда ким ташналиқдан ўлиб кетишини истамаса, барча косалардан ичишни ўргансин; ва кимда ким одамлар орасида тоза қолишини хоҳласа, ифлос сувда ҳам ювинишни ўргансин.

Ўзимга ўзим бот-бот шундай тасалли бераман: «Қани, қўзғал, қари юрагим! Бахтсизлик сенга муяссар бўлмади: бу худди ўз бахт-иқболинг каби роҳат қил!»

Менинг одам сифатида иккинчи донишмим шуки, кибрлилардан кўра кўпроқ шуҳратпастларга раҳмим келади.

Таҳқирланган шуҳратпарастликда эмасмикин барча фожиаларнинг онаси? Аммо мағрурлик ҳақоратланган ерда мағрурликдан ҳам яхшироқ алланарса униб чиқади.

Ҳаётга қарааш ёқимли бўлиши учун унинг ўйинлари яхши ўйналиши керак, – аммо бунинг учун яхши санъаткорлар даркор.

Барча шуҳратпарастларни мен яхши санъаткор эканликларини кўрдим: улар ўз ўйинларини ҳамма роҳат қилиб томоша қилишини хоҳдайдилар, – уларнинг бутун руҳи мана шу хоҳища.

Улар ўзларини ижро этадилар, ўзларини тўқиб чиқарадилар; улар яқинида туриб ҳаётга қараашни яхши кўраман – бу одамни фамдан қутқаради.

Мен шунинг учун шуҳратпарастларни аяйман, чунки улар дардимни даволайдилар ва мени одамга мисоли томошага боғлагандай боғлаб турадилар.

Ундан кейин: шуҳратпараст камтарлигининг бутун теранлигини ким ўлчаб кўрибди! Мен уни яхши кўраман ва мен унинг камтарлигидан жуда ачинаман.

У ўзига ишончни сиздан ўрганмоқчи у сизнинг қарашларингиздан озуқланади, сизнинг қўлингиздан мақтов ва хушомадлар тановул қиласди.

Сиз уни мақтаб ёлғон гапирсангиз, ҳатто сизнинг ёлғон гапингизга ҳам ишонади, зеро, у юрагининг тубида шундай деб хўрсинади: «Мен ким бўлибман!»

Агар ҳақиқий эзгулик ўз-ўзини билмайдиган эзгулик бўлса, – унда шуҳратпараст ҳам ўзининг камтарлигини билмайди.

Менинг инсон сифатидаги учинчи донишими шундан иборатки, Сизнинг қўрқоқлигининг мен учун золим одамларнинг ташқи кўринишини бадрафтор қилолмайди.

Мен жазирама офтобдан туғилган мўъжизаларни кўриб ўзимни баҳтиёр сезаман: йўлбарс, палмалар ва кўлбор илонлар кўрганда ҳам шундайман.

Худди шундай одамлар ўртасида ҳам жазирама офтобнинг самаралари бўлади ва золимларда ҳам гаройиб нарсалар кўп.

Орангиздаги доноларниг донолари менга у қадар доно бўлиб кўринмаганидай, одамларниг золимлигини уларниг овозаларида топдим.

Ва мен тез-тез бошимни чайқаб ўзимдан сўрайман: сиз яна нимани чинқиряпсиз ўзи, чинқироқ илонлар?

Ҳақиқатан, ҳали ҳатто ёмонлик учун ҳам келажак бор! Ва ҳали энг жазирама жануб инсон учун очилмаган.

Ҳозир энг ёмон золимлик, деб энига ўн икки фут<sup>14</sup> ва узунлиги уч ой бўлган кўп нарсаларни айтишади. Лекин замонлар келиб дунёда бундан ҳам катта аждарлар пайдо бўлади.

Аъло одам ўзига муносиб аждардан, аъло аждардан маҳрум бўлиб қолмасин учун – жазирама офтоб нам босган, одам қадами етмаган ўрмон узра яна узоқ вақтлар машъалдек ёниб турмоғи керак.

Сизнинг ёввойи мушукларингиздан олдин йўлбарслар, заҳарли қурбақаларингиздан – тимсоҳлар ўсиб чиқмоғи шарт; зеро, яхши овчининг ови ҳам бароридан келгани яхши!

Ҳақиқатан ҳам, эй, яхшилар ва тақводорлар! Сизда кулгили нарсалар кўп ва айниқса, сизнинг шу пайтгача «шайтон» деб юритиб келинган нарсадан кўрқиб туришингиз янада кулгилироқ!

Сизнинг қалбингиз улуғ нарсаларга шунчалар ётки, аъло одам ўз яхшилиги билан сизга фоятда кўрқинчли туюлиши мумкин!

---

<sup>14</sup> Узунлик ўлчови, бир фут 30, 48 см.

Эй, донолар ва билимдонлар, аъло одам хурсанд бўлиб ўз ялангочини чўмилтираётган донишмандликнинг жазира машина сиз қочиб кетган бўлардингиз.

Менинг нигоҳим дуч келган эй, олий одамлар! Менинг сиздан шубҳам ва яширин қулишим шундаки, сезиб турибман, сиз менинг аъло одамимни – шайтон деб атаган бўлур эдингиз!

Оҳ, мен қанчалар толдим бу олийлар ва бу яхшилардан: уларнинг «баландлиги»дан мени юқориларга, улардан узоқларга – аъло одамга қараб тортиб кетаётир!

Бу энг яхши одамларни ялангоч ҳолда кўрганимда мени даҳшат чулғади; шунда олис келажакларга учиб кетиш учун менда қанотлар ўсиб чиқди.

Ҳали биронта ҳам ижодкор орзу қилмаган узоқ келажакка, жанубийроқ ўлкаларга кетгим келур: у ерларда илоҳлар ҳар қандай либослардан ибо қилурлар!

Бироқ мен сизларни либосларга бурканган, ясан-тусан қилган, шуҳратга ўч ва мағрур, «Яхшилар ва тақводорлар» сифатида кўргим келади, эй, ёронларим ва яқинларим. Мен ҳам ўзимни ва сизни танимаслик учун орангизда либосларга бурканиб ўтиргим келади: менинг инсон сифатидаги охирги донолигим ҳам мана шунда.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ЭНГ ОСУДА СОАТ

Менга нима бўлди ўзи, дўстларим? Сиз мени маҳзун, ҳайдалган, ўз ихтиёрига қарши бўйсунганд, кетишга ҳозир турган ҳолда кўриб турибсиз – оҳ, қанийди сиздан узоқроқ кетсам!

Ха, Зардўшт яна бир карра ўз хилватига қайтиши керак: лекин бу сафар айиқ ўз уясига хоҳлаб-хоҳламай қайтади!

Менга нима бўлди? Ким мени бунга мажбур қиляпти? – Оҳ, менинг дарғазаб ҳукмдорим шуни истар: у менга қараб айтди; сизга бирон марта унинг отини айтганманми?

Кеча кечда менга энг осуда соатим сўйлади – менинг бадкор ҳукмдоримнинг исми ана шундай.

Бу шундай бўлди – зеро, сизнинг қалбингиз тў-сатдан кетиб бораётган кимсага қарши қаҳр-ғазабга тўлмаслиги учун мен буни сизга айтишим лозим!

Сиз уйқуга чўмаётганинг қўрқувидан хабар-дормисиз?

У оёқларининг учигача қўрқади, чунки оёқлари ердан узилади ва уйқу бошланади.

Буни сизга қиёс учун айтяпман. Кеча, энг осуда соатда оёқларим ердан узилди: уйқу элитди.

Мил сурилди, ҳаётим соати тин олди, – атро-фимда ҳеч қачон бундай сукунат бўлмаган эди: юрагимга қўрқув тушди.

Шунда сукунат менга сас чиқармай шундай деди: «Сен буни биласанми, Зардўшт?»

Мен бу шивирлашдан қўрқиб қичқириб юбордим, юзимдан қон қочди, лекин мен миқ этолмадим.

Шунда у иккинчи бора менга сассиз айтди: «Сен буни биласан, Зардўшт, лекин бу борада гапирмайсан!»

Мен ниҳоят саркашлиқ билан жавоб бердим: «Ха, мен буни биламан, лекин у ҳақда сўйлашни истамайман!»

Шунда у яна менга овоз чиқармай айтди: «Сен истамайсанми, Зардўшт? Ростми шу? Ўзингни қайсарликка солма!»

Шунда мен худди боладай йигладим ва титраб-қақшадим ва алоҳа дедим: «Оҳ, мен хоҳлардим, аммо бу қўлимдан келарми? Мени қутқар! Бунга тоқатим етмас!»

Шунда у менга яна овоз чиқармай айтди: «Нима ишинг бор, сенга нима бўлиши билан, ё Зардўшт? Ўз сўзингни айт ва парча-парча бўлиб кет!»

Мен жавоб қилдим: «Оҳ, ахир бу менинг сўзимми? Мен ким бўпман? Мендан муносиброқни кутяпман; мен ҳатто унга урилиб парчинланишга ҳам арзимайман».

Шунда у менга яна сассиз айтди: «Сенга нима бўлади, не ишинг бор? Сен ҳали мен учун етарли ҳалим эмассан, ҳалимликнинг териси ҳаммадан ҳам қалин».

Шунда мен дедим: «Ҳалимлигимнинг пўсти нималарга дош бермади! Ўз баландлигимнинг ёнбошида яшайман; менинг зирваларим қанчалар юксак? Ҳали бирон кимса буни менга айтгани йўқ. Лекин мен ўз водийларимни яхши биламан».

Ўшанда у яна менга сассиз айтди: «О, Зардўшт, кимда ким тоғларни силжитолса, у водийлар ва паст-текисликларни ҳам суреб қўя олади».

Мен жавоб бердим: «Ҳали менинг сўзим тоғларни қимирилатгани йўқ, мен айтган сўзлар, одамларга етиб бормади. Ва гарчи, мен одамлар сари юрган бўлсам ҳам, лекин ҳали уларга етганим йўқ».

Шунда у яна сассиз айтди: «Сен бу борада нимани билардинг! Шудринг ўтга тушади тун овозсиз бўлганда».

Ва мен жавоб бердим: «Мен ўз йўлимни топиб, ундан бораётганимда, улар устимдан кулдилар; ҳақиқатан, ўшанда оёқларим қалтираб кетди.

Улар менга шундай дейишиди: сен йўлни йўқотдинг, энди эса ҳатто қадам босишни ҳам эсингдан чиқариб қўйяпсан!»

Шунда у менга яна овоз чиқармай деди: «Уларнинг кулиб масхаралаганлари билан нима ишинг бор? Сен бўйсунишни эсингдан чиқарган кимсан: энди сен буюрмогинг керак!»

Сен ахир ҳаммага ким қўпроқ кераклигини билмайсанми? Буюк нарсаларни буюрувчи одам.

Улуғ ишни адо этиш қийин; лекин ишга буюриш ундан ҳам қийинроқ.

Сенинг энг кечириб бўлмас томонинг: сенда ҳокимият бор, ваҳоланки сен ҳукм суришни истамайсан».

Ва мен жавобан дедим: «Буюриш учун менга арслоннинг калласи етишмаяпти».

Шунда у худди шипшигандай деди: «Энг осуда сўзлар – бўрон қўзғовчи сўзлар. Кабутар қадами-ла одимловчи фикрлар дунёни бошқаради.

О, Зардўшт, сен бамисоли келадиган нарсанинг сояси каби бормоинг даркор: сен шундай буюрасан ва буюриб туриб олдинда борасан».

Мен жавоб бердим: «Менга уят халал беряпти».

Шунда у яна менга овоз чиқармай айтди: «Уят сенга халақит бермаслиги учун сен ҳали болага айланишинг керак.

Сени ўсмирана гурур қийнайди, сен кеч яшардинг, – лекин ким болакайга айланишни истаса, у ўз ёшлигини енгиб ўтсин».

Мен бир қарорга келиш учун анча вақт титраб-қақшаб турдим. Ниҳоят биринчи сафардаги сингари сўзларни айтдим: «Мен хоҳдамайман».

Шунда теварагимда кулги қўтарилиди. Оҳ, бу кулги бутун ичимни ўртаб, юрагимни тилка-пора қилди!

Шунда у охирги марта менга шундай деди: «О, Зардўшт, сенинг меваларинг етилибди, лекин сен ўзинг меваларинг учун етилмабсан!

Шу боис сен яна хилватга киришинг керак: бинобарин, сен ҳали тўлиб, пишиб, етилмофинг зарур».

Шунда яна энди мендан узоқлашиб бораётган кулги янгради – шунда атрофимга сукунат чўқди, қўша сукунат. Мен эса ерда ётар, аъзойи баданимдан тер қуйиларди.

– Мана, сизга барини айтиб бердим. Нега хилватга қайтишимни ҳам билдингиз. Сиздан ҳеч нарсани яширганим йўқ, биродарларим.

Буларнинг ҳаммасини сиз мендан эшитдингиз, мен эса доим одамлар ичида энг индамаси эдим – ва мен шундай бўлиб қолишни истайман!

Оҳ, ёронларим! Мен сизга ҳали кўп нарсаларни айтишим мумкин эди, мен сизга кўп нарсалар беришим мумкин эди! Нега бермаяпман? Ахир мен зикнаманми?

Аммо Зардўштнинг тилидан бу сўзлар чиққанда, уни улуф бир қайфу босди, дўстлардан айрилиш тобора яқинлашарди, шунданми, у ҳўнграб йифлаб юборди; ва ҳеч ким уни овунтиrolмади! Тунда у ёлғиз жўнаб кетди, дўстлар бунда қолдилар.

## УЧИНЧИ ҚИСМ

---

*Сиз кўтаришмоқчи бўлганингизда юқорига қарайсиз. Мен эса пастга қарайман. Зеро, мен юқори кўтаришганман.*

*Ичингизда ким кулиб туриб ҳам юқорида тура олади?*

*Ким энг баланд тогларга кўтаришса, у саҳна ва ҳаётнинг ҳар қандай фожиаси устидан кула билади.*

*Зардўшт «Ўқишиш ва хат» зикри  
(II 306) (II 29)*

## ДАРБАДАР ДАРВЕШ

Эрта тонгда нариги қирғоққа етиб олиш учун Зардўшт оролнинг тоғ тизмалари оша йўлга чиққанда тун яримлаган эди: Зардўшт қирғоқда кемага тушмоқчи эди. У ерда гўзал бир кўрфаз бўлиб, ҳатто ўзга ўлкаларнинг кемалари ҳам бажонидил тўхтаб ўтардилар; улар фароғатли ороллардан денгизга чиқишини истаганларни йўловчи қилиб олардилар. Зардўшт тоғларга кўтариларкан, йўл-йўлакай ёшлик чоғларидан бери қанчалар йўл босгандари, қанчалар кўп тоғлар, тизмалар ва чўққилардан ўтишга тўғри келганини эслаб бораради.

Мен тоғларда дарбадар кезган дарвешман, дерди у ўз юрагида, – мен водийларни хуш кўрмайман ва чамаси бир ерда узоқ тинч ўтиромайман.

Ва менинг тақдирим қандай бўлмасин, бошимга нима иш тушмасин, – унда доим дунё кезиши ва тоғларга чиқиш бўлади: охир-оқибат

биз фақат ўз-ўзимизнигина бошдан кечиргаймиз.

Менинг йўлумда тасодифлар учрайдиган вақтлар ўтиб кетди; эндиликда мен ўзим эгалик қилмаган яна нима ҳам рўй бериши мумкин?

Менинг ўзим мана энди менга қайтиб келаётир, у ниҳоят уйига қайтмоқда; узоқ замонлар бегона жойларда қолиб кетиб, ҳар турли нарсалар ва тасодифлар ичida пароканда бўлиб ётган, унинг барча парча-парчалари ҳам қайтмоқда.

Яна бир нарсани мен биламан: мен ўзимнинг охирги чўққим олдида ва азал менинг чекимга тушган нарса рўбарўсида тураман. Оҳ, мен ўзимнинг энг қийин йўлимга кирмоғим керак! Оҳ, мен ўзимнинг энг ёлғиз дунё кезмоғимни бошладим!

Лекин менга ўхшаган одам бу дамдан қочиб қутулоомайди, бу дам унга шундай дейди: «Мана энди сен ўз улуғворлик йўлингдан бормоқдасан! Чўққи ва тубсизлик – энди битта нарса бўлиб қолди!

Сен ўз улуғворлик йўлингдан борасан: бугунга қадар сен учун энг улуғ хатар бўлган нарса, энди сенинг сўнгти паноҳинг бўлиб қолди!

Сен ўз улуғворлик йўлингдан борасан: бунда ҳеч кимса сенинг изингдан пойлаб бормагай! Сенинг ўз қадамларинг ўз изингни ўчириб ўтгай ва унда шундай деб битилгай: «Мумкинсизлик».

Агар сенинг бирорта нарвонинг қолмаган эса, унда ўз бошингга ўрмалаб чиқишини ўрганмоғинг лозим: сен бундан ортиқ қандай қилиб юқори-лайсан?

Ўз-ўзингнинг бошингга ва ўз-ўзингнинг қалинг оша юқорига! Энди сенинг барча майинликларинг энг қаттиқликларингга айланмоғи жойиз.

Ким ўзини ортиқ сақлаган эса охирى у ҳаддан ташқари әхтиёткорликда оғриб қолгай. Яшасин барча чиниктиргувчи нарсалар! Мен ариқларида мой ва бол оққан ерларни мақтамайман!

Күп нарсаларни күрмөк учун ўзингга қарамас-лика ўрганувинг керак: тоғларга ўрлаётган ҳар бир одамга бу қаттиқдик зарурдир.

Агар қайсар нигоҳ била билик қидирған кимса нарсаларнинг юзасидан кўра кўпроқ нарсаларни кўргай.

Бироқ, сенга келсак, о, Зардўшт, сен барча нарсаларнинг асоси ва таг асосини кўришни истайсан; шунинг учун сен ўз-ўзингдан тобора юқорироқ кўтарилиб бормоинг, токи ҳатто ўз юлдузларинг ҳам остингда қолиб кетгай!

Ҳа! Пастга ўз-ўзингга ва ҳатто ўз юлдузларинг-га қарамоқ – мен фақат мана шуни ўз чўққим, деб атаган бўлар ва фақат шугина мен учун охирги чўққи бўлиб қолурди!»

Тоққа кўтарилиб бораркан, Зардўшт ўз дилини эран ҳикматлар билан шундай эркалаб сўйланарди: зеро, аввалгиларга сира ўхшамаган ҳолда ўртанарди. Ниҳоят, тизмалар ошиб ўтиб, тоғ чўққисига чиққанда, у ўз қаршисида ястаниб ётган бошқа денгизни кўрди. У тўхтаб, узоқ жим қолди. Тун чоги бу юксак зирвада ҳаво совуқ ва тиник, юлдузлар чарақларди.

Мен ўз қисматимни танияпман, деди у ниҳоят маюс тортиб. Майлига! Мен тайёрман! Менинг сўнгти хилватим бошланди.

Оҳ, бу остимда ётган ғамгин қора денгиз! Оҳ, бу оғир, тунги норозилик! Оҳ, толе ва денгиз! Мен энди сизга эниб бормоғим керак!

Мен ўзимнинг энг баланд тоғим ва энг узоқ саргардонлигим қошида турмоқдаман; шунинг учун

мен ҳар қачон юқори күтариlgанимга қараганда энди пастга қараб тушмоғим керак: – азоб ичра чуқурроқ шўнғишим, ҳар қанча юқори күтариlgанимга қараганда унинг нақ қора тўлқинига чўкишим даркор! Толеим шуни буюрур. Майлига! Мен тайёрман!

Энг баланд зирвали тоғлар қайдан бино бўлур?  
– бир сафар ўз-ўзимдан шундай сўраганман.  
Ўшандада мен улар тоғдан чиқишини билганман.

Бу ҳақда уларнинг маъданлари ва чўққила-  
рининг ёнбагирлари гувоҳлик берурлар. Энг  
тубанлардан энг юксаклар ўз чўққилари томон  
балқимоқлари керакдир.

Тоғнинг совуқ чўққисида Зардўшт шуларни сўзла-  
ди; лекин у денгизга яқинлашганда ва ниҳоят қоялар  
ичра ёлғиз турганда уни йўлнинг ҳорғинлиги ва азияти  
аввалгига қараганда қаттиқроқ эгаллаб олди.

Ҳали ҳамма нарса уйқуда, дерди у, денгиз ҳам  
ухламоқда. Унинг бегона, уйқулик қўзлари менга  
тиклиган.

Лекин унинг илиқ нафаси кўксимга урилади.  
Наздимда у хаёллар суради. Хаёлга фарқ бўлиб,  
қаттиқ ёстиқлар узра тўлғанади.

Хув-ва! У оғир хотиралар остида инграйди! Ё  
ёвуз ҳиссиётлар ичра ўртанади!

Оҳ, чўнг махлуқ, сенинг ғамингга шерикман ва  
сен туфайли ўз-ўзимдан норози бўламан.

Оҳ, нега қўлларим у қадар кучли эмас! Ҳақиқа-  
тан, мен сени оғир хаёллардан халос қилурдим!

Зардўшт шуларни сўзларкан, ўз устидан  
алам ва изтиробга тўлиб куларди! Қандай! Сен,  
Зардўшт! – деди у, – сен ҳали денгизга таскин  
бермоқчи бўласанми?

Оҳ, сен севгиси лиммо-лим, тентак Зардўшт,  
ўз ишончида чексиз фарофатга ботган зот! Лекин

сен ҳамиша шундай эдинг: ҳар қандай бадбахтга сен ишониб яқинлашардинг.

Сен барча махлуктарни эркалашни истардинг. Қайноқ нафаси, панжаларида андак момиқ мүйи бўлса, бас, сен уларни севиш, ардоқлаш, бағринг-га тортишга ҳозир эдинг.

Энг ёлғиз зот учун муҳаббат энг хавфли нарса, ҳамма нарсага муҳаббат, фақат у тирик бўлса бас! Ҳақиқатан, менинг севгидаги тентаклигим ва камтарлигим кулгига лойик!

Зардўшт шуларни айтиб, кулиб юборди; лекин шунда у айрилиқда қолган дўстларни эслади – ва улар қошида ўзининг бундай хаёллари учун уялгандай бўлиб, нега бундай ўйладим, деб ўзидан жаҳди чиқди. Зум ўтмай кулиб туриб йиглаб юборди – ғазаб ва аламдан аччиқ кўз ёш тўқди Зардўшт.

## ШАРПА ВА ЖУМБОҚ ЗИКРИ

### 1

Зардўшт кемага тушганлиги тўғрисида денгизчилар ўртасида гап тарқалгач, – зеро, у билан бирга фароғатли ороллардан келган бошқа бир киши ҳам кемага чиққан эди, – ҳамма бунга фоятда қизиқиб ва ниманидир кутиб интизор қолди. Аммо Зардўшт икки кун миқ этиб оғиз очмади, ғамга ботган, қулогига гап кирмас, чеҳраси очилмасди, на одамларнинг юзига қарап ва на саволларга жавоб қайтарарди. Иккинчи кун деганда, унинг қулоги очилди, лекин ҳамон оғзи юмилган эди: зотан, узоқдан келаётган ва яна ҳали олис-олисларга сузишга ҳозирлик кўраётган ушбу кемада жуда ҳам фаройиб ва хавф-хатарга тўлиқ гаплар қулоққа чалинار-

ди. Зардўшт эса узоқ сафарларга чиқадиганлар ва бошини хавф-хатар остига қўймагинча яшай олмайдиганларни яхши кўрарди. У бошқаларнинг ҳикояларини тинглаб ўтираскан, аста ўзининг ҳам тили ечили, шунда юрагини қоплаган муз шишаси синди ва у сўзни шундай бошлиди:

– Сиз ҳаммангиз мард изловчилар ҳамда синовчиларсиз, қўрқинчли денгизларда шалдираб турган елканлар остида сузгансиз.

– Сиз жумбоқлардан мастона бўлгансиз, оқшомларни севгансиз, кўнглингиз най садолари жўрлигида ҳар қандай алдамчи тубсизликларга ром бўлган;

– Зотан, сиз калавадан ипнинг учини қалтироқ қўлларингиз билан қидирмайсиз, сиз сезиш, пайқаш эҳтимоли бўлган ерда турли хуносалар чиқариб ўтиришни жон-дилдан ёмон кўрасиз;

Мен фақат сизга ўзим дуч келган бир жумбоқни ҳикоя қилиб бераман, – у энг ёлғиз зотга учраган шарпа эди.

Яқинларда мен бўзарган, жонсиз хуфтон чофи қоронгу босган кўнглим билан, тумтайган, жиддий, тишларимни тишларимга маҳкам босганча борардим. Мен учун бир эмас, бир неча қўёшлар ботиб бўлган эди.

Тош-чақалар оралаб инжиқ буралиб кетган, ёлғиз ва раҳмсиз, на майса-қиёқ ўсан, на бута-бутоққа йўлдош бўлган тоғ сўқмоғи қайсар оёқларим остида фижирларди.

Тошларнинг қалдир-кулдир қаҳқаҳаси остида, оёқларим туртинган чағаларни майдо-майдо губорга айлантирасоқ, – мен аста-секин овоз чиқармай юқорига ўрлардим.

Баландлардим: мени пастга, тубсизликка тўхтовсиз тортаётган оғирлик руҳи, жин парим ва

қаттол ғанимим бўлмиш руҳга басма-бас баландлардим.

Баландлардим: гарчи бу ярим жимит, ярим каламуш елкамга миниб олган, ўзи чўлоқ мени ҳам ланг қилас, қулоқларимга қўрошин қуяр, миямни қўрошиндай хаёл-ўй ила тўлдиради.

«О, Зардўшт, – масхараомуз кулиб бийрон сўйлади у, – сен донишмандлик тошидирсан! Қанчалар юксакларга кўтарилидинг, лекин ҳар бир отилган тош ерга тушмоғи даркор!

О, Зардўшт, сен донишмандлик тошисан, сен манжаниқдан отилган тош, юлдузларни парчаловчи! Қанчалар юксалдинг, – лекин ҳар бир отилган тош қулайди!

Сен ўз-ўзингга ва ўзингни тошбўрон қилурга маҳқумдирсан, о, Зардўшт, сен тошингни қанчалар узоқлатиб отдинг, – лекин у ўз устингга келиб тушгай!»

Митти жим бўлди; бу анча чўзилди. Унинг индамай туриши мени эзарди; ҳақиқатан, баъзан ёнингда кимса бўлса ҳам, ёлғиз қолгандан кўра ҳам ёлғизроқ сезасан ўзингни!

Мен кўтарилар, ўлардим, хаёл сурар, ўй ўйлардим, – лекин бари мени эзарди. Мен оғир азоб чекиб ухлаб қолган касалга ўхшар, лекин беморни уйқусидан янада оғирроқ уйқу уйғотиб юборарди.

Лекин менда ўзим матонат деб атаган нарса мавжуд: у мени доим умидсизликдан қутқаради. Мана шу матонат ниҳоят мени тўхташга мажбур қилди ва мен шундай дедим: «Пакана митти! Сен! Ё мен!»

Матонат – энг яхши жон олувчи қурол, – ҳужум қилгувчи матонат: Зоро, ҳар бир ҳужумда музофар мусиқа бор.

Инсон эса – ҳаммадан матонатлироқ махлуқ: барча махлуқларни у шу билан енгди. Ҳар қандай

азобни у ғолиб мусиқа билан енгиб ўтди; инсон дарди-азоби эса – энг теран дарду азобдир.

Матонат ҳатто тубсизлик ёқасида туриб, бош айланган чоғда ҳам ғолиб чиқади; ахир одам боласининг чоҳ ёқасида турмаган чоғи бормикин! Одамнинг ўз-ўзига қараши – чоҳга қарашнинг ўзгинаси эмасми?!

Матонат – энг яхши жон олувчи қурол: матонат ҳатто раҳм-шафқатни ҳам ўлдиради. Раҳм-шафқат эса ҳаммасидан ҳам чуқурроқ чоҳдир: зотан, инсон ҳаётга қанчалар чуқур қараса, у шунчалар раҳм-шафқатга ҳам чуқур қарайди.

Матонат – энг яхши жон олувчи қурол, – ҳужумкор матонат: у ҳатто ўлимни ҳам ўласи қилиб ташлайди, зеро, у шундай дер: «Ие, ҳали бу ҳаётмиди? Майлига! Яна бир карра!»

Лекин бу сўзларда ғолиб мусиқа баланд жаранглайди. Кар бўлмаса, эшифтгай!

## 2

«Тўхта, пакана! – дедим. – Мен! Ё сен! Лекин мен сендан кўра кучлироқман: сен менинг энг тубсиз фикримни билмайсан! Унинг оғирлигини – сен кўтариб юролмасдинг!»

Шунда мен бирдан енгил тортдим: хира пакана елкамдан сакраб тушди! Қунишиб, рўпарамдаги тош устига ўтирди. Биз келиб тўхтаган йўл дарвоза орқали ўтарди.

«Кўр, бу дарвозани, пакана! – давом этдим. – Унинг икки қиёфаси бор. Бу ерда икки йўл туташади: ҳали ҳеч ким уларнинг охирига етган эмас.

Буниси орқадаги узун йўл – у мангаликка чўзилган. Манави олдиндаги узун йўл – ўзга мангалик.

Бу йўллар бири-бирига қарама-қарши, улар доим бошлари бошларига урилиб тўқнашадилар ва айни мана шу ерда, дарвоза олдида улар қўшиладилар. Дарвозанинг номи тепасига ёзилган: «Лаҳза».

Аммо кимдир улардан нари ўтиб бормоқчи бўлса – нари ва ундан ҳам нариларга, нима, бу икки йўл мангуликка бир-бирига қарши бўлар эди, деб ўйлайсанми, сен, эй, пакана?»

«Ҳамма тўғри нарсалар алдайди, – фижиниб тўнфиллади пакана. – Ҳар қандай ҳақиқат қийшиқ, вақтнинг ўзи эса доира».

«Оғирлик руҳи, – дедим дарғазаб бўлиб, – ўзингни бу осон деб кўрсатма! Акс ҳолда сени шу ўтирган ерингда қолдириб кетаман, чўлоқ тасқара, – ҳолбуки, сени ахир мен юқорига олиб чиқдим!

– Ўзинг кўр, – давом этдим, – бу Лаҳзани! Бу Лаҳза дарвозасидан ортга узун мангу йўл кетади: оптимизда мангулик ётибди.

Барча юришга қурби келадиганлар бу йўлни бир марта ўтиши керак эмасми? Рўй бериши мумкин бўлган барча нарсалар бир марта рўй бериши, юзага чиқиши, ўтиши керак эмасми?

Агар ҳаммаси бўлиб ўтган эса, сен, пакана, ўзинг бу Лаҳза тўғрисида нима деб ўйлайсан? Бу дарвозанинг ўзи ҳам бир марта бўлиб ўтган эмасмикин?

Барча нарсалар шунчалар қаттиқ бофланмаганмикин, мана шу Лаҳзанинг ўзи бутун истиқболни эргаштириб келмасми? Бинобарин, – яна ўзи ўзини ҳам?

Зеро, юришга қодир барча нарсалар мана шу олга борадиган йўлни яна бир карра ўтишлари керак эмасми!

Ва манави ой шуълаларида оҳиста ўрмалаётган ўргимчак, шу ой нурининг ўзи, мен ва сен, мана дарвоза олдида туриб пичирлашиб, абадиятга дахлдор нарсалар тўғрисида шивир-шивир қилишиб турибмиз, – ахир биз илгари ҳам ҳаётга келмаган эдикми?

– Ва биз қайтишимиз, олдимизда турган бошқа йўлни – мана шу этни жунжиктирадиган йўлни қайтадан ўтишимиз керак эмасми? Мангу қайтмоғимиз керак эмасми?

Мен шуларни сўйлардим ва овозим борган сайнекин чиқарди: зотан, мен ўз фикрларим ва фикрларим ичидағи гизли фикрлардан қўрқардим. Ва шунда бирдан мен яқин атрофда ит улиганини эшитдим.

Бир маҳаллар ит шундай увлаганигини эшитмаганмидим? Хаёлларим ўтган кунларга қараб оқди. Балли! Гўдаклигимда, болалигимнинг энг эрта чоғида:

– Ўшандада мен итнинг шундай улишини эшитгандим. Итнинг ўзини ҳам кўрдим, у юнглари тўзғиб кетган, тумшуғи юқорига кўтарилган, ҳатто итлар ҳам шарпалардан ҳадиксирайдиган ўша жим-жит ярим тунда титраб-қалтирарди;

– Унга жуда ачиндим. Ўлик сукунат ичра уйимиз узра тўлин ой кўтарилди; у худди ўғирланган буюмлар тепасида турган ўғридай ясси том устидада думалоқ олов каби осилиб турарди;

– Ўшандада ит кўрқиб кетган эди: зеро, итлар ўғрилар ва шарпаларни сезадилар. Кейин яна унинг увиллашини эшитиб, итга яна раҳмим келди.

Пакана қайта кетди? Дарвоза-чи? Ўргимчак қани? Бизнинг пичирлашларимиз? Булар туш эдими? Ёки ўнг? Мен бирдан ўзимни ваҳший қоялар орасида ёлғиз, ойнинг ўлик нурига гарқ бўлиб турган ҳолда кўрдим.

Лекин бу ерда бир одам ётарди! Ҳурпайиб кетган ит эса унинг атрофида сакра пар ва гиншириди, – у менинг яқин келганимни кўриб, яна қаттиқ ув тортди, у фарёд кўтарди; ит шундай фарёд чекиб ёрдамга чақирганини илгари ҳеч эшитганмидим?

Ҳақиқатан ҳам, ҳеч қачон мен бунақасини кўрмаган эдим. Мен юзи бир тус бўлиб ўзгариб кетган, ит азобида тўлғанаётган, фиппа бўғилган чўпон йигитга кўзим тушди; унинг оғзидан оғир, қора илон осилиб туради.

Одамнинг афт-башараси ўлим ваҳимаси ва ижирганишдан бунчалар ўзгариб кетишини биринчи кўришим эди. Ухлаб қолганмикин? Шунда илон униг бўғзига кириб ёпишиб олганмикин?

Кўним билан илонни силтаб тортдим, яна тортдим: бекор! Илонни йигит бўғзидан тортиб чиқара олмадим. Шунда оғзимдан шу сўзлар отилиб чиқди: «Тишла! Тишлаб ол!

Унинг бошини тишла! – мен қўрқинчдан ўзими билмай шундай деб қичқиравдим. Менинг бутун нафратим, ваҳимам, ачиниш-аламим, менда бор яхшилик ва ёмонлик мана шу қичқириш ичига сингиб кетди.

Эй, сиз менга қараб турган марди майдонлар! Эй, сиз изловчилар, синовчилар, дардарак елканлар остида инсон қадами етмаган денгизларни кезувчилар! Эй, сиз жумбоқдарнинг ишқибозлари!

Ўшанда мен кўрган чигал жумбоқни ечиб беринг менга, дунёдаги энг ёлғиз зот рўпарасида пайдо бўлган шарпа нималигини менга тушунтириб берингиз!

Зеро, бу шарпа ва каромат эди: ўшанда ушбу тимсолда мен нимани кўрдим? Ва бир кунмас бир кун келиши керак бўлган зот ким ўзи?

Бўғзига илон кириб олган чўпон йигит ким?  
Энг оғир, энг қора нарсалар бари бўғзига кириб  
олувчи бу инсон ким ўзи?

– Ўшанда чўпон менинг қичқирганимни эшитди ва илоннинг бошини «фарч» тишлаб олди!  
Пишқириб, уни узоққа тупуриб ташлади – ва  
ўрнидан сакраб турди.

У ортиқ на чўпон йигит ва на инсон боласига  
ўхшарди – рўпарамда қайта тирилган, мунаввар-  
ланган бир зот турар ва куларди! Ер юзида инсон  
боласи ҳеч қачон бундай кулмаган!

О, ёронларим, мен инсон боласиникига ўх-  
шамаган кулгини эшитдим, – мана энди мени  
ташналиқ, алам кемиради ва у ҳеч қачон мени  
тарк этмайди.

Шундай кулги истаги мени кемиради: о, мен  
яна ҳаётга қандай чидайман? Мен энди ўлимга  
қандай тоқат қиласдим!

Зардўшт шундай нидо қилди.

### **ИХТИЁРГА ҚАРШИ РОҲАТ ЗИКРИ**

Зардўшт мана шундай жумбоқлар ва юраги  
ҳасрат билан тўлган ҳолда денгизда сузуб борарди.  
Лекин ўз саёҳатининг тўртинчи куни фарофат  
ороллари ва ўз дўстларидан йироқларга олислаб  
кетгач, у ўзининг бутун ҳасрат-надоматини енгиб  
үтди: энди у яна ўз қисматининг йўлида фолиб  
чиқсан зот каби маҳкам оёқ босиб турарди.  
Ўшанда Зардўшт ўзининг сурурдаги виждонига  
шу сўзларни айтарди:

– Яна ёлғиз қолдим, ёлғиз қолиши истайман,  
мусаффо осмон ва эркли денгиз билан ёлғиз бў-  
лишни истайман; яна мен тушдан кейинги вақт  
оғушидаман.

Бир пайтлар худди мана шундай кун оғган маҳал мен биринчи бор ўз дўстларимни топган, кейин яна иккинчи маротаба худди шундай кун оғганда улар билан кўришган эдим. Кун оғган паллада ҳар қандай нур бошқа пайтларга қараганда майин ва осуда бўлиб қолади.

Зеро, осмон ва ер ўртасида чарх урган баҳт-икъбол зарралари макон қурмоқ учун мунааввар дилни излайди: энди ҳар қандай нур баҳт-икъболдан осуда ва майин бўлиб қолди.

О, ҳаётимнинг кун оғгандан кейинги дамлари! Бир куни менинг баҳтим ҳам ўзига макон топмоқ учун водийга тушди: бу қашфиётлар, меҳмондўст юракларни у ўшандада топди.

О, ҳаётимнинг кун оғган чоғдаги дамлари! Мен бир нарсага эга бўлмоқ учун нималарни бермас эдим: ўй-хаёлларимнинг тирик ниҳоллари ҳамда олий умидимнинг субҳидам шуъбалари!

Бунёдкор бир чоғлар ўз умидининг фарзандларини ҳам изламиш эди – маълум бўлдики, уларни ўзи илк бора яратмасдан туриб топмас экан.

Худди шундай мен ҳам ўз болаларим ҳузурида бўлиб ва сўнг улар олдидан қайтибгина ўз кори-борим ичида бўлар эканман: Зардўшт ўз болаларини деб, ўз-ўзини камолга етказмоғи даркор.

Зотан, одам фақат ўз болалари ва ўз кори-боринигина чин юракдан севади; ва ўз-ўзига улуғ муҳаббат бор ерда, бу муҳаббат ҳомиладорликнинг белгиси бўлиб кўрингай, – менга шундай туюлади.

Ўзининг илк баҳорига етиб менинг болаларим ҳали гул очурлар; улар бир-бирларини суяшиб боғим ва энг яхши еримда шамолларда биргалашиб тебранишурлар.

Хақиқатан ҳам! Қайдаки бундай дарахтлар бир-бирларига яқын турған бўлса, фарофат ороллари ўша ердадир!

Лекин бир кун келиб мен уларни қазиб оламан ва алоҳида қилиб ўтказаман: ниҳол шундай ёлғизлиқка, матонат ва ҳушёрикка ўргансин.

У денгиз бўйида мўл шохлари пишиқ ва қайрилган, ғолиб ҳаётнинг тирик машъали бўлиб мустаҳкам турур.

Уларнинг ҳар бири бўронлар денгизга қуиладиган ва тоғларнинг хартумлари сув хўплаётган ерларда кечаю кундуз қўриқчиликда тургайлар, улар ўзларини шундай билурлар ва шундай синовдан ўтказурлар.

Улар менинг уруғим ва насабимга мансубми – матонатли ирода эгасими, ё ҳатто сўзлаётган чоғда ҳам индамай тура оладими, бера туриб мисоли олаётгандай бўла биладими – буларни синовдан ўтказишлари ва ўз-ўзларини билишлари даркор:

– Бир кун келиб менга издош бўлмоқ ҳамда Зардўшт билан бирга бунёд этувчи ва байрам қилувчига айланмоқ – менинг иродамни ўлмас саҳифаларимда битмоқ: барча нарсаларни тўла камолига етказмоқ учун шундай қилмоқ керакdir.

Шуни деб ва шунга ўхшаганларни деб мен ўз-ўзимни балоғатга еткизмоғим даркор; шунинг учун мен ўз баҳтимдан қочаман ва ўзимни барча баҳтсизликларга қурбон қиласман – мен охирги маротаба ўзимни синаш ва билиш учун шундай қилгайман.

Хақиқатан ҳам, менинг кетадиган вақтим бўлди; сайёҳнинг сояси ҳам, пайт алламаҳал бўлиб қолгани ҳам, энг осуда соат етгани ҳам – бари менга айтади: «Аллақачон вақт бўлди!»

Шамол құлфнинг тешигидан ўтиб, қичқиради:  
«Йўлга туш!» Эшик фийқиллаб очилар ва айтарди:  
«Бўла қол!»

Лекин мен ётардим, болаларимга муҳаббат жилдиргани қўймасди: муҳаббат истаги мени шу иплар билан боғлаган эди, ўз болаларимнинг қурбонига айланган, улар туфайли ўзлигимни йўқотган эдим.

Исташ – мен учун ўзни йўқотишни англатади. Менинг сиз, болаларим борсиз! Мана шу эгаликда ҳаммаси тўла ишончга эга ва ҳеч нарса хоҳиш бўлмаслиги керак.

Лекин бошим узра муҳаббатим қуёши порлар эди, Зардўшт ўз ёғида ўзи қовуриларди, – ўшандада менинг устимдан кўланка ва шубҳа сузиб ўтди.

Мен қиши замҳарир совуқ бўлишини хоҳдардим. «О, қанийди, қиши ва совуқ бўлса-ю, мен қаҳратонда қақшаб-қалтираб, тишларимни тишимга босолмасам!» – ўкинардим мен, – шунда мендан муздай туманлар кўтарилди.

Менинг ўтмишим мозорларимни яланг қилиб қўйди, тириклай кўмилган кўп азоблар қайта кўз очди: улар кафанга ўралганча мудраб ётмиш эди.

Менга ҳамма нарса белги бериб, қичқиради: «Вақт бўлди!» Аммо мен эшитмасдим; ниҳоят менинг тубсиз чоҳим ҳаракатга тушди ва ўз фикрим ўзимни чақиб олди.

О, тубсиз ўй, сен менинг ўйимсан! Сенинг қазган чоғларингни эшитгали ва қалтироқقا тушмасликка мен ҳеч қачон ўзимда куч топармикинман?

Сенинг қазиётганингни эшитсам, юрагим бўғзимга тиқилиб келур! Ҳатто сенинг индамаслигинг мени бўғади, эй, менинг индамас чоҳим!

Хеч қачон сени ташқарига чақиришга журъат этган эмасман: сени ўзим билан бирга олиб юрганим – мен учун етарли эди! Арслон каби охирги жасорат ва жанг учун мен ҳали етилмаган эдим.

Сенинг оғирлигинг мен учун доим анча машиқатли эди; лекин сени ташқарига олиб чиқиш учун мен бари бир қачондир арслоннинг овози ва қудратини топишим даркор!

Мен ўзимда буни енганимда, бундан ҳам ортиқроқ алланимани эгаллаган бўлурман; ва ғалаба менинг камолга етганимнинг муҳри бўлажак!

Унгача мен номаълум денгизларда саргардон юурман; тасодиф менга хушомад айлар ва эркалар мени; мен олфа ва орта боқаман – ҳеч нарсанинг охирини кўрмайман.

Ҳали охирги жангимнинг соати келгани йўқ – ёки у энди келяптими? Ҳақиқатан, атрофимда денгиз ва ҳаёт менга маккор жозиба билан боқади!

О, ҳаётимнинг кун оғган чофи! О, оқшом муждаси бўлмиш баҳт! О, очиқ денгиздаги соҳил! О, номаълумлик ичидаги олам! Сизга қанчалар ишонмайман мен!

Ҳақиқатан, мен сизнинг маккор жозибангизга ишонмасман! Мен ҳаддан зиёд ипак табассумга ишонмовчи ошиққа ўхшайман.

Ўша рашқ ўтида ўртанган ошиқ ўз маъшуқасидан аразлаган ва араз чоғида ҳам ўз дилбарлигини қўлдан бермагани каби, – мен ҳам ушбу фарофатли дамни ўзимдан нари итараман.

Нари тур мендан, эй, фарофатли дам! Сен билан менга ўз ихтиёrimга қарши фарофат келди! Мен ўзимнинг энг теран изтиробимга тайёр тураман бу ерда: сен бевақт келдинг!

Нари тур мендан, фарофатли дам! Яхшиси, сен ўзингга менинг болаларимдан макон изла! Шошил

ва ҳали оқшом тушмай уларни менинг баҳтим билан алқа!

Оқшом тушяпти; қуёш ботяпти. Менинг баҳтим узоқлаб кетди!

Зардўшт шундай зикр қилди. У тун бўйи ўз баҳтсизлигини кутиб чиқди – лекин кутиши зое кетди. Тун тиниқ ва осуда эди ва баҳтнинг ўзи унга тобора яқинлашиб-яқинлашиб келарди. Тонг отди, Зардўшт юрак-юракдан тўлиқиб кулди ва киноя қилиб деди: «Баҳт ортимдан қувади. Бунинг сабаби, мен аёллар ортидан юрмайман. Баҳт эса – аёлдир».

### **КУН ЧИҚИШ АРАФАСИДА**

О, бошим узра мусаффо осмон! Поёнсиз! Чексиз нур! Сенга боқиб туриб илоҳий интилишлардан ҳаяжонга тушаман.

Сенинг юксаклигингга ўзимни отаман – мен учун теранлик мана шунда! Сенинг бокиралигингда яшириниш – менинг маъсумлигим шунда!

Худо ўз гўзаллигига яширинади – худди шундай сен ҳам ўз юлдузларингни беркитасан. Мангу сукунаттага чўмгансан – ўз доноликларингни менга шундай ошкор этасан.

Фалаёнли денгиз узра сен бугун сассиз кўтарилидинг, менинг түғёнли қалбимга сенинг муҳаббатинг ва маъсумлигинг очилди.

Сен ўз гўзаллигингни сақлаган ҳолда мафтункор бўлиб келдинг қошимга, донишмандлигингда каашшоф бўлиб менга сассиз сўйлаб турасан:

О, наҳот сенинг ҳаё билан лиммо-лим юрагингни мен сезмасам! Қуёш чиқишидан олдин сен энг ёлғиз зот – менинг қошимга келдинг.

Биз азалдан сен билан ошномиз: ғамимиз ҳам бир, құрқинчимиз ҳам бир, бирдир тагимиз; сен билан ҳатто қүёшимиң ҳам бир.

Бир-биrimizga сүз айтмаймиз, зеро, жуда күп нарсаларни биламиз; биз овоз чиқармаймиз, бир-биrimizга табассум орқали билгандаримизни маълум қиласми.

Менинг аллангамнинг зиёси сен эмасми? Тушунчамнинг ҳамшираси – қалбим сенда яшамасми?

Биз барини бирга ўқидик; биз ўзимиздан оша ўз-ўзимизга күтарилишга биргаликда ўқидик; кўз илгамас чексизликлардан туриб нурафшон кўзлар билан пастга қараб мусаффо табассум ташлашни ўргандик, ҳолбуки худди шу пайтда остилизда худди жала каби зўравонлик ва мақсад; ва гуноҳ қўйиларди.

Агар мен ёлғиз саргашта дайдиган бўлсам, – қалбим тунлар бўйи ва адашмоқ сўқмоқларида нималарни излаб ўртанган экан? Агар мен тоғларга кўтарилиган бўлсам, сен эмасмидинг чўққилар-да қидирганим?

Менинг тоғларга чиқишим ва саргашталигим – улар фақат нўноқ кимсага ёрдам бериш заруратигина эмасмиди, ахир? Менинг бутун иродам фақат сенга учишни истайди, сенга томон учишни!

Судралган булатлару сенга доф туширувчи бошлиқа барча нарсалардан ортиқ нимани ҳам ёмон кўрардим мен? Ва ҳатто мен ўз нафратимдан ҳам нафратланар, чунки у сенга доф бўлиб тушарди!

Судралган булатларни, шу пусиб, биқиниб бораётган ёввойи мушукларни ёмон кўраман мен: улар сен билан менга баробар тегишли бўлган улкан ва бепоён Бали ва Оминни биздан тортиб олмоқчи бўладилар!

Биз судралган булатларни ёмон кўрамиз, улар на дуо қилиш ва на чин юракдан қарғашни ўрганиб ололган чала-яrim воситачи ва омухтасилардир.

Сени, эй, мусаффо осмон, судралган булатлардан бағринг доф бўлганлигини кўргандан кўра яхшиси, ёпиқ кўк остида хумда ёки осмонсиз чоҳ ичра ўлтирганим юз бора афзал билурман!

Кўп маҳал мен уларни чақмоқларнинг ўтиришни олтин тизимлари билан маҳкамлаб ташлашни истардим, худди момақалдироқ каби уларнинг шишиб, қаппайган қоринларини дўмбира қилсан дердим:

Фазаб билан дўмбира қилсан дердим, зеро, улар мендан сенинг Бали ва Оминингни ўғирламоқчи бўладилар, о, бошим узра тиниқ осмон! Нурафшон! Сен туганмас нур! – Зеро, улар менинг сендаги Бали ва Оминимни ўғирлайдилар!

Зеро, шу эҳтиёткор, журъатсиз мушук вазминлигидан кўра бузук ҳавонинг шовқин-суронлари, момақалдироқлари, қарғиш нолаларини эшитганим маъқулроқ ва осонроқ, бинобарин, ҳатто одамлар орасида ҳам оҳиста қадам босадиган, чала-яrim, нотайин, журъатсиз, худди судралган булатлар каби имиллаган кимсаларга асло-асло тоб-тоқатим йўқ.

Ва «Ким оқ фотиҳа бериб, дуо қиломаса, у қарғашни ўрганмоғи керак!» – бу тиниқ ўғит менга тиниқ осмондан тушди, бу юлдуз энг қоронгу тунларда ҳам менинг осмонимда чақнаб туради.

Агар сен мени қуршаган бўлсанг, эй, сен, мусаффо! Тиниқ! Эй, сен поёнсиз нур! – унда мен оқ фотиҳа ўқиб, дуо қилиб тасдиқдайманки, ўшандабарча тубсизликлар қаърига ўз дуойи фотиҳам тасдифини етказгайман.

Мен дуо қилювчи ва тасдиқловчи бўлдим: узоқ курашдим, муборизга айландим, ниҳоят икки қўлим дуо учун очиқ бўлсин, деб ният қилдим.

Мен ўқиган дуо шу: ҳар бир нарса узра унинг ўз осмони бўлсин, равоқли гумбази бўлсин, мовий жоми ва мангу сукунати бўлсин – шундай дуо ўқиган ҳам файзу фароғат топсин!

Зеро, барча нарсалар мангулик чашмасида ва яхшилик ҳамда ёмонликнинг нариги ёғида покландилар; яхшилик ва ёмонлик эса фақат елавгай қўланкалар, нам босган қайфу ва судралган булувлардир.

Ҳақиқатан, бу қарғиш эмас, дуодир, мен шундай ўгит айтаман: «Ҳамма нарсалар узра осмон-ҳол, осмон-ҳаё, осмон-тасодиф, осмон-файр туради».

«Ҳол» – дунёнинг энг кўҳна оқсусаягиdir, уни мен барча нарсаларга қайтардим, уларни мақсадга бўйсунишдан қутқардим:

Ушбу эркинлик ва мана шу осмон тиниқдигини мен худди ложувард жом каби ҳамма нарсаларнинг устига ўрнатдим, ўшандада мен улар узра ҳамда улар оралаб ҳеч қандай «Мангу ирода» – истамадим.

Ушбу жасорат ва мана шу телбаликни мен ўша ироданинг ўрнига қўйдим ва шундай таълим бердим: «Ҳамма ерда бир нарса номумкин – оқилона маъно!»

Гарчи андаккина ақл, донишмандик уруғи юлдуздан то юлдузгача сочилган бўлса-да, ушбу ачитқи барча нарсаларга қўшилган: телбалик туфайли донишмандик барча нарсаларга омухта бўлган!

Андаккина донишмандлик балки ҳали мумкин-дир; лекин бу талтайған ишончни мен барча нарсаларда учратдим: улар рақсга тушишни маъқул кўришади – тасодифнинг оёқларида!

О, бошим узра осмон, сен, мусаффо! Сарбалаңд! Энди сенинг мусаффолигинг мен учун шундаки, мангу ўргимчак – ақл ва унинг тўрлари йўқ:

– Сен энди илоҳий тасодифлар ўйин тушадиган жойсан, сен илоҳий ўйин ошиқлари ва уни ўйновчилярнинг илоҳий ўйингоҳисан!

– Сен қизариб кетяпсанми? Айтиш мумкин бўлмаган нарсани айтиб қўйдимми? Сени алқайман деб, қарғиш ёғдириб қўйдимми?

Ёки иккимиз ёлғиз қолганлигимиз учун уялиб, қизариб кетдингми? – Менга чиқиб кетиш ва жим бўлишни амр этмайсанми? Зоро, энди – кун яқинлашиб келмаяптими?

Дунё – чуқур, кун унинг маъносини чақолмайди. Кун қошида сўзлашга ҳамма ҳам жасорат қиласкермайди. Лекин кун яқинлашяпти – энди биз айриламиз!

О, бошим узра осмон, сен иболи! Алангали! О, қуёш чиқиши олдидағи менинг баҳтим! Кун яқинлашиб келяпти – ва биз энди айриламиз!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## КАМСУҚУМ ЭЗГУЛИК ЗИКРИ

### 1

Зардўшт қуруқликка тушгач, тўғри ўзининг тоғи ва мағорасига қараб юрмади, балки жуда кўп йўллардан ўтди, ҳамма ерда саволлар бериб, анча нарсаларни сўраб-суриштириди, шунда у ўзи ҳақида ўзи ҳазил-мутойиба қилиб дерди: «Мана сизга жуда кўп жилгалари билан ўз манбасига қайтаётган дарё!» Зоро, у ўзи бўлмаган чоғда инсон ҳоли нима кечганлигини билишни истарди: у

улуғроқ бўлиб қолдимикин ёки аввалгисидан ҳам кичикроқ? Бир куни у қатор тушган янги уйларни кўрди; бундан ажабланди ва шундай деди:

«Бу уйлар нимани англатади? Ҳақиқатан, улуғ бўлмаган қалб уларни ўзига ўхшатиб қурган!

Ақлсиз бола уларни ўзининг ўйинчоқлари кутисидан олиб чиқариб ташладимикин? Унда бошқа бир бола уларни яна қутига йифиштириб солиб қўйсайди!

Манов уйлар ва хужраларни қаранг: одамлар улар ичига кириб, сўнг улардан чиқиша олармикилар? Улар наздимда худди ипак қуртлари ёхуд ширинхўр мушуклар учун ясалгандай, мушук деганингиз қурғур ўзини эрмак қилишга жон-жон деб рози бўлади!»

Зардўшт тўхтаб, ўйланиб қолди. Ниҳоят маъюс тортиб деди: «Ҳаммаси майдалашиб кетди!

Қаёққа қарамай паст дарвозалар: менга ўхшаган одам ундан ўтиши мумкин, лекин у бунинг учун эгилиши керак!

О, бошим бошқа эгилмайдиган ўз ватанинга қаҷон қайтгайман – энди ортиқ кичиклар олдида бошимни қуи эгмаслигим керак!» – Шунда Зардўшт хўрсинди ва кўзларини йироқдарга тикиди.

Шу куни у ўзининг камсуқум эзгулик ҳақидаги сўзларини айтди.

## 2

Мен бу одамлар ичида юраман ва ҳайрон бўламан: уларнинг эзгуликларига ҳавас қилмаганим учун мени кечирмайдилар.

Улар менга дўқ-пўписа қиласадилар, чунки уларга шундай дейман: кичкина одамларга кичкина

эзгууликлар зарур, – зотан, кичкина одамлар ке-  
раклигига менинг қўшилишим қийин!

Мен бу ерда бироннинг товуқхонасига кириб  
қолган хўрозга ўхшайман, уни ҳатто товуқлар  
ҳам чўқиб ташлайди; лекин мен бу товуқлардан  
хафа эмасман.

Мен ҳар қандай кичкина ёқимсизликка қа-  
рагандай, уларга одоб билан муомала қиласман;  
барча кичкина нарсаларга нисбатан қора тика-  
нак бўлишни типратикангагина муносаб донолик  
деб биласман.

Кечқурун уйда ҳаммалари ўчоқ атрофига жам  
бўлишганда мени гапиришади, мен ҳақимда сўз-  
лашади-ю, лекин ҳеч ким мени ўйламайди!

Мана, мен ўрганган янги жимжитлик: улар-  
нинг менинг атрофимдаги шовқин-суронлари  
ўй-хаёлларим устига парда ташлайди.

Улар ўзаро favго кўтарадилар: «Бу қоп-қора  
булут бизга нима келтиради? Эҳтиёт бўлинг, у  
бизга мараз олиб келмасин!»

Яқинда бир аёл менга қўлинни узатган боласини  
силтаб ташлади: «Болаларни олиб кетинг! – қичқи-  
рарди у. – Бундай қўзлар болаларнинг қалбини  
куйдириб юборади».

Мен сўзлаётганда, уларни йўтал тутади: улар  
йўтал қудратли шамолларга билдирилган эътиroz  
деб ўйлашади; улар менинг баҳтим шовқинлари-  
ни заррача ҳам фаҳмламайдилар!

«Бизнинг Зардўштга ҳали вақтимиз йўқ», – деб  
эътиroz билдиришади улар; аммо Зардўштга  
«Вақти бўлмаган» вақтнинг нима маъноси бор?

Улар мени мақтаб ҳамду сано айтган чоғларида  
ҳам – ахир мен уларнинг шон-шуҳратлари узра  
уйқуга чўма олармидим? Тиканли камар – улар-

нинг менга мақтоби: бу камарни ечганда ҳам ҳатто ҳаммаёгим қичишиб туради.

Улардан мана нимани ўргандим: мақтаётган одам худди ҳурмат-эътибор кўрсатаётгандек бўлади, лекин аслида эса у янада кўпроқ нарса олишни хоҳлайди!

Менинг оёғимдан сўранг, уларнинг мақташлари ва ўзларига яқин тортишлари унга ёқармикин! Ҳақиқатан, бундай оҳанг ва бундай бака-бумда оёғим на ўйинга тушишни истайди ва на жим туришни.

Улар менга кичкина бир яхшиликни мақтаб, диққатимни унга тортмоқчи бўлишади; кичкина баҳтнинг бака-бумига улар менинг оёғимни тортмоқчи бўлиб уринишади.

Мен бу одамлар ўртасида юриб, ҳайрон бўламан: улар майдалашиб кетишган ва яна майдалашадилар – буни уларнинг баҳт ва эзгулик ҳақидаги таълимоти қиласи.

Улар ахир эзгуликда ҳам камтардирлар, зеро, улар мамнунлик излайдилар. Фақат камсуқум эзгуликкина мамнунлик билан чиқишимоғи мумкин.

Рост, улар ўзларича қадам ташлаш ва олға босишига ўрганадилар: лекин мен буни судралиш деб атайман. – Бу билан улар жадаллаб бораётганларга халал берадилар.

Уларнинг кўплари олға борадилару яна дам-бадам орқага бўйинларини чўзиб қарайдилар, мен эса уларни бажонидил итариб юбораман.

Оёқлар ва қўллар алдамасликлари, бир-бирларини ёлғончиликда айбламасликлари керак. Лекин кичкина одамларнинг алдамчиликлари кўп.

Уларнинг баъзилари ўз иродаларини намоён қиласидилар, лекин кўпчилик фақат ўзганинг

иродасига хизмат қиласы. Айримлари самими, лекин аксарияти – ёмон актёрлар.

Улар орасида онгсиз актёрлар бор, яна беихтиёр актёр бўлиб қолганлар ҳам йўқ эмас, – лекин самимилари жуда кам, айниқса самими актёрлар жуда оз.

Эркаклик сифатлари камдан кам; шунинг учун уларнинг аёллари эркакка айланадилар. Зоро, ҳақиқий эркаккина аёлни – аёл қиласы.

Уларда энг ёмон икки юзламачиликни ҳам учратганман: ҳатто ҳукмфармо бўлганлари ҳам уларга хизмат қилаётганларнинг эзгуликларига мослашадилар.

«Мен хизмат қиласман, сен хизмат қиласан, биз хизмат қиласиз» – ҳукмфармоларнинг ўқийдиган дуолари шундай. Аммо шўри курсин! – Мабодо биринчи жаноб бунинг устига биринчи хизматкор ҳам бўлса!<sup>15</sup>

Оҳ, ҳатто уларнинг мунофиқидигига менинг нигоҳим қизиқиб учиб кирди. Шунда мен уларнинг паашшага монанд бахтини сездим, қуёш ёритган ойна ичидаги финифиллаб учишларини кўрдим.

Қанча оққўнгиллик кўрсам, шунча ожизликка ҳам кўзим тушади. Қанча адолат ва шафқат бўлса, яна шунча заифлик ҳам бор.

Ҳаммалари дум-думалоқ, саранжом-саришта ва бир-бирларига марҳаматлидирлар, худди бир қум зарраси бошқа қум зарраси каби думалоқ, саранжом ва бир-бирига марҳаматли бўлганидай.

Кичкина бахтини камсуқумлик билан қулоқлашни улар «Итоаткорлик!» дейдилар ва шунинг билан бирга бошқа янги баҳт сари камсуқумларча кўз қирини ташлаб турадилар.

<sup>15</sup> Буюк Фридрихнинг «Ҳукмдор – давлатнинг биринчи хизматкори ва биринчи мансабдор кишиси»дир, деган сўзларига ишора. Бисмарк ҳам: «Ватанинг хизматда ёнаман», деган экан.

Моҳияттан ўз соддаликларида улар фақат бир нарсани истайдилар: ишқилиб, ҳеч ким уларга азоб-уқубат етказмаса бас. Шунинг учун улар ҳар бир кимсага эътиборли бўлиб, унга яхшилик қиласидилар.

Лекин бу гарчи «Эзгулик» деб аталса ҳам, аслида бориб турган қўрқоқлик.

Мана шу кичкина одамлар баъзан қўпол гапиришга тўгри келиб қолса, уларнинг овозлари хириллаб қолганини эшитаман: зеро, ҳар қандай елвизак уларнинг дарров томоғини хириллатиб қўяди.

Улар муғомбир, эзгуликларининг ҳам панжалари айёрдир. Лекин уларга мушт етишмайди, уларнинг бармоқлари мушт бўлиб бирлашолмайди.

Улар одамни камсукум ва қўлбола қиласидиган ҳамма нарсаларни эзгулик деб ҳисоблайдилар. Худди шу тариқа улар бўрини итга ва одамнинг ўзини ҳам инсоннинг энг яхши уй ҳайвонига айлантирудилар.

«Биз ўзимизнинг курсимизни ўртага қўйдик, – дегандай бўлади менга уларнинг лабининг четида пайдо бўлган иржайиш, – бу жон бераётган гладиатордан ҳам, ўзида йўқ хурсанд чўчқалардан ҳам баб-баробар узоқда».

Аммо бу – жўнлик: гарчи унинг отини ўртачалик деб атайдилар.

### 3

Мен шу одамлар орасида юраман ва қўп сўзларни тўкаман; лекин улар на олиш ва на сақлашни билишади.

Мен уларнинг ҳирсу балолари ва бошқа иллатларини фош қилиш учун келмаганимга ҳайрон бўлишади; лекин ҳақиқатан, мен шу билан бир-

га чўнтақ ўғриларидан огоҳлантириш учун ҳам келган эмасман!

Мен уларнинг ақлларини қайраш ва тоблашни хоҳламаганим учун ҳайрон бўлишади; тошлавҳа узра тошқаламдек овозлари фирчиллаган нозик ақллилар улар учун худди камлик қиласидандек!

«Барча чинқириш, қўлини қўшалоқ қилиб туриш ва таъзим бажо этишни истаган қўрқоқ пари-алвастиларни сизга тиз букдириング», деб қичқирсам, улар: «Зардўштнинг худоси йўқ», – деб бақирадилар.

Айниқса, уларнинг итоатгўйлик тарбиботчилари қаттиқроқ қичқирадилар – ҳа, мен худди мана шуларнинг нақ қулоқларига: ҳа! Мен худосиз Зардўштман!» – деб баралла бор овозим билан айтаман.

Итоатгўйлик тарбиботчилари! Қаердаки, ожизлик, касаллик ва қорақўтир бўлса, улар шу ерда худди бит каби ўрмалайдилар; факат нафратгина уларни босиб ўлдиришдан мени сақлади.

Майлига! Уларнинг қулоқларига мана менинг мавъизам: Мен – худосиз Зардўштман ва мен шундай гапни айтаман: «Мендан ҳам ортиқ худосиз одам бўлса, майли унинг панду насиҳатини ўзимга олай.

Мен худосиз Зардўштман: ўзимга ўхшаганларни қайдан топаман? Кимки ўзини ўз иродасига бахшида қилса ва ўзидан ҳар қандай итоатни итқитиб ташласа, улар бари менга монандирлар.

Мен худосиз Зардўштман: мен ҳар бир ҳолатни ўз қозонимда қайнатаман. У яхшилаб қайнагандан сўнг, мен уни ўз таомим каби қарши оламан.

Ҳақиқатан, жуда кўп ҳоллар менга ҳукм-ҳикка билан яқинлашдилар; лекин менинг иродам ундан ҳам ортиқ ҳукм-ҳикка билан уларга сўйлади, – шунда улар дарҳол тиз чўкдилар.

– Ялиниб ёлвордилар, бизга қўналға беринг, бизни дўстона кутиб олинг деб, тилёғламалик қилдилар: «Кўряпсанми, о, Зардўшт, дўст дўстга фақат мана шундай яқинлашади!»

Лекин ҳеч кимда менинг қулогим бўлмагач нимани ҳам айтардим! Мен барча шамолларга шундай нидо соламан:

– Сиз ҳаммангиз майдалашяпсиз, эй, сиз кичкина одамлар! Сиз ушоқларга бўлиниб кетдингиз, эй, сиз мамнунлик ишқивозлари! Сиз ҳали ҳалок бўлурсиз – кичкина эзгуликларингиз кўплигидан, майда-чуйда етишмовчиликларингиз сероблигидан, доимий тарзда кичкина итоатгўйликка берилиб кетганингиздан!

Сиз ўринли аяйсиз, муносиб ён берасиз: сиз ўсадиган тупроқ мана шундоқ! Лекин дараҳт катта бўлиши учун у метин қояларни метин томирлар билан чирмаб олмоғи даркор!

Ҳатто сиз адо этмайдиган нарсалар бутун инсоњият келажагининг матосини тўқишига ёрдам беради; ҳатто сизнинг ҳеч нарсангиз келажакнинг қони билан яшовчи ўргимчак ва унинг тўридир.

Сиз олаётган чоғда ҳам, худди ўғирлаб олаётган-дек бўласиз, эй, сиз кичкина эзгу одамлар! Лекин баъзан муттаҳамларда ҳам инсоф-диёнат тилга киради: «Фақат талон-торож қилишнинг иложи бўлмаган ердагина ўғирлик қилиш мумкин».

«Ўзи беради» – итоат таълимоти мана шу. Лекин мен сизга айтаман, эй, сиз, мамнунлик ишқивозлари: олинади ва борган сари кўпроқ олинади сиздан!

Оҳ, агар сиз ўзингиздан ҳар қандай чала истакни итқитиб ташлаб, тоҳ яқовлик ва тоҳ ишга берилиб кетганингизда эди!

Оҳ, сиз менинг ушбу сўзларимни тушунга-нингизда эди: «Майли, нима истасангиз, шуни қилинг – лекин ҳаммасидан бурун худди истай оладиганлардек бўлинг!

Майли, яқинларингизни худди ўзингиздек севинг, – лекин ҳаммадан бурун ўзини ўзи яхши кўрадиганлардек бўлинг:

– Улуғ севги билан севурлар, улуғ нафрат била севурлар! Худосиз Зардўшт худди мана шуларни айтур.

– Лекин менинг қулоғим бўлмаганларга нимани ҳам айтардим! Мен учун бу ерда вақт ҳали бир соат олдинда.

Мен бу одамлар ичида ўз-ўзимга башоратчиман, қоронгу кўчаларда ўз-ўзимга хўроz қичқириғиман.

Лекин улар соати яқинлашмоқда! Меники ҳам яқин қолди! Улар соат сайин камайиб, қашшоқроқ, ҳосилсизроқ бўлиб бораётир – шўрлик ўт! Шўрлик ер!

Улар тезда худди даштнинг қуриган хараги бўлиб туарлар, ҳақиқатан, ўзларидан ўзлари чарчаб ҳолдан тойурлар – сувга эмас, кўпроқ ўт-оловга ташна бўлурлар!

О, чақмоқнинг қутлуғ соати! О, туш арафасидағи сир-синоат! – Бир кун келиб уларни саргашта ўтларга ва олов тиллар ила башорат қилгувчиларга айлантиражакман:

– Бир кун келиб, улар олов тиллар билан каромат қилурлар: у яқинлаб қолди, у яқин, буюк туш!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ЕЛЕОН<sup>16</sup> ТОГИДА

Үйимда қаҳрли қўноқ қиши ўтирибди; унинг дўстона қисишларидан қўлларим кўкариб кетди.

Бу золим меҳмонни ҳурмат қиласман, лекин ўзи ёлғиз ўтирсин деб, бажонидил ташлаб кетаман. Жон деб, ундан нари қочаман; агар яхши чопсанг, ундан ҳам қочиб кетиш мумкин!

Иссиқ оёқларим ва иссиқ фикрларим билан мен ўша шамол тинган ерларга – Елеон тогимнинг қуёш нурлари тушиб турган пучмоқларига югураман.

Мен ўз қаҳрли қўноғим устидан шундай куламан ва шу билан бирга у менинг үйимдаги пашшаларни тутиб, қувиб, ҳар тури майда-чўйда шовқинларни тинчитиб юргани учун миннатдор бўлиб қўяман.

Зеро, у чивиннинг ва ҳатто баъзан иккита бўлиб ғингиллашини ёқтирмайди; у кўчаларни бўмбўш ҳувиллатиб қўяди, шундайки ой шуълалари кечаси бу ерларга тушишга қўрқади.

У гоятда қаҳри қаттиқ меҳмон – лекин мен уни иззат қиласман ва бамисоли тегманозиклар, оловнинг хўппа семиз санами каби унга сифи-ниб-топиниб ўтирмайман.

Санамларга сифингандан кўра бир пас тишларни шақиллатиб ўтирган афзал – менинг уруфим шундай истайди. Мен айниқса, жўшқин, тутаб турган, бўғувчи олов санамларини жинимдан баттар ёмон кўраман.

Кимни севсам, уни ёзга қараганда қишида кўпроқ севаман; қиши үйимда ўрнашиб олгандан бери душманларим устидан қўрқмай, боплаб куламан.

---

<sup>16</sup> Қуддуси шариф шарқида тоглик ер.

Ҳатто кўрпамга ўралиб олаётган чоғимда ҳам дадил куламан, – шунда менинг беркиниб олган баҳтим кулиб шўхликлар қиласи, менинг алдоқчи тушларим қаҳқаҳа отади.

Ахир мен – бирорвинг оёғига йиқилиб, эмаклаб юрибманми? Мен ҳаётда ҳеч қачон дасти дарозлар олдида ер ўпиб, эмаклаб юрган эмасман; агар мен қачондир ёлғон сўзлаган бўлсам, севганимдан ёлғонлаганман. Шунинг учун мен қишиш тўшагида ҳам шоду хандонман.

Одмигина тўшагим мени шоҳона тўшакдан кўра яхшироқ иситади, зоро, мен ўз қашшоқлигимни қаттиқ қўриқдайман. У, айниқса қишиш фаслида менга садоқатли.

Мен ҳар бир кунимни қаҳрга тўлиб бошлайман, қиши устидан совуқ сувга тушиб куламан – менинг қаҳҳор меҳмоним нега ундей қиляпсан, деб норози тўнғиллайди.

Мен уни кичкина мўм шам билан қитиқдашни яхши кўраман – шундай қилсам у ниҳоят кулранг, бўз хуфтонлар ичидан осмонни бўшатиб юборармикин дейман.

Мен, айниқса эрталаб қаҳрли бўлиб тураман – эрта тонгда қудук олдида чеълак чингиллайди ва бўз тусли кўчаларда отларнинг иссиқ кишинагани эшитилади:

Осмоннинг очилишини бетоқат кутаман, қор соқолли қишки осмон, худди бўктарги қуш каби оппоқ чол:

– Индамас қишиш осмони, кўп чоғлар ҳатто қуёши борлигини ҳам тилга олмас!

Узоқ, нурафшон жим туришни мен ундан ўрганмадимми? Ёки у буни мендан ўргангандир? Ёки ҳар биримиз уни ўзимиз кашф қилгандирмиз?

Ҳар бир яхши нарсаларнинг келиб чиқиши минг карра: барча яхши қувноқ нарсалар хурсанд бўлганидан борлиққа ўзини отади – улар буни фақатгина бир марта қила оладилар!

Худди шунингдек, узоқ жим туриш ҳам яхши, қувноқ нарса ва шунингдек, қишки осмон каби тиник думалоқ кўзли юзлар билан қарамоқ яхшидир:

– Худди унга ўхшаб ўз қуёшини ва ўз қайтмас иродаси қуёшини беркитиш яхши; ҳақиқатан, мен бу ҳунарни ва ушбу қиши хуррамлигини яхши ўргангандарман!

Менинг энг суюкли қаҳрим ва санъатим шундаки, менинг жимлигим ўз жимлигини ошкор қилиб қўймасликка ўрганиши керак.

Мен сўзлар ва ўйин суюкчаларини қалдир-қулдир қилиб, тантанавор кутиб турганларни лақиљатаман – менинг иродам ҳамда мақсадим ушбу барча қаттиқ назоратчилардан сирғалиб ўтиб кетмоғи даркор.

Менинг охирги иродамнинг асосларини ҳеч кимса кўрмасин – шунинг учун узоқ нурафшон жим туришни ўйлаб топдим.

Мен кўп ақдилларни учратдим: ҳеч ким тиккасига кўриб қолмасин деб, улар юзларига парда ташлаб, ўз сувларини лойқалатардилар.

Ҳар нарсага ишонавермайдиган ва ёнроқ чақиб ейдиганлар орасидан чиққан ақдлироқ кимсалар айнан мана шуларга мурожаат қиласидилар: уларнинг энг яшириб қўйган балиқларини байни мана шуларнинг ўzlари тутиб олишарди!

Лекин нурулар, жасур ва шаффоғ ақллар – менимча, улар барча индамаслар ичида энг ақдлироқларидир: уларнинг асослари шунчалар чуқурки, ҳатто энг шаффоғ сув ҳам – уларни ошкор қилолмайди.

Сен, эй, қорли соқол, индамас қиши осмони, сен, эй бошим устидаги думалоқ күзли қиргий! О, сен қалбим ва қалбим қувончларининг осмон тимсоли!

Ахир мен олтин ютган каби яширинишим керак эмасми бутун ичимни ағдар-тўнтар қилиб юбормасликлари учун?

Атрофимни ўраб олган мана шу барча ҳасадчилар ва фаразгўйлар менинг оёқдарим узунлигини билиб қолмасликлари учун ёғоч оёқда юришим керак эмасми ахир?

Мана шу бўғиқ, илмилиқ, сийқаси чиққан, ранги ўчган, озурдадил бўлган зотлар – қандай қилиб уларнинг ҳасади менинг баҳт-иқболимни кўролсин!

Шунинг учун мен уларга ўз чўққиларимдаги қиши ва музларнигина кўрсатаман – шунингдек, менинг тоғим бутун қуёш иқлимлари билан қуршалиб турганлигини ҳам уларга кўрсатмайман!

Улар фақат қишки бўронларимнинг чийиллашларинигина эшитадилар ва улар менинг илиқ денгизлар узра соғинчли, вазмин, ҳароратли жаңуб шамоллари янглиф сарсари юргурганларимни пайқамайдилар.

Улар шунингдек, менинг қутилмаган, тасоди-фотларим борасида таассуф билдирадилар, лекин менинг сўзим шундай: «Ҳодисотга қўйиб беринг, менга келсин: у худди ёш боладек маъсумдир!»

Агарда мен ўз баҳтим устига аброрликлар, қиши қуюнлари, оқ айиқ қалпоқлари ва қорли осмон пардаларидан ёпмасам, улар менинг баҳтимга қандоқ чидашлари мумкин ахир!

Агар ўзим уларнинг раҳм-шафқатларига: мана шу ҳасадчилар ва фаразгўйларнинг раҳм-шафқатларига ачинмасам эди!

Агар ўзим улар олдида ўқинмасам ва совуқда дағ-дағ қалтирамасам, уларнинг раҳм-шафқатларига худди мўйнага ўралгандай ўралмасам, сабр-тоқат билан либосларга бурканмасам эди!

Қалбимнинг оқилона ороми ва девоналиги мана шундаки, у ўз қаҳратон қиши ва совуқ бўронларини яширмас, шунингдек яширмас сира у ўз тўнгишларини.

Бир ёлғизлик учун беморнинг қочиши бор; бошқа бир ёлғизлик учун эса беморлардан қочиш бор.

Мени қуршаган бу шўрлик, ҳасадгўй нобакорлар, майли, эшитсинлар ва қўрсинлар қаҳратон совуқда қанчалар қалтираганим ва қанчалар қўрқувда бўлганлигимни! Мана шу қалтироқ ва қўрқувга қарамай мен бари бир уларнинг иссиқ хоналаридан қочиб чиққанман!

Майли, улар менга ачинсинлар ва мен билан бирга тўнгиб турганимдан қўрқувда бўлсинлар: майли, «Билиш музидан у совқотиб ўлади ҳали!» – деб айтсинлар ва шикоятлар қилсинлар.

Мен эса бу вақтда иссиқ оёқдарим билан ўз Елеон тоғимда ҳар сари югуриб юрурман; Елеон тоғимнинг қуёш нурлари тушиб турган пучмоқларида мен ҳар қандай шафқат-мурувват устидан кулиб қўшиқлар айтурман.

Зардўшт шундай куйлади.

## ЁНИДАН ЎТИБ КЕТИШ

Зардўшт мана шундай кўп халқлар ҳамда турли-туман шаҳарлар орасидан аста-секинлик билан ўтиб, айланана-айланана ўз тоғлари ва ўз мағорасига қайтиб келди. Мана ниҳоят у кутилмаганда катта шаҳар дарвозаси олдиdan

чиқди; лекин бу ерда қутуриб жиннилик қила-ётган масхарабоз қулочини ёзиб, унга томон отилди ва йўлини тўсди. Бу ўша, халқ «Зардўшт маймуни» деб атайдиган масхарабоз эди: бино-барин, у Зардўштнинг гапириш усулларидан у-бу нарсаларни ўрганиб олган ва унинг ҳикматлар хазинасидан тез-тез фойдаланаарди. Масхарабоз Зардўштга шу сўзларни айтди:

«О, Зардўшт, бу ер катта шаҳар; бу ерда сен қидирган ҳеч вақо йўқ, лекин ҳамма нарсангни бой беришинг мумкин.

Нима қиласан бу лойда ботиб? Оёқларингга раҳминг келсин! Шаҳар дарвозасига қараб тупургин-у, туёфингни шиқиллат!

Бу ер тарки дунё қилган одамнинг ўй-хаёлари учун дўзах: бунда буюк фикрлар тириклай қайнатилади ва парча-парча қилиб майдалаб ташланади.

Бунда барча улуғ ҳиссиётлар айнийди: бунда ночор қотиб қолган ҳисларнинг шақилдоғи шарақ-шуруқ шовқин солади!

Ахир сен эшитмаяпсанми, күшхона ва руҳ ошхонасининг таратаётган ҳидларини? Ахир бу шаҳар узра сўйилган руҳнинг сассиги ҳоким эмасми?

Ахир кўрмаяпсанми, бу ерда жонлар мисоли увада, жулдур кийимлар каби осилганини? – Улар яна бу увадалардан газеталар ҳам тайёрлайдилар!

Ахир эшитмаяпсанми, бунда руҳ фақат сўз ўйинларига айланиб қолган? Манфур ювинди сўзларни қусиб туради у! – Улар яна шу ювинди сўзлардан газеталар чиқаришади!

Улар бир-бирларини қувишади ва қаерга қувишаётганини билишмайди. Улар бир-бирлари-

нинг қитиқ патига тегишади, лекин негалигини билишмайди? Улар тунукаларини тақирлатиб, олтиналарини жаранг-журунг қилишади.

Уларнинг мижози совуқ ва ичкиликдан ўзларига ҳарорат излашади; улар қизишиб кетишиди ва ўзларига совиб қолган ақллардан салқин қидиришади; уларнинг бари ориқ ва ижтимоий фикрга мукласидан кетган.

Барча ҳирсу ҳаволар ва иллатлар бу ерда худди ўз уйидагидай; лекин бунда шу билан бирга яхшилик қилувчилар ҳам мавжуд, бунда кўп хизматбарор, ходимликдан эринмайдиган эзгулик ҳам бор:

Бармоқлари ёзувга чапдаст, мақъадлари чиниқсан, кутиб чарчамайдиган хизматбарор эзгулик сероб; у майда-чуйда кўкрак нишон юлдузлари ҳамда қипиқ-қийтиқ билан тўлдирилган орқаси ясси қиз фарзандлар билан тақдирланган.

Бунда яна одоб-икром, тақво-сақво кўп, худо қошидаги қўшинларнинг хушомадгўй ва лаганбардорлари ҳам кўп.

Зеро, «тепадан» юлдузлару марҳаматли тупуруклар сочилиб туради; ҳар бир юлдузсиз кўкрак тепага интилади.

Ойнинг ўз саройи ва саройда ўз жинни-санфилари бор; аммо саройдан чиқсан ҳар бир нарсага йўқсил биродарлар ҳамда турли-туман қаланги-қасанги хизматбарор қашшоқ эзгулик сифиниб ибодат қиласиди.

«Мен хизмат қиласан, сен хизмат қиласан, биз хизмат қиласиз» – қаланги-қасанги хизматбарор эзгулик ҳукмдорга шундай сифинади: япасқи кўкракка кўп интизор кутилган юлдуз, ниҳоят, қадалсин, дейди!

Бироқ ой ерга хос ҳамма нарсалар атрофида айланади: худди шундай ҳукмдор ҳам баайни барча ерга хос нарсалар теварагида айланиб ўргилади, – бу эса барча савдомижозларнинг олтинидир.

Қўшинларнинг худоси олтин ём билар худоси эмас; ҳукмдор-чўтлайди, савдогар эса – қоплади!

Сенда бор нурли, қавий ва яхши нарсалар ҳаққи, о, Зардўшт! Бу чайқовчилар шаҳрига тупур ва орқангга қайт!

Бунда лойқароқ, илмилиқроқ қон оқади ва катта кўк томирларда кўпиради; мана шу катта шаҳарга, ҳар бир тўкинди кўпикланиб, бижғиб ётган шу улкан ахлатхонага тупур сен!

Бўғилган жонлар ва ичига ботган кўкраклар, заҳарханда кўзлар ва шилимшиқ бармоқлар шаҳрига тупур;

– Муттаҳамлар, шармандалар, ёзғувчилар, минифиrlаганлар, алам ўтган шуҳратпарастлар шаҳрига;

– Ҳаммаси чириган, ачиган, бижғиган, оғир босган, тунд, чучмал, учук урчиган, ҳийлакор нарсалари жами бир бўлиб ёриладиган шаҳарга;

– Мана шу катта шаҳарга тупур ва ортингга қайт!»

Шу ерга келганда Зардўшт телба-тескари мас-харабознинг сўзини кесди ва унинг оғзини юмди.

«Бас қил энди! – хитоб қиёди Зардўшт. – Сенинг гапинг ҳам, гапингнинг ройиши ҳам жонимга тегди!

Нега сен ботқоқда узоқ вақт яшадинг, мана энди қурбақага айланиб қолибсан?

Энди сенинг томирларингда лойқа кўпикли балчиқ қони оқмаяптими, мунчалар қуриллаш, вақиллаш ва ёмонлашни ўрганибсан?

Нега сен ўрмонга кетмадинг? Ёки ер ағдар-  
мадинг? Ахир денгизда кўм-кўқ ороллар камми?

Сенинг нафратингдан нафратланаман, сен мени  
огоҳлантироқчи бўлсанг, нега аввало ўзингни  
огоҳлантиромадинг?

Менинг нафратим ва огоҳлантирувчи қушим  
ботқоқликдан эмас, фақат ёлғиз муҳаббатдан  
юксак кўтарилиб парвоз қиласди!

Сени, эй, телбаланган масхарабоз, менинг  
маймуним дейишади; лекин мен сени ўзимнинг  
хўр-хўр қилган чўчқам дейман – хўр-хўр қиласроқ  
сен менинг аҳмоқлик шаънига айтган мақтовла-  
римни бузасан.

Сени илк бора хўр-хўр қилишга не мажбур  
қилди? Бунга сабаб ҳеч кимнинг сенга етарлича  
хушомадгўйлик қилмагани: шунинг учун сен бу  
балчиққа яқин ўтирибсан, бемалол, бор овоз би-  
лан хўриллаш учун!

– Бир асос бўлсаю тўйгунча ўч олсам дейсан!  
Зеро, ўч, эй, шуҳратпараст масхарабоз, сенинг  
баайни кўпигингдир, мен сени хўб билиб олдим!

Лекин сенинг масхарабоз гапларинг, ҳатто  
ҳақ бўлсанг ҳам, менга зиён келтиради! Агар  
Зардўштнинг сўзи юз бора ҳақ бўлганда ҳам, –  
сен бари бир менга зиён етказардинг – менинг  
ўз сўзим билан!»

Зардўшт шундай сўздади; кейин катта шаҳарга  
қараб, хўрсинди ва узоқ жим қолди. Ниҳоят у яна  
тилга кирди:

– Менга фақат шу масхарабозгина эмас, мана-  
ви катта шаҳарнинг ўзи ҳам ёқмайди. Бунисига  
ҳам, унисига ҳам, ҳеч нарсани яхшилашнинг ва  
ҳеч нарсани ёмонлашнинг ҳожати йўқ!

Шўри қурсин бу катта шаҳарнинг! – Мен шу тобда уни ёндириб юборадиган олов қуюнини кўришни истардим!

Зеро, бундай олов қуюнлари буюк туш арафасида кўтарилимоғи керак. Лекин ҳар нарсанинг ўз вақти бор ва ҳар нарса ўз қисматига эга.

Лекин сенга, эй масхарабоз, хайрлаша туриб, шундай ўгит айтаман: севиш мумкин бўлмай қолган ерда ундан нарига ўтиб кетган маъқул!

Зардўшт шундай зикр қилди ва масхарабоз ҳамда катта шаҳарнинг ёнидан нарига ўтиб кетди.

## **АЙНИГАНЛАР ЗИКРИДА**

Оҳ, ҳаммасининг ранги сўнди ва гуллаб бўлди, улар куни кечагина бу ўтлоқда гуллаб, яшнаб, кўкариб турган эдилар! Мен ўз уяларимга бу ердан қанчадан қанча умид асалини ташигандман!

Бу навқирон қалбларнинг бари энди қариган – ҳатто қаригани ҳам йўқ – балки фақат толдилар, сийқаландилар ва хотиржам бўдилар: улар буни: «Биз яна художўй бўлиб қолдик», деб атайдилар.

Мен куни кеча уларни барвақт дадил қадамлар ташлаб югуриб чиққанларини кўрардим; лекин уларнинг билиш оёқлари чарчади, энди улар ҳатто ўзларининг эрта тонгдаги дадилликларидан норози бўлиб гапирадилар!

Ҳақиқатан, уларнинг кўплари бир пайтлар оёқларини раққослар сингари кўтарардилар, менинг ҳикматларимдаги кулгига ишқибоз бўлардилар, – кейин улар ўйланиб қолишли. Ҳозиргина мен уларни букилган ҳолда кўрдим – улар хоч сари ўрмалардилар.

Бир замонлар улар зиё ва эрк атрофида худди парвоналар ва ёш шоирлар каби парпираб учар-

дилар! Озгина ўсишди, озгина совушди. Мана энди биз қўршапалаклару олғирлару иссиқ печ устида ётадиган ялқовларни кўриб турибмиз.

Мени ёлғизлик худди кит каби ютиб юборгани учун уларнинг юраклари бу қадар сўлғин бўлиб қолдимикин? Балки менинг жарчи карнайларим ва удайчиларим чақириғига уларнинг қулоқлари узоқ, фуссали, беҳуда динг бўлиб турдимикин?

– Оҳ! Юраги узоқ муддат сабр-тоқат ва шижоат сақдаб тура оладиганлар доимо ҳам кўп эмас; бундайларнинг ҳатто руҳлари ҳам матонатини йўқотмайди. Қолганлари қўрқоқлар.

Қолганлари – доим қўпчилик, кундаги одмилик, ортиқча даҳмазалик, кўплаган қўпчилик – улар бари қўрқоқдар.

Кимки менга монанддир, унга йўлда худди менга ўхшаш кечинмалар дуч келгай, – бинобарин, унинг илк ошнолари мурдалар ва қизиқчилар бўлгай.

Унинг иккинчи ошнолари – ўзларини унга ишонувчи қилиб кўрсатганлар бўлгай: тирик оломон, кўпдан кўп севги-муҳаббат, кўп телбалик, кўп хамак сифинишлар.

Кимки одамлар ўртасида менга монанд бўлса, у манави диндорларга ўз қалбини боғлаб қўймасин; кимки бани башарни бекарор ва қўрқоқ билса, у манави баҳорлару ранго-ранг ўтлоқларга ишонмасин!

Агар улар бошқача бўлишни хоҳлаганларида, улар бошқача хоҳлардилар, албатта. Барча чалаярим нарсалар бутунни бузади. Япроқлар сўларлар – бунинг нимасидан шикоят қиласиз!

Уларнинг учиш ва йиқилишларига қўйиб бер, о, Зардўшт ва шикоят қилмагил! Яхшиси уларга суронли шамолларни йўлла!

– Мана шу япроқларга уфур, о, Зардўшт, токи барча сўлганлар сендан тезроқ узилиб кетсинлар!

«Биз яна художўй бўлиб қолдик» – дейишиади бу айниганлар; бунинг устига уларнинг қўпчилиги ҳали буни тан олиш учун қўрқоқлик – иродаси сустлик қиладилар.

Уларнинг кўзларига қарайман, – уларнинг юзларига – икки бетларининг қизиллигига қараб туриб айтаман: сизлар ўша яна сифинаётганларсиз!

Лекин бу сифиниш – шармандалик! Ҳаммага эмас, албатта, лекин сенга, менга ва бошида диёнати бўлганларнинг барчасига. Сен учун бу сифиниш – уят!

Сен яхши биласан: сенинг ичингга кириб олган қўрқоқ пари қўлларини мулоим қовуштириб, тиззалари устига қўйиб, ўз қулайликларини яхши кўриб, – ҳа, мана шу қўрқоқ пари сенга шундай дейди: «Худо бор!»

Лекин сен шунинг учун ҳам нурдан ҳадик-сировчилар зотига кирасанки, уларга нур-зиё тинчлик бермайди; энди сен кун ўтган сайин бошингни тун ва жаҳаннамга кўпроқ, чуқурроқ тиқишига мажбурсан!

Ҳақиқатан, сен хайрли соатни танлабсан: зеро, энди яна тунги қушлар учеб чиқа бошлайдилар. Барча нурдан қўрқувчиларнинг соати етди, бу ҳордиқ соати, бу соатда улар – «Ҳордиқ чиқармайдилар».

Мен эшитиб ва сезиб турибман: уларнинг ов ва тантанали юриш соатлари етди, албатта бу ваҳший ов учун эмас, балки жимгина қадам ташловчи ва жимгина ибодат қилувчи одамларнинг хонаки, ҳеч нарсага арзимайдиган ва ис билишга қаратилган ови учундир,

– Ва шу билан бирга ҳиссиётли риёкорлар учун овдир: қалблар учун яна барча тузоқлар қўйилган! Ва мен қаерда дарпардаларни кўтармай ҳамма ердан тунги капалак учиб чиқади.

У бошқа тунги капалак билан бирга беркиниб ўлтиргмаганмикин? Зеро, мен ҳар ерда мўъжаз гизли жамоалар борлигини сезиб тураман; етимхоналар бор ерда эса, албатта янги художўйлар ва улардан ҳосил бўлган уфунатлар бор.

Улар кечалари бир-бирлариникида меҳмон бўлиб ўтирадилар ва: «Келинглар, яна маъсум болалар каби бўлайлик ва Худойи Каримга тоат-ибодат қиласайлик!» – дейдилар; улар художўй қандолатпазлар томонидан бузилган қурсоқлари ва оғизлари билан шундай сўзларни айтадилар.

Ёки улар узоқ оқшомлар ҳийлакор, пусиб, пойлаб турувчи қорақуртга қараб ўтирадилар, қорақурт эса бошқа ўргимчакларга ҳикмат ўқиб, уларга шуларни ўргатади: «Хоч остида туриб ўргимчак тўрини тўқиши яхшидир!»

Ёхуд улар ботқоқ бўйида уззукун қармоқ солиб ўтириб, бундан ўзларини foятда тийрак ҳис қила-дилар; лекин балиқ йўқ ерга қармоқ ташлаб ўтирганни мен ҳатто саёз киши деб ҳам айтмас эдим!

Ёхуд улар имонёр қувонч билан созандадан гусли созида чалишни машқ қиласадилар, созанданинг ўзи эса ёш ойимчаларнинг қалбларига кириб созланишни мўлжаллаб турди, – зеро, у ёши ўтган хотинлар ва уларнинг мақтовларидан безори жон бўлиб кетган.

Ёхуд улар қоронғу хоналарда руҳларнинг пайдо бўлишини кутган ярим жинни олимдан қўрқинч нималигини ўрганадилар, – ҳолбуки руҳ бу олимдан оёгини қўлга олиб қочиб боради!

Ёхуд улар ҳирқираган-сирқираган қари дайди сивизғачига қулоқ тутиб ўтирадилар; сивизғачи эса маҳзун шамоллардан маҳзун унлар чиқаришиň үрганиб олган, энди шамолга тақлид қилиб, ҳазин оҳангларда ҳазинликни тарғиб қиласы.

Уларнинг айримлари энди ҳатто тунги қоровулликни эгаллаб олганлар. Энди улар бурғу чалиш, кечалар кўча айланиш ва аллақачонлар уйқуга чўмган кўхна нарсаларни уйғотишни билиб олганлар.

Мен кеча тунда боғ девори ёнида беш кўхна сўзни эшитдим: улар ўша маҳзун ва қотма кўхна тун қоровулларининг оғзидан чиқарди:

«Унда ўз болаларига оталарча ғамхўрик етишмайди: инсон оталари буни яхшироқ адо этишади!»

«У жуда қариб қолибди! У болаларига бутунлай ғамхўрик қилмай қўйибди», – деб жавоб беради бошқа тунги қоровул.

«Э, ҳали унинг болалари ҳам борми? Агар буни унинг ўзи исбот қилиб бермаса, бошқа ҳеч ким исбот қилолмайди! Буни у қачон ишонарли қилиб исботларкин деб, анчадан бери ўйлаб юраман».

«Нимани исботлайди? Гўё у бирон-бир марта ниманидир исботлагандай! Унинг исботлаши қийин; у кўпроқ ўзига ишонишларига аҳамият беради!»

«Тўғри! Тўғри! Ишонч уни ҳалим қиласы, айниқса, унга ишонч. Кўхна кишиларнинг одати шунаقا! Биз ҳам шундай бўламиз!»

– Икки кўхна тунги қоровул ва зиё рўдаполари бир-бирларига шуларни айтишар ва бурғиларини маъюс фуриллатардилар: – Бу боғ девори олдида кеча тунда рўй берди.

Менинг эса юрагим кулгим қистаганидан ёрилиб кетай дер, лекин ёрилиб қайга ҳам борарди-куя? Рост ичаги узилиб кетди.

Хақиқатан, мен Худога шубҳа билан қараган тунги қоровуллар ва бадмаст эшакларнинг сўзларини тинглаб, уларга қараб туриб, кула-кула бўғилиб ўлиб қолсам керак, деб ўйлайман.

Бундай шубҳа-гумонларнинг вақти ўтганига талай-талай замонлар бўлмадими? Ёругликдан қўрқишиз азобига учраган, неча вақтдан бери уйқуга чўмиб ётган кўхна нарсани ким ҳам яна уйғотарди!

Кўхна худолар аллақачонлар тугаган эди, – бу ҳақиқатан ҳам, яхши, қувончли илоҳий тугаш эди!

Улар ўлгунча «хуфтонлашиб» кетмадилар, – бу ҳақда, албатта ёлғонлар тўқидилар.<sup>17</sup> Аксинча, улар ўзларини бир сафар қаттиқ кулгига қўйдилар – ўлардай кулги бўлдилар!

Бу ёлғиз худо томонидан энг худосиз сўз – битта шу сўз – айтилганда юз берди: – «Худо битта! Сенинг мендан бошқа Худойинг бўлмаслиги керак!» – кўхна соқол, қаҳрли ва рашкчи Худо ўзини шу қадар унутар даражага бориб етди:

Ўшанда барча худолар ўз арши аълоларида ҳалинчак учганча хандон ташлаб қулишди ва шундай хитоб қилишди: «Илоҳийлик бир худо эмас, балки кўп худолар борлигига эмасми!»

Кулоги бор эшиттгай.

Зардўшт ўзи севган «Оласигир» деб аталган шаҳарда шуларни зикр қилди. Унинг ўз мағораси ва қадрдон махлуқларига етишига бу ердан икки кунликкина йўл қолмиш эди; унинг қалби қайтиш соатлари яқинлашаётганидан тинимсиз қувончга тўларди.

---

<sup>17</sup> Вагнернинг «Худолар хуфтони» асари ва тушунчасига ишора.

## **ҚАЙТИШ**

О, ёлғизлик! Сен менинг ватанимсан, ёлғизлик!  
Сенга күз ёшларимни түкиб қайтаман. Ёввойи,  
ёт үлкаларда ёввойи, ёт бўлиб ҳаддан ортиқ узоқ  
яшадим!

Энди менга худди онадай бармоғингни кўтариб  
пўписа қил, энди менга худди она каби табассум  
айла, энди менга фақат шу сўзларни айт: «Бир куни  
мендан худди қуюндай учиб кетган ким эди?

Ким эди айрила туриб, мен ёлғизликда ҳаддан  
ташқари узоқ ўтиридим, жим туришни мен унугиб  
қўйдим, – деб қичқирган! Энди ахир сен бунга  
ўрганиб олгандирсан?

О, Зардўшт, мен барини биламан: сен қачонлар-  
дир менинг ҳузуримда ёлғиз бўлгандан кўра тўда  
ичида кўпроқ ташлаб кетилгандек, фариброқ эдинг!

Фариблик – бошқа нарса, ёлғизлик – яна бошқа  
нарса: сен энди шунга ўргандинг! Энди сен шун-  
га кўра одамлар ичида доим ёввойи ва ёт бўлиб  
қолажаксан.

Ҳатто сени севган чоқларида ҳам, ёввойи ва  
ёт бўлиб қолурсан: зеро, улар ҳаммасидан бурун  
ўзларини аяшларини истайдилар!

Бу ерда эса сен ўз диёринг ва ўз уйингдасан;  
бунда сен ҳамма нарсани айтишинг, барча асос-  
ларни ағдар-тўнтар қилишинг мумкин; бунда  
моғор босган яширин туйгулардан уялиб-қичиниб  
ўтиришнинг сира ҳожати йўқ.

Ҳамма нарсалар сени эркалаб ва сенинг  
нутқингга эркаланиб бу ерга келурлар. Зеро, улар  
сенинг елкангга миниб, от чоптиришни истарлар.  
Бунда сен барча тимсоллар устига миниб, олганча  
барча ҳақиқатлар сари от солурсан.

Сен бунда барча нарсаларга түгри ва рўй-рост айтишга ҳақлисан: ҳақиқатан ҳам, ҳамма нарсалар билан бир ўзи – рўй-рост сўзлаётгани уларнинг қулоқларига мақтov бўлиб эшитилади!

Лекин гариблик – бошқа масала, зеро, эсингдами, о, Зардўшт? Сенинг қушинг бошинг узра қичқиргани, сен қаерга боришингни билмай, ўрмонда мурда олдида ихтиёrsиз туриб қолганинг:

– Мени энди маҳлукларим йўлга бошласин, деб айтганинг! Ҳайвонлар орасида бўлгандан одамлар ичида бўлиш хавфлироқ, – бу гариблик эди!

Яна эсингдами, о, Зардўшт? Сен ўз оролингда май чашмасида бўш пақирлар орасида, ҳамма ташналарга бериб, тарқатиб, куйиб, узатиб ўтирган чофинг:

– Нихоят, мастлараро ўзинг ёлғиз ташна бўлиб ўтириб, тунлар шикоятлар қилганларинг: «Олишнинг лаззати кўпроқ эмасми беришдан кўра? Бунинг устига ўғирлашундан ҳам ортиқ лаззат эмасмикан олишдан авло?» – Мана шу – гариблик эди!

Яна эсингдами, о, Зардўшт? Сенинг энг сокин дамларинг яқинлашганда ва сени ўз-ўзингдан ҳам нари итариб ҳайдаган, сенга аччиқ билан шипшиб: «Ўз сўзингни айт ва жон бер!» – деган чоғлари – у сенинг бутун интизорлигинг ва жимлигинги заҳар-закқумга тўлдириб, ювош матонатингни маъюс қилиб қўйганда, – бу – гариблик эди!»

О, ёлғизлик! Сен менинг диёrimсан, ёлғизлик! Роҳатбахш ва майин жаранглайди сенинг овозинг!

Биз бир-биримиздан сўрамаймиз, биз бир-биримизга шикоят қилмаймиз, биз очиқ эшикларга очиқ бирга борамиз.

Чунки сенинг маконинг очиқ ва нурафшон: бунда ҳатто соатлар ҳам енгил, енгил қадамлар

билин югуарлар. Қоронғуда вақт ёруғлиқка қараганда күпроқ әзади.

Бунда ҳар қандай борлиқнинг каломлари ва сўз сандуқлари менга очилур: бунда ҳар бир борлиқ сўзга айланмоқчи бўлур, ҳар бир тикланиш бу ерда мендан сўзламоқни ўрганмоқни истар.

Аммо у ерларда, пастда – ҳар қандай сўз бехуда! У ерларда унугаш ва нари ўтиб кетиш энг яхши доноликдир: мен энди мана шунга ўргандим!

Ким одамлардаги барча нарсаларни тушунишни истаса, ҳаммасига тегиниб ўтмоғи керак. Лекин бунинг учун менинг қўлларим ҳаддан ортиқ тоза.

Мен ортиқ уларнинг нафасларини олишни истамайман; оҳ, нега мен бунчалар узоқ уларнинг шовқин-суронлари ва оғир уфунатли нафасла-рида яшадим!

О, мени қуршаган роҳатбахш тинчлик! О, теграмдаги мусаффо ҳаво! О, бу жимжитлик бу тоза нафасдан кўкрагини тўлдириб олади! О, бу фарофатли жимжитлик қанчалар қулоқ солади!

Лекин у ёқда қуида – ҳамма нарса сўйлайди, у ёқда ҳаммаси қулоққа кирмай, бир чеккасидан ўтиб кетади. У ёқда ўз донолигинг борасида хоҳ жом чал, бонг ур – бари бир бозорчилар тангаларининг жаранг-журунги билан уни босиб кетадилар!

Уларнинг бари нарсалари сўйлар, лекин нима эканлигини энди тушунолмайди. Ҳаммаси сувга тушади, лекин теран булоқларга энди ҳеч нарса тушмас.

Уларнинг бари нарсалари сўйлар, лекин ҳеч нарсани эплаб бўлмас ва охирига етмас. Ҳаммаси қақолайди, лекин ким ҳам энди уяда ўтириб тухум очади!

Уларнинг бари нарсалари сўйлар, ҳаммаси лиқилдоқ. Ва кеча нимаики вақтнинг ўзи ва унинг тишлари учун жуда қаттиқ бўлган эса, бугун улар ҳозирги одамларнинг оғизларидан кемирилган ва тозаланган ҳолда осилиб туради.

Уларнинг бари нималари сўйлар, бари ошкор этилар. Ва бир пайтлар инсон қалбининг сири-синоати жавҳари бўлган нарсаларга энди кўчанинг саёқ сурнайчилари ва ўзга капалаклар эга чиққанлар.

О, сен гаройиб одамий хилқат! Сен қоронфу кўчалардаги шовқин! Сен энди яна менинг орқамда ётурсан: менинг энг буюк хатарим ортимда ётур!

Аёв ва раҳмда ётарди доим менинг энг улуғ хатарим; ҳар бир инсон хилқати эса уни аяшлари ва унга раҳм қилишларини истайди.

Гизли ҳақиқатлар, тентак қўллар ва лақиллатиб алданган қалб, шафқатнинг кичкина ёлғони билан ўзини бой сезган ҳолда – мен одамлар орасида доим шундай яшардим.

Улар орасида кийимларимни ўзгартириб, ўзими ни ўзим танимайдиган ҳолга келиб, ишқилиб уларга чидасам, тоқатим етса, бас, деб, ўз-ўзими ни ишонтиришга уринардим. «Тентаккинам, сен ахир одамларни билмайсан!»

Одамларни танимай қолишади улар орасида яшаганда: одамларда соҳтагарчилликлар жуда кўп, – бунда узоқни кўрувчи, узоқдан аччиқни ҳис қилувчи кўзларга нима бор!

Улар мени танимай қўйганларида – мен, тентак ўзимдан кўра кўпроқ уларни аярдим: ўзимга жиддий қарашга одатланган эдим ва кўпинча шу раҳмдиллигим учун ўз-ўзимни жазолардим.

Заҳарли пашшалар чаққан, қаҳр-ғазабнинг сон-саноқсиз томчилари томчилайвериб тош каби тешилган – мен улар ўртасида шу аҳволда ўлтирар ва яна ўз-ўзимни ишонтирардимки: «Ўз арзимаслигига арзимас бўлган барча нарсалар маъсумдир!»

Айниқса, ўзларини «яхши» деб атаганларни мен ҳаммадан кўпроқ заҳарли бўлган пашшалар деб топардим: улар бутунлай маъсум ҳолда тишлайдилар, бутунлай маъсум ҳолда ёлғон сўзлайдилар; улар менга қандай қилиб адолатли бўла олсинлар ахир!

Ким яхшилар ичида яшаса, уни шафқат алдашга ўргатади. Шафқат барча эркли кўнгиллар учун ҳавони бўғади. Зеро, яхшиларнинг аҳмоқлиги тузалмасдир.

Ўз-ўзимни ва ўз бойлигимни яширишга мен қўйи ёқда ўргандим: зеро, ҳар бир кимсани мен тағин руҳан қашшоқ деб ҳисоблардим. Раҳм-шафқатимнинг ёлғонлиги шунда эдики, мен ҳар бир кимсага нисбатан билардим, – ҳар бир кимсага нисбатан кўрар ва сезардимки, унга руҳнинг қанчаси етарли эканлигини ва қанчаси унга энди ҳаддан ортиқ қўплик қилишини!

Уларнинг кеккайган донишмандлари – мен уларни кеккайган деб эмас, донишманд деб атардим, – мен сўзларни ямлаб ютишни шундай ўргандим. Уларнинг кафандўзлари: мен уларни тадқиқотчи ва синовчилар дердим, – мен бир сўз ўрнига бошқа сўзни қўллашни шундай ўргандим.

Гўрковлар ўзларига маразни қазиб оладилар. Эски увадалар остида ёмон бижфишлар ётади. Балчиқни чайқатиш керак эмас. Тоғларда яшамоқ керак.

Юмшоқ бурним билан төглар эркинлигини ичимга ютаман! Нихоят димогим ҳар қандай инсон хилқатининг ҳидларидан халос бўлди!

Шароб каби чирсиллаган сарин ҳаво қитиқлаган менинг қалбим акса уради, – акса урадию шодон қийқиради: соғ бўл!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## УЧ ЁМОНЛИК ЗИКРИ

### 1

Тушимда, эрталаб кўрган охирги тушимда, мен дунёning нариги томонида – баланд қоя устида турар, қўлимда тарози ва дунёни тортардим.

О, тонгнинг заррин нурлари мени барвақт уйғотди: у рашикка тўлиб, алвонларга чулғаниб мени уйғотди! У эрталабки ҳароратли тушларимдан мени рашик қиласди.

Вақти бор одам ўлчаса бўлади, яхши тарозибон учун салмоқди, вазмин, кучли қанотларга муяссар бўладиган, илоҳий ёнғоқлар чақадиганлар учун жумбоқ ечиш имкони мавжуд, – менинг тушим дунёни шундай топди:

Менинг тушим, жасур сузувчи, ярим кема, ярим пўртана, парвонадай индамас, бургутдай сабрсиз, – бугун дунёни ўлчаш учун сабри ҳамда вақтни қайдан топди экан!

Унга яширин тарзда таъсир кўрсатмадимикин менинг донишмандлигим, куннинг кулар юзли, тийрак донишмандлиги, у барча «Чексиз оламлар» устидан кинояли кулади? Зоро, унинг гапи шундай: «Куч бор ерда сон ҳам хожага айланади: зоро, унинг қувватлари катта».

Бу тугал дунё учун менинг тушимни янгилик ҳамда эскиликка ташна бўлмасдан, қўрқмай, ёлвормай, дадил кўрган киши:

– худди пишган олмадай қўлимга кирмак истайди, салқин, юмшоқ, барқутдек текис бу пишган олтин олма, – менинг тасаввуримда дунё шундай эди;

– гўёки шохлари кенг ёйилган, иродаси мустаҳкам, синмаслик учун эгилган ва буқчайган, ҳоргин йўловчи учун соябон – дараҳт. Менинг юксак қоям узра дунё мана шундай туарди;

– гўёки латофатли қўллар мен сари қутича узатар – бу қутича уятчан, иболи, эъзозли кўзларнинг шавқи учун гўёки очиқ, – дунё бугун менга шу тариқа пешвоз келарди;

– одамнинг муҳаббатини чўчитиб юборадиган даражада жумбоқ ҳам эмас, одам оқиллигини ухлатиб қўяр даражада осон ечими ҳам йўқ: бугун менга дунё инсоний ва яхши бўлиб кўринди, унга қаҳр-газаб билан кўп бўҳтон ёғдирадилар!

Мен ўзимнинг тонгги тушимдан хурсандман, у туфайли субҳи содикда дунёни тарозуда тортиб кўрдим! Бу тушим мен учун инсоний яхшилик ва кўнгил тасаллоси бўлди!

Майлига, мен кундузимни худди тушимдагидай ўтказгайман, майлига, унинг эзгу таъбири менга ибрат бўлгай: мен энди тарозуга учта энг ёмон нарсани солмоқни ва уларни инсоний тарзда тортиб кўрмоқни истайман.

Ким фотиҳа-дую билан қўллашни буюрган бўлса, у қарғаш ва лаънатлашни ҳам ўргатган: дунёда энг ёмон малъун нарсалар нима? Мен уларни тарозу палласига қўйсам дейман.

Шаҳватпарастлик, ҳокимиятпарастлик, худ-парастлик: шу пайтга довур мана шулар ҳаммадан кўпроқ қоралаб келинди ва ҳаммадан кўпроқ бадном қилинди, ёлғон-яшиқдарга кўмилди, – энди мен уларни инсоний бир тарзда тортиб кўрмакни истайман.

Хайр, майли! Бунда менинг қоям, нарида эса денгиз: у мен томонга ёллари тўзғиган, хушомад қилган, садоқатли, кўҳна, мен севган юз бошли даҳшатли ит солланиб яқинлашади.

Хайр, майли! Мен шу ерда пўртана галаён қилган денгиз узра тарозуни кўтариб турмоқчиман; мен ўзимга гуноҳни ҳам сайлаб оламан – токи у сени кузатиб турсин. Эй, ўтқир муаттар ислари оламга тараалган, мен севган қуюқ япроқлари кенг кулоч отиб соя солган ёлғиз дарахт!

Бугунги кун келажакка қайси кўприкдан ўтиб боради? Юксакни тубанга бош эгишга нима мажбур қиласди? Олийни – яна юқорига ўсишга нима амр этади?

Мана энди тарозу тўғри ва қимиirlамай турибди: уларга мен уч оғир савонни қўйдим, тарозунинг бир палласи учта оғир жавоб ҳозирламоқда.

## 2

Шаҳватпарастлик: у барча жанда кийганлар, вужуд ва «дунё»дан нафратланганлар учун ниш ва қозиқ, бинобарин, барча нариги дунёга ишонувчилар томонидан лаънатлангандир: зеро, у ҳийлакорлар ва бузукларнинг барча устозларини ҳазил-мазах қиласди, тентагини чиқаради.

Шаҳватпарастлик: увада ипринди-сиприндиilar куйиб кул бўладиган, паст ёнувчи олов; ҳар бир қурт

тушган дарахт, барча сассиқ увриндилаr учун доим тайёр гуриллаb, чирсиллаb ёнаётган ўчоқ,

Шаҳватпарастлик: озод кўнгиллаr учун у аллақандай маъсум ва эркли, ер боғу бўстонлари-нинг саодати, ҳар қандай келажакнинг ҳозирги кунга тўлиб-тошган раҳмати, миннатдорчилиги.

Шаҳватпарастлик: фақат сўлғинлаr учун ширин оғу, лекин арслон иродасига эга бўлганлаr учун эса у кўнгилларнинг улуғ қуввати, эъзоз-икром или асраб-авайланган шаробларнинг шаробидир.

Шаҳватпарастлик: янада юксакроқ баҳт ва энг олий умид учун баҳт-иқболнинг буюк тимсоли. Зеро, кўп нарсалар учун никоҳ ва ҳатто никоҳдан кўра ортиқроқ бир нарсалар ваъда қилинган эди;

– эр ва хотиндан кўра ҳам ортиқроқ бир-бировига бегона кўп нарсаларга ваъда қилинмиш эди,  
– эр ва хотин бир-бирларига қанчалар бегона-ёт эканлигини ким ҳар қалай тушунган эди!

Шаҳватпарастлик: бироқ мен ўз хаёлларим ва ҳатто сўзларимни иҳота қилишни истайман, токи боғу бўстонимга чўчқалар ва саёқлар кириб қолмасинлар!

Ҳокимиятпарастлик: энг матонатли қалблар учун ёниб турган қамчи, энг шафқатсиз кимса ўзи учун ўзи тайёрлайдиган энг оғир қийноқ; тирик машъалаларнинг бадбўй алангаси.

Ҳокимиятпарастлик: энг шуҳратпараст халқ-ларнинг тумшуғига ўтказилган аламли аччиқ жилов; ҳар қандай шубҳали эзгуликнинг масхара-бози; у ҳар қандай от ва ҳар қандай фуур устига миниb елиб боради.

Ҳокимиятпарастлик: барча чирик ва ичи пуч нарсаларни синдириб, бузиb ташловчи зилзила; усти ялтироқ ичи қалтироқ барча тобутларни бузиb

ўч олуучи, сурон соглан, гулдираган вайронагар; бевақт айтилган жавоблар олдига қўйилган ялтироқ савол аломати.

Ҳокимиятпарастлик: унинг нигоҳи қаршисида одам эшилиб-буралади, эгилади, қуллуқ қиласди, илонлару чўчқалардан ҳам пастроқ тушади: тики буюк бир нафрат у ҳақда фарёд кўтармагунча.

Ҳокимиятпарастлик: буюк нафратнинг қаҳрли устози, у шаҳарлару салтанатларнинг тўғри юзига қараб айтади: «Кўзимдан йўқол!» – сўнг уларнинг ўзлари дод солурлар: «Биз энди йўқолмасак бўлмайди!»

Ҳокимиятпарастлик: у тоза ва ёлғиз, ўз-ўзига етарли чўққилар сари юқорига мафтункор ўрлаб боради, ер узра самоларда гулнорий фароғатлар жозибасини чизувчи муҳаббат каби гуриллаб ёнади.

Ҳокимиятпарастлик: юксаклик пастга – ҳокимиятга интиларкан, ким ҳам уни парастлик деб атарди! Бундай инжиқлик ва бундай тубан тушишдан ҳам ортиқ оғриқроқ ва ихтиёрсизроқ ўзга ҳеч нарса йўқ дунёда!

Ёлғиз чўққи асрларча ёлғиз қолмасин ва ўз-ўзига манманлик қилмасин деб; тоғ водийга тушсин ва зирваларнинг шамоллари пастликларга ёйилсин деб:

О, бундай интизорликни эзгуликка айлантириш ва уни атовли қилиш учун, ким унинг ҳақиқий номини топиб бера олади! «Эҳсон қилувчи эзгулик» – Зардўшт бир гал оти йўқ нарсани шундай деб атаган эди.

Ўшанда биринчи маротаба! – унинг сўзи худпарастликни улуғлади, бу қудратли қалбдан булоқ каби отилиб чиқаётган бут-бутун, соғлом худпаратлик эди;

– у юксак вужуд соҳиби бўлган буюк қалдан чиқаётган кўркам, музaffer-роҳатбахш бир нарса эдики, унинг теварагида ҳар қандай нарса ойнага айланади;

– пишиқ, адл, дадил вужуд, ўз-ўзига қувонч билан қаровчи қалб тимсол ва оҳанрабо бўлиб хизмат қилувчи раққос. Бундай вужуд ва қалбларнинг хос қувончи ўз-ўзини – «эзгулик» деб атайди.

Бундай хос қувонч-шодлик ўзининг эзгулик ва ёмонлик ҳақидаги сўзлари билан ўзини худди муқаддас дараҳтзор каби ўрайди; ўз баҳт-икболининг номлари билан у барча нарсаларни ўзидан қувади.

Ўзидан барча қўрқоқ нарсаларни нари қувади; у шундай дейди: ёмонми – демак, қўрқоқ! Ким доим ташвиш ичида юрса, уҳ тортса ва шикоятлар қилса, шунингдек, ким майда-чуйда манфаатларнинг кетидан қувса, билингки, унинг назарида нафратга сазовор бўлади.

У ҳар қандай умидсиз доноликдан нафратланиди: зеро, чиндан, зимистонликда гуллайдиган донолик ҳам бор, бу тунги шарпаларнинг донолиги бўлиб, у доим шундай хўрсинади. «Бари – беҳуда!»

У қўрқоқ ишончсизликни севмайди, нигоҳдар ва узатилган қўллар ўрнига қасам ичишни талаб қилувчиларни ҳам ёқтирумайди; инчунин ҳар қандай ҳаддан ортиқ ишончсиз доноликни ҳам – зеро, қўрқоқ жонларнинг қилиқлари мана шундай.

У итоатгўй, дарҳол итдай оёгини кўтариб ётиб оладиган, ҳаддан ортиқ хизматбарор кимсаларни янада паст баҳолайди; шунингдек, итоатга ўрганганд, итдай хор ва думини қисиб турадиган, бўйни қисиқ ва югурдақликни касб этган донолик ҳам мавжуд.

Хеч қачон ўзини ҳимоя қилишни истамайдиган, захарли тупуришлар ва дарғазаб қараашларни индамай ичига ютаверадиган, ҳаддан ошириб сабр-тоқатга берилган, ҳамма нарсага чидаб күтариб кетаверадиган ва ҳамма нарсадан мамнун юраверадиган кимсаларни ҳам у жинидан ортиқ ёмон күради ва улардан ҳазар қиласы: Зотан, қулнинг қиликлари шундай.

Кимда ким худолар ва уларнинг қадамжолари, одамлар ва уларнинг аҳмоқона фикрлари қаршисида қуллуқ қиларкан, ҳар қандай қулчиликка тупураси, мана шу ҳалим худпаратстлик!

Аҳмоқлик, дейди у барча камситилган, қулларча ҳўрланган нарсаларни, пир-пир учган, ўти ўчган кўзларни, абгор қалбларни ва дўрдоқ, қалтироқ лаблари билан бўса оловчи қаллоб, бўштоб зот-зурриётларни.

Ёлғон донолик, дейди у қуллар, қари-қартанглар ва ҳоргинлар ақлгўйлик қиласидиган барча нарсаларни – ва, айниқса, ахлоқ коҳинларнинг бемаъни, бефойда, bemaza ақлбозликларини!

Ёлғончи донолар – булар барча коҳинлару дунёдан безган ва чарчаганларнинг худди ўзи – уларнинг қалблари қулнинг ҳамда хотин кишининг қалбига ўхшайди, – о, улар худпаратстлик билан қандай шафқатсиз ўйинлар ўйнаб келадилар доим!

Ва худди мана шу эзгуликнинг ўзи бўлиши, эзгулик деб аталиши керак эди, худпаратстликни таъқиб қилишлик учун! «Худпарат бўлмаслик»ни асосли бир тарзда хоҳлар эдилар ва ўзлари ўзлари учун шуни истардилар. Мана шу барча дунёдан безган, чарчаган қўрқоқлар ва қорақуртлар!

Бироқ уларнинг ҳаммалари учун бир кун, бир ўзгариш, қозининг бир шамшири, буюк пешин яқинлашиб келаётир: ўшандада кўп нарсалар очилур!

Кимда – ким Менни соғлом ва муқаддас деб, худпарастликни – ҳалимлик деб атаса, демак, у ҳақиқатан, худди башораттгүй каби ўз билганини айтади: «Мана, у яқиналашиб келяпти, у яқин қолди, у буюк туш чофи!»

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ОФИРЧИЛИК РУХИ ҲАҚИДА

1

Менинг тилим – халқнинг тили: ипакдек юмшоқ қуёnlар учун мен фоятда қўппол ва самимиy сўзлайман. Ва бошқа барча сиёҳдон балиқлари ҳамда қалам тулкилари учун ундан ҳам ортиқроқ ғалати эшитилади!

Менинг қўлим – тентакнинг қўли: тентакнинг машқлари учун жой берган барча столлар, деворлар ва ёзиш мумкин бўлган бошқа барча нарсаларнинг шўри қурсин!

Менинг оёғим – шайтоннинг туёғи; у билан тошлар ва тўнкалар устидан дикирлаб, сакраб ўтиб бораман, далаларни у бошидан бу бошига, кўндалангига кезиб чиқаман, худди иблис сингари тез югуришга ишқибозман, қувончим ичимга сифмайди.

Менинг қурсофим – балки бургутнинг қурсоғимикин? Зеро, у ҳаммадан кўпроқ қўзичноқнинг гўштини севади. Лекин, ҳар қалай, у – қушнинг жигидони.

Озгинагина, одмигина томоқ билан боқилган, учиш ва учиб кетишга тайёр ва буни жон-дилдан истайдиган кимса – бу менман: ахир мен жиндаккина бўлса ҳам қуш эмасманми?

Бу шу боисданки, мен оғирчилик руҳининг душманиман, қушнинг табиати ўзи шундай: ҳақиқатан, мен хунхор душман, қаҳҷор душман, туғма душмандирман! О, қайларга учмади ва қаёқларга учиб қўнмади бу менинг душманлигим!

Бу ҳақда қўшиқ айтсам арзийди – уни айтишни истайман: гарчи мен ҳувиллаган уйда ёлғиз бир ўзимман ва бари бир уни ўз қулогимга ўзим куйламоғим керак.

Албатта, бошқа қўшиқчилар ҳам бор, уларнинг уйлари одамга тўла ва бу уларнинг бўғизларини майин, қўлларини жуда маънодор, нигоҳларини хумор, юракларини қувватли қиласади. Уларга мен ўхшамайман.

## 2

Бир куни ким одамларни учишга ўргатса, барча чегара тошларини ўз ўрнидан қўзғатади: барча чегарадаги тошлар унда ўзлари ҳавога учадилар, у ерга янгидан ном беради «Ёнгил» деб.

Туяқуш энг тез чопар отдан ҳам тезроқ югуради; лекин у бошини яна оғир ерга ниҳоятда оғир беркитади; ҳали учишни билмайдиган одам ҳам шундай.

Ер ва ҳаёт унга оғир бўлиб туюлади; оғирчилик руҳи шуни хоҳлади! Лекин ким енгил ва қуш бўлишни истаса, у ўзини ўзи яхши кўриши керак, – мен шундай таълим бераман.

Албатта, bemorlar va қалтироқлар muҳabbati bilan emas: zero, уларнинг ўз muҳabbati ҳам ёмон ҳид тарқатади!

Одам ўз-ўзини яхши кўришни ўргансин. Мен шундай таълим бергайман. Бу бутун ва соғлом

муҳаббат бўлсин: бу одам ўз-ўзига чидаши ва ҳар ерларда дайдиб юрмаслиги учун керак.

Бундай дайдиш «Яқинингга муҳаббат» деб юритилади: ҳозиргача шу сўз ёрдамида ҳаммадан кўпроқ алдаб ва мунофиқдик қилиб келдилар ва айниқса ўша бутун дунё базур тоқат қилиб келганлар.

Ўз-ўзини севишга ўргатиш – бу, албатта бугуннинг ва эртанинг васияти эмас. Тўғрироғи, барча санъатлар ичida буниси энг нозиги, энг айёри, охиргиси ва энг сабрлисиdir.

Зеро, мулкдор учун барча мулки доимо чуқур кўмилган бўлади; ва барча хазиналар ичida ўзингга тегишли хазина энг охирида қазилади. Буни оғирчилик руҳи шундай ташкил қиласди.

Бешикда ётган чоғларимизданоқ бизга оғир сўзлар ва оғир қадриятлар мерос қилиб берилади. «Эзгулик» ва «Ёмонлик» – бу сеп шундай аталади. Уларни деб, бизга нимага яшаётганлигимизни кечиришади.

Бундан ташқари, сабий болаларга ўз олдиларига келишга ижозат беришади, уларга ўзларини ўзлари яхши кўришларини вақтида олдини олиш учун шундай қилишади, – оғирчилик руҳи буни шундай уюштиради.

Биз эса – мерос қилиб берилган нарсани қаттиқ елкаларимизга ортиб ишонч билан мушкул тоғларга элтамиз! Агар биз бунда қора терга фарқ бўлсак, буни кўриб айтадиларки: «Ҳа, ҳаётни кўтариб бориш оғир!»

Лекин фақат одамнинг ўзини кўтариб бориши оғир! Чунки у кўпроқ елкасида бошқаларнинг ҳаддан зиёд кўп юкини кўтариб боради. У худди туядай чўкка тушади ва яхшилаб юк ортиради.

Айниңса, кучли ва чидамли одам, жуда чуқур хурмат-эътибор күрсатишига қобил: у ўз устига ҳаддан ортиқ күп ўзгаларнинг оғир сўзлари ва қадрияларини ортади, – мана шунда ҳаёт унга бўм-бўш саҳро бўлиб туюлади!

Ва ростдан ҳам! Ҳатто ўзингга тегишли кўп нарсаларни кўтариб юриш қийин! Одамнинг ичидаги кўп нарсалар қўлда тутиш қийин бўлган шилимшиқ, чифаноқ балиққа ўхшайди;

– унинг олижаноб қобиги билан олижаноб бе-закларидан бошқа фазилати йўқ. Лекин бу ҳунарни ҳам ўрганиш керак: чиройли рўё билан доно шабкўрликни қобиқ қилиб юришни!»

Лекин инсонда кўп нарсаларда адашиш мумкин, зотан, айрим қобиқ жуда арзимас ва ночор, қобиқ деб аталишдан бошқа ҳеч нарсага ярамайди. Кўп кўзга кўринмас яхшилик ва куч-қувватни фаҳмлаш қийин: энг қимматбаҳо ширинликлар ширинтомоқлар қўлига етиб бормайди!

Хотинлар буни билишади, энг яхши ширин нарсаларни; андаккина тўлиқроқ, андаккина ориқроқ – э-ҳа, шунчалар арзимаган нарсада кўпинча толе мужассам бўлади!

Одамни кашф қилиш мушкул, ўз-ўзини кашф қилиш эса ундан ҳам мушкулроқ. Оғирчилик руҳи буни шундай ясайди.

Лекин бу менинг яхшилигим ва ёмонлигим, деб айтган одам ўз-ўзини кашф қилгандир; бу билан у юмронқозиқ ва анойини жим бўлишга мажбур қиласди, ҳолбуки бу қўқилнинг гапи: «Яхшилик ҳамма учун, ёмонлик ҳам ҳамма учун».

«Ҳақиқатан, ҳар бир нарсани яхши-яхши дейдиган ва бу дунёни энг соз дунё деб атайдиган кимсаларга унчалар хушим йўқ. Уларни мен ҳамма нарсадан мамнунвойлар деб юраман.

Ҳаммасидан мамнун, ҳаммасини ширин деб биладиганларнинг фаросатига қойил эмасман! Мен қайсар, оқ-қорани яхши ажратадиган тиллару қурсоқларни ҳурмат қиласман, улар «Мен», «Ҳа», «Йўқ» деб айта биладилар.

Лекин ҳамма нарсани чайнаш ва ҳазм қилиш – бу тўнғиз зотининг иши! Доим ийя-ийя деб туриш эшакка ярашади, инчунин унга ўхшаганларга ҳам!

Қуюқ заъфарон ва тиник алвон ранг: менинг дидим шуларни талаб қиласди ва барча рангларга қон қўшиб, аралаштиради. Лекин ким уйини оқ бўёққа бўяса, у қалбини ҳам оқдагандай топади.

Биролар мумиёларга ошиқ, бошқалар – рўёларга; униси ҳам, буниси ҳам баб-баравар ҳар қандай вужуд ва қонга душман – ўҳ, улар менинг дидимга сира ўтиришмайди! Зотан, мен қонни севаман.

Ҳар кимлар тупуриб ва тупук сочадиган ерларда мен ҳеч қачон яшаш, истиқомат қилишни истамасдим: менинг дид-фаросатим шунаقا. Ундан кўра ўғрилар ва қасамхўрлар ўртасида яшашни маъқул кўрган бўлардим. Ҳеч ким олтинни оғзида олиб юрмайди.

Лекин ҳаммасидан ҳам сифиндиларни ёмон кўраман; одамлар орасида учровчи энг ярамас маҳлуқни мен мараз деб атаганман: у севишни истамас, бироқ севгидан кун кўришни хоҳларди.

Кимда фақатгина битта йўл қолган бўлса, уларнинг барини мен бадбахтлар деб айтган бўлардим: у ё қутурган ҳайвон ва ё қутурган ҳайвон ўргатувчи бўлмоқдан бошқа чораси йўқ, – мен улар ҳузурида ўз чодиримни курмаган бўлардим.

Ким доим қўриқчиликда туриши керак бўлса, уларни ҳам мен бадбахт деб агардим, – ўша барча мамлакат ва дўконларнинг қўриқчилари бўлмиш

оворалар ва савдогарлар, қироллар ва шунга ўхшаганларни менинг жиним севмайди. Дишимга түфри келмайдилар.

Ростиши айтсам, мен ҳам қўриқчи бўлишни яхшилаб ўрганиб олдим, – лекин мен ўз-ўзимга қўриқчилик қиласман. Ва ҳаммадан бурун мен тик туриш, юриш, чопиш, ўрмалаш ва рақс тушишни ўргандим, – учишни эса бирдан ўрганиб бўлмайди!

Арқондан нарвон ясад, мен кўп деразаларга чиқиши машқини олдим, баланд мачталарга чаққон чиқадиган бўлдим: билимнинг юксак ҳавозаларида ўтириш менга ажаброҳат бўлиб туюларди.

– Юксак ҳавозалар узра паст олов бўлиб ёнсам дердим: гарчи паст олов бўлса ҳам, лекин саёзга ўтириб қолган кемачалар ва ҳалокатга учраган кемалар учун зўр тасалли бўлолади!

Мен ўз ҳақиқатимга жуда кўп йўллар ва усуллар билан етиб бордим: нигоҳим узоқ-узоқларга етадиган баландликка мен фақат битта нарвондан кўтарилемадим.

Мен доим хушламай йўл сўраганман. Бу ҳамиша ҳам дид-фаросатимга зид эди! Мен яххиси ўз-ўзимдан сўроқлар ва йўлларни синовдан ўтказардим.

Синаш ва сўроқлаш саргардонлигимнинг мазмуни эди ва ҳақиқатан ҳам, бу саволга жавоб беришини ўрганиш керак! Аммо менинг дид-фаросатим шунаقا:

– яхшими, ёмонми, бу менинг дид-фаросатим, мен ундан уялмайман ва яширмайман.

«Бу – энди менинг йўлим, – сизники қаерда?»  
– мендан «Йўл» сўраганларга шундай жавоб берардим. Зотан, йўл умуман йўқ!

Зардўшт шундай зикр қиласман.

## ЯНГИ ВА ЭСКИ ЛАВҲДАР ЗИКРИ

1

– Мен бу ерда ўтириб кутяпман; барча эски, парчаланган лавҳдар ва шунингдек, ярми ёзилган янгилари ҳам менинг ёнимда. Менинг вақтим қаҷон келур?

– Тушадиган ва чиқадиган вақтим: зеро, яна бир карра одамлар ичига кирмоқчиман.

Энди мен шуни кутяпман: зеро, один мен вақтим келганлигидан дарак берувчи аломатларни кўришим керак, – яъники кулаётган арслон билан бир тўп кабутарларни.

Ҳозирча эса худди ҳали вақти бор одамдай ўз-ўзим билан сўзлашмоқдаман. Ҳеч ким менга янги бир гап айтмайди, – шунинг учун мен ўз-ўзимга ҳикоя қиласман.

2

– Одамлар ўртасига кирганимда, мен уларни эски манманликда қотиб қолганликларини кўрдим: уларнинг наздида одам боласи учун яхшилик нимаю ёмонлик нималигини аллақачон билиб олганлар.

Эзгулик ҳақидаги ҳар қандай гапни улар эски ва зерикарли деб билишарди, шунданмикин, ким тинч ухлайман деса, уйқуга ётишдан аввал яна «Яхшилик» ва «Ёмонлик» ҳақида сўзларди.

Ўз таълимим ила уларни бу мудроқдикдан туртиб уйғотдим: агар одамнинг ўзи бунёдкор бўлмаса, ҳеч ким яхшилик нимаю, ёмонлик нима эканлигини билмайди!

– Аммо бунёдкорнинг ўзи – бу одам учун мақсад яратувчи заминга мазмун ва истиқбол ато этгувчиdir: у ҳамма нарсалар учун биринчи маротаба яхшилик ва ёмонликни яратади.

Мен уларга барча эски минбарларни ва ушбу кўхна манманлик ўтирган бошқа барча нарсаларни тўнтариб ташлашни буюрдим; уларга эзгуликнинг буюк устозлари, уларнинг авлиёлари ва шоирлари, уларнинг дунё халоскорлари устидан кулишга буюрдим.

Уларга қайфули донишмандлари ва шунингдек, қачонлардир ҳаёт дарахтида мисоли қора қўриқчи каби огоҳикка даъват этиб ўтирганлари устидан кулинглар, деб буюрдим.

Мен барча ўлаксахўрлар ва қалхатлар билан бирга уларнинг катта мақбаралари кўчасининг бир чеккасида ўтириб, бутун ўтмишлари ва чириб, тўкилган шаън-шавкатлари устидан хандон ташлаб кулардим.

Ҳақиқатан, бамисоли тавба-тазарру тарифиботчилари ва телбаларга ўхшаб, уларнинг барча улуғ ҳамда кичик нарсалари устига ўз ғазабимни ёфдирдим. Сизнинг барча энг яхши нарсаларингиз шунчалар арзимас, барча ёмон нарсаларингиз ҳам шунчалар ҳеч нарсага арзимас! – деб қаҳ-қаҳ отиб кулдим.

Менинг доноликка интилишим мана шундай ҳайқирап ва кулар эди. Менда, ҳақиқатан ҳам, менинг ёввойи донолигим – қанотлари шувилланган, буюк интизорлигим бари тоғларда туғилган!

У мени кулги ичида тез-тез узоқларга, юксакликларга олиб кетарди, ўшанда мен қуёшдан мастона бўлган масаррат оша худди камон ўқи каби титраб учардим:

– ҳали биронта орзу ифода қилолмаган олис келажак сари, санъаткорлар орзу қилиб етолмаган иссиқ жануб сари, худолар раңс тушиб ҳар қандай лиbosлардан уяладиган томонлар сари учардим;

– мен шундай тимсоллар билан сўзлайман ва шоирларга ўхшаб, тутилиб фўлдирайман: ҳақиқатан, ҳали шоир ҳам бўлишим кераклигидан хижолатга тушаман!

Ҳар қандай тикланиш менга илоҳий раңс ва шўхлик бўлиб туюладиган, дунё эса озодликка бўшатиб юборилган, тизгинсиз, ўзи ўзига томон қочиб бораётгандай кўринадиган ўша ёқларга учардим.

Худди кўп илоҳлар ўзидан ўзи мангур қочиб бораётгандай ва яна ўзини янгидан қидириб, ўз-ўзига ҳалимона қарши чиқаётгандай, ўз-ўзига янгича бир эътибор билан қараб, яна ўзига кўп илоҳларни қайтараётгандай.

Қайда ҳар қандай вақт менга лаҳзалар устидан ҳалимона киноя бўлиб туюладиган, қайдада эркинликнинг тифи билан ҳалимона ўйнаган эркинликнинг ўзи зарурат бўлган ёқларда.

Қайдада мен кўхна чилтоним ва қаттол душманим – оғирчилик руҳини ҳамда у яратган барча зўравонлик, низом, зарурат, сабабият, мақсад, иродада, яхшилик ва ёмонликларни топдим.

Ахир устида ўйин тушиш мумкин бўлган нарсалар бўлмаслиги керакми? Ахир енгил ва ундан ҳам енгиллик мавжудлиги туфайли – юмронқозиқлар ва оғир қутқиллар бўлмаслиги керакми?

– Ўша ёқда мен йўлда «Аъло одам» деган сўзни топиб олдим ва билдимки, инсон енгиб ўтиш керак бўлган алланима экан.

– Одам яна кўприк экан, мақсад эмас; у ўзининг айни пешин ва оқшом чоғларидан янги тонг шуълалари сари элтадиган йўл каби қувонади:

Зардўштнинг буюк пешин ҳақидаги сўzlари ва мен яна одамга худди иккинчи қирмизи оқшом шафақларини илиб қўйганим каби.

Ҳақиқатан, мен уларга ҳатто янги юлдузлар ва янги тунларни кўриш имкониятини бердим; мен кунлар ва тунлар булувлар узра кулгини худди ранг-баранг чодир каби ёйиб қўйдим.

Мен уларни барча ўй-хаёлларимга ва орзу-хаёлларимга ўргатдим: одамда нимаики узук-юлук, ажойиб-гаройиб ва ўта тасодиф нарсалар бўлса, барини бирга жам қилиб, биргалиқда қўшиб олиб боришликни уларга ўргатдим, – шоир, жумбоқ ечувчи ва тасодифдан халос қилувчи каби мен уларни келажакнинг бунёдкорлари бўлишга ва барча бўлган нарсаларни эртароқ қутқаришга ўргатдим.

Одамда ўтмишни қутқариш ва «ўтган» нарсаларнинг ҳаммасини қайта ислоҳ қилиш, токи ниҳоят ироданинг ўзи айтсин: «Аммо мен шуни истадим! Мен шундай хоҳлайман».

Мен уларга буни халос бўлиш деб атадим, мен фақат ёлғиз мана шуни халос бўлиш деб аташга ўргатдим.

Энди мен уларнинг қошига охирги марта бормоқдик учун ўзимнинг халос бўлишимни кутмоқдаман.

Зотан, мен одамларга яна бир карра боргайман: мен улар ўртасида ўлишни истайман ва жон таслим қила туриб, уларга ўзимнинг энг бой тұхфамни қолдирмоқни хоҳдайман!

Энг саховатли яшиқ – қуёшдан ўргандим мен буни у ботаётганда: у битмас-туганмас хазиналадыдан денгизга ўз олтин зарраларини тинимсиз сочади, – шундайки:

– ҳатто энг йўқсил балиқчи ҳам қайигини олтин эшкак билан ҳайдайди! Мен буни бир сафар ўзим кўрганман ва шундай қараб турарканман, кўзимдан тинмай шашқатор ёшларим оққан.

Зардўшт худди қуёш мисол ботмоқ истайди: энди у мана шу ерда ўтириб кутяпти; унинг теграсида кўҳна, парчаланган лавҳалар, улар орасида янгилари, ярим ёзилганлари ҳам бор.

4

– Қара, манави янги лавҳ; аммо қани, қайдан менинг биродарларим, мен билан бирга уни во-дийга ва этдан бўлган<sup>18</sup> юракларга элтадиган?

Менинг буюк муҳаббатим энг олисдагиларга шундай жар соглай: аяб ўтирма ўз яқинларингни. Одам бу алланимадирки, уни енгиб ўтмоқ керак.

Енгиб ўтишнинг жуда кўп йўллари ва усувлари бор. Уларни ўзинг топ! Лекин фақат масхарабозгина: «Одамдан сакраб ўтиш мумкин», деб ўйлади.

Ўз-ўзингни ҳатто яқинингда ҳам енгиб ўт: сен ўзинг қозонишинг мумкин бўлган ҳақни сенга тутқизишларига йўл қўймаслигинг даркор!

<sup>18</sup> Этдан бўлган юрак – пайғамбар Иезекиилнинг китобида (11,19) Худо айтади: уларнинг темир юракларини олиб, ўрнига этдан бўлган юрак бердим.

Сен қилаётган нарсани бошқа ҳеч ким ўрнини қопполмайди. Билиб қўй, қасос деган нарса йўқ.

Ким ўзига буюролмаса, у бўйсуниши керак. Айримлар ўзларига ўзлари буюришлари мумкин, лекин ўзларига бўйсунишни билиш учун уларга ҳали қўп нарса етмайди!

5

– Олижаноблар қалбининг хусусияти буни шундай истайди: улар текинга ҳеч нарса исташмайди ва айниқса, ҳаётни.

Ким оломон ичидан бўлса, у текинга яшashi керак; бизга ҳаёт берилган, биз бошқалармиз, – унинг ўрнига яхшироқ нима бероламиз, доим шутўғрида ўйлаймиз!

Ҳақиқатан ҳам, «Ҳаёт бизга ваъда қилган нарсани биз ҳаёт учун адo этишни истаймиз», деб айтилган гап олижанобдир!

Лаззатга ўрин бўлмаган ерда лаззат қидириб ўтируманг. Инчунин – лаззат қилишни ҳам истаманг!

Зеро, лаззат ва маъсумлик – энг иболи нарсалардир: уларни қидириб юришларини истамайдилар. Уларга эга бўлинг, – лекин ўз айбини ва азобини қидирган яхшироқдир!

6

– О, биродарларим, ким тўнгич бўлса, у доим қурбонлик қилинади. Биз эса энди тўнгичлармиз.

Биз ҳаммамиз хуфия қурбонгоҳларда қонимиз силқиб оққан, биз ҳаммамиз кўхна санамлар шарафига ёнамиз ва қовуриламиз.

Бизнинг энг яхшимиз ҳали ёш; у қари танглайимизни ачитиб туради. Бизнинг гўштимиз майин, бизнинг теримиз фақат қўзичноқнинг териси – қандай қилиб биз эски санамларнинг коҳинларининг жаҳдини чиқармайлик!

Кўҳна санам коҳини ҳали бизнинг ўзимизда яшаяпти, у бизнинг энг яхшимизни ўз зиёфати учун қовуряпти. Оҳ, биродарларим, тўнғичларга қурбонлик бўлмасликнинг иложи борми!

Лекин бизнинг зотимиз шундай бўлишини истайди; ва мен ўзини аяшнинг пайида бўлмайдиганларни севаман. Мен ҳалок бўлаётганларни бутун муҳаббатим билан севаман: зеро, улар нариги томонга ўтадилар.

## 7

– Ҳақиқаттгўйлик – жуда оз кишиларга муюссар бўлади! Бу қўлидан келадиган, лекин ҳали истамайдиганлар бор! Лекин ҳаммадан ҳам яхши одамлар бунга қобил эмаслар.

О, бу яхшилар-ей! Яхши одамлар ҳеч қачон ҳақиқатни айтмайдилар; бундай яхши бўлиш руҳ учун – касаллик.

Ушбу яхшилар ён берадилар, бўйсунадилар, юраклари жўр бўлади, ақллари кўнади: лекин ким қулоқ солса, у ўз-ўзига қулоқ солмайди!

Ягона ҳақиқат туғилмоғи учун яхшиларда ёвуз деб аталадиган ҳамма нарса бирлашмоғи зарур, – о, азиз биродарларим, бу ҳақиқат учун сиз етарлича ёвуздисиз?

Ўт-олов жасорат, узоқ ишончсизлик, шафқатсиз инкор, тўйиб кетиш, ҳаёт томирларини қирқиши – бу камдан кам вақт бирга бўлади. Лекин бундай уруғдан – ҳақиқат туғилади!

Шу пайтгача бутун билим тоза бўлмаган виж-  
дон ёнида ўсди! Эй, билишни истовчилар парча-  
лаб, парчалаб ташланг кўҳна лавҳларни!

8

– Фўлалар сувда турганда, дарё узра кўприклар  
ва панжаралар ўтганда, – «Ҳамма нарса оқади», де-  
йилса, ўшанда ҳақиқатан ҳам, ҳеч ким ишонмайди.

Ҳатто ношудлар ҳам бунга қўшилмайдилар. «Бу  
қандай бўлди? – дейишади ношудлар, – қандай  
қилиб ҳаммаси оқади? Ахир дарё устидан ёғочлар  
ва панжаралар ўтказилган-ку!»

«Дарё узра бари мустаҳкам, нарсаларнинг  
бутун қиммати, кўприклар, тушунчалар, барча  
«яхши» ва «ёмон» – ҳаммаси мустаҳкам!»

Қаттиқ қиши келиб, дарёлар муз билан қоплан-  
ганда, – бу пайтда истеҳзо қилувчилар ҳам шубҳа-  
лана бошлийдилар; ўшанда ношудлардан бошқалар  
ҳам тилга киради: «Ҳаммаси жойида эмасми?»

«Асосан ҳаммаси жойида», бу ҳақиқий қишининг  
таълими, у беҳосил вақт учун қулай, қишида уйқуга  
кетадиган, печ устида ётадиган такасалтанглар  
учун жуда бол.

«Асосан ҳаммаси жойида» – лекин эрувгарчи-  
лик шамоли буни инкор этяпти!

Эрувгарчилик шамоли – бу қўтос, лекин ер  
ҳайдовчи эмас, балки қутурган қўтос, у бузғунчи,  
жаҳлдор шоҳлари билан музларни парчалайди!  
Муз эса – кўприкларни синдириб ташлайди!

О, азиз биродарларим, энди ҳаммаси оқма-  
яптими? Кўприклар ва панжараларнинг бари  
сувга тушмадими? Ким яна «Яхшилик» ва «Ёмон-  
лик»нинг этагидан тутиб ўтиради?

«Вовайло! Хайрли бўлсин! Илиқ шамол эсяпти!»  
– биродарларим, барча кўчаларда шу сўзларни  
тарғиб қилиб юрингиз!

9

Кўҳна бир телбалик бор, у яхшилик ва ёмонлик  
деб аталади. Шу пайтгача бу телбаликнинг фиди-  
раги башоратгўйлар ва муナжжимлар атрофида  
айланиб келган.

Бир пайлар башоратчилар ва мунажжимларга  
ишонардилар: ишонишларининг боиси: «Бари  
– толедан: сен қилишинг керак, зотан, шундай  
бўлиши керак!»

Кейин яна барча башоратчилар ва мунажжим-  
ларга ишонмай қўйиши; чунки улар амин бў-  
лишдики: «Бари – Эркинликдан: сен қила оласан,  
чунки сен шуни истайсан!»

О, азиз биродарларим, юлдузлар ва келажак  
ҳақида фақат хаёл қилас, лекин уларни билмас  
эдилар; шунинг учун ҳам яхшилик ва ёмонлик  
ҳақида шу пайтгача орзу қилдилару, лекин улар-  
ни билмадилар!

10

«Сен талончилик қилмаслигинг керак! Сен  
ўлдирмаслигинг даркор!» – бундай сўзлар бир  
пайлар муқаддас деб аталарди; улар қаршиси-  
да бошларини эгар, тиз чўкар ва улар ҳузурига  
оёқларини ечиб кирадилар.

Лекин сизлардан сўрайман: бу сўзлар, айниқса,  
муқаддас саналган вақтларда дунёда қароқчилар  
ва қотиллар ҳаммадан ҳам кўп бўлмаган эдими?

Ахир ҳаётнинг ўзида талончилик ва одамкүшлик йўқми? Ва ўша сўзларни муқаддас деб ҳисоблаш ҳақиқатнинг ўзини ўлдириш, дегани эмасми ахир?

Ҳар қандай ҳаётга зид ва қарама-қарши бўлган нарсани муқаддас деб санаш – бу ахир ўлим тарғиботи эмасмиди? – О, азиз биродарларим, кўҳна лавҳларни парча-парча қилиб ташланг!

## 11

Мен бутун ўтмишга ачинаман, зеро, у ўзбошимчалик қўлига топшириб қўйилган:

– у ҳар бир авлоднинг раҳм-шафқати, руҳи ва телбалигининг ўзбилармонлиги қўлига бериб қўйилган, авлод эса дунёга келиб бўлиб ўтган барча нарсаларни худди ўзи учун кўприкдай талқин этади!

Улуғ бир мустабид, маккор жаллод келади-да, ўзининг шафқати ва шафқатсизлиги билан бутун ўтмиш устидан зўравонлик ўтказади – то ўтмиш унга кўприк, башорат, тамға ва хўроз қичқириғига айланмагунча шундай қиласеради.

Лекин, қаранг, бошқа бир хавф ҳам бор ва мен афсус билдираман: оломон орасидагиларнинг хотираси бобосидан нарига ўтмайди, – бобоси билан бирга унинг учун вақт тугайди.

Шундай қилиб, бутун ўтмиш ўзбошимчаликка қурбон келтирилган: зеро, бир кун келиб оломон хўжага айланиши ва ҳар қандай вақт саёз сувга чўкиб кетиши мумкин.

Шунинг учун ҳам, о, азиз биродарларим, ҳар қандай оломон ва ҳар қандай мустабидликка қарши бўлган янги зодагонлар керак ва бу зо-

дагонлар янги лавҳларга яна «Олижаноб» деган сўзни қайтадан ёзиб қўйгай.

Зеро, зодагонлар вужудга келмоғи учун жуда кўп олижанблар ва турли-туман олижанблар керакдир! Ёхуд мен бир сафар тимсол келтириб айтганимдай, «Худо эмас, худолар борлиги учун илоҳийлик мавжуддир!»

## 12

О. биродарларим, сизларга янги зодагонликни бераман: сиз бунёдкор ва мураббий – келажакнинг деҳқонлари бўлмоғингиз керак:

– мен сиз савдогар каби савдогарнинг олтини эвазига сотиб олишингиз мумкин бўлган зодагонликни айтиётганим йўқ: зеро, ўз баҳоси бўлган барча нарсалар қиммати жуда оздир.

Сизнинг шарафингизни бундан буён қаердан келаётганиларингиз эмас, қаерга бораётганингиз белгилаб турсин! Сизнинг иродангиз ва сизнинг ўзингиздан ҳам илгарироққа ташлаган қадамларингиз – бундан буён мана шулар сизнинг янги номусингиз бўлгай!

Ҳақиқатан, сизнинг ҳукмдорга хизматингиз эмас – ҳукмдорлар энди ким бўпти ўзи! – Ёхуд ҳозир қойим турганга, у янада мусти маҳкам турмаги учун замин бўлганингиз эмас!

Сизнинг зотингиз саройларда саройбон бўлиб олганлиги ва сиз худди қизил роз каби бўялиб-безжалиб саёз ҳовузларда соатлаб туришга ўрганганиларингиз эмас.

– Зеро, тик оёқда тура билиш саройбонларнинг хизмати; ва барча саройбонлар ўлгандан кейин-

ги роҳатга – ўтиришга ижозат ҳам киради, деб ишонадилар!

Шунингдек, улар муқаддас деб атаган руҳ сизнинг аждодларингизни аҳд қилинган ерларга элтганлиги ҳам эмас, бинобарин, мен бу ерларни сизга ваъда ҳам қилолмайман: зеро, дарахтлар ичида энг бадтарини – хоч ўсган ер бўлса – бундай ернинг мақтайдиган ҳеч бир нарсаси йўқ!

– Ҳақиқатан, бу «Муқаддас руҳ» ўз валломатларини қаерга бошламасин, бундай юришларнинг бошида, албатта доимо – эчкилар ва гозлар, телбалар ва ақддан озганлар чопиб боргандар!

О, биродарларим, сизнинг зодагонларингиз орқага эмас, одинга қарashi керак! Оталарингиз ва аждодларингиз юртидан сиз ҳайдалган бўлишингиз керак!

Сиз ўз фарзандларингиз мамлакатини севмоғингиз даркор: бу муҳаббат сизнинг янги зодагонингиз бўлсин, – у мамлакат ҳали очилмаган, энг узоқ денгизларда ётган мамлакатdir! Қани майлига, сизнинг елканларингиз уни қидирсан, қидираверсан!

Сиз оталарингиз фарзанди эканлигинги ўз фарзандларингиз билан оқлашингиз даркор: шу йўл билан сиз бутун ўтмишни қутқаришингиз керак! Ушбу янги лавҳни мен сизнинг бошингиз узра кўтаргайман!

## 13

«Яшаш не ҳожат? Бари – буҳуда! Яшаш – бу сомонни майдалаш демакдир, яшаш – ўз-ўзини ёқмоқ ва бари бир ҳароратдан бебаҳра қолмоқдир».

Бу кўҳна гапдонлик ўзини «Донишманд» қилиб кўрсатади; қариб-чуриганлиги ва мотор ҳиди

анқиб тургани учун уни янада эъзозлашади.  
Ҳатто мөгор ҳам олижаноброқ қилиб кўрсатади.

Болаларгина мана бундай сўйлашлари мумкин:  
улар ўтдан қўрқадилар, зотан, у уларни куйдирди!  
Эски донишмандлик китобларида болаларча  
гаплар кўп.

Ким ҳар доим «Сомон янчган» бўлса, унинг  
сомон майдалашни ёмонлашга нима ҳақи бор?  
Бундай тентакларнинг оғизларини боғлаб қўйиш  
керак эди!

Улар дастурхонга ўтирадилару ўзлари билан  
ҳеч вақо олиб келмайдилар, ҳатто соғлом иштаҳа  
ҳам йўқ; лекин, мана, ёмонлайверадилар: «Бари  
– беҳуда!»

Лекин яхши ейиш ва яхши ичиш бу ҳақиқатан  
ҳам, унча-мунча нарса эмас, биродарларим! Ҳеч  
қачон хурсанд бўлолмайдиганларнинг лавҳлари-  
ни парча-парча қилиб ташлангиз!

## 14

«Тозага ҳаммаси тоза» – халқ шундай дейди.  
Лекин мен сизга шундай дейман: чўчқаларга  
ҳамма нарса чўчқага айланади!

Шунинг учун ҳатто юраклари ҳам сўлган қу-  
турганлар ва авлиё сифатлар шундай тарғиб  
қилишади: «Дунёning ўзи ифлос махлук».

Зеро, уларнинг барининг руҳлари тоза эмас;  
айниқса, на тинчлиги ва на хотиржамлиги  
йўқлар, мабодо дунёning орқасидан кўрмасалар  
агар, – булар бари нариги дунёчилардир!

Гарчи бу унчалар илтифотдан бўлмаса ҳам,  
мен уларнинг тўғри юзига қараб туриб айтаман:

дунё одамга шуниси билан ўхшайдыки, унинг ҳам орқаси бор – ва фақат қанчалар бу түгри!

Дунёда ифлослик жуда кўп ва фақат қанчалар бу түгри! Лекин шу боисдан дунёниг ўзи ҳали ифлос махлуқ эмас!

Дунёда кўп нарсалар қўланса ҳид тарқатади, бунинг ҳам ўз ҳикмати бор, – лекин нафратнинг ўзи манбаларни аниқлаб берувчи қанотлар ва куч-қувватларни яратади!

Хатто энг яхши нарсаларда аллақандай нафратланарли томонлари бор; ва ҳатто энг яхши одам ҳам енгиб ўтиш керак бўлган алланимадир!

О, биродарларим, дунёда ифлосликниг қўплиги-да ҳикмат ҳам кўп!

## 15

Тақводор нариги дунёчилар ўз виждонларига қандай гапирғанларини эшитдим. Чиндан бунда фазаб ва ёлғон йўқ эди, – гарчи ўзи дунёда бундан ортиқ фазаб ва ёлғон топилмайди.

«Дунёга дунёлигини қўйиб бер! Унга қарши ҳатто жимжилогингни ҳам кўтарма!»

«Ким одамларни бўғиб, саншиб-яншиб, терисини шилиб ётган бўлса ҳам, майли, қўявер – уларга қарши ҳатто жимжилогингни ҳам кўтарма! Улар шу тариқа дунёдан юз ўгиришга ўрганадилар».

«Сенинг ўзингга тегишли ўз ақдинг – уни сен ўзинг бўғиб ташла: зеро, бу айни шу оламнинг ақли, – худди шу тариқа сен ўзинг дунёдан воз кечишга ўрганасан».

– Парчаланг, парчаланг, о, биродарларим, тақводорларнинг бу кўҳна лавҳаларни! Бўхтончи-ларнинг дунёга туҳматларини тўзғитиб йўқотинг!

«Ким кўп ўқиса, ҳар қандай кучли истакдан маҳрум бўлади» – бугун барча қоронгу кўчаларда шуни пицирлашади.

«Донолик одамни чарчатади, ҳеч нарса тақдирланмайди; сен истамаслигинг керак!» Ушбу янги лавҳни мен ҳатто бозор майдонларида ҳам осиб қўйилганини кўрдим.

Парчаланг, о, биродарларим, ушбу янги лавҳни ҳам парчалаб ташланг! Дунёнинг ҳоргинлари, ўлим тарғиботчилари ва зинданбонлар уни илиб қўйишган: зотан, кўринг ўзингиз, бу қулликка даъват этувчи тарғибот ҳамдир!

Бинобарин, улар ёмон ўқиганлар, яхши нарсаларни ўрганмаганлар, бунинг устига ҳаммасига жуда эрта ва ҳаддан ташқари тез ўрганишган: зотан, улар ёмон таом еганлар, шунинг учун қоринлари издан чиққан,

– зотан, ишдан чиққан қорин уларнинг руҳидир: у ўлимга чақиради! Зотан, чиндан ҳам, биродарларим, руҳ бу қориндир!

Ҳаёт қувонч чашмаси; лекин кимнинг ишдан чиққан қорни, қайфунинг ушбу отаси сўйлаб турган бўлса, унда унинг учун барча булоқлар айнигандир.

Билиш – арслон иродасига эга бўлган кимса учун қувончдир! Лекин ким ҳориб қолган бўлса, унинг ўзи фақат «Ироданинг нарсаси»га айланади, у тўлқинларда писта пўчоғидек бўлиб қолади.

Ожиз одамлар доим шундай бўладилар: улар ўз йўлларида бошларини йўқотиб қўядилар. Ва ниҳоят, ҳоргинлик улардан яна сўрайди: «Нега

қачонлардир биз йўлларда юрдик? Ҳамма ерда ҳаммаси бир хил!»

Уларга шундай деб тарғиб қилиш ёқади: «Ҳеч нарса тақдирланмайди! Ҳеч нарсани истамаслик керак!» Лекин бу қулликка чақирувчи даъватdir.

О, биродарларим, Зардўшт барча ўз йўлларида чарчаб қолганларга худди сарин шамол насими каби етиб боради; у ҳали кўп димоқдарни акса урдиргай!

Менинг озод нафасим ҳатто деворларни ҳам ёриб ўтади, зинданларга ва асоратдаги ақлларга кириб боради!

«Истамоқ» одамни озод қилгай: зеро, истамоқ бу яратмоқ деганидир, – мен шундай таълим берурман. Ва сиз фақат яратиш учунгина таълим олишингиз керак!

Сиз менда ҳатто таълим олишга ҳам ўрганиб олишингиз ва жуда яхши ўрганишингиз керак!  
– Кулоғи бор эшитгай!

## 17

Кема тайёр – сен балки нариги ёқда буюк Ҳеч нима сари етарсан. – Лекин ким бу «Балки» деган нарсага киришни истайди?

Ичингизда ҳеч ким ўлим кемасига тушишни хоҳламайди! Унда сиз қандай қилиб дунё ҳоргинлари бўлмоқни истайсиз!

Дунёнинг ҳоргинлари! Сиз ҳали ҳатто ердан юз ўгирганингиз йўқ! Сизни доим ерга ҳирслли бўлган ҳолда топганман, сиз яна ўзингизнig ер ҳоргинлигингизни севасиз!

Сизнинг лабингиз бекорга осилиб тушмаган: унда ҳали кичкинагина тирик истак зуҳур қил-

моқда! Кўзингизда эса – кўзингизда унутилмаган тирик қувончлар хумор кезмаяптими?

Ер юзида яхши кашфиётлар кўп, уларнинг бир хиллари фойдали, бошқалари одамга ёқади; уларни деб ерни севиш мумкин.

Яна кўп ихтиrolар шунчалар яхшики, худди аёл кўксига ўхшарлар, – бир пайтнинг ўзида ҳам ёқимли, ҳам фойдали.

Сизни эса дунёдан чарчаганлар ва ялқовлар! Сизни боплаб таёқлаш керак! Дарра уриб оёқдaringизни яна чопафон қилиб қўймоқ даркор.

Зоро, мабодо сиз ерни чарчатган касал ва умри битган жониворлар бўлмасангиз, унда сиз айёр танбаллар ёки ўғринча боқувчи, пусиб турувчи, ҳирси жунбушга келувчи мушуклардирсиз. Ва мабодо сиз яна шод-хуррам юргилашни истамасангиз, унда – йўқ бўлганингиз маъқул!

Давосиз дардга чалинганларга табиб бўлишнинг ҳожати йўқ. Зардўшт шундай таълим берур, – шунинг учун сиз йўқолишингиз керак!

Лекин янги байтни зўраки тўқиб чиқаргандан кўра, ҳаммасини тутатмоқ учун кўпроқ матонат зарур, – буни барча табиблар ва шоирлар биладилар.

## 18

О, биродарларим, ҳоргинлик яратган лавҳлар бору чириган танбаллик бино қилган лавҳлар бор, – улар гарчи бир тусда сўзласалар-да, лекин уларни бир тусда тингламасликларини истайдилар.

Кўринг анов ташнаком бўлганни! Унинг ўз мақсадига етиб боришига фақат бир қадам қолган, лекин бу қаҳрамон камоли ҳолдан тойиб қайсарлик билан чанг-тўзонга думалаб қолди!

Шундай ҳолдан тойганки, азбаройи ўз йўлига, ерга, мақсадига ва ўз-ўзига қараб эснагани эснаган: бу қаҳрамон сал нарига бир қадам ҳам қўймоқчи эмас!

Э-ҳа, мана уни қуёш жизғанак қилади, итлар дувиллаб оққан терини ялайди; лекин у бунда қайсалик билан ётиб, ташналиқда ўртанишни истайди;

– ўз мақсадидан бир қадам нарида ташнаком ўртанади! Ҳақиқатан, ҳали бу қаҳрамонни сочидан ушлаб унинг осмонига олиб чиқишингиз керак!

Аммо яхписи, уни ўша ётиб қолган ерида қолдиринг. Сарин ёмғир шовқинлари билан бирга унга тасалли берувчи уйқу келгай.

Ўзи уйғонмагунча ётган жойидан турғазманг, – токи у ҳар қандай ҳорғинликдан ва ҳорғинлик ўргатган нарсалардан воз кечмагунча!

Фақат, биродарларим, ундан итлар, танбал муғомбирлар ва бутун фавро солган оломонни қувиб юборингиз;

– ҳайдангиз ўша қаҳрамонлар тўккан терни ялайдиган бутун ғала-ғовур оломон – «Маданиятли» одамларни!

## 19

Мен ўз атрофимдаги ҳалқалар ва муқаддас ҳудудларни бирлаштираман; мен билан олдингидан юксакроқ тоғларга бирга чиқадиганлар тобора сийрак; олдингидан кўра муқаддасроқ тоғлардан мен ўз тизма чўққиларимни тузаман.

Аммо сиз мен билан бирга қаерга кўтарилишни истаманг, о, биродарларим, – қарангиз, сиз билан бирга қандайдир текинхўр чиқмасин!

Текинхўр – бу қурт, иланг-билинг судралган, у қалбингизнинг жароҳатли, оғриқли жойларида макон қуриб семиришни истайди.

Унинг ҳунари шундаки, юксалаётган қалблар қайда ҳорғанлигини сезади; у сизнинг дардингиз ва норозилигингида, сизнинг инжа уятчанлигингида ўзининг манфур уясини қуради.

Кучли ожиз бўлган, олижаноб эса ўта юмшоқ бўлган ерда у ўзининг манфур уясини ясайди: текинхўр буюк одам юрагининг дардли ерларида яшайди.

Жамики борлиқнинг энг олий тури қайси ва энг қуий тури қайси? Текинхўр – энг тубан тур; лекин ким энг олий турга мансуб бўлса, у энг кўп текинхўрларни боқади.

Зотан, энг узун нарвонга эга кўнгил: – у энг қуиларга тушмоғи мумкин, – шундай экан, унда энг кўп сонли текинхўрлар ўтирумай не қиссин ахир?

– Жуда олисларга югура оладиган, ўз-ўзида дайдиб, адashiб, ўзини тўрт томонга урадиган энг бағирдор кўнгил; ўз ҳузури учун тасодифотлар бағрига отиладиган кўнгил;

– тикланишга шўнгийдирган бору борлиқ кўнгил; ирода ва истак бағрига киришни истовчи эгалик кўнгил;

– ўз-ўзидан қочиб боргувчи ва кенг давра солиб ўз-ўзига қувиб етгувчи кўнгил; телбалик оҳиста ўзига томон чорловчи, энг оқил кўнгил;

– ҳамма нарсалар ўз оқимини ва ўз аксил оқимини, ўз кўтарилиши ва тушишини топадиган, ўзини бениҳоят севадирган кўнгил, – о, энг юксак кўнгилда қандай қилиб текинхўрларнинг энг текинхўрлари бўлмаслик мумкин?

О, биродарларим, наҳот мен бешафқат бўлсам?  
Аммо мен дейманки, нима қулаётган бўлса, уни  
ҳали итармоқ керак!

Бугундан бўлмиш неки бор – бари қулагандан  
кулар: ким уни тутиб қола биларди! Лекин мен –  
мана мен уни яна итариб юборишни истайман!

Сиз тошларни тик қиядан думалатиш роҳатини  
сезганимисиз? – Манави ҳозирги одамлар: ўзингиз  
кўринг уларни, менинг қаърларимга қандай қулаб  
борадилар!

Мен энг яхши ўйинчилар учун дебочадирман,  
холос, о, биродарларим! Ибратми! Мендан ибрат  
олиб қилингиз!

Ва кимники учишга ўргатмабсиз, уни тезроқ  
кулашга ўргатинг!

Мен мардларни севаман; лекин қиличбоз бў-  
лишнинг ўзи етарли эмас. Кимга қилич солишни  
ҳам билмоқ керак!

Кўпинча одам ўзини тутиб қолади ва четлаб  
ўтиб кетади. Бу билан ўзини бошқа муносиброқ  
ғаним учун сақладайди. Мана шунда кўпинча энг  
катта мардлик бор!

Душманларингиз шундай бўлиши керакки,  
сиз майли, уларни кўргани кўзингиз йўқ, лекин  
сизга жирканч туюладиган, сиз нафратланади-  
ган душман-душман эмас. Шундай бўлсинки, сиз  
душманингиздан фурурланинг, – мен бир сафар  
шундай ўтит бергандим.

Сиз бошқа муносиброқ душман учун ўзингизни эҳтиёт қилишингиз керак, о, оғайниларим; шунинг учун сиз кўп нарсаларнинг ёнидан ўтиб кетмоғингиз керакдир;

– айниқса, сизнинг қулоғингизга халқ ва халқлар ҳақида қичқирадиган сон-саноқсиз қаланғи-қасанғилар ёнидан ўтиб кетмоқ жойиз.

Уларнинг «Ҳа» ва «Йўқ»ларидан кўзингизни покиза сақлангиз! Унда кўп адолатли ва кўп адолатсиз нарсалар мавжуд: кимнинг кўзи у ёқча тушса, фазабга минади.

Бир қараб, сўнг узуб ташлаш – бу бир лаҳзалик иш: шунинг учун ўрмонларга кетинг ва қиличингизни қинига солинг!

Ўз йўлингиздан борингиз! Халқ ва халқларга ўз йўлларидан боришларига қўйиб берингиз. Ҳақиқатан, у йўллар бирон-бир умид билан ёримаган йўллардир!

Савдогар майли, ҳамма нарса ялтираган ерда савдосини қиласверсин, – савдогарнинг олтини бор. Қиролларнинг вақти ўтди: бугун халқ деб аталган нарса қиролларга арзимайди.

Кўрингиз, ўша халқларнинг ҳаммаси савдогарларга ўхшашга ҳаракат қилмоқда: улар ҳар қандай чиқиндидан озгина бўлса ҳам фойда олишни кўзламоқда!

Улар бир-бирларини кузатиб, таъқиб қилиб турадилар, пойлаб турадилар бир-бирларини – буни улар «Яхши восита» деб атайдилар. О, қайда қолди ҳалим олис замонлар! У чоғларда халқ ўз-ўзига шу сўзларни айтарди: «Мен халқлар устидан – ҳоким бўлишни хоҳлайман!»

Зотан, биродарларим, энг яхши нарсалар ҳоким бўлмоғи керак, энг яхши нарсалар ҳоким

бўлишни ҳам истайди! Қаердаки, таълим шундан ўзгача бўлса, демак, у ерда – энг яхши нарса йўқ.

**22**

Агарда манавилар – текин нон топсалар эди, эвоҳ! Унда нима деб қичқирадилар! Уларнинг барча гап-сўзларининг ҳақиқий озуқаси – мана шу уларнинг таъминоти; майли, бу таъминотга улар қийинчилик билан эга бўлсинлар!

Улар йиртқич ҳайвонлардир: уларнинг «Ишлаш керак» деган сўзларида – талаш керак деган маъно эшитилади, уларнинг «Пул топиш керак» деган сўзларида лақиллатиб кетиш деган маъно қулоққа чалинади. Шунинг учун таъминотга майли, қийинчилик билан эга бўлсинлар!

Шундай улар энг яхши йиртқич ҳайвонга айланишлари, одамга янада ўхшаганроқ, ундан янада муғамбирроқ, янада ақдлироқ бўлишлари керак: зеро, одам энг яхши йиртқич ҳайвондир.

Инсон барча ҳайвонларнинг яхшиликларини ўғирлаб бўлди; шунинг учун ҳамма ҳайвонлардан кўра одамга унинг таъминоти жуда қийинчилик билан қўлга киради.

Фақат ҳали қушлар ундан юқорироқдир. Агарда инсон яна учишни ҳам ўрганиб олганда эди, эвоҳ! – унинг йиртқичлиги қаерларга учиб бормасди, дейсиз!

**23**

Мен эркак ва хотинни шундай қўришни истайман: бири урушга, иккинчиси бола туфишга

қобил бўлсин. Шу билан бирга ҳар икковларининг бош ва оёқлари ўйинга тушиб турсин.

Бир марта ҳам ўйинга тушмаган кунимиз биз учун тамом йўқолган кун бўлгай! Кулгиси бўлмаган ҳар қандай ҳақиқатни майли, биз ёлғон деб атайлик!

## 24

Сизнинг никоҳдан ўтишингиз: қараб туринг, у ёмон ўтиш бўлиб чиқмасин! Сиз никоҳдан жуда тез ўтдингиз: бундан хулоса чиқадики, никоҳ ҳаром бўлди!

Никоҳни эгиб-букиб, ёлғон-яшикъа чиқаргандан кўра, уни ҳаромга айлантирган ҳам яхшироқ! – дерди менга бир хотин: «Ҳа, мен никоҳни таҳқирладим, лекин никоҳ аввал мени таҳқирлади!»

Энг чатоқ эр-хотинларни мен доим ўч олишга жуда шай ҳолда кўрдим: улар ҳар бири ўз йўлига алоҳида кетолмагани учун бутун тумонат оламдан ўч олиш пайида бўлишади.

Шунинг учун мен ҳалол одамлар бир-бировларига шундай деб айтишларини хоҳлардим: «Биз бир-биrimizni севамиз; кўрайлик, бир-биrimizni севишимиз қанча давом этаркин! Ёки бизнинг ваъдамиз яхши ўйланмаган иш бўлиб чиқармикин?»

– «Бизга муҳлат беринг, қисқа вақтга кўшилайлик, кўрайлик, узоқ муддатли бош қовуштиришга биз яраймизми, йўқми! Доим икковлон жуфт бўлиб яшамоқ улуф иш!»

Мен барча ҳалол одамларга шундай маслаҳат бераман; агарда мен бундан бошқача маслаҳат берган ёки гапирганимда эди унда барча келиши

кутилаётган нарсаларга ва аъло одамга менинг  
муҳаббатим нима бўларди!

Ёлғиз кенглиқка эмас, юксакликка қараб ҳам  
ўсишга – о, биродарларим, жуфти ҳалолликнинг  
бўстони сизга мададкор бўлсин!

25

Кўп, кўхна булоқлардан донолик орттирганлар,  
улар охир-оқибат келажакнинг чашмалари ва  
янги булоқларни қидиурлар.

О, биродарларим, яна оз вақтдан сўнг янги  
халқлар дунёга келурлар ва янги чашмалар шо-  
вуллаб янги теранликлар сари қуюлиб борурлар.

Зеро, зилзила – кўп қудуқларни кўмиб юборгай  
ва кўп ташналиқдан зор бўлганларни яратгай;  
аммо шу билан бирга у ичкаридаги кучлар ва  
сир-асрорларни ёруғликка олиб чиққай.

Зилзила янги булоқларнинг кўзини очгай.  
Кўхна халқлар ларзага тушганда, янги булоқлар  
отилиб чиқгай.

Ўшанда ким: «Қара, бунда кўп ташналар учун  
битта ягона булоқ, кўп интизорлар учун битта  
ягона юрак, кўп қуроллар учун битта ягона ирода  
мавжуд», – деб хитоб айласа, унинг атрофида халқ  
йиғилгай яъни кўп синовдагилар жам бўлгай.

Ким амру фармонга, ким тобелик, бўйсунишга  
қобил – ана ўша ерда синовдан ўтади! Оҳ, қанча  
узоқ излашлар, омаду омадсизликлар, ўрганиш-  
лар ва яна янгидан уринишлар бўлади!

Инсонлар жамияти: бу бир уриниш, мен шундай  
таълим бераман, – жуда узоқ изланиш; лекин у амру  
фармон берувчини кутади!

– Уриниб кўриш, о, биродарларим! Лекин «Шартнома» эмас! Парчаланг, парчаланг, юмшоқ ва юраксиз кўнгиллар ва чала-ярим кимсалар-нинг ушбу сўзини!

26

О, биродарларим! Бутун инсониятнинг келажагига энг катта хавф-хатар кимда мужассамдир? Яхшилар ва тақводорларда эмасми?

– Ким: «Биз энди нима яхшию нима тақво эканлигини биламиз, биз шунга эришдик; бу ерда ким яна қидираётган бўлса, шўри қурсин!» – деб айтадиган ва кўнгли билан сезадиганлар эмасми?

Ёмонлар қандай зиён келтирмасинлар, – яхшилар зиёни – энг зиёнкор зиёндир!

Ва туҳматчиilar дунёга қанча зиён-захмат келтирмасинлар, – яхшиларнинг зиён-захмати – энг оғир зиён-захматдир.

О, биродарларим, ким бир замонлар яхшилар ва тақводорларнинг кўнглига қараб туриб шундай деган: «Булар – фарзийлар». Аммо уни тушунишмаган.

Энг яхшилар ва тақводорлар уни тушунмасликлари керак эди; уларнинг руҳи тоза виждонла-рига асир тушгандир. Яхшиларнинг аҳмоқлиги тузатиб бўлмас даражада ақдли.

Лекин манави ҳақиқат-чи: яхшилар фарзий бўлишлари керак, уларга бошқа йўл йўқ!

Ким ўзига мансуб эзгуликни топган бўлса, яхшилар уни тепкилаб ташламоқлари жойиз! Бу – ҳақиқат!

Уларнинг мамлакатини, яхшилар ва тақводорларнинг қалби ва заминини иккинчи бўлиб очган

кимса: «Улар кимни ҳаммадан кўра қўпроқ ёмон кўрадилар?» – деб сўроқдаган зот эди.

Улар ҳаммадан ортиқ бунёдкорни ёмон кўришади: лавҳдар ва кўхна қадриятларни парчалаб ташловчи бузғунчини ёмон кўришади ва уни жиноятчи деб аташади.

Зотан, яхшилар – яратолмайдилар: улар ҳар доим охирнинг ибтидосидир.

– Улар янги лавҳарда янги қадриятларни ёзадиганларни тепкилашади, улар келажакни ўзларига қурбон келтиришади, – улар бутун инсоният келажагини тепкилашади!

Яхшилар – ҳар доим охирнинг ибтидоси бўлганлар.

27

О, биродарларим, сиз бу сўзни ҳам тушуниб олдингизми? Мен бир сафар «Охирги одам» ҳақида нима деган эдим?

Инсоният келажагига энг катта хавф-хатар кимда ётибди? Яхшилар ва тақводорларда эмасми?

Парчаланг, парчаланг яхшилар ва тақводорларни! – О, биродарларим, сиз бу сўзни ҳам тушундингизми?

28

Сиз мендан қочяпсизми? Қўрқиб кетдингизми?  
Сиз бу сўздан титраб-қалтираб қолдингизми?

О, биродарларим, мен сизга яхшилар ва уларнинг лавҳарини парчалашни буюрганимда, – ўшанда мен биринчи маротаба инсонни унинг очиқ денгизида сузишга қўйиб юбордим.

Мана энди унга буюк қўрқинч, буюк эҳтиёткорлик, буюк оғриқ, буюк нафрат, буюк денгиз касали етиб боряпти.

Яхшилар сизга сароб соҳиллар ва рўё хавфсизликни кўрсатган эдилар; Сиз яхшиларнинг ёлғонларида туғилган ва шу ёлғонларга чулғанган эдингиз. Яхшилар ҳамма нарсани таг тубигача бузиб, айнитганлар.

Лекин ким «Инсон» деган ерни очган бўлса, у «Инсоният келажаги» деган ерни ҳам очгандир. Энди сиз жасур ва собир денгизчилар бўлмоғингиз даркор!

Ўз вақтида тўғри юринг, о, биродарларим, тўғри юришни ўрганинг! Денгиз сурон соляпти: яна тик турмоқ учун кўплар сизга муҳтож.

Денгиз сурон соляпти: бари денгизда. Майлига! Олға! Эй, сиз денгизчиларнинг кўҳна юраги!

Диёр билан не ишингиз бор! У ёқда кемамиз олга босади, у ёқда бизнинг болаларимизнинг диёри! У ёқда, поёнсиз кенгликларда, денгиздан ҳам ғала-энлироқ бизнинг буюк соғинчимиз сурон солади!

## 29

«Мунча қаттиқсан! – деди бир куни писта кўмир олмосга. – Ахир биз яқин қариндошлар эмасмизми?»

Мунчалар юмшоқ? О, биродарларим, мен сиздан шундай сўрайман: ахир сиз менинг оғайниларим эмасми?

Нега мунча юмшоқ, мунча тобе ва мунча бўштобсиз? Нега сизнинг қалбинингизда мунча кўп инкор, эътиroz, воз кечиш? Нега мунча оз кўзингизда толе?

Агарда сиз қисматни маҳкам тутиб, қатъият билан қайтмас бўлиб турмасангиз, қандай қилиб бир кун келиб мен билан бирга ғалаба қилурсиз?

Мабодо агар сизнинг қатъиятингиз ярақлаб, кесиб, қоқ иккига ажратиб ташламаса, унда қандай қилиб бир кун келиб мен билан бирга бунёд қила оласиз?

Барча бунёдкорлар айни метин кабидирлар. Минг йилликларга худди шам каби қўлингизни қўйишингиз сизга ажиб роҳат бўлиб туюлиши мумкин.

– Минг йилликларнинг иродасига худди қурч мисоли ёзмоқнинг роҳати. Бу қурчдан кўра муҳкамроқ, қурчдан кўра олижаноброқдир. Фақат энг олижаноб нарсаларгина мустаҳкамликда баркамолдир.

О, биродарларим, ушбу янги лавҳни сизга атайман: қаттиқ бўлингиз!

## 30

О, менинг иродам! Сен барча кулфатлардан қутулиш, сен менинг муқаррарлигимсан! Мени ҳар қандай майда ғалабалардан ўз паноҳингда аспа!

Сен қалбимнинг чекига тушгансан, мен буни қисмат деб атайман! Сен мендасан! Устимдасан! Мени ягона буюк тақдир учун сақла ва эҳтиёт қил!

О, иродам менинг ўз ғалабангда қаттиқ турмоқ учун ўзингнинг энг сўнгги улуғлигингни охирига сақлаб қўй! Оҳ, ким ўз ғалабасига асир бўлмабди!

Бу хумор оқшомларда кимнинг кўзи қораймабди! Оҳ, кимнинг оёғи қоқилмабди, ғалаба чофида – тик туришни ёдидан чиқармабди!

Ха, мен тайёр бўламан ва буюк туш чоғи етиламан: худди тобланиб оқарган мис каби, чақмоқлар хирқираган булат каби, сутдан тирсиллаган елин каби:

– ўз-ўзим учун ва ўзимнинг энг орзуланган иродам учун тайёр бўламан: ўз ўқига алангаланган ёй мисоли, ўз юлдузига алангаланган ўқ мисоли;

– қуёшнинг маҳв этувчи ўқлари олдида алангаланган, илма-тешик бўлган, ҳалимланган, ўз туш чоғида тайёр бўлган ва етилган юлдуз мисоли;

– ғалабасидан маҳв бўлиб кетишга тайёр худди қуёшнинг ўзи ва унинг қатъий иродаси мисоли!

О, ирода, барча кулфатлардан қутулиш, муқаррар-лигим сен менинг! Ягона буюк ғалаба учун аспра мени!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## СОҒАЮВЧИ

### 1

Ўз мағорасига қайтгандан сўнг кўп ўтмай бир куни эрталаб Зардўшт ўз тўшагидан худди ақдан озгандай сакраб турди. Қўлларини силкитганча қўрқинчли овоз билан қичқира бошлиди, худди кимдир унинг тўшагида ётгану ҳеч ўрнидан туришни истамагандай; Зардўштнинг овози шу қадар айюҳаннос солардики, унинг қўрқиб кетган маҳлуқлари хабар олгани югуриб келишиди. Зардўштнинг гори яқинидаги барча инлар ва ўралардан жамики ҳайвонлар ким пир этиб учиб, ким жон ҳолатда сакраб, ким шоша-пиша судралиб – кимга қандай оёқ ва қанот берилган бўлса апил-тапил ишга солиб, қочиб қолишиди. Зардўшт эса шундай сўзлашишарди:

– Қўзғал, эй тубсиз фикр, менинг теранликларимдан ташқари чиқ! Эй, мудраган қурт, мен сенинг хўрозинг ва субҳи содиқингдирман. Тур ўрнингдан, тур! Менинг овозим сени уйғотур!

Қулоқларингни яхшилаб оч: эшит! Зеро, мен сени эшитмоқни истайман! Тур! Тур! Бунда момогулдирак етарли: қабрларни ҳам қулоқ солдирмоққа қодир!

Уйқунгни ўчир, шабкўрликни ҳам ўчир, кўзларингни шилпиқланмоқдан сақла! Мени ҳатто кўзларинг билан ҳам эшит; менинг овозим – ҳатто тугма кўрлар учун шифодир.

Сен уйғонганингда, сўнг мангу уйғоқ бўлиб қолурсан. Мен момоларни уйқудан турғазиб, сўнг уларга майли, ётиб ухлайверинглар, дейдиганлардан эмасман!

Сен қимирилайсан, керишасан ва фўлдирайсан? Тур ўрнингдан! Тур! Сен фўлдираб ўтирма, рўй-рост гапир! Эй, худобехабар, сени Зардўшт чорламоқда!

Мен Зардўштман, ҳаётнинг ёнини оламан, азобнинг ёнини оламан, давранинг ёнини оламан, – мен сени чорлайман, эй, юрагим тубидаги фикр!

Менга хайрли бўлсин! Сен келяпсан, мен сени эшитяпман! Менинг тубсизлигим сўйлар, энг охирги теранлигимни мен ёруғ дунёга олиб чиқдим!

Менга хайрли бўлсин! Кел! Бер қўлингни – ҳа! Кўйвор! Ҳа, ҳа – Нафратим! Нафратим! Нафратим! Шўрим қуриди!

2

Бироқ Зардўшт шу сўзларни айтар-айтмас ўликдай ерга қулади ва анчагача худди ўликдай ётди. Хуши ўзига келгач эса, у ранги ўчган, тит-

пар, ўрнидан турмас ва анчагача на туз тотди, на сув ичди. Унинг бундай аҳволи етти кун давом этди; махлуқлари уни на кеча ва на кундуз тарк этишди, фақат бургут егулик келтириш учунгина учиб кетарди. У нима топмасин, нимани куч ишлатиб тортиб олмасин, барини Зардўштнинг тўшаги олдига келтириб қўярди: инчунин, Зардўшт заъфар ва алвон мева-чевалар, узумлар, жоноқи олмалар, ифорли майса-ўтлар ва қарағай ёнгоқлари ўртасида ётарди. Унинг оёқ томонида иккита қўзичоқ чўзилиб ётар, бургут уларни чўпонлардан базўр тортиб олиб келганди.

Ниҳоят, етти кундан сўнг Зардўшт ўрнидан турди, жоноқи олмани қўлига олди-да, ҳидлаб кўрди ва унинг ҳиди димоғига ёқди. Шунда махлуқлари у билан гаплашиш вақти келганлигини сезишиди.

«О, Зардўшт, – дейишиди улар, – мана етти кундирки, сен кўзларингни юмиб ётибсан; энди балки, ниҳоят, яна оёққа тургинг келаётгандир?

Мағорангдан чиққил: боғ каби дунё сени кутяпти. Шамол тўлиқ муаттар ҳидлар билан ўйнار, улар сенга томон талпинар; чунончи барча жилғалар, сойлар сенинг изингдан чопишни истарлар.

Оlam тумонат сени соғинган, нега сен етти кун ёлғиз ётдинг, – бас, ўз горингдан чиққил! Olam тумонат бари сенга табиб бўлмоқни хоҳлар!

Наҳот, сенга янги билик тушган бўлса, оғир ва аччиқ? Худди ачиган хамирдай бўлиб ётдинг, сенинг қалбинг кўтарилиб, ўз чекларидан ошди кетди».

– О, махлуқларим, – деб жавоб берди Зардўшт, – гапиришдан бир зум тўхтаманг ва сизни тинглаб ўтиришга изн берингиз! Гап-сўзларингиз жонимга ора киур: бундай гап-сўз бўлган ерда олам кўз ўнгимда боғу бўстон каби ястанур.

Товушлар ва сўзлар борлиги нақадар соз. Сўзлар ва товушлар мангу айрилган нарсалар устидан худди камалак ва ҳарир кўприклар мисол ташлаб қўйилмаганми?

Ҳар бир дилнинг ўзгача олами бор; ҳар бир кўнгилга бошқа ҳар қандай кўнгил – нариги дунёдир.

Фақат энг ўхшаш нарсалар орасида шарпа ҳаммадан ҳам алдамчироқ бўлур: Зеро, энг кичик тубсизлик устидан кўприк ўтказиш ҳаммадан қийин кўринур.

Мен учун – мендан ташқарида бирон бир нарса қандай қилиб яшасин? Биздан ташқарида ҳеч нарса йўқ! Аммо ҳар қандай товуш ичида биз буни унумиз; ва қанчалар қувончлидир бизнинг унутишимиз!

Одам янгиланиб турсин деб, нарсаларга номлару оҳанглар берилмаганми ахир? Гапириш – бу гўзал телбалик; одам сўзлай туриб барча нарсалар устида ўйин тушади.

Ҳар қандай гап ва оҳангларнинг ҳар қандай алдови нақадар ёқимли! Оҳанглар борлиги боис бизнинг муҳаббатимиз ранго-ранг камалаклар устида рақс тушур.

«О, Зардўшт, – дейишди бунга жавобан маҳлуқдар, – худди биз каби ўйлайдиганлар учун барча нарсаларнинг ўзи ўйинга тушар; ҳаммаси келур, бир-бирига қўл берур, кулар ва қочиб кетур ва яна қайтур.

Ҳаммаси борур, ҳаммаси қайтур; борлиқ фидираги мангу айланур. Бари ўлар, бари яна гулга кирав, борлиқнинг йили мангу югурар.

Бари ҳалок бўлур, бари яна бош кўтарур; ўша борлиқ ўйи мангу қурилур; бари айрилур, бари яна бир-бирини саломлар; борлиқнинг ҳалқаси мангу ўзига содик қолур.

Борлиқ ҳар сонияда бошланур; ҳар бир «шу ерда» атрофида «у ёқда» айланур. Усти аъло ҳар ерда. Эгри чизиқ мангулик йўли».

– О, сиз, шоввозлар ва сибизгалар! – деди Зардўшт ва яна табассум қилди. Сиз етти кунда нима адо этилиши кераклигини яхши биласиз.

– Мисоли худди анов қўрқинчли маҳлуқ менинг бўғзимга кириб олиб, бўғди! Лекин мен унинг бошини фарч тишлаб олдим ва ўзимдан узоққа тупуриб ташладим.

Сиз эса – сиз бу воқеадан кўчада айтиб юриладиган қўшиқ тўқидингизми? Мен эса бу тишлаб олиб, тупуриб ташлашдан ҳамон ўзимга келолмай, ўз ҳалосатимдан ҳалигача касал бўлиб, бунда ётадурман.

Ва сиз бунинг барига қараб турдингизми? О, менинг маҳлуқларим, наҳот сиз ҳам бераҳмсиз? Наҳот, сиз менинг улуғ азоб-уқубатимга худди одамлардек қараб туришни истадингиз? Зеро, инсон – барча ҳайвонлар ичида энг бераҳмдир.

У фожиалар ўйналган чоғда, ҳўқизлар жангларида ва хоч узра михлашларда ўзини ер юзида ҳаммадан ҳам яхшироқ сезарди; ва у ўзига жаҳаннамни топган чоғда, унда жаҳаннам унинг ердаги осмонига айланди.

Катта одам қичқирганда, унга дарҳол кичкина одам югуриб келади; ва маза қилганидан оғзидан тили осилиб туради. Лекин у буни ўзининг «Дардкашлиги» деб атайди.

Кичкина одам ва айниқса, шоир ўз сўзлари билан ҳаётнинг бошига қанчалар алангали айблар ёғдирадилар! Уни эшитинг, лекин унинг барча шикоятларидағи хурсандчиликни қайта эшитиб ўтирунган!

Булар ҳаётни айбловчилардир, ҳаёт уларни бир зум ичиди енгиб қўяди. «Сен мени севасанми? – дейди бузруквор. – Бироқ сабр қил, ҳали сенга ажратадиган вақтим йўқ».

Инсон ўз-ўзи учун энг бераҳм ҳайвондир: «Гуноҳкор», «Азоб чекувчи», «Тавба қилувчи» деб аталган нарсаларда бу шикоятлар ва айблашларга омухта бўлиб кетган хурсандчиликни қайта эши-таман, деб ўтирамн!

Мен ўзим-чи? – Мен ўзим инсонни айбловчи бўлиб қолмаяпманми? Оҳ, сиз менинг маҳлуқларим, мен шу пайтгача фақат бир нарсани ўргандимки, инсонга унинг энг ёмонлиги энг яхшилиги учун керак экан;

– ҳамма энг ёмонлик нарсалар унинг энг яхши кучи ва энг олий бунёдкор учун энг қаттиқ тош экан; ва инсон ҳам кундан кун яхши ва ёмонроқ бўлиб бориши керак экан:

Азоб-уқубат оғочига михланганимнинг сабаби – инсоннинг баттол эканлигини билганим учун эмас, балки шу пайтгача ҳеч ким қичқирмагандай мана бундай деб қичқирганим учундир:

«Оҳ, унинг энг ёмонлиги нақадар арзимас! Оҳ, унинг энг яхшилиги шунчалар арзимас!»

Инсонга буюк бир нафрат – у мени бўғар ва бўғзимни лиқ тўлдиради; устига устак башоратгўй ҳам айтган эди: «Бари бир, ҳеч нарса тақдирланмайди, билим бўғади».

Қаршимда туганмас хуфтонлар судраларди, ўлардай чарчаган, ўлардай маст қайгу, оғзи тўла ҳомузга сўйларди:

«Инсон мангу қайтади, сен ундан чарчагансан, эй, кичкина одам» – Менинг қайгу-дардим шундай ҳомузга тортар, керишар ва ухлай олмасди.

Инсон замини мен учун мағорага айланди, унинг кўкси чўқди. Жамики маҳлуқотлар мен учун инсон чиркини, ўтмишнинг суяклари ва харобалари бўлиб қолди.

Менинг оҳларим барча инсон мозоротларида қўр тўқар ва ўрниларидан қўзғалолмас эдилар; менинг оҳларим ва сўроғлашларим куну тун қағиллашар, хириллашар, бўғилишар, гажишар ва шиква-надоматлар қилишарди:

– «Оҳ, инсон мангу қайтур! Кичкина одам мангу қайтади!»

Бир пайтлар мен уларнинг ҳар икковини энг кичкина ва энг катта одамни ҳам яланғоч кўрганман, улар бир-бирларига ғоятда ўхшаш эдилар, – ҳатто энг катта одам ҳам ҳали ҳаддан зиёд одам!

Энг каттаси ҳаддан ортиқ кичкина! Бу менинг инсонга нафратим эди! Ҳатто энг кичкина одамнинг мангу қайтиши-чи? – Бу менинг ҳар қандай тириклини ёмон кўришими, унга тоқатим йўқдиги эди!

Оҳ, нафрат! Нафрат! Нафрат! – Зардўшт қалтираб, оҳ уриб шундай сўйларди. У шу тобда касал бўлганини эсларди. Лекин шу ерга келганда унинг маҳлуқлари бошқа давом этгани қўйишишмади.

«Бас қил гапингни, о, соғаювчи! – деб жавоб қилишди унга маҳлуқлари. – Бу ердан кет ва дунё сени бўстон каби кутаётган ерларга бор.

Гуллар, асаларилар ва кабутарлар сени кутарлар! Айниқса, сайроқи қушлар олдига бор, улардан сайрашни ўрганасан!

Зеро, куйлаш тузалаётганларга хос; соғ одам эса майли, гапираверсин. Агар мабодо соғ одам қўшиқ эшитишни хоҳласа, у касалдан соғаяётганга қараганда бошқача қўшиқларни эшитгиси келади».

– О, сиз шоввозлар ва сибизгалар, бас қилинг!  
– жавоб берди Зардўшт ва ҳамроҳларининг гапларига кулди. Шу ети кун ичидаги ўзимга қандай эрмак топганимни сиз яхши биласиз.

Яна қўшиқ айтай, – мен ўзимга шу эрмак ва шу соғайиш йўлини топдим; сиз шундан ҳам дарҳол кўча қўшиғи тузмоқчи эмасмисиз?

«Кўп гапирма, – деб жавоб беришди яна бир карра унинг махлуқлари, – яххиси, эй, соғаювчи, сен ўзингга рубоб ясатиб ол, янги рубобинг бўлсин!

Зеро, кўрдингми, о, Зардўшт! Сенинг янги қўшиқларинг учун янги рубоб даркор.

Қўшиқ айт ва сурон сол, о, Зардўшт, янги қўшиқлар билан қалбингни давола: ўзингнинг буюк толеингни кўтариб юр, зеро, ҳеч бир одам бундай тақдир соҳиби эмас!

Бинобарин, махлуқларинг сенинг кимлигинг ва ким бўлишинг кераклигини яхши биладилар: қара, сен мангу қайтиш устозисан, – сенинг энди аъмолинг мана шунда!

Сен бу таълимотни биринчи бўлиб баён қилмогинг даркор. Шу билан бирга шу буюк тақдир сен учун энг буюк хавф-хатар ва касаллик бўлмасмикин ахир!

Ўзинг кўр, биз биламиз, сен нимадан таълим бераётганингни: барча нарсалар мангу қайтурлар ва улар билан бирга биз ҳам қайтармиз, биз бунгача ҳам сон-саноқсиз маротаба дунёга келганимиз ва биз билан бирга барча нарсалар ҳам қайтишган.

Сен таълим берасанким, тикланишнинг улуғ иили мавжуддир, ақл бовар қилмас улуғ йил: у худди қум соатлар янглиф доим янгидан айланади: яна янгидан оқади, яна янгидан бўшайди:

– Шундай әкан, бу йилларнинг бари хоҳ каттада ва хоҳ кичикда ўз-ўзига мудом ўхшайди, – бино-барин биз ҳам, хоҳ каттада ва хоҳ кичикда ҳар бир улуғ йилда ўз-ўзимизга монандмиз.

Агарда сен энди ўлиш истагида бўлганингда ҳам, о, Зардўшт, – қараб тур, сен ўшанда ўз-ўзингга қандай қилиб сўзлашингни ҳам биламиз, о, Зардўшт; аммо маҳлукларинг сендан ҳали ўл-масликни сўрайдилар.

Сен роҳатланароқ бир неча бора оҳ тортиб, вазмин туриб сўйлаган бўлар эдинг унда: зотан, сени буюк юк ва маҳзунлик тарқ этган бўлурди сени унда, о, собирларнинг собири!

«Энди мен ўларман ва гойиб бўларман, – деб айттар эдинг сен, – бир зумдан сўнг мен ҳеч нарсага айланурман. Жон худди вужуд каби ўлимга маҳкум.

Лекин мен чирмаб қўйилган сабабият алоқаси яна қайтур. У мени қайтадан бино қилур! Мен ўзим ҳам мангу қайтиш сабабиятларига дахлдорман.

Мен яна шу қуёш билан, шу ер, шу бургут, шу илон билан қайтурман. Йўқ, янги ҳаётга эмас, яхшироқ ҳаётга ҳам эмас, аввалгига ўхшаган ҳаётга ҳам эмас:

– мен яна ўша ҳаётга, хоҳ каттада ва хоҳ кичикда ўша ҳаётга мангу қайтурман. Яна барча нарсаларнинг мангу қайтишига ўргатурман.

– Замин ва инсоннинг буюк пешин чоғи ҳақида сўзларимни такрор айттурман, яна одамларга аъло одам ҳақида хабар берурман.

Мен ўз сўзимни айтдим, мен ўз сўзимга урилиб парчинланаман: менинг мангу тақдирим шуни истайди, – мен башшор<sup>19</sup> каби ҳалок бўлурман!

---

<sup>19</sup> Башшор – башоратчи

Вақт етди, ўлаётган ўз-ўзини олис йўлга ҳозирлар. Шундай ботади Зардўштнинг фуруби»<sup>20</sup>.

Махлуқлар шуларни айтиб жим бўлдилар ва бирон нима деб жавоб берармикин, деб кутиб турдилар; бироқ Зардўшт уларнинг жим бўлиб қолганликларини пайқамади. У кўзларини юмганча худди ухлагандай бўлиб жимгина ётар, лекин уйқуда эмасди. Зеро, бу пайт у дили билан сўйлашарди. Бургут ва илон эса унинг жим бўлиб қолганлигини кўриб, уни чулғаган буюк осудаликка ҳурматан оҳиста-оҳиста нари кетдилар.

## БУЮК ИНТИЗОРИЛКИ ЗИКРИ

О, кўнглим менинг, мен сенга «бугун» демоқни ва шунингдек, «бир пайтлар», «аввалда» деб айтмоқдикни ва барча «бу ерда», «у ерда», «у ёқقا» кабилар устида жўровоз бўлмоқдикни ўргатдим.

О, кўнглим менинг, сени барча жинкўчалардан халос этдим. Сендан гарду фубор, ўргимчаклар ва хуфтоналарни қайтардим.

О, кўнглим менинг, сендан майда уят ва жинкўчаларнинг эзгулигини ювиб ташладим ва сени қуёш нигоҳи ўтрусида ялангоч турмоқдикка ишонтирудим.

«Руҳ» деб аталадиган бўроним билан сенинг туғёнли денгизингга уфурдим; барча булатларни у ердан қувдим, мен ҳатто «гуноҳ» деб аталган жаллодни бўғиб ташладим.

О, кўнглим менинг, сенга бўрон каби «Йўқ» деб ва очиқ осмон каби, «Ҳа» деб айтишга изн бердим; энди сен худди нур каби осудасан, хотиржам ўтиб борурсан.

---

<sup>20</sup> Фуруб – кун ботиши

О, кўнглим менинг, сенга яратилган ва яратилмаганлар устидан эркингни қайтардим. Сендан бошқа ким билсин, келажакнинг қувончи нелигини?

О, кўнглим менинг, сени юракнинг иллати каби келадиган нарсаларга эмас, балки нафратга ўргатдим, бу улуф, севгувчи нафрат, у қайда жуда қаттиқ нафратланса, ўшани ҳаммадан ортиқроқ севади.

О, кўнглим менинг, сен нақ ўзакларни ўзингга тортиб турмоғинг учун қаттиқ ишонтиришга ўргатдим, – мисоли қуёш денгизни ҳам ўз юксаклигига тортгани каби.

О, кўнглим менинг, сени ҳар қандай мутелик, таъзимкорлик ва қуллуқчиликдан озод қилдим; мен ўзим сенга «Кулфатдан қочиши» ва «Қисмат» деб ном бердим.

О, кўнглим менинг, сенга янги номлар ва ранго-ранг ўйинчоқлар келтирдим. Сени «Қисмат», «Маконларнинг макони», «Вақтнинг киндиги», «Ложувард бонг» деб атадим.

О, кўнглим менинг, сенинг тупроғингга бутун дошишмандликни, барча шаробларни ичирдим. Ҳатто донишу ҳикматнинг доқионусдан қолган, энг кўжна, ўтқир шаробларининг ҳам барини ичирдим.

О, кўнглим менинг, ҳар қандай қуёшни сенга қуйдим, ҳар қандай тун, ҳар қандай сукут ва ҳар қандай интизорликни ҳам қуйдим сенга. Менинг қаршимда сен худди узум токи каби бўй чўздинг.

О, кўнглим менинг, энди сен фуддачалари бўртган, тўқ тилларанг узум вошлари таранг ток занги каби бўлиқ ва вазмин ҳосилдирсан.

– Ўз иқболингдан таранглашган ва эзгинлашган, янада тўлғинлик кутиб ва бу кутишдан ибо қилиб, уялиб туурсан.

О, күнглим менинг, энди бошқа ҳеч ерда бундай севгувчироқ, бундай қамровлироқ ва бундай поёнсизроқ ўзга күнгил топилмас! Келажак ва ўтмиш сенда бир-бирларига бунчалар яқин бўлмай бошқа қайда бўлсинлар?

О, күнглим менинг, барини бердим мен сенга ва қўлларим сен туфайли қуп-қуруқ бўлиб қолдилар, энди-чи! Энди менга соғинчга тўлиб табасум қилиб, айтасанки: «Орамизда ким шукронा айтиши керак?

— Олаётган ундан олгани учун бераётган шукронা айтиши керакми? Тортиқ этмоқ – эҳтиёж эмасми? Олмоқ – дардкашлик эмасми?»

О, күнглим менинг, соғинчингнинг табассумини тушунаман: сенинг беҳудуд давлатинг ўзи соғинган қўлларини қулоч отиб ёзади!

Сенинг тўлғинлигинг сурон солаётган уммонга нигоҳ ташлар, ахтарар ва кутар: сенинг кулиб турган кўзларинг осмонидан ошиб-тошган тўлғинлик соғиниб боқади!

Чиндан ҳам, о, күнглим менинг! Сенинг кулиб туришингга қараб ким ҳам кўзёшларини шашқатор оқизмасди? Сенинг табассумингнинг поёнсиз меҳридан фаришталарнинг ўзлари кўз ёшларини тиёлмайдилар.

Сенинг меҳринг, чек-чегарасиз меҳр шикоят қилмоқ ва кўз ёш тўқмоқни истамас: шундай-куя, лекин ҳар қалай, о, күнглим менинг, сенинг кулгинг йифлашга ташна ва сенинг титраган дудоқларинг ҳўнграб уввос солмоққа хумор.

«Ахир ҳар қандай йифи шикоят эмасми? Ва ҳар қандай шикоят айблов эмасми?» Сен ўз-ўзингга шундай деб турасан, шу боисдан ҳам, о, күнглим менинг, кўзёшлар тўкиб ўз ҳасратингни айтгандан кўра кулиб туришни афзал кўрасан:

– ўз тўлғинлигингдан ва ток новдаларининг боғбон ва унинг қайчисини соғинганлигидан туғилган дардларингни кўз ёшларингнинг дарёларида оқизиб юборишни истайсан!

Бироқ агар йифлашни, қирмизи аламингни йифлаб тўкишни истамасанг, унда сен куйламоғинг керакдир, о, кўнглим менинг! – Қарагил, сенга куйламоқни таклиф этиб, мен ўзим кулмоқдаман:

– барча уммонлар тин олиб, сенинг хумор интизорлигингга қулоқ тутмагунларича фалаён солиб куйламоқ;

– сокин, мунтазир уммонларда кема, олтин мўъжизот сузиб кетмагунча, ушбу олтин атрофида барча яхши-ёмон ҳайратомуз нарсалар чарх уриб айланмагунча;

– ва катта кичик кўп ваҳшийлар ва зангор сўқмоқлардан югуриб ўтмоқ учун енгил, ажойиб оёғи бўлган барча маҳлуқлар;

– ўша ёқقا, олтин мўъжизага, ҳур кема ва унинг соҳиби томон етмагунча, – лекин, бу олмос қайчисини чоғлаб кутаётган боғбон;

– сенинг буюк халоскоринг, о, кўнглим менинг, унинг ҳали исми ҳам йўқ – фақат келажак қўшиқлар унинг номини топажаклар! Чиндан ҳам, сенинг нафасингдан бўлфувси қўшиқларнинг муаттар ислари тарқалмоқда;

– ана алангаи оташ бўлиб ёнмоқдасан ва хаёллар сурмоқдасан, ана барча чуқур, жаранглаган, таскин берувчи қудуқлардан чанқоқ сув симирмоқдасан, ана бўлфувси қўшиқларнинг фарогатида сенинг ҳасратинг тин олмоқда!

О, кўнглим менинг, мана энди мен сенга барини бердим ва ҳатто охирги нарсам ҳам қолмади, қўл-

ларим сен учун бўм-бўш қуриди: сенга қўйламоқни амр этганим – менинг охирги тортиғим эди!

Сенга қўйламоқни амр этганим учун, айт-чи, айт ахир: Энди ким-кимга ташаккур айтмоғи керак?

– Аммо яхшиси: қўйла менга, қўйла, о, қўнглим менинг! Ташаккур айтмоқдикни менга қўйиб бер!

Зардўшт шундай зикр қилди.

## БОШҚА РАҚС ҚЎШИФИ

### 1

«О, ҳаёт, яқинда мен сенинг кўзларингга қарадим: кўзларингнинг тунида олтин жилва қилди. Юрагим бу фарофатдан лол қолди:

– тунги сувларда олтин қайиқ худди ойнада акс этган каби жилваланарди, у худди аргимчоқ каби дам шўнфир, дам юқорига қалқиб чиқар ва яна қайта-қайта им қоқар, имо қиларди олтин қайиқ!

Сен менинг рақсга ишқибоз оёқларимга нигоҳ отдинг, ўз тебраниб илжайган, тутаб тургандек бўлиб кўринган, шаддод нигоҳингни ташладинг:

Сен ўз қўлчаларинг билан фақат икки бора қўнфироқларингга қўл теккиздингу – менинг оёқларим шу ондаёқ рақс иштиёқида чайқалиб кетди.

Товоналарим ер узра узилди, сенга қулоқ тутиб, оёғим учиди тик турдим: ахир раққоснинг қулоғи унинг оёғи учиди-ку!

Сенга томон отилдим. Сен шу заҳоти ўзингни орқага оддинг; шунда сенинг кутилмаганда илондек тўлғаниб, шувиллаб тўлқинланган соchlаринг парвоз қила туриб мени ялаб, сийпаб ўтдилар!

Дарҳол сендан ва сенинг илондек сийпалашларингдан ўзимни орқага тортдим; сен менга андак

бурилганча турага күзларинг иштиёқ билан тўла эди.

Кўзларинг била ўймоқлаб, сен мени қинғир йўлларга ўргатурсан; менинг оёқларим қинғир йўлларда – фитналарга ўрганур!

Мен сени узоқдан севурман, сен яқин турганингда бу мен учун асоратдан ҳам оғир; сенинг қочқоқлигинг мени ўзига тортади, сенинг излашларинг мени асир этади. Мен азоб-уқубат чекаман, лекин сен учун бу фамхонага ҳам тайёрман!

Сен, эй, сен, совуқлигинг худди қичишма, нафратинг – васваса, меҳрибончилигинг худди бовлиқ, устимдан кулишларинг – худди тишлаб олгандек:

– Кўргани кўзим йўқ эди сени доим. Эй, сен тўрлар тўқувчи, доя бўлиб тургувчи, чорлагувчи, шилқим ва топалоқ! Сен эмасмидинг яна ҳамиша суюкли бўлиб кўринган, эй, бокира, бесабр, суюқоёқ, маъсум кўзли гуноҳлар онаси!

Қайларга судрайсан мени, эй, тинчимас, тирмизак,вой аломат! Ва яна мендан қочасан, эй, ширин-ширин қумри, эй, шўхи шаддод!

Мен рақс тушиб орtingдан чопаман, сенинг ҳаракатларингга қўшилиб, бир бутун бўлиб кетаман. Қани, қайдасан? Менга қўлингни узат! Лоақал чўз битта бармоғинг!

Бунда мағоралар ва чакалакзорлар – адашиб қоламиз ахир биз бирга! Тўхта! Секинроқ! Кўрмайсанми, теграмизда бойқуш ва кўршапалак тўдалари учади!

Эй, бойқуш! Эй, кўршапалак! Сен менинг ғашимга тегяпсанми? Қайдамиз, биз қайдамиз? Сен бундай вовуллаш ва увлашни итлардан ўрганган бўлсанг керак?

Менга миқ этмай, иршайиб, оппоқ тишларингни чиройли күрсатасан, сенинг жингалак-жингалак жамалакларинг орасидан қаҳрли күзларинг күксимни тешиб ўтади!

Худди қутурғандек, бу телбавор ўйин нимадир? Мен овчиман – ўзинг ҳал қил, кимдирсан менга: овчи този ё оху?

Қани, бу ёққа кел, дикиллаган қийиқ қиз! Тез бўл, қимирила! Қани, юқорига! Ана, тўсиқ! Шўрим қурсин! Мана, сакрайман деб, йиқилиб тушдим!

О, кўр, мен ётурмен ерда йиқилиб ва ёлворам сенга, эй, шўх-шан, менга раҳм қил! Мен сен билан ҳеч тўхтамай шилва босган сўқмоқларда кезишини истайман!

– Олачалпоқ, гунг бутазорлар оралаб ўтган муҳаббат сўқмоқлари! Ва ёким кўл ёқалаб: кўлда олтин балиқчалар шўх-шан ўйнашурлар!

Сен чарчадингми? Ҳўв, кўряпсанми, қўй подалири, ҳаво ҳам салқинлаб оқшом тушаётир: чўпон сивизгаси чалинганда, кўзларинг ахир ширин уйқуга толмасми?

Оёқларинг толдими? Мен сени қўтариб оламан, фақат қўлингни тушир! Агар чанқаган бўлсанг, айт, чанқоғингни қондирайин, лекин сенинг бунга тоқатинг йўқ!

– О, шайтон қиз, айёр, худди илондек сирғалиб фойиб бўласан! Айт, қайга! Лекин юзингда худди икки алвон жароҳат каби хаёли доғлар ёнади!

Тўғриси, сенинг қўзичноқларингга чўпонлик қилиб хўб чарчадим! Шу чоққача, о, алвости, мен сени деб қуйладим, ана энди сенинг жонингни олиб, кўрасан, тоза чинқиртираман!

Менинг қамчиним куйига тушиб, оҳ-воҳ қиласан, рақсга тушасан! Мен қамчинни ёдимдан чиқармадимми? – Йўқ, асло!»

Ҳаёт менга ўшанда шундай жавоб берган ва шу аснода ўз нафис қулоқларини беркитган эди:

«О, Зардўшт! Қамчинингни бунчалар қўрқинчли қарсиллатма! Сен ахир биласанки: шовқин фикрни ўлдиради. Менга эса худди шу тобда нафис фикрлар келиб турибди.

Сен билан иккимиз – бориб турган ҳам яхшилик қиласа ва ҳам ёмонлик қиласларданмиз. Биз ўзимизнинг оролимиз ва яшил ўтлоқимизни яхшилик ҳамда ёмонликнинг нариги томонида топганимиз. Биз икковимиз шундай қилганимиз ва биз ёлғизмиз! Шунинг ўзи учуноқ биз бир-биримиз билан чиқишишмогимиз лозим!

Биз бир-биримизни чин юракдан севмасак, унда чин юракдан севмаганинг учун жаҳлинг чиқиши тўғрими?

Мен сен билан чиқишишаман ва ҳатто ҳаддан ташқари чиқишиб тураман, сен буни биласан: ҳаммасининг сабаби: сени донолигингга рашқ қиласман. Оҳ, ўша донолик, миясини еб қўйган қари кампир!

Агарда бир куни донолигинг сендан қочиб кетганда эди, оҳ! Унда ўша заҳоти сендан менинг ҳам муҳаббатим қочиб кетурди».

Шунда ҳаёт атрофига хаёлчан бир назар ташлади-да, секин деди: «О, Зардўшт, сенинг садоқатинг менга етарли эмас!

Сен мени айтганингчалик ҳам қаттиқ севмайсан; мен биламан, мени тезда тарқ этиш ҳақида ўйлайсан.

Жуда ҳам қари ва ўта-ўта оғир бақироқ жом бор: у тунлари то сенинг форингга довур жар солади, бонг уради:

– Ушбу жом ярим кече кирганидан дарак беребонг урганда, бириңчи ва ўн иккинчи чалишлар орасыда, сен шуни ўйлайсанки, – сен шуни ўйлайсанки, о, Зардўшт, мени тезда тарк этишни ўйлайсан, биламан мен буни!»

«Шундай, – деб жавоб бердим мен ботинмай, – лекин сен яна шуни ҳам биласанки» ва унинг қулоғига, түғри унинг патила, сариқ, телбаворий чигал сочларига қараб, алланенидир шивирлаб айтдим.

«Сен буни биласанми, о, Зардўшт? Буни эса ҳеч ким билмайди...»

Ва биз иккимиз юзма-юз туриб, шу тобда сарин шаббода эсиб елпитаётган яшил ўтлоққа қарап ва бирга қўшилишиб йифлардик. – Ўшанда ҳаётим менинг бутун донишмандлигимга қараганда ҳар қачонгидан ҳам ширинроқ бўлиб туюлди.

Зардўшт шундай зикр қилди.

*Бир!  
О, тингла, дўйстим!  
Икки!  
На дер ярим тун аста?  
Уч!  
Уйқу мени элитди,  
Тўрт!  
Сўнг кўзим ярқ этди:  
Беш!  
Дунё шунча чуқур,  
Олти!  
Қай ўй тубига етур.  
Етти!  
Дунё – қайгудир бори –  
Саккиз!*

Лек шодлик ҳам қулф урур!  
Түккиз!  
Ҳасрат айтур: тур нари!  
Үн!  
Шодлик юртга югурур –  
Үн бир!  
Мангу уйини топур!  
Үн икки!

## ЕТТИ МУХР

(ёхуд: «Ҳа» ва «Омин» қўшиги)

### 1

Мен башоратгўй бўлсаму икки денгиз аро юксак қоя узра учайтган башорат руҳига тўлсам: – бўғик, тубан ерларни сира ёқтирамай, ўлиб ўлмай, тирилиб тирилмай чарчоққа ботган барча нарсаларга ёту бегона бўлиб, худди чўнг булат каби ўтмиш ва келажак аро учсан қора бағрида чақмоқ ва чақмоқ чиқаргувчи, гуноҳларни ювгувчи бир тола нур бўлиб, башоратли момоқалдириқсимон шуълаларга тайёр туриб, «Ҳа» дегувчи ва кулгувчи;

аммо шуларнинг барини ўз ичига олганнинг армони йўқ! Кимдир қачондир келгувсининг нурини ёқиши керак бўлса, у қоя узра узоқ вақт худди чўнг булат каби осилиб туражак!

Оҳ, мен никоҳ ҳалқаларининг ҳалқаларига – қайтиш ҳалқасига ва абадиятга мисоли алангайи оташ бўлиб интилмайинми?

Ўзим бола қўришни орзу қилган аёлни мен ҳали ҳеч қачон учратмаганман, илло бир аёлнигина севаман: зеро, сени севаман о, Мангулик!

Зеро, сени севаман, о, Мангулик!

Агар бир пайтлар қаҳрим қабрларни түзгитган,  
чегара белгиларини нари-бери сурган, күхна, ёрил-  
ган лавҳдарни тик тубсизликларга қулатган эсам;

Агар бир пайтлар менинг кулгим чириган сўз-  
ларни хас-хашак каби супуриб ташлаган ва мен  
супурги бўлиб қора ўргимчакларни сурган ва  
күхна, бўғиқ хилхоналарга тозартгувчи шамол  
каби кирган эсам;

Агар бир маҳаллар мен күхна илоҳлар кўмилган  
жойларда шод-хуррам ўлтириб, дунёга бўхтон ёғ-  
дирган күхна тухматчиларнинг ҳайкаллари ёнида  
дунёни севиб, дунёга олқишилар ёғдирган эсам;

Зотан, мен черковлар ва илоҳларнинг мақбар-  
ларини ҳам севурман, ўшанда осмон равшан-ти-  
ниқ нигоҳ билан уларнинг бузук вайроналари  
аро боқиб тургай; ва мен худди майса қиёқ ва  
лолақизғалдоқ каби ибодатгоҳ харобаларида  
ўтиromoқни севгайман;

Оҳ, мен никоҳ ҳалқаларининг ҳалқаларига –  
қайтиш ҳалқасига ва Абадиятга мисоли алангайи  
оташ бўлиб интилмайинми!

Ўзим бола кўришни орзу қилган аёлни, мен  
ҳали ҳеч қачон учратмаганман, илло бир аёлни-  
гина севаман: зеро, сени севаман, о, Мангулик!

Зеро, сени севаман, о, Мангулик!

Агар бир замонлар менга нафас – ижод нафаси-  
дан ва юлдузлар каҳкашонини етаклаб боришга  
тасодифотни мажбур қилган самовий зарурият-  
дан тушган эса;

Агар бир замонлар мен ҳаракатнинг узоқ мосақалдироғи бўйин эгиб эргашадиган ва қалдираб турадиган – бунёдкор чақмоқ каби қаҳ-қаҳ отиб кулган эсам;

Агар бир замонлар мен илоҳлар ҳузурида улар билан суюк ташлаб ўйнаган ва бундан замин ларзага тушиб, ёрилиб, оловли селлар оқизган эсам;

Зеро, ернинг ўзи янги ижодий сўзлар ва ўйин суюкларининг шовқинидан титраган илоҳлар хонтахтаси эса-да;

Оҳ, мен никоҳ ҳалқаларининг ҳалқаларига – қайтиш ҳалқасига ва Абадиятга мисоли алангайи оташ бўлиб нечук интилмайинми!

Ўзим бола кўришни орзу қилган аёлни, мен ҳали ҳеч қачон учратмаганман, илло бир аёлнигина севаман: зеро, сени севаман, о, Мангуллик!

Зеро, сени севаман, о, Мангуллик!

4

Агарда бир пайтлар ҳаммаси яхши омухта бўлган, кўпиреб турган лазиз гулобни бир кўтаришда сипқарган бўлсан;

Агарда бир пайтлар шу қўлим ила энг олис нарсаларни энг яқин нарсага, оловни руҳга, шодликни азобга ва энг ёмонни энг яхшига аралаштирган эсам;

Агар менинг ўзим ҳам жом ичра барча нарсаларни яхши аралаштирадиган гуноҳлардан покловчи ўша туз-намакнинг бир зарраси эсам;

Оҳ, мен никоҳ ҳалқаларининг ҳалқаларига – қайтиш ҳалқасига ва Абадиятга мисоли алангайи оташ бўлиб нечук интилмайинми!

Ўзим бола кўришни орзу қилган аёлни, мен ҳали ҳеч қачон учратмаганман. Илло, бир аёлнигина севаман: зеро, сени севаман, о, Мангулик!

Зеро, сени севаман, о, Мангулик!

5

Агар мен денгизни ва денгизга ўхшаган барча нарсаларни, у айниқса ғазаб билан менга қарши борганда севсам;

Агар менда кемани ҳали очилмаган маконлар сари ҳайдаб боратургон изловчининг шодлиги-қувончи жам эса ва агар менинг қувончларимдан денгиз сайёхининг қувончлари зухур этса;

Агар бир пайтлар мен шундай деб шодон қичқирган бўлсам: «Соҳил – кўздан йўқолди. Мени боғлаб турган сўнгги занжирлар узилди;

– теварак-атрофимда бепоёнлик шовқин-сурон кўтаради, қайдадир олисларда менга макон ва замон порлаб кўринади, бўпти! Олга! Қари юрагим!»

Оҳ, никоҳ ҳалқаларининг ҳалқаларига қайтиш ҳалқасига ва Абадиятга мисоли алангайи оташ бўлиб нечук интилмайинми!

Ўзим бола кўришни орзу қилган аёлни, мен ҳали ҳеч қачон учратмаганман, илло, бир аёлнигина севаман: зеро, сени севаман, о, Мангулик!

Зеро, сени севаман, о, Мангулик!

6

Агар менинг эзгулигим – раққоснинг эзгулиги эса ва кўп маҳал икки оёғим билан тилларанг зумрад ҳуромонлик ичра шўнфиган эсам;

Агар менинг ёмонлигим – гуллар буталари ва карнай гуллар четани остида яшовчи, кулиб турувчи ёмонлик эса.

– Зотан, кулгига барча ёмонлик бир ерга жам бўлган, лекин муборак деб тан олинган ва ўз фарогати томонидан оқданган.

Агар у ҳаётимниг зеру завари бўлса ва барча оғирликлар – енгил, ҳар қандай вужуд – раққоса, ҳар қандай руҳ – қушга айланса, унда бу ҳақиқатан, менинг чин зеру заваримдир!

Оҳ, мен никоҳ ҳалқаларининг ҳалқаларига – қайтиш ҳалқасига ва Абадиятга мисоли алангайи оташ бўлиб нечук интилмайинми!

Ўзим бола кўришни орзу қилган аёлни, мен ҳали ҳеч қачон учратмаганман, илло бир аёлнигина севаман: зеро, сени севаман, о, Мангалик!

Зеро, сени севаман, о, Мангалик!

7

Агар мен бир пайтлар бошим узра сокин самоларда сузиб, ўз осмонларимга ўз қанотларимда учган эсам;

Агар мен теран нурли олисларда ўйнаб сузсаму ўз эркимниг доно қуши учиб келган эса;

– Зеро, ул менга шул сўзларни айтса: «Билиб қўй, на тепа ва на паст деган нарса йўқ! Ҳар қайдга ўзингни от, хоҳ пастга хоҳ баландга, сен еп-енгилсан! Куйла! Сўзламоқни бас қил!

– Ким оғирлик билан муҳрланган бўлса, ахир сўзлар улар учун яратилмаганми? Ким еп-енгил бўлса, унга барча сўзлар ёлғон сўйламаслар! Куйла! Сўзламоқни бас қил!»

Оҳ, мен никоҳ ҳалқаларининг ҳалқаларига –  
қайтиш ҳалқасига ва Абадиятга мисоли алангайи  
оташ бўлиб нечук интилмайинми!

Ўзим бола кўришни орзу қилган аёлни, мен ҳеч  
қачон ҳали учратмаганман, илло, бир аёлнигина  
севаман. Зеро, сени севаман, о, Мангулик!

Зеро, сени севаман, о, Мангулик!

## ТҮРТИНЧИ ВА ОХИРГИ ҚИСМ

---

*Ох, дунёда дардкашлар ўртасида бўлгандан ҳам ортиқроқ телбалик учрайдиган бошқа ер бормикин? Дардкашларнинг телбалигидан ҳам ортиқ азоб ер юзида бўлганимикин?*

*Дардкашлардан ўзга баланд чўққиси бўлмаган барча севгувчиларнинг шўри қурсин!*

*Бир куни менга иблис шундай деди: «Ҳатто Худонинг ҳам ўз дўзахи бор – бу унинг одамларга муҳаббати».*

*Яқинда мен унинг яна шундай сўзларни айтиб турганлигини эшилдим: «Худо ўлди; одамларга дардкашлиги туфайли худо ўлди».*

«Зардўшт зикри» II қисм

### НАЗР АСАЛ

– Яна Зардўшт боши устидан ойлар, йиллар ўтар, у кунлар қандай ўтганини пайқамасди; аммо унинг соchlари оқарди. Бир куни у ўз мағораси олдида харсанг тош устида ўтириб, олисларга жимгина боқарди. Узоқларда пўртана отаётган денгиз кўриниб тураг, махлуқлари Зардўшт ён-атрофида ўй суриб, айланиб юришар ва ниҳоят, улар Зардўшт рўпарасида тўхташди.

«О, Зардўшт, – дейишди улар, – ўз бахтингни кўрмоқчи бўляпсанми?» «Бахт билан нима ишим бор? – жавоб берди у. – Мен анчадан бери бахтга интилмай қўйдим, мен ўз ишимга интиламан». «О, Зардўшт, – дейишди яна махлуқлар,

– сен яхшиликка тўйган одамнинг сўзини гапиряпсан. Ахир сен баҳтнинг мовий кўлида ётганинг йўқми?» «Муғамбирлар-эй, – жавоб берди Зардўшт табассум қилиб, – ўхшатишни хўб топасизлар-да! Лекин сиз шуни ҳам яхши биласизки, менинг баҳтим оғир ва у югурик тўлқинларга ўхшамас; у менга бамисоли эриган мум каби ёпишиб олиб, сира қўйиб юбормайди ва доим эзгани эзган».

Шунда маҳлуқлар яна унинг атрофида ўйга ботиб айланиб юришди, сўнг яна унинг қошига келиб тўхташди. «О, Зардўшт, дейишиди улар, – шунинг учун ҳам сен тобора сарғайиб, қорайиб бораётган экансан-да, гарчи соchlaring худди зифир толаси каби оқариб кетмиш? Кўзингга қара, сен ўз мўминг устида ўлтирибсан!» «Асти нима деяпсиз ўзи, маҳлуқларим, – деди Зардўшт кулиб, – ростдан ҳам мен мўм ҳақида гапириб, хато қилибман. Менга бир нарса бўлаётир, пишаётган меваларда шундай бўлади. Томирларимдаги асал қоними ни нечоғ қуюқ қилиб қўймиш ва кўнглим ҳам гуфтугўдан қолмиш». «Эҳтимолки шундайдир, о, Зардўшт, – деб жавоб беришди маҳлуқлар унга яқинлашаркан, – лекин сен бу кун баланд тоқقا кўтарилишни истамайсанми? Ҳаво мусаффо, бу кун дунё ҳар қачонгидан равшанроқ кўринур». «Ҳа, шундай, маҳлуқларим, – жавоб берди у, – сиз хўб маслаҳат айтдингиз. У менга ёқади: мен бугун баланд тоқقا чиқиши истайман! Лекин у ерда менга асалнинг фамини еб қўйинг, қўлим етадиган ерда, уясидан олинган, оқиши ва сариқ, худди ях каби тоза ва яхши, олтин ранг бол бўлсин. Зотан, билиб қўйингизки, мен у ерда тоф чўққисида асални назрга келтирмоқчиман».

Аммо Зардўшт төг тепасига чиққач, уни қуза-тиб келган махлуқдарни уйга қайтариб юборди ва ниҳоят ўзининг ёлғиз қолганлигини сезди. Шунда у чин дилдан қаҳ-қаҳ уриб қулди, атрофга ўгирилиб назар солди-да, шундай деди:

Мен назру ниёз ва асал назри деб гапирдим; лекин аслида бу гапларимнинг даромади ва чиндан айтганда, фойдали телбалик эди! Мен бу ерда, төг тепасида дарвешларнинг мағоралари ва уларнинг уй ҳайвонлари олдида сўзлагандан кўра bemalol ва эркинроқ сўзлайман.

Назру ниёз борасида нелар дедим! Мен ўзимга тортиқ қилинган нарсаларни тарқатурман, мен минг қўлли тарқатувчиман; буни мен ахир назру ниёз демайми!

Мен асал деганимда, фақат ширин хўрак, қиём ва шинни бўлишини истаган эдим, булар аслида бўриллаган айиқлару ғалати, бадназар, бадфеъл қушларнинг емишларидир:

– булар овчи, балиқчилар учун энг боп хўрак бўлади. Зотан, агар дунё ваҳшийлар макони қоронги ўрмонга ёки барча ёввойи овчилар роҳат қиласидиган боғу бўстонга ўхшаса-ўхшар, лекин у менимча тубсиз поёнсиз саховат – денгизга ҳам-масидан ҳам ўхшашроқдир;

– бу шундай денгиздирки, у ранго-ранг ба-лиқлар ва қисқичбақаларга тўла, буларни кўрган илоҳларнинг ўзлари балиқчи бўлишни хоҳлаган ва тўрларини денгизга ёйган бўлур эдилар: дунё мана шундай катта-кичик ажойиботларга тў-либ-тошиб ётибди!

Айниқса, инсон олами, инсон денгизи. Мен ўз олтин қармоғимни мана шу денгизга ташлайман ва яна шундай дейман: ёрил, эй, инсон қаъри!

Ёрил ва менга ўз балиқларинг ва йилтираб турган қисқичбақаларингни улоқтири! Ўзимнинг энг яхши хўракларим билан мен бугун энг фаройиб инсон балиқдарни қармоққа илинтираман!

– Мен ўз бахтимни барча мамлакатларга, шарққа, жанубга ва фарбга итқитгайман. Мен кўргим келади: бахтимнинг қармоқдай учидаганадиган, питирлайдиган ва шуларни ўрганадиган одам балиқлар кўп бўлармикин?

Хозирча улар менинг яширин, ўткир қармоқларимни ютиб, юксаклигимга кўтарилиб чиқишига мажбур бўлурлар, дengиз теранликларининг энг ранг-баранг танга балиқдари инсон балиқдарнинг энг ёвуз овчиси ким эканлигини шуйтиб билурлар.

Зеро, мен ибтидодан охиригача худди мана шундайман, ўзимга тортаман, чорлайман, кўтараман ва юксалтираман, тарбиялайман ва назорат қиласман. Зеро, бир пайтлар ўз-ўзимга бекорга айтмаганман: «Қандай бўлсанг, шундай бўл!»

Майли, одамлар юқорига менинг олдимга чиқаверсинглар: зеро, мен башорат аломатларини кутяпман. Менинг тушиш вақтим келди. Ўзим ҳали ўлаётганим йўқ, мен ҳали одамлардан қарздорман.

Шунинг учун мен айёр ва қувноқ одам бу ерда баланд тоғларда кутиб турибман, на сабр қиляпман, на бесабрлик, тўғрироғи сабр қилиб туришни ҳам эсдан чиқарганман. Зотан, унинг ўзи бошқа «сабр» этмайди.

Зотан, қисматим менга вақт беряпти: у мени унутиб қўймадимикин? Ёки у катта харсангтош ортида, сояда ўтириб, паашша қўрияптимикин?

Ҳақиқатан ҳам, мен мангу қисматимдан миннатдорман, у мени қувмайди, эзмайди, менга

қувноқ ҳазил-хузул ва ёмонлигим учун вақт беради: шу туфайли мен балиқ овлаш учун манави баланд тоққа чиқдим.

Одам баланд тоғларда ҳеч қачон балиқ тутганми? Майли, бу юксакда мен истаган ва қымоқчи бўлган нарса телбалик бўлиб кўринсин: бу ҳар қалай мен пастда тантанавор ва кутавериб кўк ва сариқ бўлиб кетганимдан афзалдир;

– кутавериб тобу тоқати тоқ бўлган каби, тоғлардан ёпирилиб тушаётган муқаддас бўроннинг наъраси каби, худди водийларга қараб қичқираётган сабрини йўқотган кимса каби: «Эшитинглар, ҳой, бўлмаса бошингизга худонинг қамчисини ёғдиргайман!» Мен бу норозиларнинг ғалваларидан жаҳлим чиқаётгани учун эмас, йўқ: улар шунчалар яхшики, мен устиларидан маза қилиб қуламан! Мен тушунаман: бу каттакон шовқин-суронли дўмбиравлар фоятда тоқатсизлик қилурлар, бинобарин, «Бугун» ва «Ҳеч қачон» деган сўзлар уларга тегишлидир!

Лекин мен ва тақдирим – биз «Бугун»га гапирмаймиз, шунингдек биз «Ҳеч қачон»га ҳам сўйламаймиз: сўйлаш учун бизнинг сабримиз етади, вақтимиз ҳам етарли, ҳатто ҳаддан ортиқ вақтимиз кўп. Бинобарин, бир куни у ахир келади, келмаслиги мумкин эмас.

Бир куни ким келади ва кимнинг келмаслиги мумкин эмас? У бизнинг буюк ҳазаримиз, бизнинг буюк ва олис инсон салтанатимиз, Зардўшт салтанати, у минг йил давом этгай.

Бу «Олис» ҳали олисми? Нима ишим бор бу билан! Бундан бу олис гандираклаб кетмагай. Мен икки оёғим билан заминда мустаҳкам турибман.

– Турибман мангу заминда, метиндай мустаҳкам асрий тош устида. Ушбу энг баланд, энг

қаттиқ ибтидоий төр устида, бунда барча шамоллар худди бүрөн қирғоғига келган каби сүроғлайдилар: Қачон? Қаердан? Қайга?

Шу ерда сен қул, кулавер, менинг нурли, соғлом гайирлигим! Баланд тоғлардан ўз порлоқ, ғаюр кулгингни пастта улоқтири! Ўз ялтирашинг билан менга инсон балиқларнинг энг гўзалларини тортиб кел!

Барча денгизларда менга тегишли бўлган, барча нарсаларда менини ва мен учун бўлган нарсаларни – ана шуларни қармоғимга тушири. Шуларни мен учун юқорига олиб чиқ: мен, балиқ тутувчиларнинг энг баттоли, шуни кутяпман.

Олис, олисларга туш, қармоғим! Бахтимнинг хўраги, сен чўнқир ерларга етиб бор! Лаззатли шабнамингни қалбим болини зарра-зарра қилиб оқиз! Қармоғим, ҳар қандай қора қайфунинг қорнига санчил!

Кўзим, олисларга боқ! О, теграмда уммонлар қанчалар кўп! Ўт олаётган инсон умрлари қанчалар бисёр! Бошим узра қандай пушти ранг тинчлик! Қандай булатсиз жимжитлик!

## МАДАД СЎРАГАН ТОВУШ

Эртасига Зардўшт яна мағора олдидағи тош устида ўтирас, махлуқлари эса бу пайтда уйга янги озуқа, шу билан бирга янги асал келтириш учун ҳар томонни кезардилар: Зеро, Зардўшт эски асални охирги томчисига қадар ишлатиб бўлмиш эди. Аммо у шундай қўлида асо ушлаб, асрий ўйларга ботиб, ерда ўз соясининг тарҳини чизиб ўтиракан ва ҳақиқатан, унинг ўй-хаёллари на ўзи ва на сояси ҳақида эди! – У кутилмаганда бирдан чўчиб тушди, зеро, у ўз сояси

ёнида бошқа бир соя ҳам турганлигини күрди. У дафъатан ўгирилиб қараб, дик этиб ўрнидан тургунча, ўз ёнида яна ўша авлиёни күрди, бир сафар ўзи қўноқ қилган, едирган, ичирган, бу ўша буюк ҳоргинликнинг мубашшири: «Ҳаммаси ҳам бир хил, ҳеч нарса қилмаслик керак, дунёнинг маъноси йўқ, билим бўғади», деб ўргатган зот эди. Лекин бу орада унинг туси ўзгарди; Зардўшт унинг кўзига қаради-ю, юрагига яна иккинчи марта ҳадик тушди: зеро, ушбу башарадан шу қадар кўп ёмон аломатлар ва кул ранг бўй чақмоқлар чақилиб ўтди.

Авлиё Зардўштнинг юрагидан нималар ўтганини сезиб, худди ундаги нарсаларни ўчирмоқчи бўлгандай қўли билан юзини сидирди; Зардўшт ҳам шундай қилди. Икковлон индамай-нетмай шундай ўзларини ростлаб олганларидан сўнг бир-бирларига қўл узатдилар, шу билан бир-бирларини билишга майл билдирилар.

«Марҳабо, эй, буюк ҳоргинлик валийси, – деди Зардўшт, – сен бир сафар бекорга менинг меҳмоним бўлмагансан. Бу гал ҳам меникида қўноқ бўл, егил, ичгил ва магар қувноқ мўйсафид сен билан ўтиrsa, уни кечиргил!» «Қувноқ мўйсафид? – жавоб берди авлиё бошини чайқаб. – Аммо сен ким бўлма ёки ким бўлишни истама, о, Зардўшт, энди бу тоғ устида узоқ қололмайсан, – тезда сенинг кеманг қирғоқда ётмайдиган бўлур!» – «Ахир мен қирғоқда ётибманми?» – деб сўради Зардўшт кулиб. – «Тўлқинлар сенинг тоғинг атрофида, жавоб берди авлиё, тобора юқорироқ кўтарилиб бормоқда, булар буюк қашшоқдик ва қайfu тўлқинларидир: улар тезда кемангни кўтариб, сени бу ердан олиб кетурлар». Зардўшт жим ва лол

туарди. – «Наҳот сен ҳамон ҳеч нарсаны эшитма-  
ётган бўлсанг? – сўзида давом этди авлиё. – Туб-  
сизликдан шовқин ва қалдироқ келмаяптими?»  
Зардўшт ҳамон жим қулоқ соларди: шунда у узун  
акс садо берган ҳайқириқни илғади, бу товушни  
ўпқонлар биридан иккинчисига улоқтирап, зеро,  
ҳеч қайсиси уни ўзи билан олиб қолмоқни иста-  
масди: шунчалар ҳалокатли янграради у.

«Э, толе валийси, – деди ниҳоят Зардўшт, – бу  
кимдир ёрдамга чақирияпти, бу одамнинг товуши,  
у уммон қаъридан чиқяпти. Лекин менинг инсон  
кулфати билан нима ишим бор! Менга қолдирил-  
ган энг охирги гуноҳ, – сен биласанми, у нима деб  
аталар эди?»

– «Дардошли! – деб жавоб берди авлиё юраги  
тўлиқиб ва иккала қўлинин юқори кўтарди. – О,  
Зардўшт, мен сени охирги гуноҳингга етказиш  
учун келаётирман!»

Бу сўзлар унинг оғзидан чиқар-чиқмас яна ўша  
қичқириқ аввалгисидан ҳам чўзилиб, маҳзунроқ  
бўлиб эшитилди, энди у янада яқинроқ ердан ке-  
ларди. «Эшитяпсанми? Эшитяпсанми, о, Зардўшт?  
– деб бақирди валий. – Бу товуш сени излайпти,  
сени чақирияпти: кел, кел, кел, вақт бўлди, бир зум  
ҳам ҳаяллаш мумкин эмас!»

Лекин Зардўшт ҳайрону лол турар, индамасди;  
ниҳоят у худди ўзини ўзи ўсмоқчилагандай сўра-  
ди: «Ким у ерда мени чақираётган?»

«Лекин сен уни биласан-ку ахир, – жаҳди чиқиб  
жавоб берди валий, – сен нимага ўзингни яшир-  
япсан? Бу аъло одам сени чорлайпти!»

«Аъло одамми? – нидо қиљди Зардўшт ваҳимага  
тушиб. – Нимани истар у? Нимани истар у? Аъло  
одам! Нима қилиб юрибди у бу ерда?» – у шундай  
деб бутун аъзойи бадани жиққа терга ботди.

Бироқ валий Зардўшт ваҳимасига эътибор бермай ўпқон қаъридан келаётган товушга қулоқ соларди. Ниҳоят, у ёқда жимлик чўккач, у ўтирилиб қараб, Зардўшт ҳамон ўша алфозда турганлиги, даг-даг қалтираётганини кўрди.

«О, Зардўшт, – деб бошлади у қайгули овоз билан, – сенинг туришинг бахтидан айланиб-ўргилишга мажбур бўлган одамга ўхшамайди. Сен юзтубан ийқилмаслик учун ўйинга тушишинг керак.

Агар сен менинг олдимда ўйинга тушишни хоҳлаганингда ва ҳар томонга сакраб ҳакалак отганингда ҳам, бари бир ҳеч ким менга: «Қара, ана охирги қувноқ одам ўйин тушяпти!» – деб айтолмаган бўларди.

Уни қидириб бу ерга, баландга чиққан одамнинг меҳнати зое кетарди: у бунда фақат мағораларга ва у ерда яширганларнинг хуфия жойларига дуч келарди, лекин бунда у на бахтнинг ўрлари ва хазиналарини, на буларнинг олтин ўзакларини топган бўларди.

Бахт-иқбол – ушбу тириклай кўмилганлар ва тарки дунё қилганлардан бахт-иқбол топиш мумкинми ахир! Наҳот мен охирги бахтни фарофат оролларида ва олислардаги унутилган денгизлардан излашим керак?

Аммо бари бир хил, ҳеч нарса қилишнинг кераги йўқ, барча ахтаришлар бекор, инчунин энди фарофат ороллари ҳам йўқ!»

Авлиё ана шундай оҳ-воҳ қиларди; лекин у сўнгги бор оҳ тортганда, Зардўштнинг яна чеҳраси очилди ва худди тубсиз қаърлардан ёруғликка чиқиб келаётган аллаким каби ўзига ишониб, дадил тортди. «Йўқ! Йўқ! Уч карра йўқ! – деб қичқирди у адл овози билан, сўнг соқолини силади. – Мен

буни яхши биламан! Ҳали фароғат ороллари бор!  
Сен бу ҳақда сўйлама, эй, қайғуларнинг оҳ-воҳда-  
ри тўлган қанори!

Сен бу ҳақда чулдираб ўтирма, эй, сен пешин  
арафасидаги ёмғирли будут! Ахир мен сенинг  
ғам-қайғуларингдан худди сувга тушган ит каби  
бўқмадимми?

Энди мен бир силкинаман-да, бу ҳўл балодан қу-  
тулиш учун сендан нари қочаман: сен бунга ҳайрон  
қолмаслигинг керак! Сенга қўпол бўлиб қўринмаяп-  
манми? Лекин бу ерлар менинг мулкларим.

Сенинг аъло одамингга келсак – бўпти майли!  
Мен уни бу ўрмонликда бир зумда топиб оламан:  
у ёқдан унинг овози келаётир. Балки уни аллақан-  
дай қонхўр ҳайвон таъқиб қилаётгандир?

Аъло одам менинг маконимда – бунда унинг  
бошига кулфат тушмагай! Ҳақиқатан, менинг  
кўп ваҳший ҳайвонларим бор».

Зардўшт шу сўзларни айтгач, туриб кетмоқ-  
чи бўлди. Шунда авлиё деди: «О, Зардўшт, сен  
мугомбирсан!

Биламан: мендан қутулмоқчисан! Сен жон-жон  
деб ўрмонликларга қочиб боргинг ва ваҳший  
ҳайвонларни овлагинг келади!

Лекин бу сенга ёрдам берармикин? Оқшом мен  
бари бир сенинг маконингда бўлурман: Сенинг  
мағорангда худди тўнкадек оғир чўкурман ва  
сабр-тоқат билан сени кутурман!»

«Майлига! – деб қичқирди Зардўшт кета туриб.  
– Билиб қўй: менинг форимда менга тегишли ни-  
майки бор бўлса, у сенга, менинг азиз меҳмонимга  
ҳам тегишилдири!

Агар сен у ерда яна асал ҳам топиб олсанг,  
майли! – Эй, фўлдираган айик, уни ялаб ўтири ва

фароғат қил! Зотан, кечга бориб биз иккимиз ҳам хуррам бўлурмиз.

– Хуррам ва мамнун бўлурмиз бу кун тугади деб! Шундан сўнг сен менинг олим айигим каби ўзинг қўшиқларимга жўр бўлиб ўйин тушурсен.

Сен бунга ишонмайсанми? Бошингни чайқа-япсанми? Майлига! Жўна! Қари айиқ! Аммо мен ҳам авлиёман!»

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ҚИРОЛЛАР БИЛАН МУСОҲАБА



Зардўшт ўз тоғлари ва ўрмонликларида ҳали бир соатча ҳам кезмаган эдики, бирдан кўзи ғалати одамларга тушди. Айни у тушиб борадиган йўлдан икки қирол юриб борар, уларнинг бошлирида тож, белларига алвон белбоғлар чулғанган, худди безангандан қизил фозга ўхшардилар. Улар олдиларида юк ортилган эшакни ҳайдаб боришарди. «Бу қироллар менинг мулкатларимда нима қилиб юришибди?» – деб ўйлади ҳайрон қолиб қўнглида Зардўшт ва дарров ўзини буталар панасига олди. Лекин қироллар унга яқинлашиб келишгач, у худди ўзи билан ўзи гаплашган одамдай шивирлаб деди: «Қизиқ! Қизиқ! Буниси қандоқ бўлди? Мен иккита қиролнию ва фақат битта эшакни кўриб турибман!»

Шунда ҳар икки қирол тўхтаб, жилмайишди-да, овоз келаётган томонга қараб, сўнг бир-бирлари билан кўз уриштиришди. «Кўплар биз томонда ҳам шундай ўйлашади, – деди ўнг томондаги қирол, – лекин буни овоз чиқариб айтишмайди».

Сўл томонда турган қирол елкаларини қисди-да, жавоб берди: «Бу эчкибоқар бўлса керак. Ёки қоя тошлар ва чакалаклар ичида узоқ қолиб кетган дарвешдир. Зоро, жамиятдан ташқарида яшаш ҳар қандай одамнинг яхши хулқ-атворини бузади».

«Яхши хулқ-атвормиш? – разаб ва алам билан эътиroz билдириди иккинчи қирол. – Биз кимдан четланамиз ўзи? «Яхши хулқ-атвор»лардан эмасми? Ўзимизнинг «Яхши жамиятимиз»дан эмасми?

Ҳақиқатан, ўзини «Яхши жамият» деб атайдиган, тилла ҳалларга чулғанганд, кассоб, ясан-тусан қилган, упа-элик сурган қироллар ичида яшагандан кўра тарки дунё қилганлар, эчкибоқарлар орасида яшаш маъқулроқ.

– Гарчи бу жамият ўзини «Оқсуюклар» деб атаса ҳам. Лекин суяқ сурган ёмон касалликлар ва ундан ҳам бешбаттарроқ беъмани шифокорлар боис унинг бутун борлифи, қондан тортиб ҳаммаси чириб риёкорликка айланиб кетган.

Мен бу бўялиб-бежалганлардан кўра ҳар жиҳатдан соғлом дехқонни афзал деб биламан – дағал, муғомбир, қайсар ва чидамли дехқон бугун энг олижаноб инсон.

Дехқон бугун ҳаммадан кўра яхшироқ; дехқон ҳаётнинг хўжасига айланиши керак! Бироқ ҳозир оломон ҳокимияти ҳукмрон, – бу борада мен ўзимни яна алданишга йўл қўймайман. Оломон деганингиз эса қаланги-қасанғилар: унинг ичида ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетган: авлиё ҳам, абллаҳ ҳам, тўра ҳам, жуҳуд ҳам ва Нуҳ кемасига тушган турли-туман ҳайвонлар.

Яхши хулқ-атворт! Бизда бари чириган ва пастлашган. Ҳеч ким энди эъзоз-икром нималигини билмайди: ҳаммамиз айнан шундан қочамиз. Бу-

лар думини ликиллатиб турувчи хира итлар, улар палма япроқларини тилларанг қилиб бўяшади.

Мен нафратим қўзиб бўғилиб кетаман, ахир биз, қироллар ҳам ясама бўлиб қолдик, аждодларнинг сарғайган кўҳна ялтир-юлтирига чулғаниб, безаниб олганмиз, бизни муттаҳамлар ва ранг-баранг тентакларга, бугун ҳокимият билан чайқовчиликни авж олдираётган барча кимсаларга кўргазмага қўйиб кўрсатишади.

Биз биринчилар эмасмиз – биз биринчилар бўлиб кўринишимиз даркор: биз ниҳоят чарчадик ва ушбу алдам-қалдамдан тўйиб кетдик.

Биз ўзимизни қаланги-қасанғилардан четга олдик, мана шу барча бақироқлар ва ёзгувчи гўнг пашшалардан, чайқовчиларнинг қўланса ҳидларидан, шуҳратпарастларнинг қалтироқликлари ва бадбўй нафасларидан четландик. Қаланги-қасанғилар ичида яшашга туф!

– Туф, ипринди-сиприндиilar ўртасида биринчи бўлишга! Оҳ, жирканаман! Жирканаман! Жирканаман! Нима аҳамиятимиз қолди энди биз қиролларнинг!»

«Сенинг эски касалинг қўзияпти, – деди шунда сўл ёнда турган қирол, – сенга жирканиш, нафрат қайтиб келяпти, менинг шўрлик укам. Лекин сен сезиб турган бўлсанг керак, кимдир бизнинг гапимизга қулоқ солиб турибди».

Шунда Зардўшт ўзи бикиниб, бу гап-сўзларни камоли диққат билан эшишиб турган панадан дарҳол чиқди, қиролларга рўпара бўлди ва шундай гап бошлади:

«Эй, қироллар, сизни жон қулоғи билан эшишиб турган мана менман ва мени Зардўшт деб атайдилар.

Мен Зардўштман ва бир гал мен шундай гапни айтганман: «Қиролларда нима маъно қолди!» Мени маъзур кўрингиз, сиз бир-бирингизга: «Қироллар билан бизнинг нима парвойимиз бор!» – деб айтганингизда, бундан хурсанд бўлдим.

Лекин бу ерлар менинг салтанатим ва бунда мен ҳукмронман – менинг мулкимда нималарни қидириб юрибсиз? Лекин, эҳтимол, сиз йўл-йўла-кай мен қидириб юрган нарсани: аъло одамни топгандирсиз?

Қироллар бу сўзларни эшитгач, қўлларини кўкракларига урдилар-да, бир овоздан нидо солдилар: «Бизни билиб қолиши!

Бу сўзингнинг қиличи билан қалбимизнинг зимистон қоронгулигини ёриб ташладинг. Сен бизнинг дардимизни билдинг, зеро, биласанми, биз аъло одамни топиш учун йўлга чиқдик.

– Гарчи биз қирол бўлсак ҳам, аъло одам биздан юқорироқдир. Биз унга мана шу эшакни олиб боряпмиз. Зеро, аъло одам ер юзида олий ҳукмрон бўлмоғи даркор. Агар бу дунёнинг ҳукмронлари шу билан бирга биринчи одамлар бўлмаса, унда барча инсон тақдирларида бундан ортиқроқ оғир баҳтсизлик йўқ. Унда ҳамма нарсалар ёлғон, қийшиқ ҳамда ваҳшиёна бўлиб қолур.

Агар улар энг тубан даражага тушиб, одамдан кўра кўпроқ ҳайвонга ўхшаб қолсалар – ана унда тўда, оломоннинг нархи, қадри ошади ва ниҳоят оломоннинг эзгулиги шундай сўзларни айтадиган бўлади: «Қара, эзгулик фақат мендирман!»

«Ҳозиргина мен нимани эшитдим? – жавоб берди Зардўшт. – Қиролларнинг донолигига офарин! Мен қойил қолдим ва буларнинг барини сажда қофияли қилиб айтсам дейман:

– бу қофиялар балки кимнингдир қулоғига ёқмас. Мен узун қулоқларга эътибор бермай қўйганимга анча бўлди. Майлига! Олға!

(Лекин бу ерга келганда, эшак ҳам аччиғи чиқди шекилли, чидаб туролмай ҳанграб юборди: И-ҳо.)

Бир куни – Исо таваллудининг биринчи йили Сивилла маст бўлиб (майдан эмас) тилга кирди:

*«О, алам, алам, ҳаммаси тубан!  
Нақадар қашишоқ, барчаси юпун!  
Румо бўлди катта исловатхона,  
Цезар ҳайвон, жуҳуд – Худо ягона!»*

## 2

Қироллар Зардўштнинг бу қофияларидан завқданишарди: аммо ўнг ёндаги қирол шундай деди: «О, Зардўшт, сени кўргани келганимиз қандай соз бўлди!

Зеро, сенинг фанимларинг сени бизга ўз қийшиқ ойналарида кўрсатишар, унда сен демон каби аччиқ қулиб, қийшанглаб қўринар ва биз сенинг қиёфангдан қўрқардик.

Лекин кошки бу ёрдам берса! Сен бизнинг қулоғимиз ва қалбимизга ўз ҳикматларинг билан кириб борардинг. Шунда ниҳоят биз бир қарорга келдик: унинг қиёфаси билан нима ишимиз бор!

Биз уни эшитишимиз керак, у шундай таълим берур: «Тинчликни янги урушларнинг воситаси каби севингиз, қисқа тинчлик узун тинчликдан каттароқдир!»

Ҳали ҳеч ким бундай жанговар сўзларни айтмаган: «Нима яхши? Жасур бўлиш яхши. Уруш неъмати ҳар қандай мақсадни оқлади».

О, Зардўшт, бу сўзларингни эшилдиғу аждодлар қони томирларимизда жўш уриб кетди: бу баҳорнинг эски хумларга айтган сўзидаи бўлди.

Қизил доғли илонлар каби бизнинг қиличларимиз қиличлар билан олишганда, боболаримиз чин ҳаёт билан яшаган эканлар деймиз: тинчликнинг ҳар қандай қуёши уларга нурсиз ва совуқ кўринар, узоқ давом этган тинчлик шармисорлик келтиради.

Бизнинг оталаримиз деворларда занг босмаган, тифи тўмтоқ бўлиб кетган шамширларни кўрганларида қанчалар хўрсинар, оҳ тортардилар! Улар худди қиличлар каби урушга ташна эдилар. Зотан, қилич қон билан ювилишни истар ва ташнаком ярақлар».

Қироллар аждодларнинг саодатли онлари ҳақида орзу қилиб, алангали сўзлашар эканлар, Зардўшт уларнинг бу жўш уриб хуришлари устидан кулгиси келди, зеро, у ўз рўпарасида кўриб турган қироллар фоятда сулҳпарвар, чеҳралари қари, юмшоқ ва нозик зотлар эди. Лекин у ўзини тийди. «Нима ҳам қилдик! – деди у. – Манов йўл Зардўштнинг горига олиб боради; майлига, бугунги куннинг оқшоми узун бўлсин! Вақтим бўлди, мен бундан боришим керак. Мени мададга чорламоқдалар: Кулбай форимга сизнинг пойқадамингиз етса, сарфароз бўлур ва бошим осмонга етур мени кутсангиз; лекин узоқ кутишингизга тўғри келур!

Нима ҳам қилдик! Энг яхши кутиш жойлари саройлар бўлмай қаер? Қиролларнинг қолган-күтган охирги эзгуликлари нима? – У бугун кутиш маҳорати, деб аталмайдими мабодо?»

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **ЗУЛУК**

Шундай қилиб, Зардўшт ўйга ботганча тоғдан пастига эниб борар, ўрмонликлардан ва ботқоқдиклардан ўтиб тобора қуи тушарди; мушкул нарсаларни мулоҳаза қилаётган ҳар қандай киши каби у бирдан бир одамни босиб кетаёзди. Бирваракай унинг юзига жони оғриган кимсанинг оҳ-воҳдари, бақириқ-чақириқлари, сўкиниб, лаънатлаганлари ёғилдики, Зардўшт қўрқиб кетиб, дафъатан қўлидаги таёфини кўтарди-да, ўзи босиб олган кишини икки бора урди. Лекин шу заҳоти унинг ҳуши ўзига келди; бировга тентак бўлиб калтак кўтаргани учун ўз ичидা тоза кулди.

«Кечир, – деди у ҳалиги ўрнидан дик этиб туриб ўтирган, ўзи билмай босиб олган кимсага қараб, – кечир ва аввал бир қиёсим бор, шуни эшит.

Олис-олис нарсалар ҳақида хаёл суриб кетаётган йўлчи кутилмаганда бўм-бўш кўчада ўзини офтобга солиб, мудраб ётган итга дуч келгандай ва ҳар иккиси қаттиқ қўрқиб кетиб, сакраб туриб бир-бирига худди қаттол душман каби ташлангандай, – биз ҳам ҳозир шундай аҳволга тушдик.

Бироқ! Бироқ буни қаранг – ушбу ит ва ушбу ёлғиз йўловчи бир-бирларини эркалаб, илтифот қилиб қўйсалар ҳам бўларди, бунга озгинагина қолган эди!»

«Сен ким бўлмагил, – деб жавоб берди ҳамон даргазаб ҳолда Зардўшт босиб олган одам, – сен мени ёмон босиб олдинг ва энди оёғинг билангина эмас, ўхшатишинг билан ҳам менга азоб беряпсан!

Қара, ахир мен ит эмасман!» – ва ушбу сўзларни айтганча, ҳалиги ўтирган киши ботқоқдан ўзининг

яланғоч қўлини чиқарди. Зотан, у худди ботқоқ кўлдаги ови – ўлжасини пойлаган одамдай бекиниб, ўзини пана қилиб ер узра узала тушиб ётган эди.

«Э сенга нима қилди ўзи! – деб бақирди чўчиб тушган Зардўшт, зеро, у кимсанинг яланғоч қўлидан анча қон оқаётганини кўрган эди. – Нима бўлди сенга? Эй бадбахт, сени биронта ёмон маҳлуқ чақиб олмадими мабодо?»

Қўлидан қон оқаётган кимса ҳамон жаҳлидан тушмай кулиб юборди. «Сенинг нима ишинг бор! – деди-да, у ўз йўлига кетмоқчи бўлди. – Мен бунда ўз уйимда ва ўз салтанатимдаман. Мендан ким сўраса-сўрасин: лекин дуч келган тўнкага жавоб бериб ўтирумайман».

– «Сен адашяпсан, – деди Зардўшт унга раҳми келиб ва қўлидан ушлаб тўхтатди, – сен адашяпсан: бу ерда сен ўзингники эмас, менинг мулким ва салтанатимдасан, шунинг учун бу ерда ҳеч кимнинг бошига кулфат тушмаслиги керак.

Мени нима деб атасанг, ўз ихтиёринг – мен ўз аслимдаги бир одамман. Мен ўз-ўзимни Зардўшт деб атайман.

Майлига! Ҳўв тепада йўл Зардўштнинг форига олиб боради, узоқ эмас, манави жароҳатларингни у ерда даволасак бўлади. Нима дейсан?

Эй, шўрлик, бу сен ёмон аҳволга тушибсан: оддин бир маҳлуқ чақиби сени, кейин, мана, одам босиб олибди!»

Лекин ҳалиги кимса Зардўштнинг номини эшитиб, бирдан ўзгариб кетди. «Менга нима бўлди ўзи! – қичқирди у. – Мени бу дунёда бирдан-бир шу одам – ягона Зардўштгина қизиқтиради, бошқа ким бўларди, ундан кейин манави қон сўриб кун кўрувчи маҳлуқлар зулуклардан бошқа?

Мен шу зулукни деб, худди балиқчидек бу балчиқ кўлнинг бўйида ётган эдим, қўлимни балчиқقا солдим, зулуклар уни ўн марта чақди, мана энди қаранг, менинг қонимни ундан ҳам чиройлироқ маҳлуқ – Зардўштнинг ўзи ичмоқда!

О, толе! О, мўъжиза! Мени бу балчиқ кўлга бошлаб келган кун қутлаф бўлсин! Ҳозирда яшовчи қон сўрувчи идишларнинг энг яхшиси бўлган манов маҳлуқ омон бўлсин ва омон бўлсин диёнатнинг буюк зулуғи Зардўшт!»

Зардўшт босиб олган кимса шундай сўзларни айтарди. Зардўшт ҳам унинг сўзларидан ва илтифотли ҳурмат-эътиборидан хурсанд бўлди. «Сен ким бўласан? – деб сўради-да, унга қўлини узатди. – Ўртамизда ҳали аниқдаб оладиган бир қанча гаплар бор;ammo, менимча, тоза, тиниқ кун бўладиганга ўхшайди».

– «Мен руҳий виждонман, – деб жавоб берди саволга кимса, – ва руҳ деганда мен ўзим ўқиб ўрганган нақ Зардўштдан бошқа мендан ўткирроқ, мендан аччиқроқ ва ниҳоят мендан маҳкамроқ бирон бир кимсани топиш мушкул.

Кўп нарсани чала-ярим билгандан кўра ҳеч нарсани билмаган яхши! Ўзгаларнинг фикрларига асосланиб донишманд бўлгандан кўра таваккал қилувчи аҳмоқ бўлган дуруст! Мен – асос қидираман:

– У каттами, кичикми, нима фарқи бор? У осмон ёки ботқоқ, деб аталмайдими? Бир қарич асос бўлса менга етарли: магар у ҳақиқатан асос ва замин бўлса!

– Бир қарич асос: унда тик туриш мумкин. Билимнинг чинакам ҳалоллигида ҳеч нарса йўқ, на катта ва на кичик».

«Э-ҳа, балки сен зулукни билгувчи дирсан? – сўра-ди Зардўшт. – Шу боис сен зулукни охирги бўғи-нигача текшираётган дирсан, ҳей, сен руҳи ҳалол?

«О, Зардўшт, – деб жавоб берди ўша Зардўшт босиб олган кимса, – агар мен бунга журъат қил-сам, жуда ҳам хунук бўларди!

Лекин мен аъло ва ҳар томонлама биладиган нарса, бу зулукнинг мияси – ана бу менга тегиши-ли дунё!

Бу шунингдек дунё! Мен ифтихор қилаётган бўлсам, буни кечир, лекин бунда менга teng ке-ладигани йўқ. Шунинг учун мен боя: «Бу ерда ўз уйимдаман», деб айтдим.

Мен ушбу якка-ягона нарсани, зулукнинг мия-сини ўрганаётганимга қанча замонлар бўлди, ахир сирғанчиқ ҳақиқат қўлимдан чиқиб кетма-син, дейман-да! Бу ер – менинг салтанатим!

– Шуни деб, бошқа ҳаммасидан воз кечдим, шуни деб, бошқа ҳеч нарса билан ишим бўлмай қўйди; шу боис менинг билимим ёнида қора жаҳолатим чўзилиб ётади.

Руҳимнинг ҳалоллиги мендан қандайдир бит-та нарсани яхши билишимни ва бошқаларини билмаслигимни талаб қиласди. Мен барча руҳи чала-ярим, барча мавхум, пир-пир учган ва ха-ёлпараст нарсаларни ёмон кўраман.

Менинг ҳалоллигим тугаган ерда мен кўрман ва кўр бўлишни истайман. Бироқ билишни истаган жойда мен шунингдек, ҳалол бўлишни, айнан жиддий, ўткир, аччиқ, қаттиқ ва метиндай мус-таҳкам бўлишни истайман.

О, Зардўшт, сен бир куни айтгансан: «Руҳ бу ҳаётдир, бунда ҳаёт, ҳаётга ўкириб кириб бора-ди», бу сўз мени ўзига ром этди ва мени сенинг

таълимотингга олиб кирди. Ва ҳақиқатан, мен ўз қоним билан ўз билимимни оширдим!»

– «Аён кўриниб турган нарса шуни исботлайди», – деб унинг сўзини бўлди Зардўшт. Зотан, қон ҳамон руҳи ҳалолнинг ялангоч қўлидан оқиб турарди. Зеро, унга ўнта зулук ёпишган эди.

«О, ажойиб ошнам, мени аён кўриниб турган нарса кўп нарсага ўргатади, яна айнан сен ўзинг! Ва эҳтимол, сенинг ўткир қулоғингга ҳамма нарсани ҳам айтиб ўтиришим шарт эмас эди!

Майлига! Шу ерда айриламиз! Лекин сен билан яна учрашгим келади. Анави тепадаги йўл менинг форимга олиб боради – бугун кечаси у ерда менинг тансиқ меҳмоним бўлгил!

Зардўштнинг оёғи босиб олган танангни ҳам даволаб қўйишни хоҳлардим – мен буни ўйлаб кўраман. Энди эса вақт бўлди, мени бу ердан ёрдам сўраб чақиришяпти».

Зардўшт шундай зикр қилди.

## СЕҲРГАР

### 1

Бироқ Зардўшт қояни айланиб ўтиб, ўзидан пича нарироқда – пастда, текис йўлнинг ўртасида худди қутургандай дағ-дағ титраётган кимсани кўриб қолди, ҳалиги одам бирдан ўзини қорни билан ерга отди. «Тўхта! – деди шунда Зардўшт ўз кўнгли ичида. – Бу ўша аъло одам бўлса эҳтимол; ёрдам сўраб жони борича қичқираётган ҳам худди шунинг ўзи, – қарай-чи, унга нима ёрдам керак экан?» У ерда ётган одамнинг олдига юргургилаб борди, бир қари чол кўзлари қотиб қолганча

тупроқда ётарди, Зардўшт уни күтариб оёққа бостириш учун қанча уринмасин, барча ҳаралатлари зое кетди. Шўрлик афтидан ёнида одам борлигини ҳам пайқамасди. Аксинча, у худди ҳамма ташлаб кетган, якка-ёлғиз қолган одамга ўхшаб ҳар томонга сарак-сарак боқарди. Ниҳоят узоқ вақт титраб-қақшаб, тиришиб ётгач, у аччиқ алам билан нолишга тушди:

*Ким мени севади, ким мени иситар?  
Қайноқ қўлингизни узатинг менга,  
Қалбимга багишланг чўгли аланга.  
Ўлим тўшиагида ётгандай, оёқлар совуқ,  
Жон бўғзимга келмиш, қўрқинч сизловуқ,  
Касалим оғир, нималиги номаълум,  
Совуқ жонимдан ўтар, музлаб аъзо баданим,  
Аёвсиз нишларин санчар.  
Мени таъқиб этасан, тафаккур руҳи,  
Бурканиб олгансан, номсиз бир бало,  
Булутлар ортидан ўқлар узасан! –  
Қоронгудан гаддор, боққан у кўзлар,  
Мени худди яшин уриб қулатди!  
Шундай ётадурман тўлганиб,  
Сен юборган азобларни еб,  
Етти қат буқчайдим, буралдим,  
Эзилдим ортиқ,  
Эй, беражм овчи,  
Менга нотаниш Худо!*

*Янада чуқур санч,  
Яна ол мўлжалга қалбимни,  
Парчала, ёриб ташла!  
Лек нечун тўмтоқ ўқлар-ла,  
Азоб берасан?*

Лек нечун менга бοқасан  
Одамларнинг туганмас  
азоблари-ла?

Яшиндай, қақшатгич худо назари?  
Йўқ, жон олиши истамайсан,  
Фақат қийнаб, ёмон қийнайсан!  
Нечун, нечун сенга керак  
менинг азобим,  
Қахҳор, нотаниш худойим?  
Эҳ, кўриб турибман!  
Ярим тунда пусиб келдинг  
ёнимга.

Айт ўзинг, нима истайсан?  
Сиқасан, тинмай эзасан мени  
Вой, жуда ҳам яқин қолди!  
Нафасимга қулоқ тутасан,  
Санайсан юрак зарбларин –  
Рашк қиласан!

Кимдан ахир бу рашикинг?  
Қоч! Қоч! Қайга –  
Олмоқчисан ўзингни?  
Юракками кириб оласан,  
Эзгу хаёлларни оралаб!  
Сен уятсиз, бегона, ўгри!  
Нимани ўгирлаб олмоқчисан ўзингга,  
Нимани билиб олмоқчисан танангга?  
Нимани билишини истайсан, эй, дилозор?  
Илоҳий хунхор!  
Ёхуд мен худди им каби  
Ётайми юз тубан сенинг олдингда  
Ликиллатиб дум?  
Эҳтиросим жўшиб, сенга  
Бахши этайми мухаббатим  
Эшилиб, буралиб, бир зум?

Бекор қиласан,  
Үр қаттиқроқ!  
Ох, нақадар оғир бу санчиш!  
Йүк, сенинг исковичинг  
эмасман,  
Мен фақат – ўлжа.  
Рахмисиз, сайёд,  
Сенинг магрур овингман,  
бўлмишман банди!  
Булутлар ортига беркинган  
қароқчи!  
Айт, менга айт, нима истайсан?  
Эй, сен талончи!  
Нима? Товоными?  
Қандайин ва қанча?  
Кўп талаб қил – дейди гурурим –  
Кам сўйла – тақрорлайди яна у.  
Хўп мана қандай?  
Шундайми?  
Меними?  
Мени хоҳлайсанми сен?  
Мени – бир бутун борлигим ила?  
Э! – унда ахир нега  
Менга мунча азобинг, тентак?  
Нега хўрлайсан мунча жонимни?  
– Севги бер менга, кимни иситай?  
Қайнок қўлларинги узатгил менга  
Қалбимга багишла чўгли аланга,  
Мен ёлгизман ўз хилватимда –  
Фанимларга ва етти қават музларга  
Ғаддор ёвларга  
У интилмоқни ўргатар.  
Енгилмас ганим сен таслим бўл – менга

*Таслим бўл менга!  
Қоч! Учиб кетди!  
Қочди тирақай  
Менинг ёлгиз дўстим ва ёвим,  
Улуг душманим  
Ўша яна менга ёт  
Илоҳий жаллод!  
Йўқ!  
Қийноқларинг-ла, бирга  
Қайтиб кел менга  
Кўз ёшларим ёғилар  
Сенинг ортингдан,  
Сен учун қалбимда яна ёнди бирдан  
Энг сўнгги олов.  
Қайт, қайт менга, илоҳим,  
– Менинг азобим  
ва энг сўнгги иқболим!*

2

Аммо Зардўшт шу ерга келганда, ўзини тутиб туролмай, калтагини кўтариб бунчалар шикоят ёфдираётган кимсанинг бошига бир урди. «Бас қил, – деб қичқирди у ёмон қулиб, – бас қил, эй, масхарабоз! Қаллоб, пул ясовчи! Бадбаҳт ёлғончи! Мен сени танидим!

Оёқларингни синдираман сенинг, бадбаҳт сеҳграр! Сенга ўхшаганларни товада қандай қовуришни яхши биламан!»

– «Қўй, қўй, – деб ёлворди чол ва ўрнидан сакраб турди, – бўлди, бошқа урма мени, о, Зардўшт! Бари қўрганинг кулгили ўйин эди!

Мен бу ҳунарни боплайман; сени шундай васvasага солиб синамоқчи бўлдим! Сен қойилмақом сезиб қолдинг!

Лекин сен ўзинг ҳам – менга ким эканлигинг борасида озмунча далолат бердинг: сен жуда қатиқсан, эй, доно Зардўшт! Сен ўз «Ҳақиқат»ларинг билан оғир зарбалар берасан, сенинг таёфинг мендан ҳақиқатни зўрлаб олади!»

«Тилёғламалик қилма, – деб жавоб берди Зардўшт ҳамон ҳовурдан тушмасдан чолга хўмрайиб қарапкан, – сен ашаддий лўттибоз! Сўзларинг ёлгон: ҳақиқат дейсану билармисан нима ҳақиқат!

Сен тустовуқдан ўтиб тушган тустовуқ, сен шуҳратпарамстликнинг баҳри уммони, сен баттол жодугар, менга нима ўйин кўрсатдинг, бунчалар нолаю фифон кўтардинг, мен кимга ишонишими керак?»

«Руҳан тавба қилаётганга, – деди қария, – мен шундай кимсани сенга ифодалаб кўрсатдим, бу сўзни бир замон сен ўзинг кашф қилгансан;

– ўз руҳини охири ўз-ўзига қарши қаратган, ўзгарган, илми чатоқдиги ва диёнати тубанлигидан доим музқотадиган шоир ва сеҳргар.

Тан олиб айт, о, Зардўшт, менинг ҳунарим ва алдам-қалдамимни фаҳмига етиб олгунингча қанча узоқ вақт ўтди-я! Бошимни икки қўллаб ушлаб турган чоғингда сен менинг ҳасратимга ишондинг.

– Аччиқ алам ила шундай шикоят қилганингни эшитдим: «Уни жуда ҳам оз суйганлар, жуда ҳам оз суйганлар!» Сени боплаб алдадим ва бундан ич-ичимдан суюндим».

«Сен мендан кўра муғомбирроқларни ҳам алдагансан шекилли, – деди Зардўшт қовоғини солиб.

– Мен алдоқчилардан қочмайман, зеро, мен эҳтиётсиз бўлмоғим керак: толеим шуни талаб қилади.

Лекин сен – алдамогинг керак: сени шунчалар яхши биламан! Сенинг сўзларинг ҳамиша икки-уч-тўрт маъноли бўлмоғи даркор!

Ҳатто ҳозир сен ўзинг тан олиб айтган гапларинг, бари мен учун на тўла ҳақиқат ва на тўла ёлғон!

Сен қабиҳ, қаллоб, пул ясовчи, бундан бошқача иш қила олармидинг? Агар табибга яланғоч ҳолда кўринсайдинг, ҳатто ўз касалингни ҳам бўяб кўрсатардинг.

Худди шундай сен: «Булар бари қулгили ўйин эди!» – деганингда менга ўз ёлғонингни бўяб-бежаб кўрсатмоқчи бўлдинг. Бунда, албатта бир жиддийлик ҳам йўқ эмас эди, Зеро, сенинг ўзинг ҳам қисман шундай руҳан тавба қилувчилардирсан!

Мен сени яхши биламан: сен ҳамма учун сеҳргарсан, лекин ўзинг учун энди сенда на ёлғон ва на ҳийлакорлик қолган, – сен ўзинг учун энди сеҳргар бўлмай қўйгансан!

Сен нафратингни ўзингнинг бирдан-бир ҳақиқатинг каби қабул қилдинг. Сенинг битта ҳам ҳаққоний сўзинг йўқ, аммо дудоқларинг ҳали ҳақиқатгўй: сенинг лабларингга ёпишиб ётган нафрат ҳаққоний».

«Лекин сен ўзи кимсан! – деб қичқирди шунда қари сеҳргар димоғдор товуш билан, – ҳозир тирик яшаётганлар ичida энг улуғ бўлган кимса билан ким бундай менсимай сўйлаша олади?» – шунда унинг кўзларидан Зардўштга томон мовий яшин чақнади. Лекин у шу заҳоти ўзгарди ва маъюс бўлиб деди:

«О, Зардўшт, мен ҳоридим, хунарларим меъдамга тегди, мен буюк эмасман, мен не учун ўйинчилик қилай! Лекин сен буни яхши биласан, – мен улуғликни изладим!

Мен ўзимни буюк одам қилиб күрсатмоқчи бўлдим ва кўпларни бунга ишонтиридим, лекин бу ёлғонга мен дош беролмадим. Унга бориб урилиб синдим.

О, Зардўшт, менинг барим ёлғон, лекин сина-ётганим – бу асил менинг ҳақиқатим!»

«Инсофинг бор экан, – деди Зардўшт хафагазак ҳолда четга қараб, – инсофинг бор экан, буюклик қидирибсан, лекин бу сени фош ҳам қиласди, сен буюк эмассан».

Баттол, қари жодугар, бу сенинг энг яхши ва энг ҳалол томонинг, сен: «Мен буюк эмасман», деб айтдинг, сен ўзингдан ўзинг чарчагансан, шунинг учун мен сени ҳурмат қиласман.

Шунинг учун мен сени, руҳан тавба қилаётганинг учун ҳурмат қиласман: лоақал бир зумга бўлса ҳам, сен шу тобда – тўғри сўзладинг.

Лекин айт-чи, бу ерда менинг қояларим ва ўрмонларимда сен нима қилиб юрибсан? Агар сен мен учун йўлда ағанаб ётган бўлсанг, унда мендан нима истайсан?

– Нега мени васвасага солмоқчи бўлдинг?

Зардўшт шундай сўзлар, унинг кўзлари чақнарди. Қари сеҳргар бир зум индамай турди-да, кейин шундай деди:

«Наҳот сени васвасага солган бўлсан? Мен – фақат излаяпман.

О, Зардўшт, мен биронта ҳақгўй, содда, адолатли, тўғри, ҳар жиҳатдан инсофли, донишмандлик идиши, билим тақводори, буюк бир одамни қидириб юрибман!

Наҳот буни билмайсан, о, Зардўшт! Мен Зардўштни излаяпман».

Шунда икковлон ўртасида узоқ жимлик чўкди; Зардўшт чуқур ўйга ботди, ҳатто кўзларини

юмди. Лекин сўнг у яна мусоҳибини эслади ва сеҳгарнинг қўлидан тутиб, мугомбирона илтифот билан деди:

«Майлига! Тепада йўл бор, у Зардўштнинг ғорига олиб боради. Сен кимни қидирган бўлсанг, у ердан топишинг мумкин.

Ниҳоят, менинг маҳлуқларим, бургутим ва илонимдан маслаҳат сўра: сенга излашга ёрдам беришсин. Аммо мағорам буюк.

Рост, мен ўзим – мен ҳали буюк одамни кўрмадим. Буюк одам учун ҳали ҳозир ҳам ҳатто энг нозик одамларнинг кўз боқишилари қўпол, қаттиқ кўрингай. Ҳозир оломон салтанати.

Мен кўп тиришган, шишган, пишганларни кўрганман, халқ эса: «Мана буюк одам!» – деб қичқирган. Лекин барча ҳаво тўлган мешлардан нима фойда! Охир-оқибат уларнинг ели чиқиб кетади.

Охир-оқибат кўп қаттиқ зўриқиб, бурнини шиширган бақа паққа ёрилиб кетади: ели чиқади. Шишиниб кетган одамнинг қорнига бармоқ нуқишини – буни мен соз ҳазил деб биламан. Эшигининг, болалар!

Бугун бу оломонга тегишли: ким биларкин нима каттаю нима кичиклигини! Ким унда буюкликни қойил қилиб қидирдийкин? Фақат тентак: тентаклар ютуққа эришадилар.

Сен буюк одамларни излайсанми, эй, сен ажо-йибот тентак? Уларни излашни ким ўргатди сенга? Ахир ҳозир шунинг вақтими? О, баттол изловчи, сен нега – мени васвасага соласан?»

Зардўшт шундай зикр қилди, сўнг юраги таскин топиб, кула-кула ўз йўлига равона бўлди.

## ИСТЕЬФОДА

Зардўшт сеҳргарни қолдириб келгач, бир оз вақт ўтмай ўзи бораётган йўл бўйида кимдир ўтирганини кўрди; бу қорадан келган, баланд бўйли, юзи ориқ ва оқарган одам бўлиб, Зардўштнинг таъбини қаттиқ тирриқ қилди. «Э,вой, – деди у кўнгли ичида, – мана бурканган ҳасрат ўтирибди, чамаси у руҳонийлар зотиданга ўхшайди; менинг салтанатимда улар нима қилиб юришибди?

Э, воҳ! Бир жодугардан эндиғина қутулганимда, йўлим устидан бошқа бир аҳли китоб тўсиб чиқиб турибди.

– Кўлларини қовуштириб турган аллақандай афсунгар, дунёга туҳмат қилиш учун келган аллақандай солиҳ масиҳ, ишқилиб, жин чалиб кетсин уни!

Лекин шайтон асли бўлиши керак ерда ҳеч қачон бўлмайди: бу лаънати пакана ва қинфироёқ доим ҳаддан ташқари кечикиб юради!»

Зардўшт шундай юраги бетоқат бўлиб ичидан сўкинар ва қора одамга қарамай қандай қилиб ёнидан ўтиб кетсам экан, деб ўйларди. Аммо ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Зеро, худди мана шу аснода йўлда ўтирган кишининг кўзи унга тушди. Ва худди кутилмаган баҳтга дуч келган кишидай ўрнидан сакраб туриб, Зардўштга пешвоз юрди.

«Ким бўлсанг ҳам, эй, сен йўловчи, – деди у, – адашган, излаётган қари одамга ёрдам қил, бу ерда одамнинг боши хатарда қолиши ҳеч гап эмас!

Бу атрофлар менга ёт ва узок, ҳатто ваҳший ҳайвонларнинг ириллашини эшитдим. Ҳолбуки, мени муҳофаза қилувчи эса энди йўқ.

Мен охирги порсо одам, авлиё ва тарки дунё қилган кимсани излаб юрибман, у ёлғиз ўзи ўр-

монда яшаб бугун бутун дунё биладиган нарсалардан мутлақо бехабар бўлса керак».

«Бутун дунё бугун нимани билади? – сўради Зардўшт. – Бир пайтлар бутун дунё ишонган кўхна худо энди тирик эмаслигиними?»

«Буни сен айтдинг, – жавоб берди хафа бўлиб чол. – Мен эса бу кўхна Худога унинг сўнгги соатигача хизмат қилганман.

Эндиликда мен ўз хўжамдан истеъфога чиқдим, шундайку-я, лекин бари бир мен эркин эмасман, менинг биронта қувноқ ўтган дамим йўқ. Мабодо хотираларни айтмасам агар.

Ўзим яна бир байрам қиласай деб, бу тоғларга чиқдим, қари папа ва черков отасига муносиб бир иш бўлсин дедим. Зоро, билиб қўй, мен охирги папа бўламан! Бу тақвога тўлиқ хотиралар ва худога хизмат қилиш байрами бўлгай.

Лекин Худони ҳамиша қўшиқ айтиб, дуо ўқиб шарафлаган ўша ўрмонда яшовчи авлиё, дунёдаги энг тақводор зот энди ўлмиш.

Унинг ҳужрасини топдим, лекин ўзини топмадим. Унинг ҳужрасида иккита бўри чолнинг ўлганига қайфурини увиллашарди, зоро, барча ҳайвонлар уни яхши қўришарди. Шундан сўнг мен у ердан қочдим.

Наҳот мен бу тоғлар ва ўрмонларга абас келган бўлсам? Шунда менинг юрагим Худога ишонмайдиганлар ичида энг тақводори бўлган бошқа зотни излашга тушди. Мен Зардўштни излайпман!»

Қария шундай деб, ўз қаршисида турган зотга ўткир назар ташлади. Зардўшт эса кўхна падарнинг қўлидан тутди-да, унга узоқ ҳайрат билан тикилди.

«Эй, мукаррам зот, ўзинг кўр, – деди у сўнг, – қандоқ кўркам ва узун қўл! Бу ҳар доим эзгу

дуо улашган зотнинг қўли. Бу қўл энди сен излаб юрган кишини – Зардўштни тутиб турибди.

Бу – мен, худосиз Зардўштман ва мен шундай айтаман: мендан ҳам худосизроқ бормики, токи мен унинг насиҳатларига қулоқ тутиб шодлансанм?»

Зардўшт шундай сўзлаб, шу тариқа қари падарнинг хаёллари ва туб фикрлари ичига ўз нигоҳи билан кириб борарди. Ниҳоят падар шундай сўз бошлади:

«Кимки худони севган ва уни ҳаммадан кўра кўпроқ билган бўлса, у энди ҳаммадан кўра кўпроқ уни йўқотди:

– ўзинг кўр, ҳар иккимиздан мен ўзим энди ҳаммадан ортиқроқ худосиз эмасманми? Лекин бундан хурсанд бўлувчи бирон кимса борми!»

«Сен унинг хизматини охиригача адо этдинг, – сен биласанми, у қандай ўлганини? – деб сўради Зардўшт, узоқ жим тургач. Уни раҳм-шафқат бўғиб ташлагани ростми?

– У одам хочда осилиб ётганини кўриб бунга чидолмадими? Шунинг учун унинг одамга муҳабати жаҳаннамга айланиб кетдими? Ва алоҳа ул ўлдими?»

Лекин қари падар ҳеч нарса демади, ботинмайгина четга юзини ўтириди, унинг нигоҳи азоб-уқубатга тўлиқ ва хафақон эди.

«Қўй уни, – деди Зардўшт анча мулоҳаза қилиб тургач, мўйсафид падарнинг кўзларига тик қараганча.

– Қўй уни, у ўлган. Гарчи сен олижаноб зот сифатида ўлган ҳақида фақат яхши нарсаларни айтаётган бўлсанг ҳам, сен худди мен сингари шуни ҳам жуда яхши биласанки, у ким эди; унинг жуда ғалати йўллари ҳам сенга маълум.

«Бир кўз ярим кўзга қараб туриб шуни айтиш мумкинки, – деди бирдан қувноқлиги тутиб кўхна падар (Зеро, унинг бир кўзи кўрмас эди), – худо масала-массойилларида мен Зардўштнинг ўзидан кўра ҳам қўпроқ биламан ва бунга менинг ҳаққим бор.

Менинг муҳаббатим узоқ йиллар унга хизмат қилди, барча нарсаларда иродам унинг иродасига эргашди. Лекин яхши хизматкор ҳамма нарсани билади ва ҳатто хўжасининг ўзи ўзидан яширган нарсаларнинг кўпидан у хабардор.

Бу сир-саноатга тўла яширин Худо эди. Ҳақиқат шуки, у ҳатто ўз ўғлига томон ҳам яширин, гизли йўллар орқали борди. Унинг дини эшикларида хиёнат туради.

Кимки уни муҳаббат Худоси деб шарафласа, демак, у муҳаббатнинг ўзи ҳақида унчалик юксак фикрда эмас. Ахир ушбу Худо яна ҳакам бўлишни ҳам истамадими? Лекин севгувчи мукофот ва қасоснинг нариги томонида туриб севади.

Шарқдан чиққан бу Худо навқирон чофида шафқатсиз ва қасоскор эди, у ўз эркатойларига эрмак учун жаҳаннамни қурди.

Лекин охири у қариди, юмшоқ ва мушфиқ, отадан кўра бобога, ҳаттоки қалтираган қари кампирга ўхшаб қолди.

У энди сўлгин, ночор ҳолда печ устида, бурчакда ўтирас, оёқларида қувват қолмаганидан шикоят қилар, дунёдан чарчаган, иродаси ҳорган ҳолда алал-охир ҳаддан ортиқ каттайиб кетган меҳру шафқатидан бўғилди қолди».

«Эй қари падар, – деб унинг сўзини бўлди шунда Зардўшт, – сен буларни ўз кўзинг билан кўрдингми? Шундай бўлиши ҳам, бошқача бўлиши

ҳам мумкин эди. Илоҳлар ўлганда, улар доимо турлича ўлим билан ўладилар.

Майлига! Қандай бўлмасин – у ўлди. У менинг кўзимга ҳам, қулоғимга ҳам ёқмасди, у ҳақда мен бундан ортиқроқ ёмон сўз айтишни истамасдим.

Мен барча равшан қарайдиган ва тўғри сўзлайдиган нарсаларни севаман. Лекин у – сен буни яхши биласан-ку, мўйсафид падар, бир озгина сизнинг уруғингизга, руҳонийлар уруғига ўхшарди – уни турлича тушуниш мумкин эди.

Аксаран уни мутлақо тушуниб бўлмасди. У булар яхши тушунмайди деб, доим бизга фазабини сочарди! Нақадар қаҳрга минарди! Лекин нечук у аниқроқ қилиб сўйламасди!

Агарда айб бизнинг қулоғимизда бўлса, нега унда бизга уни ёмон эшитадиган қулоқ берди. Агарда бизнинг қулоғимиз кирланиб битган бўлса, ким уни кир бостирди?

Ушбу кўзагар яхши ўқиб-ўрганмаганлиги учун кўп нарсаларнинг уддасидан чиқавермасди! У ўзининг кўзалари ва бошқа яратган нарсалари яхши чиқмаганлиги учун улардан ўч ва аламини оларди, бу эса энди етук дид-фаросатга қарши қилинган гуноҳ иш эди.

Порсоликда ҳам яхши дид-фаросат бор; ниҳоят у шундай деди: «Бундай Худодан қоч! Яххиси, бутунлай Худо бўлмасин; яххиси, жонинг ҳалак бўлса-да, ўз толеингни ўзинг қур, яххиси, телба бўл, яххиси, ўзинг Худо бўл!»

«Оҳ бу қандай гап! – деди шунда қулоғини динг қилиб мўйсафид падар. – О, Зардўшт! Сенинг бу ишончизлигинг ўзинг ўйлагандан кўра ҳам порсороқдир! Юрагингдаги аллақандай Худо сенинг бу Худосизлигингга еткизгандир.

Ахир сенинг худди мана шу порсолигинг энди Худога ишонмаслигингга олиб келмадими? Шунингдек, сенинг ҳаддан ортиқ ростгўйлигинг сени янада нарироққа, яхшилик ва ёмонликнинг нариги ёғига бошлаб боражак!

Кўр, сенга не қолди? Сенинг кўзинг, қўлинг, оғзинг бор, улар азалдан дуо учун яратилганлар. Дуо ёлғиз қўл билангина қилинмайди.

Гарчи сен энг худосиз бўлишни истасанг-да, лекин сенинг яқинингда мен узун дуоларнинг яширин ифорларини аниқ сезаман; шунда қийноқлар ичида бўлса-да, кўнглим тўлади.

О, Зардўшт, фақат бир кечага сенинг қўноғинг бўлгали ижозат бер! Сендан ортиқ ҳеч ерда, ер юзида энди яхши бўлмагай!»

«Омин! Шундай бўлсин! – деди Зардўшт бафоят ҳайрон қолиб, У ерда, тепага йўл олиб чиқади, Зардўштнинг фори ўша ерда.

Эй, муҳтарам зот, сени у ёққа ўзим олиб чиққан бўлардим, зеро, мен барча порсо, тақводор одамларни севаман. Лекин мени овоз ёрдам сўраб чорлаяпти.

Менинг салтанатимда ҳеч ким бахтсизликка йўлиқмаслиги керак. Менинг форим – осуда қўналга. Ким қайфу-фамга гирифтор бўлган эса, мен ҳаммадан кўпроқ уни мустаҳкам замин ва мустаҳкам оёққа қўйишни истардим.

Лекин сенинг ҳасратингни елкангдан ким олади? Бунинг учун мен жуда ожизман. Ҳақиқатан, кимдир келиб сенга яна худойингни тирилтириб бермагунча, узоқ кутишимиз керак бўлади.

Зеро, ушбу қўҳна Худо энди тирик эмас: у батамом ўлди».

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ЭНГ БАДБАШАРА ОДАМ

– Ва яна Зардўшт оёқлари тоғлару ўрмоналар аро югуради, унинг кўзлари тиним билмай қидиради, лекин қидирилган, мадад сўраб қичқирган, улуф дардга чалинганд кимса ҳеч қайдა кўринмасди. Бироқ йўл босиб бораркан, юраги хурсандликдан тўлиқар ва ўз-ўзидан мамнун бўларди. «Бу кун ёмон бошланиб эди, – дерди у ўз-ўзига, – лекин эвазига менга не-не мукофотларни тортиқ қилди! Қандай ноёб мусоҳибларни топдим мен!

Уларнинг сўзларини мазали буғдой донаси каби узоқ чайнашга тўғри келади; тишларим билан уларни майда-майда талқон қиласман, кейин улар бўғзимдан худди сут каби оқиб ўтгай!»

Кейин йўл катта қояни айланиб ўтиб, атроф манзара дарҳол бутунлай ўзгарди, шуйтиб Зардўшт бирдан ўликлар салтанатига келиб қолди. Бунда қора ва қизил қояларнинг ўткир қирралари чиқиб турарди; на ўт-ўлан, на дов-дараҳт ўсган, на қушлар сайранади. Зеро, бу барча маҳлуқлар, ҳатто ваҳшний ҳайвонлар кирмай қочадиган водий эди; фақат бир тур хунук, йўғон, кўкарган илонларгинага қариб, ҳолдан тойиб бу ерга ўлиш учун судралиб келардилар. Шунинг учун чўпонлар бу водийни: Илон ўлган, деб атайдилар.

Аммо Зардўшт оғир хотираларга толди, зеро, назарида у бир сафар бу водийда бўлгандай туюларди. У кўп оғир нарсаларни эслади: унинг қадамлари борган сари секинлашар ва ниҳоят бутунлай тўхтади. Бунда у кўзларини очиб, ўз олдида йўл четида нимадир чўнқайиб ўтирганини илгади, унинг кўриниши одамни эслатар, қарийб

одамга ўхшар, лекин аллақандай ифода қилиб бўлмас эди. Шундай бир нарсага кўзи тушгани учун Зардўштни дарҳол улуғ бир уят қамраб олди: у оқарган соchlарининг нақ тагигача қизариб кетди, у бошини ўгириб, бу ярамас ердан қочиб кетишни мўлжаллади. Шунда бирдан ўлик дашт хириллаган, шувиллаган овозларга тўлди, улар гўё ернинг қаъридан чиқар, худди тунда эскирган қувурдан сув отилиб, шарқираб, шалдираб, ҳирқираб бораётгандек эди; ниҳоят бу товушларнинг бари жам бўлиб, одам нутқига айланди ва унга қулоқ соглан одам шу сўзларни уқарди:

«Зардўшт! Зардўшт! Менинг жумбогимни еч!  
Айт, айт! Нимадир у гувоҳга қасос?

Огоҳ бўл, огоҳ, бу сирғанчиқ муз! Қара, қара!  
Сенинг фуруринг тағин бу ерда оёғини синдириб  
қўймасин!

Сен ўзингни донишманд санайсан, эй, сен мағрур Зардўшт! Сен олдин топишмоқни топ, сен эй, ёпишқоқ ёнғоқларни чақиб егувчи, мана мен айтаман топишмоқни! Айт: мен кимман?

– Аммо Зардўшт бу сўзларни эшитгач, сиз нима деб ўйлайсиз: унинг юрагига нима бўлди? Уни дарддошлиқ чулғаб олди ва у худди кўп ўрмончиларга узоқ қаршилик кўрсатган улкан болут дарахти каби бирдан оғир, юз тубан қуладики, бундан уни арраламоқчи бўлғанларнинг ўзлари қўрқиб кетгайлар. Лекин мана у яна ердан қад ростлади ва унинг чеҳраси тундлашди.

«Мен сени яхши биламан, – деди у мисдай жаранглаган овоз билан, – сен Худонинг қотили!  
Кўйиб юбор мени.

Ўзингни кўриб турганга тоқатинг етмади, – у доим бутун ичу ташингни кўриб туради – сени,

дунёдаги энг бадбашара одамни! Сен бу гувоҳдан ўчингни олдинг!»

Зардўшт шу сўзларни айтиб кетмоқчи бўлди, лекин ифодаси йўқ унинг этагидан маҳкам ушлаб олди ва яна қалдир-қулдир қилиб, айтиш учун сўз қидира бошлади. «Қол, – деди у ниҳоят.

– Қол! Кетиб қолма! Оёғингга қандай болта текканини мен билдим: баракалла сенга, о, Зардўшт, сен яна ўрнингдан турдинг!

Сен топдинг, уни – Худони ўлдирганнинг ҳоли нима кечишини? Қол! Ёнимга ўтири, пушаймон бўлмассан.

Сенга бўлмаса, кимга интилдим мен? Қол, ўтири! Лек менга қарама! Бадбашаралигимнинг журматини қил!

Улар мени таъқиб қиласидилар – энди сен менинг охирги паноҳим. Йўқ, уларнинг нафратлари эмас, исковучлари эмас уларнинг, – о, мен бундай таъқиб устидан кулган, ундан фурурланган ва хурсанд бўлурдим!

Ахир ютуқ шу пайтгача яхши таъқиб қилинганлар томонида эмасмиди? Ва кимки яхши таъқиб этса, у яхши эргашувчи бўлади – ҳамонки, у ортда қолгач! Лекин мен уларнинг дардкашлигидан;

– уларнинг дардкашлигидан мен қочаман ва сени паноҳ тутаман. О, Зардўшт, мени ҳимоя қил, сен охирги паноҳимсан, сен менинг жумбобимни ечолган ягона зотсан.

Уни ўлдирганнинг ҳоли нима кечишини сен билдинг, қол! Сен бесабрсан, мен юрган йўлдан борма. Бу ёмон йўл.

Мен узоқ тутилиб, қоқилиб-суқилиб сўзляпман, жаҳлинг чиқмасин-а? Сенга маслаҳат бераеттаним учун хафа бўлма. Лекин билиб қўй, мен дунёда энг бадбашара одамман.

– Менинг оёқларим жуда катта ва оғир. Мен қаердан ўтсам, йўл ўнқир-чўнқир бўлиб қолади. Мен барча йўлларни ўлим ва уятга айлантираман.

Лекин менинг ёнимдан индамай ўтиб кетмоқчи бўлганинг ва қизарганингни кўриб билдимки, бу сенсан – Зардўштсан, сени танидим.

Бошқа ҳар қандай кимса ўз шафқатини менга кўзи билан ҳам, сўзи билан ҳам мисоли садақа каби тортиқ қилган бўларди. Лекин мен бунинг учун у қадар қашшоқ ва тиланчи эмасман, сен буни фаҳмладинг.

– Бунинг учун мен бениҳоя бойман, улуғ, даҳшатли, жуда ҳам хунук ҳамда ифода қилиб бўлмайдиган нарсаларга бойман: о, Зардўшт, сенинг уяting менинг ҳурматимни жойига қўйди!

Раҳм-шафқатлилар оломонидан ўзимни базўр олиб қочдим, о, Зардўшт, ёлғиз сени қидирдим, сенинг эндиғи таълимотингни эсладим: «Раҳм-шафқат – дардисарликдир».

– У хоҳ илоҳий ва хоҳ инсоний раҳм-шафқат бўлсин, бари бир у – уятга зиддир. Ёрдам беришни истамаслик оёқ остида хира бўлиб ўралашаётган эзгуликка қараганда олижаноброқ бўлиши мумкин.

Лекин бугун барча кичкина одамлар раҳм-шафқатни эзгулик деб тушунишади – улар улуғ баҳтсизлик, улуғ хунуқлик, улуғ омадсизликни ҳурмат қилишни билмайдилар.

Мен буларнинг бари устидан худди чўпоннинг ити пода ичида фимирлаётган қўйлар устидан қарагандай назар соламан. Булар кичкина, туклари майин, кўнгилчан ва туссиз одамлар.

Худди лайлак бошини баланд кўтариб майда кўлмаклар устидан қарагандай мен ҳам фимир-фи-

мир қилаётган майда тўлқинлар, майда хоҳиш ва майда кўнгиллар оша шундай боқаман.

Бу кичкина одамларга ҳақ-хуқуқ берилганига анча бўлди, – шунингдек, уларга ҳокимият ҳам берилган, энди улар шундай деб ўргатадилар: «Фақат кичкина одамлар яхши, деб айтган нарсалар яхшидир».

Улар ичидан чиққан, тарғиботчи айтган нарса бутун «Ҳақиқат» деб аталади, бу ўша ажабтовур авлиё, кичкина одамларнинг ҳимоячиси, ўзи ҳақида шундай гувоҳлик берган: «Мен – ҳақиқатман».

Ушбу нокамтарин кимса кичкина одамларни аллақачон такаббур қилиб бўлди – у ҳаммани жуда катта янгиш сари бошлади, «Мен – ҳақиқатман», деб барчани адаштирди.

Ушбу нокамтар кимсага биронта одам назокат билан жавоб бердими? – Аммо сен, о, Зардўшт, унинг ёнидан бемалол ўтиб кетдинг ва яккаш шундай дединг: «Йўқ! Йўқ! Уч карра йўқ!»

Сен бу янгишдан огоҳлантирдинг, сен биринчи бўлиб раҳм-шафқатдан эҳтиёт бўлишни айтдинг – гарчи ҳаммага ва ҳар бир одамга бўлмаса-да, лекин ўзингни ва ўзингга ўҳшаганларни эҳтиёт тутдинг.

Сен буюк азобларнинг уятидан уятлисан ва сен ҳақ айтмишсан: «Раҳм-шафқатдан оғир қора булат келяпти, одамлар ҳушёр бўлингиз!»

О, Зардўшт, сен: «Барча бунёдкорлар мустаҳкамдирлар, ҳар қандай буюк муҳаббат уларнинг раҳм-шафқатидан баландроқдир», деб таълим берганингда, сен менга момақалдироқ хусусиятларини яхши ўргангандек бўлиб кўринасан.

Лекин сен ўзинг ҳам – ўз раҳм-шафқатингдан эҳтиёт бўл! Зоро, жуда кўп инсонлар – аламдий-

далар, иккиланганлар, умидсизликка тушганлар, чўкаётганлар, совуқда қотганлар сенга томон йўлга чиқдилар.

Сени менга қарши бўлмоқлиқдан ҳам огоҳдантираман. Сен менинг энг яхши ва энг ёмон топишмоғимни – мен ким эканлигимни, нима ишлар қилганимни топдинг. Мен сенга урилган болтани биламан.

Аммо у ўлмоғи керак эди: у ҳамма нарсани кўрадиган кўз билан кўрар эди – у инсоннинг теранликлари ва тубсизликларини, унинг бутун яширин уяти ва ярамаслигини кўрарди.

Унинг раҳм-шафқати уят нималигини билмасди: у менинг энг ифлос жинкўчаларимга ҳам кириб чиқарди. Бу ўша ҳар нарсага қизиқувчи, ўша хира ва дардисар, ўта раҳмдил ва дардкашнинг ўлмаслигининг ҳеч иложи йўқ эди.

У доим мени кўрарди: мен бундай гувоҳдан қутулмасам бўлмас – акс ҳолда ўзим яшамаслигим керак эди.

Инсонни ҳам истисно қилмаганда, ҳамма нарсани кўриб турадиган Худо – мана шу Худонинг ўлмасдан чораси йўқ эди! Одам бундай гувоҳ, шоҳид тирик юришини истамайди».

Энг бадбашара одам шу сўзларни айтди. Зардўшт ўрнидан туриб кетишга чоғланди: зеро, унинг суюклари зирқиради.

«Эй, сен ифодаси йўқ, – деди у, – сен мени ўз йўлингдан қайтардинг ва огоҳ этдинг. Бунинг шукронаси учун мен сенга ўз йўлимни мақтайман. Қара, у ерда, юқорида Зардўштнинг фори жойлашган.

Менинг горим жуда кенг ва чуқур, жуда кўп айлана йўлаклари бор; энг яширин у ерда ўз муқаддас жойини топур.

Мағорам яқинида юзлаб ўр-жарлар, ёриқлар-учайтган, судралувчи, сакровчи жониворларнинг маконлари бор.

Эй, сен, қувилган, ўз-ўзини ҳайдаган, сен одамлар орасида, дарддошлар ўртасида туришни истамайсанми? Майлига, худди мендай қил! Шунда мендан ўрганасан; фақат ҳаракат қилгангина ўрганур.

Ҳаммадан бурун менинг махлуқларим билан сўйлаш! Энг мағрур жонивор ва энг оқил жонивор сенга ва менга – ҳар иккимизга вафодор маслаҳатчи бўлсинлар!»

Зардўшт шундай зикр қилди ва ўз йўлидан аввалгидан ҳам хаёлчанроқ, янада секинроқ равона бўлди: зеро, у ўз-ўзига кўп саволлар берар ва уларга қийинчилик билан жавоблар топарди.

«Бироқ одам қанчалар қашшоқ! – деб ўртанаради ўз ичида. – Қанчалар хунук, қанчалар ҳирқирайди, қанчалар хуфия шармандалик билан тўла!

Менга инсон ўз-ўзини севади, деб айтишади – оҳ, бу ўзини севишнинг чек-чегараси йўқ! Бунинг қаршисида қанчалар нафрат турур!

Манави ҳам, ўзини қанча севган эса, ўзидан шунчалар нафрат қилган ҳам – менимча, у улуғ суювчи ва улуғ нафратланувчидир.

Ўзидан бунчалар нафратланган бошқа бирон кимсани мен учратмадим – балки бу мен қичқириғини эшитган ўша аъло одамдир?

Мен буюк нафратланувчиларни севаман. Лекин одам алланимадирки, ундан ўзиб ўтмоқ даркор.

## ИХТИЁРИЙ ФАҚИР

Зардүшт дунёдаги энг бадбашара одамнинг олдидан кетгандан сўнг, совқотиб, эти увишди ва ўзини фоятда ёлғиз сезди. Зеро, унинг ҳиссиеётлари аро кўп совуқ ва ёлғиз нарсалар ўтдики, бундан ҳатто аъзойи бадани музлаб кетди. Бироқ у тоғлару водийлар, кўм-кўк ўтлоқдару илгари шўх сой оққан, энди эса куриб ётган ўзанлардан ўтиб, илгарилаб боргани сари унинг вужудига ҳарорат югурди ва юраги таскин топди.

«Менга нима бўлди? – сўради у ўзидан. – Нимадир иссиқ ва жонли нарса менга мадад беряпти, у менинг яқин атрофимда бўлса эҳтимол.

Мен энди унчалар ёлғиз эмасман, номаълум йўлдошлиар ва оғайнилар атрофимда кезишар, уларнинг ҳароратли нафаси мени тўлқинлантирмоқда».

У атрофга термулиб, ёлғизликда ўзига далда берувчиларни қидириб, у баландликда тўп бўлиб турган сигирларни кўрди; уларнинг яқинлиги ва анқиган ислари юрагига мадор бўлди. Афтидан, сигирлар уларга сўзлаб турган кимгадир берилиб қулоқ солишар, янги келган одамга эса эътибор беришмасди.

Зардўшт уларга анча яқин бориб, сигирлар тўдаси ичидан чиқаётган одам овозини аниқ эшилди; сигирлар сўйлаётган кишига бошларини буриб турганликлари аниқ кўринарди.

Шунда Зардўшт шахд билан тепаликка кўтарилиди-да, сигирларни ҳайдади, зеро, у бунда кимнингдир фалокатга йўлиқишини истамас, боз устига бахтсизликка йўлиққанга сигирларнинг раҳм-шафқати заррача ёрдам бермасди. Аммо у янгишган эди. Зеро, унинг рўпарасида бир одам ерда ўтираси ва чамаси, сигирларни мендан

қўрқманглар, деб ишонтирмоқчи бўлиб уринарди. У солиҳ ҳамда саҳроий тарғиботчи бир одамга ўхшар, кўзларидан ажиб бир оққўнгиллик ёғилиб туарди. «Сен бу ерда нимани қидириб юрибсан?» – деб қичқирди Зардўшт ҳайратланиб.

«Нимани қидирадим? – жавоб берди у. – Сен қидирган нарсани мен ҳам қидиряпман, эй, тинчликни бузган! Ер юзида бахтни қидиряпман.

Уни шу сигирлардан ўрганмоқчи бўлдим. Бинобарин, сен билармисан, мен боя эрталабдан бери уларга гапираман, улар ҳам ниҳоят мана энди менга жавоб бермоқчи бўлиб турган эдилар. Сен нега уларга халал бердинг?

Агар биз ортга қайтмасак ва худди сигирлардек бўлмасак, биз Само Салтанатига кирмаймиз. Зеро, биз улардан бир нарсани яхши ўрганишимиз керак: Бу кавш қайтариш.

Ҳақиқатан ҳам, агар одам бутун дунёни қўлга киритса, фақат бир нарсани – кавш қайтаришни билмаса, унда нима наф кўтарди! У ўз азоб-уқубатидан қутулолмас эди.

– Ҳа, ўзининг улуғ азобидан қутулолмасди; лекин бу эндиликда нафрат деб аталади. Ҳолбуки кимнинг бугун юраги, дудоги ва кўзи нафрат билан тўлмаган? Сен ҳам шундай! Сен ҳам шундай! Аммо манави сигирларни кўр!

Саҳроий тарғиботчи шу сўзларни айтиб, Зардўштга назар ташлади: зеро, у шу пайтгача сигирлардан суюкли кўзини узмас ва бирдан у бошқача бўлиб қолди. «Ким бу, мен ким билан гаплашяпман? – деб қичқирди-да, қўрқиб кетганча ўрнидан сакраб турди.

Бу нафратдан холи одам, бу Зардўштнинг ўзику, у буюк нафратни енгган, бу кўзлар, бу оғиз, бу юрак нақ Зардўштнинг ўзиники».

Шуларни сўйланаркан, кўзлари тўла ёш фийтиллаб, ўзи гаплашаётган одамнинг қўлини ўпди, худди кутилмаганда осмондан унга бебаҳо ҳадя ёки хазина тушгандай ўзида йўқ қувонарди. Сигирлар эса буларнинг ҳаммасига қараб ҳайрон бўлиб туришарди.

«Менга бундай гапирма, эй, ажойиб дилкаш одам! – деди Зардўшт унинг илтифотларидан ўзини сақлаб. – Аввал ўзингни айт! Сен эмасми бир пайтлар катта бойликдан воз кечиб фақирликни ихтиёр этган?

– Ўз бойлигидан ва бари бойлардан хижолат чеккан, бутун бойлиги ва қалбини фақирларга улашиб бериб, улар қаторига кирган? Лекин камбағаллар уни ўз қаторларига олмадилар».

«Аммо улар мени қабул қилмадилар, – деди ихтиёрий фақир, – сен буни яхши биласан. Шунинг учун мен охири манави сигирлар ва ҳайвонларга келиб қўшилдим».

«Сен бу ерда ўргандинг, – деб унинг сўзини кесди Зардўшт, – олишни билишдан кўра, беришни билиш қанчалар қийин эканлигини ўргандинг; яхши тортиқ қилиш бу ҳам санъат, шу билан бирга у яхшиликнинг энг олий ва энг оқил санъати».

«Айниқса, бизнинг кунларимизда, – жавоб берди ихтиёрий фақир, – айниқса, эндиликда барча тубан нарсалар турғёнга келиб, ҳеч нарсага ишонмайдиган ва қора авомга ўхшаб ўзига яраса манманликка берилиб кетганда.

Бинобарин, сен биласанки, қора халқ ва қулларнинг исён қўтарадиган соати етди, бу исён ҳалокатли, узок, жуда суст кечур: у тобора ортиб, кучайиб боряпти.

Эндиликда тубанлар ҳар қандай хайру саховат ва садақадан дарғазаб бўлурлар, шу боис ким ҳаддан ортиқ бой бўлса, энди ўзига эҳтиёт бўлсин!

Ким худди қорни катта шишадай жуда тор бўғзидан сочилаётган бўлса, энди бундай шишаларнинг бўғизларини синдириб ташлашга ишқибоз бўлурлар.

Шаҳвоний очкўзлик, аламли хасад, аламини ололмаслик, қора ҳалқнинг манманлиги – мен буларнинг ҳаммасини кўрдим. Фақирлар ҳалимдирлар, деган гап энди тўғри эмас. Лекин Само Салтанати сигирларда».

«Нега у бой-бадавлатларда эмас?» – синовчан сўради Зардўшт солиҳ тарғиботчининг тепасида дўстона пишқириб нафас олаётган сигирларни нари ҳайдаркан.

«Нима учун мени синайсан? – деб жавоб берди у. – Сен ўзинг буни мендан кўра яхши биласан. О, Зардўшт, мени қашшоқдар ичига нима қувиб борди? Бизнинг бойларимизга нафрат эмасми?

– Кўзлари совуқ, хаёллари ҳирс билан тўла, туриш-турмушидан кўкка сассиз уфунат ўрлаётган бу қаланфи-қасанғилар – ҳар қандай ахлат тўдасидан ўзига манфаат чиқарувчи ушбу мол-давлат бандаларига нафрат эмасми?

– Аждодлари майда ўғри-киссавур ёки ўлак-сахўр ёки ҳирсу шаҳватга муккасидан кетган, ҳеч нарса эсида турмайдиган хотинбоз, лўтти-возларга нафрат эмасми? Зеро, уларнинг бари бузук хотиндан узоқча тушган эмаслар.

Қаролар тепада, қаролар пастда! Бугунги кунда «камбағал» ва «бой» нима дегани! Мен бунинг фарқини унугтдим ва қочиб боравердим. Қочиб бора-бора ниҳоят мана шу сигирлар тўдасига кирдим».

Солиҳ тарғиботчи шундай сўйлар ва сўйларкан, оғир ҳансирар ва фарқ терга ботар – шунданми сигирлар яна ҳайрон бўлишарди. Аммо Зардўшт унинг бу оғир гап-сўзларига қулоқ тутиб, чеҳрасига табассум билан қарап ва индамай бошини чайқарди.

«Сен, эй, саҳройи тарғиботчи, бундай мушкул сўзларни айтиб, ўз-ўзингни зўрламоқдасан. Бундай оғир сўзлар учун на сенинг оғзинг ва на кўзларинг ярайди.

Менимча, сенинг қурсоғинг ҳам бунга ярамайди: ҳар қандай разаб ва ҳар қандай кўпирган қаҳр ҳам унга қарши. Сенинг қурсоғинг юмшоқроқ озуққа муҳтож: сен эт ейишга иштиёқманд эмассан.

Сен менга кўпроқ кўкатлар ва мева-чевага ҳавасманд, ўт-ўлан ва илдиз томирларни йифиб юрувчи киши бўлиб кўринасан. Балки сен дондун ҳам чайнаб юрарсан. Ҳар қалай этга унчалар хушинг йўқ ва асални яхши кўрасан».

«Топдинг, – деди ихтиёрий фақир юракдан енгил тортиб. – Мен асални яхши кўраман ва дон-дун чайнайман. Зеро, оғзимга ёқадиган ва нафасни тоза қиласидиган нарсаларни қидираман.

– Яна кўп вақт талаб қиласидиган ва лакалов ялқовлару текинхўрларнинг оғзи кун бўйи тинмай чайнайдиган егуликларни қидираман.

Лекин бунда сигирлар ҳаммадан ўтиб кетишиган: улар кавш қайтариш ва офтобда ётишни ўйлаб топишган. Шу билан бирга улар юракни дам қиласидиган ҳар қандай оғир хаёллардан ўзларини сақлашади».

«Хайр майлига! – деди Зардўшт. – Сен менинг маҳлуқларимни, бургутим ва илонимни ҳам кўрмоғинг дуруст эди – дунёда уларнинг тенги йўқ.

Қара, ана у ерда йўл менинг форимга элтади: бу кечака менинг меҳмоним бўл. Махлуқларим билан ҳайвонлар баҳт-саодати ҳақида сұхбат тут – то мен қайтиб келгунимча. Мени эса бир товуш ёрдамга чорлаяпти. Янги асалари уяларидан йиғилган тоза қаҳрабо асалим бор: уларни олиб е!

Энди эй, ажойиб, дилкаш инсон! Тезроқ ўз си-гирларинг билан хайрлаш ва буни ўзингга сира оғир олма. Зеро, улар сенинг энг яхши муаллим-ларинг ва дўстларингдир!»

– «Биттасидан ташқари, лекин уни ҳам янада ортиқроқ яхши кўраман, – жавоб берди ихтиёрий фақир. – Сен ўзинг яхвисан ва ҳар қандай си-гирдан ҳам яхшироқсан, о, Зардўшт!»

«Жўна бу ердан! Эй ярамас хушомадгўй! – деб қичқирди Зардўшт жаҳли чиқиб. – Сен нега мени бундай мақтов ва хушомад асали билан авраяпсан?»

«Жўна, жўна бу ердан!» – деб қичқирди у яна бир карра ва қўлидаги таёқни ихтиёрий фақирга ўқталди; лекин фақир жон ҳолатда ундан қочиб бораарди.

## КЎЛАНКА

Ихтиёрий фақир қочиб кетиб, Зардўшт ўз-ўзи билан яна ёлғиз қолган эди ҳамки, у орқасидан ўзини чақирган овозни эшитди: «Тўхта, Зардўшт! Мени кутиб тур! Бу ахир, менман, о, Зардўшт, сенинг соянгман!» Аммо Зардўшт тўхтамади, унинг тоғлари шунчалар тор бўлиб қолганидан бирдан хафсаласи пир бўлди. «Менинг хилватим қайларда қолди? – дерди у.

Ҳақиқатан ҳам, бу нарсалар менга жуда ортиқчалик қиласпти; бу тоғларда одам кўпайди,

менинг салтанатим бу дунёга тегишли бўлмай қўйди; менга янги тоғлар керак.

Мени соям чақиряптими? Соям билан нима ишм бор? Менинг орқамдан чопиб юраверсин! Мен ундан қочиб кетаман».

Зардўшт юракдан шу сўзларни айтиб, йўлида чопиб бораверди; лекин орқасидаги соя ундан қолмай эргашарди; инчунин энди учовлон югуришиб боришарди – оддинда ихтиёрий фақир, ундан кейин Зардўшт ва ҳаммадан кейинда соя чопарди. Лекин улар бу алфозда узоқ юргурганлари йўқ. Зоро, Зардўшт тез орада ақлсизлик қилаётганлигини сезиб ҳуши ўзига келди-да, бир силкиниб барча ранжишлар ва нафратлардан халос бўлди.

«Дариго! – дерди у. – Ахир не-не замонлардан бўён кулгили ва қизиқ нарсалар биз қари дарвешлар ва саргашталарнинг бошимиздан кечмасмиди?

Ҳақиқатан, менинг тоғларда телбалигим ҳаддан ортибди! Мана энди эшитиб турибманки, олтита аҳмоқ оёқ бири кетидан бири тапир-тупур чопиб бораётир!

Лекин ахир Зардўшт қандайдир соядан қўрқиб ўтириши керакми? Ва ниҳоят наздимда соянинг оёқлари меникидан узунроқ ўхшайди».

Зардўшт бутун кўзлари билан ичida кулиб шундай дерди. У тўхтаб, шитоб билан орқага ўгирилди. Сал бўлмаса ортидан эргашиб келаётган соясини ерга қулатиб, йиқитиб юборай деди: соя унинг жуда ҳам яқинида изма-из келар ва ниҳоятда заиф эди. Зоро, у кўзлари билан соянини чамалаган эди, худди кутилмаганда, шарпани кўргандай бўлиб қўрқиб кетди: ушбу таъқибкор йўлдош шунчалар ориқ, қора, ҳорғин ва билин-нар-билинмас эди.

«Кимсан? – сўради Зардўшт қўпол тарзда. – Бу ерда нима қиляпсан? Нега ўзингни менинг соям деб атайсан? Сен менга ёқмаяпсан».

«Кечир мени, – жавоб қилди соя, – бу мен; агар мен сенга ёқмасам, нима ҳам қилдик! О, Зардўшт, мен сени ва сенинг ўткир фаҳм-фаросатингни алқайман.

Мен – сен билан изма-из кўп юрган саргаштаман, доим йўлдаман, лекин на мақсад ва на ҳатто ватаним бор; шундай экан, мангу жуҳуд<sup>21</sup> учун озгинагина етмайди, фақат фарқимиз мен мангу эмас ва жуҳуд ҳам эмасман.

Қандай? Наҳотки мен доим йўлда бўлишим керак? Ҳар бир шамол мени етаклаб, ҳайдаб кетсинми? О, замин, сен мен учун ҳаддан зиёд думалоқ бўлиб қолдинг!

Мен ҳар бир нарсанинг устида бўлдим; мен ҳорғин губор бўлиб кўзгулар ва дераза ойналарида ётдим: ҳаммаси мендан олади, лекин ҳеч бири менга бермайди, мен ориқлаб боряпман – худди кўланкага ўхшаб қоляпман.

Лекин о, Зардўшт, мен сенинг изингдан ҳаммадан кўпроқ эргашдим ва таъқиб этиб бордим; ва агар мен сендан беркинган бўлсам, ҳар қалай мен сенинг вафодор соянг бўлдим: сен қаерга ўтиргагил, мен ҳам ўша ерга ўтирдим.

Худди қишида томлар ва қорлар узра чопишни хуш кўрадиган шарпа каби мен сен билан энг узоқ, энг совуқ дунёларни айланиб чиқдим.

<sup>21</sup> Мангу жуҳуд – уни Агасфер ҳам дейишади. Ўрта аср ривоятларининг қаҳрамони. У Исони Голгофага олиб чиқишаётганда урган, шунинг учун Худо томонидан мангу сарсон-саргардонликка гирифттор этилган. Агасфер афсонасига Гёте каби кўп немис шоирлари мурожаат қилганлар.

Сен билан бирга барча тақиқланган, энг бемаза ва олис нарсаларга интилдим: ва мабодо нимадир менда яхшилик – деб аталадиган бўлса, у ҳам менинг ҳеч қандай ман қилинган нарсадан қўрқмаганимдир.

Қачонлардир қалбим эъзозлаган барча нарсаларни, барча чегара устунлари ва барча санамларни мен сен билан бирга парчаладим ва тўнтардим, мен энг хатарли истаклар ортидан қувдим – бир куни барча жиноятлар устидан ўтиб бордим.

Сен билан бирга сўзларга, қимматли нарсаларга, буюк номларга бўлган ишончимдан айрилдим. Шайтон терисини ўзгартирганда, унинг номи ҳам ўз-ўзидан тушиб қолмайдими? Зотан, ном деганимиз фақат тери деганимиздир. Шайтоннинг ўзи ҳам, эҳтимол, фақат теридир.

«Ҳақиқат йўқ, ҳамма нарса мумкин», – мен ўзимни шунга ишонтирдим. Мен қалбим ва бошим билан энг совуқ сувларга шўнфирдим. Оҳ, мен шунинг учун тез-тез худди қисқичбақа каби қип-қизил ва қип-яланғоч бўлиб турардим!

Оҳ, қайга йўқолди бутун яхшилик, қани уят ва қани барча яхшиликларга ишонч! Оҳ, бир маҳаллар мен соҳиби бўлмаган ва ёлғонлайвериб тили қавариб кетган бокиралик қани? Қайга йўқолди? Қани яхшиларнинг маъсумлиги ва уларнинг олижаноб ёлғонлари!

Ҳақиқатан ҳам, тез-тез ҳақиқат ортидан изма-из эргашардим ва у мени тепгани тепган эди. Мен кўп маҳал ёлғон гапиряпман, дея ўйлардим ва фақат шундагина мен – ҳақиқатга яқин борардим.

Ҳаддан ортиқ кўп нарсалар мен учун равшан тортди: энди унинг менга дахли йўқ. Мен севган

бирон нарса ҳам энди тирик әмас, – мен ўз-ўзимни яна қандай сева олишим мүмкин?

«Менга қандай ёқса, шундай яшасам, бўлмаса, умуман яшамасам» – мен шундай истайман, ҳатто авлиё ҳам шуни истайди. Аммо, э воҳ! Ҳали яна мен учун – қувонч борми?

Ҳали менинг мақсадим борми? Елканим учиб бораётган соҳил-чи?

Йўловчи шамол? Оҳ, фақат кимки қаерга бораётганини билса, у шунингдек, қандай шамол унга йўловчи бўлишини ҳам билур.

Менга нима қолди ўзи? Ҳоргин, жасур юрак; нотинч иродада; учиш учун ярамайдиган қанотлар; синган ўркач.

Манави ўз уйини излаш: о, Зардўшт, сен биласан-ку ахир бу излаш менинг интизорлигим бўлди, у мени ямлаб ютапти.

«Қайдা, менинг уйим?» Мен уни сўроқдайман, қидирдим, қидираман ва ҳеч ердан топмадим. О, мангубар ҳар ер, о, мангубар ҳеч ер, о, мангубар – беҳуда!»

Соя шундай сўйлар ва унинг сўзларини тинглаб, Зардўштнинг юзи узаярди. «Ҳа, сен менинг соямсан, – деди у ниҳоят маъюс тортиб.

– Эй, сен эркин фикрли, саргашта, ҳали сенинг бошингда кўп хатарлар бор! Бугун оғир кун бўлди менга, боқ, энг оғир оқшом ҳам келмагай кутилмагандада!

Сенга ўхшаш саркашларга ҳатто турма ҳам ниҳоят фароғатли ер бўлиб туюлиши мүмкин. Сен ҳеч қачон қамалганлар қандай ётиб ухлашларини кўрганмисан? Улар осуда ухлайдилар, ўзларининг ниҳоят хавфсизликда эканликларидан роҳатланадилар.

Эҳтиёт бўл, сени тагин қандайдир тор бир дин ўз тўрига илинтирмасин. Қандайдир шафқатсиз,

оғир адашув ўз домига тортмагай сени! Зеро, сени энди барча тор ва қаттиқ нарсалар йўлдан уриб, ўз тузогига илинтирмоқчи бўлади.

Сен омолингни йўқотдинг; эвоҳ, бу йўқотишни сен не деб ҳазилга ва не деб таскинга айлантиргайсан? У билан бирга – сен йўлни ҳам йўқотдинг!

Шўрлик, адашган, хаёлпарамст, ҳорғин капалак! Бу оқшом сен бизга қўноқ бўлиб, ҳордик чиқаришни истамайсанми? Унданай эса тепага чик, менинг форимга бор!

Бу йўл менинг горимга олиб боргай. Энди мен жадал ўз йўлимга боргайман. Менга худди соя тушаётгандек бўлмоқда.

Мен бир ўзим ютургилайман, яна менинг атрофим ёп-ёргуф бўлсин, дейман. Боз устига мен яна кўп узоқ оёқда юришим ва қувноқ бўлишим кепрак. Оқшом бизницида – ўйин бўлгай!»

Зардўшт шундай зикр қилди.

## **ҚОҚ ПЕШИН**

– Зардўшт чопа-чопа йўл босар, лекин энди ҳеч ким йўлиқмасди. У ёлғиз ўзи эди ва фақат ўз-ўзига пешвоз эди, у ўз ёлғизлигидан қувонар ва роҳатланар, соатлаб фақат хайрли нарсаларни ўйларди. Қоқ пешин чоғида, офтоб нақ Зардўштнинг боши узра тикка турганда, у сершоҳ, қийшайиб ўсган қари дарахт ёнидан ўтди, дарахтга ҳар томондан токнинг новдалари ўрлаб, чирмашиб кетган, новдалар остида унинг ўзи кўринмас, шохлардан йўловчига қаҳрабо узум бошлари бўлиқ осилиб туради. Шунда Зардўшт андак ташналикни босишни истаб, бир бош узумга қўл чўзди; қўлини узатган аснода унинг қўнглидан

бошқа, кучлироқ истак ўтди. У айни туш чоғи дарахт остига чўзилиб, уйқуга толгиси келди.

Зардўшт шундай ҳам қилди; у анвойи ўт-ўланларнинг сирли сукунатига чўмиб, ер узра чўзилиши ҳамоноқ ўз ташналигини унутиб, уйқуга фарқ бўлди. Зеро, Зардўштнинг бир ҳикматида айтилган: бир нарса бошқасидан зарурийроқ эрур. Фақат унинг кўзлари очиқ эди: у қари дарахтга қараб завқланиб тўймасди, узум новдалари унга шу қадар қаттиқ муҳаббат билан чирмашган эди. Аммо кўзини уйқу элитаркан, Зардўшт ўз кўнглида шундай сўйларди:

«Жим! Жим! Дунё комил бўлиб қолмадими? Лекин менга нима бўляпти ўзи?

Худди майин шаббода денгизнинг текис сатҳида ўйин тушгандек, укпардек юмшоқ уйқу кўзларимда шундай рақс тушади.

Кўзларимни у юмишга кўймайди, кўнглим ҳам уйфоқ. Еп-енгил у, чиндан! Укпар каби енгил.

У мени ишонтиради, мен билмайман, қандай? Ичимни эркаловчи қўллари билан силайди, у мени бўйсиндиради. Ҳа, у менинг кўнглимни керишмоқقا бўйсундиради.

– Менинг аломат кўнглим жуда ҳам узун ва ҳорғин бўлиб қолади! Наҳот еттинчи куннинг оқшоми унинг учун қоқ пешинга тўғри келган бўлса! У ҳалимдай бўлиб, яхши ва баркамол нарсалар орасида узоқ вақт адашиб юрмадимикин?

У узоқ керишади – борган сари кўпроқ ва яна кўпроқ керишади! Менинг аломат кўнглим жимги на ётади. Жуда кўп яхши нарсаларни тотиб кўрди у; бу олтин ҳасрат уни эзади, тилни лол қиласи.

– Кема ўзининг энг осуда манзилига киргани каби – энди у узоқ саргузаштлар ва номаълум

денгизлардан сўнг ҳориб ерга суянади. Ахир суянишга ер ишончлироқ эмасми?

Бундай кема соҳилга етиб, таянч топгач, унда ўргимчак ердан туриб унга ўз тўрини узатиши кифоя қиласди, бундан ортиқ арқоннинг энди кераги ҳам йўқ.

Сокин соҳилга қўнган мана шундай ҳорғин кема каби мен ҳам ер яқинида ҳордиқ чиқараман, садоқатим, инончим, умидим ундан унга жуда нозик ришталар билан боғланганман.

О, бахт! О, бахт! Қўшиқ айтгинг келмаяптими, о, қўнглим менинг? Ўт-ўлан устида ётибсан. Лекин ҳозир сирли, сурурли дам, бундай пайтда биронта ҳам чўпон сивизгасини чалмас!

Хушёр бўл! Чимганларда қайноқ туш ухлар. Тўхта, куйлама! Жим! Дунё баркамол.

Сен куйламай тур, дала қушчаси, қўнглим менинг! Пичир этма! Қара – атроф жим-жит! Қари туш ухлар, лаблари пичирлар: бир томчи бахтни ичмасми у ҳозир?

– Олтин бахтнинг кўхна, қорамтири томчиси, олтин шаробини ичмасми? Бахт юргургилаб ўтар ундан, унинг бахти кулар. Шундай кулади – Худо. Жим!

– «Бахт учун, бахт учун кўп нарса керакмас!» – бир пайтлар мен шундай деган ва ўзимни доно ҳисоблардим. Лекин бу қарғиши экан, мен буни энди ўргандим. Доно тентаклар яхшироқ айтадилар.

Зеро, энг ушоқ, энг сокин, энг енгил, калтакесак шитирлаши, ел эсиши, сония, он – ушоқ, энг яхши бахтнинг сифати мана шуларда. Жим!

– Менга нима бўлди? Эшит! Вақт учиб кетмадими? Мен учиб кетмаяпманми? Йиқилиб тушмадимми – эшит! – Мангулик қудуфига?

– Менга нима бўляпти? Жим! Ана санчди – э воҳ! Юрагимми? Нақ юрагим! О, парчалан, парчалан, юрагим, бундай бахт, бундай санчишдан сўнг!

– Қандай? Дунё шу тобда камолга етмадими? Дум-думалоқ бўлиб етилмадими? О, думалоқ олтин қорачиқ – у қаерга учяпти? Наҳот мен унинг ортидан югурдим? Жим!

Жим (шунда Зардўшт чўзилиб керишди ва ухлаб қолаётганини сезди).

«Турсанг-чи, эй, уйқучи! – дерди у ўзига ўзи.

– Сен, туш бўлганда ухловчи! Вақт бўлди, ўтиб кетди, ҳали яна анча йўл босмоғимиз керак.

Энди ухлаб турдингиз, узоқ ухлаб ётдингизми? Мангуликнинг нақ ярми эмасми? Қани, тур ўрнингдан, менинг қари юрагим! Бундай уйқудан сўнг сенга кўп вақт керакми – уйғониш учун?»

(Лекин шунда у яна ухлаб қолди, дили эса қаршилик кўрсатди, ҳимояланди ва яна ётди) – «Мени холи қўй! Жим! Дунё шу тобда комил бўлиб етилмадими? О, думалоқ олтин шар!»

«Тур, – дерди Зардўшт, – эй, сен, кичкина ўғри, дангаса! Қандай? Ҳали ҳам керишасанми, эснайсан, хўрсинасан ва чуқур қудуқларга ботасанми?

Сен ўзинг кимсан, о, кўнглим!» (Шунда у бирдан қўрқиб кетди, зеро, қуёшнинг бир тола шуъласи кўқдан унинг юзига тушди).

«О, бошим узра осмон, – деди у хўрсиниб ва туриб ўтирди, – сен менга қарайпсанми? Сен менинг аломат қалбимни тинглаяпсанми?

Ердаги барча нарсалар устига тўкилган мана шу бир томчи шудрингни ичганингда, – сен бу аломат кўнгилни ичганингда.

– О, мангулик булоғи! Сен шодумон, мудҳиш туш чоғининг тубсиз қаъри! Қачон сен менинг кўнглимни яна ўзингга тортасан<sup>22</sup>.

<sup>22</sup> Нитше – 1900 йилнинг 25 август куни айни туш чоғи жон таслим қилади.

Зардўшт шундай сўзларни зикр қилди, худди фалати бир тарзда сархуш бўлган одамдай дарахт остидан турди; қуёш эса ҳамон тикка унинг боши узра порларди. Бундан Зардўшт бу гал қисқагина вақт пинакка кетганилигини пайқаш мумкин эди.

## ҚУТЛАШ

Кўп овора бўлиб излаганлари, адашиб-улоққанларидан сўнг Зардўшт кеч қоронғусида яна ўз форига қайтиб келди. Лекин мағорасига етмай йигирма қадам берида ҳеч кутмаган бир ҳодиса рўй бериб, у тўхтади: у яна мадад сўраган улуғ товушни эшитди. Яна ҳайрон қоласан! Бу сафар товуш унинг ўз мағорасидан чиқмоқда эди. Лекин бу жуда узун, мушкул, фалати қичқириқ эди; Зардўшт унинг жуда кўп товушлардан иборат эканлигини аниқ фарқлади: фақат жуда олисдан эшитганда уни битта товуш деб қабул қилиш мумкин эди.

Шунда Зардўшт ўз мағораси сари отилди, шунча қичқириқлардан сўнг у мана бундай манзара устидан чиқди! У бугун йўлда дуч келганларнинг бари бунда жам бўлиб ўтиришарди: ўнг қўлдаги қирол ва чап қўлдаги қирол, қари сеҳргар, папа, ихтиёрий фақир, соя, виждонли руҳ, тунд башоратгўй ва эшак; энг бадбашара одам эса бошига тож кийиб, белига иккита алвон белбоғ ўраган эди – зеро, у бошқа бадбашаралар каби чиройли кийинишни яхши кўради. Мана шу мажруҳ жамоатнинг ўртасида Зардўштнинг хурпайиб, ташвишга ботган бургути қўққайиб турарди, зеро, у бугун кўп нарсаларга жавоб бериши керак, ҳолбуки бу мағрур зотда жавобнинг ўзи йўқ

эди; доно илон эса бургутнинг бўйнига ўралиб олган эди.

Зардўшт буларнинг барига буюк бир ажабсиниши билан боқди; кейин у ҳар бир меҳмонга алоҳида илтифот ва эътибор билан қаради, уларнинг қалбидан нима кечайтганлигини уқди ва яна ҳайратланди. Бу орада жамоат ўз ўринларидан туриб, Зардўштнинг қачон гапиришини эътибор билан кута бошлади. Зардўшт эса қуйидагиларни айтди:

«Эй, сиз чорасизлар! Эй, аломат одамлар! Ёрдам сўраб қичқирган сиз эдингизми? Бугун кўп овора бўлиб қидириб топилмаган зотни энди қайдан излашни биламан: мен олий одамни излайман;

– у, олий одам менинг форимда ўтирибди! Мен ҳайрон қоламан! Ахир мен уни асал назр қилиб, баҳтимнинг ширин тузоқларини қуриб, ўз томонимга тортиб, оғдирмадимми?

Бироқ фаҳмимча, биргаликда жамоат қуриш учун сизлар ярамайсизлар, эй, ёрдам сўраб чақирганлар, сизлар бу ерда бирга ўтириб, бир-бирингизни хижолатга қўясиз, холос. Аввал аллаким келсин;

– аллаким боплаб сизни кулдирсин, ўзи оққўнгил, шўх ҳазилвон, раққос, елевгай, тирмизак, қандайдир эски тентаквой бўлсин – сизга шу керак эмасми ахир?

Лекин сиз эй, чорасизлар, мен бундай ночор, сиз каби азиз қўноқларга арзимас сўз билан мурожаат қилаётганим учун маъзур кўринг! Лекин сиз фаҳмлайсизми, нима менинг қалбимни тетик қиласди;

– бу сиз ва сизнинг бундоқ кўринишингиз, мени кечирингиз! Зоро, чорасизга қараган ҳар бир одам ўзини тетик, бардам сезади. Чорасизга

тасалли бериш учун ҳар бир одам ўзини етарлича кучли ҳисоблайди.

Менга бу куч-қувватни сиз ато этдингиз – бу мен учун бебаҳо тортиқ, улуғ қўноқларим! Қўноқларнинг чин совфаси! Хайр, майли, жаҳдингиз чиқмасин, мен сизга ўз совфамни таклиф этаман.

Бу ер – менинг салтанатим ва менинг мулку мулкатларим: лекин бу оқшом ва бу кеча менинг барча нарсаларим сизники ҳам бўлгай. Менинг маҳлуқларим сизга хизмат қилгай; шояд бу фор чарчогингизни ёзиб, ҳордифингизни чиқаргай!

Менинг қўналғамда, менинг ўчофимда ҳеч кимса умидсиз бўлмагай, мулкатларимда мен ҳар кимсани ваҳший ҳайвонлардан қўриқлагайман. Бу мағора сизга паноҳ бўлгай!

Ундан сўнг сизга жимжилогимни таклиф этаман. Жимжилогим билан бирга бутун қўлим ҳам сизга бўлсин, майлига! Юрагимни ҳам қўшиб ола қолинг! Хуш келибсиз, сизга таъзим қиласман, азиз меҳмонларим!»

Зардўшт шундай сўзларни айтиб кулар, сўзлари муҳаббат ва шаҳду шиддат билан лиммо-лим эди. Бу қутловдан сўнг меҳмонлар бир оғиз сўз қўшмай яна бир бор таъзим бажо келтирдилар; ўнг кўл қирол қўноқлар номидан жавоб сўз айтди:

«Бизга қўлингни узатиб, алқаб турганингдан, о, Зардўшт, сенинг Зардўштлигингни яна бир карра танидик. Бизнинг олдимизда ўзингни паст тутдинг, бизнинг сенга эҳтиромимизни қарийиб ерга урдинг;

– лекин яна ким сенчалик фуурур билан ўзини паст тута оларди? Бу бизнинг кўнглимиизни қўтарида, бу кўзларимиз ва қалбларимизга лаззат-фароғат ато этади.

Фақат шунинг ўзини кўриш учун биз жонжон деб бу тоғдан кўра ҳам баландроқ тоғларга чиқишига тайёр эдик. Зеро, биз томоша талабгорлари бўлиб келдик, биз қайфули нигоҳни нима равшан қилишини кўришни истаймиз.

Мана, бизнинг ёрдамга чорлаб қичқиришларимиз бари тугади. Фикрларимиз ва қалбларимиз энди очиқ, биз қойил қолдик. Яна бир лаҳзадан сўнг бизнинг матонатимиз бардам бўлади.

О, Зардўшт, ер юзида юксак, кучли иродадан ортиқроқ қувончли нарса ўсмайди: у ернинг энг гўзал асарларидандир. Битта шундай дараҳтдан бутун тумонат теварак жонланиб туради.

Кимки худди сен каби ўсиб-унган бўлса, о, Зардўшт, мен уни юксак пиний қарағайга қиёс қиласман: у энг чайир оғочдан ишланган, бўйи баланд, сокин, мустаҳкам, ягона, ҳукмрон;

– ям-яшил, зич шохларини ўз ҳукмидан ҳам кенгроқ ҳудудларга ёйган, бўронлар ва шамоллар, асрлардан бери юксакликларга яқин барча нарслар билан майдон сўраб қудратли тортишган,

– янада қудратлироқ жавоб бергувчи, ҳукм юргизувчи, зафар қозонувчи у; мана шундай дараҳтларни кўриш учунгина о, ким сарбаланд тоғларга кўтарилемасди, дейсиз ахир!

О, Зардўшт, сенинг дараҳтинг остида жон битгай фамингга ҳам, омадсизга ҳам, қалби ҳаловат ва рўшнолик кўрмаган сенинг ёнингда тинчланур ва юраги ором олур.

Ҳақиқатан ҳам, сенинг бу тоғинг ва бу дараҳтингга кўп нигоҳлар қадалган; буюк бир соғинч туғилди ва энди кўплар: Зардўшт ким? – деб сўрашни ўргандилар.

Сен кимнингки қулоқларига бир маҳаллар ўз кўшиғинг ва ўз асалингни қандай томчи-том-

чилаң қуйган бўлсанг, уларнинг бари; кимки қочган, яширинган, кимки ёлғиз яшаган ёки икковлашиб ёлғизлашган бўлсалар, улар бари сенинг қалбингга қараб тавалло қилдилар:

«Зардўшт ҳали тирик борми? Бошқа яшашнинг ҳожати йўқ, бари абас, бари беҳуда, – ёки биз фақат Зардўшт билан яшамоғимиз керак!»

«Нега келмайди ўша, ўзи ҳақида қачонлар дарак берган? – деб сўрашади кўплар. – Уни ёлғизлик ютиб юбормадими? Ёки биз ўзимиз уни излаб борайликми?»

Энди шундоқ ҳам бўлмоқдаки, ёлғизликнинг ўзи чириди ва увадага айланди, мисоли ўпирилиб тушган ва ортиқ ўз майитларини сақдолмаган гўр каби. Ҳар ёқда қайта тирилганлар кўзга ташланурлар.

Энди тўлқинлар сенинг тоғингни қуршаб тобора юқорига кўтарилиб борурлар, о, Зардўшт. Ва сенинг баландлигинг нечоғлик юксак бўлмасин, кўплар сенга кўтарилишлари керак; сенинг кеманг қуруқликда узоқ қолиб кетмагай.

Биз чорасиз қолганлар сенинг маконингга келганимиз ва энди умидсизликдан халос бўлганимиз – энг яхши одамлар сен томон йўлга чиққанликларининг бир башоратидир, холос.

– Зеро, одамлар ўртасида Худонинг охирги қолдифининг ўзи сен томон йўлга чиқди, яъники айнан мана шулар: барча улуф соғинчга йўлиққанлар, барча улуф нафратга мубтало бўлганлар ва барча улуф жонидан тўйиб кетганлар;

– ва агар фақат яна умидга ўрганмасалар, фақат улуф умидни агар сендан ўрганмасалар, яшашни истамайдиганларнинг бари йўлга чиқди, о, Зардўшт!»

Үнг томондаги қирол шу сўзларни айтиб, ўпиш учун Зардўштнинг қўлларини тутди; лекин Зардўшт унинг бу эъзоз-икромидан ўзини олиб қочиб, қўрқиб орқага чекинди ва худди жимгина, кутилмаганда кенг уфқадарга учиб кетгандай бўлди. Лекин кўп ўтмай у яна меҳмонлари орасига қайтди-да, уларга равshan, синовчан кўз билан назар ташлаб, сўз бошлади:

«Қўноқларим, сиз, олий одамларсиз, мен сиз билан немис тилида равshan гаплашсам дейман. Мен сизни тоғларда учратаман, деб ўйламаган эдим».

(«Немис тилида ва равshan? Худо сақласин! – деди шунда чап томондаги қирол четга қараб; бу шарқлик донишманд азиз немисларни яхши билмаслиги кўриниб турибди!

Лекин у бу билан «немис тилида ва дағал қишиб», деб айтмоқчи – майлига! Ҳозирги замонларга қараганда бу ҳали фаҳм-фаросатнинг батамом йўқолиб кетмаганигидан дарак беради!»)

Майли, ҳақиқатан ҳам, ҳаммаларингиз бир бўлиб, олий одам бўлингизлар; лекин мен учун – сиз у қадар ҳам юксак ва у қадар ҳам кучли бўлиб туюлмайсиз.

Мен учун бу демак: менда жимгина ётган, енгиб бўлмас кучга нисбатан бу шундай, лекин у ҳаммавақт ҳам жим ётавермайди. Мабодо агар сиз менга мансуб бўлсангиз ҳам, лекин ҳар қалай, мисол учун, ўнг қўлим каби эмас.

Зеро, сизга ўхшаб касал ва заиф оёқда юрувчи, буни биладими ёки ўзидан яширадими: бари бир аввало ўзини аяшларини истайди.

Лекин мен на оёқларим ва на қўлларимни аяйман, мен ўз жангчиларимни аямайман: менинг жангугу жадалларим учун сиз қандай ярайсиз?

Сиз билан ҳар қандай ғалабани бой берган бўлардим. Менинг довулларимнинг баланд садоларини эшитиб, кўпларингиз йиқилиб тушган бўлардингиз.

Шунингдек, сизлар мен учун у қадар гўзал ва у қадар олижаноб ҳам эмассиз. Мен ўз таълимотим учун тоза ва силлиқ кўзгуларни қўллайман; сизнинг юзангизда эса ҳатто менинг ўз қиёфам бузилган ҳолда акс этгай.

Сизнинг елкангиздан жуда кўп оғир юклар, кўп хотиралар босиб турди; сизнинг жинкўчаларингизда кўп ёмон паканалар бужмайиб ўтиришади. Ҳатто сизнинг ўзингизда яширин қоралар бор.

Сиз юксак ва олий уруғдан бўлишингиз мумкин: сизнинг кўп нарсаларингиз қийшиқ ва хунук. Сизни тузатиб, тўғрилайдиган темирчи уста дунёда йўқ. Сиз кўприксиз холос: майли, олийлар сизлардан ўтиб боришин! Сиз поғоналарсиз: сизнинг устингиздан ўз юксаклигига кўтарилиб бораётганлардан жаҳлингиз чиқмасин!

Эҳтимол, бир замонлар келиб сизнинг уруғингиздан ҳақиқий фарзанд ва менинг баркамол ворисим ўсиб-унар – лекин бунга ҳали узоқ. Сизлар ўзингиз менинг меросим ва номим тегадиган меросхўрлар эмасдирсиз.

Бу тоғларда мен сизни кутаётганим йўқ, охирги марта пастга тушсан, сиз билан тушмайман. Сиз фақат олий одамлар мен томон йўлга чиққанликларини башорат қилмоқдасиз.

– Ва сиз улуғ соғинч, улуғ нафрат, улуғ зерикиш одамлари эмас, сиз ўзингиз айтмоқчи Худонинг сўнгги қолдиқлари ҳам эмас.

– Йўқ! Йўқ! Уч карра йўқ! Мен бу тоғларда бошқаларни кутяпман, уларсиз бу ердан кетишни хаёлимга ҳам келтирмайман.

– Эңг олий, яна құдратлироқ, музafferоқ, янада қувноқроқ, қалби ва жисми түгри қилиб қурилган кимсаларни кутаман: кулиб турған арслонлар келмоғи керак!

О, менинг азиз құноқларим, эй, сиз, алмат одамлар, – нақот сиз менинг болаларим ҳақида ҳеч нарса әшитмагансиз? Улар мени қўриш учун йўлга чиққанликларини билмайсизми?

Менга бофу бўстонларим ҳақида, фарофатли оролларим ҳақида, янги гўзал наслим ҳақида гапирингиз. Нега менга улар тўғрисида сўзламайсиз?

Сизнинг муҳаббатингиздан мен шу тортиқни сўрайман, менга болаларим ҳақида сўйланг. Улар билан бой-бадавлатман, улар боис мен қашшоқ бўлдим, мен нималарни бермас эдим.

– Нималарни бермас эдим мен, магарам бир нарсага эга бўлсан: эга бўлсан мен шу болаларга, шу тирик ниҳолларга, менинг иродам ва олий умидимнинг шу ҳаёт чинорларига!»

Зардўшт шундай зикр қила туриб, бирдан сўзидан тўхтади: зоро, уни соғинч, интизорлик чирмади, у кўзлари ва оғзини юмди, юраги шунчалар кучли тўлқинланиб кетди. Унинг барча қўноқлари ҳам қимир этмас, ўсал бўлганча жим туришар, фақат кекса кароматгўйгина юзи ва қўллари билан нималарни дир ишора қиласади.

## МАХФИЙ ШОМ ЗИЁФАТИ

Шу ерга келганда кароматгўй Зардўшт ҳамда унинг қўноқларининг салом ва қутловларини бўлди, у вақти тифиз одамдек олдинга суқулиб ўтди-да, Зардўштнинг қўлидан тутиб хитоб қилди: «Ва лекин Зардўшт!

Ўзинг айтмоқчи, бир зарурат бошқасидан устунроқ, майлига, мен учун ҳозир бир нарса бошқа ҳаммасидан заруроқ.

Айтгандай: сен мени зиёфатга таклиф қилмаганинг? Бу ерда жуда узоқ йўл босиб келганлар бор. Сен бизни қуруқ гап билан боқмасанг керак?

Бундан ташқари биз ҳаммамиз музлаб қолиш, чўкиб кетиш, бўғиб ташлаш сингари жисмоний кулфатлар тўғрисида кўп гап сотдик. Лекин ҳеч ким менинг дардимдан оғиз очмади, очдан ўлиш даҳшатини тилга олмади».

(Кароматгўй шуларни айтди. Бироқ Зардўштнинг маҳлуқлари бу сўзларни эшитишгач, қўрқиб, қочиб кетишиди. Зеро, улар кун бўйи топиб келган озиқ-овқатлар ёлғиз кароматгўй чолнинг қорнини тўйдиришга ҳам етмаслигига ишонч ҳосил қилган эдилар.)

«Бунга яна ташналиқдан ўлиш эҳтимолини ҳам қўшамиз, – давом этди кароматгўй. – Гарчи бу ерда сув сероб бўлиб, донишманд сўзлари дай тинмай жилдираб оқаётганлиги қулогимга чалинмоқда. Лекин мен май истайман!

Ҳар ким ҳам Зардўштдай умр бўйи фақат сув ичавермайди. Ҳориганлар ва сўлиганларга сув ярамайди. Бизга май ярашади. Фақат ундан дафъатан соғайиш ва ҳар доим саломат юриш мумкин!»

Кароматгўй чол май талаб қиларкан, сўл томондаги индамас қирол ҳам, қулай фурсатдан фойдаланиб, ўртага икки оғиз сўз қўшди. «Май тўғрисида ғам еманг, – деди у, – биродарим, ўнг ёқ қироли билан бирга бунинг ташвишини қилиб қўйганмиз. Май ҳаммага етади – уни кўплаб эшакка ортганмиз. Лекин фақат нон етмай турибди, холос».

«Нон дейсизми? – деб эътиroz билдириди Зардўшт кула-кула. – Дарвешларнинг ҳамиша нони йўқ. Лек нон ягона ризқ-рўз эмас, одам яхши қўзичноқларнинг эти билан ҳам тирик. Айтганча, менинг икки қўзим бор.

– Уларни тезроқ саранжом қилинлар ва маврак солиб дамласинлар. Мен шуни яхши кўраман. Ичингизда ширинтомоқлар, лазиз овқат ишқибозлари бўлса, уларга атаб қанча шифобахш томирлару мева-чевалар ҳозирлаганмиз, ёнғоқлару яна чақиб ўтирадиган бошқа жумбоқ нарсалар ҳам тайёр.

Тезда зўр зиёфат ҳозирлаймиз. Лекин ким унда қатнашмоқчи бўлса ва ҳаттоқи қироллар ҳам қарашмоқлари керак. Зеро, Зардўштнинг уйида қиролга ҳам ҳатто ошпазлик қилиш ярашади».

Бу таклиф ҳаммага маъқул бўлди. Фақат ихтиёрий фақиргина эт, май, ширинликларга қарши чиқди.

«Бу нафс бандаси Зардўштга қулоқ тулинглар-а! – деди у ҳазиломуз. – Мағораларга ва баланд тоғларга шундай зиёфат ейиш учун чиқадиларми?

Энди тушундим: у бир пайлар бизга шундай деб ўргатган эди: «Камроқ камбағалликка мақтоловлар бўлсин!» Шу боис у қашшоқликка барҳам бермоқчи».

«Мендек қувноқ бўл, – жавоб берди Зардўшт. – Ўз одатларингни сира тарк этма, эй, яхши одам! Донингни чайна, сувингни ич, ошхонангни мақта – ўз хурсандчилигингни қўйма!

Мен – ҳамма учун эмас, фақат ўз одамларим учун қонунман. Лекин менга тегишли бўлганларнинг суюклари бақувват ва қадамлари енгил бўймоги керак.

– Улар уруш ва базмларнинг ҳам кифтини келтирсиналар, олабўжи ёки Ханс орзупараст бўлиб юрмасиналар, ҳар қандай қийинчилликка худди байрамдай қарасиналар ва ҳамиша соғ-саломат, омон бўлсиналар.

Энг яхши нарсалар менга ва менинг одамларимга тегишли. Агар бизга тегишли нарсаларни бермасалар, биз уларни ўзимиз оламиз: яхши озиқ-овқатлар, энг тоза осмон, энг құдратли фикрлар, энг гўзал аёллар бизницидир!»

Зардўштнинг зикри шундай бўлди. Лекин ўнг томон қироли ўртага гап қўшди: «Ажабо! Донишмандинг оғзидан ҳеч қачон шундай ақдли гаплар чиққанми?

Ҳақиқатан ҳам, бир пайтнинг ўзида ҳам ақдли ва бунинг устига эшак бўлмаган донишманд фоятда камдан кам учрайди».

Ўнг томон қироли шундай дер экан, ўзи ҳайрон бўларди. Эшак эса баттоллик қилиб, унинг гапига: И-ҲО, И-ҲО – деб жўр бўлди. Тарихий китобларда «Махфий шом зиёфати», деб ном қозонган узундан узоқ мусобақанинг давоми ва бошланиши шундай эди. Лекин ундан кейин фақат олий одамдан бошқа ҳеч нарса устида сўз бормади.

## ОЛИЙ ОДАМ ЗИКРИ

1  


Мен илк бора одамлар ичига кирганимда дарвешона бир тентаклик, катта тентаклик қилиб қўйдим: мен бозор майдонига кириб бордим. Мен ҳаммага қараб гапирганимда, ҳеч кимга гапирмадим. Лекин қош қорайганда дорбоз ўйинчилар

ва майитлар менга ошно бўлиб қолдилар, ўзим ҳам мурдага айландим ҳисоби.

Лекин янги тонг билан бирга менга янги ҳақиқат ҳам келди – мен ўшанда гапиришга ўргандим: «Бозор ва издиҳом, оломоннинг шовқин-сурони ва унинг узун қулоқлари билан менинг нима ишим бор!»

Сиз, олий одамлар, мендан буни ўрганасиз: бозорда ҳеч ким олий одамларга ишонмайди. Агар сиз у ерда сўз айтмоқчи бўлсангиз, майлига! Аммо издиҳом кўзини пир-пир қиласди: «Биз ҳаммамиз тенгмиз».

«Сиз, олий одамлар, – издиҳом шундай кўзини пирпиратади, – олий одамлар йўқ, биз ҳаммамиз тенгмиз, инсон инсон демакдир, Худо қошида – биз ҳаммамиз тенгмиз!»

Худо қошида-я! – Лекин эндиликда бу Худо ўлди. Лекин издиҳом олдида биз тенг бўлишни истамаймиз. Эй, сиз, олий одамлар, бозордан чиқиб кетингиз!

## 2

Худо олдида-я! – лекин энди бу Худо ўлди! Эй, сиз олий одамлар, бу Худо сиз учун энг улуғ хатар эди.

У гўрига ётгандан бери, сиз илк бора қайта тирилдингиз. Мана энди буюк пешин киряпти, фақат энди олий одам – отабекка айланмоқда!

Сиз бу сўзни тушундингизми, о, оғайниларим? Қўрқиб кетдингизми? Юрагингиз безовта бўлдими? Нигоҳингизга тубсиз қаър очилдими? Жаҳаннам кўппаги сизга ириллай бошладими?

Майлига! Олфа! Олий одамлар! Фақат энди инсон келажагининг тоғи туғиш азобларида ўртанмоқда. Худо ўлди: энди биз истаймизки, аъло одам яшасин.

Энг жонкуярлар сўрашяпти: «Одам қандай сақланади?» Зардўшт эса ягона ва яккаш сўрайди: «Одамдан қандай ўтиш керак?»

Кўнглим менинг аъло одамга мойил, у мен учун ягона ва ёлғиз, – у оддий одамга ўхшамас: яқин ҳам эмас, қашшоқ ҳам эмас, абгор ҳам эмас, энг яхши ҳам эмас.

О, оғайнilarим, одам бу ўтиш ва ҳалокат, мен одамда ниманидир севолсам, фақат мана шунигина севаман. Ҳатто сизда ҳам менинг муҳаббатим ва умидимни уйғотувчи кўп нарсалар бор.

Сизнинг нафратингиз, о, олий одамлар, менда умид уйғотади. Зоро, улуф нафрат эгалари моҳиятан улуф эҳтиром эгаларидир.

Сизнинг умидсизлигингиз улуг эҳтиромга лоийқ. Зоро, сиз бўйсунишни ўрганмадингиз, сиз кичкинагина оқилоналикка ўрганмадингиз.

Бинобарин, энди кичкина одамлар отабеклар бўлиб қолдилар: улар ҳаммалари итоат, камтарлик, мулоҳазакорлик, тиришқоқлик, эҳтиёткорлик ва тутанмас «ва ҳоказо» кичкина эзгуликларни тарғиб қиласидилар.

Барча аёлларга хос, барча қулларга хос ва айниқса барча қораларга хос нарсалар: бу энди бутун инсон тақдирининг хўжаси бўлмоқни истайди – о, нафрат! Нафрат! Нафрат!

Улар тинимсиз сўрайдилар: «Одам қандай қилиб яхши, узоқ ва ёқимли сақланиши мумкин?» Шунинг учун улар ҳозирги куннинг – отабекларидир.

О, оғайнilarим, сиз менга мана шу ҳозирги замон отабекларидан – ушбу кичкина одамлар-

дан ўзиб борингиз: улар аъло одам учун энг буюк хатардир!

О, олий одамлар, сиз менга кичкина яхшиликлар, кичкина ғамхўрликлар, ҳуркак ҳушёрликлар, чумоли гужфонлари, ночор мамнунликлар, «кўпнинг баҳти» деган нарсалардан ўзиб берингиз!»

Майли, яхши ўртанинг, лекин таслим бўлманг. О, олий одамлар, сиз бугун яшашни билмайсиз, мен сизни ҳақиқатан ҳам, мана шунинг учун севаман! Зеро, сиз шундай яшайсиз – ҳаммадан аъло!

4  


Матонатингиз етарлими, о, оғайниларим? Юрак борми сизда? Гувоҳлар олдидағи матонат эмас, дарвеш ва бургут матонати, бунга энди ҳатто Худо ҳам қарамай қўйди-ку?

Совуқ юракларда, хачирларда, кўрларда ва маст-аластларда мен матонат деб атайдиган нарса йўқ. Кимки қўрқув нималигини билса, лекин уни енгса, кимки тубсиз жарни кўрса, аммо унга мағрур кўз ташласа, фақат мана шундай одамдагина матонат бор.

Кимки тубсиз қаърга бургут кўзи билан қараса, кимки тубсиз қаърга бургут чангали билан чангурса – фақат шу кимсадагина матонат бор.

5  


«Инсон баттол» – барча донишманлар менга таскин бериб шундай дейишарди. Оҳ, агар бу ҳозир ҳам ҳақиқат бўлсайди! Зеро, ёвузилик инсоннинг энг яхши қудратидир.

«Инсон борган сайин яхши ва ёвуздоқ бўлиб бо-риши керак» – мен шундай деб таълим берганман. Энг ёвуз нарса аъло одамнинг баҳти учун керак. Кичкина одамларнинг гуноҳдарини кўтариб юргани ва азоб чеккани унга яхшилик бўлиб кўриниши мумкин. Лекин мен буюк гуноҳга ўзимга улуғ тасалли деб қарайман ва хурсанд бўламан.

Лекин буларнинг бари узун қулоқлар учун айтилган гаплар эмас. Ҳар қандай сўз ҳар қандай баҳарага ҳам ярайвермайди. Булар нозик, узоқча борадиган нарсалар: қўйларнинг туёқлари уларни топтаб ташламагай!

## 6

О, олий одамлар, сиз мени бу ерда ишкал ишларингизни тўғрилаш учун юрибди, деб ўйлайсизми?

Ёки сиз, азоб чекаётган бечораларни бундан кейин қулайроқ ётқизиб қўйишни хоҳлади дейсизми? Ёки сиз тўзимсиз, йўлини йўқотган, тоғларда адашганларга янги, осонроқ сўқмоқларни кўрсатади, деб кутасизми?

Йўқ! Йўқ! Уч карра йўқ! Сизнинг уруғингизнинг яхшилари кўпроқ ҳалок бўлсинлар – зеро, сизнинг кунларингиз борган сари ёмонроқ ва қаттиқроқ бўлгай. Зотан, фақат шундай йўл билан;

– фақат шундай йўл билан инсон ўша бир чўққига кўтариладики, бунда чақмоқ уни туғдиргай ва ўлдиргай: чақмоқ учун етарлича юксак!

Менинг фикрим ва соғинчим ноёб, узун ва узоқ нарсаларга қаратилган.

– Сизнинг майда, одми ва қисқа қашшоқдигингиз билан менинг нима ишим бор!

Менимча, сиз ҳали етарлича азоб чекмайсиз! Зеро, сиз ўзингиз билан азоб чекасиз, инсон билан азоб чекмайсиз. Агарда бошқача айтганингизда, ёлғон айтган бўлардингиз. Сиздан ҳеч ким мен азобини чекканнинг азобини чекмайди.

7

Чақмоқнинг бошқа зиён етказмаслиги менга етарли эмас. Мен уни қайтармоқчи эмасман: у ишлашни ўрганиши керак – мен учун.

Менинг донолигим булат каби анчадан буён ийифилмоқда, у борган сари сокин ва қорайиб бормоқда. Бир кунмас бир кун чақмоқлар туғадиган ҳар қандай донолик шундай бўлади.

Бугунги куннинг одамлари учун мен нур бўлишни ва шундай деб аталишни истамайман. Уларни кўр қилиб қўяман! Донолигимнинг чақмоги! Ўйиб ол уларнинг кўзларини!

8

Ўз кучингиз етмаган нарсаларни орзу қилманг: ўз кучидан ортиқ нарсаларни истайдиганларга бемаъни алдам-қалдамлар хос.

Айниқса, улар улуғ нарсаларни хоҳлаганларида! Зотан, ушбу чаққон қалбаки пул ясовчилар, ушбу масхарабозлар улуғ нарсаларга ишончсизлик уйғотадилар;

– ушбу қинғир кўзлар, усти бўяб-бежалган, ичини қуртлар кемирган, улуғ сўзлар, хўжакўрсин яхшиликлар, йилтироқ ясама ишлар билан иҳоталанган бўлсалар ҳам, бир кунмас бир кун ёлғонларининг чуви чиқади.

Бунда айниңса эхтиёт бўлингиз, о, олий одамлар! Зеро, бугун мен учун ҳақгўйликдан қиммат-роқ ва ноёброқ бошқа нарса йўқ.

«Бугун» деганимиз оломонга тегишли эмасмикин? Аммо оломон билмас нима удуф, нима кичик, нима тўғри ва нима ҳаққоний: оломон соддалиги боис қўнгли эгри, у доим ёлғон гапиради.

9



Эй, олий одамлар, сиз мардона ва самимийсиз, ҳамма нарсага осон ишонаверманг! Асосларингизни махфий сақданг! Зотан, «Бугун» деганимиз оломонга тегишли.

Оломон асоссиз бир нарсага ишонган бўлса, ким буни – асослар келтириб инкор қила олади?

Бозорда қўл ҳаракатлари билан ишонтиришади. Аммо асос замин оломонни ишончсиз қиласди.

Ва агар қачонлардир у ерда ҳақиқат тантана қилган бўлса, унда ўзингиздан ишончсизлик билан сўраб қўринг: «Қандай қудратли янгиш унинг учун курашди?»

Олимлардан ҳам эхтиёт бўлинг! Улар сизни ёмон қўрадилар, зеро, улар бепуштдирлар! Уларнинг кўзлари совуқ ва қотиб қолган, уларнинг олдида ҳар қандай қушнинг пати юлиниб ётади.

Улар ёлғончи эмасликлари билан кериладилар: лекин алдай олмасликнинг ўзи ҳали ҳақиқатга муҳаббат дегани эмас. Огоҳ бўлинг!

Иситманинг йўқлиги бу ҳали билим эмас. Қотиб қолган ақдларга мен ишонмайман. Ёлғончилик қилолмайдиган киши ҳақиқат нима эканлигини билмайди.

Агар сиз юксакка кўтарилимоқчи бўлсангиз, ўз оёқларингиздан фойдаланинг! Сизни кўтариб юришларига йўл қўйманг, бироннинг бошига ва елкасига ўтирманг!

Лекин сен отга ўтирдингми? Сен энди юқорига ўз мақсадинг сари тез учиб борасанми? Хайр, майли, дўстим! Аммо сенинг оқсоқ оёғинг от устида сен билан бирга ўтирибди!

Сен ўз мақсадингга етганда ва отингдан сакраб тушганда, – баайни ўз юксаклигингда, о, олий одам, – сен, албатта қоқилажаксан!

Эй, сиз бунёдкор, эй, сиз олий одамлар! Ҳомиладорлик фақат ўз болангга бўлади.

Сизни адаштиришга йўл қўйманг! Сизнинг яқинингиз ким? Агар сиз «Яқинингиз учун» ҳаракат қилсангиз, – сиз ҳар қалай унинг учун бунёд этмайсиз!

Эй, сиз бунёдкорлар, мана шу «учун»дан воз кечинг: зотан, сизнинг эзгулигингиз мана шу «учун», «қўзлаб», «негаки»лар билан сира ишингиз бўлмаслигини талаб қиласди. Бу ясама, майда сўзлардан қулоғингизни беркитинг.

«Яқиним учун» – бу фақат майда одамларнинг эзгулиги: улар шундай дейишади: «бири биридан баттар» ва «қўл қўлни ювади»; сизнинг худбинлигингиз учун уларнинг на ҳақи ва на кучи бор!

Эй, бунёдкорлар, сизнинг худбинлигингизда ҳомиладор хотиннинг эҳтиёткорлиги ва олдиндан

тайёргарлик кўриб қўйиши бор! Ҳали ҳеч ким ўз кўзи билан кўрмаган, ҳомила сизнинг бутун меҳру муҳаббатингизни қўриқлайди, эҳтиётлайди ва қувватлантиради.

Бутун муҳаббатингиз болангизда, бутун эзгулигингиз ҳам унда! Сизнинг ишингиз, сизнинг иродангиз – сизнинг «Яқинингиз»; ясама қадриятларни сизга тиқиширишларига йўл қўйманг!

Эй, сиз бунёдкор, сиз олий одамлар! Ким туғиши керак бўлса, у касал; лекин ким туққан бўлса, у тозамас.

Хотинлардан сўранг: ёққани учун тугмайдилар. Товуқлар ва шоирларни оғриқ қақафлатади.

Эй, бунёдкорлар, сизда нотоза нарсалар кўп. Бу шунинг учунки, сиз ҳали она бўласиз.

Янги туғилган чақалоқ! О, у билан бирга оламга қанчадан қанча янги иллатлар келди! Четланинг! Ким туққан бўлса, кўнглини ювиб олсин!

## 12

Эй, сиз, бунёдкор, олий одамлар!

Туғиши керак бўлган кимса, дардманд; аммо ким туғди, у тоза эмас.

Хотинлардан сўранг: туғишлиарининг сабаби, бу ўзларига ёққани учун эмас. Дард товуқлар ва шоирларни қақоқлашга мажбур қиласди.

Сизлар бунёдкорсиз, шунинг учун сизда булғанч нарсалар кўп. Сиз она бўлишингиз керак, бунинг сабаби шунда.

Янги туғилган чақалоқ! О, дунёга у билан бирга қанчадан қанча булғанч нарсалар келди!

Четланинглар! Кимки туққан бўлса, ичини булғанчлардан ювиб, тоза қиласин!



Ўз кучингиздан ортиқ әзгулик қилманг! Ўзингиздан ҳеч бир фавқулодда нарсаларни талаб этманг!

Оталарингизнинг әзгулиги юрган йўллардан юрингиз! Агар оталарингизнинг иродаси сиз билан бирга кўтарилимаганда, бунчалар юксакликка чиқа олармидингиз?

Лекин ким тўнгич бўламан деса, қарасин, яна қуйқага айланаб қолмасин! Оталарингизнинг иллатлари бор ерда, сиз авлиёлар билан ўйнашманг!

Оталари аёлларга юрган, ўткир шароблар ичган, тўнғизларни тановул қилганлар ўзларидан масъуллик ва бокираликни талаб қилсалар нима бўларди?

Бу телбалик бўлур эди! Агар у битта, иккита ёки учта хотиннинг эри бўлса, бу ҳақиқатан ҳам, унга кўплик қилурди.

Агар у роҳибхоналар қуриб, уларнинг эшигига: «авлиёга йўл» деб ёзиб қўйса, – унга бари бир шундай деган бўлардим: ҳечқиси йўқ! Бу ахир яна бир телбалик-ку!

У ўзи учун жиннихона ёки бўлак бошпана қурди дейлик, – омон бўлсин! Лекин мен бунга ишонмайман.

Хилватда унга ҳар бир кимса ва ҳатто ички қорамол олиб кирган нарса ўсади. Шунинг учун мен кўпларни ёлғизлиқдан қайтараман.

Саҳройилардан ҳам кўра қашшоқроқ бошқа бир нарса ер юзида бўлганмикин? Уларнинг оддида иблисгина эмас, ҳатто тўнғиз ҳам ўз занжирини узган.

Үлжасига сакраб қойил қилолмаган йўлбарс каби журъатини йўқотган, хижолатли, ўнгайсиз ҳолда сизни кўп кўрганман, о, олий одамлар, ўшанда сиз четлаб ўтишга ҳаракат қилгансиз. Сиз қиморни бой бердингиз.

Лекин, хўш, нима бўлибди, эй, қимор хуморилари! Сиз ўйнаш ва кулишни ўрганмадингиз, қандай ўйнаб кулишни билмадингиз! Биз доим катта стол атрофига ўйнайман, деб кулгига қолаётганимиз йўқми?

Агар сиз улуғ бир нарсани ўхшатолмаган бўлсангиз, бу сизнинг ўзингиз ҳам ўхшамадингиз, дегани эмасми? Агар сиз ўзингиз ўхшамаган бўлсангиз, унда одамнинг ўзи ҳам – балки ўхшамагандир? Агар одамки ўхшамаган эса, унда – начора!

Нарса қанча баркамол бўлса, у шунча кам муваффақ бўлади. О, олий одамлар, ахир сиз ҳаммангиз – ўхшамадингизми?

Тетик бўлинг, нима қипти! Ҳали қанча иш қилиш мумкин! Ўз устингиздан кулишга, қандай кулишга ўрганинг!

Сиз ўхшамаган бўлсангиз ёки чала-ярим ўхшаган экансиз, не ажаб, эй, ярим парчалангандар! Сизда уриниб, суриниб ётмаганмикин – инсоният келажаги?

Инсонда нимаики энг узоқ, энг чуқур нарса бўлса, унинг юлдузсимон юксаклиги, улкан куч-қудрати ҳаммаси жам бўлиб сизнинг қозо-нингизда қайнамаётганмикин?

Агар баъзи қозон ёрилиб кетса, не ажаб! Ўз устингиздан кулишга ўрганинг, қандай кулиш керак! О, олий одамлар, ҳали қанча ишлар қилиш мумкин!

Ҳақиқатан ҳам, қанча ишлар бўлиб кетди! Бу ер кичкина, яхши, мукаммал ишларга қанчалар бой, ўхшаган нарсаларга қанчалар бой!

Ўзингизни кичкина, соз, мукаммал нарсалар билан қуршангиз, о, олий одамлар! Уларнинг олтин балоғати қалбни даволар. Барча мукаммал нарсалар умидга ўргатади.

## 16

Бу ерда, заминда шу пайтгача энг оғир гуноҳ нима эди? «Бу ерда кулганларнинг шўри қурсин!» – деб айтган кишининг сўzlари энг оғир гуноҳ эмасмиди?

Наҳот у ер юзида кулиш учун ҳеч қандай асос тополмади?

Демак, у яхши қидирмаган. Бола бу ерда кулишга асос топади.

У – яхши севмаган, акс ҳолда у биз кулувчи-ларни ҳам севишга имкон топардими? Аммо у бизни ёмон кўрар ва уятга қўярди, йифи-сифиутиш фижирлаштишни у бизга раво кўтарди.

Севмасанг, дарров лаънатлаш керакмикин? Бу – менга дид- фаросатнинг йўқлигидан дарак беради. Лекин бу шарти йўқ шундай қиларди. У оломондан чиққан эди.

У ўзи ҳам яхши севмаган эди: акс ҳолда мени севмайдилар, деб зорланмаган бўларди. Ҳар қандай улуғ муҳаббат яхши кўришни истамайди: у каттароқ нарсани хоҳлайди.

Барча шарти йўқлардан четланинг! Бу но-  
чор, касал уруғ, оломон уруғи – улар бу ҳаётга  
ёмон кўз билан қарайдилар, ерга ёмон кўз  
тиқадилар.

Бу барча шарти йўқлардан четланинг! Улар-  
нинг қадамлари оғир ва қалблари ҳам оғир – улар  
рақс туша билмайдилар. Шунда ер уларга қандай  
енгил бўлсин!

17

Барча яхши нарсалар ўз мақсадига қинғир-қий-  
шиқ йўллар билан яқинлашадилар. Улар худди  
мушук каби эшиладилар, улар ўз тайин баҳтлари-  
дан эриб мириллайдилар – барча яхши нарсалар  
куладилар.

Ким ўз йўлидан бораётган бўлса, юришидан  
маълум – қараб қўйинг-а, биз қандай боряпмиз!  
Лекин ким ўз мақсадига яқинлашаётган бўлса,  
у ўйнайди.

Ва ҳақиқатан ҳам, мен ҳайкалга айланганим  
йўқ, ҳали қаққайиб, тош қотиб, бақрайиб, қи-  
мирламай турмайман; мен тез югуришни яхши  
кўраман.

Ва гарчи ер юзида ҳали балчиқлар ва аламли  
қайгулар бордир – лекин кимнинг оёғи енгил  
бўлса ботқоқ узра худди ялтироқ кўк музда чоп-  
гандай югуриб ўйин тушади.

Оғайниларим, қалбларингизни юксакроқ  
кўклатинг, юксакроқ, яна юксакроқ! Ва оёқла-  
рингизни ҳам унутманг! Оёқларингизни ҳам ба-  
ландроқ кўтаринг, сиз соз ўйинчиларсиз, ундан  
ҳам яхшиси – бошингизда тик туринг!



Бу кулаётган одамнинг гулчамбари, бу гулчамбар атиргуллардан ясалган – мен ўзим ўзимга қўйдим бу гулчамбарни, ўз кулгимни мен муқаддас, деб тан олдим. Бошқа ҳеч кимни мен бунинг учун кучлироқ, деб топмадим.

Зардўшт раққос, Зардўшт қушдай енгил, учмоқ учун қанотларини силкитар, барча қушларни ўзига эргаштирас, тайёр ва чаққон, масъуд-енгил-баҳтиёр.

Зардўштнинг сўзи каромат, Зардўштнинг кулгиси каромат, собир ва қодир, сакрайди олға, сакрайди ёнга; мен ўзим қўйдим бу гулчамбарни ўзимга!



Юракларингизни юксалтинг, оғайниларим, юксакроқ! Яна юксакроқ! Унутманг оёқларни ҳам! Оёқларни ҳам баландроқ кўтаринг, эй, сиз соз раққослар, ундан ҳам яхшиси – тик туриңг бошингизда!

Баҳтиёрликда оғирроқ маҳдуқлар ҳам бор, бордир туғилишдан бесўнақай тушганлар. Бошида тик турмоқчи бўлган фил каби улар кулгили ҳаракатлар қилурлар.

Аммо тентаквор баҳтиёр бўлган яхши, тентаквор бадбахт бўлганча, бесўнақай ўйин тушган яхши, оқсоқ, маймоқ юргандан. Менинг донолигимдан ўргана қолинг: ҳатто энг ёмон нарсанинг ҳам икки яхши орқа, астари бўлади;

– энг ёмон нарсанинг ҳам ўйин учун яхши оёқлари бор: эҳ, ўрганинг сиз ҳам, эй, олий одамлар, ўз ҳақиқий оёғингизда туришни!

Кўйинг фам-қайғуларни ва издиҳомнинг но-ла-ҳасратларини! О, қанчалар маҳзун кўринар менга халойиқнинг масхарабозлари. Лекин ушбу «Бугун» издиҳомга даҳдор.

20



Тоғ ўнгирларидан отилиб чиққан шамолларга эргашингиз: у ўз сивизфаси куйларига рақс тушгиси келади, уммонлар титрар ва унинг товонлари остида баланд сакрашар.

Ул қайсар оқил руҳга мақтовлар бўлсин, эшакларга қанотлар баҳш этар, мода арслонларнинг сутини соғар, ҳар қандай «Бугун» ва ҳар қандай оломонга худди довул каби ёпирилар:

– У барча қушқўнмас каби сертикан ва довдир-совдир каллаларнинг, барча сўлган-тўзган япроқлар ва ёввойи ўт-ўланларнинг душмани; ваҳший, оқил ва эркли бўронлар руҳига мақтовлар бўлсин, ул ботқоқлар ва фам-қайғулар узра худди яйлоқ-ўтлоқларда юргандай рақс тушар!

Ул оломоннинг дирвайган итлари ва ҳар қандай омадсиз, тунд, бадқавоқ қаланги-қасанғилардан нафратланар; барча эркин ақлларнинг шул руҳига, хандон отиб кулган шул бўронга мақтовлар бўлсин: ул фақат қорани кўрувчи ва ўзи мараз яралар билан қопланган кимсаларнинг кўзларини қум, фубор билан тўлдирав!

О, олий одамлар, сизнинг энг ёмон томонингиз шундаки, ҳаммангиз рақс тушмоқни ўрганмадингиз, ўз-ўзингиздан ошиб-тошиб рақс қилмоқни билмадингиз! Нима қилибди ахир сиз ўхшамаган бўлсангиз!

Ҳали ҳаммаси олдинда! Ўз-ўзингиздан ошиб-тотшиб хандон отмоқни ўрганиб олурсиз! Юракларни юксалтиринг, эй, сиз, раққослар, юксакроқ, янада юксакроқ! Ва яна ҳеч қачон хандон ташлаб кулмоқни ёддан чиқарманг!

Бул кулаётган одамнинг гулчамбари, бул атиргуллар гулчамбари – сизга, менинг оғайниларим, бул гулчамбарни ирқитай! Кулгини мен муқаддас билдим; о, олий одамлар, мендан ўрганинг – хандон кулмакни!

## СОФИНЧ ҚҰШИФИ

1  


Зардўшт бу сўзларни айттаётган чоғда ўз мағорасининг кираверишига яқин жойда турган эди; у охирги сўзларини тутатиб, меҳмонларнинг кўзиши шамфалат қилиб, бир зумга тоза ҳавога чиқди.

«О, тоза бўй, – хитоб қилди у, – о, мени қуршаган фароғатли сукунат! Лекин маҳлуқларим қайдада? Бу ёқقا, бу ёқقا келинглар, эй, бургутим ва илоним!

Менга айтинглар-чи, жониворларим, жамоат жам бўлган бу олий одамлар ҳаммаси – балким улардан яхши бўй тараалмас? О, жонимга роҳат тоза бўй! Энди билиб, ҳис қилиб турибманки, эй, жониворларим, сизни қанчалар яхши қўраман».

Шунда Зардўшт яна бир карра деди: «Мен сизни севаман, жониворларим!» Бургут билан илон унинг бу сўзларини эшитиб, яқинроқ келишди ва бошларини кўтариб, қараб туришди. Улар учовлон бўлиб шундай туришар ва тоза ҳаводан

баҳраманд бўлишарди. Зеро, бу ерда ташқарида ҳаво олий одамлар турган ичкаридан кўра сарин ва мусаффо эди.

2

Аммо Зардўшт ташқарига чиқиб кетган заҳоти қари сеҳргар ўрнидан турди-да, кўзлари муғом-бирона жайноқлаб, деди: «У чиқиб кетди!

Мана энди, менга изн берингиз, о, олий одамлар, сизни у каби шу атовли ном билан атаб бир жигингизга тегайин, – нега десангиз, менинг ёвуз руҳим, алдоқчи ва афсунгар, соғинчимнинг демони каминангизга ўз ҳукмини ўтказяпти;

– менинг бу ёвуз руҳим юрак-юракдан анов Зардўшт деганингизга қарши – бунинг учун уни кечиринг! Энди у сизга ўз сеҳр-афсунларини кўрсатмоқчи – бунга унинг вақт-соати етган. Мен бу ёвуз руҳ билан кураша-кураша бутун ҳаракатларим зое кетди.

Сиз ҳаммангиз ўзингизни сўзда нима деб эъзозламанг, ўзингизни мабодо «эркин фикрли» деб атайсизми ёки «ҳақтўй», ё «тавба қилувчи руҳ» ёки «кишанлардан қутулган» ва ё «орзуманд ва чанқоқ» дейсизми, сизлар учун;

– мен каби улуғ нафрратнинг азобини чекаётган, кўҳна Худони ўлди деб ҳисоблаётган, янги Худо эса ҳали йўргакка ҳам кирмаган сизлар учун, ҳаммангиз учун – менинг бу руҳим ва афсунгар, жодугар, демоним фоятда қадрлидир.

Мен сизни биламан, о, олий одамлар, уни ҳам биламан, – мен манов демонни ҳам биламан, ўз ихтиёrimга қарши уни севаман, яна севаман

анов Зардўштни – менга у кўпинча авлиёнинг гўзал ниқоби бўлиб кўринади;

– бинобарин, у бениҳоя ажойиб маскарадга ўхшаб кетадики, бундан менинг ёвуз руҳим, менинг соғинч демоним беҳад роҳатланади. Мен Зардўштни менинг ёвуз руҳим учун севаман, менга кўпинча шундай бўлиб туюлади.

Лекин бу ёвуз руҳ, ушбу қоронғу хуфтон соғинчларининг менинг устимдан ҳукмрон бўлиб оляпти, мени эзяпти; чиндан ҳам, о, олий одамлар, у хоҳлайдики;

– кўзингизни катта очинг! – у яланғоч бўлиб келмоқчи, эркак бўлибми, аёл, мен ҳали буни билмайман; лекин у келяпти, у мени эзяпти, э воҳ! Ҳиссиётларингизни кенгроқ очингиз!

Кун қариди, ҳамма нарсалар ва ҳатто энг яхши нарсалар учун кеч оқшом киряпти; энди қаранг ва эшитинг, о, олий одамлар, бу ўзи қандай, эркакми ўзи, аёлми, бу кеч оқшом соғинчининг руҳи!»

Кекса сеҳргар шуларни айтди ва муғомбirona, олазарак қаради-да, кўлига чолфусини олди.

### 3

*Ҳаво тиниқ тортиб, ернинг юзига  
Сассиз, соясиз қадамлар ташлаб,  
Фамлардан фориг фарогат каби  
Мунис тасалли шудринг тушади.  
Эй, олов қалб, эслайсанми ҳеч  
Самолардан тушган кўз ёшдай тиниқ  
Шабнам томчиларин согинардинг, сен.  
Саргайган сўқмоқдан шошилган қуёш  
Ўтли нигоҳларин жонингда туйиб,*

Холдан тойиб, ҳоргин, қурбим йүкотиб  
Қорайган дарахтлар ичра турардим.  
Сен ҳақлик күёви? Эрмак қилишар.  
Йүк, сен шоирсан, шу ўзи холос.  
Сен ваҳший, алдамчи судралган махлук  
Ҳийлагар ниқобда, қурбонни пойлаб  
Ёлгонлар дүндириб ифши қилгувчи.  
Ўзинг ўзингга ниқоб,  
Ўзинг ўзингга қурбон –  
Шуми ҳақ күёви?

Йүк, асло!

Қизиқчи, шоир фақат!  
Жимжима ниқобда айёр валдираб,  
Даврада айланиб, ўмбалоқ ошиб,  
Үрмалаб ўтасан сўз кўпригидан  
Само рўёларин камалагидан,  
Фақат қизиқчисан, шоирсан, холос!

Шуми-ҳақ күёви? Йүк, асло!  
Сен жим турмассан совуқ, барқарор  
Илоҳ сиймосидай осуда, пурвиқор,  
Гўё юбодатгоҳ олдида ҳайкал  
Аллоҳ дарвозасин нозири мисол...  
Қайдা тинчилик бўлса, сен унга душман  
Эҳромларда турмайсан, чангалзор уйинг  
Қайсар мушук каби гаразга тўлиб,  
Ойнадан ўзингни отишга тайёр.  
Ўтиб бўлмас ўрмонларни саломлаб  
Тўқайлардан суриб бординг ҳаккалаб.  
Ажаб ваҳший, жундор ҳайвонлар ичра  
Гуноҳ гўзалликнинг согломлик тўла  
Шаҳват лаззатидан бурнинг керилиб,  
Кулгили фарогат, қонларга ташна  
Ваҳший кун кўрардинг, пусиб яшардинг.  
Гоҳо бургут мисол юксаклардан сен

Үқдай назар ташлаб теранликларга  
Тубсиз мулкларингга қарайсан узок  
Ҳадсиз қаърлар қуийилаб борар  
Илондай буралиб қуийилиб борар  
Ва бирдан  
Ундан сўнг  
Тик учиб,  
Қиличдай кўчиб,  
Кўзиларни урдинг сен,  
Қуюндай отилиб, ваҳший завқ ила  
Бурдалаб ташладинг  
Кўзичоқларни.  
Барча қўймижозлар учраб қахрингга  
Қўй мучал, қўйқарашиб, жингалак тери,  
Маъносиз қараган қўзичоқ бари –  
Сенинг шиоддатингдан топмади омон.  
Шундай  
Қоплон келбатли, бургут сиёқли  
Шоир сезимлари тўлгиндири жуда.  
Улар сенинг минг бир қиёфанд  
Сенинг, эй шоир, қизиқчи!

Сен эмасми инсон сохтида  
Худо ва қўйни кўрган беписанд  
Инсон зумрасида илоҳни қийнаб  
Қўйни ҳам қийнадинг қўймайин унда  
Қийнадинг қувониб.

Сенинг фарогатинг худди шундадир  
Қоплон, бургут шундай қиласди роҳат.  
Майнавоз ва шоир фарогати шу.

Ҳаво тиниқ тортиб, ой  
Булутлар аро ўргони ўрганда  
Алвон йўллар солиб, бирдан мўралаб,

Худди дүшман каби ўгринча қараб,  
Күндүз нурин ганим каби күрганды.  
Борган сари яқин-яқынлаб келар  
Гизли тарзда майды-майдалаб.  
Гуллардан гиламлар түйкүб, гулчамбар  
Каби гуллар кейин дарров сұлади  
Ва бошларин отар тун зулумотига.

Бир пайт мен шундай юксакдан ииқилдим  
Түшіда ҳақ ичра юрган жойымдан.  
Күн ва нур сезимларига тұлыб мен,  
Оқшом күләнкаси ичра құладим.  
Бир ҳақиқат истагида күл бўлдим.  
Ёлгиз ҳақиқат деб ташнаком турдим.  
Ёдингдами ахир, оловли қалбим,  
Ташналиқдан қаттиқ ўртанданғанимиз  
Ўртандик, зеро, сен қувгинда мангу  
Ҳар қандай ҳақдан узоқ  
Қизиқчи, шоир бироқ.

### ИРФОН ЗИКРИ

Сеҳргар шундай куйлайды ва барча йиғилған-лар худди құшлар каби ўzlари билмаган ҳолда унинг доғули, ҳасратомуз лаззатпарастлигининг түрига илиниб қолдилар. У фақат руҳан виждон-лини ўз домига илинтиrolмади: у сеҳргарнинг қўлидан чолғусини шитоб билан тортиб олди-да, қичқирди: «Ҳаво берингиз! Тоза ҳаво берингиз! Зардўштни чақириңгиз! Сен бу мағоранинг ҳа-восини бўғиб, заҳарга айлантиряпсан, эй, қари, баттол афсунчи!

Сен инжадоғули, бизни номаълум эҳтирослар ва номаълум чўл-биёбонларга чорлаяпсан. Агар

сенга ўхшаганлар ҳақиқат ҳақида бонг уриб, унга аҳамият бера бошласалар, вой, шўримиз қурсин!

Бундай сеҳргарлардан эҳтиёт бўлиб турмайдиган эркин ақлларнинг ҳолигавой! Улар ўз эрклари билан хайр-маъзур қилишлари керак: сен қамоқларга қайтиш ва яна зиндонларга тушишни ўргатасан;

– сен қари, бадқовоқ демон, сенинг шикоят нолишларинг авроқ сивизғани эслатади, сен бокираликни мақтаб туриб – хуфия бузуқликка чақирадиганларга ўхшайсан!»

Руҳан виждонли шу сўзларни айтди; қари сеҳргар ўз фалабасидан лаззатланиб, атрофга ўтирилиб қарар, виждонлининг бу гапларига парво қилмасди. «Бас қил! – деди у камтарона оҳангда. – Яхши қўшиқ қалбларда яхши акс садо бериши керак. Яхши қўшиқларни эшитгандан сўнг, узоқ сукутга чўмган маъқул.

Барча манави олий одамлар шундай қилишади. Лекин сен менинг қўшиғимни унча яхши тушунмаганга ўхшайсан? Сенда сеҳргар руҳи кўринмайди».

«Сен мени ўзингдан ажратиб мақтамоқчи бўласан, – деб эътиroz билдириди виждонли. – Майлига! Лекин бошқалар-чи? Кўриб турибман-ку, ҳаммаларингизнинг кўзларингизда ҳирс ўйноқлаяпти.

О, эркин кўнгиллар, қайга кетди сизнинг эркингиз! Сиз менга ялангоч рақс тушаётган бузуқ хотинларга узоқ қараб турган кишиларни эслатасиз: кўнгилларингиз ҳам шундай ўйинга тушяпти! Сеҳргар авроқ ва афсунларнинг ёвуз руҳи деб атаган нарсадаги кўп хусусиятлар сизда ҳам бор, о, олий одамлар, – лекин биз, албатта турли-туман одамлармиз.

Чиндан ҳам, Зардўшт ўз горига қайтиб киргунча биз биргаликда анча сухбат қурдик ва ўйлашиб одик, энди биз бир-биrimиздан фарқ қилишишимизни биламиз.

Сиз ҳам, мен ҳам бу фарқни шу юқорида туриб ҳам қидиряпмиз. Мен зеро, кўпроқ барқарорлик излайман ва шунинг учун ҳам бу ерга, Зардўшт ҳузурига келдим. Зеро, у энг мустаҳкам қўрғон ва иродадир;

– айниқса, ҳозир ҳамма нарса лиқиллаб турганда, бутун ер ларзага тушаётганда. Лекин мен шу тобда сизларнинг кўзларингизга қараб туриб, улардаги ифодаларни ўқий туриб, комил ишонч билан айтаманки, сиз кўпроқ беқарорликни излаяпсиз;

– кўпроқ ҳаяжонлар, кўпроқ хавф-хатарлар, кўпроқ зилзилаларни қидиряпсиз, менга шундай туюладики, сиз менинг тусмолимни кечиринг-ку, о, олий одамлар;

– сиз энг мушкул, энг хатарли ҳаётни излаяпсиз, бу мени ҳаддан ортиқ қўрқитади, сиз ваҳший ҳайвонлар ҳаётини хоҳлайсиз, ўрмонлар, мафоралар, тоғ шаршаралари ва ўтиб бўлмас ўнгирларни истайсиз.

Сизни хавф-хатарлардан қутқарувчилар эмас, балки барча йўллардан четта адаштириб-улоқтириб кетувчи, йўлдан урувчи, айнитувчиларни сиз ҳаммадан кўпроқ ёқтирасиз. Лекин агар бу истак сизда ҳаққоний бўлса, бари бир у менга мумкин бўлмаган нарса каби кўринади.

Зеро, қўрқув – инсоннинг ирсий, асосий ҳиссиёти; қўрқув билан ҳамма нарсани тушунтириш мумкин, ҳатто ирсий гуноҳ ва ирсий эзгуликларни ҳам. Қўрқувдан менинг эзгулигим ҳам туғилган, унинг оти: илм-ирфон.

Зеро, ваҳший ҳайвонлардан қўрқиши – одамда ҳаммасидан кўра узоқроқ тарбияланади, бунга одам боласи ўз-ўзида ва ўз ичида яшириб, қўрқиб сақдайдиган ҳайвондан қўрқув ҳам киради. – Зардўшт буни «ички ҳайвон», деб атайди.

Мана шу узун, кўхна қўрқув кейинчалик бориб ниҳоят нозиклашиб, илҳомёр бўлиб, мана эндиликда келиб, фан деган ном олди».

Виждонли шу сўзларни айтди. Аммо эндиғина фор ичига қайтиб кирган ва унинг сўзларини қулоғининг бир чети билан эшитган, маъносини уққан Зардўшт виждонлига бир даста атиргул отди ва унинг «ҳақиқатлари» устидан қотиб-қотиб кулди. «Ростданми! – хитоб қилди у. – Нима-нималар деяпсан асти? Ҳақиқатан, ё сен тентаксан ва ё мен ўзим, – шунинг учун сенинг «ҳақиқат»ингни бир пасда оёғини осмондан келтириб қўяман.

Зеро, қўрқув – биз учун истисноли нарса. Аммо мардлик, саргузаштлар ишқи, номаълум нарсаларга қизиқиши, ҳеч кимнинг юраги бетламаган нарсалар ортидан қувиш – буларнинг бари мардлик ва инсоннинг шу бутунгача бўлган ўтмиш тарихи мардликдан иборат.

Инсон энг ваҳший, энг ботир ҳайвонларга ҳавас қилиб қаради ва ўзига уларнинг барча яхшиликларини тортиб олди: фақат шу йўл билан у инсонга айланди.

Бу мардлик ниҳоят руҳониятлилик касб этди, руҳоний бўлди, бу бургут қанотли, илондай до-нишманд инсон мардлигидир, назаримда, бу мардлик энди шундай аталади...»

«Зардўшт!» – деб аталади деб қичқиришди барча фор аҳли бир овоздан ва қаҳ-қаҳ уриб кулиб ўборишди; лекин улардан худди оғир булат кўта-

рилгандай бўлди. Сеҳргар ҳам кулди ва мугомбираона бир алфозда деди: «Майлига! У кетди, менинг ёвуз руҳим кетди!

Мен ахир сизни огоҳлантирмаган эдимми, уни ёлғончи, алдовчилик ва фириб руҳи демабмидим?

Айниқса, у яланғоч бўлиб кўринганда. Унинг найранглари учун наҳот мен айбдор бўлсам! Ахир мен яратдимми уни ва бу дунёни?

Бўпти! Яна яхши ва қувноқ бўламиз! Ие, уни қаранг, Зардўштнинг жаҳди чиқяпти – қаранглар-а, унга! Мендан жаҳди чиқяпти!

– Лекин ҳали то қоронғу тушгунча у мени яна яхши кўради ва мақтайди, у бу тентакликларни қилмай узоқ туролмайди.

У – душманларини севади; – мен кўрган одамлар ичида у бу ҳунарни ҳаммадан яхши эгаллаган. Лекин бунинг учун у ўч ҳам олади – ўз дўстларидан!»

Қари сеҳргар шу сўзларни айтди, олий одамлар унинг гапларига қўшилишди; шу асно Зардўшт жаҳд ва муҳаббат билан ўз дўстларининг қўлларини бирма-бир қисиб чиқди – худди ҳар кимга нималаргадир узр-маъзур қилиш ва нималарни дир текислаш зарурати туғилган одамдай. Аммо у мағорасининг яқинига келгач, яна тоза ҳавога, ўз жониворлари қошига чиққиси келди – лип этиб ўзини ташқарига олмоқчи бўлди.

## САХРО ҚИЗЛАРИ ЎРТАСИДА

1  


«Кетма! – деди шунда ўзини Зардўштнинг сояси деб атаган саргашта. – Биз билан қол, – бўлмаса бизни яна аввалгидек фам-соғинч эгаллаб олади.

Манави кекса сеҳргар ўзида бор барча ёмон нарсалар билан бизни хўп боплаб меҳмон қилди, қара, оқкўнгил тақводор падарнинг кўзларида ёш филтилламоқда ва чамаси у яна фам уммонига щўнфимоқчи.

Қироллар эса, менимча, бизнинг олдимиизда ўзларини яхши тутиб ўтиришибди: зеро, улар бугун ҳаммамииздан буни яхшилаб ўрганиб олишди! Лекин қасам ичаманки, агар шоҳидлар бўлмаса, уларнинг яна ўша ярамас ўйинлари бошланарди.

– Бу судралган булутлар, сернам қайфу, бурканган осмон, ўғирланган қуёшлар, увиллаган куз шамолларининг ярамас ўйини.

– Бизнинг йифлашларимиз ва ёрдам сўраб чақиришларимизнинг ярамас ўйини: биз билан қолгил, Зардўшт! Бу сўйлайман деб турган жуда кўп хуфия қашшоқлик, кўп хуфтон қоронгуси, кўп булутлар, кўп бузилган бўфувчи ҳаво!

Сен бизни эркакларнинг кучли овқати ва жон озиги ҳикматларинг билан тўйдиринг – овқатдан сўнг ширинлик чофи бизни хотинларнинг инжа руҳлари эгаллаб олишига энди асло йўл қўйма!

Сен ёлғиз ўзинг атрофингни қуршаган ҳавони ўткир ва тоза қилурсан. Сенинг мағорангдаги каби тоза ҳавони ҳеч қачон ер юзида бошқа топганманми?

Бироқ мен күп ўлкаларни кўрдим, бурним турли ҳаволарнинг фарқига етадиган ва ажратадиган бўлди – лекин фақат сенинг ҳузурингда димоғим улуғ сууррга ноил бўлди!

Бильякс, – билъакс, – о, кечир мени бу эски хотира учун! Кечир бу кўхна қўшиқни, уни мен бир маҳаллар саҳро қизлари ўртасида тўқиган эдим.

Уларнинг ҳам ҳавоси тоза яхши шарқ ҳавоси эди; булутларга бурканган, нам, зах, ғамгин Европадан узоқларга бош олиб кетган эдим ўшанда!

Ўшанда севиб қолганман мен бу шарқ қизларини ва бошқа осмони кўк мовий салтанатларни, бунда на тунд булутлар ва на хаёллар осилиб ётарди.

Сиз кўрмагунча ишонмайсиз, уларнинг ўйин тушмаган чоғларда қанчалар одоб билан маъсумона ўтиришларини, гарчи фикрчан эмаслар, лекин мисоли мўъжаз сир, мисоли зарлар билан ўралган топишмоқ, мисли тотли ёнгоқ жуда теран эди улар;

Ранго-ранг ва бегона эди улар ҳақиқатан! Лекин улар бадқовоқ эмас эди: улар осон ечиладиган жумбоқقا ўхшардилар. Ўшанда мана шу қизлар шанига мен ўз мадҳия қўшиғимни тўқиган эдим».

Ўзини Зардўштнинг сояси, деб атаган саргашта шу сўзларни айтди. Сўнг кимдир унга жавоб беришини ҳам кутиб ўтирмай, кекса сеҳгарнинг чолғусини тортиб олди-да, тиззалаб ўтирганча атрофга осуда ва доно назар югуртирди; кейин худди янги ўлкаларга қадам ранжида қилиб унинг ҳавосини синаб кўраётган одамдай, димоғи билан оҳиста, синовчан нафас олди. Кейин аллақандай увли ун солиб куйлай бошлади.

*Сахро кенгаяр ўзи ўзидан, аммо шүрлидиr, ким  
ўз сахросин шеър бу ўзида ташир.*

*Ўҳ! Тантанавор!  
Ва қойил бошланди!  
Африкага муносиб тантана!  
Ҳатто шерга муносиб  
Ё маймунга – ахлоқ восвоси;  
Лекин булар бари сизга ҳечдир  
Эй, менинг дилрабо дугоналарим,  
Сизнинг оёгингиzда ўтирмоқ  
Пальмалар тагида мен европалига  
Муяссар бўлди. Бахтли жонман. Салом.*

*Ҳайрон қолмай бўлмас: сахронинг ўзида  
Ўтирибман, бироқ шунга қарамай,  
Ҳамон ундан жуда узоқ ердаман  
Сахрога дўндим мен, дўндим ҳеч бўлдим.  
Равишанроқ айтайин: мени ютди қўйиди  
Кичкина бир водий,  
У бирдан эснади  
Ва гунчадай оғзини рўпара қилди  
Муаттар дудоқлар мени ўзига тортиб  
Ютиб юборди-да, йўқолдим қолдим.  
Отилиб чиқдиму, мана чаман ичра  
Ўртангизда ўтирибман, дугоналарим. Салом.  
Шарафлар, шарафлар, ўша куйимизга  
Унда қўноқ шундай маза қилган ўхшар.  
Ахир сизга равишан-ку, менинг мажозим,  
Олимона шиорам?  
Китнинг қорни мангуга омон бўлсин-еЙ,  
Шунчалар жонбахши бўлгандиру бир пайт*

Воҳача-қоринча, худ менинг кулбамдай,  
Мен бунга сира ҳам ишонмадим албат.  
Ахир мен келдим бунда нақ Европадан,  
Еврона шубҳачи хотинлар каби жуда  
Уни Раббимиз ўзи тузатсин ишқилиб!  
Омин.

Шириндан ширин бўб, мисли хурмо лазиз  
Олтиндай истаклар зориқтириб мени  
Багрингизга келдим, оҳ воҳача-мўъжиза  
Хурмодай зориқдим қизнинг бўйига,  
Унинг тишларига садафдай оппоқ,  
Сарин баданлари, жонбахш лаъллари,  
Уларни согинар юраклар ўртаниб,  
Хурмолар ўртанаар, ишқида куйиб. Салом.

Жанубнинг мевасига шу тобда  
Жуда ҳам ўхшаб кетдим шекилли,  
Ётибман бунда мен, теграмда-чи,  
Бойкўнгизлар учарлар тинмасдан.  
Шўх ўйинга тушиб, атрофимда  
Пир-пир учар мўъжизаларингиз  
Қуршаб мени аёвсиз, заҳарли  
Нозларингиз бирла майлларингиз...

Мени ўраб олдингиз батамом,  
Ненидир истайсизу индамайсиз,  
Мушукми бу қизлар  
Зулайхо бирла Дуду?  
Сфинксга менгзадингиз мени  
(Ҳисларни бир сўзга сидирай деб  
Тилга гуноҳ қилдим, кечир, Худойим)  
Ўтирибман мунда, ҳаво тоза  
Жаннатнинг ҳавоси бўлар шундай  
Шаффоғ, енгил, олтин ҳаллар ўйнар,  
Қачон ойдан ерга мисли шундай

Яхши ҳаво тушган, ҳеч ким билмас.  
На тасодиғ бор бунда, на инжиқлик  
Күхна шоирлар хабар бергандар,  
Лекин бунга шубҳам бор андак,  
Европадан келдим қошингизга,  
Европа шубҳачи ҳар хотиндей  
Раббимиз ўзи уни тузатсин!  
Омин.

Тоза ҳаводан күксим түлдириб,  
Түйиб-түйиб енгил нафас олиб,  
Келажаксиз ва хотираларсиз  
Үтирдим сиз-ла, дилраболарим.  
Пальмага қараб-қараб түймайман  
Раққос мисоли тинмас у сира  
Эшилиб-буралиб, эрка чайқалар...  
Беихтиёр ўйинга кирасан  
Раққоса мисоли, узоқ-узоқ  
Бир оёқда турасан лиқирлаб,  
Бутунлай унүтиб –  
Иккинчи оёқ борлигин фақат.  
Ҳар қалай күп бекор уриндим –  
Яширин зебосин бир кўрай деб...  
Типирлаган ул эгизакларни.  
Хиромон учган этаклар аро  
Иккинчи оёқ латофати шоён  
Ишонинг, зебо дилраболарим,  
Ўша оёқ латофати  
Нечундир бир зумда йўқолди.  
Йўқ бўлди! Йўқолган ул оёқ  
Мангу йўқолди, ачиндим жуда!  
Қайга кетди! Қайда қайгурар?  
Йўқолиб, қайда оҳ ураг?  
Балки арслон ёлли маҳлук унинг  
Юрагига қўрқинч солгандир?  
Ҳам суги гажилиб, батамом  
Емиси бўлиб кетгандир! Салом.

*О, мунис юраклар!  
Йигламанг, йигламанг, сиз асло!  
Сүтдай оппоқ күксингизда  
Хурмодай қалб типирлар  
Багоят лаззатли!  
Зулайхо, мард бўйл, етар, бас!  
Қўзгал, қўзгал, сафоли Дуду,  
Йиглама энди!  
– Балки, эҳтимол,  
Бунда бошқа бир чора керакдир,  
Юракларга мадор бўлгулик?  
Керакдир балки ҳикмат ва мақол?  
Ё тантанавор, ўтли чақирик?*

*Сени, сени, чорлай  
Инсон шани, сахнага  
Европа шани!  
Сен эзгулик тўла меш  
Вишилла, ҳуштак чал, нафас ур,  
Эҳ!  
Яна бир бўкир,  
Бўкиртир ахлоқингни,  
Сахро қизларига  
Арслондай ирилла,  
Бўйл ахлоқ арслони!  
Ахир, сиз, азизларим,  
Европанинг эзгулиги увиллар,  
Ўчирап ҳар қандай ҳарорат,  
Юрак ёлқинларин.  
Бўридай очилди иштаҳаси  
Европаликнинг.  
Мана, мен, европалик  
Турибман қошингизда.  
Ё раббим, не қилай ахир  
Қўлимдан ўзга иш келмас.*

*Илоҳо, шундай бўлгай,  
Омин.*

Саҳро ўз-ўзидан кенгайиб борар,  
Шўри қурсин, ўз саҳросин юрагида  
олиб юрганинг!

## УЙГОНИШ

1

Саргашта ва соянинг қўшиғидан сўнг мағора бирдан шовқин-сурон ва кулги товушларига тўлди; бу ерда тўпланган жамоат бари баравар гапирав, ҳатто эшак ҳам ўзини эркин тутиб, уларга жўр бўлар, буни кўриб, Зардўшт ўз қўноқларидан аллақандай ижирғаниб, кинояли, табассум қилиб қўйди – меҳмонларнинг хурсандчиликлари унга ажабтовур эрмакка ўхшаб кўринарди. Унинг назарида бу соғайишнинг бир белгиси эди. У киши билмас фордан ташқарига тоза ҳавога чиқди-да, ўз жониворлари билан сўзлаша бошлади.

«Энди уларнинг бахтсизликлари қайга фойиб бўлди? – деб сўради у ва андак энсаси қотганидан енгил хўрсиниб қўйди. – Менга меҳмон бўлишиб, улар назаримда, ёрдам сўраб қичқиришни унтишди!

– Лекин афсуски умуман қичқиришни сира тўхтатишмади». Шунда Зардўшт ўз қулоқларини беркитди, зотан, бу пайт эшакнинг баланд ҳанграши олий одамлар хурсандчилигининг шовқин-суронларига ажиб бир тарзда омухта бўлиб кетди.

«Улар жуда хурсанд, – давом этди у, – яна ким билсин? Балки бу мезбоннинг ҳисобидандир; улар мендан кулишни ўрганиб олган бўлсалар-да, менинг кулгимни ўрганишгани йўқ.

Ҳай, майлига! Улар кекса одамлар, улар ўзига хос согайишади, ўзига хос кулишади; менинг қулоқларим бундан ҳам баттарроқларини эшитган ва тешилиб қолган эмас.

Бу кун – ғалаба: оғирлик руҳи кетяпти, қочиб боряпти, у менинг эски қаттол душманим! Бу кун жуда ишқал ва оғир бошланган эди, жуда хайрли бўлиб охирлаяпти.

У тугашни истайди! Кеч киряпти: у яхши чавандоз денгиз узра от соляпти. У қирмиз эгарларида қанчалар солланяпти, у қутлуғ қадам уйга қайтаяпти!

Осмон тиниқ, мусаффо, дунёга теран осудалик чўқяпти; о, сиз ҳаммангиз, аломат одамлар, менинг қўноқларим, ростдан меникида яшаб қолинглар!»

Зардўшт шундай зикр қилди. Яна фордан олий одамларнинг бақириқ-чақириқ, кулги қаҳқаҳала-ри эшитилди. Шунда Зардўшт давом этди:

«Улар қармоққа илинишди, хўрагим яхши иш берди, уларнинг душмани – оғирлик руҳи чекиниб боряпти. Энди улар ўз устларидан кулишни ҳам ўрганишяпти – қулоғимга тўғри чалингтиимикин?

Менинг эранларга хос озуғим иш беряпти, менинг ҳикматларим мазали ва кучли – ҳақиқатан, мен уларни юракни дам қиласиган сабзавотлар билан боққаним йўқ! Аммо жангчилар озиги, забткорлар озиги билан мен уларда янги истак-майларни уйфотдим.

Уларнинг оёқ-қўлларида янги умидлар кучланди, юракларига қувват кирди. Улар янги сўзлар топмоқдалар, тезда руҳлари янги жасоратга отланур.

Бундай озүқ, албатта, болалар ва хумор кўзли аёлларга тўғри келмайди. Уларни ичдан ишонтириш учун бошқа воситалар керак; мен уларнинг табиби ва муаллими эмасман.

Нафрат бу олий одамлардан чекиняпти: майлига! Бу – менинг ғалабам. Менинг салтанатимда улар ўзларини эмин ҳис қиласидилар, ҳар қандай аҳмоқона уялиш улардан қочяпти, улар очиляптилар.

Улар ўз юракларини очишяпти, ўроз вақтлари уларга қайтяпти, улар байрам қилишяпти ва ҳазм этишяпти, – улар миннатдор бўлишни ўрганишяпти.

Мен буни энг яхши аломат деб биламан: улар миннатдор бўляптилар. Кўп ўтмай улар ўзларига байрамлар ўйлаб топишади ва ўзларининг эски шодликларига ҳайкаллар ўрнатишади.

Улар – соғаювчилардир!» Зардўшт юраги қувончга тўлиб шундай сўйлар ва олисларга боқарди; маҳлуқлари эса унга яқинроқ тиқилишиб келишар, унинг баҳтини, унинг индамай сукут сақлаб туришини эъзозлашарди.

## 2

Лекин бирдан Зардўштнинг қулоғига қўрқув ботди: зеро, шу тобгача ўйин-кулгига тўлган мағорада бирдан ўлик сукунат чўқди, худди кедр ёнгоқлари ёнаётгандай унинг димоғига хушбўй мум иси урилди.

«Бу ерда нима бўляпти ўзи? Улар нима қилишяпти? – деб сўради у ўзидан ва шарпа чиқармасдан фор оғзига яқинлашиб, билинтирмай қў-

ноқларига қарамоқчи бўлди. О, ажойиботлар ажо-йиботи! У ўз кўзлари билан нималарни кўрди денг!

«Ҳаммалари яна художўй бўлиб қолишибди, ибодат қилишяпти,вой тентакларей!» – дерди у фоятда таъсирланиб. Ростдан ҳам! Шу олий одамларнинг барчалари икки қирол, истеъфодаги папа, баттол сеҳргар, ихтиёрий фақир, саргашта ва соя, қари башоратгўй, руҳан виждонли ва энг бадбашара одам – ҳаммалари худди болалар ёки қари хотинларга ўхшаб тиз чўкиб туришар ва эшакка сигинишарди. Мана ниҳоят энг бадбашара одам ҳарсиллаб, гўлдираб, худди ичидан аллақандай ифода қилиб бўлмайдиган бир нима чиқадигандай бўла бошлади; ниҳоят у ичидаги сўзларни талаффуз қила бошлагач, кутилмаганда улар ўзлари иқтидо қилаётган, қутли мум тутатаётган эшакка билдирилаётган эъзоз-икром, салламно ва гаройиб ҳамду сано бўлиб чиқди. Бу мадҳия қўйидагича жарангларди.

Омин! Ҳамду санолар, шон-шуҳрат, донишман-длик, шукronаю шарафлар, қудрат ва салтанат абадулабад бизнинг Худойимизга хосдир!

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг!

Ул бизнинг оғиришимизни ўз устига олди, ул ўз қули қиёфасига кирди, унинг қалби салим ва ҳеч вақт йўқ демас, ким ўз Худосини севса, уни фош айлар.

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг!

Ул сўйламас; фақат ўзи яратган дунёга ул мангу айтур ҳадеб: ўз оламини ул шундай шарафлар. Макри уни сўйлашга қўймас; шунинг учун камдан кам ҳолларда ноҳақ чиқар.

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг!

Оlamdan кўринмай ўтиб боради. Ул эзгулигини ўзининг бўз рангига яширур. Агар унда руҳ

бўлса, уни яширап; лекин ҳар ким унинг қулоғи узунлигига ишонади.

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг!

Унинг қулоқдари узун бўлса, ҳар доим ҳа деса ва ҳеч қачон йўқ демаса, бунда қандай донолик яширинган экан? Ахир у оламни ўзига ўхшатиб яратмадими? Иложи борича уни аҳмоқона қилиб қўймадими?

Эшак эса бақиради: ҳанг-ҳанг!

Сен тўғри ва эгри йўллардан борасан, бизга эгри ва тўғри бўлиб қўринадиган нарсалардан ташвишинг йўқ. Сенинг салтанатинг эзгулик ва ёмонликнинг нариги томонида. Сенинг маъсумлигинг – маъсумлик нималигини билмаслигингда.

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг.

Сен ҳеч кимнинг қўкрагидан итармайсан: на шоҳнинг, на гадонинг. Болаларнинг бошини силяйсан ва агар ёмон болалар сени йўлдан урсалар, сен фақат: ҳанг-ҳанг, деб қўясан.

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг.

Сен мочахарларни ва янги пишган анжирларни севасан, овқат танлаб ўтирмайсан. Оч қолганда, қушқўнмасга ҳам розисан. Худонинг донишмандлиги шу.

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг.

## ЭШАК БАЙРАМИ

1  


Ибодатнинг шу ерига келганда, Зардўшт ўзини ушлаб туролмади-да, эшакдан ҳам ўтказиб ҳанграб, ўзини телбасаро қўноқлари ичига урди. «Сиз, сиз инсон болалари бу ерда нима балолар

қиляпсиз? – деб қичқирди у ибодат қилиб ерда думалаб ётганларни ўринларидан турғизаркан, – Вой-ей, сизни Зардўшт эмас, бошқа одам бу аҳволда кўрса, нима бўларди?

Ҳар ким сизнинг бу аҳволда сифинишиңгизни кўриб шаккок ва коғирга чиқарар, бу эсини йўқотган қартайган кампирлар қай гўрдан келиб қолди, дерди.

Сен-чи, сен, эй, қари падар, сен ўзингга қандай раво кўрасан эшакка Худо деб ибодат қилишни?»

«О, Зардўшт, – жавоб берди падар, – мени ке-чир, лекин Худо масалаларида мен сендан кўра билимдонроқман! Жуда соз!

Шу тимсолда Худога сифиниш, умуман ҳеч қандай тимсолсиз сифинишдан афзалроқ. Бу ҳикматнинг мағзини чақиб кўр, олий шон дўстим – сен тезда унда донолик яшириниб ётганлигига ишонч ҳосил қиласан.

«Худо руҳдир», деб айтган кимса шу пайтгача ер юзида динсизликка катта-катта қадамлар ташлаб келди, ер юзида бундай хатоларни тузатиш осон эмас!

Ер юзида ҳали сифиниш мумкин бўлган нарсалар борлигидан менинг кекса юрагим тўлқинланади ва ҳаяжонга тушади. О, Зардўшт, қари падарнинг тақводор юрагини ўзинг маъзур тут!»

– «Сен ҳам, – деди Зардўшт саргашта ва сояга қараб, – сен ўзингни эркин руҳ деб атайсанми ва тасаввур қиласанми? Ва бу ерда санамларга топиниш, алдам-қалдамларга йўл қўясанми?»

Сен, янгича диндор ва муғомбир, ўзингнинг ишқал, қорамагиз қизларингга қараганда ҳам, бу ерда бемазароқ иш билан шуғулланяпсан, ҳақиқатан ҳам!»

«Ростдан ҳам бемазароқ иш, – деб жавоб беришиди саргашта ва соя, – сен ҳақсан: лекин нима қилиш керак? Сен нима дема, о, Зардўшт, эски Худо ҳали тирик.

Ҳаммасига энг бадбашара одам айбдор: у уни яна тирилтириди. Гарчи у: бир маҳаллар уни ўлдирганман деса ҳам, худолар ҳузурида ўлим ҳамиша фақат хурофотдир».

– «Сен-чи, – деди Зардўшт, – сен, баттол қари сеҳргар, сен нима қилиб қўйдинг! Агар сен шунга ўхшаган эшакларга эътиқод қўйсанг, ким унда бу ҳуррият асрида сенга бундан кейин ишонади?

Сенинг бу қилган ишинг аҳмоқлик; сен, шундай мугомбир бўла туриб, қандай бу аҳмоқликка йўл қўйдинг?»

«О, Зардўшт, – жавоб берди айёр сеҳргар, – сен ҳақсан, бу аҳмоқлик – у менга анча-мунча қимматга тушди».

– «Ҳаттоки, сен ҳам, – деди Зардўшт руҳан виждонлига, – ўйлаб кўр ва бармогингни бурнингга қўй! Ахир бунда сенинг виждонингга қарши нарса йўқми? Бу топиниш ва авлиёнамоларга бундай сифиниш учун сенинг руҳинг бениҳоя тоза эмасми?»

«Нимадир бор, – деб жавоб берди руҳан виждонли ва бармогини бурни устига қўйди, – бу томошада нимадир бор ва у менинг виждонимга ёқади.

Балки менинг Худога ишонишга ҳақим йўқдир; лекин ҳеч шубҳасизки, бу тимсолдаги Худо менинг назаримда эътиқод қўйиш учун янада лойиқроқ.

Энг тақводор одамларнинг айтишларича, Худо абадийдир: кимнинг вақти кўп бўлса, у ҳеч қаёққа шошмайди. Иложи борича шунчалар узоқ ва шунчалар аҳмоқона; бироқ бу билан жуда узокқа бориш мумкин.

Кимнинг руҳи ҳаддан ортиқ кўп бўлса, унинг ўзи аҳмоқдик ва тентакликка гирифтор бўлиши мумкин. Сен ўзинг ҳақида ўйла, о, Зардўшт!

Сен ўзинг – ҳақиқатан! – Ҳатто сен ўзинг донолигинг бошингдан ошиб-тошиб кетиб, эшакка айланиб қолишинг мумкин.

Энг комил донишманд энг эгри йўллардан бажонидил ўтиб бормайдими? Аён кўриниб турибдики, о, Зардўшт, – аёнлик сенда!»

«Ниҳоят сен ўзинг, – деди Зардўшт энг бадбашара одамта қаратса, у ерда думалаб ётганча ҳадеб қўлини эшакка узатарди (унга шароб ичирарди). – Сен ўзинг нима қилиб қўйдинг, айт, эй оти йўқ!

Бутун афти башаранг ўзгариб кетибди, кўзинг ённати, бадрафторлигинг устига эҳтироснинг камзули тортилган, – сен ўзинг нима қилдинг?

Сен уни тирилтирган эмишсан, шу тўғрими? Нима кераги бор эди? Ахир у тўла асос билан ўлдирилган эди-ку?

Сен ўзинг менинг кўзимга қайта тирилиб келганга ўхшайсан? – нима қилдинг? Нимани инкор этдинг? Ўзингни нимага ишонтиридинг? Гапир, эй, оти йўқ!»

«О, Зардўшт, – жавоб берди энг бадбашара одам, – сен – маккор!

У тирикми ҳали, ё қайта тирилдими ёки буткул ўлдими, – иккимиздан қай биримизга бу яхши аёнроқ? Мен сендан сўрайман.

Фақат бир нарсани биламан, бир сафар буни сенинг ўзингдан ўрганган эдим, о, Зардўшт: ким узил-кесил ўлдирмоқчи бўлса, у кулади.

«Ғазаб билан эмас, кулги билан ўлдирадилар» – бир гал шундай деган эдинг. О, Зардўшт, сен, яширин, яширинган, сен, ғазаб қилмай яксон қилувчи, сен хатарли авлиё, сен – маккор!»

Лекин шундай рўй бердики, Зардўшт ушбу доғули жавоблардан лол бўлиб, бирдан ўзини горнинг эшиги томонга отди ва барча қўноқларига қараб, баланд овоз билан қичқирди:

– Эй, сиз олғир майнавозлар! Нега менинг оддимда ўзингизни бошқача қилиб кўрсатасиз, қобиғингизга беркинасиз!

Сиз ниҳоят болалардай тоза ва порсо бўлиб қолдингиз, бундан роса суюндингиз, қалбингиз ўқтам ҳаяжонларга тўлди;

– ниҳоят, яна худди болалардай иш қилдингиз, қўлингизни қовуштириб топиндингиз ва «Раҳмидл Раҳмон!» деб айтдингиз.

Лекин энди менинг бу болалар турадиган маконим, менинг форимни ўзимга қолдиринг, бугун бунда қанча болаларча ишлар рўй берди. Очиқ ҳавога чиқиб қўзларингизда чақнаган ўтни бир оз совутинг, ҳаяжон билан тепкан юракларингизни босинг!

Албатта: сиз агар худди болалар каби бўлмасангиз, унда сиз ушбу Осмон шоҳлигига кирмагайсиз. (Ва Зардўшт шундай деб қўли билан осмонни кўрсатди).

«Аммо биз Осмон шоҳлигига ҳечам кирмоқчи эмасмиз: биз эр бўлиб етилдик – шунинг учун биз ернинг шоҳлигини истаймиз».

Зардўшт яна гап бошлиди:

«О, менинг янги дўстларим, – деди у, – сиз, аломат, сиз, олий одамларсиз, сиз менга энди жуда ёқасиз;

– Сиз жуда қувноқ бўлиб қолдингиз! Ҳаммангиз гул-гул очилдингиз, назаримда бундай гулларга энди янги байрамлар керак;

– балки у ҳеч кутилмаган арзимас бир нарса бўлар, балки қандайдир диний маросим ёки эшак байрами<sup>23</sup> бўлар, балки у қандайдир қари кўхна тентак Зардўшт бўлар, – у худди қуюн каби қалбларингизни сарин ҳаво билан уфуриб тозалар.

Мана шу кечани ва унда бўлиб ўтган эшак байрамини сира унумтмангиз, эй, сиз, олий одамлар! Сиз буни мен орқали кашф қилдингиз, буни мен хайрли башорат деб биламан, – соғаювчилар шунга ўхшаш алланималарни ихтиро қиласидилар!

Агар сиз яна эшак байрамини ўтказсангиз, буни ўзингизга ҳурматан қилингиз, шу билан бирга менга ҳурматан ҳам адо этингиз: мени эслаб турингиз!»

Зардўшт шундай зикр қилди.

## МАСТОНА ҚЎШИҚ

1  


Бу орада улар бирин-сирин тоза ҳавога, сарин, ўйчан тун бағрига чиқдилар; Зардўшт эса энг бадбашара одамни етаклаб олган, унга ўзининг тунги дунёсини, ойнинг тўлган баркашини, мағо-

<sup>23</sup> Эшак байрами – Европа кулги маданияти анъанала-ридан. Трагедияларда сатирлар ўйинларига ўхшаш. У жуда қадим илдизларга эга. У маълум бир даврларда насроний диний байрамларига ҳам кириб келган. Каббалада эшак донишмандлик тимсоли каби талқин этилади. Сабр-тоқат, одмилик, қайсарлик, соғломлик, чидамлилик рамзи деб тушунилган. Қадим юнонлар ярим от – ярим эшак (хачир) ҳайвонни сатир деб қараганлар. Кейинроқ сатир эчки (така) монанд суратда чизилган ва тасаввур қилинган. Нитшенинг «Эшак байрами» ўша қадим эзотерик тарихий мадданий анъаналарга уйқашиб боради. Файласуф кулгили, шўх талқинга алоҳида эътибор беради.

ра олдидаги күмүш шаршараларини күрсатмоқчи бўларди. Мана ниҳоят улар ҳаммалари жам бўлиб, жимгина туришарди; булар кекса одамлар эди, лекин юраклари таскин топган, бир қарорда қойим бўлган, ер юзида ўзларини шунчалар яхши ҳис қилганликларидан ажабланардилар; кечанинг сири эса қалбларига тобора чуқурроқ кириб бораарди. Зардўшт яна ўз-ўзича ўйларди: «О, қанчалар менга ёқади бу олий одамлар!» – лекин у бу сўзларни тилига чиқармади, зотан, уларнинг баҳти-ўрозини ва сукут сақлаб туришларини бағоят қадрларди.

Шунда узоқ давом этган бу ажиб кунда яна бир бағоят ажиб бир ҳодиса рўй берди: Энг бадбашара одам иккинчи ва охирги марта хирқираб, фўлдирай бошлади, ниҳоят сўзга етиб келиб, унинг оғзидан аниқ, равshan, теран, яхши бир савол отилиб чиқди, бу саволни эшитганларнинг ҳаммасининг ҳам кўкси бир кўтарилиб тушди.

«Сиз ҳаммангиз, дўстларимиз, шу тобда юрагингиз нима деяпти? – деб сўради энг бадбашара одам. – Шу куннинг миннатдорчилиги учун айтай: мен биринчи маротаба бир умр яшаётганимдан рози бўлдим.

Буни тан олиб айтсам-да, лекин мен учун ҳали бу етарли эмас. Ер юзида яшасанг арзийди: Зардўшт билан ўтказилган бир кун, битта байрам мени ерни севишга ўргатди.

«Мана шунинг ўзи – ҳаётми? – дейман мен ўлимга. – Майлига! Яна бир марта!»

Дўстларим, юрагингиз сизга нима деяпти? Сиз ҳам менга ўхшаб ўлимнинг юзига айтмайсизми: мана шунинг ўзи – ҳаётми? Майлига – Зардўшт учун – яна бир марта!»

Энг бадбашара одам шуларни айтарди; лекин тун яримлаб қолганди. Сиз нима дейсиз, шунда нима рўй берди? Олий одамлар унинг бу саволини эшитишлари биланоқ улар ўзларининг ўзгарганиклари ва соғайғанликларини ва бунинг учун кимдан қарздорликларни бирдан англаб етишди – шунда улар миннатдорлик, ҳурмат-эътибор, муҳаббатга тўлган ҳолда ўзларини Зардўшт томон отишди, унинг қўмларини ўпишди, ҳар ким ўз аҳвол руҳиясига қараб, ким кулар, ким эса йиғларди. Кекса башоратгўй эса азбаройи роҳатланиб ўйин тушарди; ва агар кўп ёзувчилар айтмоқчи, у лазиз майдан мастона эса, ҳеч шубҳасиз, ҳаёт лаззатидан ундан ҳам ортиқроқ масти аласт эди; у ҳар қандай ҳорғинликни улоқтириб ташлади. Баъзиларнинг ҳикоя қилишларича, ўшанда эшак ҳам ўйинга тушган: энг бадбашара одам уни бекорга ичирмаган эди. Бу балки шундай бўлгандир, балки бошқачароқдир; ва мабодо ўша кеча эшак ўйин тушмаган тақдирда ҳам, эшакнинг рақсидан ҳам ўтиб тушадиган, ундан ҳам қизиқроқ, улуғворроқ, гаройиброқ воқеалар бўлиб ўтгани тайин. Бир сўз билан айтганда, Зардўшт, таъбирича ҳам «Хўш нима бўпти!»

2

Бу воқеалар энг бадбашара одам устида бўлиб ўтаркан, Зардўшт худди маст бўлиб қолган одамдай турарди: унинг кўзларидаги ўт сўнди, тили гапга айланмас, оёқлари дир-дир қалтиради. Ким топа олади, ўшанда Зардўшт кўнглидан нима хаёллар ўтганини? Руҳи ундан чекиниб олдинда чопиб бораётгани, қайдадир кенг уфқларда адашиб, битикда айтилгандаи «Баланд қоя

узра, икки денгиз ўртасида ўтмиш ва келажак аро мисоли оғир булат» кезаётгани кўриниб турарди.

Лекин олий одамлар суюб, қўлтиқлашиб, у аста-секин ўзига келди ва қўли билан ташвишли кўноқларини ўзидан четга сурди; бироқ у миқ этмасди. Аммо у бирдан бошини тез ўгирди, зеро, у худди ниманидир эшитгандай эди; шунда у бармоғини лабига босди-да, деди: «Кетдик!»

Шу заҳот унинг атрофида жимлик ва сир чўқди; қайдандир ер қаъридан жом садоси келарди. Зардўшт ва шунингдек, олий одамлар ҳам унга қулоқ солиб туришарди; кейин у яна иккинчи маротаба бармоғини лабига босди-да, яна деди: «Кетдик! Кетдик! Тун яrimга яқинлашяпти!» – унинг овози ўзгарди. Лекин у ҳамон ўрнидан қўзғалмасди – шунда янада кучлироқ сукунат ва янада қаттароқ сир қўшди ва бутун борлиқ олам тинглаб қулоқ тутарди, ҳатто эшак ва Зардўштнинг ҳурматли жониворлари, бургут ва илон, шунингдек, Зардўштнинг мағораси, ойнинг тўлган баркаши ва ҳатто туннинг ўзи қулоқ тутарди. Зардўшт эса учинчи бора бармоғини лабига босиб, деди:

– Кетдик! Кетдик! Кетдик! Энди сарсон бўлгаймиз! Вақт бўлди! Тунда саргардон юргаймиз!

### 3

Тун яrimлаб қолди, о, олий одамлар, мана, сизнинг қулоғингизга бир гап айтгим бор, манави эски жом менинг қулоғимга шундай сўйлаб туради ҳар замон;

– бу яrim тун ҷаладиган жом одамдан кўра кўпроқ нарсаларни бошидан кечирган, у менга

шундай сирли, шундай ваҳимали ва шундай са-  
мимий қилиб сўйлаб беради:

– оталарингизнинг дардли юракларининг зар-  
баларини у аллақачон санаб бўлган, – Оҳ! Оҳ!  
Унинг хўрсишига қулоқ солинг! Уйқуда ётиб  
кулади! Кўхна, теран, теран ярим тун!

Жим! Жим! Кундузи сўзланмайдиган кўп нар-  
салар эшитилади; лекин ҳаво, қаранг, мусаффо,  
юракларингизнинг шовқинлари ҳам пасаймоқда;

– Энди у сўзланур, энди у тунда уйғоқ қалбларга  
оҳиста кириб борур, энди у эшитилур: Оҳ! Оҳ! У  
қандай хўрсиняпти! Уйқусида куляпти!

– Сен ахир эшитмаяпсанми қандай сирли, қан-  
дай ваҳимали, қандай самимий сўйлаяпти сенга,  
қари, теран, теран ярим тун?

О, тингла, дўстим!

4

Оҳ, шўрим! Қайга кетди вақт? Мен теран бу-  
лоқларга тушиб кетмадимми? Оlam уйқуда.

Оҳ! Оҳ! Ит улир, ой тўлир. Ярим тунда юрагим  
ўйлаётган нарсаларни сизга айтгунча ўлган аф-  
зал, ўлган афзал деб биламан.

Мана мен ўлдим. Етар жойимга етиб келдим.  
Ўргимчак, нега менинг устимда тўр тўқимоқда-  
сан? Қон сўришни хоҳлайсанми? Оҳ! Оҳ! Шабнам  
тушар, вақт етар.

– Ушбу соат этим увишар ва совқотаман, ушбу  
соат сўрайди, тўхтовсиз сўрайди: «Кимнинг бунга  
матонати етади?

– Ким ернинг эгаси бўлур? Ким айтур: сиз  
шундай оқишингиз керак эй, катта ва кичик  
дарёлар!»

– Соат етур: о, одам, о, олий одам, тингла! Бу сўз жуда нозик қулоқлар учун, сенинг қулоқларинг учун – не дер аста ярим тун?

5

Мен учиб кетяпман, кўнглим ўйин тушади. Ҳар кунги меҳнат! Ҳар кунги меҳнат! Ким ернинг эгаси бўлар?

Ой совуқ, ел жим-жит. Оҳ! Оҳ! Сиз анча баланд учганмисиз? Сиз ўйинга тушдингиз, лекин оёқлар қанот эмас.

О, яхши ўйинчилар, шодликнинг вақти ўтди: май ачиди, барча жомлар синдила, қабрлар тилга кирди:

Сиз унча баланд учмадингиз – энди қабрлар тилга кирди: «Ўлганларни қутқаринг! Нега тун бунча узоқ? Маст қилмасми бизни ой?»

О, олий одамлар, қабрларни қутқаринг, ўликларни тирилтиринг! Оҳ, нега яна қурт кемиради? Вақт етяпти, вақт келяпти;

– Жом гумбурлар, юрак яна хириллар, қурт кемиради, юракнинг қурти. Оҳ! Оҳ! Олам – нақадар тераң!

6

Ширин забон чолғу! Ширин забон чолғу! Торларинг сасини севаман, ўша мастона қуриллаган овозлар! – Сенинг товушинг менга қанчалар секин, қанчалар олислардан, севги ҳавзаларидан эшитилади!

Сен, қари жом, сен, ширин забон чолғу! Барча қайғу-аламлар сенинг юрагингни вайрон қилди,

ота қайфуси, бобо қайфуси, аждод қайфуси; сенинг сўзинг камолга етди;

– мисоли олтин куз ва пешин чоғи, менинг дарвеш қалбим каби камолга етди, – энди дейсан сен: олам ўзи етилди, ток новдаси қизарди;

– энди у ўлишни истар, баҳтдан ўлишни истар. О, олий одамлар, сиз ҳидни сезаяпсизми? Яширин ҳид тараалар,

– муаттар ҳид, мангулик иси, қари баҳтидан қорайган, ибо билан қизарган олтин ранг майнинг ҳиди;

– ўлимнинг мастона баҳти, ярим туннинг баҳти, у қўшиқ айтади:

Оlam – нақадар теран, ўй-ўйлаб етмас ёрон!

7

Қўй мени! Қўй мени! Сен учун мен жуда то заман. Тегма менга! Ахир менинг оламим ҳозир камолга етмадими?

Сенинг қўлларинг учун менинг баданим ҳаддан ортиқ тоза. Қўй мени, эй, сен, тентак, бефаҳм, дим кун! Ахир ярим тун ёруроқ эмасми?

Энг тозалар ернинг эгалари бўлсинлар, энг бокиралар, энг кучлилар, ҳар қандай кундан ёруроқ ва теранроқ ярим тун жонлари.

О, кун, сен изимдан пайпасланиб келяпсанми? Сен менинг баҳтимга қўл чўзяпсанми? Сен учун мен бойманми, ёлғизманми, сен учун дафина ва хазинаманми?

О, дунё, сен мени дейсанми? Сен учун мен дунёликманми? Мен художўйманми? Аммо кун ва дунё, сиз фоят дағалсиз,

– қўлингизни чаққонроқ қилинг, уларни бошқа теранроқ баҳтга чўзинг, бошқа теранроқ баҳтсизликка узатинг, аллақандай Худога узатинг уни, лекин ҳеч менга узата қўрманг;

– Эй, мўъжиз кун, менинг баҳтим ва баҳтсизлигим терандир, аммо ҳар қалай мен Худо эмас ва Худонинг Жаҳаннами ҳам эмасман: *Дунё – қайгуга ботган.*

8

О, мўъжиз дунё, Худо қайфуси теранроқ! Қўлларингни менгамас, Худонинг қайфусига чўз! Мен ким бўлибман! Mastona ширин забон чолғу!

Ярим тун чолфуси, жом саси, уни ҳеч ким тушунмайди, лекин у карлар қошида сўз айтмоғи даркор, о, олий одамлар! Зеро, сиз мени тушунмайсиз!

Бўлди! Бўлди! О, ёшлик! О, пешин! О, чошгоҳ! Энди оқшом тушди, тун ҳам, ярим тун ҳам, – ит увлар, шамол;

– ел ит эмасми? У чийиллар, акиллар, увиллар. Оҳ! Оҳ! Қанчалар у хўрсинади, қанчалар кулади, қанчалар хирқирайди ва оҳ уради, бу ярим тун!

Ҳозир у қанчалар ҳушёр сўзлаяпти, бу мастона хаёлкаш! У ўзининг mastonaлигини ҳам ичиб қўйганга ўхшайди? У жуда ҳам тетик бўлиб қолидими? У яна ямлаяптими?

– У ўз қайфусини уйқуда ҳазм қиляпти, қари, теран ярим тун ва ундан ҳам ортиқроқ ўз шодлигини ҳазм қиляпти. Зеро, қайгунинг чуқур бўлгани бу шодликдир: *Шодон булоқ ҳам оққан.*

Эй, сен узум новдаси! Не боис мени мақтайсан? Мен ахир сени кесиб ташладим-ку! Мен раҳмсиз, сендан қон оқяпти: – не боис сен менинг мастона раҳмсизлигимга ҳамду сано ўқийсан?

«Камолига етган ҳар нарса, барча комиллик – ўлишни истайди!» – Сен шундай дейсан. Хайлри, ҳа хайлри бўлсин, боғбон қайчиси! Лекин барча фўр нарсалар яшашни истайди: вовайло!

Қайфу шипшир: «Йўқол! Кўзимдан нари, сен, қайфу!» Аммо барча азоб чекувчи яшашни истайди, етук, шодумон ва тўлгин бўлишни истар.

– Узоқроқ, бундан-да, юксакроқ, бундан-да, ёруғроқ нарсаларга тўлгин бўлишни истар. «Мен ворислар истайман, – дейди азоб чекувчи ҳар нарса, – мен бола кўришни истайман, мен ўзимни истамайман».

Хуррам эса на ворис ва на фарзанд истайди, – хуррам эса ўз-ўзини истайди, мангаликни истайди, қайтишни истайди, ҳамма нарса мангу бўлишини истайди.

Қайфу дейди: «Вайрон бўл, қонинг оқсин, юрак! Юринг, оёқлар! Учинг, қанотлар! Узоққа! Юксакка! Қайфу!» Майлига! Шундан бўлсин! О, менинг қари юрагим! Қайфу шипшир: тур, йўқол!

О, олий одамлар! Энди сизнинг дилингизда не бор? Башоратгўйманми мен? Хулиёгўй? Ё мастона? Ё таъбир айтувчи? Ё яrim тунда урилган жом?

Шабнам қатраси? Мангулик парлари ва ё му-  
аттар ислари? Наҳот сиз эшитмайсиз? Наҳот сиз  
сезмайсиз? Менга тегишли олам шу тобда камолга  
етди, ярим тун – худди қоқ кундузги тушдек.

Қайғу қувончдек, қарғиши алқашдек, тун худди  
кундек, – кетингиз! Ё сиз-да ўрганурсиз: доно  
худди ўша телбаи зордек.

Сиз ҳеч қачон шодиёнани кўрганмисиз? О,  
ёронларим, унда сиз ҳар қандай қайғуни ҳам кўр-  
гайсиз. Ҳаммаси чатишган, ҳаммаси чалкашган,  
ҳаммаси бири иккинчисига ошиқу беқарор;

– ҳеч қачон лаҳзани икки карра бошдан кечи-  
ришни истаганмисиз, сиз ҳеч қачон: «Сен менга  
ёқасан, иқбол! Сония! Лахза!» – деб айтганмисиз!  
Унда сиз ҳаммаси яна қайтиб келишини иста-  
гансиз!

– Ҳаммаси яна янгидан, ҳаммаси мангур, ҳам-  
маси чатишган, ҳаммаси чалкашган, ҳаммаси  
бири иккинчисига ошиқу беқарор, о, сиз, оламни  
шундай севгансиз.

– Сиз, мангулар, уни мангуга ва ҳамма замон-  
ларга севингиз; ва шунингдек, қайғуга ҳам ай-  
тингиз: даф бўл, лекин яна қайтиб кел! Шодлик,  
ота юртга чопа қол.

## 11

Ҳар қандай шодлик барча нарсаларнинг мангур  
бўлишини истайди, асал истайди, хамиртуруш  
истайди, ярим тунлар мастоналигини истайди,  
қабрларни истайди, мозорларда кўзёшларга та-  
салли истайди, оқшомнинг олтин шафақларини  
истайди.

– Нималарни истамас шодлик! У ҳар қандай қайфуга қараганда ташнароқ, самимиироқ, хоҳловчироқ, чатоқроқ, сирлироқдир, у ўзини истайди: у ўзига ёпишади, унда ирода ҳалқаси курашади;

– у яхши кўришни истайди, нафратланишни истайди, у бениҳоя бой, у тортиқ қилади, инкор этади, сўрайди, уни кимдир худди назр-ниёздай олишини хоҳлайди, олганга раҳмат айтади, у ўзини ёмон кўришларини ҳам истайди;

– шодлик шунчалар бойки, у қайфуга, нафратга, шармисорликка, бадрафторликка, дунёга ташна, зеро, сиз бу дунёни биласиз, албатта!

О, олий одамлар, тийиқсиз, ҳалим шодлик сизни соғинар, – сизнинг қайфунгизни соғинар, эй, омадсизлар! Ҳар қандай ўхшамаган нарсани соғинар ҳар қандай мангу шодлик.

Зотан, ҳар қандай шодлик ўз-ўзини истайди, мана шунинг учун ҳам, у қалб қийноқларини хоҳлайди! О, бахт, о, қайфу! О, юрак, вайрон бўл! Олий одамлар, ўрганинг, шодлик мангалик истайди.

– Шодлик барча нарсаларнинг мангалигини истайди, ўзининг мангу уйига шошилади: *туққан юртда бўл хушҳол!*

## 12

Энди менинг қўшифимни ўрганиб олдингизми? Унинг нима исташини англадингизми? Майлига! Шундай бўлсин! О, олий одамлар, келинг ҳаммангиз жам бўлиб менинг қўшифимни қуйлаб берингиз!

Менга ўша номи «Яна бир марта» бўлган қўшиқни куйлаб берингиз, унинг маъноси – «Абадула-

бад!»дир, ҳаммангиз жам бўлиб, о, олий одамлар,  
Зардўштнинг қўшигини айтингиз!

*O, тингла дўстим!  
Не дер аста ярим тун?  
«Қаттиқ уйқу элитди –  
Кўз очдим: менга нетти?»  
Оlam нақадар теран –  
Ўй-ўйлаб етмас ёрон.  
Дунё қайгуга ботган –  
Шодон булоқ ҳам оққан.  
Қайгу шипшир: тур, йўқол!  
Ота юртга чопа қол –  
Туққан юртда бўл хушхол!*

## **КАРОМАТ**

Тун ўтиб, тонг отди, Зардўшт ўрнидан сакраб турди, белини маҳкам боғлади ва ўз мағорасидан яшнаб-очилиб, худди қорамтири тоғлар ортидан кўтарилиб келаётган тонг қуёшидек қувватга тўлиб чиқди.

«Улуг яшиқ, – деди у худди бир пайтдагидай, – сен баҳтнинг тубсиз кўзисан, нур сочишингга мунтазирлар бўлмаса эди, сенинг баҳтинг нимага ҳам арзирди!

Сен уйқудан бош кўтариб, ҳадялар ато этмоқ ва улушлар бермоқ учун йўлга чиққанингда, улар ҳамон ўз уйларидан турмаганларида эди, бундан сенинг мағрур номусинг қанчалар норози бўлурди!

Майлига! Улар, олий одамлар ҳали-ҳамон уйқудалар, мен эса уйғоқман: улар менинг чин ҳамроҳларим эмас! Мен бу тоғларимда уларни кутганим йўқ.

Мен ўз ишимга тутиниш ва янги кунни бошлашни истайман – лекин улар менинг тонгим кароматлари қандайлигини тушунмайдилар, менинг қадамларим товушини эшишиб, улар уйғонмайдилар.

Улар ҳали маконимда ухлаб ётурлар, уйқуларида менинг мастана құшиқтарымдан мириқурлар. Мени эшигүвчи қулоқлар – итоаткор қулоқ уларга етишмайды>.

Зардўшт шуларни күнглидан ўтказаркан, қуёш тобора баланд күтарилади. Шунда у илкис осмонга қаради, зеро, ўз бургутининг ўктам қийқиригини эшилди: «Майлига! – деб қичқирди у кўкка боқиб. – Бу менга маъқул, бу худди бизбоп. Махлуқларим уйғонишиди, зеро, мен уйғондим.

Бургутим уйғонди ва менга ўхшаб қуёшни эъзозлар. Янги нурларни бургут панжалари била тутур. Сиз ҳақиқий жониворларимиз; мен сизни яхши кўраман.

Лекин менга ҳақиқий одамларим етишмайди!»

Зардўшт шундай зикр қилди. Лекин бу орада шундай бўлиб қолдики, Зардўшт бирдан ўзини жуда кўп қушлар ўраб олгандай ҳис қилди. Сон-саноқсиз қушларнинг қанотлари шувиллар, боши узра улар шунчалар патирлашар эдиларки, у беихтиёр кўзини юмди. Ҳақиқатан, унга неча юзлаб пат ўқлар худди янги дushman бошига ёғилгандай бўлди. Лекин ҳозир бу янги ҳабиб устига ёпирилган муҳаббат булати эди.

«Менга нима бўляпти ўзи? – деб ўйлади Зардўшт лолу ҳайрон қолиб ва мағорага кираверишда ётган катта харсангтошга оҳиста ўтирди. Лекин у қушларнинг изҳори ошиқоналаридан ҳимоя қилиб, қўлларини ҳар томонга силкитаркан, яна бир

ҳайратомуз воқеа рўй берди: ўзи билмаган ҳолда унинг қўллари қуюқ, қайнок, тўзғиган ёлларни тутди; шу заҳоти унинг олдида ўкирган овоз эши-тилди – бу арслоннинг беозор, чўзиқ ўкириги эди.

«Каромат яқин», – деди Зардўшт ва унинг юраги бошқача бўлди. Ҳақиқатан, атроф ёришгач, у оёғи остида улкан сариқ маҳлуқ бошини одам тиззаларига қўйганча ётганлигини кўрди; у одамни севгани учун уни тарк этишни истамаган, бамисоли ўзининг эски хўжасини ахтариб топган итга ўхшарди. Лекин кабутарлар ҳам ўз муҳаббатлари изҳорида арслондан асло қолишимасдилар; ва ҳар гал кабутар арслоннинг боши олдидан патирлаб учганда, арслон ажабланиб бошини сарак-сарак қиласар ва қуларди.

Буни кўриб Зардўшт ёлғиз бир калима сўз айтди: «Менинг болаларим яқин, менинг болаларим» – кейин у мум тишлагандай жим бўлиб қолди. Аммо қалби тасалли топган, кўзларидан ёш қуйилар ва қўлига оқиб тушарди. У эса энди бошқа ҳеч нарсага эътибор бермас, қимир этмай ўтирас, маҳлуқларга индамасди. Кабутарлар эса, учиб кетишар, келишар, унинг елкаларига қўнишар, оқарган соchlарини эрка тўзғитишар, изҳори меҳр кўргазиб, ҳеч чарчамасдилар. Кудратли арслон эса Зардўштнинг қўлларига оқиб тушаётган кўзёш томчиларини тинмасдан ялар ва орада ботинмай ириллаб кўярди. Бу жониворлар ўзларини шундай тутишарди.

Буларнинг бари узоқ давом этдими, қисқами, билиб бўлмасди: зеро, ҳақиқатан, ер юзида бундай нарсалар учун вақт деган тушунчанинг ўзи йўқ. Бу орада Зардўшт мағорасидаги олий одамлар уйғонишли, Зардўшт билан кўришиш,

саломлашиш учун ҳозирлана бошладилар: зеро, уйқудан күз очиб, улар ўртада Зардўшт йўқдигини сезган эдилар. Лекин улар мағора эшигига тапир-тупур қадам товушлари яқинлашган чоғларида, арслон дарҳол қулоқларини қўрқинчли тик қилди-да, бошини шитоб билан Зардўштдан ўтириб, фор томон сакради: олий одамлар эса унинг овозини эшитиб, ҳаммалари баравар қичқириб юбордилар-да, орқага чекиндилар ва бир зумда кўздан фойиб бўлдилар.

Бироқ Зардўштнинг ўзи қулоги битган ва лолу ҳайрон ҳолда ўрнидан турди, қалбини сўроқлаганча, теваракка ҳайратланиб қаради, ўйланиб бир ўзи туриб қолди. «Нимани эшитдим? – деди у ниҳоят оҳиста. – Ҳозир менга нима бўлди?»

Шунда бирдан ҳаммаси эсига тушди ва дарҳол кеча ва бугун ўртасида бўлиб ўтган нарсаларни тушунди. «Мана, харсангтош, – деди у соқолини сийпалаб, – унда кеча эрталаб ўтирган эдим; шу ерда олдимга башораттўй чол келган эди, шу ерда биринчи марта ҳозиргина янграган буюк ёрдамга чақириқ овозини эшитган эдим.

О, олий одамлар, башораттўй чол кечада эрталаб сизга ёрдам беришни гапирган эди;

– Сизга ёрдам билан мени йўлдан урмоқчи, васвасага солмоқчи бўлди: о, Зардўшт, – деди у менга, – сен охирги гуноҳингни адо этмогинг учун ҳузурингга келаётирман.

– Қайси охирги гуноҳим? – хитоб қилди Зардўшт ўз сўзларидан зардали кулиб. – Менга нима охирги гуноҳ каби қолдирилган экан?»

Шунда Зардўшт яна ўз ўйларига фарқ бўлди, яна харсангтош устига ўтириди-да, фикрга толди. Бирдан у сакраб турди.

«Ҳамдардлик! Олий одамга ҳамдардлик! – деб хитоб қилди у ва унинг юзи худди мис каби ял-лиғланди. – Майлига! Бунинг вақти етган эди!

Менинг дардим ва ҳамдардлигим – майлига! Мен ахир баҳт қидиряпманми? Мен ўз ишимни излаяпман!

Ана! Арслон келди, болаларим яқин, Зардўшт этилди, менинг вақтим бўлди.

Бу менинг тонгим, куним туғди: тур энди, тур ўрнингдан, эй, буюк пешин!»

Зардўшт шундай нидо қилди ва қорамтири тоғлар ортидан чиқиб келаётган қуёш каби яй-раб-яшнаган, қудратга тўлган ҳолда ўз мағора-сини тарқ этди.

## **ФРИДРИХ НИТШЕ – ТАФАККУР ВА ХАЁЛОТ СЕҲРГАРИ**

*Сўнгсўз ўрнида*

Фалсафа – фанларнинг отаси ва кўп мингийиллик инсоният турмуш тажрибаларининг жавоҳири. Фалсафасиз турмуш – хира ва сийقا. Асосида фалсафа ётмаган фан йўқ. Остона йўқ. Фалсафа орқалигина ҳаёт ва борлиқ қонуниятларини теран билиш ва шунга яраша ўзгартириш, тирикликни доим бир поғонадан иккинчи поғонага кўтариш, тинимсиз онгли ҳаракатда, нима деймиз – ўсиш-ўзгаришда бўлиш мумкин. Фалсафани менсимаслик тутатиб бўлмас руҳий-маънавий, илмий-фаний қолоқдикларга олиб келади. Ожизлик миллий миқёс касб этади ва эринмаган кимсага қарам бўлиб қолиш хавфи ҳамиша бош устида осилиб туради.

Гўзаллик қутқаради, дейилганда, асил маъносида фалсафа қутқаради, деб айтилган эди. Фалсафа бунда гўзаллик деб аталган эди. Зотан, гўзалликнинг ўзи ҳам борлиқнинг фалсафасидан туғилади ва камол топади.

Фарб дунёси фалсафа ва социологияга кейинги уч-тўрт аср мобайнида мислсиз эътибор бериб ва ўз ҳаётларини шу фанларнинг ютуқлари асосига қуриб, ҳайратомуз тараққиётга эришди. Яна янгидан янги тараққиёт йўллари ва имкониятларини очмоқда.

Евropa фалсафаси ва социологиясининг том маънодаги кашфиётчилик руҳи XIX асрнинг иккинчи ярмида немис олими Фридрих ижодида

ҳам тўла намоён бўлди. Айтиш мумкинки, Нитше Суқротгача бўлган ва ундан кейинги юонон фалсафий тафаккур дунёсидан ҳамда шу билан бирга Европа фалсафа руҳидан ўсиб чиқди. Нитшени Суқрот, Платон, Аристотел, Гегел ёки ўзидан каттароқ замондоши Артур Шопенгаэурга ўхшаган соф маънодаги файласуф ва фақат файласуф деб айтиш қийин. Нитше ёшлик чоғларида мумтоз филология билан ҳам чуқур шуғулланди, мусиқий композициялар (кичик мусиқий асарлар), эҳтиросли шеърлар ёзди, бадиаларга (эссеистика) ҳавас қилди, шиддат ва шавққа тўла ахлоқий-фалсафий асарлар яратди. Шунинг учун уни кўпроқ фалсафада шоир, шоир файласуф деб атайдилар. У худди кўҳна Хитой, ҳинд файласуф донишмандлари ёки Шопенгаэур каби ўз ахлоқий-фалсафий, бадиа асарларини парча-парча ҳикматлар (афоризмлар) тарзида ёхуд шаклида ёзди. У худди Ҳегелдек яхлит бир диалектика системаси ёки тизимларини яратмади, буни олдига мақсад қилиб ҳам қўймади. Унинг барча асарлари булар эҳтирослар қайнаган, пўртана бўлиб отилган ғоялар, ғоялар ва яна ғоялардир. Ғоялар бўлганда ҳам, улар бари башорат кучининг қудрати билан ажralиб туради. Нитше аъло одам, келажак одам, озод ақл ғояларини яратди. Инсоннинг барча тарихан ортирган сарқитлари ва иллатлардан тамомила озод ва кучли, дунёни янгидан, янги асосда қура олишига қодир бўлишини орзу қилди. У эҳтирослари жунбишга келган чоғларда: «Мен одам эмасман, мен динамитман», деб аташни севарди. Бу сўзлар қанчалик файрифавқулодда бўлиб эшитилмасин, Нитшенинг моҳиятини англашга кўмаклашади. Зотан, бошданоқ айтиб

қўяйлик, Нитшенинг барча ёзганлари, барча ҳикматлари том маънода динамит хосиятига эгадир. Бу динамит фикрлар оламларида шиддат билан порлаб, яна ўз ичидан гўзал ва ҳаракатчан – инкор қилувчи ва тасдиқловчи гўзал фикрлар оламларини яратарди. Шарқда Зардўшт, Будда foялари қанчалар ўзига эргаштирган ва замондошлари фикрлашига динамит каби таъсир кўрсатган бўлса, Нитше foялари, ҳикматлари ҳам Европага ва айниқса XX аср Европасига ана шундай инқилобий тарзда таъсир кўрсатди. Нитше Европа фикри, унинг тафаккурини янги босқичга олиб чиқди. «Зардўшт таваллоси» асари билан эса Европа ва Шарқ ўртасида ҳеч қачон бузилмайдиган кўприк қурди.

Нитше ўзининг бутун йигирма жилдлик асарлари ва оламни қамраган foялари билан осмон сари қўйилган ва учи ҳам, қаерга қўйилганлиги ҳам кўринмай кетган, маълум бўлмаган нарвонга ўхшайди. Нитше шу нарвондан туганмас тафаккур юксакликларига кўтарилди. Инсоният донишманлари яратган foяларни бағрида баланд аланга олиб ёнган олов ичидан ўтказди. Кўплаб foялар бу ўтга дош беролмай ёниб кетдилар. Асиllари Нитше олови ичидан янада асиllаниб чиқди.

Нитше ўз foялари каби бениҳоя безовта, изтироблар, изланишлар билан тўла умр йўларини босиб ўтди.

## **ЕВРОПАНИНГ ШОМ ЮЛДУЗИ**

Фридрих Нитше 1844 йилнинг 15 октябрида Саксонияда Лютсен яқинидаги Рёккен шаҳарчасида дунёга келди. Унинг отаси маърифатли руҳо-

ний эди. Нитше беш ёшида отасидан айрилди. Күхна поляк зодагонлари наслидан бўлган онаси кўлида тарбияланди. Болалар гимназиясида ўқиб юрган чоғлариданоқ ўн яшар Нитше шеърлар машқ қилди. Мусиқани беҳад севарди. Доим мусиқа чалар ва ўзича композициялар тўқирди. Мусиқага мислсиз муҳаббат уни то умрининг охиригача тарк этмади. 12 ёшларидан тинимсиз бош оғриш, кўз хасталигига чалинди. Болалигидан кўп дард чекиб ўсади. Унинг юрагида ижод шавқи қайнарди. 14 ёшида «Мусиқа тўғрисида» деган иншосини ёзди. Ўн бешга кирганда «Қисмат ва тарих», «Эрк ихтиёри ва қисмат», «Христианлик тўғрисида» деган бадиаларини қофозга туширди. Сабоқдошлари билан биргаликда «Германия» деб аталган адабий-музиқий тўғарак тузди. 1864 йилда «Феогнид Мегарен» деган диплом иши ёқлади. Етуклик гувоҳномасини олди. 1864 йилдан эътиборан Бонн университетида теология ва филология бўйича чуқур таҳсил кўрди. Бу пайтда ҳам жуда кўп мусиқий композициялар яратди. Турли шеърларга куйлар басталади. Филология ва фалсафа оламига таъбир ўринли бўлса куй ва мусиқа орқали кириб борди.

Нитше 1865 йилда Лейпциг университетига ўтиб таҳсил олди. Машҳур профессор Ричл етакчилигига филология борасидаги билимларини кенгайтирди. Шу чоғлар у ўзининг катта замондоши улуғ донишманд Артур Шопенгаэур асаллари билан танишди. Навоий Аттордан қандай таъсирланган, унинг асиру мубталосига айланган бўлса, Нитше худди Шопенгаэур асалларига мубтало бўлди, уларни ташналик ва буюк муҳаббат билан ўрганди. Шопенгаэур асаллари Нитшеда – Нит-

шени уйғотди. Бу шайдолик, ошуфталиқ унинг умри бўйи давом этди. Шу пайтлар Нитше бошқа бир немис санъаткори, буюк композитор Рихард Вагнер мусиқаси ва эстетикаси билан ошна бўлиб, унга батамом ошиқу бекарор бўлди. Ёшлиқда берган кўнгил айрилмас бало бўлур деган ҳикмат Нитше қисматига чиппа ёпишди. Навоий бир умр Жомий, Ансорий, Аҳорори Валий, Ҳусайн Бойқарага қандай муҳаббат ва эътиқод сақлаган бўлса, Нитше ҳам Шопенгаэур ва Вагнер, сал кейинроқ Гётега шунча муҳаббатни тақдиридан олиб ўтди. Умр бўйи уларнинг ғояларига муҳаббат изҳор қилди, тинмай улар билан тортишди, ҳайратомиз баҳс ва мунозаралар олиб борди. Унинг навқирон сиймосида мафтун бўлувчи ва мафтункор инсон жадал шитоб билан тарбия ва камол топди. Унинг илмлар ва тиллар, китобларни ўзлаштириши ғоятда ҳайратланарли, шиддатли ва яшин тезлигида кечарди. 1866 йилда «Диоген Лаэртий манбалари» деган илмий рисола ёзди. Бу асари талабалар ўртасидаги мусобақада голиб чиқиб, мукофот билан тақдирланди. У 1867 йилда ҳарбийга чақирилиб, отлиқ қисмларда хизмат ўтади. Илк асарлари Рейн илмий журналида босилди. Нитше ҳали талабалигигидаёқ 1869 йилда устози профессор Ричлнинг тавсиясига биноан Базел университетининг профессори қилиб тасдиқланди. Ундан номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёзиш ва расман ёқлашни талаб қилиб ўтиришмади. Шу йили Лейпциг университети Нитшега босилиб чиқсан асарлари учун докторлик даражасини берди. Нитше тинимсиз руҳланиб ёзарди. 1870 йилда унинг қадим юонон мутафаккир адиллари Ҳомер, Хесиод, Суқрот ҳақидаги гўзал илмий асарлари

дунёга келди. Беморлик, уйқусизлик уни ёмон қийнарди. Шунга қарамай Нитше «Мусиқа руҳониятидан трагедиянинг туғилиши» деган асар устида иш бошлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар қандай даҳо-нинг туғилиши ва тикланиши зиддиятларсиз кечмайди. Нитше бундай зиддиятларга жуда кўп дуч келди. Германия илмий жамоатчилиги Нитшенинг илк давр филологик асарларини анча-мунча ҳуркиб-чўчиб, юраги орқага тортиб қарши олди. Унинг фавқулодда ўткир, серҳай-қириқ, фантазия жўш урган асарларини тўғри баҳолашга ҳамма ҳам бирдай қодир эмас эди. Устози кекса Ричлнинг ўзи: «Унга қарасам, юқ-саклиги ва эҳтиросларининг зўридан бошим айланиб кетади», деб эътироф этган эди. Бир қисм ёшлар уни илоҳийлаштирап, бошқа бир гуруҳлар эса унинг лекцияларига киришдан бош тортар эди. Бу шиддат билан кечаётган воқеалар таъсирида Нитшенинг мумтоз филологиядан кўнгли бирмунча совигандай бўлди. «Мусиқа руҳониятидан трагедиянинг туғилиши» 1872 йилда нашр этилди. Рихард Вагнерга бағишлиланган бу асар мумтоз трагедия ҳақидаги мавжуд тасаввурларни остин-устун қилиб ташлади. Бу китобдан Нитше замондошлари том маънода лол қолдилар. Одам ишонмаслиги мумкин, лекин маърифатли замондошлар китоб бундай бўлиши мумкин эмас, деганга ўхшаш фикрларни билдирилар. Бундай зиддиятли муносабатлардан алами келган Нитше: «Келиб-келиб мен немислар олдига марварид дурдоналарини сочдимми?! – деб айтган эди. Лекин улуғ Вагнер: «Мен бундан кўра ҳам улуғроқ китоб ўқиган эмасман», деб Нитшенинг

кўнглини кўтарди. Кўп ўтмай Нитше «Бемаврид мулоҳазалар» деган тўрт китобдан иборат асарига ўтирди. Унинг бу асари Германиянигина эмас, бутун Европани забт этди. Унда фикрлар ва оригинал қарашлар дунёси худди Сомон йўлидек жимиirlаб очилди. Европада янги тафаккур феномени юзага келганлигидан дарак берди. Бу асарнинг биринчи – учинчи китоблари устида Европада баҳс қизигандан-қизиди. Нитшенинг кўп кучли foяларига қўшилолмаган ва уларни «ҳазм қилолмаган» Вагнер ва устоз Ричл билан ёш мутафаккир ўртасида ихтилофлар чиқди. Оралари узилиш даражасига етди. Нитшенинг кўзи ўқий олмас ва ёза олмас даражада хиралашди. У «Бемаврид мулоҳазалар»нинг тўртинчи китобини айтиб туриб ёздирди. Бош оғриши сира тинмас, тўхтовсиз сафро ташларди. Нитше тинимсиз кезар, шаҳарлар айланар, асарларини миясида ёдан пишитар ва ёзарди. Унинг 1876 йилда яратилган «Инсонга хос, фақат инсонга хос...» деган китobi Нитше ижодида янги бир давр бошланганлигини билдириди. Бу фавқулодда асарини Нитшенинг ўзи: «Озод ақллар учун китоб» деб атади. «Дунёга менчалик шубҳа билан қараган одам бўлганмикин? – деб айтди Нитше шу асарида. Ҳақиқатан ҳам, у бунда Худога энг кўп савол берган фикрли инсон каби кўзга ташланади. У ўрганиш бўлиб кетган, одат тусига кирган баҳоларга шубҳа билдириди ва уларни батамом ағдар-тўнтар қилиб юборди. Шу боисдан унинг фикрлари замондошларга гайриахлоқий ва ҳатто ахлоқдан ташқари бўлиб туюлади. Улар бамисоли «Яхшилик ва ёмонликнинг нариги томонида» турган ва яралганга ўхшаб кўринарди. Дарвоҷе,

Нитше шу йилларда «Яхшилик ва ёмонликнинг нариги томонида» (1885) асарини яратди. Нитше фақат ташқи дунё ва одатий қарашлардангина шубҳаланмай ўз-ўзидан ҳам шубҳаланади. Ўз-ўзини алдаётганга, ўз-ўзини сақлашга уринаётган, муғомбирлик қилаётганга ўхшаб кўринади. Уни «озод ақл» фояси қаттиқ машғул қиласди. Аслида Европада «озод ақл» йўқ ва мен озод ақл эгаларини ўзим ўйлаб топдим, улар билан суҳбатлашиш учун ўзим тўқиб чиқардим. Менга шундай дўст-биродарлар етишмас эди, деган фикрни билдириди. Лекин Нитше озод ақл эгалари йўқлигидан умидсизликка тушмади. Европада шундай озод ақллар бўлиши мумкин. Бизнинг эртанги Европамизда келар кунларда шундай қувноқ, жасур ва ўқтам болалар пайдо бўлса, ажабмас. Мен бунга сира шубҳа қилмайман. Улар оҳиста-оҳиста келаетганликларини кўриб турибман. Балки уларни олдиндан тасвирлаб, тезроқ етиб келишларига кўмаклашарман. Охири шундай «озод ақллар»нинг етиб келишларига шарт-шароит яртилар...», деб ёзди у «Инсонга хос...» асарида. Туш бизни инсониятнинг неча минг йиллик аввалги ҳолатлари, фикрлашувлари, хаёллари, тасаввурлари оламига қайтаради. Тушда одам жуда осон фикрлайди. Туш зотан, байни мифнинг ўзи, дейди Нитше. Туш кўриш миянинг дам олиши. Мантиқий тафқур кейин пайдо бўлди. Тушда биз ҳукм, ақлий хуносалар чиқаришнинг ибтидоий усувларига қайтамиз. Умримизнинг қарийб ярми шундай ибтидоий фикрлашда ўтади. Ҳозирги дунё ҳам шундай. У бизнинг кўпдан-кўп янглишларимиз, хатоларимиз, хаёлларимиз, тасаввурларимиздан бино бўлган. Бизнинг дунё тўғрисидаги янглиш

тасаввурларимиз ақлий адашувларимизнинг тўғридан-тўғри натижаси. «Нарса ўзида» унинг устидан қаҳқаҳ уриб кулишга лойик», зотан, у жуда кўп нарсаларни, ҳатто ҳамма нарсани ўз ичига олгандай қўринади, ҳолбуки, у бўм-бўш, яъни маъноси йўқдир» («Инсонга хос...», 16).

Нитшенинг фикри муттасил суратда келажак тараққиётiga қаратилган. У тўхтовсиз бўлажак инсон тўғрисида қайфуради. Башоратлар қиласди. «Озод ақллар» башорати. Тараққиёти башорати. «...Агар инсоният ўзини бундай режалашган, жамлашган бошқарув орқали ҳалок қилишни истамаса, унда ҳозиргача номаълум бўлган миқёсда маданият шароитлари билимини топиши ва бу умумжаҳон мақсадлари учун илмий мезонга айланиши керак» («Инсонга хос...», 25). Нитше диний дунёқарашдан илмий дунёқарашга ўтишни ёқладиди. Лекин бу ўтиш орасида яна бир – ўтишни тайёрловчи фикрлар тизими бўлишини маъкуллайди. Диний дунёқарашдан илмий дунёқарашга биратўла сакраб ўтишни жуда хатарли деб билади. Унингча ўтиш даврида санъат имкониятларидан фойдаланиш яхши, хайрли натижалар келтиради. Санъат орқали чинакамига озод қилувчи фалсафа фанига ўтиш осонроқ ва бу оғир оғриқларсиз, талофатларсиз кечади.

Нитше фалсафаси бу – тугал озодлик фалсафасидир. У рўй рост: «Озодликдан фаровонликни устун кўриш ахлоқсизликдир», дейди («Инсонга хос...», 42). Адашиш, алданиш, ёлғон – озодликнинг душмани. Нитше ёлғоннинг табиати ҳақида шундай фикрларни баён этади: мураккаб бир шароитларда бола ёлғончи бўлиб ўсади. Битта ёлғонни оқлаш учун яна ўнлаб ёлғонларни

түқииди. Ҳақиқат туй фуси уни тарк этади, ёлғондан нафратланиш кераклигини хаёлига ҳам келтирмай күяди. Ёлғондан табиий тарзда фойдаланади. Ёлғонни ўз манфаатларига хизмат қылдиради. Ростгүйлик нималигини билмайди. Бу нарса унга бегона. Шунинг учун ўзини ҳеч нарсага айбдор билмай, худди қўй оғзидан чўп олмагандай бўлиб яна ёлғон сўзлайверади. Нитшенинг бу фикрлари нечоғлик ҳақ эканлигини айрим тарихий даврларнинг воқеалари тўла исботламоқда. Балки мустабидлар ёлғонни ўзларига қурол қилиб оладилар, ёлғонни яшаш мағкурасига айлантирадилар. Маълум бир вақт ўтгач, ёлғон мустабид мағкураси билан яшаган кишиларнинг қон-қонига сингиб кетади ва бу янглиш узоқ вақт давом этади. Нитше бир ҳикматида бунга ёрқин ишора этади:

«ЖАҲДОР. Бизга қарши қаҳр ва зарда қилишга қодир бўлган кишидан эҳтиёт бўлмоқ керак, худди баайни илгари бизнинг жонимизга қасд қилган кимсадан эҳтиёт бўлган каби. Зотан, бизнинг ҳали тирик юрганимиз унинг ҳали бизни ўлдиришга имконияти бўлмаганлигинигина кўрсатади. Агар назар ўлдиrolсайди, биз аллақачон ўлдирилган бўлардик. Кишини жисмоний ваҳшат ила қўрқитиб, жим бўлишга мажбур қилиш – бу узоқ ибтидоий турмуш тарзининг белгиси. – Худди шунингдек, мартабали одамларнинг ўз қўл остидаги кишиларга бадбин совуқ назар билан қараашлари – одамлар ўртасидаги насабга доир айирмачиликларнинг қолдиги, жуда қўпол бир кўринишидир. Бу ўта дағал бир қадимият. Эскиликни асрашга одатланган аёллар бу surivalни (сарқитни) яхшироқ сақлаганлар» («Инсонга хос...», 64).

Нитше билиш салтанатида ҳар қандай гояни шубҳа остига олиш мумкин ва табиий деб би-

лади. Унинг учун ҳеч қандай ғоя, ҳодиса мутлақ қимматга, ўзгармас аҳамиятга эга эмас. Ҳамма нарса-ҳодисаларда инсонга хос янгишиш, ададишиш изларини кузатиш мумкин. Бу жиҳатдан Нитшенинг инсон ва ҳаёт тўғрисидаги ҳикматлари, кузатишлари беҳад қимматли ва ҳали-ҳануз ўз қудратли кучини, актуаллигини йўқотмаган. Нитшенинг фикри келажак замонларнинг фикридир. Нитше: «Роҳатсиз ҳаёт йўқ, роҳат учун кураш ҳаёт учун кураш демақдир» («Инсонга хос...», 104), – дер экан, бу одам боласини ўйлатмай иложи йўқ. Нитше асарларидан бирида лотинча «ФЕРОСИА АНИМИ» деган қадимги иборани тилга олади. Бу ўзбекчада КЎНГИЛ ФАЛАЁНИ дегани бўлар экан. Ништенинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳикмати мана шундай кўнгил фалаёнларидан туғилганлигини қайд этиб ўтайлик.

Нитше 1879 йилда кети узилмаган сурункали касаллиги туфайли Базел университети профессорлиги лавозимидан истеъфога чиқди. Унинг учун сарсонлик-саргардонлик йиллари бошланди. Кўчаларда тез-тез ҳушдан кетиб қолиш ҳоллари такрорланди. Лекин ижод Нитшенинг бутун борлигини қамраб олган ва бу туйфу, истак, мақсад унинг учун ҳар қандай нарса, ҳар қандай касалликдан кучли эди. Шу йили адибнинг «Мусофир ва унинг сояси» деган китоби чиқди. 1880 йилда «Тонг шафафи» («Қувноқ фан») деган китобини ёзди. Петербурглик рус генералининг қизи Лу фон Саломэ, синглиси Элизабет, онаси ўртасида кўп турли можароларни бошидан кечирди. Яқинларидан олисда айрилиқда яшаш унга янада оғир руҳий таъсир кўргазди. 1883 йилда у машҳур «Зардўшт таваллоси» асари устида ишга ўтирди. Италия, Швейцария, Германия шаҳарларини

тинимсиз кезди. Ёлғизлик уни ўртар эди. 80-йилларнинг иккинчи ярмида у «Ахлоқ генеологияси», «Санамлар шоми», «Антихрист», «Вагнер ҳодисаси», «Эсее Хомо» сингари фикр ва эҳтиросга тўлиқ асарларини дунёга келтирди.

1889 йилдан Нитшеда ақлнинг зойил бўлиши кучайди. 1900 йил 1 августда Нитше оғир тутқа-ноқдан сўнг оламдан ўтди.

Нитшенинг барча асарлари ўта таранг руҳ ва тамомила эркин ақлнинг ҳаракатдаги тимсоли сифатида кўзга ташланади. У насронийликнинг черков зулми ҳақида ёниб-куйиб ёзди. Руҳ таранглиги ва ақл эркинлиги унинг барча фалсафий қарашларини чулғаб олади, барча афоризмларининг туб мағзига сингади. Нитше таранг руҳ ва эркин ақлнинг ноёб тимсоли каби гавдаланади. Унинг таранг руҳ камонидан отилган сон-саноқсиз ўқлар – ҳикматлар тарих, коинот ва инсон руҳониятининг ақл бовар қилмас қаърлари ҳамда кўз илгамас юксакликларига ҳеч қандай тўсиқ билмай кириб боради. Унинг неча минглаб саҳифаларида бир осуда айтилган сўз йўқ. У тўхтовсиз тарзда инсониятнинг етти минг йиллик мажусият ва маданият тарихида бино бўлган фикрлар, таълимотларни бир зум бўлсин тинч қўймайди, улардан илгари ҳеч ким асло журъат этолмаган хulosалар чиқаради. Инсон ва дунё бошдан-оёқ янглиш асосига қурилганлигини фарёд ва нолалар, туганмас изтироб ва фалаёнларда исботлашга киришади. Нитше фалсафасида англашилмас бир мўъжазкор куч зоҳир. Бу тафаккур дунёсига кирган одам ўзининг инсон эканлигидан ва олдинда тараққиётнинг туганмас уфқлари ястаниб ётганлигидан бениҳоя ифтихор сезади.

## **ФРИДРИХ НИТШЕ**

### **ҲИКМАТЛАР**

... Эркин одам баб-баробар ёмон ҳам, яхши ҳам бўлиши мумкин, бироқ эркин бўлолмаган одам – табиат учун шармисорлик ва унинг учун на кўкда ва на ерда юпанч, тасалли бор. Худди шунингдек, кимда-ким эркин бўлмоқчи экан, бунга ўзи эришмоғи керак ва шу билан бирга эркинлик ҳеч кимнинг қўлига мўъжизавий ҳадя каби берилмайди.

**(«Рихард Вагнер Байрейтда», 99)**

Тарихни фақат кучли одамларгина кўтара оладилар, кучсизларни эса у мутлақо эзиз ташлайди.

**(«Ҳаёт учун тарихнинг фойдаси ва зиёни ҳақида»)**

Мен Европанинг Буддаси бўлишим мумкин эди.

**(«ECCE HOMO»)**

Озодликдан фаровонликни устун кўриш ахлоқсизликдир.

**(«Инсонга хос…», 42)**

### **Қўнгилнинг териси**

Одамни унинг териси одам сиёқига киритиб туради. Худди одамнинг сұяклари, мушаклари, ички аъзолари ва қон томирлари тери билан қоплангандай, кўнгилнинг хоҳиш-истаклари ва эҳтирослари ҳам шуҳратпарастлик билан ҳифз қилингандир: шуҳратпарастлик кўнгилнинг терисидир.

### **Яхшиликнинг уйқуси**

Яхшилик тўйиб ухлаб олса, уйқудан турганда тароватли бўлиб кўринади.

## **Уятнинг нозиклиги**

Одамлар ифлос нарсаларни ўйлашдан уялмайдилар, лекин уни ифлос фикрларни ўйлар экан, деб айтишларидан уяладилар.

## **Ёмонлик ноёб**

Кўпчилик одамлар ўз-ўзи билан жуда банд, уларнинг ёмон бўлишга вақтлари етмайди.

## **Тарозининг мили**

У ёки бу нарса ақдимизнинг ўткирлигини на-  
мойиш қилиш учун имкон беришига қараб, уни  
мақтаймиз ёки ёмонлаймиз.

Ким ўзини ерга ураётган бўлса, у юқори кўта-  
риб мақташларини истайди.

Яхши ёзувчи ўзининг ақдигагина эмас, дўст-  
ларининг ҳам ақдига эга.

Дўст ачинишдан эмас, бирга қувонишдан тугилади.

## **Темир зарурат**

Темир зарурат шундай бир нарсаки, тарихнинг  
бориши унинг темир ҳам, зарурат ҳам эмаслиги-  
ни исботлаган.

## **Севилиш истаги**

Одамнинг севилишига бўлган талаби ўта кет-  
ган манманликдан бошқа нарса эмас.

## **Рақибнинг ҳаёти**

Душман билан курашиб яшайдиган одам душ-  
маннинг ҳаёт бўлишидан манфаатдор.

## **Мустабиднинг даҳоси**

Ўз кўзлаган мақсадига зўравонлик билан етиш-  
га чидаб бўлмас ташналик кўнгилда уйғонгандা

ва бу аланга сира пасаймаганда, унда кичкинагина бир иқтидор (сиёсатчилар, адиларда) енгиб бўлмас фаддор кучга айланади.

(«*Инсонга хос...*»)

**ТАРАҚҚИЁТ ИМКОНИ.** Эски маданият олими тараққиётга ишонадиган одамлар билан муносабат қилмайман деб онт ичса, у ўзича бунда ҳақ. Зотан, эски маданият ўзининг улуғворлиги ва эзгулигига ўз ортида эга, бинобарин, тарихий таълим ҳам у ўзининг аввалги тароватини ҳеч қачон тиклай ол маслигини тан олишга мажбур қиласди; буни инкор этиш учун чидаб бўлмас даражадаги баҳиллик ёки ундан кам бўлмаган бадмаош хаёлпарамастлик керак бўлади. Бироқ одамлар илгари уларнинг равнақи ўз ҳолиша рангсиз ва тасодифий суратда борган бўлишига қарамасдан онгли тарзда ўзларида янги маданиятни ўстиришга қарор беришлари мумкин; улар энди одамларнинг туғилиши, уларнинг маоши, тарбияси, ўқиб-ўрганиши учун яхши шароитлар яратишлари мумкин: улар дунёни бир бутун ҳолда онг-идрок билан бошқаришлари, инсониятнинг умумий кучларини биргаликда баҳолашлари ва тасдиқлашлари мумкин. Бу янги, онгли маданият яхлит олганда онг-шуурсиз ҳайвоний ёхуд ўсимликларга хос яшаб келган маданиятни барбод этади; шу билан бирга у тараққиётга ишончсизликни ҳам йўқотади – тараққиёт бўлиши мумкинлигига ишонтиради. Мен айтмоқчиманки: тараққиёт зарурат тариқасида келади деб ишониш бир чеккаси бемаънилик, қолаверса бунга ҳали вақт бор; лекин унинг мумкинлигини қандай инкор қилиш мумкин? Аксинча, эски маданият руҳидаги ва йўлидаги тараққиётни ҳатто ақлга сифдириб

бўлмайди. Романтик фантастика ўз мақсадлари йўлида (мисол тариқасида ўз қобигига ўралиб қолган чекланган халқ маданиятлари борасида) ҳамон «тараққиёт» сўзини қўлларкан, унинг сиймосини ҳар қалай ўтмишдан ўзлаштиради, унинг бу соҳага оид тафаккури ва тасаввурлари ҳар қандай оригиналликдан маҳрумдир.

**(«Инсонга хос...», 24)**

ШУҲРАТИ СЎНГАН СЎЗЛАР. Йўқолсин одамни тамом зериктириб юборган «оптимизм» ва «пессимизм» деган сўзлар! Кун сайин уларни қўллаш сабаблари камайиб боряпти; фақат маҳмадона вайсақиларгина уларни ҳамон тилдан қўймайдилар. Зотан, оламлар аро энг аълосини яратиши керак бўлган, бунинг устига ўзи яхшилик ва баркамоллик тимсоли – Худони ёқлашнинг зарурати қолмагандан сўнг, албатта, оптимист бўлиш шартми? – Ва қайси бир мутафаккир энди Худо деган гипотезага муҳтож? – Лекин худди шунингдек, пессимистик таълимотга ҳам ҳеч қандай ўрин йўқ, агарда Худонинг адвокатлари, илоҳиётчилар ва илоҳиётчиларга ўхшаган файласуфларнинг қитиқ патига тегишини истамасанг ва тамомила тескари бир фикрларни ёқлаб ўтирамасанг, яъни ёмонлик ҳукм сураяпти, роҳатдан кўра азоб қўп, олам эса носоз қурилган, у ҳаётга нисбатан ёвуз ироданинг намоён бўлиши, холос, деб айтмасанг агарда. Лекин энди илоҳиётчилар тўғрисида илоҳиётчилардан ўзга ким қайфуради? – Лекин агар ҳар қандай илоҳиётчилик ва унга қарши курашни бир чеккага йифишириб қўйсак, унда кундай равшанки, олам яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас – «Энг яхши» ва «Энг ёмон» оламларнинг борлиги даргумон – шу билан бирга

«яхши» ва «ёмон» деган тушунчалар фақат одамларгагина нисбатан қўллангандағина маънога эга – ва ҳатто бу ўринда ҳам балки ўзининг одатдаги қўлланишида тўғри эмас. Ёмонлайдиган ва улуғлайдиган тарзда дунёни тушунишдан биз ҳарҳолда ўзимизни тийишимиз керак.

(“Инсонга хос...”)

Суқрот нима иш қилган, нимани айтган ва айтмаган бўлмасин мен ҳамма-ҳаммасида унинг жасорати ва донишмандалигидан ҳайратланаман. Афинанинг ошиғи ва масҳарабози, бадрўй ва камамуш овловчи, кўпдан-кўп навқирон дилларни ўзига асиру мафтун айлаб йифлатган бу зот ер юзида ҳозир ва аввалда яшаган одамлар орасида энг донишманд вайсақи бўлибгина қолмай, балки чурқ этиб оғиз очмай, индамай туришда ҳам фоятда буюк эди. Мен у ўз ҳаётининг энг сўнгги дамларида ҳам чурқ этмай туришини истардим. Балки шунда у янада юксакроқ ақл эгалари қаторида турган бўларди. Ўлим шарпасимикин ё заҳар таъсиридамикин, тақваданмикин ё қаҳру фазабдан – нимадир охирги сонияда унинг тилини ечиб юборди ва у: «О, Критон мен Асклепийга хўroz қарз эдим», деди. Бу ўта кулгили ва даҳшатли «охирги сўз»ни билган одам шундай тушунади: «О, Критон, ҳаёт бу – bemorlikdir!» О, наҳот шундай! Бутун ҳамманинг кўз ўнгиди худди сарбоздек шўх кулиб яшаган шу одам – наҳот умидсиз бўлса! У ҳаётга доим табассум қилиб, шу билан бирга бутун умри бўйи ўзининг охирги фикри, ўзининг энг эзгу тилагини яшириб келган бўлса! Суқрот ҳаётдан азоб тортган! Шунинг учун ундан ўзининг ҳалиги сирли, мудҳиш, тақвога тўлиқ, куфроний сўзи билан ўчини олган!

Суқрот ўзининг ўчини олиши керак эдими? Унинг қирғоқлардан ошиб-тошиб ҳайқириб ётган хайру саховатига олийҳимматликнинг қандайдир бир учқуни етишмай қоддимикин? – О, ёронлар! Биз бу юнонлардан ҳам ошиб ўтиб кетишимииз керак!

(«*Қувноқ фан*», 340)

### **Мастона қўшиқ, 10**

О, олий одамлар? Энди сизнинг дилингизда не бор? Башоратгўйманми мен? Хулёгўй? Ё мастрона? Ё таъбир этувчи? Ё ярим тунда урилган жом?

Шабнам қатраси? Мангулик парлари ва ё муаттар ислари? Наҳот сиз эшитмайсиз? Наҳот сиз сезмайсиз? Менга тегишли олам шу тобда камолга етди, ярим тун – худди қоқ кундузги тушдек.

Қайгу қувончдек, қарғиш алқашдек, тун худди кундек, – кетингиз! Ё сиз-да ўрганурсиз: доно худди ўша телбаи зордек.

Сиз ҳеч қачон шодиёнани кўрганмисиз? О, ёронларим, унда сизлар қандай қайфуни ҳам кўргайсиз. Ҳаммаси чатишган, ҳаммаси чалкашган, ҳаммаси бири иккинчисига ошиқу беқарор.

– Ҳеч қачон лаҳзани икки карра бошдан кечиришни истаганмисиз, сиз ҳеч қачон: «Сен менга ёқасан, иқбол! Сония! Лахза!» – деб айтганмисиз! Унда сиз ҳаммаси яна қайтиб келишини истагансиз!

– Ҳаммаси яна янгидан, ҳаммаси мангур, ҳаммаси чатишган, ҳаммаси чалкашган, ҳаммаси бири иккинчисига ошиқу беқарор, о, сиз оламни шундай севгансиз!

– Сиз, мангулар, уни мангуга ва ҳамма замонларда севингиз; ва шунингдек, қайфуга ҳам айтингиз: даф бўл, лекин яна қайтиб кел! Шодлик эса ота остонасига ошиқдур!

(«*Зардўшт таваллоси*»)

## **ОДАМ – ОДАМНИНГ САЙҚАЛИ**

Шарқда кенг тарқалган ривоят бор: бир инсонни чўлда йиртқич қувади, у қочиб бораётиб, қудуққа дуч келади ҳамда ўзини унинг ичига отади. Кўрсаки, қудуқда бир аждаҳо оғзини катта очиб турганмиш. Шунда у киши қудуқ деворидан ўсиб чиққан илдизга илиниб қолади. Тепада йиртқич, пастда аждаҳо, у эса аросатда. Бир замон қараса, битта оқ ва қора сичқон зўр бериб, илдизни кемирияпди. У саноқди лаҳзалар оралиғида илдиз емирилишинию ўзини муқаррар қисмат кутиб турганлигини ҳис қилади. Шу пайт унинг кўзи япроқ бандидан сизғиб чиқаётган асалга тушади ва тили билан уни ялай бошлайди.

Мана – инсоннинг Ҳаёт формуласи ва «Денгиздек ҳайқириб ётган» тафаккур олами. Азалдан буён малҳам излаётган оғриқ.

Улуғ немис файласуфи Фридрих Нитше (1844-1900 йиллар) ҳам умр бўйи энг улуғ ҳамда ўлмас мавзу – инсоннинг заминдаги ўрни хусусида ўйлади ва айтди. Унинг ёзувларини илғаш учун эса ўқувчи маълум тайёргарликка эга бўлиши лозим.

***Иброҳим ФАФУРОВ***

## МУНДАРИЖА

### БИРИНЧИ ҚИСМ

Дебоча .....	3
Аъло одам ва охирги одам зикри .....	3
Зардўшт нолалари .....	24
Яхшиликнинг меҳроблари .....	27
Нариги дунёчилар зикри .....	31
Жисмдан жирканувчилар зикрида .....	35
Шодлик ва эҳтирослар зикрида .....	38
Бўзарган жинояткор зикрида .....	40
Бўзарган жинояткор зикри .....	43
Мутолаа ва хат зикрида .....	44
Тоғдаги дараҳт .....	46
Ўлим воизлари зикри.....	50
Уруш ва аскарлар зикри .....	53
Янги санам зикри.....	55
Бозор пашшалари зикри .....	59
«Бозор пашшалари» .....	62
Иффат зикри .....	64
Дўст зикри.....	66
Минг бир мақсад зикри .....	68
Яқинларга муҳаббат зикри.....	72
Бунёдкорнинг йўли зикри .....	74
Қари ва ёш аёллар зикрида.....	78
Илон чақиши зикри.....	81
Бола ва никоҳ зикри .....	84
Эркин ўлим зикри .....	87
Эҳсон қилювчи эзгулик зикри.....	90

### ИККИНЧИ ҚИСМ

Бола билан ойна .....	97
Фароғатли оролларда .....	101
Мушфиқлар зикри.....	104
Руҳонийлар зикри .....	108
Яхши фазилат эгалари зикри.....	112
Қаланғи-қасангি кимсалар зикри .....	117
Бий зикри.....	121

Машхур фозиллар зикри .....	126
Тунги құшиқ .....	130
Рақс құшиғи .....	132
Мақбара құшиғи .....	136
Үз-үзини енгиш зикри .....	140
Сарбаландлар зикри.....	145
Маданият ўлкаси зикри .....	149
Бикрат билик зикри .....	152
Олимлар зикри .....	156
Шоирлар зикри.....	159
Буюк воқеалар зикри .....	164
Башораттгүй .....	169
Халос бўлиш зикри .....	174
Инсон донишмандлиги зикри .....	181
Энг осуда соат .....	185

### *УЧИНЧИ ҚИСМ*

Дарбадар дарвеш .....	190
Шарпа ва жумбоқ зикри .....	194
Ихтиёрга қарши роҳат зикри .....	201
Кун чиқиши арафасида .....	206
Камсуқум эзгулик зикри.....	210
Елеон тогида.....	219
Ёнидан ўтиб кетиш .....	223
Айниганлар зикрида.....	228
Қайтиш .....	234
Уч ёмонлик зикри .....	239
Оғирчилик руҳи ҳақида .....	246
Янги ва эски лавҳлар зикри .....	252
Соғаювчи .....	280
Буюк интизорлик зикри .....	289
Бошқа рақс құшиғи .....	293
Етти муҳр .....	298

### *ТҮРТИНЧИ ВА ОХИРГИ ҚИСМ*

Назр асал .....	304
Мадад сўраган товуш .....	309
Қироллар билан мусоҳаба .....	314
Зулук .....	320

Сәхргар.....	324
Истеъфода .....	333
Энг бадбашара одам .....	339
Ихтиёрий фақир.....	346
Кўланка .....	351
Қоқ пешин .....	356
Кутлаш.....	360
Махфий шом зиёфати .....	367
Олий одам зикри .....	370
Софингч қўшиғи .....	385
Ирфон зикри .....	390
Саҳро қизлари ўртасида.....	395
Уйғониш .....	401
Эшак байрами.....	405
Мастона қўшиқ .....	410
Каромат .....	421
<i>Иброҳим Faфуроv. Фридрих Нитше – тафаккур ва хаёлот сеҳргари (Сўнгсўз ўрнида)</i> .....	425

*Адабий-бадиий нашр*

**ФРИДРИХ НИТШЕ**

**ЗАРДҮШТ ТАВАЛЛОСИ**

*Насрий достон*

Мұхаррір  
Маъмурға ҚУТАЛЕВА

Мусаҳҳих  
Суннат МУСАМЕДОВ

Бадиий мұхаррір  
Уйғун СОЛИХОВ

Техник мұхаррір  
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда сақыфаловчи  
Нигора УМАРҚУЛОВА

Лицензия рақами: AI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишка 2015 йил 22 октябрда рұхсат этилди.

Босма таборғы 14,0. Шартлы босма таборғы 23,52.

Гарнитура «Bookman Old Style». Оффсет қоғоз.

Адади 5000 нұсха. Буюртма № 193.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 278-30-52;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru